



Шарқ юлдузи

Ойлик
адабий-бадиий,
ижтимоий-сиёсий
журнал

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи

3

1986

55-йил чиқиши

Бош редактор

Уткир ҲОШИМОВ

Редколлегия:

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ

Саид АҲМАД

Абдусайд КҮЧИМОВ

(масъул секретарь)

Мурод МУҲАММАД ДУСТ

(проза бўлими мудири)

Омон МУХТОРОВ

(поэзия бўлими мудири)

Умарали НОРМАТОВ

Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА

Хайриддин СУЛТОНОВ

Зоя ТУМАНОВА

Туроб ТҮЛА

Худойберди ТҮХТАБОЕВ

(бош редактор ўринбосари)

УЙҒУН

Ўлмас УМАРБЕКОВ

Носир ФОЗИЛОВ


Тўлапберген ҚАЙПБЕРГЕНОВ

Азиз ҚАЮМОВ

Ҳамид ҒУЛОМ

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

УШБУ СОНДА



Шеърлыкт

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА

**КУНГИЛ УЙИНГИЗГА
КИРДИМ МЕН**

ШЕЪРЛАР

Отам бўлсанг, руҳингга садоқатдан айтайин,
Болам бўлсанг, ёнар жон, ёнар хатдан айтайин,
Момом, онам айтганини мен бошқатдан айтайин,
Куйлагим шамолида баҳра олар Ватансан,
Майсасида сочимнинг ҳиди қолар Ватансан.



Ҳисса

Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ
ЖУРЪАТ

ҲИССА

«Ҳозирги кунда биз ҳамма нарсани ўз номи билан атамоқдамиз: муваффақиятни — муваффақият, камчилики — камчилик, хатони — хато демоқдамиз», деди ўртоқ М. С. Горбачев. Бу фикр ҳамма учун, жумладан адиблар учун янада эркин, очиқ-ойдин гапириш, ёзиш ҳуқуқини беради.



Ҳикоялар ҳазини

Михаил ШОЛОХОВ

ХОЛ

ҲИКОЯ

Биз қалбимиз амри билан ёзамиз,
қалбимиз эса партияникидир.



Анвар Эшонов

КОММУНИСТ

Биз янги жамият сари ҳеч ким босиб ўтмаган йўлнинг кашшофлари бўлганимиздан, шу йўлдан муносиб ва комил ишонч билан бораётганимиздан фахрланамиз!

М. С. Горбачёв.

Коммунист!

Ховучингга дарё сифмаганидек, муқаддас бу сўзни мукаммал шарҳлаш қийин. «Томчида куёш акс этади», деймиз. Тўғри, лекин томчи томчида. Табаррук куёшнинг жонбахш ҳарорати ё чегара билмайдиган қамрови томчида тўлиқ акс этолмайди-ку!

Коммунистнинг инқилобий даврларнинг маънавий эҳтиёжига айланган «Коммунистлар, олға!» деган чақириққа амал қилишдан ўзга имтиёзи йўқ. Бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки жамиятнинг жамоли — инсон камолига боғлиқ.

Коммунист — кўнгилнинг офтобланиши. Коммунист — одамзод қалбига чиққан куёш. Коммунист — ҳаромдан ҳазар қилишлик. Шуурнинг шўраланиб, ҳисни ис босиб, кўнгил хира тортган ерда коммунистлик ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас. Ҳар қанақа тубанлик худбинликдан бошланади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми неча йиллар аравани қуруқ опқочиб, қалби занглаган айрим кимсаларни адолатнинг кўзгусига солиб кўрсатди. Кўзгу — ҳаёт қўлида. Афтинг қийшиқ бўлса, кўзгудан ўпкалама. Экканингни ўрасан. «Текин томоқ танни тозалар», «Ётиб еганга тоғ ҳам чидамас» қабалида улар юртга келтирган моддий зарар ундирилади. Борди-ю, ҳаром-харишнинг фарқига бормайдиган ўпқондек жиғилдонларига сингиб кетган бўлса, ўрни тўлиб кетади. Лекин улар «Оғирнинг устидан, енгилнинг остидан» юрадиган имони суст кишиларга юқтирган калондимоғлик, манманлик, пешона тери билан кун кўрадиганларни оёқ учида кўрсатиш, маҳаллийчилик, қариндош-уруғ, ошна-оғайнигарчилик, лаганбардорлик, қисқаси маънавий қашшоқлик-чи, майда буржуазия психологияси-чи? Бу иллатни тозалаш — онгни чархлаш сал қийинроқ...

Коммунист — Маркснинг оловбардорлиги.

Коммунист — Лениннинг яловбардорлиги.

Коммунист — Инқилобнинг зарбдорлиги.

Коммунист — қурашувчан шахснинг жамиятдан қарздорлиги:

«Айтинг,

нега менинг онам

туғмадиган илгари,

Миллион-миллион

партизанлар — кўнгилдилар сингари!»

Бу оташин сатрлар ички, ташқи душманга — «Қусуғига ёнбошлаган амир Олим, Асфандиёр, қочоқ Жунайд, пистирмачи Абдуллоҳ, кафан танли инглиз, фаҳшнинг, қалбаки сурурнинг кўриги»га қарши курашган 20-йилларнинг «Будённийдек серсавлат, Фрунзедек эр...» коммунистлари — «Ромба таққан қўмондонлар, қаҳрамонлар» ҳақида.

Гражданлар уруши йилларида ҳар юзта қизил аскарнинг бештаси коммунист — ВКП(б) аъзоси бўлган:

«Иқтидорим:

**Мураббийси — ВКП(б) даҳоси
шуълалари тагида,
Гавризангар чўққисидай
виқорли,
Қизил аскар шлёмидай —
дағдағали муқтадир».**

Ушбу ўлмас сатрлар эса ўттизинчи йилларнинг коммунистлари ҳақида:

**«Ақлимиз ва шууримиз —
Госплан,
Миямиз — глобус,
миллиметраси — минг километр.
Ҳар чизги
Қурилишдан бир белги —
ютуқлардан плюс.
Биз,
Ер куррасин бошини танғидик
Ва тарихнинг томирларига қўйдик
эриган темир».**

Йиллар — коммунистлар забт этган қалъа. Зотан, коммунистлар ололмайдиган кўрғон йўқ.

Улуғ Ватан уруши бошланганда ҳар юзта жангчининг ўн учтаси, охирлаётганда эса йигирма бештаси коммунист эди. Буюк Ғалабамизнинг остонаси олдида йигирма миллион шаҳид — йигирма миллион фарзанд Европа йўлларида ўқдан учиб қолдилар. Уларнинг уч миллиони коммунист эди. Лекин сафлар сийраклашгани йўқ. Ғалаба амри-ла мағлуб фашистнинг генералига қўл қўйдирганларнинг беш миллион уч юз ўн тўққиз мингтаси коммунист эди.

Қуйидаги сатрлар қирқинчи йилларнинг коммунистлари, партиясиз большевиклари ҳақида:

**«Жаҳоннинг катталиги аниқ ўлчангунча йўқ,
Ҳарҳолда бир солдатнинг қалбидан кичик бўлур».**

Демак, дунё саксон беш марта сумалак ялаб, саксон беш марта чаккасига райҳон тақиб, саксон беш қовун пишиғини кўрган партиясиз большевик Саидолим Сайдалиевнинг юрагидан кичикроқ...

Мен урушни устоз Ғафур Ғуломнинг кўзларида кўрганман:

**«Зўр карвон йўлида етим бўтадек,
Интизор кўзларида ҳалқа-ҳалқа ёш,
Энг кичик заррадан Юпитергача
Ўзинг мураббийсан, хабар бер, Қуёш!»**

Шоир кўзи — халқнинг кўзи. Шоир сўзи — халқнинг сўзи.

Карвон — фақатгина ўзбекистонликларнинг ўзидан минг-минглаб кишини жанггоҳларга ташиган қизил эшелонлар. Ўша қутлуғ карвонда юраклари зирқираб, кетмонини яхобнинг тепасида қолдирган Саидолим Сайдалиев ҳам бор эди.

Кўзлар — уруш қизигандан-қизиган ўша 1943 йилнинг 30 январидан 31 январигача гулидан бир гули очилмаган аёлининг мўлтираган кўзлари.

Кўзлар — ўша кезларида совумаган бешиқдан чиққан иккита ўғилчасининг жавдираган кўзлари.

Фақатгина 1943 йилнинг 30 январидан 31 январигача Саидолим Сайдалиев билан бир

вагонда жангга кетган ўн беш нафар йигитдан иккитасигина «Қизил Юлдуз» колхозига қайтди, холос.

«Европада қолган қабрлар» аро 1943 йилнинг 30 январидагина жангга кетган ҳасанбойлик ўн уч йигит хоки бор.

«Нечоғлик тирик жон бўлса Ватанда» уруш унинг қисматига дахлдор. Улуғ Ватан уруши бу! Уруш — юракларга чўккан тирик хотира. Уруш — сийнамизда қолган осколка. Ҳали-ҳали қалбимиз нозик сейсмик станция — зилзилалар тингани йўқ. Тинмайди ҳам. Уруш — кўзимизга сингиган ғариб манзара.

Ғалаба! «Нечоғлик тирик жон бўлса Ватанда». Бу сўз бирдай муштарак туйғу. Бирдай тааллуқли сўз. Бу сўз шаҳидларнинг кўксига ёнган ўқ аралаш бир армон.

Ғалаба! Бу сўз «Кўпга келган тўй экан-да», деб машоқ терган келинчак, ўти ўчган сандалда кўсак чувиган чол, икки отнинг бўйнига арқон боғлаб кўсақларнинг қорини туширган бола...

Ғалаба! — халқ деган сўз:

**«Ғалаба амри-ла мағлуб немиснинг
Генерали қўл қўйди. Уч секунд фақат.
Шу малъун имзода одамлар ўқир
Миллион йил фашистнинг умрига лаънат!»**

Фахрлансак арзийди. 1945 йил 9 майда Берлиндан Москвага Ғалаба байроғи ва фашистлар Германияси таслим бўлганлиги ҳақидаги актни олиб келган самолёт экипажининг составида бир ўзбек — Абдусамат Тойметов ҳам бор эди. Абдусамат Тойметов Улуғ Ватан уруши йилларида кўрсатган жасорати учун мукофотланган бир юзу йигирма минг ўзбекистонликнинг тимсоли эмасми? Улардан уч юз ўттиз саккизтасига Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилган. Ўттиз саккизтаси «Шуҳрат» орденларининг тўлиқ кавалери.

Ўзбекларнинг миллий ғурурига айланиб қолган бундай фактларни кўплаб келтириш мумкин. Назаримда, Саидолим Сайдалиев ҳам шу дарёнинг томчиси. «Қизил Юлдуз» ордени эгасини — бир юз йигирма тўққизинчи дивизиянинг тўрт юз эллик олтинчи ўқчи полкининг собиқ рядовой аскарини топгунча озмунча йўл юрдими? Орден унга 1943 йил 22 июнда кўрсатган жасорати учун берилганди. Госпиталдан госпиталга кўчавериб жангчининг изи йўқолганди... Уша куни бир палакдан тарқаган ўн боланинг кўзларига боқсангиз борми, олам қалби ифтихорга тўлиб-тошиб кетаётганга ўхшарди:

**«Жаҳоннинг катталиги аниқ ўлчангунча йўқ,
Ҳарҳолда бир солдатнинг қалбидан кичик бўлур».**

Демак, дунё оддий ўзбек солдати Саидолим Сайдалиевнинг юрагидан кичикроқ...

Шоир: «Келгусига мендайлардан

миллион-миллионлар керак», деб ҳайқирганидек, Коммунист — даврларнинг энг буюк шиори — «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!»ни ҳар қачонгидан ҳам баланд кўтармоқ.

Бир сўз билан айтганда, Коммунист — қалбнинг тозаланиши. Инсоннинг покланиши. Инсон қанча покланса — Ленинга шунчалик яқинлашади.

Ленин — Коммунистнинг баркамоллиги:

«Ленин

ҳамма тириклардан тирик

ҳар қачон.

У биз учун билим,

қурол

ва қудрат».

Баҳром Раҳимов,

Сирдарё областидаги «Оқ олтин»
агросоат бирлашмасига қаршли
«Чинобод» совхозининг 1-бўлим
бошқарувчиси.

ЕР — СИЙЛАГАННИКИ

Партиямизнинг бўлиб ўтган навбатдаги съездини бутун совет кишилари зўр ҳаяжон ва кўтаринки руҳ билан кутиб олди. Бу — бежиз эмас эди, албатта. Чунки тарихий анжуман ҳужжатларида кўп миллатли ватанимиз меҳнаткашларининг қалб тўрида ётган эзгу ният ва мақсадларининг барчаси ўз ифодасини топди. Ижтимоий ҳаётимиз ва коммунистик қурилишимизда тубдан инқилоб ясайдиган шундай улкан истиқбол режалар белгилаб берилдики, эртанги кунимизнинг нашидаси биз, деҳқонларни ҳам ғоят тўлқинлантириб юборди. Айниқса, тарихий ҳужжатларда ердан оқилона фойдаланиш, уни шамол ва сув емириши, сел, кўчки, сув босиши, ботқоқланиш, қуриб қолиш ҳамда ифлосланишдан муҳофаза қилиш, шунингдек, экинларни ҳимоя қилишда инсонга зарарсиз усулларни қўллашга эътиборни кучайтириш ҳам алоҳида қайд этиб ўтилгани айни муддао бўлди.

Агар гап ернинг қадри ҳақида борса, кўз ўнгимда дарҳол сирдарёликлар гавдаланади. Бунинг боиси ерга ишқи тушган, унинг заҳматини чеккан ҳар бир деҳқонга равшан. Мирзачўлликлар ҳақиқатан ҳам ерни — хазинага, сувни — олтинга қиёслашади. Мирзачўлнинг ўтмишига бугунини эса таърифлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Бу — бутун мамлакатга, қолаверса, бутун жаҳонга маълум. Чет эллик меҳмонлар биз меҳнат қилиб яшаётган масканини, тошда гул унган бу гўшани «халқаро лаборатория» деб аташади. Жуда топиб айтилган ташбеҳ! Ҳа, бу баҳо бугунги Мирзачўлга ярашиб тушади. Лекин тап-тақир; шўр босган, тўқайзор, ботқоққа айланган ташландиқ заминнинг қиёфаси осонликча ўзгаргани йўқ. Мана шу бийдек далаларда бир неча авлоднинг тақдири кечди ва бир неча авлод ҳар жиҳатдан синовдан ўтди.

Бугунги чўлимиз ҳар бир чўлликнинг азиз ватани, киндик қони томган юрти бўлиб қолди. Дастлаб зўр шижоат билан саҳрони шафқатсиз табиатига дош бериб, меҳнатнинг афсонавий намуналарини кўрсатган боболаримиз ва момоларимизнинг ўчмас хотирасига таъзим қиламиз. Улар киндик қони томган қадрдон қишлоғи ёки шаҳарини тарк этиб, шу ҳайҳотдек даштларда умргузаронлик қилган ва шу саҳрои бадиияда бир чечак ўстириб; сўнгра унда мангуга бош қўйган бўлсалар, чўлликларнинг эндиги авлоди Мирзачўлда туғилиб, вояга етмоқдалар. Бу гапларни шунинг учун айтаяпманки, Мирзачўлнинг оғуши чин фарзанднинг меҳр ҳарорати билан доимо илиб туриши керак. Ҳашарчи ва корандалар эса ана шу ташналикни асло қондиролмайди.

Кўп тармоқли бирлашмаимизда ҳосилдорликнинг йил сайин ошиб бораётганлиги бизни қувонтиради. Мен бошлиқ бўлимнинг 600 гектарлик янги ўзлаштирилган майдонидан олинаётган ҳосил гектар бошига 25 центнерга яқинлашиб қолди. Шунга қарамай, бу бизга тасалли бўлолмайди. Ернинг тилини топа билган, уни эъзозлай олган деҳқон саховатли заминнинг ҳиммати чексизлигини яхши ҳис қилади. Бунинг устига бугунги деҳқон фақат аждодларининг кўп минг йиллик бебаҳо тажрибасигагина суяниб қолмасдан, балки илм-фан ва техника ютуқларидан ҳам мадад олади. Деҳқонларимиз орасида олий маълумотга эга бўлганларнинг кўплиги ҳозир ҳеч кимни ажаблантирмайди. Кези келганда шуни айтиш керакки, баъзи бир аввалги раҳбарлар деҳқон билан доим ҳам ҳисоблашавермас, район ёки область марказидан келиб, маҳаллий шарт-шароит билан яхши таниш бўлмаган ҳолда, «ғўза баргини фалон кундан тўкишга киришинг, шудгорни фалон кундан бошланг» қабилида кетма-кет буйруқлар беришарди. Ахир, дил меҳри, кўз нури билан ҳосил етиштирган деҳқон бундай бўлар-бўлмас «маслаҳат»ларга муҳтож эмас-ку!

Умид қиламанки, ўн иккинчи беш йиллик бизнинг хўжалигимизда ҳам катта бурилиш ясайди. Зироат ишларини, мелиорация тадбирларини, агротехника янгилликларини, илмий асосда ташкил қиламиз. Кимёвий усуллардан меъёрида фойдаланамиз. Биологик курашнинг эса бугунгача қўлга киритилган ютуқларини ўз хўжалигимизда қўллаймиз.

Чаманга айланган чўлимизга бундан кейин ташриф буюрадиган ёш йигит-қизларга қарата эса шундай деб айтгим келади:

— Иккинчи Фарғонага чин фарзанд бўлгани келинг!

Ҳамидулла Иброҳимов,

«Ташсельмаш» заводининг бош тех-
нология бўлими бюроси бошлиғи, ра-
ционализатор.

ИХТИРОМИЗ — ДЕҲҚОНГА МАДАД

Коммунистик партиямиз съездининг юксак минбаридан ихтирочилар, рационализаторлар ва новаторлар шаънига айтилган гаплар, хусусан, ихтиролар ва рационализаторлик таклифларининг халқ ҳўжалигига ўз вақтида тадбиқ этиш учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш тўғрисидаги талаблар бизни ғоят руҳлантириб юборди. Айни пайтда ана шу ҳамда фан, техника ва ишлаб чиқариш ҳамкорлигини таъминлаш имкониятини туғдирадиган ташкилий шакллари вужудга келтириш борасидаги мулоҳазалар ҳам бундан кейинги изланишларимизга таъсир этмай қолмайди, албатта.

Биз, рационализаторларга партиямизнинг бу даъвати янги масъулият ва вазифалар юклайди, шунингдек, истиқбол манзилларини кўзлаб ишлаш ва яшашга рағбат уйғотади. Агар биз партия ва ҳукуватимизнинг халқнинг оммавий ижодини ҳамisha қадрлаб, ғам-хўрлик кўрсатиб келаётганини ўйласак, миннатдорчилигимиз янада ўн чандон ошади. Чунки 1919 йилнинг 30 июнидаёқ доҳиймиз В. И. Лениннинг табаррук имзоси чекилган «Ихтиролар ҳақида»ги декретиде совет ихтирочилигининг дастлабки ҳуқуқий ва ижтимоий асослари белгилаб берилган эди. СССР Бахт қомусининг 47-моддасида эса халқ оммаси ижодининг муҳим шаклларида бири — ихтирочилик ва рационализаторлик ҳаракатига катта юридик ҳуқуқлар берилгани қайд этилган. Конституциямиз берган ҳуқуқнинг самарасини мана бу рақамлар рўйирост айтиб турибди: иттифоқимиздаги ихтирочилар ва рационализаторларнинг кўнгилли жамиятида ўн миллиондан ортиқ меҳнаткаш ижод қилади; республикамизнинг кўнгилли жамиятида эса 3650 бошланғич ташкилот бўлиб, уларда 380 мингдан зиёд новатор янгилик яратмоқда; ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йилида ишлаб чиқаришга жорий этилган ихтиро ва рационализаторлик таклифларидан қўлга киритилган иқтисодий фойда 1 миллиард сўмдан ошиб кетди.

Энди бу улкан иқтисодий самарага мен ишлаётган «Ташсельмаш» заводининг қўшган ҳиссасига тўхталадиган бўлсам, қалбимни илиқ бир фахр ҳисси чулғаб олади: ўтган беш йилликда корхонамиз ишлаб чиқаришга жорий этган 1821 рационализаторлик таклифи ва 11 ихтиродан 2 миллион 806 минг сўм иқтисодий фойда келди.


Ийгирма бир йилдирки, республикамиз индустрияси ва машинасозлик саноатининг

мана шу тўнғич корхонасида меҳнат қилиб келмоқдаман. Бу йиллар орасида пахта териш агрегатларининг тобора такомиллашиб бораётганининг гувоҳи бўлдим. 1929 йили Америкадан сотиб олинган «Турман-вакуум» деб аталган пневматик шлангли пахта териш машинаси ёки заводимизнинг илк агрегатлари билан бугунги «14XB—2,4A», «ХНП—1,8», «ХВН—1,2», «ХВА—1,2», «ХВБ—1,8» маркали «зангори кема»лар орасида беқийс тафовут бор. Ҳозир тўрт қаторли агрегатда икки сме-нада кунига ўн тоннадан «оқ олтин» териб олиш мумкин. Заводимизнинг йиллик қуввати эса 10 мингдан зиёд агрегатни ишлаб чиқаришга қодир.

Албатта, бугунги ютуқларимиз хотиржам ва лоқайд бўлишга асло ҳуқуқ бермайди. Буни техника тараққиёти ҳам тақозо этади. Шу муносабат билан таниқли совет ихтирочиси, техника фанлари доктори, профессор Николай Тимофеевич Петровичнинг мана бу ҳик-матга мойил сўзларини эслатиб ўтиш ўринлидир. «Ҳамма нарсани такомиллаштириш мумкин, ҳар бир киши янгилик ярата олади». Фан ва техника тараққиёти ҳеч қачон чегара билмайди. Бу соҳадаги турғунлик эса инқироздан бошқа нарса эмас.

Ҳали деҳқонларимиз кўпинча шоирона атама билан «зангори кема» деб юритиладиган пахта териш машиналаримиздан тўла ва тамомила қониққанларича йўқ. Улар ўз меҳнатларини қадрлашни яхши билишади. Деҳқонлар манглайнинг инжу терлари билан етиштирилган ҳосилнинг бир мисқолини ҳам нобуд қилмай, толасига ва чигитига заха етказмай ҳамда топ-тозалаб тера оладиган машиналаргагина тан берадилар. Заҳматкаш деҳқонларимизнинг миннатдорлигини қозонишни ҳар бир олим, конструктор, ихтирочи, рационализатор ва новатор ўз бурчи деб билиши ҳам фарз, ҳам қарз. Менимча, ана шунда ишчи-деҳқон иттифоқининг монолит бирлиги янада мустаҳкамланиб бораверади.

Сўнги йилларда маънавий ва ижтимоий ҳаётимизнинг янги изга тушиб олгани, тараққиётимизга ғов бўлаётган ҳар қандай иллатларнинг бартараф қилинаётгани ва ниҳоят тарихий анжуманда белгилаб берилган истиқбол режалар бутун совет кишилари қаторида биз, рационализаторларнинг ҳам ғайратига ғайрат қўшиб юборди. Буларнинг барчаси бизни эртанинг қайғуси билан безовта бўлиб яшашга даъват этади.



Халима Худойбердиева

**КЎНГИЛ УЙИНГИЗГА
КИРДИМ МЕН**



Бу Ватан...

Мен Ватан сўзин қандай нафас билан айтаман,
Бу йўлда қайдан бошлаб, қай нуқтадан қайтаман.
У бир гўдак, мен уни қай тарзда улғайтаман,
Билмам, ўзни англай, деб кўз юмдимми қай фурсат,
Шу хил турфа ҳолатлар аста ростлай бошлар қад.

...Лампачироқ пилиги титраб, куяр кечалар,
Келинчаклар бошини музга қўяр кечалар,
Чақалоқдан отасин ҳидин туяр кечалар,
Куёв қайтиб келмайди, келган ғамни ғарамлаб,
Келинчакнинг фиғони: «Вой тўрам-ей, тўрам»лаб.

Қад кўтараверади, йиллар деворин йиқиб,
Бир тикилган маҳсини тўрт бор тўздириб, тикиб,
Кўрпасин бошга тортса, оёғи қолган чиқиб,
Қийин кунлар қорида юпун, ивиган аёл,
Тирноғидан қон сизиб, кўсак чувиган аёл.

Шу келинчак, шу аёл сенмасмидинг, дилбандим,
Етмиш икки томирим, жигарим, банди-бандим,



Сен отамми, боламми, билолмайман асли ким,
Бир четида қуёшдай онам ботган Ватаним,
Бир четини қўриқлаб отам ётган Ватаним.

Отам бўлсанг, руҳингга садоқатдан айтайин,
Болам бўлсанг, ёнар жон, ёнар хатдан айтайин,
Момом, онам айтганни мен бошқатдан айтайин,
Қуйлагим шамолида баҳра олар Ватансан,
Майсасида сочимнинг ҳиди қолар Ватансан.

Кўраман, хаёл суриб мардлар кетган йўл билан,
Этак изин соғинган чечакли ўнг-сўл билан,
Жанг ханжарлари кесган йигирма миллион қўл билан,
Ғалаба байроғини кўтаришган Ватанни,
Ким разолатдан куйса, тенг куйишган Ватанни.

Шундай, ғалаба барҳақ, ер билан кўк қўлласа,
Кеча-ю бугунги кун, виждону ўқ қўлласа,
Ҳар улусин энг аввал чап кўкрак — чўғ қўлласа,
Суян, абад нурамас қоя бўлар бу Ватан,
Авлодларни кўтарган ғоя бўлар бу Ватан.

Бугун менинг кўксимда гул унадирган куним,
Дийдорингга термилиб, жим тинадирган куним,
Сутдан ҳалол юрт, сенга, сиғинадирган куним,
Бир четида, қуёшдай онам ботган Ватан, деб,
Бир четини қўриқлаб отам ётган Ватан, деб...

Бу осмон...

Бу осмон нақадар ложувард,
Тупроқ ҳам ложувард гўёки.
Бу осмон кўрмаган бирор дард,
Ерда ҳам йўқ бир дард гўёки.

Ҳолбуки, осмонда бор яшин,
Ҳолбуки, заминда бор ғавғо.

Кўрмадим осмоннинг гувлашин,
Ерда ҳам ими-жим кўп савдо.

Менда ҳам, менда ҳам йўқ ҳеч гап,
Юрсам ҳам гоҳи шод, гоҳ ғариб.
Яшайман осмондай чарақлаб,
Яшайман тупроқдай тозашиб...

Бедилона

Ешланмаган бирор кўз топмадим гоҳ,
Бемор қалбга малҳам сўз топмадим гоҳ.
Ўзимнинг бўл, дедим, ҳар ўзгага, лек,
Ўзга — ўзга бўлди, ўз топмадим гоҳ.

Қасос

(Менинг кескин сўзим)

Тўхтанг, учмоқ эрки ҳамиша қўлда,
Эй пойгада отдай терга ботганлар.
Синчковроқ тикилинг, кўринар йўлда
Маъюс, сиздан кетиб бораётганлар.

Турмуш юкларидан елкаси яғир,
Бир-бир босиб ҳорғин, ҳансираган чол



Букчайгандир сизни кўтариб, ахир,
Оёқлари толган, сизга ташиб бол.

Бугун ичи ғовак, омонат толдай,
Ҳар шамол, тўфондан ғичирлар, қариб.
Сиз ғолиблик жомин ичасиз залда,
Қип-қизил юзингиз бадтар қизариб.

Бир бурда, мункайган мана шу кампир
Жилмайиб турса ҳам хокисор, майин.
Яримдир, унинг ҳам кўнгли яримдир,
У ҳам кетиб борар, сиздан он сайин.

Эмраниб, «жон кўзим» деганларида,
Йўқсиз. Қолаверар тиллари куйиб.
Сиз бу пайт телевизор экранларидан
Боқасиз ғолиблик тожини кийиб.

Ўзларига таскин беришар тўлиб:
«Мен боламни дейман, болам боласин».
Бу таскин гулини ташлайман юлиб,
Сиз ҳам не эксангиз шуни оласиз.

Каромат қиламан, сизнинг ҳам фарзанд
Донғи олар еру кўкдан нарини.
Фақат ўзи билан ўзи бўлар банд,
Танимайди қавми, туққанларини.

У ҳам ўз бақувват оёғи билан
Сизнинг юзингизни босиб яшайди.
Дунёда қасосдай бир дор бор, баланд,
Ул сизни шул дорга осиб яшайди!

* * *

Сиз отсиз, минишиб чопишар пойга,
Сиз михсиз, қоқишар истаган жойга.

Ғаддор, ғаламисга тез келасиз кор,
Бировни қилмоқчи бўлса ярадор.

Ўзи биров кўзин силаб қўяди,
Лек сизнинг қўлингиз билан ўяди.

Аммо сизни лақма деб бўлмас кўпам,
Сизда истак бордир шуларга кам-кам.

Яъни биров айтди ёнар бир сўз, гап,
Ўйлайсиз йўл топиб, қилмоқ керак даф.

Биров бирдан тошиб, нақ денгиз келар,
Шунинг қадамини қирққингиз келар.

Буни сезиб, кимки бош кўтарса каж,
Танобин тортмоққа қидирасиз важ.

Сиздаги оғриқ ер — мана шу хуллас,
Буни чуқур билар ул ғаддор, ул кас.

Шундан қурбон излар, сизни тиғ қилиб
Ва истаган жойга қоқар миҳ қилиб...

Сиз отсиз... минишиб қилишар пойга.

Олов сари

Афтга бериб жиддиятнинг тусини,
Эшигингга сиртдан, ичдан қулф уриб,
Ташқарида қолдириб гул исини,
Вазмин кетадирсан уйингга кириб.

Бу ҳолатдан ғунча кулар қикирлаб,
Ғунча нима, ўйлаб кўрсанг танангга.
Тун чоғлари бир-бирини «юр-юр»лаб,
Ой нурлари кирмоқ бўлар хонангга.

Қизик, тўсиқ бўлмас экан нур учун,
Қўя қолса бўлар сиртдан мўралаб.
Бу ой нури саркаш боладай нечун
Утаверар панжаралар оралаб,

Хоналарга жони сиғмай бола хит,
Тушларида чорлар дала, ўнгирлар,
Ойнинг нури сенга берар халақит,
Бу нур балки уйдан бир не ўғирлар.

Нурдан кўркув, кўркув гулдан, қуёшдан,
Бор кўркувни бир қулф билан енгасан —
Ҳадик — таниш, нотанишдан, тенгдошдан,
Сен ҳадигу битта қулфга эгасан.

Мана шундай, дилингга ҳам қулф солиб,
Ўтаяпсан бир кимсани йўлатмай.
Бир кимсанинг бағри аро йўқолиб,
Бир кимсани бир дарахтдай гуллатмай.

Сирдош бўлиб тақдирингга йиғлайман,
Дейсанки, кўп бу ҳаётда олғирлар.
Қўрқасанки, бермасинлар тағин панд,
Олмасинлар юрагингни ўғирлаб.

Йўқ! Айт менга, кимга деб беркитурсан
Дури-гавҳар сандиғидай уйингни,
Асраб-асраб, қайга олиб кетурсан
Райҳон ҳидли дуру жисму бўйингни.

Мен кўрқаман оёқ босмасдан биров,
Қулфли уйинг захлаб, чўкиб қўймаса
Ва юрак ҳам бўлавергач сабр-ғов,
Куз гулидай баргин тўкиб қўймаса,

...Бир кун уйинг очарсан ҳам кўксинг дуд,
Унда аён бўлар кўпнинг кирмаси.
Унда, унда сўраганлар сендан ўт,
Кетар ўзга оловларга чирмашиб.





Йўк, йўк тушмоқ аянч тоқат тоғидан —
Уй, дил қулфин бузиб чиқмоқ ташқари..
Қочмоқ керак ёлғизлик кучоғидан,
Кетмоқ керак олов сари, ишқ сари!

* * *

Ошкор, пинҳон, бор йўлим билан
Кўнгил уйингизга кирдим мен,
Силаб-силаб ўз қўлим билан
Сочингизни оқартирдим мен —

Порлайсиз бу оқлар ярашиб
Бахт ониди, ишқ онларида.
Мен кетаман, тунлар адашиб
Сочингизнинг ўрмонларида.

Тўмариснинг айтгани

Аёлнинг оғири, қўрғошини мен,
Қасос мени ҳам силкитди, қўймади.
Қонли хумга тикдим ёв бошини мен,
Қонга тўйсин, дедим, тўймади.

Мен ҳам нафис эдим, ситора эдим
Қасосимга бўйинсунмаганимда.
«Замон, замонингга ўт кетсин», — дедим
Ханжаримнинг дамин синаганимда.

Набирам, сенга ҳам етади бу хун,
Асли йўқ нарсани сўрамам сендан.
Рақиб дуч келганда, йиғламай маҳзун,
Қон юқи ханжаринг суғургин қиндан.

Қасос ҳаволарин очлик билан ют,
Гарчанд ситорасан, нафис аёлсан.
Менинг гумоним йўқ кетмоғига ўт —
Сен агар «ўт кетсин» дея қўзғалсанг...

Ишонч дарвозасида

Ишонч қўрғонини қуриб кетганлар,
Бу қўрғонда яйраб, юриб кетганлар.
Кимга зах кўриниб қўрғон ичи гоҳ,
Чиқиб ўнг ё чапга уриб кетганлар.

Уриб кетолмадим ёлғизгина мен,
Ишончингдан чиқдим. Қўрғон ёпилди.
Дарвозага боқиб ҳолсизгина мен
Ултирибман оёқларим чопилди.

Ҳаёт давом этар кулиб гулгун, шўх,
Бахтлар чорлайверар, имлайверар шон.
Бироқ, кетмоқликка менда оёқ йўқ,
Бир кун дарвозада беражакман жон.



Она садоқати ва ўғил армони қиссаси

[Халқ йўлида]

Уруш битди. Келган келди, келмаган йироқларда қолди. Кўнгли ярим келинлар қозонларини сувга солди. Кўксини ерга бериб совунган ким, йиғлаб боласига алла айтиб, овунган ким. Юраклари узилиб, сарғайган ой юзидан кўзёшлари сизилиб гўдагининг бешигини тебратиб ўтирган Сайрам келин бир вақтлардаги гум-гурсдай қайнонасининг эшикдан шарпадайгина кириб келаётгани, томоқлари қуриб келаётганини пайқади. «Аҳ ёмон куни қурсин-а, энам шўрли Равшанимнинг отаси урушга кетмаган пайтлар бир силтаниб уйимга кирса, фармонбардор овози гуриллаб, тахмонимдаги кўрпа-тўшагимгача зириллаб кетмасмиди?! Бугун эса... Бугунги кунимга у айбдордай, нимага кўзимга тик қараёлмайди?!» Шу аснода бўғилиб, Сайрам келиннинг нафаси қайтди, сўлиб қолган қайнона қон қақшаб, айтолмай юрган гапини айтди:

Аввал ўти қуюшмаса, деб куйиб юрдим,
Кейин қулуним қўш бўлди, деб суйиб юрдим,
Отинг ўчгур бу урушам бир илинж эди,
Бўталоғимни тушда кўриб, ийиб юрдим.
Онанг ўлсин, куйганимиз рост бўлди-ёв,
Болам, қора кийганимиз рост бўлди-ёв.

Қулунимни қаерлардан топай энди,
Қулунига қора бахмал ёпай энди,
Ёлғизимдан ёдгоримни менга бер-да,
Ит бўл, қўш бўл, сен кўпайгин, кўпай энди.
Тилим тишлаб тош бўлайин, кузатайин,
Қақшаб, ўзим бош бўлайин, узатайин.

Келин эмас, шўрли болам, болам бўлдинг,
Жон чиққунча кўксимдаги нолам бўлдинг,
Шу гапларни айтган тилим қирқилса-чи,
Қандоқ узай жонга боғлиқ толам бўлдинг.
Тилим тишлаб тош бўлайин, кузатайин,
Қақшаб, ўзим бош бўлайин, узатайин.

Шамолман мен, уни елпиб, эсмоқ учун,
Беланчакман, ётмоғига осмоқ учун,
Онанг ўлсин, ёдгоримни ташлаб кетгин,
Кўксимдаги жароҳатга босмоқ учун,
Тилим тишлаб тош бўлайин, кузатайин,
Қақшаб, ўзим бош бўлайин, узатайин.

Буғдой чочсин, тари чочсин гул келиним,
Йўлларидан ёвлар қочсин гул келиним,
Бу шўру тор пешонамга сиғмадинг-ку,
Пешонангни энди очсин гул келиним.
Тилим тишлаб тош бўлайин, кузатайин,
Қақшаб, ўзим бош бўлайин, узатайин.

Сайрам келин бу сўзларни тинглаб ич-ичидан инграб, «Ҳаҳ тўрамнинг ўлгани, бу хонадонга ортиқчалигим сезилибди-да», деб унсиз фиғон чекиб, бу рўзгорга келин бўлиб тушганидан бери биринчи маротаба қайнонасига тик қараб, бу сўзларни сўзлайверди:

Оҳ, энажон-ей, болам дейсиз-у алдайсиз —
Ёки ўлсанг ҳам мендан йироқроқда ўл, дейсиз.



Равшаннинг отаси ўзингизники эмасмиди,
Қайси тил билан «ўзгага хотин бўл», дейсиз.
Тўрамнинг ўлгани ўнг кўриндимми, энажоним-а,
Кўзингизга дўнг кўриндимми, энажоним-а?!

Ботса, берманг егани бир тишлам нонимни,
Тинч қўйинг, эна, тўнкармасдан осмонимни.
Бунда ёдгорим, бунда-ку ёруғ жони-жаҳоним,
Қандоқ кетайин мен опқочиб ёлғиз жонимни?!
Ҳар тун тўрамни туш кўради бу ёстиқлар,
Ўзга бош тегса, чинқиради бу ёстиқлар.

Майли, умрим — қиш, кураганим — қор бўлсин, денг,
Фақат ўзга эр номус бўлсин, ор бўлсин, денг.
Бегона эркак тўшагимни босган кўни
Чилвир сочларим узун бўйнима дор бўлсин, денг.
Қақшаб, ўзингиз ўтказмасдан тўйим, эна,
Ўз қўлингиз билан мени қабрга қўйинг, эна!

Ана шунда қайнонанинг кўзлари «ярқ» этиб очилгандай бўлди.
Хаёлида «Оҳ шўрлик болам-а, сенинг хаёлинг бошқа экан-ку, не ҳадикда
юриб эдим, бугунми, эртами бари бир кетади, ёш нарса, неварамниям
олиб кетади, ўт кетди, хонумонимга ўт кетди, деб, титроқларда туриб
эдим», каби ўй-хаёлларини ўзича пичирлаб, Сайрам келинни бағрига
босди. Келиннинг билаклари ҳам ток новдаларидай унга чирмашди.
Иккаласининг ҳам кўзёшлари шашқатор. Бироқ бу ҳам ёшими, севинч
ёшими илғаш қийин эди...

...Кунлар ўтаверди. Умр кетаверди. Қазоси етиб қайнона кўзини
юмди. Сайрам келин бир фарзанддай қайнонасининг иззатини жойига
қўйиб кўмди. Равшан қирчиллама йигитмисан, йигит бўлиб вояга етди.
Бутун орзу-армонини шу ёлғиз боласида кўрган она унга қишлоқнинг олд
қизини олиб берди. Ҳою ҳавас билан уйлантирди. Энди Сайрам келин
илгариги пайтларидагидай инграниб нола қилмай қўйди. Вақти ҳам бўлмайд
қолди, шекилли. Ўзиям, келини ҳар йили қўзиладими-ей... Олтинчи
фарзанди дунёга келганда Равшанбек оғир дардга чалиниб тўшак тортиб
ётиб қолди. Сайрам келин узун тунлаб тўшакка михланиб ётган Рустами
достондай бемор ўғли бошида инграниб нолами, аллами айтиб ўтирадиган
бўлди.

Беморнинг аҳволи кундан-кун оғирлашаверди. Бир кеча ҳолдан кетиб
бораётганини сезган Равшанбек хотини-болалари билан тинчгина видо-
лашди. Рози-ризалик тилади. Онаси билан, яқин қариндошлари билан ҳам.
Кейин, бир силтанди-ю, равон тилга кирди. Унинг кўзи юмуқ, алаҳсира-
ётганга ўхшар, аммо бу тиниқ, шиддатли сўзлар, ўлим олди алаҳсираши
эмаслиги, бутун умр ўйланган, аммо айтилмаган, юракда сақланган
дардлар эканлиги билан онанинг, ўтирганларнинг кўнглини алғов-далғов
қилиб юборди. Мана, бу ўша лаҳзадаги Равшанбекнинг айтганлари:

Энам, сен энадан эдинг ёлғиз қиз,
Не учун мени ҳам ёлғиз ўстирдинг.
Бировга суяна олмадим, эсиз,
Сениям ҳаммиша ғамбода кўрдим.
Укам деб бировга беролмадим юк,
Синглим деб бировга айтолмадим сир.
Энам-а, энажон, сендай эна йўқ —
Қийналиб яшадим, менам бари бир.
Одам қизиқ экан, опанг бўлса кеб,
Бошинг силаб, дардга дармон бўларкан.
Эркаланиб «ака, акажоним» деб
Бировга осилмоқ армон бўларкан.

Мен-ку, майли, кетиб боряпман мана,
Кўксимни мўлжалга олмоқда дард, ўк,
Энам-а, энажон, бу эмас таъна,
Фақат энди мендай ғамгузоринг йўқ.
Тойлар от бўлгунча юрак бўлар лат,
Менинг гўдакларим ўсганга қадар —
Энажон, энам-а, тўкилма фақат,
Унгача енгмасин сени ғам, қадар.
Энажон, не учун тегмадинг эрга,
Бир ўғил, ҳеч йўқса бир қиз бўлсайди.
Отамни-ку, ахир, бергандинг ерга,
Оғам деб йиғлашга бир кўз бўлсайди...
Бир елка бўлсайди суянмоғингга,
Мен кетгач, эгилиб қолмоғинг тайин.
Мен қандоқ чидайин сенинг доғингга,
Ёлғиз қолмоғингга қандоқ чидайин?!

Сўнг сўзни қайтарди тушиб жиқ терга:
«Энажон,
не учун...

тегмадинг...
эрга?!»

Ўзи бу дунё ўйласанг, ўтириб ўйлайдиган, тўрт томонидан бўйлайди-ган дунё экан. Аммо, манави ҳолда мениям ўйим битмай, ким ҳақлигига кўзим етмай қолди-ку. Кўпдан кўп гап, кўп ақл чиқади. Шунини ўйлаб, бу бовурларимнинг ҳаётини, қандай бўлса шундайича, сизга айтиб беришни лозим топдим.

Яна халқ йўлида

Йиғласангиз, йиғланг ҳушёр, сергак учун,
Не бир яхши, ёмон кунда тиргак учун.
Онам, синглим кўзёш тўкманг сира-сира,
Аёлга бахт беролмаган эркак учун.

Эркак ўзи кимлигини биламакан,
Бир сирли, тилсимлигин биламакан.
Ишқ гавҳарин аёлига асролмаса,
Шўрпешона, шумлигини биламакан.

Йўлга чиқсанг, йўлинг берса, бойланмаса,
Хаёлларинг тинийверса, лойланмаса.
Эркак — эркакмидир аёл жилға бўлиб,
Уни айланиб оқмаса, айланмаса.

Дупур-дупур тулпор келар тоғлар билан,
Эркак келар дупурлаб ўнг-соғлар билан,
Аёл қўли ёлларини силамаса,
Тулпор кетар кўкайида доғлар билан.

Тулпорларим, укам-акам, оталарим,
Минг-минг уйли халққа эҳсон, атоларим.
Ҳали мунглиғ аёл кўнглин топмабсизми,
Босган изи хатоларим, хатоларим!

Бекор жангу хунлар учун аза очинг,
Ёлғиз ўтган тунлар учун аза очинг.
Ҳатто тоғнинг айиқлари жуфт ахтарар,
Сиз сўққабош кунлар учун аза очинг.

Йўқса, аввал сизга қарғиш тегар бир кун,
Ёв ёприлиб келиб, сизни эгар бир кун.
Ҳали мунглиғ аёл кўнглин топмапсизми,
Кўпаймаган эл камайиб, тугар бир кун.

Эл қолмайдир фақат бойлик, ерлар билан,
Одам топиб кўр-чи на сим, на зар билан.
Гумоним йўк, қай эл қолса, яшаб қолар,
Аёлини элим деган эрлар билан...

Бир зинадай қолурман

Мен кетаман, мен кетаман
Қай бир кеч ё эртада.
Менинг куйим бўлар тамом,
Кимдир тушар ўртага.

Шул, ўртага тушгувчига
Қалам тутиб, ўргатай.
Гоҳ ошқору гоҳ ичимга
Дардим ютиб ўргатай.

Ўргатайин, мушкул ҳаёт
Қўямасин, деб тиндириб.
Четга тортиб қай жоҳил зот
Бир чўпдайин синдириб,

Ўзига йўл очиб олиб,
Тўпга ўзин урмасин.
Тўпга зўрлар кирсин ғолиб,
Зўравонлар кирмасин.

Шу ўй билан шул гўдакни
Ўз елкамга опичиб,
Ўрталиққа кираяпман
Шон кечиб, гоҳ қон кечиб.

Етгунимча умр кетади,
Сочим бўялар оққа.
Аммо... гўдак эр етади,
Гўдак турар оёққа.


Ўрталиқда... шод бўларман
Бонг урса ул ёвқур, мард.
Балки шул кун... мен ўларман
Кетиб армон, кетиб дард

Ва... жон бериб қўлида мен
Тўпроқдан жой олурман.
Ул юксалар, йўлида мен
Бир зинадай қолурман...



МЕҲНАТКАШЛАРНИ МАРКСЧА-ЛЕНИНЧА ДУНЕҚАРАШ, ҚАТЪИЙ КОММУНИСТИК ЭЪТИҚОД ВА ҲАЁТИЙ ПОЗИЦИЯЛАР РУҲИДА ТАРБИЯЛАБ, ВОЯГА ЕТКАЗИШ ИДЕОЛОГИЯ ИШИНИНГ МАРКАЗИЙ ВАЗИФАСИ БУЛИБ КЕЛДИ ВА ШУНДАЙ БУЛИБ ҚОЛАДИ.

[Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди материалларидан].



Фарҳод Мусаџонов



КЎРГУЛИК

Саври хола енгил-елпи дардларга чалиниб юрарди-ю, умри бино бўлиб оғир касал бўлмаганди. Бу йил росмана мазаси қочди. Докторга учраса, тахмини тўғри чиқди — жиддий дардга йўлиқибди: юраги чатоқ эмиш... Аммо кампир ваҳимага тушиб ўзини йўқотиб қўймади. «Майли, кўргилик экан,— дилидан ўтказди у,— ёшимни яшаб, ошимни ошадим, ётмиш тўртга кириш ҳаммага насиб қилавермайди».

Касалхонага ётишга кўнмади. Йўқ, кўрққандан эмас, яқинларини безовта қилгиси келмади. Ҳаммаси ишли, оилали, уларга ортиқча ташвиш орттириб нима қилади?! Уйда дори-дармон қилиб юраверади — қолганини пешонасидан кўрар, ажаб эмас соғайиб ҳам кетса...

Фарзандларига касалини айтмади, лекин пенсиядан ўлимлигимга деб йиғган озгина жамғармаси бор эди, ўшандан кафанликни, расм-русмга хос матоҳларни ҳозирлаб қўйди. Шукр, болаларининг ҳаммаси топармон-тутармон, хор қилиб қўйишмайди. Шундай бўлса ҳам довдираб қолишмасин. Улим чақирилмаган меҳмондек тикка босади.

Олдинлари ҳаёт унга абадийдек туюларди, энди сал шошиб қолди, ўйлаб қараса, қиладиган ишлари бир талай экан. Катта келини тўйга тайёргарлик кўрляпти, иккита кўрпасини қавиб бериши керак, меҳнат ветерани дафтарчасини олиб бориб, ўртанча қизининг уйига телефон ўтказиб беришга ёрдамлашиши керак, уйига кенжа набирасини прописка қилиш керак, ўзидан кейин уй ўшанга қолсин — бечоралар саккиз жон уч хонали секцияда туришади, Қумри опанинг ҳолидан хабар олиб келиш керак. Хуллас, керак-керакларнинг охири кўринмас эди.

Энг асосийси ўттиз йилча ишлаган ўша қадрдон заводига бир бориб келади. Ҳа, бу шарт!

Янги йил киришига саноқли кунлар қолган эди.

Олдинлари Саври хола Янги йилни гоҳ у, гоҳ бу боласиникида кутиб олар эди. Бир йил битта фарзандиникида, иккинчи йил бошқасиникига боради, галма-галдан ҳаммасининг кўнглини олади.

Аммо бу йил ҳеч кимга ваъда бермади. «Янги йил келсин-чи, бир гап бўлар» деб пайсалга солиб юраверди. Уттиз биринчи декабрь куни саҳар туриб бозор

қилиб келди. Кечгача уриниб хасип солди. Соат ўнларда хасипни тоғорага босди, дастурхон билан ўради, қўлтиқлаб энди йўлга тушмоқчи эди, набираси Ойсара келиб қолди.

— Сизни олиб кетгани келдим, дадам тайинлаб юбордилар, буви,— деди Ойсара.

— Вой, бувижонинг айлансин сендан, бу галчалик менсиз кутақолинглар, борадиган зарур жойим бор, сизларникига эртага ўтарман,— жавоб қилди кампир.

Ойсара бувини бундай маъюс ҳолда сира кўрмаганди. Шунинг учун ортиқча қистамади.

— Майли, бувижон,— деб жилмайди.— Бўлмаса эртага кутамиз сизни.

Кеч ўн бирлар чамасида кампир таксига ўтириб манзилга — нон заводига етиб борди. Сўнги марта Саври хола заводда қарийб бундан ўн беш йилча илгари бўлган эди. Энг аввал у ўз цехига йўл олди. Эски танишлардан ҳеч кимни учратмади, ўзгаришлар ҳам катта. Янги автоматик хамир қориш машиналари, янги тандирлар... Саври хола бошқа цехларни ҳам айланиб ҳовлига чиқди. Қадрдон чинорнинг тагига бориб ўтирди. Бу ер ҳам ўзгарибди. Йўнилмаган ёғочдан қурилган қўпол курси ўрнига суянчиқли скамейка қўйилган. Хирагина лампочка эса порлоқ неон чироғи билан алмаштирилибди.

Саври хола скамейкага чўкди. Кун унча совуқ эмас, фақат шамол тургандагина кулоқ-бурунни чимчилаб ачиштирарди.

Қишин-ёзин, кечаю кундуз ҳар икки соатда бериладиган беш дақиқали «перекур»да домидан оташ пуркаб турган тандирнинг хуружидан қочиб нафас ростлагани чиқарди бу ерга Саври хола. Бир дақиқагина салқин ҳаводан симириб яна цехга югурарди. Эркаклар цех эшигидан узоққа кетмай чекишарди, аёллар ҳам ўша атрофда ўралашиб дам олишарди.

Саври хола янги ишга келганида бу чинор ҳали ёшгина ниҳол эди. У цехнинг орқасида, хилватроқ жойда ёлғиз ўзи ўсарди. Атроф заранг ер, сув чиқмас эди. Қандай қилиб кўкариб кетди бу чинор, ақл бовар қилмасди. «Чинор қуриб қолмаса, эрим урушдан эсон-омон қайтиб келади», деб ният қилган эди у. Балки шу курсида ўтириб Саври холанинг кўзидан оққан шашқатор ёш чинорни суғориб вояга етказгандир...

Саври хола эри урушга кетганига уч ой бўлгандан кейин заводга ишга кирди. Маҳаллаларида бир кўзи ногирон Баёзқори деган одам бўлгучи эди, нон заводига аравакашлик қиларди. Бир кун келиб:

— Ҳой Саври, ман бошлиқлар билан гаплашиб келдим, хўп десанг олиб борай, сени ишга олишади. Аҳволингни тушунтириб бир амаллаб кўндирдим,— деб қолди.

— Вой, уларнинг олдиларидан ўтмай қандоқ кираман ишга, эшитсалар хафа бўладилар,— кўзлари жавдираб жавоб қилди Саври.

— Э, эринг эсли бола, нега энди хафа бўлар экан?! Тўртта норасиданг бўлса, дўппи тикиб сотганинг қайси бирига етади? Гапни айлантормасдан хўп деявер. Қодир эшитса суюнади, ишга кирганинга раҳмат айтади. Эрталаб еттида тайёр бўлиб тур,— деди Баёзқори,— кириб олиб кетаман.


Саври туни билан ўйлаб чиқди. Мендан бесўроқ ишга кирибсан, деб Қодир акасининг жаҳли чиқмасмикин. Еки олдин хат ёзиб жавобини кутсинми? Унда ишдан айрилиб қолиши мумкин: Нон заводига жойлашиш осон эмас. Ишни эплармикин? Нотаниш одамлар билан бирга ишлаш... Ҳойнаҳой эркаклар ҳам бўлса керак. Аммо кирмасдан илож йўқ, тўрт боласини қандай боқади, ҳаммаси ҳали норасида — катта ўғли энди тўққизга кирди. Нон заводига кирса ҳарна, ўша ерда ушоқ-увоқларни еб бўлса ҳам қорнини тўйғазади, ўзининг заборний ҳақи болаларига қолади.

Уша тун ўтириб Саври эрига узундан-узоқ хат ёзди. Ун йил бирга яшаб (ўн йил эса бир лаҳзадек ўтиб кетди) тўрт фарзанднинг онаси бўлиб ҳали бирор марта ҳам эрининг раъйидан чиқмаганлигини, ҳар доим эри билан бамаслаҳат иш тутганини айтди хатда. Бу галчалик эса жавоб кутишга вақти йўқлиги туфайли ўзбошимчалик қилаётганига уэр сўради.

Эртасидан ишга тушиб кетди. Эридан жавоб бир ярим ой деганда келди. «Жуда тўғри қилибсан, хафа бўлиб эсимни ебманми, ишқилиб ўзинг қийналмасанг, ишни эплаб кетсанг, болаларни зориқтирмай бир амаллаб ўтирсанг бўлди», деб ёзди Қодиржон.

Иш оғир, уч сменага бўлинган эди. Айниқса тунги сменаларда қийналарди Саври. Ҳозиргидақа автобус, троллейбуслар йўқ, фақат трамвай юрар, у ҳам ярим соатда битта келарди.

Кунига тўнғичи Шерали яради. Уша пайтларда завод дарвозасида тўладан келган, қоп-қора аёл қоровуллик қиларди. Кўринишидан жуда баджаҳл, кўрс аёл эди. Овози ҳам йўғон, шанғиллаб гапирарди. Кўзлари ола-кула, қараганида худди



Хайрулла ЛУТФУЛЛАЕВ чизган расм.

одамни пармалаб тешворай дерди. Бирор кимса бир бурда нонни бекитиб олиб ўтолмас — бу эркак, бу аёл демасди — ҳаммани тинтув қилиб чиқарарди эшикдан.

Саври биринчи гал тунги сменага ўгли билан борганида завод йўлагига кириши билан Қумри опа бобиллаб берди:

— Болани қўймайман, завод бу, боғча эмас!

— Бир ўзим қўрқдим, менга ҳамроҳ бўлиб келди,— гуноҳкорона овозда гапирди Саври.

— Бу ерда ишлайдиганларнинг саксон пойизи хотин, ҳаммаси бола етаклаб келаверса...

— Тўғри айтасиз,— деди Саври илтижо билан,— ўғлим ҳали жуда ёш, ёлғиз ўзи ярим кечада уйга қайтиб кетолмайди. Майли, цехга кирмайди, ҳовлининг бир чеккасида ўтиради.

— Эрталабгача-я?!— дўқ урди Қумри опа.

— Ахир ёз-ку, чинорнинг тагида харрак бўр, ўшанда мизғиб олар.

— Директор кўриб қолсин-да, бегона одамни нега заводга қўйдинг, деб мени ишдан қувиб юборсин-а?! Қўймайман дедимми, қўймайман.

— Ахир...

— Майли, ойи,— бирдан гапга аралашди Шерали,— ишингизга бораверинг, мен эшик тагида ўтираман. Зинапояда.

— Вой, ёлғиз ўзинг кўчада ўтирасанми эрталабгача?

— Қўрқманг. Зинапояга ёнбошлаб ўтиравераман.

Иш бошланишига икки-уч дақиқа вақт қолган, Саври шошилиши керак эди.

— Майли, ўғлим, қўрқмасдан ўтир. Мен танаффусда чиқиб хабар олиб тураман. Цех бошлигимиз билан гаплашиб кўрай-чи, зора рухсат берса ҳовлига киришингга.

— Овора бўлманг. Менга директордан бошқа одамнинг гапи ўтмайди,— шарт кесди Қумри опа.

Саври ярим жони кўчада, цехга югурди.

Шерали йўлакни тарк этиб зимистон кўчага чиқди. Шундоққина остонага, зинага чўкди.

Орадан бир оз фурсат ўтди, болани мудроқ босди. Бир маҳал остонада Қумри опа пайдо бўлди.

— Ҳа, ўтирибсанми?— деб сўради у.

Шерали чўчиб кўзини очди. «Ҳа» дегандек бош силкиди.

Қумри опа бир лаҳза болага тикилиб турди. Нимадир дейиши керак эди, гап тополмай:

— Остонада ўтириш мумкин эмас,— деди.

Карахт Шерали бу ёвуз хотинга гап қайтариб ўтирмади. Индамасдан зинапоядан турди, гандираклаб бориб девор тагига чўкди, калласини тиззалари орасига олиб ғужанак бўлди. Яна пинакка кетди.

Боланинг гап қайтармагани, ювошлиги таъсир қилдими, бирдан Қумри опа ўзгарди.

— Девор тагида ўтирма,— деди буйруқ оҳангда,— ҳар хил қурт-қумурсқанинг уяси кўп бўлади.

Бола кўзларини жавдиратиб, «нима қилай бўлмаса» дегандек аёлга боқди.

— Бу ёққа юр!

Қумри опа уни қўлидан ушлаб йўлакка бошлаб кирди. Йўлакнинг ён тарафида кичкинагина хона бор экан, Қумри опа хона эшигини очди, унда битта курси, ҳам каравотга, ҳам столга ўхшаб кетадиган ёғочдан ясалган супача, темир решеткили кичкина дарча, девордаги қозикқа эса қўшотар милтиқ осиб қўйилган. Супачанинг устига тўқимга ўхшаган кўрпача ташланган. Қумри опа супачага ишора қилди:

— Анавинга чўзил.

Шерали бориб супачага ўтирди, Қумри опа чиқиб кетишини кутди, кетсин кейин ётар. Аммо Қумри опа кетишга шошилмади.

— Аданг борми?

— Ҳм. Урушга кетганлар,— деди Шерали лоқайдлик билан.

— Шунақа дегин... — хўрсинди Қумри опа,— кўбчиликмисизлар?

— Нима?

— Ака-укаларинг борми дейман?

— Мен энг каттасиман, учта синглим бор.

— Уларни кимга ташлаб келдинглар?

— Қўшнимиз борлар. Пароғат хола деган, жудаям қариб қолганлар, адам кетганларидан бери кечаси ўшалар чиқиб ётадилар.

— Э, тавба! Ёшгина жувонда тўртта бола-я! — аллақандай норозилик билан тўнғиллади Қумри опа. — Бизларга теккан касал бу — болани кўпайтиришдан бошқани билмайди. Бўпти, этиб ухла.

Орадан бир ой ўтар-ўтмас Саври ишни анча ўрганиб олди. Ҳамкасб

дугоналарининг деярли ҳаммасининг эри фронтда эди. Бу анча далда бўлди Саврига, лекин ўқтин-ўқтин аёллардан кимдир қорахат олиб қоларди. Жон ҳовучлаб яшаётган муштипарларнинг илвиллаб турган юраклари яна зил кетарди.

Қумри опанинг ҳам эри фронтда экан. Бироқ эркак табиат бу аёлга ҳижрон ётдек эди, қийинчиликларни гўё писанд қилмасди.

Унинг битта гапини сира ҳазм қилолмасди Саври. Қачон қарасангиз «Биттаю битта эрим урушга кетиб қолди» деб юрарди. Биттаю битта дегани нимаси, эр ҳаммада ҳам битта бўлади. Бу гапининг тагига Саври кейин етди. Билса, Қумри опа эри билан ўн икки йил яшаб фарзанд кўрмаган экан. Шунинг учун эру хотин бир-бирига суяниб қолган экан.

Шерали иккинчи гал онасини кузатиб борганида Қумри опа кўп ҳам тихирлик қилмай уни ўз будкачасига қўйди.

Танаффусда Саври ўғлидан хабар олгани чиқса, Қумри опа иккалови бинойидек гаплашиб ўтиришибди.

— Сени ҳам, болакай, касбинг меникига ўхшаган. Мен заводга қоровулман, сен онанга, — деди Қумри опа.

Шерали илжайди, бош ликиллаб Қумри опа гапини тасдиқлади.

— Фақат сизники қийинроқ. Мен ётиб мазза қилиб ухлайман, сиз бўлсангиз эрталабгача мижжа қоқмай чиқасиз.

— Бу гапинг тўғри, мен ҳушёр бўлишим керак. Ахир туни билан заводга нечта арава кириб-чиқади. Ундан ташқари, ўзинг биласан, замон оғир, сал бўшашсанг, баъзи ноинсофлар заводни ўмариб кетишдан тоймайди.

Қумри опа милтиғи осиглиқ турган қозикдан кичкина халтача олди.

— Утир, бир пиёладан чой ичамиз, уйқуни қочиради, — деди. Примусда шақиллаб қайнаб турган тунука чойнакка бир чимдим қуруқ чой ташлади. Халтасини очиб муштдек келадиган нон олди. Қоқ ўртасидан пичоқда икки бўлак қилиб кесди. Биттасини Шералига берди, иккинчисини яна халтага тикди.

Бола бақрайиб қолди. Уруш пайтида, нон қулоғингга ўлчаб бериладиган пайтда биров ўз улушидан бировга нон тутганини кўрмаган эди. У нонни олишга ботинмади, «керак эмас» дегандек бошини сарак-сарак қилди.

— Олавер, — деди Қумри опа кўрслик билан.

— Ўзингиз-чи? — сўради бола нонга қўлини чўзиб.

Шу пайт бирдан Қумри опа остонада турган Саврини кўриб қолди. Унинг кўзларида қўрқув ва савол, миннатдорчилик ва гумон — ҳаммаси омухта эди. Қумри опа унинг нима демоқчи бўлганини дарров фаҳмлади.

— Қўрқма, ўғирлик эмас, ҳалол нон бу. Заборний карточкага берилган ҳаққим. Бола нимжон, есин, ўсадиган нарса. Кейин дўриллаб кулди. — Менга эса бало ҳам урмайди. Ёғим кўп менинг, қорним очса ёғимни еб юравераман.

— Илоҳим умрингиздан барака топинг, — чин юракдан ташаккур билдирди Саври.

Бироқ ўғлини энди заводга олиб келмасликка қарор қилди. Боласини бу кўйга солиб қўймайди, ҳалол ишлаб боқади, керак бўлса кечаси заводда ишлаб, кундузи бировларнинг юмушини қилади, ҳолдан тойгунча ишлайди, лекин болаларини бировга қарам қилмайди.

Эртаси тунда ишга ёлғиз ўзи келди. Қумри опа ҳайрон бўлди.

— Ҳа, ўғилчанг қани?

— Уйда қолди.

— Нега олиб келмадинг?

Саври нима деб жавоб беришни билмади.

— Ишқилиб, тинчликми, тоби қочиб қолмадимми?

— Йўқ, соппа-соғ, — деди Саври. — Қачонгача судраб юраман. Жин урармиди мени.

— Кўзга яқин жувонсан, ўғлинг ёнингга бўлса зиён қилмайди. Мен ҳам дарров ўғлингга ўрганиб қолибман. Ҳар қалай, ҳамроҳ-да. Калавотда ухлаб ётса ҳам одам ўзини унчалик ёлғиз сезмас экан.

Саври бир оз сукут сақлади.

— Тўғри, Шералисиз ёлғиз ўзим йўлда роса кўрқиб келдим, лекин одам андиша қиларкан. Уни бу ерда қўрганларнинг бошига ҳар хил фикр келиши мумкин. Нон заводи бўлмаганда ҳам бошқа эди. Бир нарсанинг илинжида келгандир деб ўйлашса...

Олдинга Қумри опа индамасдан Саврига тикилиб қолди, кейин бирдан кўзлари ола-кула бўлиб шовқин кўтарди:

— Нима, берган бир бурда нонимдан ҳазар қилдингми, туғмас хотиннинг. қўлидан нон еб бўлмайдими? Ё ўғирлик нон деб ўйладингми? Болага юрагим ачиганидан ўз ризқимдан қирқиб бердим.

Саври анграйиб қолди, тили зўрға калимага келди:

— Нега унақа дейсиз? Бунақа гап етти ухлаб тушимга...

— Э, бор-ей! Одамларга яхшилик қилсанг ҳам, ёмонлик қилсанг ҳам бари бир ким шумшук, сен шумшук экансан!

Саври беихтиёр Қумри опани хафа қилиб қўйганидан қаттиқ ранжиди, бошини эгиб цехи томон йўл олди.

Эртасига ишга яна Шерали билан бирга келди. Ушанда Қумри опага қойил қолди. Худди орада ҳеч нарса бўлмагандек одати бўйича дағаллик ва очиқ чеҳра билан қарши олди уларни.

— Бўпти, сен ишингга боравер, биздан кўнглинг тўқ бўлсин,— деди Саврига, кейин ҳазиллашибми қўшиб қўйди,— биз постимизда сергак турамыз!

Қумри опанинг гапига фаришта омин деган эканми, ўша тун у ўз бурчини аъло адо этишини исбот қилди.

Ярим тунда ҳовли тарафдаги эшик тақиллади. Йўлакда иккита эшик-биттаси кўчага чиқадиган, иккинчиси ичкарига кирадиган эди. Қумри опа иккала эшикни ҳам ҳалқалаб қўярди. Бориб ичкари эшикни очди, остонада ўттиз ёшлар чамаси, оқ сариқдан келган одам турарди. Бу кимсани яхши танирди Қумри опа. Икки панжаси йўқ, узун қулоқ гапларга қараганда урушга бормаслик учун атайин ўзи қирқиб ташлаган эмиш. Кейин нон заводида ишга кириб олган. Қўзлари бежо, шайтонроқ бу кимса биринчи кўрганидаёқ ёқмаган эди Қумри опага.

— Қаёққа, ҳали смена тугамади-ку?— сўради Қумри опа.

— Мазам қочиб қолди,— деди кимса, у икки букчайганича қорнини чангаллаганча ихсириб турарди,— цех бошлиғидан рухсат сўрадим.

Шовқинни эшитиб Шерали бошини кўтарди.

— Бўпти,— Қумри опа эшикни очди,— ҳаром нарса егандирсизки, қорнингиз оғриб қолган.

— Ҳозир танлайдиган вақт эмас, бориға барака,— хириллади кимса, йўлакка кирар экан,— ё сиз танлаб ейсизми?

Унинг қочириғига Қумри опа эътибор бермади.

— Қаддингизни ростланг.

— Шу аҳволда ҳам тинтув қилмоқчимисиз?— кимса қаддини ростлаб иккала қўлини елкасига кўтарди.

Қумри опа кимсанинг қўлтиғидан то болдиригача пайпаслаб кўрди. Бирдан ранги ўчиб овози ўзгарди.

— Камарни ечинг!

Кимсанинг кўзида хунук ифода пайдо бўлди.

— Шимингни еч демоқчимисиз?

— Гапни айлантормасдан камарни еч,— бўш келмади Қумри опа,— қорнингга боғлаганингни ол бу ёққа. Неча кило ун ўмардинг?

Кимсанинг кўзи нафратдан дум-думалоқ бўлиб кетди.

— Менга қара, қора таппи! Гиринг десанг шу ерда абжағингни чиқараман. Ҳозир мен чиқиб кетаман, индамайсан, эртага ҳам, индинга ҳам индамайсан. Ун билан қўлга тушганимни бирор кимсага айтадиган бўлсанг, жонингдан айриласан. Тушиндингми?

— Чучварани хом санабсан,— Қумри опа бир сакраб будкага кирдию, милтиқни олиб чиқди. Аммо аёллигига борди, то милтиқни ўқлағунча кимса бир калла қилиб Қумрини улоқтириб юборди, кўча эшикни тепиб зимистонга ўзини урди.

Чалқанча ағдарилган Қумри опа ерда бир лаҳза ётди. Кейин кўзини очди. Йиқилганда чаккаси эшик қиррасига урилган экан, қон сизиб оқарди, сезмади.

— Бекор айтибсан номард, мендан қочиб қутулолмайсан,— деди, қийналиб ўрнидан турди, катта қулфни олиб кўрқувдан қотиб қолган Шералига узатди.— Ушла, Шерали, эшикни қулфлаб ол, ташқарига ҳам, ичкарига ҳам ҳеч кимни қўйма.

Қумри опа чўнтагидан милиционерларникига ўхшаган хуштагини олди-да, чуриллатганча кўчага отилди. Яна анчагача Шерали хуштак товушини эшитиб турди, кейин бора-бора ҳаммаёқ тинчиб қолди.

Шерали кўча эшикка қулф осди, йўлакнинг ўртасида иккала қўли билан милтиқни маҳкам ушлаб қаққайиб турди.

Қанча турганини билмайди, бир маҳал кўчадан оёқ товушлари эшитилди, кейин эшик тақиллади.

— Шеради, оч, бу менман,— Қумри опанинг овозини бола дарров таниди, илдам бориб қулфни очди.

Йўлакка олдинма-кетин уч киши кириб келди. Қумри опа, икки қўли орқасига қилиб боғланган бояги кимса ва қари милиционер. Қумри опани кўриб Шерали кўрқиб кетди, унинг чеккасидан оқаётган қон юзининг ярмисини бўяб ташлаганди. Кимса ҳам, яраланганми, инграрди.

— Елкани едингиз аммо, ҳали бу қилмишингизга жавоб берасиз.

Милиционер пинагини бузмади.

— Мўлжалдан янглишганимга хурсанд бўлавер, нақ бўлмаса қоқ юрагингдан

дарча очардим,— деди у, қўлидаги тўппончасини ўқталиб тураркан,— ҳозир акт тузиб отделениега олиб бораман, ана ўшатдагиларга додингни айтасан.

Шу пайт Қумри опа «шилқ» этиб ерга ағдарилди.

— Хой, қизим, сенга нима бўлди?!— милиционер Қумри опанинг тепасига энгашди, томирини ушлаб кўрди, кейин ўзига ўзи гапирди.— Кўп қон йўқотди шекилли, ҳушидан кетди.

Милиционер аллақаяққа телефон қилди. Тонгга яқин доктор келиб Қумри опани касалхонага олиб кетди.

Орадан бир кун ўтди. Саври ишдан қайтиши билан овқатга уннади. Ҳовлининг этагига уч-тўрт эгат жўхори, деворнинг тагига эса қовоқ экилган эди. Қаҳатчилик пайтида шу ҳам ҳарна эди. Битта қовоқни узиб димлаб пиширди, икки бўлагини олиб қўйиб, қолганини ҳаммалари ўтириб ейишди. Иккита жўхорини қўрга кўмди. Кейин қовоқ билан жўхорини оқ сурупга туғиб ўғлига юзланди.

— Юр, болам, Қумри опангни кўриб келамиз.

Қумри опа тушган касалхона катта ҳовли бўйлаб сочилиб ётган бир қаватли бинолардан иборат эди. Она-бола дарвозадан кириб энг яқин бино томон йўл олдилар.

Ёз бўлгани учун хоналарнинг деразалари очиқ эди. Она-бола деразалардан мўралаб Қумри опани ахтара бошлашди. Кўп ўтмай уни топишди. Қумри опа пешонаси боғланган, шундоққина деразанинг тагидаги каравотда ётган экан. Шерали уни секин чақирди.

— Шерали, сенмисан?— болани кўриб каловланиб қолди Қумри опа.— Нима қилиб юрибсан?

— Сизнинг олдингизга келдик,— деди севинчдан энтикиб Шерали.

— Ростданми?— Қумри опа гавдасига ярашмаган чаққонлик билан ўрнидан турди, иккала кўзи жиққа ёш Шералига мўлтиллаб тикилди. У гапирилмасди, гапирса ҳиқилдоғига тикилиб турган фиғони портлаб кетадигандек, хўнграб йиғлаб юборадигандек эди. У хоксор илжайиб хонадаги беморларга қаради. Кўриб қўйинглар, мени йўқлаб келди бу бола демоқчидай бўлди.

— Вой, нима қилиб турибсиз, чиқинг болангизнинг олдига,— койиб берди беморлардан бири.

Қумри опа ташқарига шошилди. Чиқиб, олдин Шералининг пешонасидан ўпди, Саври билан туғишгандек қучоқлашиб кўришди. Аммо юраги тўлиб сира гапирилмасди. Жилла вақт ўтгач ўзига келди.

— Қалайсан, Шерали, ҳалиям онангни заводга кузатиб қўйяпсанми? — деб сўради.— Ишқилиб сменшигим тихирлик қилмаяптими қўймайман деб. Айтгин, Қумри опам рухсат бердилар деб.

— Олдин қўймовди, сизни айтувдик, милтиғингиз осифлиқ турадиган ҳужрани очиб берди,— керилди Шерали.

Хайрлашиш олдидан «бир илтимосим бор эди сенда» деб қолди Қумри опа. Саври ҳар қандай илтимосни бажаришга тайёр эди. Қумри опа бир оз ийманиб турди, ниҳоят зўрға дилини очди.

— Агар малол келмаса, ишга кетаётганингдами, ё қайтаётганингдами, майли-да, қачон ўзингга ўнғай бўлса, бизникига кириб почта яшигидан хатларни олиб турсанг. Елғизлигимни билдирмаслик учунми, тез-тез хат ёзадилар. Вақтида жўнатолмаган кезлари ёки почтанинг айби билан бир-икки кун ушланиб қолмаса, бошқа пайт кети узилмай туради.

— Вой, нега малол келар экан,— деди Саври,— кундагини кунда, пешма-пеш етказиб тураман. Кўнглингиз тўқ бўлсин.

— Раҳмат, илоҳим тезроқ эринг эсон-омон қайтиб, бола-чақасига бош бўлсин. Уйимиз узоқ эмас, шундоққина заводнинг ёнида. Мана адрес.

Қумри опа адрес ёзиғлиқ қоғоз билан Саври олиб келган тугунчани қайтарди.

— Келадиган бўлсанглар менга ҳеч нарса олиб келманглар. Ҳа, норасидаларингнинг оғзидан юлиб нарса олиб келадиган бўлсанг қаттиқ хафа бўламан. Вақт топсанг ўзинг кел, шунда ҳам бошим кўкка етади.

— Вой, олиб қолаверинг, сотиб олибманми, ҳовлимизда ўсиб ётибди,— деди Саври.

— Керагини олдим... Қўрга кўмган жўхорини яхши кўраман. Бунисини мен учун Шерали есин!

Инсоннинг кўнглини олиш Саврига доим катта завқ бағишларди. У йўл-йўлакай Қумри опанинг ҳолидан хабар олганидан мамнун қайтаркан, ичида Қумри опанинг эри билан бўлган муносабатига ҳаваси келди. Бир-бирига қандай меҳрибон, ғамхўр экан. Саври ҳам кунда мактуб ёзишга, эри билан дардлашишга тайёр. Аммо Қодир акаси унақа эмас. Е чучмалликни ёмон кўради ё ҳафсаласи йўқ, ишқилиб, бир ойда икки мартадан кўп хат ёзмайди. Лекин хатни ўхшатади, топиб ёзади, худди Саврининг дилидаги гапларни айтади. Қодир акаси қандайлигини мана энди билипти. Ўн йилча бирга яшади-ю, аммо ўн йил қурмағур бир лаҳзада,

битта хўрсиниқдек ўтиб кетди! Қодир акаси қайтиб келса энди бошқача яшашади. Болалар билан овора бўлиб Саври эрига яхши қаролмаган экан. Энди бундай бўлмайди, эрининг овқатини вақтида беради, ҳар доим чиннидек кийинтириб қўяди, ҳамма оғирликни эрининг бўйнига ташлаб қўймай рўзғорнинг ташвишини олиб тортади — заводда ишини даврм эттиради, болаларининг ҳаммасини ўқитиб олиб қилишади. Эҳ, отинг ўчгур уруш вақтлироқ тугаб эри эсон-омон қайтсин, бошқача яшашади!

Саври икки марта хат элтиб берди Қумри опага. Қанча қувонч бағишлади дугонасига. Аммо учинчи марта касалхонага оёғи кишанлангандек зўрға борди. Шум хабарни 'етказишдан оғирроқ юмуш йўқ экан бу дунёда.

— Вой, ўтган куни келган эдинг-ку, Саври, нима қилардинг яна овора бўлиб, эртага чиқадиган одам бўлсам... — жилмайиб қарши олди уни Қумри опа, кейин аста-секин юзидаги табассум сўнди, кўзларида хавотир пайдо бўлди.

Заррача дақиқа ўртага мудҳиш жимлик чўкди. Саври бошини кўтариб Қумри опага қаролмасди.

— Гапир, — деди бўғилиб Қумри опа, — тезроқ гапир, юрагим ёрилиб кетади.

Саври индамасдан қўлидаги конвертни унга узатди. Қумри опа шошиб, қўллари қалтираб қора хатни очди, икки энлик ёзувни ўқиди. Ўқиди-ю, бақрайганча турган жойида қотиб қолди.

Кейин индамай палатасига кириб кетди. На уввос кўтариб йиғлади, на кўзида бир томчи ёш филтиллади. Саври унга тасалли бермоқчи бўлиб овутадиған гапларни қилди. Бироқ Қумри опа қар ва соқовдек на гапларни эшитар, на жавоб қайтарарди, каравотида шифтга тикилганича бақрайиб ётаверди.

Шу ётганича туз татимай икки ҳафта ётди. Икки ҳафта ичида ҳеч кимга чурқ этиб оғиз очмади, эс-ҳушини йўқотган одамга ўхшаб ётаверди. На дори-дармонга, на овқатга қайрилиб боқарди.

Охирги марта ўзининг вақти бўлмай Саври касалхонага ўғлини юборди.

Қумри опанинг аҳволи кундан-кунга оғирлашаётгани учун бошқа жойга кўчиришган эди. Янги хона каталакдек, иккита каравот зўрға сиғарди. Лекин хонада Қумри опанинг ёлғиз ўзи, нима учундир иккинчи каравотнинг тўшаги йиғиб қўйилганди.

Шерали хонага кириб энди саломлашишга оғиз жуфтлаган эди, тили танглайига ёпишиб қолди. Бола бечора Қумри опани кўриб кўрқиб кетди. Унинг кўриниши ҳақиқатда дахшатли эди, озиб чўп бўлиб қолган, юзининг суяклари бўртиб чиққан, кўзлари ич-ичига тушиб кетган, ранги заъфарон, хонага биров кириб чиққанини ҳам сезмасди, хуллас тирик мурданинг ўзи.

— Ассалому алайкум, — Шералининг овози зўрға чиқди. — Ойим сизга салом деб юбордилар.

Қумри опа пинагини бузмади.

Шерали нима қилишини билмади. Майли, ойисининг топшириғини охиригача бажаради, кейин қайтади.

— Мана, ойим сизга бериб юбордилар, иссиғида еркансиз, — Шерали димланган лавлагини олиб Қумри опанинг ёнидаги табуреткага қўйди.

Қумри опадан яна садо чиқмади. Бирдан боланинг юрагини ваҳима босди. Қумри опа ўлиб қолган бўлса-я?! Шерали жўрттага — гўё ўтирмоқчи бўлгандек — стулни ағдариб юборди. Шовқин ёқмади шекилли, Қумри опа юзини тескари бурди. Боланинг кўнгли жойига тушди. Ва шу заҳоти юраги жизиллаб Қумри опага ачиниб кетди. Нимадир деб кўнглини кўтармоқчи бўлди. Аммо бундай пайтларда нима дейиш керак, гўдак Шерали буни ҳали билмасди.

— Қачон тузаласиз, катта ойи? — деб сўради у. «Катта ойи» деган сўз оғзидан қандай чиқиб кетганини ўзи ҳам сезмай қолди.

Қумри опанинг лаби билинар-билинмас учди, олдин бир марта, кейин кетма-кет уч-тўрт марта.

У юзини Шерали томон сал бурди. Балки у «Мени нима деб чақирдинг?» деб сўрамоқчи бўлдими, аммо овози чиқмади, на мадори, на ҳоли бор эди овоз беришга.

— Тезроқ тузалиб ишга чиқинг, катта ойи, сменшигингиз ёмон эзма экан, кечаси билан жағи тинмайди, гапиргани-гапирган, жилмайишга ҳаракат қилди Шерали. — Тезроқ тузалиб, ўзингиз чиқа қолинг.

«Йўқ» дегандек бош чайқади Қумри опа ва икки ҳафта деганда биринчи марта тилга кирди.

— Йўқ, тузалмайман, — деб шивирлади, — тузалиб зарил келгани йўқ менга. Кечаю кундуз яратгандан сўраб ётибман, омонатингни ол, деб. Зора қулоқ солса ноламга.

Шералининг ичи музлаб кетгандек бўлди. Бу сўзларнинг мағзини тўла-тўқис чақмаганди, уни Қумри опанинг овози чўчишиб юборди. Ғалати эди унинг овози — қатъий ва ҳиссиз, хунук ва ёқимсиз.

— Катта ойи, ўлай агар, сизни соғиндим,— бу гап боланинг юрагидан беихтиёр отилиб чиқди.

Қумри опанинг бутун вужуди қалтираб кетгандек бўлди. У болага қаради ва унинг кўзиди биринчи марта маъюслик ифодаси балқиди. Зум ўтмай улардан шариллаб ёш оқиб кетди. Ғам-андух, дарду алам ҳосил қилган ярадан ситилиб чиқаётган қондек эди бу кўз ёшлар. Ҳа, яра пишиб ёрилган эди. У овозини баралла қўйиб, хўнграб йиғлади.

— Биттаю битта эримни кўп кўрган экан, яшаб нима қилдим,— ўзига ўзи гапирди Қумри опа,— бошқаларга ўхшаб қўша-қўша болаларим, уруғ-аймоғим бормиди менинг? Дунёга келиб бу шўрпешонамга битгани битта шу эр эди. Болалигимда-ку на она, на ота меҳрини кўрмай етим ўсдим. Бу ёғига ҳам яқинимдан жудо қилмасанг нима қиларкин, қайси қилган гуноҳларим учун шунчалик жазоламасанг, хўрламасанг мен бахти қарони!

Қумри опа роса йиғлаб хумордан чиқди.

— Толеим курғурни қараки, эрим ҳам ўзимга ўхшаган етимликда ўсган экан. Бирорта қариндоши бўлганида, ўшалар билан борди-келди қилиб овунармидим.

— Гоҳида қорахат янглишиб келиб қоларкан-ку. Бизнинг маҳалламизда битта кампирнинг ўглини ўлдига чиқаришганиди, ярим йилдан кейин ўзи кириб келди,— деди Шерали худди катта одамлардек, ишонч билан.

— Ҳа, менинг ҳам қўлоғимга чалинган эди, ора-чора янглишиб ҳам қолишаркан,— ўзининг гапига ўзи шубҳаланиб тасдиқлади Қумри опа.— Жоним ўлгур қаттиқ экан, ўн тўрт кундан бери туз татимай ётибман бало ҳам урмаса-я,— хўрсинди Қумри опа,— одам ҳамма нарсага кўниқиб кетар экан.

— Лавлагидан энг, катта ойи, асалдан ҳам ширин.

— Ўзинг еяқол.

— Йўқ, йўқ, мен емайман,— чўчиб тушди Шерали, мен роса еб, тўйиб келдим.

Бу сизга.

— Бўлмаса бирга еймиз, ўшанда янаям мазалироқ бўлади.

Қумри опа лавлагининг бир бўлагини олиб болага узатди, иккинчисини ўзи олди. Лекин тишлаб улгурмади, ҳолдан тойган экан, боши ёстиққа шилқ этиб тушди, кўзи юмилди. Фақат ярим соатлар чамасидан кейин докторлар укол қилиб уни аранг ўзига келтирдилар. Кўзини очиши билан Шералини қидирди. Боланинг кетиб қолмаганини кўриб жилмайди.

...Уша куни Шерали «катта ойиси» тилга кирганини, роса йиғлаганини Саврига гапириб берди.

Минг тўққиз юз қирқ иккинчи йилдан қирқ учинчи йилга ўтар кечаси — 31 декабрь Саврининг ишлайдиган кунига тўғри келди. Майли, хафа бўлманлар деб овутиди у болаларини, янги йилни мен қайтганда, эрталаб нишонлаймиз деб ваъда қилди. Уша куни аввалига жуда қувончли воқеа рўй берди. Эрталаб эридан хат олди. Жуда илиқ ва аломат хат эди у, Саври уни бир мартагина ўқиб чиқди, бир марта ўқиди-ю, умр бўйи ёд бўлиб кетди, кейин бу хатни хотирасида у кўп қайтарди.

«...Саври, яхшимисизлар, болалар соғ-саломатми, ўзинг яхши юрибсанми, ишга ўрганиб кетдингми, ишқилиб, оилани тебратиб турибсанми? Биламан, сенга қийин. Қарамоғингда тўртта норасида, кўча кўрмаган хотинсан. Лекин чида. Чидаб берсанг, боргандан кейин юз фоиз қилиб ҳиссасини чиқараман, мени айтди дерсан, қўлингни совуқ сувга урдирмайман. Олдинлари ғирт аҳмоқ бўлган эканман, бирор жойга меҳмонга олиб бормабман, бирон марта эркалаб ширин сўз айтмабман! Сени-ку ўлгудек яхши кўрардим, ҳайронман, нега шуни амалда кўрсатиб, ақалли бирон марта кўнглингни кўтармабман!

Мен бу гапларни сени овутиш учун ёзаётганим йўқ. Ўзим тушуниб тагига етдим, ҳаётдан лаззат олиб, чиройли яшаш керак экан, яхшилик қилиш керак экан одам бир-бирига. Биз эса, олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ деганларидек, бир-биримизнинг қадримизга етмаган эканмиз.

Энди мендан сўрасанг, ёв билан жанг қилиб юрибмиз. Бунақа даҳшатли урушни биз кўряпмиз, бошқа ҳеч кимга ҳеч қачон кўрсатмасин.

Саври, доим жангдан чиққанымдан кейин хат ёзардим сенга. Бугун тескарисини қиялман. Ҳозир ертўлада ўтирибман, ҳадемай ҳужум бошлашимиз керак. Биринчи галлари сал кўрқув босарди, энди ўрганиб кетдим, командир олға деганда биринчи бўлиб олдинга отиламан. Албатта жон ширин, лекин номардга ўхшаб писиб юролмайман. Мақтаняпти демагин-у, лекин ўтган ҳафта командир ёғига қақириб, сени мукофотга тавсия этияпмиз, энг олийсини сўрадик, деди. Ғурурланиб кетдим, битта ўзбек йигит шунчалик иш кўрсатган экан, нега ғурурланмас эканман?!

Мана кўрасан, насиб этса мени ўқ олмайди. Нега десанг, мени сен кутяпсан, болаларим кутяпти. Сизларнинг олдингиздаги қарзим мени асрайди. Ахир мен болаларимни тарбиялаб катта қилишим керак.

Бордию бирор кори ҳол рӯй берса, унда ҳамма умид ўзингдан. Болаларни ўқит, биз чаласавод бўлиб қолганимизга яраша улар ўқимишли бўлишсин. Янги турмуш қурмоқчи бўлсанг, мен хафа бўлмайман, тўғрироғи, арвоҳим чирқилламайди. Ишқилиб, болаларни хўрламайдиган инсофли одам бўлса бас. Ахир энди йигирма саккизга кирясан, умрингни хазон қилишинг шарт эмас, ҳаққинг бор янги турмушга. Лекин шошилма, мени кут уруш туғагунча.

Шералига айт, ҳозир оилада ёлғиз эркак ўзи, менинг йўқлигимни билдирмасдан сингилларига қарасин, сенга кўмаклашсин. Сени тунда ишга обориб қўяётганини эшитиб роса хурсанд бўлдим. Яшавор, ота ўғил! Попукларим қалай? Уларни ҳам секин ишга ўргатавер, қозон-товоқ, супур-сидирга қарашиб туришса, ўзингга осон бўлади. Ҳа, кичкиналигидан меҳнат қилдириб чиниқтиравер, тагин бўйлари етиб бировниқига борганда қаерда тарбия топган, булар, деб сен билан менга гап текказиб ўтиришмасин...

Ие, кечирасан, отишма бошланиб қолди. Хайр».

Шунақа мактуб эди у, на числоси бор, на ойи. Гуё бир умрга ёдгорликка қолдираётган нарсасини битта кунидан эмас, бутун умридан ҳада қилмоқчи бўлганидек на кунини, на ойини, на йилини кўрсатмаган.

Бу хатни Саври минг тўққиз юз қирқ иккинчи йил ўттиз биринчи декабрь эрталаб олди. Кун бўйи вақти чоғ бўлиб очилиб-сочилиб юрди. Кечга томон ишга отланди.

Кўча эшикдан чиқишини билади, узоқда келаётган хат ташувчига кўзи тушди. Бехосдан юраги шув этиб кетди. Кейин ўзини юпатди. Эрталаб хат келувдику. Эрининг бир кунда иккита хат ёзишга вақти борми! Индамай ўтиб кетмоқчи эди, аммо хат ташувчи тўғри унга қараб бостириб келаверди. Саврининг оёқ-қўли шалвираб тўхтаб қолди. Хат ташувчи унга яқинлашди, худди гуноҳкордай ердан бошини кўтармай хат узатди Саврига. Чурқ этмасдан йўлида давом этди.

Саври хатни олиши билан қўли «жиз» этиб куйгандек бўлди, очди, эри қаҳрамонларча ҳалок бўлганини ўқиди. Тавба, йиғлашга на кучи, на мадори, на кўзёши бор эди. У беихтиёр йўлга тушди, ҳеч нарсани эшитмас, ҳеч кимни кўрмасди. Қўлида қорахатни чангаллаганча телбалардек кетаверди. Қўққисдан бугун эрталаб олган хати ёдига тушдию ўкириб юборди. У йўл-йўлакай хатни бошидан охиригача ёдаки ўқиб борди. Ҳар сатридан кейин хўнграб йиғларди. Қачон ва қандай қилиб хат унга ёд бўлиб қолди бунга ўзи ҳам билмасди.

У завод дарвозасига етгандагина ўзига келди. Биринчи бўлиб уни йўлакда турган Қумри кўрди. Кўрдию ҳамма нарсага тушунди.

— Қирғин келсин урушга, — деб тиззасига шапатилади. Саврининг қўлтигидан олиб цехига бошлаб борди. Шум хабарни эшитиб аёллар уввос кўтаришди. Уша кезларда сабаб бўлса бўлди, аёллар азоб ва ҳижрон кемириб ётган юракларини йиғлаб бўшатиб олардилар.

Цех бошлиғи Саврига ишдан жавоб бериб юбормоқчи бўлди. Қумри опа уни айнитди. «Кетмасин, ҳозир уни ёлғиз қолдириб бўлмайди, ўзини ўзи еб қўяди. Кўпчилик орасида қолсин, кулфати енгиллашади», деб олиб қолди.

Соат ўн иккида янги йил кутиш учун беш минутга ишни тўхтатдилар. Бир пиёладан иссиқ чой ичдилар. Урушни бошлаган малъунларга лаънатлар ўқидилар, тезроқ уруш битсин, деб тилак тиладилар.

Эрталаб эса ҳаммалари ўз ҳақларидан ажратиб Саврига бир буханка нон бердилар. Ва Саври боғиқш, Саври шўрлик, Саври бахти қаро бир буханка иссиқ нонни бағрига босганича уйига йўл олди. Энг қийини болаларининг кўзига қараш эди, уларга далда беришга қаёқдан куч олади?!

Бироқ куч топиши керак эди. Нафақат бугун, бундан буён ҳар куни, ҳар доим — бир умрга куч топиши керак. Чунки болалари энди фақат унга боқим, ёлғиз унинг қарамоғида. Аравани бирга тортадиган йўлдоши, суянадиган тоғи — эри энди йўқ. Хайҳот, энди у танҳо!

Бир умрга танҳо!!

Саври уйга кириб борганида болалари уни шўх шовқин-сурон билан кутиб олдилар. У оғзини очиб гапирса хўнграб юборишини билиб индамади, қўлидаги нонни тўнғичига узатди. Нонга маҳлиё бўлган Шерали олдинига онасининг авзойига эътибор бермади, нонни олиб ҳайрон бўлди:

— Ие, ойи, нон нега ҳўл?

Ҳе, болапақир, шунақа ҳам савол берасанми?! Нон йўл-йўлакай тўккан кўз-ёшларимдан ҳўл, деб айтолмайман-ку сенга! Саври йиғлаб юбормаслик учун лабини қаттиқ тишлади. Зийрак Шерали ҳаммасини дарров тушунди. Ва шу лаҳзада, ё алҳазар, болалиги тугаб катта одамга айланди қолди.

— Хафа бўлманг, ойи, мен борман, — деди у ўта жиддий овозда, — бир амаллаймиз.

Саври миннатдорчилик билан тўнғичининг елкасига қўлини қўйди. Ҳали заиф ва нозик эди ўғлининг елкаси, лекин суянса бўларди.

...Шерали ўн олтига қадам қўйганининг эртасигаёқ заводга жойлашди. Саврининг аҳволидан директорнинг хабари бор эди, шунинг учун ноқонуний бўлса ҳам кўзини чирт юмиб болани ишга олди.

Мана, ўн олти ёшидан шу пайтгача Шерали заводда ишлайди. Онасига берган ваъдасининг устидан чиқди, суянчиқ бўлди, учта синглисини ўқитиб одам қилди. Лекин ўзи ўқийлмади, беш йиллик билими билан қолаверди, бироқ бир марта ҳам ўқисинмади. Топармон-тутармон сингиллари энди биз рўзгор тебратамиз, деб Саври холани ишдан бўшатиб олишди. Ҳаммаси уйли-жойли бўлиб кетди. Саври хола — талаш. Гоҳ Шерали, гоҳ сингиллари уйига олиб кетишади. Ўзи эса отангнинг чироғини ўчирмайман, деб эски ҳовлисидан кетгиси келмасди.

...Саври хола ўрнидан турди. Узоқ ўтиргани учун бели увишиб қолган экан, аллақанча жойгача қаддини тиклолмай букилиб борди. Ниҳоят цехга кираётганида бели қўйворди, қаддини ростлади.

Нозик ниҳолгина битта жувон Саври холага жуда ёқиб қолди. Нимаси биландир у Саврига ўхшаб кетарди, заводга янги келган пайтида худди шу жувонга ўхшаш тортинчоқ эди, ҳар нарсадан ҳуркиб турарди.

Саври хола жувонга яқинлашди. Ҳол-аҳвол сўради. Кейин дугоналаринг билан баҳам кўринглар, деб бир тоғора хасипни жувонга тутқазди.

Жувон тихирлик қилмади, узоқ йиллар меҳнати сингган жойини яна бир бор кўришни қўмсаган кекса одамнинг ҳиссиётларини тушунди. Саври хола ҳаммага Янги йилни яхши кўтиб олишни тилаб ўйчан жилмайганча цехни тарк этди.

У кўчага чиқиб такси тўхтатди ва тўғри Қумри опаникига йўл олди. Қумри опа дугонасини кўриб боши кўкка етди. Иккала кампир Янги йилни бирга кутдилар. Кейин тонготар қилиб ҳасратлашиб чиқдилар. Саври хола худди видолашгани келгандек бўлмасин учун касалини дугонасига айтмади.

Эрталаб уйига қайтди. Эшикдан кираётганида ичи қаттиқ санчди. Саври хола оғриққа чидади, «ўзингга шукур» деб қўйди. Шукрона айтишининг сабаби эсон-омон етиб олгани эди. Кўча-қўйда шу иш бўлиб қолса нима қиларди?!

Кейинги санчик уни икки букйб қўйди, кўзларидан гўё олов чақнади!

— Кўргилик экан! — кампир одати бўйича ўзининг яхши кўрадиган жумласини қайтарди. Бир амаллаб тахмонга яқинлашди, каравот қолиб ерга ўрин солди. Ёстиғи ҳам, чойшаби ҳам янги ювилган, чиннидек эди. Кейин кўча қийимини алмаштириб одмигина сурупдан тиктирган кўйлагини кийди. Ўлимлигига аталган нарсалари солиғлик сандиқнинг оғзини атайдан очиб қўйди.

Ниҳоят шошмасдан ўринга ётди, итоаткорлик ва хотиржамлик билан аста кўзларини юмди. Майли, агар омонати керак бўлса олар, керак бўлмаса, ажаб эмас...

Ҳозирги даврда партия фан-техника тараққиёти асосида социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришни тарихий аҳамиятга молик вазифа деб ҳисобламоқда. Бу программавий талаб келгуси беш йил ва истиқболдаги планларга асос қилиб олинган. Республика экономикасига келганда, шуни айтиш керакки, халқ ҳўжалигининг аслида барча тармоқлари ишлаб чиқаришни рационализациялашга, технологияни янгилашга, том маънода революцион силжишларни таъминлашга мўҳтождир. Партия ташкилотлари, экономикани бошқариш органлари, барча кадрларимиз айна шундай ёндашувларни кўзлаб иш тутиши лозим.

(Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди материалларидан).




Гулчеҳра Жўраева

ШЕЪР ЎҚИЙМАН
СЕНИНГ КЎЗИНГДА



Бугун

Даврим томирини
ушлаб кўр бугун —
Менинг юрагимдан
шиддаткор зарби,
Мушакдек отилиб
чиқар янги кун,
Сочимга қўнмоқда
учқунлар гарди.
Мушакдек отилиб
чиқар янги кун,
Уни туққан қуёш —
ижодкор Инсон,
Камалак рангларга
сингдириб мазмун,
Зафарли юришга
этади тимсол.
Халқимиз амрида
экан келажак,
Ҳар бир қўл — бир кўприк,
бармоқлар — устун,
Устида бокира
дунё
кулажак,
Бугун бир бекорчи бармоқ йўқ,
дўстим.
Гарчи бош бармоқ у,
гарчи жимжилоқ —
Ватанга тиргақдир
бари — бирламчи.



Ҳаётга чанг солса кирланган тирноқ,
 Ҳақиқат тиглари — беомон қайчи!
 Бармоқнинг биридир — оловкор меҳнат,
 Тобида — қаҳратон қиш,
 саратон ёз,
 Етти қават ердан қазиркан шухрат —
 Стаханов акадан қолган бу мерос!
 Яна бир бармоғинг — ғолиб жасорат,
 Ғанимлар қаҳридан этгучи халос,
 Ирода яратгин чексиз муҳаббат,
 Бу — Собир Раҳимдан авлодга мерос!
 Бармоғинг биттаси аталмиш шитоб,
 Ғайрат қанотида этганча парвоз,
 Етти қават кўкда ясар инқилоб
 Замондош Гагарин қолдирган мерос!
 Бири фидойилик — эл, юрт дардида
 Панжалар ишлайди паншахага хос,
 Ҳайкалин тиклайди пахта гардидан,
 Турсуной опадан қолган бу мерос!
 Бири жанговарлик — мисли шеърият,
 Пайвандлар сўз билан ишни
 эҳтирос..
 Инсонлар қалбини боғлар ҳамият,
 Бу Ҳамза, Ғафурдан — шоирга мерос!


Бугунни шу бугун
 ёзмоғинг керак,
 Шеърингдан қон олсин беш улўғ Виждон,
 Улар бирлашсалар — туғилди, демак,
 Бугуннинг одами — янги қаҳрамон!



Сен йўқ эрсанг...

Сўзларингни соғиндим ёмон,
Сенинг билан истадим суҳбат;
Китобингни очганим ҳамон
Салом берди яна муҳаббат.

Не тасодиф, бу не мўъжиза,
Не таъбирга жоиздир бу ҳол.
Ё сен бўлиб кўринди ғазал,
Ё мен сенга очдиммикан «фол?»



Икки варақ, икки саҳифа —
Юрагингнинг икки гўшаси,
Икки варақ, икки саҳифа —
Юрагингнинг икки чашмаси.

Бири висол, биридан ҳижрон,
Қай бирига бошим эгай мен,
Бир хонада яшар ёнма-ён,
Қай бирига абад эгаман.

Соғинч сени ёндирмоқ бўлса,
Кириб олай севгим хатига
Соғинчимни қондирмоқ бўлсанг,
Бекиниб ол китоб қатиға.

Сен йўқ эрсанг ёнимда бирпас,
Айланурсан шеърга ўзинг-да.
Сен ёнимда бўлсанг ҳамнафас,
Шеър ўқийман сенинг кўзингда...

* * *

Танга игна кирса —
даҳшат деган гап.
Чемпиондек сузар
томирларингдан.
Жарроҳга бетутқич —
берар экан чап,
Олиб ташландими,
яйрайди бадан.

Хиёнат заҳри ҳам
бамисли нина...
Аммо давоси йўқ
шу игначалик,
Қонингни заҳарлаб
у секингина,
Охир юрагингда
қолур санчилиб...

Устунлар

Қадим Юнон обидалари асосан
устунлар шаклида қурилган.

Афина, Акрополь, кўҳна Парфенон,
Зевсга қўл чўзгандек турар устунлар.
Афсона қасрида яшади юнон,
Ҳақиқат бошида сузиб тутунлар.

Эмишки мозийда тошқиндан чўкиб,
Бенажот, бемамот қолганда инсон,
Маъбудлар ўша кез энг юксак чўққи —
Олимп тоғларида сақлағаймиш жон.

Ўтмиш қобурғаси — колонналар гир,
Айланиб сўзлайди эртақлар бесўз.
Юнонга кирмасин қай бир жаҳонгир
Мағрур Акрополга тиккан экан кўз.

Юртга тош ёғдирган Зулқарнайн ҳатто,
Бир тошдай ғойибга кетди думалаб.

На Али, на Вали, ганжинаталаб,
Дунёдан ўтдилар устун бўлолмай.

Тегирмон қадамлар тагида гўё
Ханжардай санчилар заҳилранг тошлар.
Талатўп замонлар зарбиданми ё
Мармарга айланиб қолганми бошлар!

Тошни тошга чақдим, чатнамади ўт
Ва лекин келди бир инграган нидо:
Устимда устунлар жафолардай кўп,
Устунлар устунлик қилмади аммо.

Бунда қолди фақат даҳо ақлию
Ҳомер, Суқротларнинг тирик ғояси.
Қулвачча Эзопнинг закий нақлию
Меҳнаткаш авомнинг қудрат қояси.

Акрополдан пастга ташлайман нигоҳ,
Мунғайиб кўринар Афина қасри.
Уруш маъбудаси — этайми огоҳ:
Устунлар устида она-ер асли!

Бағрингни титратиб кираркан қурол,
Тирноқли дўстларинг қўлингни михлар.
На Олимп тоғию ва на Акрополь,
Бошпана бўлолмас урушга мифлар.

Бугун ер куррасин сақламоқ чоғи
Дўстлик устунлари, тираги керак.
Илк бор Акрополдан фашист байроғин
Юлиб отган коммунист юраги керак.

Жажжи ўғлимнинг афсуси

— Ойи, ойижон,
Сиз ҳам бўлганмисиз келинчак,
Қачон?
Жуда-жуда гўзал бўлганмидингиз,
Оймўмадай нурга тўлганмидингиз?
— Ҳа, тойчоғим.
Мен ҳам келин бўлганман.
Худди ой сингари тўлин бўлганман.
Парига айланар қизлар — тўйида,
Оқ ҳарир товланса ойдек бўйида.
— Эссиз, эслолмайман, ойижон, ҳечам,
Сиз қандоқ эдингиз тўйингиз-кеча.
Бағрингизга босиб ўша куни ҳам
Шоколад тўлдириб икки қўлчамга,
Олиб боргандирсиз мени боғчамга...

Манзара

Ойдаи олма экан —
балки қисмат номли довул
Уни шохларидан юлибди бевақт,
Юлибдию қоқ иккига бўлиб
Икки томон отипти буткул.
Айрилиқ доғида йиғлайди дарахт —
Кўзёшдай тўкилар япроқлар қат-қат...

* * *

Кураш — ҳаёт ва бахт калити,
Уни қўлга олмоқ — кўп заҳмат.
Бу манзилнинг бормикин кети,
Дейсан гоҳо ҳоритса меҳнат.

Бор, дейсану кетурсан олға,
Бахтлиларга келиб юзма-юз.
Эзгуликка орзуну боғлаб,
Узоқларга сен тикасан кўз.


Бахт эшигин оstonасига
Бир кун етиб келурсан хуррам.
Пешонангга битса насиба
Оғушига олар сени ҳам.

Лек қалбингни яралар ёмон
Дуч келганда ҳаловат — ҳузур,
Сен эшикни очганинг ҳамон
Кириб кетса «...хирмонда ҳозир»

Ва эшикда қоларкан қўлинг,
Туғилмоқни ўйла қайтадан.

Ғафлат билан курашмоқ йўлин
Ҳаёт сенга ўзи айтади!

Сен тасаввур қилган даргоҳга
Қўяркансан шахдам қадамлар,
«Баковул»лар қолиб гуноҳга,
Тавоб айлар сени одамлар.



Виждон азоби

Саратон, қаҳратон ураолмас ниш,
Илон ҳам чўзилиб унга етолмас.
Шиббалаб қурибди инни она қуш,
Куну тун битталаб ташиб хору хас.

Мана, олакелди қайлардан нон-ош,
Қайчидай очади оғзин полапон.
Яна қайларгадир уриб кетди бош,
Оналик бурчини этолмас пайҳон.

Сен-чи, гўдаккинам, унга мўлтиллаб,
Онангни қўмсайсан келиб хўрлигинг.
Узингга қушчадек бир қанот тилаб,
Ўйларсан, қайда деб менинг шўрлигим.

У эса бегуноҳ қушдек «бахтиёр»
Ва лекин дилида эримас бир муз:
Бир инсон тақдири олдида айбдор,
Виждон азобида у мангу маҳбус...

Эй бебош севги

Қайсидир кўчадан чиқдинг югуриб,
Бир ғунча бағрига кирдинг бош уриб.
Эзгулик уруғин сочганинг замон.
Қайдандир қўзғалди ноумид тўфон.

Укпардай тўзитди орзу япроғин,
Туманлар галаси тўсди қароғин.
Вафони чақириб, ҳайқирди сурон,
Танҳолик даштига ташлади ҳижрон.

Қайсидир кўчадан чиқдинг югуриб,
Қисматнинг тошига кетдинг урилиб.
Сен қалбни чаманзор этмак ўрнига,
Эримас тош қўйдинг юрак тўрига.


Кундан-кун юкланди ғишт бардошига,
Муҳаббат айланди дил кундошига.
Соч энди бошидан бир дунё ҳавас,
У дейди:
Севги йўқ,
Севги йўқ,
Севги бўлганмас!!




Баҳор. Инқилобий фасл. Табиат жунбушга киради. Инсон вужудида туйғулар исёни бошланади. Навбаҳор қирларига чиққанимда лолазор завқи билан бошим айланадию бирданига ҳушёр тортаман. Кўз олдимда алвон байроқларни ҳилпиратиб намойишчилар ўтаётгандек бўлади.

Ариқчаларни тўлдириб минг ишва билан оқаётган бешик-бешик тўлқинлардаги лола аксида Адолатхон, Нурхон, Турсуной, Зухраҳон каби эзгулик учун шаҳид кетган юзлаб қаҳрамон хотин-қизларимизнинг ширин ҳаётга тўймай кетган кўзлари жилоланади. Лола-гулларга таъзим қиламан, худди улар мен билан шивирлашаётгандек, сўнгги сўзларини айтишга улгуриб видолашаётгандек, пешонасидаги оппоқ бинти қизил қонга бўялган ҳамшира «Оналик бизга насиб этмади. Фашист бахтимизни янчди. Бизларни унутманглар. Сиз — тириклар билан дийдор кўришмоқ учун ана шу қирларга лоларухсор бўлиб чиқамиз», деяётгандек туюлади. Шу дақиқада лолазор мен учун муқаддас зиёратгоҳга айланади. Мен унинг япроқларига инган шабнамни, юзимга, кўзимга, лабимга суртаман ва жиндек ором олгандек ўзимни енгил сезаман. Нафақат ором, аллақандай алпона куч, сеҳрли орзулар, жўшқинлик, ширин ҳаяжонлар ҳам кўшилади томирларимга. Эҳтимол бир вақтлар Турсуной ҳам шундай алвон қирлар ўқариқларида ўтириб, зангори кемада сузишни хаёл қилгандир. Балки Буолма ҳам қуёш нурларидай узун ипларини ўз дастгоҳларидан чиқараётганда ўша лолазор сатрларини кўз олдидан ўтказса керак. Авваллари лола сайлига дугоналарим билан отланардим. Энди эса бутун оилам — фарзандларим билан. Ҳа, мен туйган туйғуларни фарзандларим ҳам туйиши керак. Чунки туйғусиз яшамоқ — лоқайдлик, худбинлик жарига қуламоқ билан барабар.

Баҳор. Инқилобий фасл. Табиат билан ҳамоҳанг инсон руҳида ҳам туйғулар исён қилади. Айниқса, шу бугун, ёрқин келажакнинг янада кенг, истиқболли, ранг-баранг чаманлари очилган, тонгги янада нурафшонрок отаётган шу бугуннинг файзи узоқ-узоқ уфқларга чорлайди кишини.



Одил БОБОЖОНОВ чизган расм.



Маматқул Ҳазратқулов

ЖУРЪАТ

ҚИССА

Қўшиб ёзиш ва кўзбўямачиликдан мақсад аҳволни яхши қилиб кўрсатишдан иборат эмас. Шу заминда социалистик мулкни талон-торож қилиш учун шароит яратилди.

...Пленум кўпинча қариндош-уруғчилик, маҳаллийчилик, шахсий садоқат, баъзи ҳолларда эса ҳатто шахсий манфаат устун қўйилиб, кадрларни танлашнинг ленинча принциплари қўпол равишда бузилганлигини кўрсатиб ўтди. Масъулиятсизлик, назоратсизлик, барча қилмишларга йўл қўйиб бериш одатда бўлганидек ходимларнинг бузилишига олиб келганлиги алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитети XVI
пленумининг материалларидан.

Эшқобил Пўлатнинг хатини ўқидио ўйлашиб қолди. Кўз олдида тоғаси жонланди. Негадир унинг охириги марта тўйга айтгани борганида олдига пул келтириб қўйганини эслади. Ушанда тоғасидан қаттиқ ранжиган эди. Ҳар доим ўша суҳбатни эсламасликка ҳаракат қилади. Ҳозир ҳам хаёлини чалғитмоқчи эди, бўлмади. Қишлоққа бориши керак... Ё Пўлатга хат ёзсамикан? Отанг билан ўртамизда гап ўтган, шунинг учун мен бормайман, деб ёзадими? Бунга Пўлатнинг нима алоқаси бор? Пўлатни яхши кўради: жуда ақлли, вазмин йигит...

Эшқобил икки ўт ўртасида қолди. Аксига уйда ёлғиз ўзи, хотини болаларини бувисиникига олиб кетган. Шу ерда бўлса, эҳтимол, бирон-бир маслаҳат берармиди. «Пўлат ҳам қизиқ бола-да, Практикага кетишдан олдин келди, қанча гаплашиб ўтирди. Аммо бу ҳақда гап очмади. Хат орқали илтимос қилгани ғалати. Балки, отаси билан орамизда кечган

«...ёзасдан воқифмикан? Ҳарҳолда андишали йигит, хатда ёзсам ноилож бўлиб қолади, деб ўйлагандир...» Қишлоқни, айниқса тоғасини, янгасини ўйласа кўнглининг аллақасери совиб кетади, музга айланади. Қайнотасининг ўйига кўнғироқ қилиб, хотини билан маслаҳатлашсамикин. Фикридан қайтди: «Нима дерди, ўзингиз биласиз, дейди-да».

Балконга чиқиб сигарет чекди. Хаёлига турли-туман фикрлар келарди. «Ўйчи ўйини ўйлагунча, таваккалчи ишини битирипти. — Сигарет қолдиғини кулдонда эзгилаб ўчираб экан, шу мақол миясига урилди. — Йўқ, Пўлатни алдамаслик керак. Менга шунчалик ишонч, умид билан хат ёзиптими, унинг илтимосини бажаришим шарт. Иккиланаверган билан иш битмайди. Бораману келаман. Шундай-шундай гап, деб тоғамни хабардор қилсам бас, қолганини Пўлатнинг ўзи тушунтирар...»

* * *

Ўшқобил автобусдан тушди-да, чуқур нафас олди. Йўл четига ўтиб, атрофни бирма-бир кузатди. Анча ўзгариб кетибди: янги магазин, ошхона, чойхона, гўшт дўкони. Асфальт йўлнинг икки ёқасидаги шамшодлар қиз боланинг киприклари мисоли бир текис саф тортган. Қуёшнинг сўнги нурлари ана шу шамшодларнинг учида жилва қилмоқда. Енгил шабадада барглари майин шивирлайди...

Баҳор кунлари қишлоқ юқорисидаги яйлов ерлар яшил либос кияди. Эшқобил Карим тоғасининг совлиғини подага қўшмай ўша ерга олиб бориб ўтлатарди. Бу жойларни унинг ўзи ҳам хуш кўрарди. Сабаби — ариқ бор. У ариқ бўйига чўзилиб оларди-да, қотган нонни сувга ивитиб ер эди. Чалқанча ётганча нон кавшар экан, осмонга термилиб хаёл сурарди. «Бу осмон дегани қаердан бошланиб, қаерда тугайди?...» уни болаликдаги хаёллари ҳамон тарқ этган эмас. Айниқса, отаси билан бўлган онларини ҳеч қачон унутмайди. Қишнинг узоқ кечалари отаси дутор чалар, у ярим белигача сандалга кириб олиб мириқиб эшитарди.

Ҳозир шуларни ўйлаб, юраги орзиқиб кетди. Киндик қони тўкилган қишлоқнинг кўксига урилган нафасидан энтикди. Бекатдан бир оз орқага қайтди-да, тош йўлдан кунчиқар томонга қараб юрди. Тоғаси узоқ йиллардан бери колхозда бригадир. Қишлоқ кичкина, атиги элликка яқин хўжалик, ҳаммаси битта бригадага қарайди. Шу боис қишлоқда каттаю-кичик уни Карим биргад, дейди. Баъзилар отини айтиб ўтирмайди, биргад деса бас, гап ким ҳақида кетаётганини ҳамма тушунади.

Эшқобил ўзига таниш кўк тахта дарвоза олдида тўхтади. Ҳар гал қишлоққа келганида шу аҳвол. Нафасини ростлайдими, ўтган воқеалар эсига тушади — ўзи ҳам билмайди. У дарвоза олдидаги кичкина тахтачага портфелини кўяди-да, бармоқлари билан қалин, қоп-қора сочларини орқага тарайди. Кийимларининг чангини қоқади, у ёқ-бу ёғини тузатади. Узоқда, сой томонда қўй-қўзилару улоқчаларнинг маърагани эшитилади.

У дарвоза тирқишидан ичкарига мўралади. Ҳовлида ҳеч ким кўринмади. «Нимага ҳеч ким йўқ? Кеч бўлганда, айниқса пода қайтар чоғи ҳамма ҳовлида ивирсиб юргучи эди-ку!...» Дарвозанинг кичик табақасини итарди: очиқ. Бир-икки қаттиқ-қаттиқ йўталди-да, ичкарига кирди. Сайихонадан ўтиб, айвон томонга юрди. Айвоннинг тўридаги чорпояда сабзи тўғраётган тоғасини кўрди. У ишга шу қадар берилиб кетган эдики, дарвоза очилганини ҳам, Эшқобилнинг кириб келганини ҳам сезмади. Йигит портфелини айвоннинг бир чеккасида турган стол устига қўйди-да, тоғаси томон йўналди. Ораларида ўн-ўн беш қадамлар қолгач, аввал томоқ қокди, кейин «Ассалому алайкум, тоға», деди. Карим ака кўлидаги нарсаларни дастурхонга ташладию сўридан сакраб тушди.

— Ие, ие Эшқобилмисан?!

У қўлочини ёйиб келди-да, Эшқобилни қучоқлаб олди. Бригадирнинг озғин, тупроқ хиди анқиб турган гавдаси Эшқобилнинг барваста, кенг қучоғига сингиб кетди. Кейин бир-бирларининг қўлларини қаттиқ сиқишиб, ҳол-аҳвол сўрашишди.

— Қани, жиян, бу ёққа чиқ! — Карим ака Эшқобилни сўрига таклиф қилди. — Хўш, жиян, яхшимисан, тинчмисан? Сихатинг жойидами? Келин, неваралар қалай? Эсон-омонми?

— Раҳмат, тоға. Ўзингиз бардаммисиз? Янгам, жиянлар яхши юришибдимиз? Бу ҳеч ким кўринмайди, ўзингиз сабзи тўғраётибсиз?

— Шукр, тинчлик. Янганг ҳам отдай. Ҳамсоямизникида тўй бўляпти. Ҳаммаси шақа кетган...

Икки қорни икки томонга қаппайган катта сариқ сигир дарвозадан кириши билан «мен келдим» дегандек, чўзиб мўъради. Унинг орқасидан яна бир сигир, ола ғунажин, бир нечта қўй-эчки кўринди. Атрофи сим билан ўралган ёзги молхонадаги бузоқ сигирнинг овозини эшитиб, «бў-ў» деди. Карим ака жойидан ирғиб турди.

— Сен чой ичиб тур, мен молларди бойлаб келай. Бўлмаса боласини эмизиб қўяди. Ана, кўрдингми? Ҳе, хўш, хўш! Ҳе... эганг ўлгур...

Эшқобилга бу гап ғалати таъсир қилди: «Эганг ўлгурмиш... Қизик, одамзод гоҳида оғзидан чиққан гапнинг маънисига бормас экан-да. Ахир унинг эгаси ким? Агар биров тоғамга «э, ўл» десин, ҳеч суриштирмай «Нимага ўл, дейсан?» деб ёқасидан олади. Ўзи бўлса...» У йўлда чанқаган эди — аччиқ кўк чой нақ пўлатга сув бергандай бўлди. Яна хаёл чалғитди: «Кўшниникида тўй бўлса, тоғам бу ерда нима қилиб ўтирибди? Янги кўрпачалар солинган, икки-учтадан болиш-ёстиқ. Меҳмон келармикан?.. Кўнгилчанлиги — бошига битган бало... Буёқда молгаям ўзи чопади, далагаям, бозор-ўчаргаям ўзи югуради. Озиб-тўзиб кетипти.»

Карим ака қорамолларни жой-жойига боғлади, эчкиларни қўйхонага қамади-да, молхона эшиги олдидаги ўтдан бир тутам-бир тутамдан уларнинг олдига ташлаб, устини қоқа-қоқа сўри томон келар экан, деди:

— Қишлоқ шароитида мол-ҳол қилмасанг бўлмаса. Мол қилсанг емиш топмайсан. Унинг устига ҳамма ўқимишли бўлиб кетган. Подачи йўқ. Ҳар йил баҳорда унга эланиб, бунга эланиб кунимиз ўтади. Ҳеч кимнинг боққиси келмайди. Бўлмаса ҳақи ёмон эмас.

— Ҳозир подачи борми, ишқилиб? — сўради Эшқобил.

— Бор. Сафар. Балким танирсан...

— Суяр бованинг ўғлими?

— Ҳа, ўша. Уям бир тоифа — хушига келса боқади, бўлмаса — йўқ. Э, жиян, бир томони подачиларгаям қийин. Мол боқадиган жой йўқ, қаерга ҳайдашни билмайди. Пахтага тушиб қолгудай бўлса, штраф солади. — У пешайвон устунига ўрнатилган умивальникда қўлини ювди. — Подадан келгандан сўнг олдига бир тутам кўк ташламасанг эртаси кун келмайди, қаёқларга санғиб кетади... Хўп кепсан-да. Қани, чойдан ол, йўлда чанқагандирсан. Мен шу сабзини тўғраб қўяй.

— Тоға, — деди Эшқобил пиёлага чой қуяр экан, — нимага сиз тўйга бормадингиз? Унинг устига бунақа ҳаракат.

— Нимага бормас эканман? Мен бормасам тўй бўладими? Қишлоқнинг бригадири бўлсам. Эрталабдан бери ўша ерда эдим. Ҳаммасига ўзим бошман. Ўзимни табелчим-а! — Бригадир жиянига маъноли қараб олди-да, сабзи тўғрашда давом этди. — Гап бор, жиян, гап. Бир оз сабр қил, ҳозир ҳаммасини билиб оласан. Хўш, ўзинг қачон келдинг?

— Ҳозир, тўғри шу ёққа келишим.

— Шундайми? Жуда яхши қипсан.

Бу гап Карим акага бир оз ажабланарли туюлди. Чунки Эшқобилнинг охирги марта келганига неча йиллар бўлди. Уйланапман, деб тўйга айтиб кетганди. Шу-шу бошқа келгани йўқ. «Бекорга келмаган...» Унинг хаёлидан шу фикр кечди. Лекин сўрашга ботинолмади. Бунга Эшқобил ҳам фаҳмлади. Бироқ ўзини ҳеч нарса билмаганга олди.

— Шаҳарлар тинчликми, ишқилиб? — деди Карим ака гапни бошқа томонга буриш учун. — Нима янгиликлар бор? Ўзинг ишлаяпсанми ё отпусмага чиқдингми?

— Отпускадаман. Озгина қолди. Уч-тўрт кундан кейин ишга тушаман.

— Келинни, невараларни олиб келмабсан-да, мева-чева еб, ўйнаб кетишарди.

Эшқобил оила қуриб, учта фарзандлик бўлибдики, на хотинини, на ўғил-қизларини бирон марта қишлоққа олиб келмаган. «Болалар улғайиб, у-бу нарсанинг фарқига борадиган бўлганда олиб бораман, буваси билан бувисининг қабрини кўрсатаман», деб ўйлайди у. Ҳозир тоғасига булар ҳақида оғиз очмади.

— Отпусқада бошқа жойларга бориб, айланиб келдик. Энди олиб келай десам, ўқиши яқин. Ҳа, айтгандай, тоға, Пулатдан хат-пат келдимми?

Ўғлининг номини эшитиб Карим ака сергак тортди.

— Анча бўлди, бир хат келувди. Ноқоратупроққа кетяпмиз деган экан. Қаерда у? У ёқда нима қилишади, билмадим.

— Россияда. Каникулда ўша ёқда ишлашади. Эрта-индин келиб қолса керак.

Эшқобилни кўрган заҳотиёқ Карим ака ўғли ҳақида, унинг ўқишлари тўғрисида сўрамоқчи эди-ю, ботинмади. Умуман, Карим ака жиянининг олдида ўзини унчалик эркин тутолмайди, ҳамма гапни эмин-эркин сўраёлмайди. Буни тоға-жиян иккови ҳам билади. Билади-ю, иккови ҳам ўзини билмаганга олади.

— Ўқишлари тузукми, ишқилиб?

— Яхши. Билмаган нарсаси бўлса сўраб туради. Қўлимдан келганча маслаҳат, ёрдам бераман.

— Раҳмат, жиян, — деди Карим ака. Унинг овози негадир хаста эди. — Бу яхшиликларингни ўлгунимча унутмайман.

Бу гап Эшқобилни яна хаёлга толдирди: «Шу сўзларнинг самимийлигига ишониб бўладими? Нега одамлар бир-бирининг кўзига қараб туриб алдайди? Узим бўлай дейди. Ҳамма касофат ишлар ўзибўларчиликдан келиб чиқишини наҳотки билмаса?!.»

* * *

Трушдан кейинги оғир йиллар... Хўжаликларнинг ҳам, одамларнинг ҳам аҳволи ночор. Раҳбарларнинг-ку юмуши кўп, ташвиши чексиз. Колхозни ўйласа одамларнинг яшаши, турмуши чатоқ, одамларни ўйласа хўжалик батамом ўтириб қолади. Бироқ одамларсиз хўжаликнинг иши олға босмайди. «Коммунизм» колхознинг раиси Юсупов ҳам бу ташвишлардан холи эмас. Деҳқон ҳамма нарсадан кўра бир қафт донга зор кунлар. Аёллар бир пайкалда, қари-қартанг, ёш-яланглар бошқа пайкалда арпа ўраяпти. Ҳазил-ҳузул, гурунг авжида. Одамлар шу билан ўзларини овутадилар: чарчоқ, толиқиш, қорин очлиги билинмайди.

Юсупов аёллар арпа ўраётган пайкал уватидан ўтди. Кекса аёллар қадрларини ростлаб, раисга салом беришди.

— Ҳорманглар! — деди Юсупов.

— Бор бўлинг, раис бова, — дейишди хотинлар бараварига.

Юсупов аёллар билан хўшлашиб эркаларнинг ёнига борди. Жавзо иссиғи баданни куйдиради. Лекин ҳеч ким жазирамага парво қилмайди. Ҳамма бир-биридан қолишмаслик учун куйиб-пишиб арпа ўради. Раис ўроқчиларга разм соларкан, ич-ичидан мамнун бўлди. «Халқ дегани жуда катта куч-да...» Шу пайт аёллар арпа ўраётган пайкалда ғала-ғовур бўлиб қолди. Кимдир, «Сув беринглар! Сув, тезроқ!», деб бақирди. Ҳамма ўроғини ташлаб ўша томонга чопди. Раис ҳам уларга эргашди.

Кимдир бир аёлнинг юзига сув сепар, рўмоли билан елпир эди.

— Нима гап? Тинчликми? — сўради Юсупов.

— Иссиқда лоҳас бўлди чоғи, ўзидан кетиб қолди.

Раиснинг юраги шувиллаб кетди. Беҳуш ётган аёлнинг ёнига яқинроқ борди.

— Санақул аканинг аёли-ку?! Нима, тоби йўқ эканми? — сўради у.

— Нимасини сўрайсиз, раис, — деди ўроқчи хотинлардан бири. —

Бетоб экан. Кун иссиқ, яна ўримга чиқибди... Шўрлик эрталаб ҳам туз тотмаган кўринади.

— Ким олиб чиқпти ўримга? Қани бригадир?

— Ҳеч ким мажбур қилмаган, — деди даврадагилардан бири. — Ўзи чиққан. Ўримга борсам бир сиқим дон-пон тегармикан, деган умидда келган-да, бечора. Жўжабирдай жон. Унта боласи бор, ахир!..

Юсуповнинг юраги ўйнаб, ёнидагилардан хижолатомуз сўради:

— Аравакаш қани?

— Арпа ортыпти, — деди биров.

— Чақиринг буёққа!

Аравакаш — ёшгина йигит, раиснинг олдига югуриб келди.

— Лаббай, раис бова?

— Қани, аравани қўш! — деди раис кескин. — Бу кишини тезда уйига олиб бор. Кейин тўғри омборга ўт. Омборчига айт, бир пуд буғдой берсин. Санақул аканинг уйига келтириб ташла. Мени айтди де. Бўл, тезроқ!

— Арпа ортиб қўйган эдим-ку, аравага, — деди аравакаш йигит.

Юсупов қизариб кетди. Ҳамма унинг оғзини пойларди.

— Ағдар арпани, — деди у жаҳл билан. — Келиб ташийсан. Туради шу ерда, бўри емайди...

Шу куни кечгача Юсуповнинг чиройи очилмади, отаси ўлгандай хўмрайиб, қовоғидан қор ёғилиб юрди. Оқшом хотини келтириб қўйган аталадан ҳам бир-икки қошиқ ичди-ю, кўнгли тортмади. Кўз олдига ўн боланинг отаси Санақул ака, унинг иссиқда беҳуш бўлиб ётган хотини келаверди. Болалар ота-онасининг йўлига термилади, уйга келгач, егулик бирон нима борми, деб уларнинг кўлига қарайди... «Санақул ака эртдан кечгача чанга ботиб хирмон совурса, аёли арпа ўрса... Уйида бир кафт дон бўлмаса... Бу нима кўргилик!..»

Дастурхон йиғилди. Эру хотин бир муддат бир-бирларига термилиб қолишди. Бу ўтириш бугун Юсуповга жуда эриш, йўқ, ғоят оғир туюлди. Бироқ юрагидаги дардларини хотинига билдирмади. «Ўзи-ку куйиб юрибди. Яна қовуриб нима қиламан?» У индамай ўрнидан турди. Хотинининг «Қаёққа?» деган сўровига «Мазам бўлмаёпти, ётаман», деб уйга кириб кетди.

— Шу иссиқ кунда уйда ётасизми? — деди Фазилат опа.

— Этим увишяпти. Уйда ётай-чи...

Аслида унинг эти ҳам увишмас, уйқуси ҳам келмасди. Ҳовлида ётса гўё биров кўрадигандай уйга киргиси, ёлғиз қолгиси келарди. Бари бир ётиб ҳам уйқуси келмади. «Одамларга қийин бўлди... Раҳбар деган фақат ишлатишнимас, уларнинг шароитини тузатишни ҳам билиши керак. Колхозчиларга озроқ-озроқдан арпа тарқатсак нима бўларкин? Бўш қоп тик турмайди ахир!..»

Эртаси куни Юсупов правление мажлисини чақирди. Фикрини ўртага ташлади. Биров маъқуллади, бошқаси қандай бўларкин, колхоз мулкани талон-тарож қилиш жиноят эмасми, деди. Юсупов ўз фикрида қатъий турди. «Йўқ, бу талон-тарожликка кирмайди! — деди у. — Бу ҳолда биз халқни бездириб қўйишимиз мумкин. Уруш халқнинг тинка-мадорини қуритди. Эндиям ҳеч нарса бермасак — ёмон бўлади. Ҳар бир рўзғорга оила аъзоларининг сонига қараб ажратиш лозим».

Оз-оздан арпа тақсимланди. Халқ бирмунча яйраб қолди. Ётиб қолган тегирмонлар новига сув қуйилди...

* * *

Ўрим ака тўғралган сабзини тоғорага солди. Уни ошхонага элтиб қўйиб, чой дамлаб келди. Дастурхон ёзди. Иссиқ чойни қайтариб, аввал ўзига, кейин Эшқобилга қўйди.

— Қани, жиян, чойдан ич, нонга қара.

— Раҳмат, — деди Эшқобил, — кўп овора бўлманг, тоға.

— Овораси борақанми, жиян, бир кепқопсан.

Эшқобил нондан бир бурда синдириб оғзига солди, устидан чой хўплаб, тоғасига юзланди.

— Шундай қилиб, кимлар, қанақа меҳмонлар келишади?

— Кимлар дейсанми? — деди Карим ака салмоқлаб. — Ҳазимизнинг одамлар. Лекин керакли меҳмонлар.

— Керакли меҳмонлар деганингиз нимаси, — ҳайрон бўлди Эшқобил. — Меҳмоннинг ҳам керакли-кераксизи бўладими?

Бригадир кулди.

— Жияним-а, шунча йилдан бери шаҳри азимда юрсанг ҳам соддасан. Шу томонларинг худди ўзимга ўхшайди. Жиян тоғага тартади, деганлари рост экан. Нимага энди меҳмоннинг керакли-кераксизи бўлмасин! Бўлади, жиян. Мен сенга айтсам, бу дунёда ҳамма нарса икки турга бўлинади: ё керакли, ё кераксиз. Ҳатто тош ҳам, — устун тагидаги, ҳамда супа ёнидаги тошларга ишора қилди. — Буниси керакли, чунки у устунни кўтариб турибди. Униси кераксиз — бекорга жойни банд қилиб ётибди. Сен бўлсанг меҳмонни гапирасан. Баъзи меҳмонлар бор, уйингга келиб нон-тузингни еб-ичиб кетади. Бир кунмас бир кун олдига бирор илтимос билан борсанг, ҳеч иложи йўқ, деб елка қисади. Хўш, бундай одамни меҳмон қилишдан нима фойда?..

Хўш, бошқа бир хил меҳмонлар бўлади: нон-тузингни едим, нима илтимос қилсанг йўқ демайди. Бунақа меҳмоннинг садағаси кетсанг арзийди. Ундайларга ҳар қанча елиб-югуриб хизмат қилсанг чарчамайсан. — Бригадир пиёлаларга чой қўйди. Ол, жиян, олиб ўтир. Шунақа гаплар. Шунинг учун кимни меҳмон қилишни ҳам билиш керак. Тўғри келган одамга сахийлик қилавериш ҳам яхшиликка олиб келмайди. Бу замон шунақа. Кистангга қараб ошно бўладиганлар кўп. Улардан эҳтиёт бўлиш даркор. Пул сарфлаш ҳам милтиқ отишдай гап. Мўлжални аниқ олмасанг ўқинг хато кетади. Ҳар бир хато кетган ўқ — кистангга зарар. Ҳисобини билмаган ҳамёнидан айрилар, деган машойихлар.

Эшқобил тоғасининг бу «фалсафа»сини тинглар экан, гоҳ энсаси қотар, гоҳо кулгиси қистар эди. Бироқ ҳар икки ҳолатда ҳам ўзини тийиб, қани охири нима бўлар экан, деб сабр қилиб ўтираверди. Аксинча, ўрни-ўрни билан савол ташлаб, уни ўйнай бошлади.

— Бугун келадиганлар керакли меҳмонларми? Мабодо сир бўлмаса?..

Карим ака худди шу гапни кутиб турганди, яйраб кетди.

— Нимага сир бўлади? Тоғанинг жияндан яширадиган сири борми? Меҳмон — колхозимизнинг раиси!

— Раис ким ўзи? Қаердан?

— Ҳали танимайсанми? Шундай машҳур раисни-я? Қамар раис деб эшитмаганмисан? Ўзи олачилик.

— Йўқ, эшитмаган эканман. Унга менинг ишим тушмаса. Мен учун керакли бўлмаса, қаердан билай.

Бу гапдан Карим ака кулди. Эшқобил ҳам ноилж илжайиб қўйди.

— Ҳали замон келадилар. Кўрасан. Жуда ажойиб улфат, бағри кенг, меҳнаткашларга ғамхўр одам. Оти Қамариддин. Ҳамма Қамар раис дейди. Раисимиз бутун областга машҳур.

— Тўй у ерда бўлса, раис бу ерда нима қилади? Тўйга бормайдими?

— Тўйхонага кириб, қуллуқ бўлсин қилади. Кейин бу ерда ўтириш... Нима, шундай катта одам ўша ерда, ҳамманинг орасида ўтирсинми?

Бу гаплар Эшқобилга ғалати туюлди. «Бу қанақаси? Ё тавба!» Лекин индамади. Бир кўнгли келишдан мақсадини тоғасига айтиб, ишни бир ёқли қилиб кетмоқчи бўлди. Аммо Карим аканинг ҳаракатидан кўриниб турибдики, ҳозир унинг қулоғига бундай гаплар кирмайди. Фикри-ёди раисни яхшилаб кутиб олиш, унинг кўнглини топишда. Унинг устига вақт шомдан ўтди. Шу маҳалда қаерга боради. Қолаверса, ота-онасининг қабрини зиёрат қилмай кетадими?

— Майли, тоға, — деди у. — Бўлмаса мен бир оз дам олай, меҳмонлар келса турарман.

У ёстиққа ёнбошлади. «Раисимизнинг шахсан ўзлари қадам ранжида қиладилар... Ё тавба! Хўш, раис келса нима бўпти?..»

Ша воқеадан кейин орадан кўп ўтмай Юсуповни олиб кетишди. Айби — уруш тинкасини қуритган одамларга озгина арпа тарқатганлиги...

У кийим-кечакларини олиб эшикдан чиқаётганида Фазилат опа дод солиб бўйнига осилди.

— Қўйвормайман! Нимага энди айбдор бўласиз?! Одамларнинг қорнини тўйғазиш гуноҳми, жиноятми?!.

Юсупов халқуми тўлиб турган бўлса-да, ўзини қўлга олди. Хотинига далда беришга, уни тинчитишга интилди.

— Узингни бос, хотин. Майли, суриштиришсин, аниқлашсин. Агар зиғирнинг гулича ҳақиқат бўлса юзага чиқади, деганлар. Совет суди ҳақиқатни аниқламай бировни бадном қилиб, қоралаб юбормайди...

Фазилат опа бир оз жим қолди. Сўнг, эрининг бўйнидан қўлини олди-да, нигоҳини бир чеккага олиб қочди. Юсупов энди юрмоқчи эди, унинг йўлини тўсди, ғайритабий бир жасурлик, дадиллик билан эрининг кўзларига тикилди.

— Ишингиз ўнгидан келсин...

...Бунга уч кун бўлди.

Халққа арпа тарқатгани тўғрисида ҳар хил гап чиқди, районга бирикки чақириб, сўроқ қилишди. Бугун ҳам сўроқ бериб қайтди. Ҳам асабийлик, ҳам чарчоқ туфайли иштаҳаси бўғилган. Наридан-бери овқатланган бўлди. Дастурхон йиғиштирилгач, Фазилат опа эрига қараб-қараб қўйди. Унинг бу қарашидан нимадир демоқчи эканини Юсупов сезди.

— Тинчликми? — деди ниҳоят.

— Отаси, — деди Фазилат опа ийманиб. У эрининг юзига қараёлмай, рўмолининг учини ўйнаб гапирарди. — Суюнчи беринг?..

Юсупов сергак тортди.

— Хўш? Бош устига...

— Менинг бўйимда бор...

Уларнинг турмуш қурганларига ўн йилдан ошди. Лекин фарзанд бўлмади. Ҳаётда бундан оғир дард, кўргилик йўқ. Айниқса, юрт устида юрадиган одамга қийин. Бировга қаттиқроқ гапиролмайди...

Хотинидан эшитган гап Юсуповнинг кўнглини тоғдай кўтарди. Бошига тушиб турган ташвиш ҳам кўзига кўринмай қолди. Фалакнинг бешафқат ўйини шу экан-да, бир қўли билан уради, иккинчиси билан бошини силайди!.. У хотинининг икки елкасидан маҳкам кучоқлади, маъюс кўзларига термилди.

— Ростми?!. Демак, бошқалардай кўкрагимни кўтариб юришга энди менинг ҳам ҳаққим бор!.. Жон хотин, ўзингни эҳтиёт қил. Оғир нарса кўтарма.

Улар бахтиёр эдилар...

Фазилат опа эридан жавоб кутиб, ёшли кўзларини ундан узмай турарди. Юсупов негадир хотинининг ўғил туғишини истарди.

— Борди-ю, шундай бўлса, отини Эшқобил қўй. Дунёда қобил одамлар кўпайсин...

— Қиз бўлса-чи?

— Йўқ. Уғил бўлади! Мен ишонаман, албатта ўғил бўлади! Агар қиз бўлса, унда ихтиёр ўзингда.

Карим аканинг «фалсафа»си ҳақида хаёл суриб ётиб, Эшқобилнинг кўзи илинди. Туш кўрибди. Тушига отаси кирибди. Қора қош, сал қисик кўзлари негадир маъюс боқувчи, яғриндор одам... Нимадандир кўнгли тўлмагандай. Эшқобил отаси томонга чопармиш. У бўлса, «Келма, келиб нима қиласан. Ишингни қил!» дермиш.

— Жиян тур, меҳмонлар келишяпти!

Карим аканинг дўриллаган овози Эшқобилни уйғотиб юборди. У апил-тапил ўрнидан туриб, у ёқ-бу ёғини тузатди. Дарвозада машина эшиги қаттиқ ёпилиб, ичкарига уч киши кириб кела бошлади. Карим ака уларга пешвоз чиқиб, икки букилиб салом берди, қўл олишиб кўришди. Эшқобил ҳам сўридан тушиб омонлашди.

— Қани, раис бова, юқорига чиқинг, — деди Карим ака.

Раис бова дегани эллик ёшлардаги барваста, истараси иссиқ, аммо кўринишидан айёрлиги билиниб турган тўла бир киши бўлиб, унинг кийиниши одми, бир оз салмоқлаб қадам ташлашида, юз ифодасида қандайдир салобат, ўктамлик зоҳир эди.

Олдин раис, кейин қорни тарвуздай дум-думалоқ, юзлари ёғ сургандек йилтираб турган пакана киши, унинг кетидан ўттиз ёшлардаги ихчам йигит сўрига чиқишди. Эшқобил ҳам сўрининг бир четига оёғини осилтириб омонатгина ўтирди. Раис Эшқобилга юзланди:

— Яхшимисиз?.. Карим ака, меҳмон келган экан-да?

— Ҳа, — деди уй эгаси қўлини кўксига қўйиб. — Жияним, шаҳардан келди.

— Хўш, меҳмон, хизмат қаерда?

— Институтда, — деди Эшқобил гапни калта қилиб.

— Домлачилик денг? Ишнинг зўрини топган экансиз. План, мажбурият деган гаплардан йироқсиз.

— Бизда ҳам план, мажлис, ҳисобот... Хуллас, ҳар касбнинг ўзига яраша ташвиши бор.

— Ҳа, энди, — раис маъноли кўлумсиради. — Домлаларга маза. Болаларга икки-уч соат у ёқ-бу ёқдан гапириб, афанди айтиб, пулини олиб кетаверади. Айниқса, ёз кунлари боламни ўқишга киритаман деб борганлар уларнинг этагини тутишга орзуманд. Осонликча этагини тутқазиб бўпти! Нима дедингиз, меҳмон?

Эшқобил бу гапларни ҳазил, деб тушунди. Ундан садо чиқмагач раис ёстиққа ёнбошлаб, рўпарада ўтирган йигитга буюрди.

— Турғунбой, сувдан қуй. Юрак қуйиб кетди, — у думалоқ кишига ишора қилди. — Бу кишимиз бош бухгалтер. Бошқача айтганда, колхозизмининг молия министри. Жонингни бер, десангиз беради, аммо бир тийин чиқармайди.

Думалоқ киши илжайиб қўйди. Турғунбой ҳаммага минерал сув қуйиб узатди. Раис бир кўтаришдаёқ пиёлани бўшатди-да, рўмолчаси билан терлаб кетган юзларини, бўйнини артди.

— Бюрода нима масала кўрилди? — деб сўради Турғунбой.

— Пахта-да! Бизнинг пахтадан бўлак нима дардимиз бор. Тезроқ теримни бошланглар, дейишди. Ҳали пахта очилмаган бўлса нимани терамиз. Буям етмагандай дефолиация орқада.

— Орқадалигимиз рост.

Агрономнинг гапи раиснинг жаҳлини чиқарди.

— Дефолиациянинг нима кераги бор?! Бари бир машинада термасак.

— Теришимиз керак, раис бова, — агроном чўчиброқ гап қилди. — Машиналаримиз бор бўлса. Нега ишлатмаймиз?

— Қуруқ гап!.. Уйлайсанки, бошқалар машинада теради... Йўқ! Аслида машиналар ремонтдан чиқарилиб, карта бошига тизиб қўйилади. Комиссия-помиссия келгудек бўлса ишга тушириб юборилади, холос.

— Жа унчаликмас, — деди Турғунбой. — Ҳамма жойда терим машиналари гуриллаб ишлаётибди.

— Чўлда кўргансан. Мирзачўлда, Жиззахда... Бизди районларда, айниқса колхозимизда иш бермайди.

— Унда машина олиб нима қиламиз?!

— Шундай қилмасак бўлмайди, ука.

— Қаллоблик-ку, бу! Машина терими мунча бўлди, деб маълумот берамиз. Наҳотки, бор гапни, шароитни очиқ-ойдин айтиб бўлмаса? Бўлади! Лекин...

— Хўп, бас қил!..

Агроном жим бўлди. Ҳозир раис билан тортишиб ўтиришдан наф йўқлигига кўзи етди чоғи, бошқа гапирмади. Эшқобил ўзини ноқулай сезиб, ўрнидан турмоқчи эди, раис қўймади.

— Утираверинг, ука. Бу бизнинг ҳар кунги гапимиз, қўшиғимиз. Сиз парво қилманг.

Эшқобил ҳайратда эди. «Наҳотки, катта бир хўжаликнинг раҳбари масалага шу қадар енгил-елпи қараса? — ўйларди у. — Бу ҳолда колхозга қандай раҳбарлик қилиб юрибди?!»

* * *

Ю супов уч ой тергов берди. Охири бор гап аниқланди: колхоз мулкини талон-торож қилди, деган гап исботланмади. Уғил туғсанг отини Эшқобил қўясан, деб кетган одам хотинининг ҳомиласи беш ойлик бўлганида эшикдан кириб келди. Уша кеча эру хотин ухлашмади. Улар бир-бирларига қараб тўйишмасди.

* * *

Қ амар раис ёстиқни бир чеккага сурди-да, туриб ўтирди. Карим ака елиб-югуриб хизмат қилмоқда: гоҳ чой олиб келади, гоҳ яхна гўшт, яна алланималар.

— Қани, ука, сувдан қуй, — деди раис агрономга. — Ичим куйиб кетяпти. Мажлисда ўтиравериб жуда маза қочибди. Бу, янги секретаримиз қизиқ чиқди. На чарчашни билади, на тинимни. Куни билан дала кезади, кечаси мажлис. Кошки шунга яраша ўзи пахтани яхши билса. Билмайди. Йиғин қилаверган билан иш битмайди...

— Шунга айтсаларингиз бўлмайми, — деди Турғунбой пиёлага сув қуйиб узатаркан.

— Секретарга-я? Биринчига-я?! Ўйлаб гапиряпсанми?..

Боядан бери индамай овқат еётган бухгалтер гапга қўшилди.

— Турғунбой бўлганда айтарди. Бу киши законди жуда яхши билади-да. Правление йиғилишларида эътибор бермаганмисиз...

— Гапни бошқа томонга бурманг-да, Тўракул ака, — пича қизишиброқ деди Турғунбой. — Мен тўғриси айтяпман. Мана, Қамар акага ўхшаган раислар, совхоз директорлари қанча районда. Шулар бир оғиз гапирса бўлади-ку, демоқчиман. Ўзлари нолиётибдилар. Бўлмаса нима ишим бор. Вақти келганда мум тишлаб ўтиришади-да, орқасидан одамларнинг фикрини эшитмайди, инobatга олмайди, деб ёмонлаб юришади...

— Секретарь одамларнинг фикрини эшитмайди, деб ким айтди? — раиснинг капалаги учди. — Жуда эшитади-да! Унинг устига мен у кишини ёмонлаётганим ҳам йўқ.

Раис секретарь тўғрисида гуллаб қўйди-ю, энди гўё унинг гапини биров етказадигандек, хавотирга тушиб қолди. Энди гапга оғиз жуфтлаган эди дарвоза очилиб, новча, қотмадан келган одам кириб келди.

— Мен сизларни тўйхонадан қидириб юрибман, — деди у салом бериб. — Нимага бу ерда ўтирибсизлар?!

Келувчини раис Эшқобилга, «Бу киши парткомимиз, Бурҳонов», деб таништирди. Партком Эшқобил билан қўл олиб кўришди.

— Уйга кириб чиқшингиз шунча қийин бўлди-ми? — деди раис парткомга. — Турғунбой ичамизми-йўқми, деб ҳаммани хуноб қилди. Қани, олинглари-чи! Хўш, бўлмаса биринчи қадаҳни, менимча уй эгаси — бизнинг қадрдонимиз, илғор бригадиримиз Карим аканинг соғлиги, ҳосилининг мўл бўлиши учун олсак, а? Нима дейсизлар?

Тўракул ака «албатта» деб маъқуллади. Олдин раис, унинг кетидан Тўракул ака ичиб юборди. Агроном билан партком яримлатди. Эшқобил на ичишни, на ичмасликни билмасди. Карим ака қўли кўксига, «рахмат, раис бова, кам бўлманг», деб ўтирибди. Раис газак қилар экан, зимдан ҳамманинг қадаҳига разм солди.

— Ҳа, меҳмон, ичмадингиз? — сўради Эшқобилдан. — Ё гапим ёқмадимми?

— Гапингиз маъқул. Лекин, биринчи қадаҳни, менимча, келин-куёвнинг бахти учун олсак тузук бўлармиди...

— Келин-куёв учун ҳам, сизу биз учун ҳам оламиз ҳали, — гапга аралашди Тўрақул ака. — Нима, бошқа ичмаймиз, дейсизми? Утиришимиз энди бошланди-ку!

— Бу ерга ичгани келдикми? — деди Бурҳонов. — Умуман, ичкилик қўйилиши яхши эмас. Ҳамма жойда тўйларни ичкиликсиз ўтказиш ҳақида гап бўляпти.

Раис гапга аралашди:

— Ҳа, энди, тўй-ку, ўртоқ Бурҳонов. Унинг устига ярим кечаси бўлса. Биз ичиб, нима кўча-кўйда валдираб юрармидик. Озгина-озгинадан келин-куёвнинг бахти учун оламиз-да. — У Эшқобилга қаради. — Меҳмон кепти.

— Тўйхонадаям столлар тўла арақдир? — Бурҳонов Карим акага юзланди.

— Йўқ ҳисоби. Унақа кўп арақ олишга қурбиям етмайди.

— Иложи бўлса шу озниям қўймаслик керак.

Эшқобил индамасди. «Ғалати одамлар экан-ку». Раис Бурҳоновдан юз буриб, Карим акага қаради. У отаси чақирган боладай пириллаб олдига келди.

— Лаббай раис, бова?

— Бу, уйланаётган бола ким ўзи? Нима иш қилади?

— Бизнинг табелчининг укаси. Қолхозчи.

Эшқобилнинг энсаси қотди: «Тавба, колхоз раиси ўз одамини танимаса. Тўйга келса-ю, уйланаётган йигит нима иш қилишини, ким эканлигини билмаса. Бу қанақаси? Раисни хўжаликнинг отаси дейишади. Шуми оталик қилиш?!»

Кўшни ҳовлидан музика, болаларнинг қий-чуви, сўнг кимнингдир микрофондан гапиргани эшитилди: «Азиз ва ҳурматли меҳмонлар! Бугун Эшқуловлар оиласида катта тантана, шодиёна. Укамиз...»

— Тўй энди очилди. Биз аллақачон бошлаб юборибмиз, — деди партком секретари ўйчан.

Эшқобил бу даврага тушиб қолганидан афсус чекди, юраги сиқилди. Тағин ўзини қўлга олди: «Майли-да, ҳар хил одамларни кўриб қўйган ҳам яхши. — Шундай деб ўзига ўзи таскин берди. — Ёмонни кўрмай яхшининг қадрига етмайсан».

Нима қилсин, тоғасининг меҳмонлари. Бундай вазиятга кўп тушган. Ҳар доим вазминлик қилади. Йўқ, бир гал ўзини тутиб туролмади.

Чойхонада беш-олти киши чой ичиб ўтиришарди. Ҳамкасбларидан бири кекса ўқитувчини ёмонлаб қолди. Ҳатто унинг бир оз тутилиб гапиришигача масҳара қилди. Ҳеч ким индамади. Эшқобилнинг аччиғи чиқди.

— Кекса одам бўлса, орқасидан гапиришнинг нима кераги бор, — деди пича қизишиб. — Яхшими-ёмонми бирга ишлаймиз. Энди чойхонада ёмонлаб ўтирсак одобданми?! Эшитганлар нима дейди.

— Э, сизга тегиб кетдим, Эшқобил Саидович, — деди ҳалиги одам киноя билан. — Айтгандай ўша томондансиз-а? Билмабмиз.

Собиқ декан билан Эшқобил битта областдан эди. Аммо ҳозир бу нарса Эшқобилнинг хаёлига ҳам келмаганди. У фақат бировни ғийбат қилиш одамгарчиликдан эмаслигини айтмоқчи эди, холос. Кесатиқ унинг ҳамиятига тегди.

— Жуда бачкана экансиз-ку, Миркомил ака, — деди Эшқобил афсусланган бир қиёфада. — Иштонсизнинг ҳадиғи чўпдан, дегандай ўзингизга нам тортиб нима қиласиз?! Менинг у одам билан бир жойдан эканлигимнинг бу суҳбатга нима алоқаси бор? Ҳамшаҳар бўлиб менга бирон-бир яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам қилмаган. Лекин у кишининг саховатидан бошқа эмас, мана сиз фойдаландингиз. Ҳар куни олдидан чиқмасдингиз, оғзингиздан номи тушмасди. Зиёфатларга борганда-ку

ёнига ўтириб олиб, тарелкасига егулик тўлдириш билан банд бўлардингиз. Ёлғон бўлса, мана ўтирганлар айтишсин. Хўш, диссертациянгиз ҳимоясида ким жонингизга оро кирувди? Шу одам қаттиқ турмаганида, ким билади, ҳалигача ёқлардингизми-йўқми... Тузини ичиб, тузлиғига туфламанг-да...

Ўртага оғир сукунат чўқди. Миркомил аканинг ўсал бўлганидан юзлари, бўйинларигача қизариб кетди. У миқ этмай сигарет тутатди-да, ўрнидан турди. Ҳеч ким билан хайрлашмай чойхонадан чиқиб кетди.

— Бекор қилдингиз, Эшқобил Саидович, — деди ўтирганлардан бири. — Бечорани ёмон эздингиз. Ер ёрилмадики, ўзини урса...

Эшқобил ҳам эзилди. Бировни хафа қилишдан, кўнглини оғритишдан ёмон нарса йўқ. Лекин феъли шундай, у нима қилсин!

— Ўзимни туюлмадим, — деди у ўйчан. — Лекин бунақа қилиш ҳам яхши эмас-да! Бошқа одам гапирса ҳам майли эди. Келиб-келиб Миркомил ака гапирадими? Янглишмасам, у бечора ҳеч кимга ёмонликни раво кўрмаган. Иложини топса, қўлидан келса ҳаммага яхшилик қилади. Шундай экан, орқасидан бунақа гаплар қилишимизнинг нима фойдаси бор?!

Раис билан бухгалтернинг жўн гаплари Эшқобилга чойхонани, у ерда бўлган суҳбатни эслатди. «Буларнинг шу даражага келишида раҳбарчало-ру колхозчиларнинг ҳам айби бордир. Ҳеч ким гапини икки қилмагандан кейин мендан доно, мендан ақлли одам йўқ, деган хаёлга бориб қолиши ҳам мумкин. Ахир аҳмоқнинг пешонасига ёзиб қўймайди-ку!»

Тўйхонадан икки киши келди. Уларнинг қўлларида иккитадан сумка. Базўр кўтаришларидан оғирлиги билиниб турибди. Тўғри ошхонага киришди. Карим акани чақириб алланималар деб гаплашишди.

— Яхши ўтирибсизларми? Зерикмаяпсизларми? Камчилик йўқми? — сўрашишди сўри олдига келиб.

— Раҳмат, ўртоқ, табелчи, — деди раис. — Тўйлар қутлуғ бўлсин. Ҳа, баракалла, укага бир оталик қилай дебсиз-да. Кам бўлманг.

— Раис бова, — деди Карим ака тортина-тортина, — табелчимиз бир илтимос билан кепти, олдингизга.

— Хўш, хўш? — деди раис ҳисобчига қараб.

Ҳисобчи илжайиб қўлини кўксига қўйди.

— Катта-кичик илтимос қияпти, бир оғиз суҳан қилиб берсалар деяпти. Келин-куёвнинг бахти учун, — деди яна бригадир.

— Боядан бери яхши тилаклар айтиб ўтирибмиз-ку.

— У ерда, одамлар олдида гапирганингиз бошқа-да.

— Э, қўйсангиз-чи, артистга ўхшаб кўлимга микрофон олиб, гапириб ўтираманми энди. Шу ерда гапирганимиз ҳам етар.

Ҳисобчи ёш боладай жавдираб парткомга қаради. Эшқобилнинг раҳми келди. Парткомнинг ҳам кўнгли бўшашди шекилли, раисга деди.

— Гапира қолинг?

— Балки ўзингиз гапирарсиз!..

— Гапирсам гапиравераман-у, лекин ҳозир сиздан илтимос қилиш-япти.

Раис парткомнинг гапини эшитмаганга олди ва Тўрақул акага юзланди:

— Киши ҳар кимнинг гапига қулоқ солаверса жуда доно бўлиб кетади. Кейин ақллилик балосига гирифтор бўлади. Қани, туринг, бориб бир гапни гумбирлатиб ташланг!

Тўрақул ака «Қўймадингиз, қўймадингиз-да», деб минерал сувдан бир пиёла ичди-да, сўридан тушиб, тўй бўлаётган ҳовли томон йўрғалади. Ҳисобчи билан бригадир раисга таъзим қилиб, қайта-қайта раҳмат айтишарди. Бу раҳматлар, миннатдорчиликлар Эшқобилнинг ғашини келтирди: «Нима учун раҳмат айтиши керак! Сўзимизни ерда қолдирмагангиз учун ташаккур, эмиш. Шуми сўзини ерда қолдирмагани. Нега одамлар бунчалик ўзини хор қилади, оёқ остига ташлайди? Шунақа одамлар бировнинг қадрига етадими? Узини ўзи қадрлай олмаган одам ўзгалар қадрини қаердан билсин! Ҳаммаям одамман, деб юраверар экан-да...»

— Жуда гапга бало-да, қурғур, — раис Эшқобилга қаради. — Билмайман, бу гапнинг курсига ўқиганми. Шу таланти билан идорада чўт қоқиб ўтирганига ҳайрон қоламан. Ҳозир эшитасиз, сайраворади.

Шу маҳал тўй томондан жаранглаган овоз эшитилди:

«Азиз ўртоқлар! Ҳурматли меҳмонлар ва мезбонлар! Ҳозир мен жуда катта шарафли вазифани бажаришдек муқаддас бахтга муяссар бўлиб турибман. Шундан ўзимни ғоят шод ҳис этмоқдаман...»

— Эшитяпсизми, — деди раис, — овозни қаранг, овозни! Қодир Махсум бўл-ей, баччағар.

У мириқиб кулди. Тўрдагилар кулса, пойгадагилар илжайрмиш, дегандек, агроном ҳам тиржайиб қўйди. Қўшни ҳовлидан таралаётган ўткир овоз тун пардасини тўлқинлатиб атрофга ёйиларди:

«Колхозимиз раиси, ҳаммамиз учун ҳурматли отахонимиз, ғамхўримиз, муҳтарам Қамариддин акахонимиз келин-куёв шайнига илиқ сўзлар айтишимни, уларга бахтли-саодатли, ували-жували бўлишларини тилашимни топширдилар. Мен шу ажойиб истакни, шу табаррук тилакни кўпчилик олдида, мана бу қора кўзлар гувоҳлигида келин-куёвга етказишдек муқаддас ва шарафли вазифани бажараётганимдан бошим осмонга етмоқда...»

— Қани, биттадан қуй, ука, — деди Қамар раис Турғунбойга. — Тўрақулнинг чиройли сўзлари учун олайлик.

Турғунбой қадаҳларни тўлдирди. Эшқобил уларнинг гапига эътибор бермай ўрнидан тураркан, орқасидан раис гап қилди:

— Ҳа, меҳмон, қаёққа? Кемага тушганнинг жони бир, ахир!

— Раҳмат... Бир оз айланиб келай.

— Сиз, шаҳарликлар стулда ўтиравериш нозик бўлиб кетгансизлар. Ерда ўтирсаларинг оёқларинг оғрийди. Ердан узилмаслик керак, ука!

— Стулда ўтириш — ердан узилиш дегани эмас. Ўша стол-стул ҳам ерда туради. Борди-ю, шундай хулоса чиқарадиган бўлсак, ҳозир сиз ҳам ерда ўтирганингиз йўқ-ку?!

— Тузук, тузук, — чайналди раис. — Домлаларга гап топиб бўладими. Булар гап билан бола-чақа боқади-да.

— Узингиз-чи? Кетмон чопмасангиз керак ҳойнаҳой? Сизнинг ризқингиз ҳам гап билан бутун бўлса ажаб эмас...

У дарвоза ёнидаги ҳовуз бўйига борди. Кеч бўлган, симёғоч учига ўрнатилган лампочка ёруғида ҳовуз суви ялтираб кўринади. Эшқобил бир оз сувга термилиб сигарет чекди. Шу пайт эшикдан ҳарсиллаб-гурсиллаб Тўрақул ака кириб келди.

— Ҳаммаёқни зириллатиб юбордингиз-е, — деди раис мамнун бўлиб. — Агар менда шунақа овоз бўлганида бу ерларда юрмасдим, тўғри Тошкан радиосига борардим.

— Телевизорга денг, — луқма ташлади Бурҳонов.

— Йўқ, телевизор бу кишига тўғри келмайди. Чунки, экранга сиғмайди. — Ҳамма баравар қаҳ-қаҳ отиб кулди. — Ҳўш, яна биттадан отамизми?

Тўрақул ака кўп ичмайди. Касбининг нозиклигини тушунадими ёки соғлигига тўғри келмайдими — ҳар қалай ичкилик масаласида меъёрини билади ва буни сира бузмайди. Ҳозир раиснинг таклифини ҳам рад этди. Унинг раисга садоқати баланд эканлигини ҳамма билади. Сўзини икки қилмайди.

— Бугун жуда очилиб кетдингизми, хўжайин, — деди Тўрақул ака. — Анчагина олиб қўйибсиз, етар энди.

— Э, қизиқмисиз, ичсак бир ичибмиз-да! Яна кимникида Карим аканикида! Ҳўш, бу йил ҳосил қанчадан бўлади?

— Сиз қанчадан десангиз шунчадан-да, хўжайин, — Карим ака қўл қовуштиради.

— Баракалла! Илғор бригадир дегани шундай бўлади!.. Қани, юринг, бир оз айланайлик.

Раиснинг одатини бирга ишлайдиганлар яхши билишади. Кимнидир қўлтиғидан олиб четга тортдим, демак ўша одамда махфий гапи бўлади.

Ҳозирги ҳаракат ҳам шундан далолат. Шу боис уларга ҳеч ким эргашмади. Эшқобил сўрига қайтиб келганида Тўрақул ака билан Турғунбой карта ўйнар, Бурҳонов сигарет чекиб, уларнинг ўйинини томоша қилиб ўтирарди.

— Келинг, меҳмон, — деди партком. — Зерикиб қолмадингизми? Марҳамат, юқорига чиқинг.

— Зерикканим йўқ...

Ҳовлининг четида қизғин суҳбат борарди:

— Жиянингиз хийла ичидан пишганга ўхшайди. унинг олдида у-бу гапни гапириш яхшимас, — Карим акага гап уқтирарди раис. — Демак, гап шу. Бу йил олтмишдан кам қилмайсиз.

— Сиз бор нима ғамимиз бор. Марҳаматингизни дариф тутмасангиз бўлди.

— Фақат бизнинг марҳаматга кўз тикиб ўтирсангиз иш битмайди. Ҳаракатда баракат, деганлар.

— Ҳалигини суриштириб кўрдингизми ўзи?

— Исполкомнинг раисидан суриштирдим. Ҳаракат қиламан, деди. Лекин биринчининг ўзгариб қолгани чатоқ бўлди. Яна бир оз кўшиш керакка ўхшаб турибди.

Карим аканинг ранги ўчди.

— Ростданми? Яна қанча дейди?

— Олдингининг ярмисича.

— Шунчани қаердан оламан?!

Раиснинг бир оз жаҳли чиқди.

— Бўлмаса «Москвич»ми, «Жигули»ми олаверинг.

— Қўйсангиз-чи, — деди Карим ака, — мукофотга олганга яраша «Волга» бўлсин-да! Ҳа, энди, икки-уч мингни бир бало қилармиз. Фақат бир нарсадан шубҳаланиб туриппан.

— Нимадан?

— Анави кунги гап гапми ишқилиб?

— Қайси кунги гап?

— Уйингизда гаплашдик-ку! Қуда-андачилик...

Бу гапга анча бўлди.

Карим ака бир юмуш билан раисниқига борганди, қутлуғ уйдан қуруқ кетманг, деб хотини чой қўйди. Чой устида иккови ҳар ёқдан гаплашиб ўтиришди. Охири бригадир кўнглига анчадан бери тугиб юрган гапни айтди.

— Айбга буюрмасангиз, сизниқига қулчиликка келгандим...

Қамар раис чойни шарт ичиб юбориб, пиёлани дастурхонга ирғитди.

— Бунақа ишларга совчи юборилар эди?!

— Аввал ўзингиз билан алоҳида гаплашиб олай, дедим. Кейин ҳаммаси таомил бўйича бўлаверади.

Раис ўйланиб қолди. «Пихини ёрган одам...» Кейин, кулумсираб гап қилди:

— Қуда бўлсам сиздек одамга бўламан. Фақат, ўғлингизни ичкүёв қилиб берасиз. Биласиз, кенжа қизим, узатсак эру хотин ҳайҳотдай ҳовлида ҳувиллаб қоламиз. Ҳа, нега хаёл суриб қолдингиз?

— Йўқ, нимага...

— Сиз-ку рози бўларсиз, бироқ ўғлингиз-чи?

— Уғлим менинг сўзимни икки қилмайди.

— Ундай бўлса, — деди раис салмоқлаб, — кузда илғор бригадир сифатида сизга «Волга» тўғрилаб бераман. Ҳалиги, ўғлингизнинг номига ўтказсангиз ҳам бўлади.

— Маъқул...

— Ҳа, дарвоқе, яна бир гапни тайинлаб қўяй, партком сал қаршилиқ қилиши мумкин. Олтинчи бригаданинг ҳосили яхши. Бу йил машинани шуларга бериш керак, деб қолди, бир куни.

— Нима, олтинчи билан яқинлиги борми?

— Билмадим. Майли энди боринг, мен бир оз айланаман.

У қўлини орқасига қилиб бир оз юрди. Негадир қизини, Карим

аканинг шаҳарда ўқиётган ўғлини ўйлади. Уларнинг тўйини, турмушини кўз олдига келтирди. Аммо аниқ тасаввур қила олмади. Бундай ҳолга биринчи марта тушаётгани йўқ. Қачонки, қаерда фарзанд, айниқса ўғил ҳақида гап кетса Қамар раис сув ичмаган ғўзадек шалвираб қолади. — Унинг ўғли йўқ. Хотини кетма-кетига еттита қиз туғди. Қиз нимаю палахмон тоши нима: бири у томонга, бири бу томонга учади-кетди. Қариб, белдан мадор, кўздан нур кетганда чолу кампир сўппайиб, ёлғиз қоладими?!

Раис илдам қадамлар билан сўри томон юрди. Тўрақул ака билан Турғунбой карта ўйнар, партком билан Эшқобил шахмат суришар эди.

— Э, бўлди, йиғиштиринглар, — деди у кескин. — Емон кўрганим шахмат. Шу ҳам ўйин бўлди-ю!..

* * *

Юсупов, шунча қисташмасин, раисликни қайта олмади. «Энди менга тўғри келмайди, бошқалар ишласин», деди. Фермага мудир қилиб қўйишди. Куни тоғма-тоғ, қирма-қир у қўтондан бу қўтонга қатнаб ўтади. Аксига олиб қиш эрта тушди. Устма-уст ёққан қор икки кунда тизза бўйи бўлди. Ем-хашак камчил. Оғироёқ аёлининг олдига эртароқ қайтай, дегани сари иш кўпаяди. Буёқда қишнинг куни — бир тутам. Ҳаш-паш дегунча, кампир шафтоли егунча дегандай кун ботади. Қирчиллама совуқда сойма-сой, қирма-қир юриш одамнинг тинка-мадорини қуритади. Яхшиям Юсуповнинг оти бақувват. Бўлмаса мўлжалдаги ишларга улгуриши амри маҳол.

Шундай совуқ кунларнинг бирида у уйига жуда кеч қайтди. Вақт хуфтондан ошган. Дарвозадан кириб, отини яккамихга боғлаган ҳам эдики, ҳамсоя кампир пайдо бўлди.

— Бошқа уйга кириб туринг, раис бова!..

Ишдан олинганига бир неча ой бўлгани ҳолда бутун қишлоқ аҳли ўша-ўша «раис бова» деб чақиради. Аввалига бу Юсуповга ноқулай эшитилди. Ҳатто баъзиларнинг бундай аташи киноя, масхара каби туюлди. Лекин бора-бора ўрганиб, кўникиб кетди. Кампирнинг «раис бова» деганига ҳам эътибор қилмади.

— Бахайрликми, ишқилиб, хола?

— Сизнинг йўлингизга интиқ эди бечора. Тўлғоқ тутган хотин ёнида эри борлигини билиб тургани маъқул. Белига қувват бўлади. Энди кўзи ёриydi, ҳадемай сизга кўчқордай ўғил туғиб беради.

Юсупов босма чакмонини ечиб, сандалга оёғини тикди. Одам ўтирмагани учун уй совуқ. «Ишқилиб у уйда олов бормикан?» хаёлидан ўтказди. Лекин бу ҳақда кампирдан сўрашга истиҳола қилди, Бир оздан кейин кампир кириб келди.

— Милтиғингиз борми, раис бова?

— Ҳа, бор. Нимаиди? — деди Юсупов ҳовлиқиб. — Тинчликми?

— Хотин кишининг дардини билмайсиз. Еши ўтиб ҳомиладор бўлса кўз ёриши оғир кечади. Милтиқни олиб чиқинг-да, ҳовлининг ўртасига бориб отинг. Бу хотинингизнинг кўз ёришини енгиллатади.

— Ўзи тузукми?

— Яхши. Бўлинг, тезроқ, отинг!

Юсупов тўнини елкасига ташлади-да, милтиқни олиб ташқарига чиқди. Тиззасигача қор кечиб, ҳовлининг ўртасига борди. Кеча ойдин. Ҳаммаёқни қор қоплагани учун атроф яна ҳам нурафшон. Юсупов милтиқнинг нилини осмонга қаратди-да, тепкини босди. Ёруғ осмон гумбурлаб кетди. Қўшни ҳовлиларда итлар вовиллади. Жим қулоқ солди. Сукунат узоққа чўзилмади, уйдан чақалоқ йиғиси, кампирнинг шодон минғир-минғири эшитилди. Юсупов негадир овозининг борича бақиргиси келарди. Балки бақирди ҳам. Аммо ўзи аниқ билолмайди. Беихтиёр уй томон юрди. Яна кампирнинг товуши қулоғига чалинди: «Ўзим айланай, ўғил, ўғил...» «Наҳотки, шу рост бўлса? Наҳотки, мен ўғил кўрдим!» Унинг кўзларига илиқ ёш қуйилиб келди...

Дастурхон бошқатдан тузалди. Овқатлар янгиланди. Қадаҳлар тўлдирилди. Биров охиригача ичди, биров бир хўплаб кўйди. Эшқобил кўлига ҳам олмади. Раис буни сезиб, хўмрайди.

— Ҳа, домла, — деди киноя билан, — нимага ичмайсиз? Бунча бодилик қиласиз?

— Кўп ичолмайман. Соғлигимга тўғри келмайди.

— Соғлигингизга нима қипти? Қип-қизил хўроздайсиз-ку! Икки ёшнинг бахти учун ичинг-да, энди!

— Икки ёшнинг бахти учун ичаман, — деди Эшқобил кулиб. — Лекин улар учун қадаҳ олингани йўқ-ку?! Гоҳ менинг тоғам учун, гоҳ табелчи учун, гоҳ бу йилги ҳосил учун... Тўйда ўтирибмизми ўзи?..

— Бригадир билан табелчи учун ичганимиз ўша ёшлар учун олганимиз бўлади, — раис Эшқобилнинг гапини бўлди. — Билдингизми? Бизнинг пахтадан бошқа дарду ўйимиз йўқ. Тўйимиз ҳам, азамиз ҳам пахтасиз ўтмайди.

Эшқобил ҳар қанча ўзини тутмасин, қизишиб борарди. Раис-ку майли-я, бошқаларнинг ҳам кайфиятини бузиш, бундай айтганда, тўйни азага айлантириш йигит кишининг иши эмас. Аммо Қамар раиснинг учирма гаплари, баландпарвозлиги жон-жонидан ўтиб бормоқда.

— Бу гапларни тушунаман, — деди у ўзини босиб. — Лекин пахтани ким яратади? Мана шу одамларми? Менимча, пахтани ўйлаган одам аввало унинг заҳматкашлари ҳақида бош қотириши керак.

Раис ўмгагини ёстиққа ташлаб, Эшқобилга еб кўйгудек бўлиб тикилди.

— Ким одамларни ўйламаяпти? Менми? Сўранг булардан!

— Бизнинг раисимиздай ғамхўр, меҳрибон одам оламда йўқ, — минғирлади Тўракул ака.

— Меҳрибонликлари шуми? — деди Эшқобил шарт Тўракул акага ўгирилиб. — Уйланаётган йигитнинг кимлигини, нима иш қилишини, отини ҳам билмайдилар. Бир бечора йигит неча йил йиғиниб тўй қилса, икки оғиз тилак билдиринг деса-ю, бу киши эп кўрмаса?! Бу нима деган гап. Колхоз раиси шундай бўладими?!

— Э ука, айтишга осон, — деди раис. — Ахир, кўпчилик. Ҳаммасини номма-ном билишим шартмас! Ундан кейин, акаси, пахтанинг ўзи энгилу меҳнати оғир. Буни ишлаб кўрган билади.

— Гапларингиз яхши. Аммо нима учун ўша одамлар ўз меҳнатлари соясида қолиб кетишлари керак?

Баҳс авжига чиқди. Ҳеч ким аралашинишга журъат этмасди. Чунки бири — раис, иккинчиси — меҳмон.

— Ҳеч ким меҳнатининг соясида қолаётгани йўқ, — деди раис. — Ҳамма меҳнатига яраша пул, обрў-эътибор олаяпти. Бизнинг кечаю кундуз ўйлаганимиз шу одамлар, шу пахта. Биз пахта билан одамларни айримча тасаввур қилмаймиз. Пахтани ўйлаганимиз — одамларни ўйлаганимиз.

— Уларнинг қадри бир денг?

— Бўлмасам-чи! — Раис ҳафсаласизлик билан қўл силтади. — Сиз умуман пахта нима эканини тушунмас экансиз. Қўйинг, гапирманг.

Бу гап Эшқобилнинг ғазабини оширди.

— Бизни ойдан тушган, деб ўйлаяпсиз шекилли. Боя ўзингиз айтгандай, биз ҳам тупроқдан яралган одаммиз. Пахтанинг нима эканлигини сизчалик бўлмаса-да, биламиз. Гап очилиб қолгани учун айтай, ўша оқ пахта соясида қилинаётган баъзи қора ишлар ҳам бизларга маълум.

— Қанақа қора иш? Нимага тўхмат қиласиз?

— Ҳали тоғам билан гаплашиб қолдим. Бу йил мўлжал қанча, десам, олтмишдан беришим керак, раисимиз шундай деяптилар, дейди. Ҳосилнинг бор-йўқлигидан қатъи назар, сиз омон бўлсангиз ошиқлари олчимиз.

— Олтмишдан? Йўғ-э... — партком секретари билан агроном елка қисишди.

— Хўш, айтинг-чи, шу гапга ишонса бўладими? — Эшқобил сўзида давом этди. — Бу ерда мажлис ҳам бўлаётгани йўқ, минбардан туриб мажбурият ҳам қабул қилинаётгани йўқ. Очиғини айтинг, тоғамнинг бригадаси гектаридан олтмишдан пахта олиши мумкинми?

Сухбатга агроном аралашди:

— Эҳтимол бошқа жойларда олса бўлар. Аммо бизнинг шароитда қийин. Айниқса, Карим аканинг бригадаси олтмишдан ололмайди.

Бу гап раисга малол келди.

— Кўп маҳмадона бўлаверма, — агрономни жеркиб ташлади у. Сўнг ошхонада ивирсиб юрган Карим акага юзланди. — Сиз дейман, олган мажбуриятингизни ҳаммаёққа эълон қилиб чиқибсиз-да, а? Бунақада ҳосилнинг баракаси қоладими?

— Тагида бўлса баракаси учмайди!...

Партком секретарининг гапи раисга очиқдан-очиқ ҳужум бўлиб туюлди. Ижирғанди. «Менга қарши иш олиб боряпти. Бир йил ичида шунча тик қараш...» Бурҳонов мактабда директор эди. Катта-кичик уни домла деб, ҳурмат қилади, иззатини жойига қўяди. Урта бўй, қотмадан келган, ёши элликнинг нари-берисида, хушмуомала, ҳеч қачон бировнинг дилини оғритиш уёқда турсин, қаттиқроқ гапирмаган ҳам. Шу фазилатлари туфайли ҳеч ким унинг сўзини икки қилолмайди. Икки йилча олдин райкомнинг биринчи секретари ўзгарди. Янги секретарь бир неча раҳбарларни алмаштирди. Шу жараёнда у «Коммунизм» колхозининг партия ташкилотининг секретари бўлиб қолди. Қачон, нима масалада гап кетмасин, Бурҳонов раис билан қизишиб сўзлашмайди. Етиғи билан тушунтиради. Тушунмаса масалани бюрога қўйиб, қарор чиқаради. Район партия комитети кўпинча унинг фикрини маъқуллайди. Қамар раис олдинги секретарнинг эркатойи эди, осонликча Бурҳоновга изн бергани йўқ, албатта. Ҳозир ҳам нафаси ичига тушиброқ гап қилди:

— Бу билан Карим ака бригадасида мўлжалдаги ҳосил йўқ, демоқчимисиз?

— Шундай. Мана, агроном айтсин, ҳар ҳолда, мутахассис.

Ҳамма Турғунбойга қаради. У икки ўтнинг орасида қолган эди.

— Карим ака тажрибали, тадбиркор деҳқон, — деди ўйчан ҳолда. — Лекин, гапнинг сирасини айтганда, ғўзаларининг мазаси йўқ.

— Агрономман деб кўп катта кетаверманг, ука, — деди Карим ака. — Пахтани унча-мунча биламиз. Биз чигит экиб, пахта териб юрганимизда сиз этагингиз орқангизда тугуклик юрардингиз.

Раис мамнун ҳолда Карим акага қараб қўйди.

— Мен бор гапни айтаяпман.

— Гап ёшда эмас тоға, — деди Эшқобил. — Мутахассис бўлгандан кейин билади-да! Еки қўшимча ерингиз борми?

— Менга қаранг, ҳов ҳурматли домла, — деди раис. — Қўшимча ерга экадим, сотиб оладими, нима қилса ҳам мажбуриятни бажаради. Ундан кейин, шуни билиб қўйинг, ўша қўшимча ерга ҳам меҳнат керак. Чигитни ерга ташлаб қўйса ўзидан-ўзи пахта бўлавермайди. Ким ҳалол ишляпти иши? Қани айтинг-чи? Мана, сиз, институтда домла экансиз. Сиз ҳалол ишляйсизми? Биламиз, сизларнинг ҳунарларингизни. Бир домлани танийман. Уйига борсам, оғзим очилиб қолади. Музей дейсиз. Тагида ялтираб турган «Жигули». Шаҳарнинг қоқ ўртасида данғиллама участка. Хўш, айтинг-чи, булар қаердан келган? Кандидат бўлганига энди бир йилдан ошди. Қанча ойлик олади ўша? Уч юз олар, уч юз эллик олар... Шаҳарда яшаш қанақалиги маълум. Туриш-турмуш шоҳона. Қандай қилиб эришди бунга? Хўш?! Биз — бечораларда на кечаси тиним бор, на кундузи...

— Мен у домлангизни танимайман. Аммо институт ўқитувчилари орасида ҳам қаллоблар, муттаҳамлар йўқ эмас...

— Баракалла!...Ана шу домлага ўхшаганлар бошқаларни издан чиқаради. Ҳар кимнинг орзу-ҳаваси бор: ўғлим ўқишга кирса, бир касбни

эгалласа, дейди. Нима қилсин, қаллоблик билан пул топади, ўша домларга қистиради.

— Ҳаммани ўз қаричингиз билан ўлчаманг. Ҳеч кимнинг ёрдамисиз, ўз кучи билан ўқишга кирганлар сонмингта. Мана, биттаси тоғамнинг ўғли — Пўлат!

Раис сийрак сочларини орқасига тараб, дўпписини бошқатдан кияркан, чуқур уҳ тортди.

— Ҳе, оғайни, — деди бир оз паст товушда. — Бизнинг шароитимизда боланинг билимига ишониб бўладими? Улар қачон ўқисин. Эрта баҳордан кеч кузгача далада ишласа...

— Ишлатманг...

— Ҳозир иложи борица кам ишлатаяпмиз, — деди партком секретари.

— Фақат менга боғлиқ бўлса кошки эди.

— Нега сизга боғлиқ бўлмасин? Боғлиқ! Сиз ўқувчиларни далага чиқармай планни бажаринг. Ким уришади сизни? Ҳамма раҳмат айтади. Бунинг учун колхозчиларингизни, ҳалиги уйланаётган йигитни қадрига етинг. Шунда хўжалигингиз ишчи кучисиз қолмайди, болаларни тинч кўясиз...

— Четдан қараганда осон туюлади, ука.

— Менинг ҳам киндик қоним шу ерда тўкилган. Билганим учун гапиряпман. Отам оғир йиллари шу колхозга раислик қилган...

Эшқобил ҳалқуми тўлиб гапиролмай қолди. У ўрнидан турди. Чўнтагидан рўмолча олиб, ҳеч кимга билдирмай кўзини артди. Ҳамиша шундай бўлади: отасининг ўлими ёдига тушса, уни эсласа ўзини тутолмайди, кўзига ёш қуйилиб келади...

* * *

Киш кунлари эди. Ҳаво совуқ. Қалин қор тушган. Қарғалар қағиллайди. Чумчуқлар емак излаб ўзини айвонга уради, кейин томларнинг бўғотларига қўниб, йилтираган офтоб нурига ўзини тоблайтиди. Меҳмонлар келишган. Юсупов ёшлигидан улфатчиликка ўч. Ҳовлисидаги узумдан ҳар йил бир хум шинни қилади. Оқ кишмишдан тайёрланган шинни жуда хушхўр бўлади, унинг олдида асал ҳам ҳеч гапмас. Қиш кунлари иссиқ сандалда ўтириб, жўралар билан шинниҳўрлик қилишга нима етсин. Мана бугун ҳам гурунги авжида.

— Битта дутор чалиб беринг, — деди жўралардан бири.

У деворда осиглиқ дуторни олиб, созлади. Кейин енгини шимариб чала кетди. Анча чалди. Ҳамма жим тингларди. Куй авжига чиққанда дарвозани кимдир тақиллатди. Юсупов дуторни бир чеккага қўйди-да, чопонини елкасига ташлаб ташқарига чиқди. Бир оздан кейин қайтиб кирди.

— Сизлар баҳузур гурунгни давом эттириб туринглар, — деди у. — Мени раис чақиряпти эмиш. Бориб келай-чи, нима гап экан.

Улфатлар ҳам ўринларидан туришди. Юсупов уларни дарвозагача кузатиб қўйди-да, қайтиб кириб воқеани хотинига айтди.

— Шу ярим кечада нима зарил иши боракан? — деди Фазилат опа чакмонни олиб чиқар экан.

— Билмадим. Борай-чи.

— Тезроқ келинг. Қўрқамиз.

Юсупов эшикдан чиқар экан, кулиб деди:

— Илгари ёлғиз ўзинг қўрқмасдинг. Энди ёнингда қўнқордай ўғлинг бор.

Уша кечаси Фазилат опа эрини тонг саҳаргача пойлади. Юсуповдан дарак бўлмади. Уйлаб, ўйига етолмасди: «Ферма мудирлигимам ишмасакан. Бугун битта мол ўлади, эртага бирини бўри еб кетади... Ҳисобкитоб қилгунча жонида жон қолмайди. Тинчгина колхозчи бўлиб юргани яхши. Бир ғавға чиқиб, яна боши балога қолмасайди...»

Фазилат опа эшикка чиқади, уйга киради. Бир хаёли Карим укасининг олдига бориб, шундай-шундай деб айтмоқчи ҳам бўлди. Лекин шу совуқда, бемаҳалда қандай боради? Укасининг уйи ҳам яқинроқ эмас: булар қишлоқнинг бу бошида, укаси у бошида. Эшқобилни кўтариб, йўлга тушай деса пиш-пиш ухлаётибди. Ўғлининг қош-кўзларига тикилди. «Худди отасининг ўзи. Ё тавба, шунчалик ҳам ўхшайдимми?!»

Тонг ёришди. Чошгоҳ ҳам бўлди. Ҳамон дарак йўқ. Охири Фазилат опанинг сабр-тоқати қолмади. Бошига рўмолини ўради. «Каримга айтсаммикин, идорадан хабар оларди...» Шу хаёл билан ўғлини кийинтириб, кўтариб олди-да кўчага чиқди. Дарвозадан ўн қадамлар узоқлашган эдики, орқасидан таниш овоз эшитилди.

— Эшқобил...

Одатда қишлоқларда эру хотин бир-бирининг отини атамайди. Керак бўлса тўнғич фарзандининг исми билан чақиради. Юсупов билан Фазилат опа фарзанд кўргунларига қадар бир-бирларини «энаси, отаси», деб йўқлашарди. Эшқобил туғилгач улар ҳам бошқалар қатори бир-бирларини ўғилларининг исми билан чақирадиган бўлдилар.

— Вой, отанг, — Фазилат опа ялт этиб орқасига қаради ва йўл-йўлакай эридан ўпка-гина қилди. — Қаёқда қолиб кетдингиз? Кечаси билан юрагим ёрилай деди.

Юсуповнинг шашти паст, ранглари бир ҳол эди. Буни кўриб Фазилат опа қўрқиб кетди.

— Сизга нима бўлди? Мазангиз йўқми?

— Шамолладим чоғи. Этим увишиб, совқотиб кетяпман.

Фазилат опа ўғлини айвонга қўйди-да, шоша-пиша самоварга ўт ёқди. Юсупов отини боғлади. Отасига қараб турган Эшқобил:

— Ота, отга миндиринг, — деди.

Юсупов келиб ўғлини қўлига олди.

— Кейин ўғлим, кейин миндираман.

Улар уйга кирдилар. Зум ўтмай Фазилат опа чой дамлаб кирди.

— Нима гап экан ўзи?

— Толликсойдаги қўтонга бўри оралапти, — деди Юсупов иссиқ чойдан ҳўплар экан. — Чўпонлар ухлаб қолибди. Шунга бориб келдик.

— Ярим кечада бориш зарилаканми?

— Қизиқсан-а, хотин, бормай бўладими... Қанча қўйни ғажиб ташлаган. Менимча, бўри битта-иккита бўлмаган. Уларни сана, акт қил, аниқла дегунча... Совуқ ўтиб кетди. Ҳамма жойим қақшаб оғрияпти.

— Иссиқ-иссиқ чой ичиб, ўралиб ётинг. Ҳозир аччиқ хўрда қилиб бераман.

...Юсупов узоқ ётди. Кундан кун нари қараса қарадики, бери қарамади. Иссиғи тушмайди. Қишлоқ фельдшери келиб кўрди. «Ўпкангиз шамоллаган, ўралиб ётиб, бир-икки терласангиз тузалиб кетасиз», деди. Бир-икки эмас, кўп марта терлади, аммо «тузалиб кетмади». Борган сари нафас олиши оғирлашиб, охири...нафас ололмай қолди...

Бу воқеа тонг маҳали рўй берди. Фазилат опанинг чинқириғи бутун қишлоққа ёйилди. Одам йиғилди. Эшик тўла ҳассакаш. Эшқобилда ҳам мотам либоси: бошида дўппи, гавдасига яраша тўн, белида белбоғ. У гоҳ унга, гоҳ бунга мўлтираб қарайди.

— Пешонанг шўр экан, болам! Отанг ўлгунча мен ўлсам бўлмасми-ди!..

Онасининг ноласидан чўчидими, Эшқобил чинқириб йиғлаб юборди. Шу он кампирлардан бири келиб, болани Фазилат опанинг қўлидан олиб, таскин берә бошлади:

— Ўзингни бос, қизим. Нима иложимиз бор... Болага ачин...

* * *

Эшқобил ўрнидан туриб кетгач, даврага оғир сукунат чўкди. Ҳар ким ўз хаёли билан банд. «Бу боланиям юрагида дарди кўпга ўхшайди», — ўйлади раис ва Карим акага мурожаат қилди:

— Бола хафа бўлдиёв... Узи тус жиянингизми, Карим ака?

Карим ака ўйланиб қолди. Тус жияним деса, раисга ёқмаслиги мумкин; ёлғон гапирай деса, боя жияним, Тошкентда домла, деб мақтаниб қўйган. Нима дейишни билмай чайналди:

— Ҳа, энди, жиян-да...

— Жияннинг ҳам тури кўп, — деди Тўрақул ака илжайиб.

— Меҳмон отангдан улуг, бориб кўнглини олиш керак, — деди Бурҳонов салмоқланиб.

— Нимага хафа бўлади, — деди раис вазиятни енгиллатиш учун. — Жиян тоғанинг гапини кўнглига олмайди. Тоғанинг уйига жияннинг келиши — қўйга бўри оралагандай гап.

— Бир бўри бўлса шунча бўлар-да, — ўзича аския қилди Тўрақул ака. — Ҳаммаёқни така-пука қилиб юборди-ку!..

Эшқобил ҳовуз лабидаги катта кундага келиб ўтирди. Сигарет тутатди. Хаёлини чалғитиш учун отаси, онаси, уларнинг вафоти, умуман, ўтган кунлар ҳақида ўйламасликка аҳд қилди. Бугуни ҳақида, эртаси хусусида фикрлашга интилди. «Ўйламаслик мумкин эмас, — яна хаёлга толди у. — Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукур қил, деганлар. Ёмонни ёмон, яхшини яхши дейиш керак. Акс ҳолда яшашнинг, бола-чақа қилишнинг фойдаси йўқ...»

— Ҳа, жиян, — Карим бригадирнинг овози эшитилди. — Нима қилиб ўтирибсан бу ерда?

— Шундай ўзим... Меҳмонларингиз кетишдимми?

— Ўтиришибди. Нима қилардинг тортишиб, ўзингдан катта одам, яна раис.

— Раислигининг мен учун аҳамияти йўқ. Шунда ҳам ёшини ҳурмат қилиб, жим ўтирдим. Гаплари бу ерда гапириладиган гаплармас...

— Гапиргиси келса гапираверади-да, сенинг нима ишинг бор?

Эшқобил тоғасига ғалати қараш қилди. Бу билан «Мақсадингиз нима? Очиқроқ айтаверинг», демоқчи бўлди. Аммо қоронғи тушиб қолганлиги учун бу қарашнинг маъносини Карим ака англаб етмади.

— Ўзидан бошқани одам ўрнида кўрмайди. Бу қанақаси? Эҳтимол бошқалар кўникиб қолгандир. Аммо мен... Нима, кўча-кўйда писта сотиб юрадиган боламанми?

— Боламассан-у, қилган ишларинг боладан баттар.

— Нима қилдим?

— Нима қилдим эмиш! Гапирасан, кетасан. Ҳеч нарса эмас сенга. Бироқ мен қоламан. Унинг қўлида ишлайман, ахир!

Эшқобил тоғасининг раис олдида гирдиқапалак бўлиш сабабларини мутлақо англагандай бўлди. Ачиниш, алам билан тикилди унга.

— Тоға, — деди куюниб, — мунча ўзингизни оёғости қиласиз? Ёшингиз бир жойга бориб қолган. Сал иззатингизни билиб юрсангиз-чи! Ўғлингиз тенги одамларга елиб-югуриб хизмат қилишдан уялмайсизми?

— Олисдаги қўйруқдан, яқиндаги ўпка яхши, — чайналди Карим бригадир. — Ахир менинг тақдирим унинг қўлида!..

Тоғаси Эшқобилнинг назарида ғариб, ниҳоятда ожиз, майда одам эди. Умрида биринчи марта ундан жирканди, ҳазар қилди. Уйдан ҳайдаб юборганида қаттиқ ранжиган эди. Энди ўйлаб кўрса, ундан ранжимаслик керак экан. Майда одамнинг кўнгли ҳам, феъли ҳам тор бўлади. Ўзининг қадрини билмаган киши бошқани қандай қадрласин?!

— Боринг, меҳмонларингизга қаранг, — деди юзини ўгириб.

* * *



Фазилат опа эрининг вафотини кўтаролмади — еттиси ўтмай ётиб қолди. Сўнги дақиқаларида укасини чақиртирди. Карим ака ёлғиз ука, Фазилат опа ёлғиз опа эди.

— Каримжон, — деди ҳансираб. — Энди менинг куним битди. Сенга васиятим — жияннинг эҳтиёт қил. Болаларинг қатори боланг бил. Уни бировлар қўлидан хор қилма. Агар ёлғиз ўғлим хор-зор бўлса гўримда тикка тураман...

Шундай қилиб, Эшқобил ҳам отасидан, ҳам онасидан айрилди. Онасининг васиятига кўра, у Карим тоғасининг қўлида қолди. Инсонда ирода, сабр-қаноат, кўникма бор. Нима қилсин? Эшқобил кун йиғлади, ой йиғлади, охири кўникди. Қиш ўтди, баҳор келди. Лекин на отаси, на онаси қайтиб келди. Куча-кўйда уни кўрганлар «Ҳа, кичкина Юсупов, ишлар қалай?» деб қўйишади. Тоғаси ҳам гоҳо «Елғиз опамдан қолган ёдгор», деб эркалайди. Шундай пайтларда Эшқобил уни жуда яхши кўриб кетади, пинжига киради.

Аста-секин Эшқобилнинг қўлидан иш келади деган бўлди. Ҳовуздан пақирлаб сув ташийти, молларнинг тагини тозалайди. Қиш кунлари даладан ўтин қилиб келади. Пахта теришда, кўсак чувишда жуда эпчил. Бу ишларни қойиллатгани учун тоғаси неча марта раҳмат айтиб, елкасига қоқиб қўйган. Эрталаб молларни подага ҳайдаш, кечқурун ҳайдаб келиш-ку, унинг доимий юмуши. Қўл-оёғининг чаққонлиги янгасига ҳам маъқул. Дастёри — беминнат.

Аммо янгасининг қаҳри қаттиқ эди. Арзимаган камчилиги олдида жами қилган ишлари бир пул бўларди. Ёки салгина дангасалик қилса, бутун елиб-югургани чиппакка чиқарди. Эшқобил ўйнаб қолиб бирон ишни вақтида қилмаса, янгасидан эшитадиганини эшитарди. Дангасадан олиб ялқовга, ялқовдан олиб дангасага соларди. Бу ҳам етмагандай, тоғасига чақарди. Карим ака ҳам бундай кезларда сира Эшқобилнинг ёнини олмас, устига устак у ҳам уришарди. Бундан Эшқобилнинг юраги сиқилар, гоҳида ҳеч кимга билдирмай тўйиб-тўйиб йиғлаб оларди.

Қишлоқ этагида кичикроқ бир майдон бор. Ҳар кун эрталаб ҳамма бор молини шу майдонга ҳайдаб келиб, подачага топширади. Эшқобил бу юмушга ўрганиб қолган. Бу иш унга ёқади. Айниқса, кечқурун подага боришга ошиқади. Кўпчилик болалар майдонга пода келишидан анча барвақт борадилар. То пода қайтгунча ёнғоқми, чиллакми, ошиқми ўйнашади. Эшқобил чиллак ўйнашни ёқтиради. Хусусан, ҳалак деган ўйин яхши. Бу жуда ғалати ўйин. Катта доира чизилади-да, бир бола чиллаксопни олиб, доиранинг ўртасида туради. Иккинчи бола доира ташқарисидан чиллакни ичкаридаги болага қараб отади. У чиллаксоп билан уриб ташқарига чиқаради. Шундай қилиб, доирани гир айланиб чопиб юраверади. Агар ичкаридаги бола чиллакни уриб қайтаролмаса ёки ташқаридагиси ерга туширмай қўлига илиб олса, навбат алмашади. Эшқобил доира ичига бир тушса шеригига навбат бермайди.

Бир куни пода қайтишидан олдин ҳалак ўйинига шундай ҳам берилиб кетибдики, қараса кеч тушиб, одам одамни танимайдиган вақт бўлиб қолибди. У нима қиларини билмай қолди. «Сигир қаёққа кетди экан? Уйга бордимикан ё биронтанинг томорқасига тушдимми?» Эшқобил у ёқ-бу ёқни қаради — сигир кўринмади. Ҳовлига кетгандир, деб уйга чопди. Дарвозадан ҳаллослаб кирди. Янгаси ҳовлига сув сепаётган экан, чимирилиб сўради:

— Сигир қани?

— Келмадимми?

— Қаёқдан келади ҳайдаб келмасанг.

— Мен уйга келгандир деб ўйловдим.

— Э, ўйламай ўл!..

Эшқобил бошидан муздай сув қуйилгандек шалвираб қолди. «Қаёққа кетди экан-а?» — сўради ўзидан ўзи.

— Қаёққа кетганини мен қаердан биламан, гўрсўхта! Қарасанг ўлармидинг! — Янгаси овозини баланд қўйиб шанғиллади. — Болаларимни оғзи оққа тегиб турувди. Сен етимча уларнинг ризқини қийдинг!...

Карим ака ташқарида нимадир иш қиларди. Хотинининг овозини эшитиб бир қўлида ўроқ, бир қўлида кум тош билан кириб келди.

— Ҳа, нима гап?

— Нима гаплигини манави жиянчангиздан сўранг! — хотинининг жазаваси тутди. — Бошқаларга ўхшаб иккита-учта сигирим бўлса гўрга эди-я!.. Бу етимчангиз қайларда санғиб юрган, молга қараш ўрнига. Мана энди сигир йўк...

Эшқобил ерга қараб бурнини тортди. Тоғаси унга яқинроқ келди.

— Қани сигир?

Жиян индамади.

— Сигир қани деяпман сенга?! Қулоғинг карми ё тилинг кесилганми?

У гапини тугатар-тугатмас хотини илиб кетди.

— Етим бола асрасанг оғзи-бурнинг қон бўлар, деганлар. Эскилар бекорга айтмаган бу гапни. Мана, оқибати. Хув яшшамагур, буни ўроқ билан бошини сапчадай узиб ташласанг ҳам кам. Яна менга ўкраяди-я! Э, бақрайган кўзинг қурсин!..

— Йўқол кўзимдан! Ярамас...

Тоғасининг хайқириғи Эшқобил кўнглида кечаётган мулоҳазаларга чек қўйди. У шартта орқасига ўгирилди-ю, жони борича чопиб кетди. Қаёққа кетаётганини ўзи ҳам билмас, чамаси гузар томонга югуриб борарди. Қишлоқдан чиқай деганда рўпарасида мол кўринди: тоғасининг сигири. Энди у ўзини тутолмади, хўнграб йиғлаб юборди. Аммо орқасига қайтмади.

* * *

Карим ака жиянини ёлғиз қолдириб, меҳмонларнинг олдига қайтиб келди. Нималар ҳақидадир тортишаётган раис билан партком уни кўришлари билан жим бўлишди.

— Ҳозир келади, — деди Карим ака, ўзини ҳеч нарсани сезмаганга олиб. — Қўйингизлар шунақа гапларни. Олинглар, еб-ичиб, ўйнаб-кулиб ўтирингизлар. Эрта-индин пахта терими бошланади, бу кунлар ҳам фанимат.

Ҳеч ким ҳеч нарса демади. Бурҳонов сигарет чекар, Тўрақул ака кавшанарди.

— Хўш, энди турайлик бўлмаса, — деди раис. — Вақт ҳам кеч бўлиб қолди. Соат неччи бўлдийкан?

Турғунбой соатига қаради.

— Ун бир ярим.

— Ҳали ваҳли экан-ку, раис бова, — деди Карим ака. — Овқат пишяпти. Шошилмангизлар. Табелчи менга тайинлаб кетди: ўзим бориб кузатиб қўяман, деди. Хафа бўлади. Шу бечоранинг кўнгли чўкмасин.

Қамар раис ёнбошлаб ётган жойидан турди. Урнашиб ўтирди. Иссиқ чойдан бир пиёла ичди. Ҳамма оғзига қараб турибди. У бир дам бошини ҳам қилганча ерга тикилиб, сукут сақлади. Афтидан, нима хусусдадир жиддий ўйлаб олди. Кейин бошини кўтариб ёнидагиларга қаради-да, салмоқлаб гапира бошлади:

— Бўлмаса гап бундай, бу ерда бегона одам йўқ, ўзимиз ўтирибмиз. Шунинг учун бир масалани келишиб олсак. — Утирганлар сергак тортишди. — Биласиз, Карим аканинг суяги пахтазорда қотган. Инсоф билан айтганда ҳаммамиз учун устоз, ота даражасидаги одам. Катта бир бригадага бошчилик қилиб келмоқда...

«Гапни айлантиришидан мақсади нима экан, а? Яна машина масаласими?...» — Бурҳонов шу хаёлга борди. Чунки, бу масалада улар олдин гаплашишган, Бурҳонов унчалик рўйхушлик бермаган эди. Қамар раиснинг одати шунақа: бир гапни айтдими, шуни амалга оширмагунча тинчимайди. Қилаётган иши тўғрими-ноғўғрими — бунинг аҳамияти йўқ. Шунданми, одамлар орасида «Раис ўғил бола, айтганини устидан чиқади. Раҳбар дегани шундай бўлиши керак», деган тушунча бор. Бундай гаплар, албатта, Қамар раиснинг ҳам қулоғига етган. Ўзида йўқ мағрур, масрур юради. Карим ака ҳам бу йил «Волга» олишига сира шубҳаланмайди.

— Карим акамиз, — сўзида давом этди раис, — об-ҳавонинг қандай келишига қарамай, олтмишдан бераман, деяпти. Ҳамонки, олтмишдан берар экан, биз бу кишини бир мошин билан мукофотлашимиз лозим. Лозимгина эмас, ҳатто зарур! Нима дейсизлар шу фикрга?

Ҳамма жим. Карим ака бир чеккада куёв боладек елкасини қисиб ўтирибди. Бурҳонов зимдан унга қаради. «Шунақа қилиб юриш бу одамга нима зарил-а, — ўйлади у. — Иккита-учта забардаст ўғли, келинлари,

қизлари бор. Нима етишмайди? Уғиллари билан ораси унча яхшимас, деб эшитардим, ростга ўхшайди, биронтаси ҳам кўринмайди. Балки қилиқларини ёқтиришмас. Рост-да, бунақа феълли одам кимга ёқади».

Карим ака ялинган кўйи Бурҳоновга қаради. Бурҳонов дарров нигоҳини олиб қочди. Бригадир Тўрақул акага, кейин Турғунбойга термилди. Унинг кўзлари мушук панжасига тушган чумчуқнинг кўзларидек мўлтирар, жавдирарди.

— Берсак Карим акага ўхшаган илғор бригадирга берамиз, — деди Тўрақул ака даъвогар билан кўз уриштириб. — Бошқа кимга берамиз. Ёши олтмишдан ошганига қарамай чарчаш нималигини билмайди. Меҳнати муносиб тақдирланиши керак.

— Э-ҳе, олтмишдан олиш осонмас, — гапга аралашди Турғунбой. — Бунга менинг кўзим етмайди.

— Ниятни бутун қилинг, ука, — деди Карим ака. — Ҳали далада ётган нарса. Баракасини бераман деса ҳеч нарсамас, олтмишдан ҳам ошиб кетиши мумкин.

— Ниятимиз-ку, ҳамиша бутун-а. Лекин, минг баракасини бергани билан ердаги пахтани териб оласиз, биров осмондан қоплаб ташламас... Бурҳонов мийғида кулди. Раис унга юзланди.

— Сиз нима дейсиз, ўртоқ Бурҳонов?

— Нима дердим, — хотиржам жавоб қилди Бурҳонов. — Сабр қилайлик, ҳадемай ийғим-терим тугайди. Ушанда ҳаммаси ойнадай равшан бўлади-қўяди. Туғилмаган чақалоққа исм қўйгандай, элбурутдан тортишиб нима қиламиз. Буёғи ҳали бизнинг колхозга машина берадимийўқми?

— Мошин беради, — деди раис. — Мен гаплашиб қўйганман. Шуни кимга берсак, ўша одамнинг ҳужжатларини тайёрлаб, правление қарорини чиқариб, райисполкомга топшириб қўйишимиз керак экан.

Дарвоза томондан қадам товушлари эшитилди. Биров ким биландир саломлашди, ҳол-аҳвол сўрашди. Карим ака сўридан йигитлардай ирғиб тушиб, шу томонга илдам юрди.

* * *

...Ярим соатлардан кейин сигир мўраб дарвозадан кириб келди. Лекин унинг ортида Эшқобил кўринмади. Карим ака молини оғилга боғлаб, ташқарига чиқди-да, «Эшқобил, ҳо Эшқобил», деб, бир-икки чақирди. Ҳеч қандай жавоб йўқ. Яна чақирди. Нарироқларни бориб қаради. «Қаёққа кетди экан-а? Бу зумрашаям бошга бало бўлди...» У қўлини силкиб, уйга кирди. Хотини шовиллатиб сигир соғарди.

— Эшқобилдан дарак йўқ...

— Қаёққа кетарди, — деди хотини ишида давом этиб. — Келади-да. Борай деса жойи йўқ, ётай деса гўри йўқ.

— Ҳадеб вайсайверма. Узинг ҳам...

— Ҳали мен вайсақи бўп қолдимми? Шу етимчанинг касрига мана ярим кечаси сигир соғиб ўтирипман. Буёқда қанча ишим... Ҳе, ўшани...

Арининг уясига чўп суқилдимми, кун бўйи ғувиллайди. Карим аканинг хотини ҳам ари мижозлардан. Чакаги бир очилса унча-мунчага ёпилмайди. У жаҳл билан сигирнинг елинини тортар, пақирдаги сутдек оғзини кўпиртириб жаврарди.

— Нима кунларга қолдим-а! Мунча пешонам шўр бўлмаса. Келиб-келиб шу ландовурга тегаманми...

Ҳамма йиғилиб, овқат сузилди. Лекин Эшқобил бедарак. Эрталаб ҳам Эшқобил келмади. Карим ака далага чиқиб кетди. Хаёлида «Кечгача келар» деган ўй ҳукм сурар, айна пайтда аллақандай нохуш ўйлар, фикрлар юрагига ғулғула соларди. Кечкурун ишдан келасолиб хотинига қаради. «Ҳа келди, етимчангиз, мактабга кетди», дейишини кутганди. Аммо ундай бўлиб чиқмади. Аксинча, хотини ҳам бир оз бўшашиб, «Кемади-ку... Нима бало бўлдийкан? Эсон-омонмикан ишқилиб», деди. Бу гап Карим аканинг хаёлини қочирди. «Оббо, энди нима қиламиз? Эшитган қулоққа ёмон. Биттау битта опасининг ёлғиз ўғлини сиғдирмапти-да, деб ўйлайди-да одамлар...»

У эрталаб колхоз идорасига борди, қишлоқ Советига учрашди. Бўлган воқеани айтди. Лекин ҳеч ким кўрдим ё эшитдим, демади. Оқшом уйига ҳафсаласи пир бўлиб, тарвузи қўлтиғидан тушиб қайтди. Хотини ўзича эрига далда берган бўлди:

— Мунча куюнмасангиз, юргандир-да, уникида-буникида дайдиб.

Карим ака хотинига қарши бир нарса демади. Индамай сукут сақлаб ўтирди. Бошидан шундай: хотини Карим акага сўз бермайди. Раҳматли Фазилат опа ҳам уқасининг бўшанглигидан, келинининг нобоплигидан ранжиб юрарди. Опа-ука етим эдилар. Карим фалакнинг гардиши билан ўзига тўқ оиланинг қизига уйланди. Қайнота, қайнонаси улар янги рўзгор пайтларида у-бу нарса олиб борарди. Шу бўлдимми, хотини сени мен одам қилдим, ота-онамнинг давлати билан юртга қўшилдинг, дейдиган бўлди. Ҳозир ҳам, ахир у менинг ёлғиз опамдан қолган ёдгор, демоқчи бўлди-ю, тили калимага келмади. Нима ҳам қилсин. Эшқобилнинг бедарак кетганидан хотини хурсанд.

Кечаси Карим ака яхши ухлаёлмади. Кўз олдига қоронғи кечада тентираб юрган Эшқобил, «Ёлғиз ўғлимни бировларнинг қўлида хор-зор қилма», деб илтижо қилаётган хаста опаси келаверди. «Эшқобилни топишим керак!..» Эрталаб район марказига жўнади. У ерда турли идораларга кирди, сўраб-суриштирди. Натижа чиқмади. Кунлар ўтаверди. Колхозда бир нўғай бухгалтер бор эди. Карим ака бир куни ўша билан гаплашиб қолди. Гап орасида дардини айтди. Бухгалтер «Самарқандга боринг. У ерда детдом бор. Балки ўша ёқдадир», деди. Самарқандга борди. Болалар уйини топди. Шундай исм-фамилияли бола бор экан. Карим ака суюниб кетди. «Олиб кетаман» деди. «Агар бола сизни таниса, ўзи бораман, деб рози бўлса, олиб кетасиз», деди директор ва бир хотинни ичкарига киритиб юборди. Кўп ўтмай ўша хотин қайтиб чиқиб, «Жиянингиз, тоғамга айтинг, бошқа келиб юрмасин, қишлоққа қайтиб бормайман» деган гапни қилди, дея терс бурилиб кетди. Карим ака тоза ўсал бўлди.

Чиндан ҳам Эшқобил қайтиб келмади. Йил ўтди, йиллар ўтди. Ниҳоят, бир куни Карим ака Эшқобилдан хат олди. Хат жуда қисқа ва лўнда бўлиб, мазмуни шундай эди: «Тоға, болалар уйида ўрта мактабни битирдим. Ҳозир Тошкентдаман. Институтга ўқишга кирдим. Кундузи қурилишда ишлаб, оқшом ўқияпман...

Янгамга, болаларга салом айтиб қўйинг.

Жиянингиз Эшқобил».

Карим ака хатни ўқиб ўйланиб қолди. «Институтга ўқишга кирибди, шунча катта бўп қопти-да...» Болаларига айтиб, хат ёздирди. Ҳар хатида, «Жиян, бир кел қишлоққа», дерди. Лекин Эшқобил ҳадеганда келавермади. Яна йиллар ўтди. Кунларнинг бирида эшикдан Эшқобил кириб келди. Энди у чанг-тупроққа беланиб юрадиган гўдак эмасди.

Устида янги оқ кўйлак, рахи чиқариб дазмолланган шим. Оёғида басаножка, сочларини чиройли қилиб орқасига тараган.

Ҳамма гурр этиб ўрнидан турди. Эшқобил биринчи бўлиб тоғаси билан қуришди. Янгаси ҳам ҳеч нарса бўлмагандай ўрнидан туриб, уни бағрига босди, пешонасидан ўпди. Болалар аллақачон Эшқобилнинг пинжига кириб олишганди. У портфелини очиб, уларга тешик кулча, конфет, печенье улашди. «Овора бўп мунча нарсани нима қилайдингиз», — янгаси шод-хуррам эди. Эшқобил кулиб қўйди.

Жиян тоғасиникида бир ҳафта турди. Ўтган воқеалар ҳақида на у, на уйдагилар оғиз очмади. Самарқандга бориб мармар тош олиб келди. Тоғасидан сўраб, ота-онасининг қабрини аниқлади-да, тошни ўрнатди. Бу иш Карим акани ҳайратга солди. «Яхши-ку, пулни қаёқдан олди экан?» Кечқурун овқатдан сўнг тоға-жиян ёлғиз қолдилар.

— Бу ишинг маъқул, — деди Карим ака. — Ота-онангнинг руҳи шод бўлди.

— Ҳарҳолда белги...

Орага жимлик чўқди. Иккови ҳам бир одамни — Фазилат опани эсларди.

- Уқишинг битдими?
- Ҳа.
- Қаерда ишляяпсан?
- Институтнинг ўзида.
- Ойлиги дурустдир?
- Етади.

— Энди бошни иккита қилиш керак. Йигитнинг боши иккита бўлмагунча моли икки бўлмас, деган гап бор.

— Уям бўлар...

У келганидан бери бир гапни тоғасидан сўрай дейди-ю, яна ҳар хил хаёлга бормасин, деб индамайди. Бу — отасидан қолган ҳовли. Болалигида эсига ҳам келмасди. Энди эса ҳамisha ўйлайди: ота-онасининг нафаси теккан... Ким ўтирибди экан? Бир кўнгли тўғри ҳовлига ўтмоқчи ҳам бўлди. Лекин, андишага борди. Суриштиришга тили бормади. Эртаси куни, дами ичида, хайрлашиб чиқиб кетди...

Эшқобил тўртинчи курсда ўқийдиган бир қиз билан танишганди. Аввалига дўстлашишди, фикрлашишди. Аста-секин бу дўстлик севгига айланди. Қизнинг ота-онаси ўқимишли, дунёнинг паст-баландини тушунадиган, мўлоҳазали одамлар экан. Эшқобилдан борган совчиларни ноумид қайтаришмади. Тўй кунлари аниқ бўлгач, Эшқобил тоғасининг олдига келди.

— Жуда камнамасан, жиян, — деди Карим ака. — Бир келганингча бошқа келмай қўйдинг. Узиям бир йил бўлдиёв.

— Ҳа, бир йилданам ошди. Келишимдан мақсад...

— Хўш-хўш?

— Бошни иккита қилмоқчиман.

— Жуда яхши ўйлабсан...

Эрталаб, нонуштадан кейин Карим ака Эшқобилнинг олдига бир даста пул келтириб қўйди.

— Бу пуллар сеники, — деди у маънос тортиб. — Сен билан маслаҳатлашишнинг иложини тополмадим... Отангдан қолган уйни сотдик.

— Сотдик? — деди Эшқобил кескин. — Нега?

— Шунақа бўлиб қолди...

Ота-она ўлмоғи — мерос. Лекин Эшқобил учун мерос, деб бўладими? Балки фарзандлар улғайиб, уйли-жойли, бола-чақали бўлгандан кейин ота-она вафот этса — меросдир. Аммо гўдаклигида етим қолиш ҳам меросми? Эшқобил бу сўзнинг маънисига энди тушунгандай бўлди. Унинг аччиғи чиқди ва пулларни тоғасининг олдига суриб қўйди.

— Олиб қўйинг.

— Ол, ахир бу сеники!

— Йўқ, — деди Эшқобил эзилиб. — Кераги йўқ... Мен ота-онамдан мерос-хотира бўлиб қолган ҳовлини сотиб хотин олмайман. Сотибсизми, шунга кўнглингиз боришганим — ўзингиз ишлатинг.

Эшқобил шарт ўрндан турди-да, кийиниб чиқиб кетди. Шу кўйи тоғасиникига бошқа келмади. Тўйи бўлиб ўтди. Тўйда Эшқобил билан бирга ўйнаб катта бўлган уч-тўртта жўраси, Карим аканинг икки ўғли қатнашди. Тоға боролмади. У ўзининг йўлини ўзи кесиб қўйган эди.

Йўқ, бари бир эт билан тирноқни ажратиб бўлмас экан. Карим ака кичкина ўғли Пўлатни етаклаб Эшқобилникига келди. Улар ораларидан гап ўтмагандай сўрашдилар. Келин ош-сув қилди. Еб-ичиб гурунглашиб ўтиришди. Этар олдида Карим ака хижолат билан Эшқобилга қаради.

— Энди, жиян, ўтган гапларга саловат... Мана бу жиянинг мактабни битирди. Уқишга қираман, деб сира қўймаётибди. Биласан, болаларнинг биронтаси ўқимаган. Йўл-йўриқлариниям билишмайди. Шунинг учун олдинга етаклаб келдим.

Эшқобил тоғасининг гапини индамай тинглади. Хаёлида бир-бирига қарама-қарши фикрлар: «Яхши ҳам ўғли ўқишга бораман, дебди. Бўлмаса, менинг даргоҳимни кўрмай ўтарди. Эт билан тирноқ эмишмиз... Нима қилайин? Менинг ўрнимда тоғам бўлганида нима қилар эди? Аниқ, эшикдан ҳайдаб соларди. Ҳай, майли, қопган итга нон ташла, деганлар...»

— Остонанга бош уриб келдим, жиян...

Карим аканинг гаплари Эшқобилнинг ғашини келтирди. «Мунча ялтоқланмаса, кап-катта одам уялмайдами?» Ғазаби қайнаб, «Туринг, қаердан келган бўлсангиз ўша ёққа жўнанг!» демоқчи бўлди. Лекин тили бормади.

— Қайси институтга кирмоқчисан? — сўради Пўлатдан.

— Ирригацияга...

— Баҳоларинг қалай?

Пўлат қимтинди. Унинг ўрнига отаси жавоб берди:

— Ҳаммаси беш!...

Эшқобил ҳамон тоғасига қарамас, қарагиси келмасди.

— Турар жойинг тайин: бизникида ётиб турасан. Институтни кўрсатиб қўяман. Хужжатларингни топширишга ёрдам бераман. Лекин бошқасига иложим йўқ. У ердагилардан ҳеч кимни танимайман. Танишни истамайман ҳам.

— Уқишни битирганидан кейин шу ердан биронтага уйлантириб қўйсанг ҳам майли, — деди тоғаси. — Сенга ҳамроҳ бўлиб юради...

Шунга ҳам уч йилдан ошди. Пўлат тўртинчи курсга ўтди. Бу йиллар ичида Карим ака Эшқобилникига бир неча марта борди. У ўғли ётоқхонага чиқиб кетган бўлса-да, тўғри жиянининг уйига тушарди. Бугун кутилмаганда Эшқобилнинг кириб келиши Карим акани ҳайратга солди. «Нечук? Нима иш билан келди экан?.. Балки, ўзи бир айланиб кетай, деб келгандир-да...» Аслида у шунчаки келмаганди.

* * *

— Қачон келдиларинг? — сўради Эшқобил.

— Бугун. Бошқалар Тошкентда тушиб қолишди. Самарқанддан бу ёғига мошина топилиши қийин бўлди, — деди Пўлат. — Анча пойлаб қолдим. Охири тўрт киши бир таксини гаплашдик. Бу ерда нима қилиб ўтирибсиз?

— Сигарет чекиб, дам олиб ўтирувдим. Қара-я, худди сени келишингни билгандай чиқиб турган эканман-да.

— Ие, Пўлат! Ўғлим! — Ичкаридан чиқиб келган Карим ака Пўлатни қучоқлаб олди. — Қани, юринглар, уйга кирайлик. Ўша ерда гаплашамиз. Меҳмонлар ҳам кутиб қолишди.

Пўлат сўрида ўтирганларга салом берди. Бурҳонов ўрnidан туриб қўл узатди.

— Яхшимисан? Уқишлар қалай? Ҳа, баракалла...

Даврада жонланиш рўй берди: мудраб ўтирганларнинг уйқуси қочди, дастурхон қайтадан тузатилди.

— Энди яна биттадан ичамиз-да, — деди раис. — Мана, Карим аканинг ўғли келиб қолди. Ҳе, яшасин!.. Қани, олдик!

Бу таклифига ҳамма кўшилди. Эшқобил ҳам ичди. Раис, бунга эътибор бериб турган экан, ҳазиллашган бўлди.

— Аразлаган бўтадай терс қараётувдингиз. Бор экансиз-ку?!

Эшқобил кулиб, ҳазилга ҳазил билан жавоб берди:

— Қарасам, мени мусофир билиб, ҳаммангиз яккалаб қўйяпсиз... — У Бурҳоновга юзланди. — Энди бир гап бор, домла. Мана сиз, раис, Тўрақул ака — хуллас, колхознинг асосий устунлари шу ердасизлар. Тоғамнинг қадрдонлари экансизлар. Мен, аслида, бир савоб иш билан келган эдим. Пўлатни уйлантириб қўйсақ.

Раис ялт этиб Карим акага, Карим ака раисга қаради. Бу кўз уриштиришни ҳамма сизди. Аммо боиси нима эканлигини ҳамма ҳам пайқагани йўқ.

— Жуда яхши, — деди раис ўзини бамайлихотир кўрсатишга ури-ниб. — Кимга, биронта ўзининг топгани борми?

— Бор! — деди Эшқобил.

Ана шу биргина сўз раиснинг ҳам, Карим аканинг ҳам ичини музлатиб юборди. Карим ака Эшқобилга қаради.

— Бор деганинг нимаси?

— Узининг севган қизи бор.

— Севган-певгани йўқ!...

— Ўзи билан бирга ўқийди. Мен шу масалани сизлар билан гаплашгани келганман.

— Ундай қизни олиб бермайман!

— Нимага? — Эшқобил тоғасига жиддий қаради. — Пўлатни ўқишга олиб борганингизда нима дегандингиз? Шу ердан биронта яхшироқ қизни топиб, уйлантириб қўй, сенга ҳамроҳ бўлиб юради, деганингиз ёдингиздан кўтарилдими?

Карим ака довдираб қолди.

— Ҳазиллашган эдим... Пўлат?!

— Ҳа, ота, — ичкаридан Пўлатнинг овози эшитилди.

— Буёққа кел!

Пўлат «ҳозир» деди-да, йўл-йўлакай кийиниб ичкаридан чиқди.

— Ҳалиги гапга отанг ишонмаяпти, — деди Эшқобил. — Узинг айт.

Пўлат меҳмонлардан уялиб ерга қаради. Карим аканинг ранги оқариб кетди. Эшқобил тоғасининг бунақа жаҳли чиққанини сира кўрмаган эди. У ўғлига қараб ўшқирди:

— Ростми шу гап?

— Рост! — деди у гавдасини адл тутиб.

Раис шартта ўрнидан турди: сўри силкинди, чойнак-пиёлалар бирига урилиб шиқиради. Ҳамма ҳайрон. У тик турганча Карим акага қўлини бигиз қилди.

— Эркакмисиз ўзи? Садқаи одам кетинг!

У шундай деб гурс этиб сўридан тушди-да, ҳеч кимга қарамай кета бошлади. Карим ака унинг ортидан югурди.

— Раис бова.

Карим ака йиғламоқдан бери бўлиб қайтиб келди. Иложини топса ўғли билан жиянини бўғиб ташласа.

— Шўрим қуриди. Қариганимда хор бўламан...

Эшқобил, нима гап ўзи, дегандай Бурҳоновга қаради. Бурҳонов елка қисди. Бу ёнда бригадир бошини чангаллаганча ўтирарди. Пўлат аста бориб унинг қўлтиғидан олди.

— Туринг, ота...

— Йўқол кўзимдан!..

— Нима гап? Ўзингизни босинг, тоға.

— Дард бўлди, бало бўлди!..

Карим ака бор гапни ўкинч билан гапириб берди. Эшқобил эшитиб ўтираркан, ёғинара, гаши келарди. Ҳамма жим. Бурҳонов на туриб кетишини билади, на бирон нима дейишини. Раиснинг ҳадеб Карим акага мошина олиб берайлик, дейишининг сабаби энди аён эди. Карим аканинг ўғлига тан берди, ичида раҳмат айтди.

— Ахир бу қаллоблик-ку, ўртоқ партком, — деди Эшқобил сукунатни бузиб. — Шундай қилиб обрў оладими, шунақа қилиб олтмиш центнерчи бўладими одам? Шу йўл билан машина оладими?

Карим ака ёшига ярашмаган чаққонлик билан ўрнидан турди. Жиянининг олдига келиб, қўлини пахса қилди.

— Умримни пучга чиқардинг. Яна нима дейсан?!

— Бари бир сиз бу йил машина ололмасдингиз, — деди вазминлик билан Бурҳонов.

— Э, қўйинг-э!..

Бурҳонов бошқа гапирмади. Ҳозир бир оғиз гап ҳам ортиқча эди. У ўрнидан турди. Турғунбой кўзғалди. Пўлат уларни кузатиб қўйди.

— Мени деб асабийлашдингиз.

— Йўқ, Пўлатжон ундай дема. Бу ерда муҳимроқ гаплар бор. Қара, кўпчиликка бош одамлар худбинлик касалига чалинган... Бефарқ қараш мумкин эмас! Асло... — деди Эшқобил.

Қўшни ҳовлида келин-куёв шаънига айтилаётган табрик сўзлар, куй, кўшиқ янграмоқда эди.



Кизлар дафтарида

Марзия Эрдонова

Киприги майсазор

Тинчлик — бу қуёшнинг менга ишониб,
Топширган яккаю ёлғиз боласи,
Мен юрибман уни бағримга босиб,
Яқин қилиб еру осмон орасин.

Саҳар туриб, унга оқ кўйлак тикдим,
Яшил япроқлардан бериб чиқдим зеб,
Она-осмон бўлдим. Меҳримни тўқдим,
Бу оламда ўзи сарбон бўлсин, деб.

Нурлардан туғилган болам — тинчлигим,
Гавҳаримга сингган олам — тинчлигим.
Кимда — ким заминни ўғирлар бўлса,
Юракка сиғмаган нолам — тинчлигим.

Юравергин, болам — йўлларинг бўлай,
Нур элтар бўлганда — қўлларинг бўлай,
Босган изларингни ювганда шабнам,
Япроқларинг бўлай, гулларинг бўлай.

Кетавер, киприги майсазор, болам,
Қуёшдек меҳрли, беозор, болам,
Дунёларни ўлим ютмоқ бўлганда,
Кўксин қалқон қилган мард сардор, болам.

Кетавер, умрингга замон умрдош,
Беш қитъа, ер-осмон, жаҳон умрдош.
Интизор қалбларга йўл топиб, бўлгин
Ҳар бир юракдаги иккинчи қуёш...

* * *

Одамлар бор, туғилмаган боласига ҳам,
Буюкликни қарзга олиб берар тоғлардан.
Одамлар бор, кафтларига қуёш қўнар дам,
Ўзларига қаср ясар олтин нурлардан.

Сиз неларга интилдингиз, кипригингизда
Оромини тополмаган тунлар бор, ота.
Кун буйи очилмаган кафтларингизда
Тўкилмаган, сочилмаган ғазаблар ётар...

Ота, сизга жуда-жуда ўхшайман мен ҳам,
Юрагим ҳам, тилагим ҳам юртга бойланар.
Мунофиқлар қуёш қасрин қурмоқ бўлган дам
Мушт тугилиб, қўлларимга ғазаб жойланар.

Сизга боқиб ўз-ўзимни кўраётирман,
Оромимни излаб-излаб топмадим мен ҳам.
Эл-юртимга кулиб таъзим қилар эканман,
Кафтларингни оч, деб талаб қилмангиз мендан...

Муҳтарама Улугова

Кулсанг, кўзларингда кулиб турибман...

Дунё, сенга мунча суюклимидим,
Бу толе қайси бир эзгулигимга?
Бахт бўлиб қайтгувчи нима иш қилдим
Ва беҳад қувончни бахш этдим кимга?

Баҳорий бир куртак мисоли, дунё,
Бағримда қайтадан дунёга келдинг:
Умрим, орзуларим, келажагимни —
Бирдай тўлдиргувчи болажон бердинг.

II

Гўдагим, мен сени жон тикиб олдим,
Умиду ҳадикка тўлиб турибман.
Йиғласанг, оғриғинг сўраб ёлвордим,
Кулсанг, кўзларингда кулиб турибман.

Мен сени топгунча қанчалар куйдим:
— Шунча тез ўтмоқда баҳорларим, — деб.
Сен боис эртанинг соғинчин туйдим;
— Эрталар берсин, — деб, — камолингга зеб.

Қуёшим, умримни ёритдинг қайта,
Лоқайд кун, тунларнинг етди поёни.
Сенинг бахтинг учун бўлсам, албатта,
Дунёда энг бахтли, энг... бахтли она!

Сенинг бахтинг учун энди ҳаммани,
Эзгу муҳаббат-ла, сийлаб яшайман,
Сенинг бахтинг учун ҳамма бағирга,
Сендайин саодат тилаб яшайман.



III

Савол: Ҳқиёлмайсиз, ёзолмайсиз,
Сиқилиб кетмайсизми!

Сўзларинг ҳаводан, нигоҳинг нурдан...
Мени нодонликка маҳкум айлаган —
Саволга жавобим — мурғак маҳбубам:
Сен — қутлуғ толедан, бошим айланган...

Китоблар умримни ёритган сайин
Ташналик кетмади кун-тун қалбимдан.
Ўша китоблардан хўп ахтарганим —
Юракли муҳаббат сенсан, ҳабибам!

Ҳаётини жанггоҳлар — саҳифаларда
Ўзни кўп йўқотдим, юракни ёқдим...
Сен, эй ҳар нарсани яхшига йўйган —
Хилқатдан, шукрим, ҳаловат топдим.

Дўстдан кўп ёлчидим, адашдим гоҳи
Меҳримни гоҳ зор, гоҳ безорга бердим...
Олис соғинчларим бўлди ижобат:
Сен мени онамдек жон билан севдинг.

Умрим-ку нимадир, сенга ишонгум —
Жон, жисмим парчаси бўлганим — ерни.
Ҳали ёзолмаган, ёзолмас ҳеч ким
Фарзанддан суюкрок, буюкроқ шеърни!

Ўсасан, ўқиймиз кўп китобларни,
Бўлсин бағримизда ёруғлик омон.
Фақат юракларнинг меҳр китоби
Очилмай кўмилиб кетмоғи — армон.

IV

Шафқат ожизларнинг бечоралигин
Билдириб қўяди билмаганларга.
Шафқат — кулиб келган бешафқат зарбдир.
Бир зарб еб ўзига келмаганларга.

Ҳеч ким бахт беролмас ўз дардларингни
Ўзинг енгиб, голиб, яшашдек улуғ.
Гўдагим, бугун сен қоқилган чоғда
Ёрдамга шошмаган дўстларга қуллуқ.

Йиқилдинг, кўзларинг яна ёш... Гарчи —
Паноҳсиз япроқдек зорман, титрайман,
Лекин терс қарайман,
сенга шафқатдан —
Устивор бағри бут умр тилайман...



Шарофат Ботирова

Ўзбекистон — деҳқон, демак,
У яратар дунё ризқин.
У тинмайди, гўё юрак,
Шу туфайли, ҳаёт жўшқин.

Яратганинг — роҳат ҳаққи,
Сенга таъзим, азиз деҳқон.
Ҳаётимда тугал бахтим,
Шивирлайман: Ўзбекистон...

Людмила Егорова

* * *

Эх, аёллар — жонажонларим,
Уй ишлари тугарми... Қўйинг!
Дунё кечар не тўфонларни,
Сиз ҳам бирга суюниб, куйинг!

Бир хил йиғлаб, бир хил куйлаймиз,
Ернинг барча қуроқларида.
Ишқ турсин, деб кун-тун тилаймиз,
Азиз ёрнинг қароқларида.

Ҳар хатарга кўксимиз тутиб,
Улар учун бўламиз қалқон.
Пайти етгач азоблар ютиб,
Дунё учун туғамиз ўғлон.

Сайёралар нотинч, беором,
Оналарда ҳадик, хавотир.
Олов билан ўйнашар ёмон
Бола бўлиб катталар, ахир.

Бир ўзимга бўлади қийин,
Билганларим тўқаман шеърга.

Ёнингизга келаман кейин,
Бўлайлик, деб, баримиз бирга.

Чиқинг, бизни сокин уйимиз
Ўрамасин ўз йўргагига.
Ҳар ишимиз, ҳар бир ўйимиз
Малҳам бўлсин аср юрагига.

Уруш ҳақда ғоялар эмас,
Дастурхонда нонлар кўпайсин.
Нурли кўкка боқиб, бахтдан маст
Ерда аёл аллалар айтсин.

Онажонлар, келинлар, қизлар,
Зичроқ, тагин бўлайлик зичроқ.
Агар чиндан истасак бизлар,
Нур йўқ жойда ёқамиз чироқ.

Ёлвормадим умримда зинҳор,
(Гапларим ҳам қовушар аранг.)
Ёлвораман: турунглар ҳушёр,
Ёлвораман: тинчликни асранг...

* * *



Ёмғир соз чалади, рақс этар қизча,
Дарахтлар чайқалар рақс оҳангида.
Қизча енгил учар, мисоли қушча,
Томошачи йўқдир, ахир, ёнида.

Унга кўзгу бўлиб ярқирар йўлак,
Фонарлар кўз қисиб турар бошида.
Гўё ҳозир борлиқ қизчага тенгдош,
Гўё ҳозир борлиқ ўн уч ёшида.

Оҳанг эринмади, ҳар уйга кирди,
Катталар уйқудан турмас бари бир.
Баҳайбат кечанинг бағрин тўлдирди
Қулаётган қизча билан шўх ёмғир...

Русчадан таржима.

Матлуба Ҳамроева

* * *

Онажон!
Бир лаҳза ташвишингдан кеч,
Олуҷазор боғларга тикил.
Қўшиқ айтиб маъсума, ювош,
Илк кўқарган майсага эгил.

Бугун шерик бўл, она, сен ҳам.
Юртнинг тўкин байрамларига.
Саҳар туриб юзларингни чай,
Майсаларнинг шабнамларига.

Қорлар эриб битди, бу олам
Нурга тўлди, ёришди осмон.
Қалбда умид бўлиб кўкарган
Ҳислар — исён, қўшиқлар — исён!

Сиямаяпман на ер, на кўкка,
Нозик бир ҳис қалбни қиймалар.

Эрта тонгда олис ёқлардан
Учиб келар куйчи турналар.

Қара, она, офтобранг бўлиб,
Том бошида ёнар қизғалдоқ.
Бундай дамда очилиб, кулиб,
Яйра сен ҳам ҳеч қолмасин доғ.

* * *

Бир кун ёриласан —
Дардларинг тўлиб.
Дўстга ё душманга
Айтиб бўшайсан.
Шунда сен, кўзлари
Ювош ва содда,
Қувноқ болаларга
Жуда ўхшайсан.
Бир лаҳза кетади
Юракдан ғаминг.
Хотирга келади
Яқин одаминг

Ва шу тун ухлайсан
Сокин, беминнат —
Одамлар энди ҳеч
Қилмас хиёнат.
Ёлғон гапирмайди
Дўстинг ҳеч қачон.
Эзгу ҳақиқатни
Бўғмаслар, ишон.
Сен яшай бошлайсан
Юракни ёқиб.
Бу ғамсиз оламга
Маҳлиё боқиб...

Умида Абдуазимова

* * *

Қўлингни кафтимда ҳис этиб, дўстим,
Дуч келган йўллардан юриб бордим тик.
Бор эди ҳаётда ўз каму кўстим...
Умримнинг устунин куриб бордим тик.

Мен учун чўзилган ғайратли қўллар,
Бунча ҳам меҳрли, бунча ҳам кучли?!
Ҳамиша қудратга, журъатга йўллар...
Одамзод меҳрга шунча ҳам ўчми?!

Сен ҳақингда куйламасман ҳеч

Сен ҳақингда куйламасман ҳеч,
Ўзимники энди дала — туз.
Сен ҳақингда ўйлаганим пуч...
Қишгача мен билан бўлар куз.

Куз — қуёшда қовжираган ёз,
Куз — шамолда тўзиған баҳор.
Кузга ҳамроҳ бўлиб энди соз —
Умрим ўтар демоқ ҳам маҳол...

Қутуларман рашқинг — таъқибдан,
Фироқингда куймасман, бироқ.
Кўз кўради узоқ — яқиндан,
Сен ҳақингда эшитар кулоқ...



Саодат Донабоева

* * *

Адирлар бағрида сирли тантана,
Қушлар чуғурига тўлмоқда олам.
Баҳор келаётир қишлоққа яна,
Сумалак тўйини бошлайди кўклам.

Ху, ўша қирларда қизғалдоқ териб,
Яйраган чоғларим севгандим сени.
Билмасдим умримда, бир куни келиб,
Шу баҳор гангитиб қўйишин мени.

Келдингу бир куни қишлоққа, яшнаб,
Онам — олис йўлга қолдириб кетдинг.
Ўзингдан, қалбимга ўшандан бошлаб,
Армонли туйғулар қолдириб кетдинг.

Она-ер уйғонар сени деб секин,
Умидлар, орзулар кутади сени.
Майли, неки қилсанг қилгину лекин
Сен энди ўртама, баҳорим, мени.

* * *

Тоғлик ўғлон, тоғлик ўғлон, кел, мен сени кутарман,
Гар келмасанг, бу тоғлардан бошим олиб кетарман.
Қўй, бу тоғлар муҳаббатин юлиб олма кўксимдан,
Мен сенсизу бу тоғларсиз айтгил, ахир, нетарман...

Замира Рўзиева

* * *

Саратон...
Ҳолсиз шаббодага паноҳдир боғлар,
Асрар уни сершоҳ қўллари билан.
Бу лаҳза ўпишар олов нигоҳлар,
Ўзанинг нафармон гуллари билан.

Пешонани тўсган оқ дурраларни,
Ҳўл қилиб юборар реза-реза тер.
Қирза этик ўйган қадоқларни,
Силагиси келиб ҳансирайди ер.

Қайдадир лиқ тўлган «азиз» жонларга,
Муздай қаҳва тутган кафелар, барлар.
Бунда ҳайкал қўйиб оташ онларга
Оқ дуррали қизлар чопиқ қиларлар.

Ўпиб-бу аломат қизлар юзини —
Новдада гул бўлар олқиш сўзлари.
Севиб бахтли санар куёш ўзини —
Меҳнаткаш бугдойранг ўша қизларни.

Дилкаш баҳор бўлганда, бу юракнинг кутгани,
Қадрдон тор бўлганда, бармоқларнинг тутгани,
Бир дам тинч қўйса бошдан ўтмагани, ўтгани,
Қорачиғда соғинчдир, ғурур суяган нозмас.

Қуёш кўкда мангудир, мангу эмас туманлар,
Оқсаган тулки янглиғ чекингайдир гумонлар,
Тиниқ ранглар қўйнида шеър тинглагай чаманлар,
Чаманлар муштоқлиги нигоҳларимда озмас.

Кипригимда титраган ўт томчига боқманг сиз,
Бу тушкунлик адашган, меники эмас ҳаргиз,
Хаёл қилинг севгандир, севилгандир, деб, бу қиз,
Кипригимни қорайтган, ахир, менда пардозмас.

Бедор лаҳзаларимга кечалар тикилгайдир,
Юлдузлар сўзласами, сирларим тўкилгайдир,
Субҳи палла аломат бир мактуб битилгайдир,
Муҳаббат деганларга бу шунчалик қоғозмас.

Соғинч беқадр бўлса, қалбда қойим қиёмат,
Не ажаб бизга ундан, бисот бўлса диёнат,
Чорлаб келурсиз бир кун, биламанки хиёнат —
Андижон деган юртнинг йигитларига хосмас...

Венера Иброҳимова

Укам Жонибекка

Бу боғдан хазонларни супуриб кетган шамол,
Энди ҳар бир дарахтни ясантирар бахт нури.
Тортинмагил, гўдагим, кезавергин бемалол,
Бу гуллар бизниқидир, қувончлар ҳам бизники.

Қанча ғайрат қилмадик бу кунга етгунча то,
Ҳамма ҳам доим бирдай этавермади ҳиммат.
Энди меҳр қўйгин сен, ҳар бир гиёҳга ҳатто,
Сўнг ўзинг ҳам ўргангин етиштирмоқни неъмат.


Бу боғдан хазонларни учириб кетган шамол...

Замира Эгамбердиева

Турналарнинг кўзлари

Осмонни тўлдириб қайтди турналар —
Улар манзилига қачон етади?
(Қишлоғим теграсин бир зум айланар,
Наздимда юраклар қалқиб кетади.)

Ростдан ҳам бу қушлар бунча бахтиёр,
Баҳорни улашиб чиқар заминга.



Умрини йўлларга тўкса ҳам бедор —
Дардларин сир тутар, айтмас ҳеч кимга...

Шодлик, деб, тушунар уларни ҳамма,
Гўё учмоғи шарт, учмоғи керак.
Улар ёлғизликдан кўрқади аммо,
Турналар кўзига жойланган юрак.

Майли, ер юзига улашсин баҳор,
Меҳмон бўлсин бобом эртақларида.
Майли, билганларин айтмасин зинҳор —
Кўрганлари қолсин юракларида.

Баҳорни опичлаб, қишни олқишлаб,
Самонинг кўксига арғимчоқ учар.
Ҳар баҳор, ҳар кузак севинчдан йиғлаб,
Мен сизни кутаман, бахтиёр кушлар!

Сирдарё ҳақида шеър

Дарё ўз пинжига суқилди ўзи,
Вафодор қирғоғин ёлғиз қолдириб.
Ҳатто шўр ёшдан ҳам ариди кўзи,
Тунда ёниб, тонгни бедор оттириб.

У энди ҳеч кимга очмас сирини,
Жимгина жимирлаб боқар қуёшга.
Кундуз куйлолмаган мунгли қуйини
Кечалар энтикиб шивирлар тошга.

Мискин қирғоғига термилиб бесас,
Тинчгина оқади — бу сирли жумбок.
Унинг дардларини олмасдан нафас,
Тун чоғи тинглайди чанқаган қирғоқ!

Маҳбуба Ҳамроева

* * *

Ярашади сизга ҳатто қаҳр ҳам —
Бу юзга туйғулар бўлолмас парда.
Кулги ярашади, ярашади ғам,
(Шафқат ярашарди, бўлса агарда.)

Истасангиз басдир, эрир ҳар ғурур,
Мағлублик борми ҳеч сизнинг сафарда?
Сизга ярашади лаззат ва сурур,
(Поклик ярашарди, бўлса агарда.)

Ҳуснингизни яйраб, эркалайди кўз,
Ҳар дам севимлисиз, дилбарсиз ҳар он.
Сизга бахт ярашар, ҳа, бекаму кўст,
(Бўлса ярашарди, вафо бегумон.)

Сиз деб юракларда бахт, азоб қанча,
Нақадар мос келар бундай истиқбол —
Сизни севадилар, сиз истаганча,
Фақат сизга дилдан ишонмоқ душвор...

«Мен кураш қўйнида!..»

Майна Ҳасановага

«Мен кураш қўйнида!..»
Ҳа, шундай...
Учмас доғ қалбимда инграйди,
Вужудим тордайин титрайди...
Ҳа, шундай.
«Мен кураш қўйнида!..»

Тақдирим бешигин тебратган,
Душманам кўксига ўқ отган,
Сен мерган, довурак қасоскор,
Синглингман, умрингман мен зинҳор.
Ҳа, шундай.
«Мен кураш қўйнида!..»

Тилингни кесдилар, кўрқмадинг,
Оловли қўшиғинг қирқмадинг.
«Яшаймиз, — дединг сен, — ҳур, озод,
Бизники бўлди эрк умрбод!»
Ҳа, шундай.
«Мен кураш қўйнида!..»

Чарм камзул кийдинг, сен, эгнингга,
Умидлар белбоғи белингда.
Шамширга айланган чоғ нафрат,
Йўлингни кесди, оҳ, разолат!
Кесилган йўлингни бораман босиб,
Чақнаган орзунгга муносиб.
Ҳа, шундай.
«Мен кураш қўйнида!..»

Йўқ, бу, мен эмасман аслида,
Аслида бу, сенсан — ўзингсан.
Бу нафас сеники — сен тирик,
Бу ҳавас сеники — сен тирик.
Яшайсан бўлиб сен Инқилоб!
Ҳа, шундай.
«Мен кураш қўйнида!..»

* * *

Гул келтирдинг... уфқлардан ранг олган чечак,
Бир даста гул ёки ташна кўнгил нидоси.
Одил элчи толеида ўлим йўқ бешак,
Бир даста гул... шудрингида ҳислар жилоси.

Пушти ранглар нурда кулар ним ҳаё билан,
Дил изҳорин етказолмай япроғида тер.
Элчингдаги нафис идо сирғалиб шўхшан
Дудоқларим сийловига бўлмишлар асир.



Саида Зуннунова ғазалига мухаммас

Сўзлангиз севги китобин менга бир-бир, номма-ном,
Ул китобнинг боби неча, айтинг улдир неча том?
Мен очиб дебочасин, айлай десам кўнглимни ром,
Севги дарсида мени лол айлади Лайло тамом,
Улки устозликда танҳо, мен эдим хатсиз авом.

Ул менга ишкнинг жунунлик мевасидан очди сўз,
Васл эмас, ҳижронининг тева¹сидан очди сўз.
Бағридан бўлмиш узоқ Қайс — телбасидан очди сўз,
Чарх кажрафторининг ҳар шевасидан очди сўз,
Сўнг деди: «Умримни энди сен ўзинг эткур давом.»

Севгида қилди етим оҳ, бу фалакнинг гардиши,
Мен етолмай қолганим васлу висолнинг ташвиши,
Сенга бўлсинким, насиб, лафзингда тургил мард
киши,

Билмадим, бу илтифотми ёки душманнинг иши,
Неки кўйга солса солди мени шу ўтли калом.

Билмайин қолдим — дилимнинг чертиб ўтди торини,
Олдима кўйди муҳаббат илмию ашъорини,
Мен авомликда магар келтирдим Лайли орини.
Ё ақл солди бошимга ёки олди борини,
Ичкизиб ашки қўшилган бодасидан битта жом.

Унга сўз бердим: жафо йўлига ҳеч йўл солмагум,
Ишқ деган гулшан ишига лолу бепарқ қолмагум,
Васл боғин ўстирарман меҳр биланким толмагум,
Дил хазинанг менга бўлсин, тақдирингни олмагум,
Минг шукр, ёр васлидан обод уйим ҳар субҳу шом.

Севара Тўлаганова

Баҳор таронаси

Ёмғир оқ ипакдан сават тўқияпти —
Гуллар очияпти кўз олдимда қаранг...
Гулхайри ёмғирнинг шеърин ўқияпти:
Дунё лоларанг, дунё лоларанг...

Мудраган кўк майса кўзларин очяпти,
Беда ҳидин сочиб уряпти ёмғир.
Бабақ хўроз бўғот тагига қочяпти —
Заминда — шивир, осмонда — шивир...

Жилғалар гул тақиб, сакраяпти тошдан,
Мажнунтол яшил тортиб қияпти ҳузур.

¹ Тева — игна.

Челаклаб-челаклаб куймоқда бошдан
Бепарво ёмғир, бепарво ёмғир...

От солиб келмоқда дов ошиқ тонг билан
Ёрини ёмғирдан сўраяпти яланг...
Чир айланиб бир қиз сармаст севгидан
Келяпти бошяланг, келяпти бошяланг...

Балоғат


Эртак сўйлаб беринг менга, бувижон,
Муҳаббат ҳақида сўйланг, билсангиз.
Ҳайқиргим келади — дилда ҳаяжон,
Ун еттига кирди бугун болангиз.

Гуллар, шивирлангиз ўн етти тилда,
Муҳаббат ҳақида бўлсин ҳаммаси.
Очилгани бугун қизил гул дилда,
Элитгани маъсум севги алласи...

Кел, қалдирғоч, менинг кафтгинамга кўн,
Олиб кетай сени сирли оламга...
Қанот ёз, парвозни ўргатаман сўнг —
Ут еттинчи осмон тўлар навога.

Юлдузлар, порлангиз яна ёркинроқ,
Кўзларимга сиғмай порлангиз бугун.
Утинаман, кўёш, узат зар тароқ,
Ун еттига кирдим — сочларим узун...

Сўқмоқлар, нур тўшаб бошланг манзилга,
Эркин кетай, ёзинг тор қулочингиз.
Кетяпман, қувончим сиғмасдан дилга,
Ун еттида бугун бир йўловчингиз...



Ҳакима Ҳасанова

* * *

Анбар ҳидин таратган ёргинам райҳонидир,
Орзусин кўшиб тутган менга армуғонидир.

Гулқайчиси қўлида авайлайди ҳар тупин,
Юзида қатра-қатра меҳнатин маржонидир.

Чаман саҳни яшнади гуллар бўю рангидан,
Иқболимдан андоза — гулзор, гулистонидир.

Бугун висол айёми термилар жамолимга,
Аҳду паймон этишда бу бир имтиҳонидир.

Эй Ҳакима, қувонгин дилларимиз пайваста,
Икки қалбга ўт солган ҳуррият замонидир.

Бибисора Туробова

* * *

Ҳали қизғалдоқлар очилгани йўқ,
Ҳали сочилганмас адирга лола.
Баҳор бошланибди! Миттигина кўк —
Кўзларингга суртгил, сенга ҳавола.

Бир кун бу қирларга сеп ёяр баҳор,
Бир кун ариқ бўйин ялпиз қоплайди.
Уриклар гулласа менга қўшиқ ёр,
Бағрига чорлайди, лола, гул сайли.

Йўлингга қарайман, райҳонлар экиб,
Ниш олган чоғдаёқ атри бир олам.
Ғунча расмин чизиб рўмолча тикиб,
Қўлларингга тутсам, яйрасанг сен ҳам.

Кўнглимни тоғ этар бир суюк нигоҳ,
Бир суюк нигоҳдан қўшиқ ниш олар.
Шодлик сочаётган кўзларимга бок,
Сенга ва баҳорга ташнадир улар...

Омоной Раббимова


* * *

Мен сенга айладим бугун хайру хуш,
Қалбимдан отилди бир нидо ўқдай.
Сен бирла ўтказган дамлар энди туш,
Гўёки оламда энди сен йўқдай.

Умр ўтиб борар жуда ҳам тезлаб,
Ғанимат ҳар фурсат, ғанимат ҳар чоқ.
Эзгу қўшиқларни топгали излаб,
Мунаввар ҳаётга очаман кучоқ.

Ҳаёт лаззатлидир, ҳаракат — унум,
Лоқайдлик ҳар лаҳза мени ўлдирар.
Яшаш завқи билан ўтган ҳар куним,
Қалбимни бахтиёр нурга тўлдирар...

●●●



Тоҳир Малик

КУРОРТ

Ураиснинг хонасидан чиқиб, болаларга қанд-қурс олай, деб дўконга кирди. «Ҳа, Аҳмадбой, раис йўқлабдиларми?» «Йўқлабдилар, курортга юбораман, деяптилар». Бор гап шу. Тракторчи бунни дўкон остонасида эшитди. Тракторнинг мотори ўчирилмаган экан, ўтирди-ю, фзиллабди. Уйига ҳаш-паш демай етиб борди. Янгиликни хотинига айтди. Бу гап кўчага югураётган ўғлининг қулоғига илинди. У кўчага чиқиб, ногоҳ Самадга дуч келди. «Ҳей, Самад, отанг курортга бораркан», деди. Самад эса уйига учди.

Аҳмад бригадир дўкондан чиққанида, бу хабар уйига етиб улгурган эди.

Ўғлининг «отам курортга кетяпти экан», деган гапини эшитган онаси жонҳолатда «вой, ўлмасам!» — деб юборди. Унинг кўзига эри эшикдан иккита сатанг хотинни бошлаб келаётгандай кўриниб, юраги шув этиб кетган эди.

Отасининг курортга бориши болалар учун кутилмаган шодлик эди. Ахир курортнинг бошидан охиригача магазин бўларкан. Отаси у ердан қуруқ қайтмас. Район марказидан белбоғини тўлдириб майда-чуйда олиб келадиган одам курортдан бир дунё нарса билан қайтар. Фақат... каттароқ жомадон бериб юбориш керак...

— Отам курортга кетяпти экан!..

Самаднинг бу ҳайқириғи бир пой калиши паст тушиб, бир пой панжасига илиниб қолганча сўрида оёқларини осилтириб, оппоқ соқолли энгагини кўкрагига тираб мудраётган Матқобул бувани чўчитиб юборди. Бошини кўтариб, набирасини излади.

— Ҳой, нима дединг, қанисан ўзинг!
Самад югуриб келиб бувасининг елкасига қўлларини қўйди-да, даҳанини чўзиб, бақирди:

— Отам курортга...

— Ҳе, бақирма, э, районга кетибдими?

— Курортга борар экан.

— А? — Матқобул буванинг юзидан қони қочди. Самад бу ўзгаришни сезмади. «Бувам эшитмадилар шекилли», деб яна овозини кўтарди:

— Ку-рорт-га...

— Бас! — Матқобул бува болани нари итарди. Бир оз гангиб турди-да, ерга тушди. Шундагина бир оёғида калиш йўқлигини билиб эгилди. Самад чаққонлик қилиб, унинг оёғига калишни илди.

— Ҳассамни олиб кел! — деди чол, амр қилиб.

— Катта дада, қўлингизда-ку...

Матқобул бува чеварасига майна бўлишни истамай:

— Бунисини эмас, — деб ўшқирди.

Самад ажабланди. Аммо гап қайтармай, анчадан бери тутилмасдан катта сўри тагига ташлаб қўйилган эски ҳассани олиб берди.

Чол унга яна бир нима деб бақирмоқчи бўлди-ю, «Бунда нима гуноҳ, нимага заҳримни сочаман», деб инсофга келди. «Бу Аббоснинг иши. Болаларимга тикилган кўзини энди ўйиб оламан», деб тўнғиллади-да, эски ҳассани тўкилатиб, кўча томон юрди.

Кўчага чиқиб, ўттиз қадам ҳам босмай неварасини кўриб тўхтади.

Аҳмад бригадир ҳали ҳеч нарсадан хабари йўқ, қўлида тўрхалта, пиджаги елвагай, дўпписи чапга бир оз қийшайган ҳолда туя юриш қилиб келарди. Чолнинг кўча ўртасида туриб олганини кўриб, қадамини тезлатди.

— Ҳа, катта ота, тинчликми?

— Қаёққа кетяпсан?

— Уйга... — деди Аҳмад бригадир, чолнинг саволидан ажабланиб.

— Курорт-чи?

— Қанақа курорт?

— Кетаётган эмишсан-ку?

— Ҳа... дарров етиб келдими? — Аҳмад бригадир «бувам «бемаслаҳат иш қилсан» деб хафа бўляпти», деган хаёлга бориб кулумсиради. — Ҳали хом гап бу, катта ота, сиз билан маслаҳатлашмай бир ёққа бораманми?

— Раис айтдими?

— Ҳа, раис.

— Аббос, а?

— Раисимиз битта-ку, катта ота.

— Бормайсан!

— Хўп.

Неварасининг дарров кўна қолгани чолда шубҳа уйғотди.

— Бормайсан, деяпман!! — бу сафар қатъийроқ гапирди.

— Хўп, дедим-ку... — бу сафар невараяна ҳам осонлик билан кўнди.

— Нариге тур, — деди чол, қўли билан ишора қилиб.

— Қаёққа бормоқчисиз?

Матқобул бува жавоб бермади. «Болаларимга тикилган кўзини ўйиб оламан», деб ғўлдираб юриб кетди.

Улиб кетган қариндошларини кунда, кун ора тушида кўравериб, «сафарга шайланиб қолган» чолнинг юрагида қирқ беш йилдан бери яшириниб ётган армонни бу хабар бехос туртиб, уйғотиб юборган эди. Чол бу армонини шу топгача бировга билдирмаган, шунча йилдан бери ўз ёғига ўзи қовриларди.

Келини шу Аҳмадга бошқоронғи эди.

Бир куни ўғли хуфтон вақти тўнини елкасига ташлаб, ишшайиб кириб келди.

— Ҳа, лаб-лунжингни йиғиштиролмай қопсан. Бевақт санқима деб

сенга айтувдимми ё бузингнинг такасигами? — деди у, астойдил аччиқланиб.

— Ота, идорада эдим, мажлис бўлди.

— Аббос ғузани мажлис билан тўйдирыптими, мунча йиғинларинг кўп?

— Битта одам курорт бориши керак экан, шуни муҳокама қилиб, мени лозим кўришди.

— Нима? — чол у пайтда курорт нималигини билмас эди. Муҳокама қилинган бўлса, ёмон жой шекилли, деган фикр миясига урилди. — Нима гуноҳ қилувдинг?

— Ие, ота, курортга гуноҳ қилганларни юборишмайди. Курорт томоша қиладиган жой-ку.

— Ҳа... унда майли. Қаерда экан, шу райондами?

— Йў-ўқ, узоқда. Поездда беш кунлик йўл дейишди.

— А?! Э... сени лақиллатишибди, бола. Беш кунлик йўлга яхшиларни юборишмайди. Районга борсанг бир нави, ҳа Гарчакўп¹га бор... томоша ўша томонда. Аббосдан чиқдимми бу гап. Энасини учкўрғондан кўрсатиб қўяман, боламни беш кунлик йўлга жўнатадиган одам ҳали туғилмаган.

— Ота, сиз тушунмадингиз, ўйнаб келгани юборишмоқчи.

— Жим бўл, бола!

Раис билан сан-манга борди-ю, аммо устун келолмади. Ўғли икки кундан кейин жўнаши лозим экан. Шартта қўшни қишлоққа, опасиникига жўнатди. Аббос уни икки кун кутди. Охири, оқшомда юк машинасида келди.

— Матқобул, ўғлинг қани? — деди қамчи билан этиги қўнжига уриб кўйиб.

— Курортингга жўнаворди, — деди Матқобул сўридан тушмай.

— Ҳой, эси йўқ, ҳукумат яхши ишлаганлар меҳнатининг роҳатини кўрсин, деяпти, тушунсанг-чи!

— Унда ўзинг бор.

— Бултур бордим-ку!

— Бу йил ҳам бор.

— Жиғимга тегма.

— Ўғлим бормайди.

— Боради. Қаердалигини айт. Правление қарорини бузишга ҳаққинг йўқ.

Матқобул қўл силтаб қўйди.

— Айтмасанг... қаматиб юбораман, билиб қўй.

— А?! — Матқобул энди ўрнидан туриб кетди. — Мени-я?

Раис унга яқинлашиб, паст овозда деди:

— Мени биласан-а, жиғимга тегма. Кечқурун ҳовлингга маккайдан ташлатаман-у, эрталаб тўртта гувоҳ билан келаман.

Матқобул серрайиб қолди.

— Ошначилигимизнинг оқибати шуми?

— Бўлмаса ўғлингнинг қаердалигини айт.

— Аббос...

— Тез бўл: Э, галварс, одамлар у ерларга боришни орзу қилишади. Каллангни ишлатгин. «Кимсан, Матқобулнинг ўғли курортга борибди» дейдиган гапдан хурсанд бўлсанг-чи!

Аббос ошнаси бўлгани билан раис деган номи бор. Калласига нима келса қилаверади.

— Ростдан ўзинг борганмисан?

— Э, носқовоқни сенга ўша ердан олиб келганман-ку!

Аббос алдади: ошнасига совға олмаганидан хижолат чекиб, йўл-йўлакай Марғилон бозоридан чиройли носқовоқ харид қилган эди. Матқобул совғани эслаб, ўйланиб қолди: «Ҳа, курортдан олиб келдим, девди-я. Носқовоғига қараганда, ўзимизнинг жойларга ўхшаркан...»

¹ Хозирги Марғилон станцияси.

- Уғлинг қаерда? Бұл тез, поездга чиқиши керак.
- Сенам беш кун йўл юрганмисан?
- Юрса нима?
- Йў-ўқ, бўлмайди, ошна. Хотинининг ой-куни яқин.
- Узининг-чи?
- Нима ўзининг?

— Узининг ой-куни яқинмасми, йўл-пўлда туғиб қўяди, деб кўрқяпсанми? Бўпти, айтмасанг, айтма, ўзим топиб оламан. — Раис шундай деб кўчага чиқди-да, ҳайдовчига нимадир деб тайинлаб, изига қайтди. Юк машинаси кўчани чангитиб юриб кетди.

- Уғлинг ҳозир келади. Келинингга айт, йўлга у-бу тайёрлаб қўйсин.
- Мошин қаёққа кетди?
- Опангникига.

Матқобул довдираб қолди: қаёқдан билади? Раис икки кун ичи бу хонадонга яқинлиги бор уйларни дараклаган эди. Матқобул билан гаплашиб туриб, бирдан унинг опаси эсига тушиб кетди. Матқобулнинг оға-инилари йўқ, фақат опаси бор. Уғлини ўша ерга яширмай, қаёққа яширарди? Ҳозир Матқобулнинг ташвишга тушганини кўриб, тахмини тўғри чиққанини билди.

«Гуноҳкор» ярим соатда уида бўлди. Хотини тайёрлаб қўйган тугунни олдию хайр-хўшлашиб жўнади...

Матқобулнинг армони шу — ўғлини олиб қолишга қурби етмади. Раис «қаматвораман» деса, кўрқиб ўтирибди. Олиб қолиши керак эди, олиб қолиши шарт эди... Чунки... ўн кундан кейин уруш бошланди. Уғли ўшанақаси урушга кириб кетибди. Икки йилгача хат келиб турди... Аҳмад отасини кўрмай ўсди. Энди уни ҳам курортга юбормоқчи.

Қирқ беш йил аввал «курорт» деган сўзни эшитиб, ёмон жойдир деб ўйлаган Матқобулнинг кўзига курорт ўшандан бери уруш майдони бўлиб кўринади.



Аббос раис қиёматлик ошнасининг дўқиллаб келишини кутган эди. Раис хабарнинг тарқалиш тезлигини ҳисобга олмагани учун чол эртага келса керак, деб ўйлаганди.

Матқобулнинг идора ёндошидаги самовархонада кутиб олиб, сўрига бошлади. Ҳол-аҳвол сўради.

— Икки оёқда юриб, тил билан гапиряпман, ҳали дунёдан умидим бор, — деди Матқобул. — Нимага келганимни билиб турибсан-а?

— Ҳа.

— Битта ўғлим етмаганмиди сенга?

— Бу гапингни қўй, ошна. Уруш кўпга келган тўй эди. Уғлинг шу ердан ҳам кетарди-да.

— Ҳеч бўлмаса хайрлашиб қолардим-ку!

— Мен билибманми... — раис шундай деб четга қаради.

— Аҳмадни нимага юбормоқчисан?

— Баҳорда нима бўлди? Далада йиқилиб қолдимми? Силласи қуриб кетган бола пақирнинг. Дўхтирлар, дам олсин, деб ўзимга айтишди. Шу пайтгача курортга борсин, девдимми? Э, ишлагандан кейин дам олишни ҳам ўргансин-да!

— Узинг боравер.

— Ҳар йили бораман мен.

— Аҳмад бормаиди.

— Бекор айтибсан.

— Қаматворсанг ҳам юбормайман.

— Боланинг жонига жавр қилма. Биламан, аламинг бор, лекин ҳозир замон яхши. У даврлар бошқа эди. Илгари беш кун йўл юрган бўлса, энди уч соатда боради, уч соатда келади. Юрагини даволатмаса... бунингдан ҳам ажраб қоласан, билиб қўй, дарди ёмон, боланинг умрига зомин бўласан!

Матқобулнинг қўллари титраб кетди.

— Рост айтяпсанми?

— Касали бўлмаганда юбормас эдим. Дардингни биламан-ку... Сени ташвишга қўйиш мендан лозимми... Мен ҳам қаридим. Колхозни бу йил топшираман. Эллик йил тебратибман, бўлар. Урнимга келадиган одам Аҳмаднинг ҳолидан хабар оладими, йўқми... Қайсарлик қилма.

Матқобул лаққа тушганини ўзи ҳам билмай қолди. Икки ошна сўрида ёнбошлаб, чойхўрлик билан кунни хуфтон қилишди.

* * *

— Дадаси, у ерларда...

— Айтавер гапингни, бунча чайналиб қолдинг?

— Йўқ, қўйинг, айтадиган гап эмас.

— Энди кўнгилни хижил қилма, айт.

— Бир гап эшитдим... У ерларда халигидақа... хотинлар бўлармиш...

— Ҳе, эси йўқ! Ҳе, бетамиз!

— Аччиғингиз чиқмасин. Эшитганимни айтяпман-да.

— Бунақа гапларни эшитадиган қулоқнинг кар бўлгани яхши!

— Қўйинг, яхши нафас қилинг. Кўрганлар айтди-да. Эркак одам уйдан узоқлашса...

— Юм оғзингни! Минг лаънат сендақа лақмага! Отам юрган ерларда шунақа иш қиламанми?!

Шундай деб тескари ўгирилиб ётиб олган эди. Шу гап баҳона бўлиб, йўлга чиқар олдидан хотинини суйиб, эркаламади.

Ҳозир, самолёт тоғдай булутлар устидан чиқиб олгандан кейин, кўзлари мудроқ ихтиёрига берилган дамда ўша қисқа, аммо ўзини лов этиб ёндириб юборган суҳбатни эслади-ю, афсусланди.

Соддалик ҳам хотин кишининг ҳуснига киради. Биров шу гапни айтибди, у ишонибди. Азбаройи эрини яхши кўрганидан қизғанибди. Э, хом сут эмган банда! Шундай хотиннинг қадрига етмадинг, етмадинг-да!

Юраги санчиб, уйқуси қочди. Врачнинг ўгитини эслаб, чўнтагини пайпаслади. Валидол олиб, тилининг тагига ташлади. Уйқуси ўчган бўлса ҳам, бари бир кўзларини юмди.

Гапнинг ўғил боласи — денгиз бўйига бориб дам олиши аниқ бўлгандан кейин бунақа гапларни ўзи ҳам эшитди. (Тўғрироғи, илгари бир-икки қулоғига чалингану унча аҳамият бермаган эди.) Яна бир эмас, уч-тўрт киши айтди. Уларнинг таърифидан кейин юрагининг бир четида ғалати майл уйғонди. Аввал денгиз бўйида юриб, даволаниб қайтишни ўйлаётган бўлса, энди, соҳил кўз олдига келганда бир-икки «фаришта» ҳам «учрай» бошлади. Ўзи бошқаларнинг гапига лаққа тушиб, яна хотинини лақма, деб койиб, аразлаб ётибди!!

Унинг гўсатдан ловиллаб кетишига бу бир баҳона холос. Асл сабабни билса ҳам, тан олгиси келмайди. «Пулинг бўлса халтада — боравергин Ялтага». «Мен Ялтага кетмаяпман-ку?» «Бу бир гап-да, Аҳмадбой. Пулинг бўлса бор. Қад-қоматдан худо қисмаган. Қирчиллама ёшдасан. Дўхтир-пўхтир деб юрма. Юракнинг давоси — нозаниннинг бир нозли қарашмаси. Бирор сўзамол йигитга улфат бўл-у, орқа-олдинга қарама — полний вперед!»

Шунақа «ўгит»лардан сўнг хаёлан бир йигит билан дўст тутинди. У икки қизни бошлаб келди... Хаёлидаги бу кўнгил изҳори кўпга чўзилмасди. Фикри тиниқлашиб, ўзига келиши билан, чиндан ҳам «чапга» юргандай сесканарди. Ҳатто хотинининг кўзига қарай олмаган вақти ҳам бўларди. Хотини ўша тун гумонини айтганда, у авваллига «сири» фош бўлгандай қалқиб тушди. Аччиқланиши учун шунинг ўзи етарли эди...

«Сен унақа ҳар кимнинг гапига қулоқ солаверма. Раис бува ёки райком бува айтсалар, ишон. Улар ўша томонларда кўп бўлишган, кўришган. Сен айтгандақа жой бўлса, мени юборишармиди. Ўзинг ўйлаб кўр-чи, ғўза шонага кираман, деб турган маҳалда қайси бригадирга жавоб беришган?»

Хайрлашар пайтидаги гапларни эслаб, кўнгли таскин топди: «Шуни яхши айтдим...»

Аҳмаднинг тўнғичи бу йил мактабни тугатди. Кўз очиб кўргани Назираси билан сира сан-манга бормаган. Бошқа бировга қараш етти ухлаб тушига кирмаган. Эркак зотининг ҳам минг тури бор. Юрган йўлида бегонани қўмсайдиганларни Аҳмад кўрган. Уйда гулдай хотини, болалари туриб, чакки қадам олувчи танишларидан ҳамиша нафратланиб, аниқроғи, ҳазар қилиб келган. Бундайлар саргузаштларини кўпириб ҳикоя қилаётганларида Аҳмаднинг хаёли қочмаган, дейилса, ёлғонга йўл берилган бўлади. Аммо яшинсимон бу ўткинчи ҳис уни кўп тобе қила олмаган.

Мана энди, уйдан узоқлашар маҳалида, ғалати ҳислар гирдобига тушиб, гангиб юрибди.

Мақсад — даволаниш. Уват бўйига йиқилиб қолмаганда бу ҳам йўқ эди. Юраги санчиб-санчиб қўярди, эътибор бермасди. Юрак билан ўйнашиб бўлмас экан. Касалхонада ётганида хотини «Худо сизни болаларингизга қайтариб берди», деди. Энди батамом тузалиш учун кетяпти. Аммо баъзан орага шайтон оралаб, ҳислари жиловини бўшатиб қўяди. Ўзи хоҳламаса ҳам, хаёли бошқа томонларга чорлайверади.

Ёнида икки жувон ўтирибди. Кўхликкина. Назарида иккови ҳам унга ўғринча қараб қўйяпти. Гапни эркак киши бошлаши керак. Нима дейди? «Қачон етамиз?» деб сўраса-чи? Э, йўқ. Ҳозиргинада сув олиб келган қиз анигини айтиб кетди. «Дам олгани боряпсизларми, қаерга?» десинми? «Сизга нима?» деб қайириб ташласа-чи? Гап билмагандан кейин индамай кетгани маъқул. Агар бирор илинжлари бўлса, ўзлари гап бошлашар...

Йўқ, ҳар икки жувон ҳам унга қарамади, бора боргунча ўзи билан ўзи овра бўлди.

Аҳмад самолётдан бир ўзи шўппайиб тушди. Юқларини олиб, кенг майдонга чиқди. Биров бировга қарамайди. Бировнинг биров билан иши йўқ. Қишлоқдаги шинавандаларининг таъриф-тавсифларидан сўнг Аҳмад «Самолётдан тушишим билан нозанинлар ўртасида талаш бўлиб кетаман», деган ўйга борган эди. Атрофига қараб, ҳафсаласи пир бўлди. Чиройли қиз-жувонлар оз эмас. Лекин бирови қиё боқмайди. Уларга гап отувчи лаб-даҳан эса унда йўқ.

Бу ҳолдан мамнун ҳам бўлди — шайтон васвасасидан қутулди. Айни пайтда бекорчи ҳисларга берилгани учун ўзидан ўзи нафратланди.

«Овози раста бўлган бола ҳам менчалик фаросатсизмасдир. Нималарни хаёл қилиб юрибман!!»

* * *

Аҳмад қабулхонада хушрўй йигитга рўпара бўлди. Қошлари худди териб қўйилгандай текис, қирра бурун, узунчоқ оқ юзли бу йигит пича уриниб қолган жомадонли Аҳмадни жилмайиб қарши олди. Аҳмад юкини бир четга қўймай туриб йигит унга бошдан оёқ разм солишга улгурди. Аҳмад буни сезди. Жилмайишнинг сохталигини, йигит хизмат юзасидангина шундай қилишга одатланиб қолганини фаҳмлади. Бу ерга келишдан олдин «Мева-чеваларни ўртага қўйиб, тузукроқ жой сўрайман», деб ўйлаган эди. Йигитнинг димоғини кўрди-ю, феъли айниди. Йигит ўзини «навбатчи врач», деб таништириб, қоғозларни тўлдирди. Босимни ўлчаган бўлди.


— Даволаймиз! — деди ниҳоят қоғозларни четга суриб. Кейин Аҳмаднинг кўзларига тикилди. — Касалингиз хавфли эмас. Сизни икки нарса даволайди. Биринчиси — ҳаво ва сув. Иккинчиси... хўш, нима?

Аҳмад йигитнинг айёрона боқаётган кўзларига қарай олмади, елка қисди.

— Иккинчиси... — йигит кулди. — Аввалига ҳамма ўзини билмаганга солади. Ҳай, майли, билмасангиз билиб оларсиз: иккинчиси — шўхлик! Шўхлик ва яна шўхлик!..

Аҳмад йигитнинг нимага шама қилаётганини тушунди. Аввалига хижолат тортиди. Кейин бирдан, йўлга чиқиш арафасида хотинидан шунга ўхшаш гап эшитиб, қандай ғазабга минган бўлса, шундай ҳолга тушди.

— Менга қара, бола — деди дабдурустан сенсираб, — бу ерга мен



ишларимни ташлаб келганман. Болаларимнинг ризқидан чегириб пул сарфлаганман. Сен нима деб юрибсан, бузуқлик қиладиган бўлсам, шундан шунга аҳмоқ бўлиб келаманми! Ҳе, сени ўтқазиб қўйгани...

Йигит унинг важоҳатидан чўчиб, ўрнидан туриб кетди.

— Ие, ие. Асаблар чатоқ-ку! Ҳазилни ўзингизга олманг. Ҳазиллашдим ахир...

«Ҳазилкаш» врач Аҳмадни овутган бўлди-ю, аммо эртасидан бошлаб уни кўрса ҳам, кўрмаганга олиб ўтишни одат қилди.

Курорт дегани Аҳмадга ёқмади. Хотинлар дўконма-дўкон изғишдан, эркаклар улфатчиликдан бўшамайди. Аҳмад, бошқа ҳамқишлоқлари каби, умрида бирон кунни бундай бекорчилик билан ўтказмаган. Одам кун бўйи бўш ўтириши мумкин, деган ҳақиқатни танасига сингдиролмас эди. Раис: «Аҳмадбой, ишни дўндирдинг, бир ой рухсат сенга, дамингни олвол», деса ҳам, уйданми, устахонаданми бир юмуш чиқариб, ивирсиб, кунини ўтказарди. Бу ерда бутунлай бўш қолиб, гангиди...

Бир-икки кун ён-атрофни сайр қилди. Назарида дадаси худди шу оромгоҳда ётган, шу сўқмоқларда юрган, шу соҳилда уйдагиларни соғиниб ўтирган... Дадасининг қайси курорт шахрида бўлганини билмайди. Раис ҳам унутворган. Катта отасига бир нарсагина маълум: ўғли курортга

деб кетган ўшанда. Аҳмад «отам шу ерда бўлган», деб ўзини ишонтириб, гўё дадасининг изларини зиёрат қилгандай юрди. Вужудида қарор топган мана шу ҳис йўлга чиқиб, то шу ерга келгунча бот-бот уйғониб бесаранжом қилаётган ҳирсий майлларни бўғиб ташлади.

Тўрт кундан кейин ҳамхонаси кетиб, ўрнига бошқаси келди. Буниси аввалига унга маъқул тушди. Ўзини Дониёр, деб таништирган думалоққина бу йигит саккиз яшар ўғлини бирга олиб келибди.

«Эҳ, калла! Саматимни ёнимга олволсам бўлмасмиди! Бир яйраб кетарди. Ун иккига кириб, даладан бошқа нарсани кўрмади. Хотиннинг ҳам калласи ишламайди. «Ўғлингиз ҳам бораверсин», демайди! Э, у бечора қаердан билсин... Дониёрнинг эси бор экан. Ҳам ўзи яйрайди, ҳам боласи...»

Йўқ, эртасидан бошлаб Дониёрдан кўнгли қола бошлади. «Онаси менга қоровул қилиб юборди, дейдими? Вой, даюс-е, гапи қизиқ-ку, бунинг. Ўғлини олиб келганидан пушаймон шекилли...»

Дониёрдан «Қоровулни ухлатиб келдим», «Қоровул кинода, бир ярим соат вақтим бор», деган гапларни эшитгани сайин ундан нафратлана бошлади. Дониёр ўғлининг кўзини шамғалат қилишга уринган дамларда Аҳмад уйидагиларни эслаб эзилаверди, бирорта боласини ола келмаганидан афсус чекаверди.

Дониёр Аҳмаднинг тобора совуқроқ муомала қилаётганига эътибор бермади. Уни, ҳоли-жонига қўймай, ҳали кинога судрайди (буниси майли), ҳали танчага (кошки Аҳмад танча тушса), ҳали юзта-юзтага таклиф қилади (жинига ўтирмаган одам билан ичгунча бошини кундага қўйишга ҳам рози). Бир хонада турганидан кейин ҳаммасига чидар экансан. Хотин бўлса экан, қўйиб қутулсанг, қўшни бўлса экан, ҳовлингни сотиб қутулсанг. Бор-йўғи уч ҳафталик ҳамхона. Уч ҳафта — уч йил эмас, деб ўзига таскин бериб юраверди. Кутилмаган воқеа содир бўлмаганда балки муддат тугагунга қадар ҳам у билан бир хонада яшайверарди. Аммо ўша воқеа юз берди-ю...

Аҳмад соҳилда офтобда тобланиб ўтирган эди. Бир қўлида майда-чуйдага тўла халта, бир қўлида магнитофон кўтарган Дониёр лопиллаб келиб қолди.

— Э, Аҳмад ака, тулинг тезроқ, — деди у, тўрхалтани ерга қўйиб, — боғимизга иккитагина қушча учиб келди. Энди чиқмасангиз қаттиқ хафа бўламан, ака «Қоровул»ни Мастура опа билан шаҳарга тушириб юбордим. Икки соат вақтим бор.

— Қўйинг, Дониёржон, бунақага юрмайман, биласиз-ку.

— Вой, акагинам, курортга қиз келиб қиз кетмоқчимисиз, тулинг-е! Хуллас, Аҳмад у деса Дониёр бу деди, охири қалтисоқ бир гап айтиб, боришга кўндирди. Орият кучлилик қилди.

Дониёр шу кунга қадар ҳам Аҳмадсиз ишини пишитиб юрган эди. Бугун (аксига олади-да!) пичоққа илинадиган шерик топилмай қолди. Йўқдан кўра бор, деб Аҳмадга осилди. Аҳмад бунини тушунмайди.

Улар юқори томондаги дарахтзорга кўтарилишди. Чоғроқ ялангликда, буталар панасида икки қиз ўтирар эди.

— Новчаси сизга, қорачаси менга, — деб шипшитди Дониёр.

Аҳмад тиззасини қучоқлаб ўтирган қизнинг ёнидан жой олди. Дониёр тўрхалталарни бўшатди. У тинмай гапирар, қизларга ҳазил қилар, ҳазили совуқроқ бўлса ҳам, қизлар қиқирлашдан тўхташмасди.

Озгина ичишди. Дониёр магнитофонни қўйди. Қорачадан келган қизни қўлидан тортиб турғизди.

— Бир хил дориларга «ичишдан олдин чайқатиб олинг», деб ёзиб қўйилади. Танча ҳам шунақа — чайқатиб олиш керак, — деди у, Аҳмаднинг ҳам туришга ундаб.

Аҳмад жойидан жилмади. Қиз ҳам унга ер остидан қараб-қараб қўйди-ю, куйга монанд тебраниб ўтираверди. Аҳмад қизнинг юзига тик қарашга ботинмади. Қиз ёш, чиройли эди. Аҳмад шундай чиройли қизнинг бегона эркак билан бемалол ўтиришини ҳеч ҳазм қила олмади. Ногоҳ унинг оёқларига қаради: болдири бўлиқ, тирноқлари бўялган.

Хотинини эслади. Назиранинг қомати чакки эмас. Шунақа кийинтириб қўйсанг, ҳеч ким олти бола туққан хотин демайди. Фақат қўлининг суяклари йўғонроқ. Кўп кетмон чопганидан шунақа бўлганмикин... Оёқлари... товони кўп ёриларди. Оғриси ҳам керак, аммо эрига айтмайди. Пишиқ ғиштга ишқалаб ювади, кечаси ёғ суриб ётади. Эртасига совуқ сув сачраб, чанг-тупроқ тегиб, яна эски ҳолига тушади. Кўп азоб чекади бечора, бироқ ғиринг демайди. Оёғининг тирноғини бўяш хаёлига ҳам келмас...

Яна озгина ичишгач, орадан шарм пардаси кўтарилди.

— Маиший хизмат нималигини биласизми? — деди Дониёр Аҳмадга кўз қисиб, кейин қизни қўлтиқлаб нари кетди...

— Тўпори одам экансан, — деди қиз.

Аҳмад унга қарамади.

— Шу юришингни онанг биладими?

Даҳанини тиззасига тираб ўтирган қиз унга ажабланиб қарадию жавоб бермади.

— Эрга тегсанг бўлмайдими?

Қиз чимирилди.

— Эр чиқмаяпти.

— Нимага?

— Ишинг бўлмасин.

Бошқа гаплашишмади. Аҳмадни тер босди. Ўзидан ўзи ирганди. Бутун вужуди булгангандек, ҳатто томирларидан ҳам ирkit қон оқаётгандек эди.

У Дониёрнинг қайтишини кутмади.

Қизга хайр демади.

Қиз ҳам индамади.

Хонасига кириб, душга тушди. Кўнгил хижиллиги ёзилмади. Баданида қитмир чумолилар галаси юргандай туюлаверди. Устидан атир қўйди. Бўлмади. Дониёрнинг яримлаб қолган арағини бир кўтаришда бўшатди. Ана шундан кейин танаси бир оз покизалангандай бўлди. Ярим. яланғоч ҳолда каравотига чўзилди.

Курортга кела-келгунча ўйлаганига, сирли бир гирдобга тушишига бир баҳя қолган эди. Қўлини узатса бас... Нимага узатмади? Ҳайиқдими? Йўқ. Аммо вужудида бундай ишларга йўл бермовчи ғойибона куч борлигини сизди. Ана шу куч бир имласа бағрига сингиб кетиши мумкин бўлган қизга қўл юборишдан тийди. Ҳатто қизнинг қўлини ушламаган бўлса-да (балки бир пиёладан арақ ичганидандир), вужуди кирлангандек туюлди. Аҳмад ғойибона бу кучнинг оддийгина «поклик» деб аталишини билмасди.

Арақ таъсир қилди. Вужуди бўшашди. Соғинч ҳисси уйғонди. Болалари хаёлида бир-бир гавдаланди. Қайтиб борган маҳали улар билан кўришининг юз бир хил турини кўз олдига келтирарди. Дам катта қизининг пешонасидан ўпарди (ахир, у эсли қиз бўлиб қолган, отасидан уялади), дам кенжасини осмонга отади (аввал ўпадими ё осмонга иргитиб эркалайдими?), фақат хотини билан қандай кўришишни билмас эди (одамларнинг нигоҳи уларда бўлади).

Энди на хотини, на болалари кўришишни иташади... Аҳмад йиғлаб юборай деди.

Эшик шашт билан очилди. Аввал Дониёрнинг пишиллаши эшитилди.

— Хол қўйибсиз-ку, акам, бизни шарманда қилибсиз! Унақа эмас-да, энди...

Аҳмад ётган жойидан жилмади. Ҳамхонасига қарамади. Унга тушунтира олмас эди. Шу сабабли индамади. Эртасига ҳам, индинига ҳам чурқ этмади.

Дониёр бош врачни авраб, бўлак хонага чиқиб кетди. Аҳмад ёлғиз қолди...

Самолётда уйига қайта туриб, буларни яна бир карра мулоҳаза қилди. Ўзини айблашга асос топмади.

Самолёт бир меъёрда гувиллайди. Аҳмаднинг икки ёнида икки жувон. (Худди атайин уюштирилгандай боришда ҳам, келишда ҳам жувонлар билан учяпти.) Бирининг икки яшар ўғилчаси хархашасини бас қилиб, ухлаб қолибди. Жувон боласининг майин сочига юзини оҳиста қўйиб, мудраяпти. Тинимсиз сақич чайнаётган чап ёнидаги жувон эса, китобдан бош кўтармайди. Аҳмад худди икки ёнида икки жувон эмас, икки соқчи ўтиргандай қимирлашга ҳам журъат этолмайди, бошини ўриндиққа тираб, ўй суради.

«Аҳмад полвон, мазза қилиб ҳордиқ чиқардингми?»

«Узоққа бориш бизга тўғри келмас экан, раис бува, ичикиб қоларканман.»

«Бе, ёш боламисан, ичикиб, давронинг келибди, ўйна, кул.»

«Кетаётганимда ҳам шундай девдингиз. Бола-чақани ташлаб...»

«Олиб кетгин эди.»

«Шуни билмабман. Болалар бу ерларда яйраб юришибди. Роса ичим ачишди. Раис бува, бир нарсани хаёл қилдим ўша ерда.»

«Нимани?»

«Адир қақраб ётарди, биласиз. Оқсоқолларимиз обод қилиб беришди. Сиз ҳовуз қазитдингиз. Қаранг, ғир-ғир шабада. Уша ерни курорт қилсак.»

«Бу нима деганинг?»

«Биз далада ишлаганда хотин, бола-чақа ўша ерда яйраб дам олса. Оқсоқолларимиз чиқишса... Меҳмонингиз кунда келмайди. Шу ёққа бошласангиз бўшатиб берамиз, кетгунча четроқда юра турамиз. Пастроққа бир бостирма қилиб, иккитагина сигир боқиб қўйсак, болаларга сут-қатиқ...»

«Илгари ҳам айтувдинг, яхши гап.»

«Айтолмовдим, раис бува, хижолат бўлувдим. Бошқа одамдан эшитгандирсиз?»

Самолёт қалқиб, хаёли тўзиди. Чап томондаги жувоннинг кўзи китобда, ўнгдагиси мудраяпти...

Уйига пешинга яқин кириб келган бўлса, то оқшомга қадар йўқловчилардан бўшамади. Хотини билан уч-тўрт кўз уриштиради-ю, айбдор одамдай нигоҳини олиб қочди.

Хотини билан ҳали кўришгани йўқ. Ҳали кеч кирсин, болалар ухласин...

Катта отаси билан ҳам дурустроқ гаплашолмади. «Катта ота, уринмаяпсизми?» «Эсон-омон бориб келдингми?» — шундан нарига ўтишмади. Оқшомда дастурхон йиғилгач, жомадон очилди. Аҳмад иссиқ нимчани катта отасига узатди.

— Ўзинг кий, совуқда далада дайдийсан. Мен уйда ўтирадиган одамман.

— Олаверинг, катта ота, мазорбосди-да, курортдан совға.

— Совға дегин, нима, менга биров курортдан совға келтирмабдими, ана, раисинг носқовоқ олиб келган.

Аҳмад кулиб, нимчани чолнинг тиззасига қўйди. У носқовоқ воқеасини биларди — раис айтган.

— Менга қара, курортда отангни суриштирадингми?

— У ерда уруш бўлмаган, катта ота.

— Э, содда бола-я, суриштиравермайсанми, ошна-оғайниси чиқиб қолармиди...

Аҳмад бошини қуйи эгди. Унлаб курорт шаҳарлар борлигини, уларда одам қайнаб ётганини, қирқ беш йил илгари оддий бир деҳқоннинг келиб кетиши уммонга томчи тушгандай гап эканини қандай тўшунтирсин?

Матқобул бобо неварасини койишга койиди-ю, уни ранжитганидан афсусланди. Нимчани олиб, дуо қилди-да, ўрнидан туриб, уйига кириб кетди. Ҳар куни ўрик остидаги сўрида ётарди. Бугун дим бўлса ҳам, уйига кирди.

Совғалардан бошлари кўкка етган болалари суюна-суюна бирин-кетин ухлашди.

Аҳмад чалқанча тушиб ётганича хотинига бир гап айтишни ўйлайди. Суйганига хиёнат қилмаган бўлса ҳам, ўзини айбдор ҳис қилади. Хотини ҳам индамайди. У бетайин бир гумон билан қолган эди. Шу гумон қозонида қоврилиб, бўладигани бўлди. Ҳар куни тушида эрини кўрарди. Ҳар сафар... биров билан. Ҳозир индамай ётишидан яна ташвишга тушди — биров кўнглини ундан совутдими?.. Сўрай деса, тили бормади.

Аҳмад шундай дейишга оғиз жуфтларди-ю, лекин олдин бошқачароқ гап айтишни истарди. У хотинининг ёмон фикрда қолганини унутгани йўқ. Энди, поклигича қайтгач, шуни маълум қилиб қўйиши лозим эди. Дабдурустан айтса, ишонмайдигина эмас, «нимага ўзини оқляпти,» деб баттар шубҳаси ортади. Аҳмад кўп ўйлади, аммо айтиш йўлини топмади...

Ғалати туш кўрибди: раис унга ўдағайлаётганмиш: «Болаларни нимага чопиққа чиқардинг?! Узинг яйраб келдинг, болалар офтобда қовжираб кетсинми, ҳовузни томошага қазитибманми, чиқар ҳаммасини даладан, мазза қилиб чўмилишсин...»

Аҳмад қараса, кичкина ҳовуз, росмана денгиздай шовуллаётганмиш. Суви тип-тиниқ, офтоби йўлида ғуборлар йўқ эмиш...



Тўғроқ
Кичиклар ҳаётидан

* * *

«Ижод — хотиранинг шу даражада тез ишлашидирки, унинг тезлиги билимлар, таас-суротлар запасидан энг бўртиқ ва характерли фактлар, манзаралар, деталларни топади».

М. Горький

* * *

Руссо хотирасини замондошлари жуда юкори баҳолашади. У ўзининг бир неча жилдлик «Дил изҳори» автобиографик асарини ёзишда умуман ҳеч қандай ҳужжатдан фойдаланмаган, аксинча, фақат бутун хотирасини тўла ишга солиб ёзган, бир воқеани эсласа, шундан кейинги воқеалар силсиласи ёдига келаверган.

* * *

Бальзак ижоди ва шахсиятини тадқиқ қилувчилар қайд қиладиларки, унда хотиранинг барча турлари мужассам бўлган. У жойларни, манзараларни, ўткир сўзларни, кишиларнинг исмларини, қиёфаларини, буюмларнинг шакли, рангини бир кўргач, умр бўйи хотирида тутган, шуларни тасвирлаётганда эса худди ҳозир кўриб тургандек аниқ-равшан, ёрқин гавдалантира олган.

* * *

Мен фақат хотирадан олиб ёзаман, ҳеч қачон бевосита натурадан кўчириб ёзмаганман. Хотирам сюжетни гўё доқадан ўтказиб, унда, худди филтёрдагидек, муҳим ва типик нарсалар қолади — менга худди шуниси керак.

А. П. Чехов

* * *

Короленко Швеция пойтахти Стокгольм шаҳрида бўлганида, бу ердаги манзараларни атайлаб ёдда олиб қолишни ўйламаган ҳам эди. У шуни билардики, «буларнинг барчаси кейинчалик сузиб чиқиб, хаёлда ва хотирада ўз жойини топиб олади».

Прозаик асарга ҳатто энг яхши кузатувларни ҳам зўрма-зўраки киритиш ҳеч қачон ярашмайди. Керак бўлганида шу кузатувлар ўз-ўзидан юзага келиб, ўрнини топади. Аллақачонлар бутунлай ёддан кўтарилган бирон-бир воқеа ёки тафсилот бирдан ёзувчининг хотирасида худди ёзиш учун зарур пайтда гавдаланишидан кўпинча унинг ўзи ҳам ҳайрон бўлади. Яхши хотира ёзувчининг таянчларидан биридир.

К. Паустовский

Илҳом СУЛТОНОВ тайёрлаган.

Наврўз таронаси

Гулни рақсга чорлагандек, шўх эсар боди сабо,
Бу ўйиндан завқланиб, қарсақ чалар еру само,
Бормикан гул васлидан булбул учун ўзга сафо,
Ёна-ёна куйлар у: гулдан агар бўлсам жудо,
Мен учун дунё қоронғи, дардима йўқдир даво.

Гул унар ҳар бир баҳорда, лекин инсон гул эмас,
Кўз очар ёруғ жаҳонда у фақат бир бора, бас,
Ҳар нафас унга ғанимат, кетмасин ҳаргиз абас,
Гул каби хандон боқайлик бу жаҳонга ҳар нафас,
Эзгу ниятлар ила инсон топар доим бақо!

Қалби муздан ҳам совуқроқ кимсага ҳайфдир ҳаёт,
Булбулу гул базми-ю жонона назми унга ёт.
Бир шиор бирла яшар у: еб, ичиб, ғафлатда ёт,
Кун санаб, соат санаб ўтгай жаҳондан ушбу зот,
У ҳаёт бирла мамотнинг ўртасида бир бало.

Рауф АҲМЕДОВ

ижодидан намуналар.



Баҳор. «Лола ушлаган қиз»

Янгидан ёзди табиат ерга дастурхонини,
Пишди нозу неъмат, яйратгай одам жонини.
Марҳамат, деб кафтга тутгай барча дард дармонини,
Биз, ахир, фарзандмиз унга, бахш этар имконини,
Лек садо чикқай фақат гар икки қўл бўлса расо.


Ерни тўйдирсанг, тўярсан, бунга асло шубҳа йўк,
Гар қурук сўз бирла боқсанг, унда дастурхон қурук,
Бирни берсанг, юз олурсан, эскидан қолган йўриқ,
Йил боши келди тўкинлик, боғу роғ ҳосилга тўк,
Шул эрур деҳқон сўзига элу юрт берган баҳо.

Минг шукрим, дилбарим, бизга азиздир ҳар гиёҳ,
Гулга ғарқ бўлган диёрим бунга ойдин бир гувоҳ,
Очиларсан гул каби гулларга ташлаб хуш нигоҳ,
Қир-адир ял-ял ёнар, мисли топилмас сайргоҳ,
Бўлмагай ҳар ким учун бу давлати ноёб ато.

Келди Наврўз, дўстларим, ҳадя этиб гул фаслини,
Боғу роғларда кўринг нодир нафосат аслини,
Гул каби оламда асранг ҳар бир инсон наслини,
Хуш кўрайлик то абад Наврўзи олам васлини,
Янги ният, янги орзу келди бирга, марҳабо!



Шеърят ва муҳаббат



Гулум Исмоилов

УФҚДАН ГУЛОБ ИЧИБ

Республикамиз китобхоналари газета-журналларда мунтазам босилиб турган очерклари бир қатор шеърӣ китоблари ҳамда И. Франко, Н. Тихонов, Прем Чанд, Ю. Балтушис, М. Мушфиқ, А. Первенцев, А. Зегерс, Н. Ҳазрий асарларидан қилган кўплаб таржималари орқали шоир Гулом Исмоиловни яхши билишади.

Шу кунларда туғилганига 60 йил тўлган адиби кўп минг сонли журнал-хонлар номидан қўтлаб, унга янги ижодий муваффақиятлар тилаймиз.

Псирцха,¹ дилдаги ўтли куйсимон
Ер остида жўшган, эй наҳри пинҳон!
Дунёда камтарлик тимсоли қилиб,
Сени кашф этдимиз сеҳргар инсон?

Девкор сарчашманг ҳам, сен ёққан ГЭС ҳам
Чуқур тоғ қаърида — кўзлардан ниҳон.
Бесасу бесурон ва лекин шердам
Ишлайсан, мисоли томирдаги қон.

Узинг ер юзига чиқмасдан олдин,
Во ажаб, порлар сен яратган зиё.
Фаввора уриб тоғ бағридан гўё
Сурурли юрагинг сочади олтин.

Баайни ҳар қатранг бўлиб бир қуёш,
Қасру хоналарга кўчаркан осмон,
Юлдуззор сийнали, афсона сирдош —
Дили дурфишонга дўнар Дилистон.²

Тоғдан денгиз сари офтобий қалам
Қисқа бир зарчиқ тортгандай гўё —
Оқасану атиги неча юз қадам
Ва лекин шу йўлда машъала қилиб,
Ёқасан умрингни, эй дилсўз дарё!



¹ Псирцха — Янги Афон (Абхазия)даги булоқжўш кичик тоғ дарёларидан бири. Унинг тоғ бағридан ўтадиган ўзанида ГЭС қурилган.

² Абхазия абхазларнинг жонли тили ва расмий ҳужжатларида Апсни («Жон юрти»), яъни, Дилистон деб аталади.

Гулхан бўп ёнасан соҳибкорларнинг
Ажиб гулдастаранг қишлоқларида.
Ёнасан шифоёб бахтиёрларнинг
Навбаҳор яшнаган ёноқларида.

Ёнасан заршода хурмозорларнинг
Сендан шарбат ичган дудоқларида.
Ёнасан лашкарсаф шоҳчинорларнинг
Нур ичра қайнаган япроқларида.

Ҳа, умринг табиат машъали бўлиб
Ловиллар, о дарё, ирмоқларингда.
Шу-чун тўлқинингдан дилим мавж олиб,
Хаёлга чўмдим мен қирғоқларингда.

Кошкийди ҳаётим сўнгида мен ҳам
Машъал эмас, йўқ, йўқ, бир чироқ бўлсам.
Атрофни ёритиб ёнсаму бир дам,
Сўнг майли, юз қадам йўл босиб, ўлсам...

Ватан ишқи

Ниҳоят, бўлсам мен
Лоҳасу ночор —
Табобат аҳлига
Чопмангиз зинҳор.
Деразани очинг,
Жон узганимда —
Жондан азиз юртим
Кўрсатсин рухсор.
Покният дўст билан
Қургандек суҳбат,
Мен тиниқ самодан
Олай ҳарорат.
Маст этиб шоирни
Гулқанот еллар,
Келтирсин гуркираб
Назмий тароват.
Деразани очинг,
Юртим қуёши
Ғамгусор дил бўлиб,
Ҳузрима кирсин.

Гулобий жом этиб
Боғлар ҳавосин —
Симирай. Ҳидлардан
Кўнглим гумурсин.
Нурга эшиб дилнинг
Сўнгги навосин,
Самарқанд осмони
Тикилсин бир зум.
Ойнақдан чўзилган
Гулбутоқ бўлиб
Юртим видолашиб
Қилсин табассум.
Жисмимни бир умр
Ёқиб, қўймаган —
Гўзаллик сўнгги бор
Дилдан жой олсин.
Ватан чиройига
Боқиб тўймаган
Кўзимда, навбаҳор —
Мавжланиб қолсин...

* * *

Оҳуга йўлдош бўлиб,
Тоғларда юрдингизми?
Уфқдан гулоб ичиб,
Тонг гаштин сурдингизми?
Қирда чилвирсоч билан
Чучмома тердингизми?
Ер кўксида яшнаган
Шеъримни кўрдингизми?
Тоғ бошида най чалиб
Тонг парисин уйғотган,

Юлдузларни ҳовучлаб
Пахтазор сари отган,
Адирларга, қирларга
Баҳор бўлиб ёйилиб,
Лола пиёласига
Қуёш бўлиб қуйилиб,
Ширин табассум билан
Чевар қизга гап қотган —
Уша менинг шеъримдир,
Юрагимдир, меҳримдир.

Ўтовдаги чўпоннинг
Учоғида кўр бўлиб,
Кетмон урган деҳқоннинг
Манглайида дур бўлиб,
Олмаларнинг, нокларнинг
Еноғида нур бўлиб,
Яллиғланиб, ярқираб
Байтларим ёнапти,
Субҳидамда ишқомдан
Бол бўлиб томаяпти.
Шарқираб жўшиб оққан
Дарёлар тўлкинида,
Дилрабо ғазалларнинг
Оҳангида-унида,
Гўдакларнинг кулгуси,
Дўст кўзин ёлкинида —
«Ассалом!» деб ёзилган
Менинг ёниқ шеърим бор.

Жаҳонга пайванд бўлган
Қуёш каби меҳрим бор.

Қаранг, еллар эсдими?
Дала-ю боғ кездими?
Бошоқларга, гулларга
Шеър битганим сездими?
Сезган бўлса, қадоқли
Қўлдан бўса олдимми?
Ё булбулга жўр бўлиб,
Бирга наво қилдимми?
Гул баргидан шеъримни
Ўқиб, куйга солдимми?

Уфқдан гулоб ичиб,
Тонг гаштин сурдингизми?
Ёр кўксиде яшнаган
Шеъримни кўрдингизми?...

Бу ишқинг

Оҳ, оҳ, не аланга соладир жона бу ишқинг,
Гур-гур ёнадир гулхани сўзона бу ишқинг.

Олисида кўролма, гўзалим, ларзада жисмим,
Вулқонми ё дил қаърида пинҳона бу ишқинг?

Ҳажринг дудида куйгана бўрон бўлаверма,
Ётқизди дилим чўғларин осмона бу ишқинг.

Дарёи пуроташсану гирдобига чулғаб —
Билмам, оборар қайси бир уммона бу ишқинг?

Сеҳрингми ё меҳрингми бу? Оҳ, лаҳча оловда
Ўхшайди юрак рангли гулистона бу ишқинг.

Дилбарми отинг ёки фусункори муҳаббат, —
Келтирса баҳор қишда дилистона бу ишқинг.

Лов-лов ёнаман. Айт, нечун ўлмайдди Ғуломинг,
Офтобни қуйиб қўйдими ё жона бу ишқинг?





Михаил Шолохов



1

Столда куйган ўқ-дори анқиб турган патрон гильзаси, қўй сўнгаги, дала харитаси, маълумот, от терининг иси уриб қолган нақшдор юган, бир бўлак нон. Буларнинг ҳаммаси столда, деворнинг захидан моғор босган, чопилган харракда эса елкасини дераза раҳига тираганча эскадрон командири Николай Кошевой ўтирибди. Уюшган, карахт бармоқлари қалам тутган. Столга ёзиб қўйилган аллақачонги плакатлар ёнида — чала тўлдирилган анкета. Дағал қоғозга қисқагина сўзлар ёзилган: Кошевой Николай. Эскадрон командири. Экинчи. РКСМ аъзоси.

«Ёши» деган катакка эран-қаран қилиб 18 да деб ёзилган.

Николка ёшига қараганда яғриндор кўринади. Атрофини ажин қоплаган кўзлари ва чолларга хос букчайган елкаси уни кексанамо кўрсатади.

— Ёш бола-я, болакай, кўк қўғанинг ўзи, — дейишади ҳазиллашиб эскадрондагилар, — аммо деярли талафот кўрмасдан иккита босмачи тўдасини тугата оладиган, эскадронни ярим йил мобайнида ҳар қандай кекса командирдан қолишмасдан жанглару олишувларга бошлаб бора оладиган бошқа бир одамни топиб кўр-чи!

Николка ўн саккиз ёшдалигидан ийманади. Ҳамиша «ёши» деган ёқимсиз катак қаршисига келганда қаламининг юриши секинлашиб, имиллаб қолади, Николканинг ёноқлари ўкинчдан қизғиш тортади. Николканинг отаси казак, отасига кўра у ҳам казак. Беш-олти ёшларида отаси уни ҳарбий отига миндирганини худди алоқ-чалоқ тушдай эслайди.

— Ёлидан ушла ўғлим! — деб қичқирарди отаси, онаси эса ошхона эшигидан Николкага жилмайиб турар, отнинг дўнг сиртига қапишган жажжи оёқларига ва юган тутган отасига тикилар эди.

Бу аллақачонлар бўлган. Николканинг отаси герман урушида, худди сув ютгандек, бедарак кетди. Николкага отасидан отга ишқибозлик, беҳад довяораклик, чап оёғининг тўпифидан юқорисида худди отасидагига ўхшаган каптар тухумидек хол мерос қолди. Ун беш ёшигача хизматкорликда саргардон кезди, кейин эса узун шинель сўраб олиб, станицадан ўтаётган қизил полк билан бирга Врангелга қарши курашгани жўнади. Шу бу йил ёзда Николка Донда ҳарбий комиссар билан бирга чўмилаётган эди. Комиссар Николканинг букчайган, қуёшдан қорайган елкасига қоқа-қоқа, контузияланган бошини қийшайтирганча дудуқланиб шундай деди:

— Сен ҳалиги... ҳалиги... Сен бахт... бахтли экансан! Ҳа, бахтли экансан! Хол — бахтнинг нишонаси эмиш.

Николка садаф тишларини кўрсатиб тиржайди-да, сувга шўнғиди. Сувдан туриб пишқирган кўйи:

— Бекор айтибсан, довдир! — деб қичқирди. — Ғўдакликдан етим, умр бўйи хизматкорликдан қаддимни ростламаган бўлсаму бу киши бахтлисан деб ўтирса! Шундай дедию Донни қучиб турган сарғиш қумлоқ томон сузиб кетди.

2

Николка истиқомат қилаётган уй Дон устидаги учирим ёқасида жойлашган. Деразаларидан ям-яшил, ёйиқ Дон бўйлари, қорамтир сув кўриниб туради. Бўрон эсган кечалари учирим тагида тўлқинлар шалоплайди, дарчалар энтиккандек ҳасрат чекади, Николканинг назарида сув пол тирқишларидан ўғринча сизиб кираётгандек, тўлиқиб, ўйни силкитаётгандек туюлади.

У бошқа квартирага кўчмоқчи эдию, ниятини амалга оширмай, кузгача шу ерда қоладиган бўлди. Аёзли тонгда мўрт сукунатни нағалбанд этигининг жаранги билан чил-чил синдирганча Николка бўсафага чиқиб келди. Олчазор боғчага тушди-да, шабнамдан гирёнзада, оқаринқираган ўланга ёстанди. Оғилдан уй бекасининг сигирни тек туришга ундаётгани, йўгон овозли бузоқнинг қистов билан мўнграётгани, тизиллаб тушаётган сутнинг пақир четига жаранглаб урилаётгани эшитилар эди.

Ҳовлида ён эшик ғижирлади, ит акиллади. Взвод командирининг:

— Командир уйдаими? — деган овози эшитилди.

Николка тирсақларига таянганча қаддини кўтарди.

— Мен буёқдаман! Хўш яна нима бўлди?

— Станицадан чопар келди. Айтишича, Сал округидан босқинчилар кириб келганмиш, Грушинский совхозини босганмиш.

— Бошлаб кел уни буёққа.

Чопар қора терга ботган отини отхонага етаклади. От ҳовлининг ўртасида олдинги оёқлари билан мункиб тушди, кейин ёнбошига қулади-да, ўқтин-ўқтин, калта-калта хириллаганича, нафаси тикилиб, дарғазаб вовуллаётган занжирбанд итга сўнаётган кўзлари билан тикилган кўйи ўлиб қолди. Чунки чопар олиб келган пакетда учта хоч белгиси бор эди, чопар уни қирқ чақирим йўлдан отга дам бермай олиб келганди.

Николка раиснинг ундан, эскадрон билан мадад бергани етиб кел, деб илтимос қилганини ўқигач, меҳмонхонага кириб қиличини тақаркан, тинкаси қуриб ўйлади: «Бирон ёққа ўқишга кетсам бўларди, буёқда эса банда... Ҳарбий комиссар изза қилади, биронта сўзни тўғри ёзолмайсан, ахир эскадрон командири бўлсанг, деб... Ахир черков мактабини тамомлаёлмаган бўлсам менда нима айб? Довдир одам... Унинг устига банда босганини айт... Яна қон тўкилади, бунақа турмуш тинка-мадоримни қурутди... Ҳаммаси меъдамга тегди...»

Йўл-йўлақай карабинини ўқлаганча бўсафага чиқди. Хаёли теп-текис, катта кўчада чопиб кетаётган отлардек учқур эди, шуларни ўйларди: «Шаҳарга кетсам бўларди... Ўқисам бўларди...»

Ўлиб қолган от ёнидан отхона томон ўтиб бораркан, унинг чанг босган бурун катакларидан сизиб чиқиб, қора тасмадек чўзилган қонни кўриб, юзини терс ўгирди.

3

Унқир-чўнқир ёзлик йўл бўйлаб, шамол ялаган арава излари бўйлаб ғажимдор, бўзранг барғизуб, қалин, хурпайган шўра ва тахож тарвақайлаб ётибди. Бу — бир вақтлар хирмонжойларга пичан ташиб борилган ўша ёзлик йўл, ғарамлар дашт бўйлаб қаҳрабо қатраларидек сочилиб ётибди, серқатнов йўл эса телеграф симёғочлари тагидаги дўнгликлар узра ёстанган. Симёғочлар сою жарлар оша кузнинг хира тортган оқиш бағри томон шитоб интилади, симёғочлар ёнидан ўтган ялтироқ йўл бўйлаб эса атаман эллик чоғли совет ҳокимиятидан норози Дон ва Кубан казакларидан иборат босқинчилар тўдасини бошлаб кетмоқда. Улар худди қўй сурувга дариган бўридек уч кеча-кундуздан буён йўл бўйлаб ёки йўлсиз қўриқ оша қочиб бормоқда, орқадан эса уларни қоралаганча Николка Кошевойнинг отряди келмоқда.

Бандадагилар кўпни кўрган, пихини ёрган ҳарбийлар тоифасидан бўлсалар-да, ҳар қалай атаман оғир ўйга ботади, узангига оёқ тираб турганча даштнинг кўзлари билан пайпаслайди, Доннинг нариги томонига чўзилиб кетган ўрмоннинг мовий ҳошиясигача неча чақиримлигини чамалайди.

Улар шу тариқа бўридек қочишади, Николка Кошевойнинг эскадрони эса уларнинг изидан қувади.

Ёзнинг очик-ёруғ кунлари, шаффоф осмон остидаги Дон даштларида қалин буғдой бошоқлари кумушдек жаранглаб тебранади. Урим олдида сархил-сара буғдой бошоғининг мурти ўн етти яшар йигитчанинг мўйловидек қора тортган, жавдар эса одам бўйи ўсган бўлади.

Серсоқол деҳқонлар дарахтзорлар яқинидаги қумлоқ тепалардаги қумоқ пайкалларга жавдар экадилар. У яхши битмайди, қадим-қадимдан бир десятина-

дан ўттиз чоракка етар-етмас ҳосил беради, жавдарни шунинг учун экишадики, ундан қиз боланинг кўзёшидан тиниқ самогон тортишади: негаки азрўйи азалдан шу таомил бор, бобою бобокалонлар ҳам ичиб келишган: Дон области казаклари қўшинининг туғросида ароқли бочка устида яланғоч ўтирган маст казак тасвири акс эттирилганлиги, чамаси, бежиз бўлмаса керак. Хуторлару станицалар куз кунлари қуюқ ва ўтқир хамр бўлиб гупиради, қизғиш тол четанлар узра тепаси қизил папоқлар мастона чайқалади.

Ана шунга кўра атаман ҳам бирон кун ҳушёр бўлмайди, шу сабабдан ҳам барча аравакашлару пулемётчилар рессорли тачанкаларда кайфдан қийшайишиб ўтирадилар.

Атаман қадрдон кўраларини етти йил мобайнида кўрмади. Герман асирлиги, кейин Врангель, қуёш тигидан эриб турган Истамбул, тикан симли лагерь, мумланган, шўр қанотли турк фелюгаси, Кубаннинг попилтириқли қамишзорлари ва ниҳоят — банда.

Агар елкаси оша орқасига ўгирилиб қараса — атамanning кечирган турмуши ана шу. Атамanning юраги жазирама ёз кунлари даштдаги чалчиқлар буйида ҳўкизларнинг айри тўёқларидан тушган излар қотганидек тош қотди. Тушуниб бўлмайдиган ғалати бир алам ичини кемиради, мушакларини ўқчиқдан тириштиради, атаман пайқаб турадики, уни унутолмайди, бу дардга ҳеч қандай самогон билан бас келолмайди. Шунинг учун ҳушёр тортмай қунига ичадики, Дон даштларидаги ташна бағри қуёш остида ағдарилиб ётган ғалла хушбўй ва тотли гулламоқда, қорамғиз юзли жалмеркалар хуторлару станицаларда шундай самогон тортмоқдаларки, шарқираб турган чашма сувидан ажратиб бўлмайди.

4

Тонготарда дастлабки аёз бошланди. Нилуфарнинг сербар япроқларига нуқра туқлар сочилди, кичкина тегирмон тошида эса эрталаб Лукич слюдага ўхшаган ранг-баранг, юпқа-юпқа муз парчаларини кўрди.

Эрталабданоқ Лукичнинг тоби қочиб қолди: белига санчиқ кирди, симиллаган оғриқдан оёқлари оғирлашиб, ердан узолмасди. Эти сўнгаларидан ажралиб кетаётгандек бемаъни гавдасини аранг кўтарганча тегирмон бўйлаб оёқларини сургаб босарди. Тариқ жувоздан бир гала сичқон лип этиб чиққанча уриб кетди; ёшланган нам кўзлари билан юқорига тикилди: шифт тагидаги кўндоқдан туриб каптар ишчанлик билан жадал бидир-бидирлаганча хониш қилмоқда эди. Бобо бамисоли кумоқ тупроқдан ясалгандек бурун катаклари билан моғор босган талх сув исини, жавдар уни ҳидини димоғига тортди, сувнинг хунук ютоққанча устунларни ялаб-юлқаётганини, ютаётганини тинглаб турди-да, пахмоқ соқолини ёжимлаб ўйга толди.

Бобо асалари кувалари турган жойда дам олиш учун ёстанди. Пўстинини устига қийғоч ташлаганча уйқуга кетди, оғзи нимочиқ, увизидан сизган илиқ, ёпишқоқ сўлаги, соқолига илашган. Оқшом қоронғиси бобонинг уйини бус-бутун чулғаб олди, тегирмон сутранг туман увадалари орасида қолди...

Уйғонганида ўрмондан икки отлиқ чиқиб келмоқда эди. Улардан бири асалари кувалари орасида юрган бобога қичқирди:

— Буёққа кел, бобо!

Лукич шубҳаланиб қараганча туриб қолди. У нотинч йиллар мобайнида ем билан унни сурамай-нетмай тортиб оладиган мана бундай қурама одамларни жуда кўп учратган, уларнинг ҳаммасини баб-баробар, ёппасига қаттиқ ёмон кўрар эди. — Тезроқ юрсанг-чи, галварс чол!

Лукич ўйиб ясалган кувалар орасидан ўтиб борди, туси кетган лабларини оҳиста қимирлатганча сассиз чапиллатди, меҳмонларга қийғоч қараганча берироқда туриб қолди.

— Биз — қизилларданмиз, бобожон... Сен биздан кўрқма, — деди хирқираб атаман беозоргина. — Биз бандани қувиб юрибмиз, ўзимизникилардан қолиб кетдик... Балки, кўргандирсан, кеча шу ердан отряд ўтган эди?

— Аллақандай одамлар ўтган эди.

— Улар қаёққа қараб кетишди, бобо?

— Ким билсин жин урганларни!

— Тегирмонингда улардан битта-яримтаси қолмаганмиди?

— Йўқ, — деди Лукич қисқагина ва орқасига ўгирилди.

— Шошма, қария. — Атаман эгардан сакраб тушди, мастлигидан маймоқ оёқларида туролмай қалкиб кетди, оғзидан самогон ҳиди бурқиганча шундай деди, — биз коммунистларни йўқотамиз, бобо... Ҳа, шундай... Бизнинг кимлигимизни сенга ҳеч бир дахли йўқ! — Қоқилиб кетиб, юганни қўлидан тушириб юборди. — Сенга дахлдор жойи шуки, етмиш отга ем тайёрлаб берасан, унингни чиқармайсан... Ҳозирнинг ўзида!.. Тушундингми? Ғалланг қаерда?

— Йўқ, — деди Лукич атрофига аланглаганча.



Аваз ШОАЛИМОВ чизган расм.

- Бу омборда нима бор?
- Бало-баттар лаш-луш... Ғалла йўқ!
- Қани, юр-чи!

Чолнинг ёқасидан тутди-да, қийшайиб ерга қапишиб ётган омбор томонга тиззаси билан судратганча олиб кетди. Эшикни ланг очди. Халталарда буғдой билан тахожли арпа бор эди.

- Бу ғалла бўлмайдими, қари аблаҳ?

— Ғалла, валинеъматим... Булар супуринди... Мен буларни бир йил мобайнида битталаб йиққан бўлсам-у... сен отларга едириб увол қилмоқчисан...

— Нима, бизнинг отларимиз очидан тиришиб ўлсинми? Хўш, бу нима қилганинг — қизилларнинг тарафини олаётибсанми, ўзингга ўлим тилаётибсанми?

— Раҳминг келсин, меҳрибонгинам? Сенга нима гуноҳ қилдим? — Лукич бошидан шапкани юлқиб олди-да, шартта тиз чўкиб, атамanning сержун қўлига ёпишганча ўпа бошлади...

- Айт: қизилларни ёқтирасанми?

— Кечир, жафокашгинам!... Беҳуда гапирган бўлсам, айбимдан ўт. Вой, кечир, қийнама мени, — деб ўкранди чол, атамanning оёқларини кучганча.

- Қизилларга тарафдормаслигингга қасам ич... Чўқинма, тупроқ ошала! Бобо кафтларидаги тупроққа ёш тўкканча, тиш-оғзида айлантириб кавшади.

- Хўш, энди ишондим. Урнингдан тур, қария!

Атаман оёқлари ивишиб қолган чолнинг туролмаётганини кўриб кулди. Етиб келган отлиқлар хомпалардан арпа билан буғдойни ташиб чиқиб, отларнинг оёқлари остига сепдилар, олтинранг донларни ҳовли юзига тўкиб-сочдилар.

5

Туман, намхуш қоронғилик қўйнидаги тонг.

Лукич соқчининг олдидан ўтиб, йўлдан эмас, ўрмондаги ўзигагина маълум бўлган сўқмоқдан пилдираганча жарлиқлар оша, тонг олдидаги тетик мудроқликда сергакланган ўрмон оша хутор томон жўнади.

Елтегирмонга етиб бориб, ғовли йўлдан тор кўчага бурилмоқчи эди, кўз ўнгида дафъатан отлиқларнинг ғира-шира шарпаси пайдо бўлди.

- Ким у келаётган? — деган ташвишли хитоб эшитилди жимжитлик қўйнида.

— Менман... — деди Лукич чайналиб, ўзи эса бус-бутун бўшашиб, аъзойи бадани дағ-дағ титрай бошлади.

- Кимсан ўзинг? Нима, пропусканг борми? Нима қилиб изғиб юрибсан?

— Тегирмончиман... Шу ердаги сув тегирмонда ишлайман. Хуторга зарур иш билан кетаётган эдим.

— Қанақа зарур иш экан у? Қани, командирнинг олдига юр-чи! Олдинга туш! — деб қичқирди биттаси оти билан бостириб келаркан.

Отнинг буғли лаблари бўйнига тегаётганини сезган Лукич оқсоқлаганча хутор томон йўл олди.

Майдондаги черепица ёпилган уй олдида тўхтадилар. Кузатувчи инқиллаганча эгардан тушди-да, қиличини шалолатган кўйи бўсафага кўтарилди.

— Орқамдан юр!..

Деразалардан чиरोқ ёруғи кўриниб турибди. Кириб боришди.

Лукич тамаки тутунидан аксириб юборди, шоша-пиша шапкасини олди-да, тўрдаги бурчакка қараб чўқинди.

— Мана бу чолни ушлаб келдик. Хуторга кетаётган экан.

Николка пару пат ёпишган пахмоқ бошини столдан кўтариб, уйқусираганча, аммо жиддий сўради:

— Қаёққа кетаётган эдинг?

Лукич олдинга бир қадам ташлаб, шодлигидан қалқиб кетди.

— Жонгинам, ўзимизники экансизлар, мен бўлсам, яна ўша ғаддорлар, деб ўйлабман... Утакам ёрилганидан сўрашга ҳам ботинолмабман... Мен тегирмончиман. Митроханинг ўрмонидан ўтаётганларингда меникига тушган эдинглар, мен сенга сут қуйиб берган эдим, кўзигинам... Ё эсингдан чиқдимми?

— Хўш, нима демоқчисан?

— Айтадиган гапим шуки, ўргилай: кеча қоронғи тушиши билан меникига ўша бандадагилар бостириб келишди, бор дон-дунимни отларига пок-покиза едириб юборишди!.. Мени хўрлашди... Каттаси: жонингдан умидинг бўлса, олдимизда қасам ич, деди, тупроқ ошалаттирди.

— Улар ҳозир қаерда?

— Уша ерда-да. Бир талай арақ олиб келишган экан, шимиришяпти иблислар. Менинг меҳмонхонамда, мен сиз шафқат паноҳимга хабар бергани югуриб келдим, ҳеч бўлмаса сиз уларнинг таъзини бериб кўярсиз.

— Айт, отни эгарлашин! — дея бобога жилмайганча харракдан сапчиб турди Николка ва ҳорғинлик билан шинелининг енгини тортди.

6

Тонг отиб боряпти.

Уйқусиз кечалардан заҳил тортган Николка пулемётли двуколка томон чопиб келди.

— Атакага киришимиз билан ўнг қанотига қараб шиғиллат. Биз уларнинг қанотини синдиришимиз керак!

Шундай деди-да, ёйилиб бораётган эскадрон томон от қўйди.

Йўлдаги бир тўп мажмағил дублардан ўтгач отлиқлар кўринди — улар тўртта-тўрттадан саф тортишган, оралиқларида тачанкалар кетмоқда эди.

— Елдиришлар! — деб қичқирди Николка ва орқасидан туёқларнинг дупури кучаяётганини сезиб, айғирига қамчи босди.

Даҳанада жонҳолатда пулемёт тариллади, бояги, йўлдагилар эса худди машк вақтларидагидек дарҳол ҳалқа бўлиб ёйилишди.

* * *

Айқаш-уйқаш ёғочлар орасидан тепаликка тўнғизтароқ ёпишган бўри югуриб чиқди. Бошини олдига чўзганча ғингишди. Яқин орада тарс-турс ўқлар отилмоқда, турли оҳангда увиллаган товушлар пайваст тебраниб янграмоқда эди.

«Тақ!» этиб қайрағочзорга келиб тушарди ўқ товуши, тепаликнинг нарёғидаги қаердадир, шудгордан нарида пайваст бидирлаган акс-садо эшитилади: «туқ!»

Яна ўқтин-ўқтин тақ-туқ-тақ! Тепалик орқасидан жавоб келарди: туқ-туқ-туқ!

Бўри турди-турди-да, эран-қаран, лапанглаганча жарликдаги сарғайиб қолган, ўриб олинмаган кўғазорга қараб йўналди..

— Бўшашма!... Тачанкаларни ташламанглар!... Чакалакка... Чакалакка, дейман, онангни эмгурлар! — деб қичқирарди атаман, узангига оёқ тираб турганча.

Тачанкалар атрофида эса ҳовлиқиб қолган аравакашлар билан пулемётчилар ён қайишларини кесмоқда, пулемётдан узлуксиз ўт очилаётганлиги туфайли узилиб кетган ҳалқадагилар тирақайлаб қочишга киришган эдилар.

Атаман отини бурди, унга томон қанот ёзгандек, қиличини ўйнатиб бир киши от чоптириб келмоқда эди. Кўкрагидан чайқалаётган дурбинидан, бурқасидан

атаман от чоптириб келаётган оддий қизил аскар эмаслигини пайқади-да, тизгинни тортди. Узоқдан ёш йигитнинг ғазабдан буришган мўйлабсиз юзини, шамолдан юмилаётган кўзларини кўрди. Атамanning тагидаги от орқа оёқларига чўккудек бўлиб ўйноқларди, ўзи эса камарига илиниб қолган маузерини юлқилаб тортаркан, шундай деб қичқирди:

— Итвачча гўдак!... Уйнатавер, ўйнатавер, ўйнатишни мендан кўрасан ҳали!..

Атаман яқинлашиб қолаётган қора буркага қараб ўқ узди. От саккиз саженча чопиб қелиб, қулаб тушди, буркасини ирғитиб ташлаган Николка эса ўқ уза-уза югурганча атаман томон тобора яқинлашиб келмоқда эди...

Чакалакнинг орқасида кимдир ваҳшиёна чинқириб юборди-да, овози ўчиб қолди. Қуёш юзини булут босди, даштга, йўлга, куз ва шамоллар дастидан яланғочланган ўрмонга сузиб борувчи соялар тўшалди.

«Нодон, гўдак, ҳовлиқма, шунинг учун ҳам бу ерда ажалга дучор бўлади», деб ўйларди атаман, шошқинлик билан, ниҳоят йигитнинг обоймасидаги ўқлари тамом бўлгач тизгинни бўшатди-да, калхат бўлиб отилди.

Эгардан оғганча қиличини силтади, зарбидан йигитнинг гавдаси шилқ этиб бўшаганини бир лаҳза ҳис этди, кейин жасад сирғилганча ерга аста қулаб тушди. Атаман сакраб тушиб марҳумнинг дурбинини юлқиб олди, унинг увишиб титраётган оёқларига қаради, атрофига аланглади-да, ўликнинг хром этигини ечиб олиш учун чўнкайиб ўтирди. Қирсиллаётган тиззасига оёғини тираганча этикнинг бир пойини чаққонлик билан дарров ечиб олди. Иккинчисининг ичида пайпоқ йиғилиб қолганми, ечилмасди. Ғазаби ошиб сўкинганча этикни пайпоғи билан қўша суғуриб олди-да, оёғининг тўпиқдан юқориоғидаги каптар тухумидек келадиган холга кўзи тушди. Йигитни уйғотиб юборишдан қўрқаётгандек унинг совиб келаётган бошини аста-секин юзини юқорига қилганча ўнглаб қўйди, қўли оғзидан лахта-лахта бўлиб чиқаётган қонга беланди, тикилиб қаради-да, шундан кейингина унинг ўхшовсизроқ елкаларини ноқулай қучганча, бўғиқ овоз билан шундай деди:

— Ўғлим!... Николушка!.. Жоним!.. Жигарбандим...

Унниқиб бораркан, қичқирди:

— Ақалли бир оғиз сўз айтсанг-чи! Нима бўлди ўзи-я?

Сўнаётган кўзларига тикилганча ўзини ерга ташлади; қон қуйилган қовоқларини очиб кўраркан, ихтиёрсиз, мажолсиз жасадини силкитарди... Николка эса бениҳоя зўр ва муҳим нарсаси ҳақида сўзлаб юборишдан қўрқаётгандек мўматалоқ тилининг учини ғарча тишлаб олган эди.

Атаман ўғлининг совуб бораётган қўлларини бағрига босиб ўпди-да, тер инган маузерининг пўлат милини тишлари билан тишлаб, оғзига ўқ узди...

* * *

Кечқурун чакалакнинг нарёғида отлиқлар кўриниб, шамол ғала-ғовур товушларни, отларнинг пишқиришлари ва узангиларнинг жанангларини олиб келаркан, атамanning бошидан ўлимтихўр калхат истар-истамас учиб кетди. Учиб кетди-да, кузнинг хира, бўзрайган осмонида ғойиб бўлди.

Ваҳоб РЎЗИМАТОВ

таржимаси.

Коммунистларнинг, барча лавозимдаги раҳбарларнинг, республика барча меҳнаткашларининг бурчи — ўн иккинчи беш йилликда туб бурилишни таъминлашдан, иш самараси ва сифатини оширишдан, ташкилий-иқтисодий ва социал резервларни ишга солишдан, тежамли хўжалик юритиш — ҳар бир партия ташкилотининг иши, ҳар бир меҳнат коллективининг иши бўлиб қолишига эришишдан иборат.

[Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди материалларидан].



Габриэль Гарсиа Маркес

Юз йил танҳоликда

Роман¹

Дафн тугагач, у республика президенти номига аччиқ-тирсик телеграмма ёзди ва уни шахсан ўзи юбормоқчи бўлиб, почта идорасига борди, лекин телеграфчи бундай номани юборишдан бош тортди. Шундан сўнг полковник Аурелиано Буэндиа телеграмма текстини ошқора сўкишлар билан кенгайтириб, хат орқали жўнатди. Унинг вужудини беҳад қаҳр қамради. Ҳатто падре Антонио Исабелни қотилларнинг шериги, деб эълон қилди. Бечора руҳоний гўё унинг ўғилларини ғанимлар адашмай топиб олишлари учун атайлаб ўчмас хоч билан тамғалаган экан. Бир оз ақлдан озиб қолган ва Муқаддас китобни бемаъни талқин қилиб, ўз хутбалари билан қавм юрагига ғулғула соладиган кекса руҳоний қўл билан чизилган хочларнинг ўчиб кетишини исботлаш учун, сув билан ювса осонгина кетадиган кул тўла финжонни кўтариб келди. Лекин оила аъзолари шу қадар кўрқиб қолишгандики, ҳатто художўй Фернанда ҳам унинг синовидан ўтишга розилик бермади.

Вақт ўтар, аммо полковник Аурелиано Буэндиа ўзи маҳрум бўлган осойишталикни қайта тиклай олмасди. У тилла балиқчалар тайёрлашни йиғиштириб қўйди. Овқатини ҳам зўрға ер, узун ёмғирпўшини полда судраганча, пинҳоний қаҳрини ичга ютиб, кечаси билан ухламай, худди ойпарастларга ўхшаб, унинг у бурчагидан бу бурчагига бориб келарди. Уч ой деганда, унинг сочлари буткул оқарди, мўйлабининг илгари тепага қайрилиб турадиган учлари қонсиз лаблари узра осилиб тушди, лекин кўзлари ҳамон ўша туғилган пайтида ҳаммани кўрқитиб юборгану биргина нигоҳи билан стулларни ўрnidан жилдира оладиган пайтларидегидек лаҳча чўғ бўлиб ёнарди. Азоб ўтида куйиб кул бўлаётган полковник Аурелиано Буэндиа ўша ўзини хавф-хатар сўқмоқлари орқали шўхрат саҳросига элтган қудрати — олдindан сеза билиш қобилиятини қайта тиклашга беҳуда уринарди. У ўзи туғилиб ўсган, эндиликда буткул бегона бўлиб қолган уйда адашиб, аста-секин таназзулга юз тутди. Уруш арафасидаги воқеаларнинг

¹ Охири. Аввали 1—2-сонларда.

изларини қидириб топиш ниятида, у бир кун Мелькиадеснинг хонасига кирди, аммо неча йиллардан буён хувиллаб ётган бу масканда ахлат ва турли эски-тускилар уюмини кўрди, холос. Анчадан бери биров кўз ташламаган китобларнинг муқоваларини, нам ютиб чириган қўлёмаларни мурдаранг пўпанак қоплаган, қачонлардир энг ёруғ хонанинг ҳавоси чириган хотиранинг қўланса ҳидига тўлиб-тошган эди. Бошқа куни эрталаб у каштан дарахти остида Урсулани учратиб қолди. Урсула бошини марҳум эрининг тиззаларига қўйиб йиғларди. Уйдагилардан фақатгина полковник Аурелиано Буэндиага ярим асрлик изтироб ва бўронлардан қадди букилган бу улўфвор чолни кўриш насиб этмаганди. «Отанг билан саломлаш», — деди Урсула. Полковник дарахт ёнида бир дақиқача турди-ю, бу мунгли жой ҳам кўнглида бирор туйғу уйғота олмаслигини пайқади.

— Қани, у бугун нималар деди? — деб сўради полковник Аурелиано Буэндиа.

— У ғусса чекаяпти, назарида, сен ҳадемай ўлар эмишсан.

— Унга шуни айтиб қўйки, — дея жилмайди полковник, — одам лозим пайтда эмас, балки ўлиши мумкин бўлганида ўлади.

Марҳум отасининг башорати полковник Аурелиано Буэндиа қалбидаги кул қоплаб ётган ғурур чўғини пуфлагандай бўлди. У айна лаҳзада, аввалги қудратим қайтди, деб хаёл қилди. Онасидан авлиё Юсуфнинг гипс ҳайкали ичидан чиққан олтин тангалар қаерга кўмиб қўйилганини суриштирди. «Буни билиш сенга ҳеч қачон насиб этмайди, — деди Урсула ўтган йилларнинг аччиқ сабоқлари туғдирган қатъийлик билан. — Эгаси топилган, ўзи кавлаб олади». Узининг камсуқумлиги билан ном чиқарган полковникнинг кун ўтказишга етарли шунчаки сармоя эмас, балки бутун бир ҳазина (унинг миқдорини эшитганда Аурелиано Иккинчи ҳайратдан қотиб қолди) ҳақида шу қадар очкўзлик билан орзу қилаётганини ҳеч ким тушунолмади. Полковник Аурелиано Буэндиа ўзининг собиқ партиядош ўртоқларига пул сўраб мурожаат қилганида, улар ўзларини олиб қоча бошлашди. Унинг «Консерватор ва либераллар ўртасидаги бирдан-бир фарқ шундаки, либераллар эрталабки ибодатга, консерваторлар эса кечки ибодатга боришади», деган сўзлари айна ўша вақтда айтилган эди. Аммо у шу қадар қатъийлик кўрсатдики, бор иззат-нафсини ҳам унутиб, нақ тиланчилик йўлига ўтди, эшикма-эшик кезиб, ахийри саккиз ой деганда Урсула беркитиб қўйган бойликдан ҳам кўпроқ пул тўплади. Шундан сўнг янги ялпи урушни бошлашга ёрдам сўраб, бемор полковник Херинельдо Маркеснига жўнади.

Бир вақтлар полковник Херинельдо Маркес шол бўлиб қолганига қарамай, ҳақиқатан ҳам кул босган қўзғолон ўтини аланга олдиришга қодир яккаю ягона одам эди. Муваққат Неерланд сўлҳидан сўнг, полковник Аурелиано Буэндиа ўзининг олтин балиқчаларидан таскин қидираётган маҳалда полковник Херинельдо Маркес энг охириги дақиқача ҳам хоинлик қилмаган қўзғолончи офицерлар билан алоқа қилиб турди. Полковник улар билан биргаликда кундалик камситишлар, илтижолар ва расмий хатлар, чеки йўқ «эртага келинг», «ишингиз шу ўртада ҳал бўлади», «биз ишингизни атрофлича ўрганяпмиз» қабилидаги гаплардан иборат оғир жангда қатнашди; ветеранларга умрбодлик нафақа ваъда қилишган, лекин ваъдаларининг устидан чиқишмаган «сизларни ҳурмат қилувчилар», «садоқатли қўлларингиз» билан бўлган бу жанг мағлубият билан тугади. Жамики муддатларни мудом ортга сурган бу ҳалокатли уруш ветеранларга йигирма йил давом этган қонли жангдан ҳам кўпроқ зарар етказди. Учта суи-қасддан қутулиб кетган, беш марта ярадор бўлиб ҳам соғ-омон қолган ва беҳисоб жангларда ҳеч қаери лат емаган полковник Херинельдо Маркеснинг ўзи узоқ кутди, ахийри кутиш исканжасига дош беролмади ва у энг сўнги мағлубияти бўлмиш қарилкни тан олди; тебранма курсида ўтирганча, қуёшнинг деразадан полга тушган тўртбурчак ёғдусига тикилиб, Амаранта ҳақида ўйлади. У ўз сафдошларини энг охириги бор газетада босилган суратларда кўрди — бир тўда ветеранлар полковник Херинельдо Маркес ҳатто номини ҳам билмайдиган республика президенти билан ўтиришар, собиқ жангчиларнинг юзида дарға-заблик аломати кўринарди; президент уларга ўзининг тасвири туширилган нишон тақдим қилиб, ўлганда тобутларга қўйиш учун чанг ва қон билан қопланган байроқлардан бирини қайтариб берган эди. Бошқа, энг муносиб ветеранлар эса жамоат хайр-эҳсонининг қоронғи гўшаларида туришиб, ҳанузгача нафақа ҳақида хабар кутишарди. Баъзилари очликдан ўлар, бошқалари — ичидаги қайноқ ғазабни тамадди қилаётганлари — яшашни давом эттирар ва шухратнинг сара ахлати ичида кексалиқдан аста-секин чириб борарди. Шу боис ҳам полковник Аурелиано Буэндианинг чет эл босқинчилари томонида қўллаб-қувватланаётган, шармандали, таг-тубингача чириб қолган тузумни ер юзидан буткул йўқотишга қаратилган ҳаёт-мамот уруши очиш ҳақидаги таклифини эшитган полковник Херинельдо Маркес таассуфини яширолмади.

— Эҳ, Аурелиано, — деб хўрсинди у, — мен сенинг қариганингни билардим, аммо ақлдан озганингни бугун тушуниб етдим.

Сўнги йилларнинг тўс-тўполони туфайли, Урсула Хосе Аркадиони папа тахтини эгаллаш учун тайёрлашга етарли вақт топа олмади. Уни семинарияга юбориш пайти жуда яқин қолган, энди ўша бой берилган соатларни чегириб олиш зарур эди. Хосе Аркадионинг синглиси Меме (унинг тарбиясини баджаҳл Фернанда билан маънос Амаранта ўзаро тақсимлаб олишган эди) мактаб ёшига етганда, эндиликда уни монашарь қошидаги мактабда клавиқорд созининг моҳир ижрочиси қилиб тайёрлашлари керак эди. Урсулани оғир шубҳалар қийнарди, унга папаликка номзоднинг ланж руҳини тоблаш усуллари таъсирчан эмасдек туюларди. Урсула эртадан кечгача фақат Хосе Аркадиога қараш билан шуғулланса-да, замон айнигани туфайли бирор ишиниям охиригача етказолмасди. Аммо аслида ҳамма гап, ҳатто ёши нечадалигини ҳам кўпдан бери билмайдиган Урсуланинг ҳанузгача кексаликни бўйнига олмаётганида эди; у ҳамма ерда тентираб юрар, ҳамма нарсага аралашаверар, авлиё Юсуфнинг гипс ҳайкалини ким ташлаб кетди, деган саволини такрорлайвериб, ажнабийларнинг жонига тегарди. Урсуланинг кўзлари қачон хира торта бошлаганини ҳеч ким аниқ айта олмади. Ҳатто умрининг охириги йиллари тушакдан тура олмайдиган даражага бориб қолганида ҳам, ҳамма Урсулани кексалик енгди, деб ўйлар аслида эса у батамом кўр бўлиб қолган эди. Урсула кўзи ожизлана бошлаётганини Хосе Аркадио туғилмасидан сал илгари сезган эди. Олдинга бу ҳолни лоҳасликка йўйди ва, тезда ўтиб кетади, деб ўйлаб, илик ёғидан шўрва ичди, кўзига асал томизди, аммо кун сайин баттар зулматга чўмаётганига ноилож ишонч ҳосил қилди; у электр ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлолмади, чунки Макондога илк электр чироқларини ўрнатишганда, Урсула уларни аллақандай бир ғира-шира шуъла сифатида идрок этадиган ҳолга етганди. У кўздан айрилгани ҳақида ҳеч кимга-оғиз очмасди. Ҳар бир нарсанинг қаерда эканини аниқ эсларди, ҳатто баъзида кўрлигини ўзи ҳам унутиб қўярди. Бир куни никоҳ узуги йўқолганида, Фернанда қаттиқ қичқириб, бутун уйни бошига кўтарди, Урсула эса узукни болалар ётоқхонасидаги тоқчадан топиб берди. Бунинг сабаби жўнгина эди: уйдагилар хоналарнинг у бошидан бу бошига бепарволарча бориб келишаркан, Урсула соғ қолган тўрттала сезги аъзоси билан уларнинг ҳар бир ҳаракатини кузатар эди. У тез орада оиласининг ҳар бир аъзоси ўзи билмаган ҳолда кунига фақатгина битта йўлни босиб ўтишини, ҳаракатлари бир хилдалигини ва доимо маълум бир вақтда бир хил сўзларни такрорлашини кашф этди. Демак, Буэндиалар фақат одатдаги кун тартиби бузилсагина бирор буюмни йўқотишлари мумкин эди. Шу боис ҳам Фернанданинг йиғи-сиғисини эшитган Урсула, унинг ягона ғайри одатий ҳаракати болалар хонасига кириб, уларнинг қаровтларидаги бўйраларни шамоллатиш эканини (чунки ўтган кечаси Меме қандала топиб олганди) эслади.

Хосе Аркадионинг тарбияси билан шуғулланиш Урсулага уйдаги энг кичик ўзгаришларни ҳам илғашда қўл келарди. Масалан, у Амарантанинг ётоқхонадаги авлиёларни кийинтираётганини билиб қолганида, ўзини гўёки болага рангларни ажратиш бўйича сабоқ бераётганга соларди.

— Қани, — дерди у Хосе Аркадиога, — энди менга айт-чи, авлиё Рафаилнинг кийими қайси рангда?

Шу тариха бола Урсулага кўз бўлар, етарли маълумотларни етказарди. У семинарияга кетишидан анча олдин Урсула газмолни пайпаслаб кўриб, авлиёлар кийимларининг рангини аниқлашни ўрганиб олди. Баъзида кўтилмаган воқеалар ҳам юз берарди. Бир куни у бегониялар ўсадиган галереяда кашта тикиб ўтирган Амарантага урилиб кетди.

— Худо ҳақи, — деди Амаранта жаҳли чиқиб, — кўзингга қарасанг бўлмай-дими!

Урсула ўзининг ҳақлигига тўла ишонарди ва ўйлаб кўриб, бирдан ҳали ҳеч кимнинг миясига келмаган нарсани кашф этди: фасллар ўтиши билан қуёш ўз ҳолатини сездирмай ўзгартирар ва натижада галереяда ўтирганлар ҳам ўзлари сезмаган ҳолда ўринларидан силжиб, жойларини ўзгартирар экан. Урсула Амарантанинг қаерда ўтирганини беҳато аниқлаш учун бугун қайси кун эканини эсласа кифоя эди. Урсула худди илгаригидай, яъни уйнинг бутун ташвиши гарданида пайтидаги каби абжир эди. Гарчанд у ўзининг қарилиги туфайли ёруғ оламдан ажралиб, танҳо бўлиб қолган эса-да, хонадонларидаги энг кичик воқеа-ҳодисаларни ҳам фавқуллодда тийраклик билан билиш қобилиятига эга бўлдики, илгари иш билан машғуллиги туфайли сезмаган нарсаларини илк бор равшан кўра бошлади.

Худди шу кунлари Урсула Ребеканинг номини тез-тез тилга оладиган бўлиб қолганди. У Ребеканинг қачонлардир сеvimли бўлган сиймосини хотирасида гавдалантиришга уринар, кечиккан пушаймон ва дафъатан пайдо бўлган фахр туфайли бу севги янада кучар, унинг сўтини эммаган, балки кесак еб катта бўлган,

томирида Буэндиаларнинг эмас, балки суяклари мозорда ҳанузгача шақирлаб ётган номаълум одамларнинг номаълум қони оқадиган Ребекагина, юраги бетоқат нафсини тия олмаган Ребекагина, Урсула ўз наслида кўрмоқни орзу қилган кучли жасоратли мужассам этган яккаю ягона одам эди.

— Ребека, — деб ғўлдирарди у, деворларни бармоқлари билан пай-пасларкан, — биз сенга нисбатан ниҳоятда адолатсиз бўлган эканмиз!

Ҳамма, Урсула алаҳлаяпти, деб ўйларди. Айниқса, у худди Жаброилга ўхшаб ўнг қўлини олдинга чўзиб юрадиган бўлганидан сўнг бу фикр кучайди. Лекин Фернанда бу алаҳлаш зулмати баъзида ақл қуёши билан ёритилишини пайқади, ахир, Урсула ўтган йили уйларида жами неча сўм харажат қилинганини тугтилмасдан айтиб берарди-да. Бир куни ошхонада шўрва тайёрлаётганида, онаси ҳеч ким йўқ деб ўйлаб, ўзига-ўзи, Макондога илк бор келиб, кейин Хосе Аркадио ер ўзини олтимиш беш марта айланиб чиққанига қадар ғойиб бўлган илк лўлилардан сотиб олинган ҳовонча Пилар Тернерада қолиб кетди, деб айтганида, Амаранта ҳам Урсуланинг ақли расо эканини англади. Қарийб юзга етиб қолган, кулиши илгари каптарларни чўчитгани каби, ҳозир болаларни ҳайбати билан кўрқитадиган, семизлигига қарамай, ҳамон бақувват ва тетик Пилар Тернера Урсуланинг сўзларидан асло ажабланмади: у кексаларнинг зийралиги кўпинча қартада очилган фолга нисбатан чинроқ эканига инона бошлаган эди.

Лекин шунга қарамай, Хосе Аркадио истеъдодини шакллантириш учун етарли вақт топа олмаётганини сезган Урсула тушқунликка юз тутди. Бир куни эрталаб гул суви деб хаёл қилиб, боланинг бошига сиёҳ куйиб юборди. Ҳамма нарсага ўжарлик билан аралашвериши туфайли, у хато устига хато қилар, ўзини тобора кўпроқ қуршаётган зулмат пардасини йиртишга беҳуда уринарди.

Урсуланинг назарида, бу телба уй гўёки фақат фосиқлик маконига айланиб қолиши учунгина қурилган эди. Урсула хотираларга фарқ бўлиб, бундан кўра лаҳадга ётқизиб, устимдан тупроқ тортишса яхши бўлармиди, дея ўзидан сўрар, одамлар ҳақиқатан ҳам темирдан яралганми, шунча азобу уқубатларни кўтаришсади. дея тап тортмай худодан сўрар, аммо худони ва ўз-ўзини қанча кўп сўроқ қилса, фикрлари шунча кўп чигаллашар, унда худди ажнабийлар каби тасодифан эсга келган гапни айтавериш истаги туғилар, ниҳоят, доимо ўзгаларни уйлаб яшагани учун шунча пайтлардан бери пайсалга солиб келган орзуси уйғонар — у ақалли бир сония бўлса-да исён кўтаришни истарди; у ҳамма нарсага ақалли бир мартагина ҳафсала билан, бошлаб тупуришни, қарийб бир асрлик итоатгўйлиги мобайнида ўзини эзиб ташлаган оламжаҳон бемаъни сўзлар уюмини юрагидан итқитиб ташлашни жуда-жуда хоҳларди.

— Газанда! — деб қичқирди бир гал Урсула.

Кийимларни сандиққа жойлаётган Амаранта, онамни чаён чақди шекилли, деб ўйлади.

— Қани? — дея қўрқа-писа сўради у.

— Нима?

— Чаён, — деди Амаранта.

Урсула бармоғи билан юрагини кўрсатди.

— Манави ерда, — деди у.

Пайшанба куни кундуз соат иккида Хосе Аркадио семинарияга йўл олди. Урсула унинг хайрлашув пайтидаги ҳолатини доимо эслаб юради: Хосе Аркадио озгин, қарашлари жиддий эди. У худди Урсула тайинлаганидек, бир тўмчи ҳам ёш тўкмади. Хосе Аркадио емакхонадан чиқиб кетганида, у ерда гул сувининг ўткир ҳиди анқиб турарди. Урсула болани уйдан осонроқ топиш учун унинг бошини доимо хушбўй сув билан юварди. Хайрлашув дастурхони атрофида тўпланган оила аъзолари ҳаяжонларини шўх-шодон лақиллашлар билан беркитишга уринишар, падре Антонио Исабелнинг ҳазилларини ўраки иштиёқ билан тинглашарди. Бурчаклари кумуш билан безатилган сандиқни олиб чиқишаётганида, гўё уйдан тобут олиб чиқилаётгандек туюлди. Полковник Аурелиано Буэндиа кузатиш маросимига иштирок этишдан бош тортди.

— Бизга шу етмай турувди, — тўнғиллади у. — Авлиё папа эмиш!

Уч ойдан сўнг Аурелиано Иккинчи ва Фернанда қизлари Мемени монастырь қошидаги мактабга олиб боришди ва у ердан пианола ўрнини олган клавиқорд билан қайтиб келишди. Худди шу пайтда Амаранта ўзига қафан тўқий бошлаганди. Банан можароси деярли босилиб қолган эди. Макондонинг туб аҳолиси ўзларининг ажнабийлар томонидан четга сиқиб чиқарилганини пайқашди, аммо аввалги арзимас даромадларини бир илож қилиб сақлаб қолиб, эндиликда бамисоли кема ҳалокатидан омон қолган кишилардек қувонишарди. Буэндиа хонадонига тўда-тўда меҳмон чақирш ҳалигача давом этарди. Бир неча йил ўтиб, банан компанияси тугатилгач, оиланинг бурунги осуда ҳаёти қайта тикланди. Лекин аънавий меҳмондорчилик тубдан ўзгариб кетди, чунки ҳокимият энди Фернанданинг қўлига ўтган эди. Урсула кўр эди, мудом зулматда яшарди,

Амаранта эса кафан тўқишдан бош кўтармас, шу боис қироличаликка собик номзод бўлмиш хотиннинг дидига мос меҳмон танлаши учун ҳамма имконият бор эди. Фернанда банан компаниясига алоқаси бўлмаган кишинигина номусли одам деб ҳисобларди. Ҳатто қайниси Хосе Аркадио Иккинчи ҳам айна камситиш қурбонига айланди, чунки у банан можароси энди бошланган кунлардаёқ ўзининг ажойиб урушқоқ хўрозларини яна сотиб, банан компаниясига назоратчи бўлиб ишга кирган эди.

— Унга беҳосият келгиндиларнинг касофати урган, қорасиниям кўрмай бу ерда, — деди Фернанда.

Уйдаги ҳаёт шу қадар расмий тус олдики, Аурелиано Иккинчи ўзини Петра Котеснинг уйда ўнғайроқ сеза бошлади. У аввалига хотинини меҳмон кутиш ташвишларидан халос этажagini баҳона қилиб, ўзининг дабдабали зиёфатларини жазманининг уйига кўчирди. Сўнг моллари серпуштлигини йўқотиб қўйишини рўқач қилиб, молхона билан отхонани ҳам ўша ерга кўчирди. Ниҳоят, ўша жой сўқирок, деган ваз билан кичик идорасини ҳам уникага олиб ўтди. Фернанда ўзининг тирик бевага айланганини сезиб қолганда анча кеч эди. Аурелиано Иккинчи ўз уйида деярли овқатланмас, фақат тунагани келарди. Бу унинг одоб қоидаларига бирдан-бир ҳурмати эди, зотан, бунга ҳамма ишонарди. Аммо у бир сафар хатога йўл қўйди: тонгини Петра Котеснинг тўшагида кутиб олди. Лекин ҳеч қутилганида хотинидан таъна эшитмади. Фернанда ақалли енгилгина хўрсиниб ҳам қўймади, аммо ўша куниёқ Петра Котеснинг уйига эрининг икки сандиқ кийим-кечагини юбортирди. Куппа-кундуз куни юбортирди ва сандиқларни бутун шаҳар аҳли кўриши учун кўча ўртасидан кўтариб ўтишларини буюрди. У ўзича, адашган эрим шармандаликка чидай олмайди, бошини эгиб қайтиб келади, деб ўйлаган эди. Аммо Фернанда ўйлагандек бўлмади. Сандиқларни кўрган ҳар бир одам, ички сирлари ҳаммага маълум ишқий саргузаштга ниҳоят яқун ясалди, деб ҳисобларди. Аурелиано Иккинчи бўлса, ўзига ҳаё этилган озодликни уч кунлик базм билан нишонлади. Бечора Фернанда ўзининг қора ва узун либоси, аллақачон урфдан чиққан тақинчоқлари ва ўринсиз мағрурлиги туфайли эрта қариб қолгандек туюлар, асл шоҳидан ёрқин кўйлак кийиб олган Петра Котес эса, поймол қилинган ҳуқуқи қайта тикланаётганидан кўзлари порлар, гўёки ёшлигининг иккинчи баҳори қулф ураётгандек туюлар эди. Аурелиано Иккинчи худди илгаригидек кучли бир ёшлик ҳарорати билан ўзини яна жазмани измига топширди. Қайта туғилган эхтирос қониқтириб бўлмайдиган даражада эди: шундай пайтлар бўлардики, улар овқатга қўл уришдан олдин, кўз кўзга тушиб қолса бас, қозончанинг қопқоғини ёпишарди-да, очлик ва ишратдан ўлиш учун ётоқхонага йўл олишарди. Француз гетералари ёнига қилган махфий сайрларида ортирган тажрибасидан илҳомланган Аурелиано Иккинчи, Петра Котесга худди архиепископникига ўхшаш чодирли каравот олиб берди, деразаларга баҳмал пардалар остирди, ётоқхона шифти ва деворларини улкан кўзгулар билан қоплатди. У энди аввалгидан ҳам қувноқроқ, довдирроқ эди. Ҳар куни кундуз соат ўн, бирда поезд-да унинг номига шампан виноси ва бренди шишалари тўла қутилар келарди. Аурелиано Иккинчи юкни станциядан олиб қайтаркан, таниш ёки нотанишлигидан қатъий назар, дуч келган одамни уйга етакларди. У ҳатто испанчани мулақо билмайдиган жаноб Браунни ҳам имо-ишоролар билан йўлдан урди. Қув инглиз Петра Котеснинг уйида бир неча бор ўлгудай ичди, ҳатто бир куни қопонғич овчар-каларини ўзи аккордеон жўрлигида тутила-тутила айтган техас қўшиқларига рақс тушишга мажбур қилди.

— Туғинглар, сигирларим! — деб қичқирарди Аурелиано Иккинчи кайфи ошган чоғларда. — Ҳаёт ўлчаб берилган, туғаверинглар!

У ҳеч қачон айна пайтлардагидек тўлишмаган, ҳеч қачон айна пайтдагидек қаттиқ севилмаган, унинг сигирлари ҳеч қачон айна пайтдагидек шиддат билан кўпаймаган эди. Базмлар учун шунчалар кўп бузоқ, чўчка ва товуқ сўйилардики, ҳовли саҳни қондан қорайиб, елимшак бўлиб қолганди. Аурелиано Иккинчи семириб кетди, қизил-бинафша рангга кирган юзи тўлишди, гавдаси нақ тошбақага ўхшаб қолди. Аурелиано Иккинчининг ақл бовар қилмайдиган хўралиги, аёвсиз пул совориши ва чексиз ҳотамтойлиги овозаси водийдан ташқарига ҳам тарқалди ва энг донғи чиққан мечкайларнинг ҳам диққатини тортиди. Петра Котеснинг уйида кўп овқат ейиш бўйича уюштирилайдиган аҳмоқона мусобақаларда қатнашиш учун, Макондога чор тарафдан доврўғи кетган очофатлар келишарди. Фил лақаби билан мамлакатга донғи кетган Камила Сагаустуме исмли аёл келган ўша машъум шанбага қадар, мечкайлик баҳсида ҳаммиша Аурелиано Иккинчи ғолиб чиқарди. Улар орасидаги мусобақа шанбадан то сешанба куни эрталабгача давом этди. Биринчи куни маниока ва қовурилган банандан тайёрланган гарнир билан бузоқ гўштини еб, бир ярим қути шампан виносини ичган Аурелиано Иккинчи ўз ғалабасига аниқ ишонган эди. Аммо Камиланинг овқат ейиш усули анча мукамал эди, худди шунинг учун ҳам, у дастлаб одамларда унчалик катта қизиқиш

уйғотмади. Аурелиано Иккинчи гўшларни жон-жаҳди билан тортқилаб еса, Фил уларни худди уста жарроҳ каби бўлақларга бўлар ва шошилмай, ҳатто лаззат билан ерди. У йирик ва семиз бўлса-да, баҳайбатлиги деярли сезилмасди; Филнинг юзи шу қадар чиройли, қўллари шу қадар нозик, истараси шунчалар иссиқ эдики, у илк бор уйга кириб келганида, Аурелиано Иккинчи бу аёл билан овқат ейишда эмас, балки тўшақда беллашишни афзал кўришини пичирлаб айтди. Аммо Филнинг бутун-бутун бузоқнинг сонини ейишини, еганда ҳам энг нозик, юқори табақага хос одоб қоидаларини бузмаганини кўрган Аурелиано Иккинчи, бу сипо, дилбар ва еб тўймас хартумни «том маънодаги идеал аёл», деб атади. У адашмаган эди. Фил — мечкай бургут, деган миш-мишлар ҳеч бир асоссиз эди. Одамлар таъкидлашганидек, у гўшт қиймалагич ҳам, грек циркида хизмат қилувчи соқолли аёл ҳам эмасди, балки жўнгина ашула мактабининг директори эди. Кўп овқат ейишни болаларнинг иштаҳасини сунъий равишда эмас, балки тамомила руҳий сокинлик ёрдамида кучайтириш усулларини излаётган пайтида ўрганиб олганди. Унинг амалда синаб кўрилган назарияси, агар одамнинг виждони пок бўлса, у то чарчагунича, бетанаффус овқат ейишга қодир, деган нақлга асосланган эди. Шундай қилиб, у ўз мактаби ва оиласини шуҳратпарастлиги туфайли эмас, балки ахлоқий сабабларга кўра — бутун мамлакатда маслаксиз мечкай деб ном қозонган Аурелиано Иккинчи билан яккама-якка беллашиш ниятида тарк этганди. Фил Аурелиано Иккинчинини кўрган заҳотиёқ, бу йигитни ошқозони эмас, балки феъл-атвори шарманда қилишини дарҳол тушунди. Дарҳақиқат, беллашувнинг биринчи кечиде Фил ўз жанговарлигини заррача ҳам йўқотмади. Аурелиано Иккинчи бўлса, кўп кулгани ҳамда бетиним валақлагани сабабли, ҳолдан тойди. Улар тўрт соат ухлашди. Сўнгра ҳар бири элликта апельсиндан тайёрланган шарбат, саккиз литр қаҳва ва ўттизтадан хом тухум ичишди. Иккинчи куни эрталаб, салгина дам олиб, икки чўчка, бир шингил банан ва тўрт қути шампан виносини тинчитган Фил, Аурелиано Иккинчи менинг усулимни ўзи билмаган ҳолда кашф этди, деб гумон қила бошлади. Шундай қилиб, рақиби у ўйлаганидан кўра хавфлироқ туюлди. Петра Котес қовурилган иккита курка гўштини олиб келиб столга қўйганида, Аурелиано Иккинчи миясига қон қуйилиши арафасида эди.

— Кўтаролмасангиз, майли, бошқа еманг, — деди унга Фил. — Майли, кураш дуранг бўла қолсин.

У чин кўнгилдан гапирди, чунки рақиби ўлай деб турганини кўрган одамнинг томоғидан луқма ўтмайди-да. Аурелиано Иккинчи, аёл атай жиғимга тегаяпти, деб ўйлади ва курка гўштини ҳам паққос тушириб, ўша захоти ҳушидан кетди. У кемириб тозаланган суяклар ётган лаганга юзтубан ағдарилиб тушди, худди қутурган ит каби оғзидан кўпик келабошлади ва жон бераётгандай хириллади, гўё қандайдир баланд минорадан тубсиз жарга тушиб кетаётгандай эди. Бир лаҳза ҳушига келганида, ўзини жар тубида ўлим кутаётганини сезди.

— Мени Фернанданинг ёнига элтинглар, — дейишга улгурди у.

Аурелиано Иккинчинини уйига олиб келишган дўстлари, у жазман тўшагида ўлмайман деган ваъдасини бажараяпти, деб ўйладилар. Петра Котес эри тобутда кийиб ётмоқни истаган локли туфлини тозалаб бўлиб, элтадиган одам қидираётган пайтда, Аурелиано Иккинчи хавфдан халос бўлди, дея хабар беришди. Чиндан ҳам, у бир ҳафта ичида соғайиб кетди, яна икки ҳафтадан сўнг эса ўзининг қайта тирилиши муносабати билан мисли кўрилмаган базм уюштирди. У Петра Котеснинг уйида яшашни давом эттирди, Аммо ҳар куни Фернандани йўқлаб борар ва баъзан оиласи билан бирга овқатлангани қоларди, гўёки тақдир ҳамма нарсанинг ўрнини алмаштириб, уни жазманига эр, хотинига эса жазман қилиб қўйган эди.

Ниҳоят, Фернанда бир оз бўлса-да нафас ростлади. Бу кимсасиз аёлнинг бетус ва зерикарли ёлғизлик кунларини туш пайти клавиқордда куй чалишу болаларидан келган мактубларгина безарди, холос. Унинг ўзи Хосе Аркадио билан Мемега ҳар ойда икки марта узундан-узоқ ва бошдан-оёқ уйдирма хатлар йўлларди. Фернанда болалардан бахтиқаролигини яширарди. У учала тирик арвоҳ билан бир мурда — одатда меҳмонхонанинг қоронғи бурчагига ўтириб олиб Фернанданинг клавиқордда куй чалишини диққат билан тинглайдиган Хосе Аркадио Буэндианинг арвоҳи ўртасида ёлғиз ўзи зўрға судралиб юрарди. Полковник Аурелиано Буэндианинг соясигина қолган эди, холос. У охириги бор уйдан полковник Херинельдо Маркесни янги уруш очишга кўндириш учун чиққанди, энди эса устахонасини фақат каштан дарахти ёнига ҳожат учун чиққандагина тарк этарди. У ҳар уч кунда келиб турадиган сартарошдан бўлак ҳеч кимни қабул қилмасди. Урсула кунига бир марта қелтирадиган овқатга қаноат ҳосил қилар, гарчанд аввалгидек тиришқоқлик билан олтин балиқчалар тайёрласа-да, уларни зеб-зийнат учун эмас, балки тарихий ёдгорлик сифатида харид қилишаётганини эшитиб, балиқчаларини савдога чиқармай қўйди. У бир куни марҳума хотини Ремедиосдан қолган, ётоқхонасини безаб турган қўғирчоқларни ҳовлига чиқариб ёқди. Зийрак

Урсула ўғлининг нима қилаётганини сезди, аммо бу ишдан қайтара олмади.

— Юрагинг тош экан, — деди Урсула ўғлига.

— Бунга юракнинг нима алоқаси бор, — дея жавоб қайтарди полковник. — Хона куяга тўлиб кетди-ку.

Амаранта ҳамон кафан тўқирди. Фернанда Амарантанинг гоҳо Мемега хат ёзишига, ҳаттоки совғалар ҳам юбориб туришига, Хосе Аркадио ҳақида эса гапиришни ҳам хушламаслигига ҳайрон қоларди. Фернанда Урсула орқали изоҳ сўраганида, Амаранта: «Улар бунинг сабабини билмай ўлиб кетишади», дея жавоб берди; у Амарантанинг айти жумбоқли жавобини умрининг охиригача юрагида сақлади. Новча, хушқад, худди кўпикдек оппоқ юбка кийиб юрадиган, йиллару оғир хотиралар ҳам гўзаллигига путур етказолмаган мағрур Амаранта пешонасида кулдан чизилган ўз шахсий хочини, яъники ифбат хочини кўтариб юргандай эди. У қора билакбандини ҳатто кечалари ҳам ечмас, кир бўлганида эса ўзи ювиб, ўзи дазмоллар эди. Амарантанинг бутун умри кафан тўқиш билан ўтарди. Афтидан, Амаранта кундузи тўқиган бўлагини кечқурун тарқатиб юборарди, лекин у танҳоликдан қутулиш учун эмас, балки, аксинча, танҳолигини сақлаб қолиш учун шундай қиларди.

Аурелиано Иккинчи айри яшаган пайтлари Фернанда, Меме таътилга қайтиб, отасини уйда кўролмасга нима бўлади, деб ташвишланарди. Эри овқатдан бўкдию аёлнинг кўнгли сал тинчланди. Меме келгунига қадар эру хотин қизларига уйдаги кўнгилсиз аҳволни сездирмасликка келишиб олишди. Аурелиано Иккинчи ҳар йили сурункасига икки ой ибратли эр вазифасини ўтар, меҳмон айтиб, уларни музқаймоқ ва печенье билан сийлар эди; роҳибаларнинг хушчақчақ ва чаққон толибаси бўлмиш Меме йиғинларни клавиаторда чаладиган кўйлари билан безарди. Қиз онасига тортмагани ўшандаёқ маълум бўлган эди. Меме Амарантанинг ҳали Пьетро Креспи ишқи йўлдан урмаган ўн икки-ўн тўрт яшарлик пайтига ўхшаб кетарди. Аммо Амарантадан ва бошқа ҳаммадан фарқли ўлароқ, Меменинг кўнглида бутун Буэндиалар оила аъзоларининг чекига тушган ёлғизлик ҳисси ҳали уйғонмаган эди. Ҳатто ўзини клавиаторда куй машқ қилгани ҳар куни соат иккида мунтазам меҳмонхонага юборишса-да, қизча дунёдан мамнун эди. Уйларини яхши кўриши, уни кутиб оладиган ёшларнинг шод-хуррамлигини бутун йил давомида орзу қилиши ва унинг ҳам отасига ўхшаб ўйин-кулги ва меҳмондўстликка мойил эканлиги аён эди. Бу бадбахт мероснинг илк аломатлари учинчи таътил пайтида, Меме уйга тўрт нафар роҳиба ҳамда олтмиш саккиз нафар синфдош дугонаси қуршовида келганида аниқ намоён бўлди. У ҳеч кимдан сўрамай ва ҳатто ҳеч кимни огоҳлантирмай, меҳмонларни роса бир ҳафтага таклиф этган эди.

— Бу қандай кўрғилик! — дея зорланарди Фернанда. — Қизим худди отасидай телба бўлиб чиқди-я!

Кўшнилardan қаравот ва гамаклар сўраб олишга тўғри келди, овқатланиш тўққиз навбатда ташкил қилинди. Ҳаммомдан фойдаланиш учун рўйхат туздилар. Эгнига кўк кўйлак, оёғига эркакларнинг бошмоғини кийиб олган бу қизлар кун бўйи беҳуда сандироклаб юрмасликлари учун қирқта табуретка қарз олинди. Ишлар ёмон эди: шовқин-суронли нонушта тугар-туғамас биринчи навбатдаги бир тўда қизга тушлик овқат бериш вақти келар, кейин эса, ҳаш-паш дегунча кечки овқат пайти ҳам етарди; бир ҳафта давомида мактаб толибалари плантацияга бир мартагина бориб келишга улгуришди, холос. Бир куни улар тимискиланиб юрган Урсулани йиқитиб юборишларига бир баҳя қолди. Бошқа сафар эса роҳибалар, полковник Аурелиано Буэндиа мактаб толибаларининг олдида уялмай-нетмай пешоб қилганини кўриб, қий-чув кўтаришди. Амарантанинг айби билан катта тўполон чиқишига сал қолди: у шўрвага туз солаётганида ошхонага кириб қолган роҳиба довдираб, қозонга солаётган оқ толқонингиз нима, деб сўради.

— Маргимуш, — деб жавоб берди Амаранта.

Мактаб талабалари биринчи кечаси ётар маҳали ҳожатхонага навбат кутиб, роса қийналишди; энг сўнгги қизлар у жойга кириб чиққанида соат тунги бир эди. Шунда Фернанда етмиш иккита тувак сотиб олди, аммо бу билан тунги муаммо тонгга кўчди, холос. Энди ҳожатхона олдида эрта тонгданоқ қўлларига тувак тутган қизлар турнақатор тизилишарди. Гарчанд мактаб толибаларидан айримлари шамоллаб қолган, бошқаларининг эса терилари чивин чаққанидан шишиб, мадда бойлаб кетган бўлса-да, уларнинг аксарияти энг оғир синовларга ҳам сабот билан дош беришар ва ҳатто энг иссиқ дамларда ҳам боғ оралаб югуришарди. Ниҳоят, меҳмонлар кетишгач, ҳамма гуллар пайҳон қилинган, мебель синдирилган, деворлар турли расм ва ёзувлар билан қопланган эди. Аммо Фернанда уларнинг кетганидан шу қадар шод эдики, меҳмонлар келтирган барча зарарнинг бахридан ўтди. Қаравот ва табуреткаларни эгаларига қайтарди, етмиш икки тувакнинг барини Мелькиадеснинг хонасига тахлаб қўйди. Қачонлардир хонадоннинг маънавий ҳаёти жўш урган ташландиқ хона шу пайдан бошлаб «тувакхона» деган ном олди. Полковник Аурелиано Буэндиага хонанинг бундай номланиши маъқул

тушди, чунки бутун оила аъзоларини Мелькиадеснинг хонаси ҳеч вақт чанг бўлмаслиги, ундаги ҳеч нарса бузилмаслиги лол қолдирган бир пайтда, лўлининг хонаси полковникка ахлатхона бўлиб туюларди. Аммо, нима бўлган тақдирда ҳам, у ҳақиқат ким томонида эканига мутлақо қизиқмас, хона ҳақида ҳам Фернанда кун бўйи тувак ташийвериб, ишга халақит бергани учун хабар топган эди.

Бу маҳал Хосе Аркадио Иккинчи яна уйга қайтиб келди. У ҳеч ким билан сўрашмай, коридорнинг нариги бошига бориб, полковник билан гаплашгани устахонага кириб кетди. Урсула энди уни кўра олмасди, аммо унинг бананзор назоратчисига бериладиган оғир этиклари товушини ўргана бошлади. Хосе Аркадио Иккинчи новча, ориқ ва гердайган бўлиб, худди сарацинларникига¹ ўхшаш қорача, ўйчан ва маънос юзида мавҳум бир шуъла акс этарди. Буэндиалардан фарқли ўлароқ, кўпроқ онаси Санта София де ла Пьедадга ўхшаб кетарди. Урсула баъзида унинг исмини унутиб қўярди. Хосе Аркадио Иккинчининг қайтиб келгани ва полковник ишидан қолиб, уни устахонасида қабул қилаётганидан хабар топган Урсула, эски хотираларини бир-бир хаёлдан ўтказиб, Хосе Аркадио Иккинчи болалигида ўз эгизак укаси билан алмашиб қолган, укаси эмас, у Аурелиано деб номланиши лозим эди, деган шубҳасининг ростлигига ишонч ҳосил қилди. Унинг қандай турмуш кечираётганини ҳеч ким билмасди. Бир маҳал Хосе Аркадио Иккинчида муқим бир бошпана йўқлиги, унинг Пилар Тернеранинг уйида урушқоқ хўрозлар етиштириши ва онда-сонда ўша жойда тунаши, бошқа пайтлар эса француз гетералари ёнидан жилмаслиги маълум эди. Унинг ҳеч кимга меҳри йўқ эди, ҳатто ўз қадри учун ҳам қайғурмасди.

Гапнинг очиги, полковник Херинельдо Маркес уни ўлимга маҳкум этилган кишини отишларини эмас, балки отилаётган маҳбуснинг ғуссали ва бир оз истеҳзоли кулгусини бир умр эсида сақлаб қолиши учун казармага олиб борган ўша узоқ тонгдан бошлаб, Хосе Аркадио Иккинчининг на фақат ўз оиласига, балки бошқа бирор оилага ҳам қарам бўлишга ҳуши йўқолган эди. Аини хотира кўп эски эмасди. Лекин у эслаб қолган ягона нарса шунинг ўзи эди, холос. У яна бир нарсани, яъники алмисоқдан қолган қўсқи нимча ва соянони қарға қанотларини эслатувчи шляпа кийган, шуълага йўғрилган чоркунжак дераза олдида ўтириб, турли-туман мўъжизалар ҳақида ҳикоя қилиб берган чол сиймосини ҳам элас-элас эсларди. Аммо Хосе Аркадио Иккинчи ушбу хотира қолс вақтда дахлдор эканини билмасди. Урсула Хосе Аркадио Иккинчининг кўмағида полковник Аурелиано Буэндиани «маҳбус»ликдан озод қилишга уриниб кўрди. «Уни кинога боришга кўндир, — дея илтимос қилди Урсула. — Тўғри, унга картиналар ёқмайди, лекин шу баҳонада тоза ҳаводан нафас олиб қайтади». Лекин тез орада Хосе Аркадио Иккинчининг ҳам худди полковник сингари бепарволиги ва улар икковининг ҳам умуман ҳеч қандай меҳр-оқибат қор қилмайдиган қаттиқ зирҳ билан қоплангани маълум бўлди. Гарчанд Урсула, уларнинг устахонага беркиниб, узоқ вақт нималар ҳақида гаплашишини билмаса-да (буни ҳеч ким билмасди), оиладаги шу икки кишинигина ўзаро ички яқинлик ришталари бирлаштириб туришини тушунарди.

Тўғриси айтганда, Хосе Аркадио Иккинчи ўзи истаганида ҳам Урсуланинг илтимосини бажаролмасди. Мактаб толибалари келтирган ғорат полковникнинг сабр косасини тўлғазганди. Гарчи Ремедиоснинг ҳавасни келтирадиган қўғирчоқлари йўқотилган эса-да, у ётоқхонани ҳалигача куя босиб ётибди, деган баҳона билан устахонасига тўр беланчак осиб қўйди. Энди полковник у ердан фақат ҳовлига — ҳожат учун чиқарди, холос. Урсула уни ҳаттоки жўн суҳбатга ҳам тарта олмасди. Ўғлининг қошига бораркин, полковник овқат солинган ликопчага қиё боқмаслигини, шўрва бетини ёғ қоплаб, гўшт совиб қолишидан заррача ҳам ташвишланмай, уни столнинг бир чеккасига суриб қўйишию яна тилла балиқчаларига андармон бўлишини олдиндан биларди. Полковник Херинельдо Маркес янги уруш очишдан бош тортигандан бери, Аурелиано Буэндиа баттар бағритиб бўлиб борарди. Доимо устахона эшигини зичлаб олар, ҳеч кимга қўшилмас ва пировардида, оила аъзолари унинг номини гўё марҳумни эслагандай тилга олишарди. Полковник уйлари ёнидан ўтаётган сайёр циркни кўргани эшикка бирров чиққан ўша ўн биринчи октябрғача ҳеч ким унинг авзойида инсонийроқ бирор туйғу кўринганини сезмаган эди. Уша кун полковник Аурелиано Буэндиа учун сўнги беш йил ичида ўтган сон-саноқсиз кунлардан фарқ қилмасди. У тонги соат бешда ҳовлидаги қурбақа ва қора чигирткалар кўтарган шовқиндан уйғониб кетди. Шанба куни бошланган ёмғир ҳанузгача тинмаган, полковник томчиларнинг боғдаги дарахтлар баргидаги шитирини эшитмаганида ҳам, суяк-суякка санчилаётган совуқдан ёмғир ёғаётганини бари бир сезарди. Полковник Аурелиано Буэндиа ҳар галгидек мовут ёмғирлўшда, эски бичими учун ўзи «готик иштон» деб атаган, аммо кийишга қулай ва кенг, дағал матодан тикилган ички иштонда юрар эди. Иштон устидан тор шим кийиб олган, аммо унинг тугмаларини қадамаган эди.

¹ Сарацинлар — Арабистонда яшаган қадимий кўчманчи халқ.

Ёмғирпўшини худди бошлиқ сингари бошига тортди, осилиб тушган мўйловини бармоқлари билан тўғрилади-да, ёзилгани ҳовлига йўл олди. Кун чиқишига ҳали анча вақт бор эди. Хосе Аркадио Буэндиа томига пальма барглари тўшалган айвонча остида ухлаб ётарди. Полковник ҳар сафаргидек отасини кўрмади. Ботинкасига ногаҳон иссиқ пешоб оқа бошлаганидан уйғониб кетган арвоҳ ғудранганида ҳам полковник ҳеч нарса эшитмади. У устахонага қайтаётганида димоғига Санта София де ла Пьедад ўт ёқа бошлаган печларнинг хиди урилди. У ўзининг қандсиз қаҳвасини олиб кетиш учун ошхонада қаҳва чойнаги қайнашини кутиб турди. Санта София де ла Пьедад одатдагидек, бугун ҳафтанинг қайси кунни, деб сўради. Полковник, сешанба, ўн биринчи октябрь, деб жавоб қайтарди. Полковник аёлнинг сокин, тилларанг олов шуъласида қизил-сарғиш туюлган юзига тикиларкан, ногаҳон ўша уруш авжига чиққан пайтда, айна ўн биринчи октябрь кунни бирга олиб ётган аёли ўлиб қолган бўлса-я, деб чўчиб уйғониб кетганини эслади. Ҳа, ўшанди ростдан ҳам аёл жон берган бўлиб чиқди; полковник ўша кунни ёдида сақлаб қолишига сабаб, марҳума бор-йўғи бир соат олдин, бугун қайси кун, дея сўраган эди. Полковник Аурелиано Буэндиа бу ҳодисани эсласа-да, ўзининг башорат қила олиш лаёқатига нечоғлик путур етганини сезмади ва то сув қайнагунича, шунчаки ҳавойи майл асносида ўша аёл ҳақида ўйлай бошлади. Полковник унинг номини ҳам билмасди (юзини ҳам унинг вафотидан кейин кўрди), чунки аёл унинг гамагига зим-зиё қоронғиликда қоқиниб-суриниб кирган эди. Худди шу тарзда унинг олдига кўплаб аёллар келишган ва шу боис ҳам, полковник айна ўша аёлнинг биринчи бўса талвасасида кўз ёшларига ғарқ бўлаёзганини ва бечора қазосидан бир соат олдин, сени умримнинг охиригача севаман, деб онт ичганини эслай олмади. Полковник устахонага қайтиб келгач, умуман аёллар ҳақида ўйлашни бас қилди ва тунука банкада сақланаётган тилла балиқчаларини санаб чиқиш учун чироқни ёқди. Банкада ўн еттита балиқча бор эди. Молини сотмасликка аҳд қилганидан бери, у кунига иккитадан балиқча ясар, сўнг, сони йигирма бештага етганида, балиқчаларни гилвата идишда эритиб, қайтадан ясарди. У ҳеч нарсани ўйламасдан, ишга буткул шўнғиб кетди, соат ўнларда бориб ёмғир кучайганини ҳам ва ҳатто Урсула тамадди келтириб чироқни ўчирганини ҳам сезмади.

— Ёмғир роса қўяпти, — деди Урсула.

— Ёмғир фасли-да, — деб жавоб қайтарди у.

Шуни айта туриб, тайёрлаётган биринчи балиқчасидан нигоҳини узмади, чунки унга энди қизил ёқутдан кўз ўрнатаётган эди. Ишини тугатиб, балиқчани банкадаги бошқа балиқчаларга қўшиб қўйгач, шўрва ичди. Сўнгра шошилмай, гуруч, пиёз билан димлаб пиширилган гўшт ва ликопчадаги қовурилган банан тилимларини еди. Унинг иштаҳаси ҳеч қачон ўзгармас, ҳамиша — яхши шароитда ҳам, танг аҳволга тушганида ҳам бир хил эди. Овқатдан кейин дам олгиси келди. Қайсидир жиҳатдан илмий асосланган ирими туфайли, полковник овқатдан кейин икки соат ўтмагунича на ишлар, на ўқир, на чўмилар, на аёл билан ётар эди. Айна одат унинг табиатига шу қадар сингиб кетгандики, полковник Аурелиано Буэндиа жангчилар кучли таомдан сўнг бўкиб ёки мияларига қон қуйилиб ўлмасликлари учун ҳарбий операцияларни бошламай турган пайтлари ҳам бўлган эди. Ниҳоят, у тўр беланчагига ётди, қулоғини қаламтароши билан нари-бери тозалаб, тезда ухлаб қолди. Полковник тушида деворлари оппоқ, бўм-бўш уйга кириб борарди. Уй остонасидан ҳатлаётган биринчи одам эканлигидан кўнгли хижил эди. Тушида у ўтган кунни кечаси ва сўнгги йиллар мобайнида жуда кўп марта шу тахлит тушлар кўрганини эслади ва уйғонган заҳотиёқ уларнинг бари эсидан чиқишини англади. Унинг бу қайтариқ тушларининг сири шунда эдики, уларни худди ўша тарздаги тушда қайта эслаш мумкин бўларди. Бир неча дақиқадан кейин сартарош эшикни тақиллатди. Полковник гўёки дафъатан бир неча сония пинакка кетиш учун кўзини юмгани ва ҳеч қандай туш кўрмаганига тўлиқ ишонч ҳосил қилган ҳолда эшикни очди.

— Бугун шартмас, — деди у сартарошга. — Жума кунни кўришамиз.

Сочига оқ оралаган полковникнинг соқол олдирмаганига уч кун бўлган эди, аммо у соқол олдиришни хоҳламади, бари бир жума кунни сочини олдириши зарур эди, шу боис, ўша кунни бир йўла икки ишни бажарса бўлаверарди. Кундузги нохуш уйқудан кейин баданини шилимшиқ тер қоплади, қўлтиғи остидаги чипқондан қолган чандиқлар зирқирай бошлади. Ёмғир тинди. Аммо қуёш ҳали чиқмаган эди. Полковник Аурелиано Буэндиа қаттиқ кекирди ва танглайда нордон шўрванинг таъминини сизди. Ёмғирпўшини устига ташлаб, ҳожатга борди ва у ерда одатдагидан кўпроқ ўтирди. Бугун сешанба эканини ва Хосе Аркадио Иккинчи устахонага келмаганини эслади, чунки сешанба кунни банан компанияси ишчиларга маош берарди. Айна ўй, сўнгги йиллардаги барча хотираю ўйлари каби уни уруш ҳақида фикрлашга чорларди. У қайсидир бир кунни полковник Херинельдо Маркес унга қашқа от топиб келишни ваъда қилганини ва сўнг бу ҳақда қайтиб оғиз очмаганини

эслади. Кейин айрим уруш лавҳаларини хаёлидан ўтказди, аммо ўтмиш қалбида на қувонч ва на қайғу уйғотди. Энди, ўша фикридан қутулишнинг иложини ҳеч тополмагач, полковник уруш ҳақида жуда сокин, ортиқча ҳаяжонсиз ўйлашга ўрганган эди. Устахонага қайта туриб, ҳаво сал исиганини сезди ва ювинишга аҳд қилди, аммо мўрчани Амаранта эгаллаб олган эди. У ичкари кириб, иккинчи балиқчани тайёрлашга киришди. Полковник балиқчага дум ясаётганида, қуёш уфқдан шу қадар катта қуч билан отилиб чиқдики, гўё чор атроф худди эски қайиқдай ғичирлаб кетгандек туюлди. Уч кунлик ёмғирда қайилган ҳавони қанотли чумолилар қоплади. Полковник заҳартанг бўлганини ҳис этди. Ҳовлига чиққанида, соат тўртдан ўн дақиқа ўтганди. Қулоғига узоқда чалинаётган қарнай овози, катта ноғоранинг гумбир-гумбири ҳамда болаларнинг шодон қийқириғи элас-элас чалинди ва унинг кўнглида болалиги ўтгандан бери илк бор зеркиш уйғонди, отаси муз парчасини кўришга олиб борган, лўлиларга тўлиб-тошган ўша узоқ кунни яна қайтадан яққол ҳис эта бошлади. Санта София де ла Пьедад ошхонадаги ишларини тўхтатиб, кўчага югуриб чиқди.

— Цирк келди! — деб қичқирди у.

Полковник Аурелиано Буэндиа ҳам, каштан тагига бориш ўрнига, ҳовлидан ташқари чиқди ва кўчадаги тантанали маросимни анграиб томоша қилаётган бекорчи оломонга аралашиб кетди. У фил минган зар кийимли аёлни ва бир ўрқачли маъюс туяни кўрди. Голланд аёлларидек ясантирилган, кастрюлкани қошиқ билан ноғора қилиб чалаётган айиқни кўрди. Тантанали маросимнинг энг адоғига томоша кўрсатаётган масҳарабозларга кўзи тушди. Улар ўтиб кетгач, бўм-бўш кўчада офтоб нурида чўмилаётган қанотли чумолилар ва бир неча анқовдан бошқа ҳеч ким қолмади. Полковник яна ўзининг аянчли ёлғизлиги билан юзма-юз учрашди. Шунда у, цирк ҳақида хаёл суриб, каштан сари юрди ва пешоб қилаётганида ҳам циркни ўйлашга уринди, аммо энди ҳеч нарсани эслай олмасди. Бошини елкалари орасига тортиб, манглайини дарах танасига босганча қотиб қолди. Уйдагилар воқеадан эртаси эрталаб соат ўн бирда, Санта София де ла Пьедад ахлат ташлаш учун ҳовлининг орқа томонига ўтиб, каштан атрофига учиб келаётган ўлаксахўр қушларни кўрганидагина огоҳ бўлдилар.

* * *

Меменинг сўнги таътили полковник Аурелиано Буэндиага тутилган мотам кунларига тўғри келди. Деразаю эшиклари маҳкам ёпилган бу хонадонда энди байрам ҳақида ўйлаш ҳам мумкин эмасди. Ҳамма шивирлаб гапирар, овқат устида ҳам тек ўтиришар, кунига уч маҳал ибодат қилишар, ҳатто туш пайтларида клавикордда чалинган куйлар ҳам худди мотам музикасидек туюлар эди. Полковникни пинҳона ёмон кўришига қарамай, ҳукумат ўзининг марҳум ғанимини дабдабали иззат-икром билан хотирлашдан ҳайратга тушган Фернанда жиддий аза очди. Аурелиано Иккинчи қизининг таътили мобайнида ўз уйида яшади. Фернанда ўзининг хотинлик ҳуқуқини тиклаш учун анча-мунча чораю тадбирлар кўрди шекилли, Меме яна бир йилдан кейин уйга қайтганида, яқиндагина туғилган ва онасининг хоҳишига қарамай, Амаранта Урсула деб ном қўйилган сингилчасини кўрди.

Меме ўқишини тугатди. Уни концерт берувчи истеъдодли клавикордчи эканлиги битилган диплом, қизининг ўқиши ва уйдаги мотам адоғига етганига атаб берилган катта базмда — Меме ўн еттинчи аср халқ куйларини доврўқ билан ижро этганида бир овоздан тасдиқланди. Меҳмонларни Меменинг санъатидан кўра, ғайриоддий табиати кўпроқ маҳлиё қилди. Бир қарашда, у ёш боладай энгилтак, жиддийроқ ишларга нолойиқдай кўринарди, аммо клавикорд ёнига ўтирса бас, бутунлай ўзгарар, бирдан ўта жиддий ва комил одамга айланиб қоларди. Гапнинг рости, Меменинг музикага лаёқати айтарли эмасди, аммо у онасининг раъйини қайтармаслик учун клавикордни мукаммал ўрганишга ўзини мажбур этганди. Худди шу йўсинда у бошқа истаган ҳунарини ҳам ўрганса бўларди. Фернанданинг ўта қаттиққўллиги ва ўзбилармонлиги Меменинг жонига теккан, у онаси билан тортишиб ўтирмаслик учун ҳар неки жазога ҳам тайёр эди. Мактабни битирганларга бағишланган мажлисда ўтирган Меме, бежирим готик ҳарфлар билан безатилган диплом эндиликда она зуғумидан халос этади, шу кундан эътиборан Фернанда клавикордни тамом эсдан чиқаради, деб умид қилган эди. Чунки роҳибаларнинг ўзлари айни чолғу асбобини музей топилмаси, деб аташларини эшитиб юрарди. Лекин унинг тахмини хато чиқди, гарчанд шаҳар аҳлининг нақ ярми қиз чалган эски куйлар остида ухласа-да, Меме оливайи тантаналарда, хайр-эхсонга муҳтожлар учун уюштирилган барча концертларда, мактаб кечалари ва ватанпарварларни шарафлашга бағишланган йигинларда клавикорд чалса-да, Фернанда қизининг истеъдодига баҳо бера олишга қодир деб ҳисоблаган янги-

янги одамларни уйларига таклиф этаверарди. Фақат Амарантанинг ўлимидан сўнг хонадон яна аза очганида, Меме клавибордини қулфлаб, калитини онаси қачондир қистаб қолишдан хавотирланмай жавонлардан бирига яшириб қўйди. Фернанда қизининг итоаткорлигидан чексиз қувонар, одамларни қойил қолдиришидан шу қадар фахрланардики, Меменинг уйга дугоналарини бошлаб келишига, плантация бўйлаб сайр қилишига, падре Антонио Исабель черков меҳробида маъқуллаган фильмларга Аурелиано Иккинчи ёки ишончлироқ аёллар билан боришига мутлақо қаршилик кўрсатмасди. Айна кўнгилочар тадбирлар давомида Меменинг неларга мойиллиги аён бўлди. У тартиб ва интизомни ўлгудай ёмон кўрар, шўх базмларни, хилват гўшаларда соатлаб ўтиришни ёқтирар, ўша ерда дугоналари билан ким кимни яхши кўриб қолгани ҳақида ғийбат қилишар, чекишни ўрганишар, эркаклар тўғрисида гаплашишарди. Бир куни улар шакарқамишдан тайёрланган уч шиша ром ичишди, сўнгра ечинишиб, танларининг турли бўлақларини ўлчашди, таққослашди. Меме ўша кечани ҳеч қачон унутмайди: у оғзидаги қизилмия томирини чайнаганча, Фернанда билан Амаранта жимгина овқат еяётган ошхонага кирди ва стулга ўтирди. Унинг тоби қочганини ҳеч ким пайқамади. Бундан олдин Меме дугонасининг ётоқхонасида икки соат давомида қаттиқ ҳаяжонда ўтирди; кўзларидан ёш чиққунича кулди, кўрқувдан йиғлади, аммо бу ҳолат ўтиб кетгач, қизнинг юрагини онасига, клавибордни кетингизга ҳуқна қилинг, деб айтишга имкон берар даражада жасурлик ҳисси қоплади. Столнинг тўрида ўтириб товқшўрва ичаркан, Меме тўсатдан Фернанда ва Амарантанинг асл қиёфасини кўрди. Уларнинг мунофиқлигини, калтабинлигини юзларига солишдан ўзини зўрға тийди. Иккинчи таътил пайтидаёқ, Мемега отаси одоб юзасидангина уйда тунаши маълум бўлганди. У Фернандани яхши билгани учун ва кейинчалик Петра Котес ҳақида ҳам бир амаллаб тасаввурга эга бўлганидан сўнг, отасига ён боса бошлади. Қиз отасининг жазманини онасидан афзал кўрарди. Ромдан кайфи ошиб қолган Меме, агар ҳозир ўйлаганларимни айтсам, қандай зўр жанжал бўларди, дея роҳатланиб ўйлади. Мамнунлиги шу қадар кучли эдики, Фернанда сергак тортди.

— Сенга нима бўлди?— деб сўради у.

— Ҳеч нарса,— дея жавоб берди Меме.— Мен икковларингни қанчалар яхши кўришимни ҳозир пайқадим, холос.

Бу сўзларда барқ уриб турган нафрат Амарантани кўрқитиб юборди. Аммо онаси шунчалар ҳаяжонландики, Меме ярим кечаси қаттиқ бошоғриқдан уйғониб кетиб, қайт қила бошлаганида, Фернанданинг ақлдан озишига сал қолди. Фернанда қизига канакунжут мойидан ичирди, қорнига қизитилган дори-дармон босди, бошига эса муз солинган халта қўйди ва, Меме оддий аёллар касалига чалинган, деган ноаниқ бир қарорга келган афандинамо француз докторининг кўрсатмасига биноан, қизини уйдан чиқармай, беш кун парҳезда сақлади. Меменинг дадиллиги йўқолиб, руҳан чўкиброқ қолди. Батамом кўр, аммо ҳали тетик ва зийрак Урсулагина унга тўғри диагноз қўйди. «Менимча,— деди у ўзига ўзи,— ароққўрларнигина шу тарзда даволашади». Аммо ўшал заҳоти тавба қилиб, ўзини андак ёзғирди. Меменинг аҳволини кўриб, Аурелиано Иккинчининг виждони қийналди. Ота эндиликда қизига жиддийроқ эътибор беришга аҳд қилди. Аурелиано Иккинчи ва қизи ўртасидаги қувноқ дўстлик шу тарзда туғилди. Аурелиано Иккинчи ўша кунлари, кечқурунлари Меме билан кино ёки циркка бориш учун бошқа барча учрашувлардан ҳеч иккиланмай воз кечар, бор вақтини фарзандига бағишларди. Охириги йиллари Аурелиано Иккинчининг феъли сал айний бошлади, бунинг сабаби — семизлиги эди. Қизининг меҳри, у келтирган хурсандлик Аурелиано Иккинчини беҳад айш-ишратга берилган кунларидан тобора узоқлаштирар эди. Меме худди мева дарахти каби гулларди. У Амаранта сингари гўзал бўлмаса-да, истараси иссиқлиги, соддалиги ва бир қарашдаёқ одамга ёқа олиши билан ажралиб турарди. Аурелиано Иккинчи қизини авлиёларнинг ийманганнома нигоҳи мудом ваҳима солиб турадиган ётоғидан чиқарди, унинг янги хонасини тахтга ўхшовчи каравот, катта пардоз столи ва бахмал пардалар билан безатди. Шу билан Петра Котес яшайдиган хонадан яна бир нухасини яратганини ўзи ҳам сезмай қолди. Отанинг қўли очик эди. Қизига санамай пул берарди. Меменинг ўзи ҳам отасининг чўнтагидан истаганча пул олаверарди. Аурелиано Иккинчи баъан компаниясига қарашли магазиндан қизига атаб энг сўнги модадаги нарсаларни сотиб оларди. Меменинг ётоқхонаси тирноқни силлиқлайдиган эговчалар, сочи жингалак қиладиган қисқичлар, тишни ялтиратувчи эликсирлар, ҳар хил сурмалар ва бошқа, жозибани оширадиган беҳисоб воситалар билан тўлиб кетганди. Фернанда ҳар сафар унинг хонасига кирганида дарғазаб бўлиб, қизим анави француз гетераларига ўхшаб боряпти, деб ўйларди. У эри билан қизининг тили бирлигини билиб, Аурелиано Иккинчига, Мемени ҳеч қачон Петра Котеснига олиб бормаيمان, деб қасам ичирди. Бу ортиқча эҳтиёткорлик эди, чунки ота-боланинг иноқлиги Петра Котесга мутлақо ёқмасди, у ҳатто Меменинг номини эшитишга ҳам тоқат қилолмасди. Петра

Котесга нотаниш бир қўрқув азоб берар, у Меме Фернанданинг ҳам қўлидан келмаган ишни қилиб, ўзини Аурелиано Иккинчидан жудо этиши мумкинлигини ич-ичида сезиб турарди. Шу боис, Аурелиано Иккинчи илк бор жазманининг қаҳрли нигоҳини кўрди, оғули хандасини эшитди ва у, жазманам яна сандиқ-пандиққа қўшиб ташқарига улоқтирса-я, деб чўчий бошлади. Аммо иш у ўйлаганчалик бўлмади. Сандиқлар ўз жойида қолди. Петра Котес бўлса, жазманини қизининг меҳридан ҳам кучлироқ бирор восита билан ўзига ағдариб олишга қарор қилди. Лекин у беҳуда уринарди. Меме отасининг ишига ҳеч қачон аралашмас, мабодо шундай қилганида ҳам, бу можаро Петра Котеснинг фойдасига ҳал бўларди. Бировга ёмонлик қилиш учун Меменинг вақти ҳам йўқ эди. У роҳибалар ўргатганидек, ҳар куни ўз ётоғини ўзи йиғиштирар, ўзи жой соларди. Эрталаблари эса каштага гул солар ёки галереяда Амарантанинг эски қўл машинкасида ўзига кийим тикарди. Тушлик овқатдан сўнг ҳаммалари ухлашга ётишганида, у икки соат давомида клавиаторда куй машқ қилар ва бу машғулоти Фернандага ҳузур бахш этишини биларди.

Меменинг дугоналари орасида уч нафар америкалик қиз ҳам бор эди. Улардан бири Патриция Браун эди. Аурелиано Иккинчининг меҳмондўстлигидан миннатдор жаноб Брауннинг даргоҳи Меме учун атай очилди ва қиз шанбалик танцага таклиф этилди. Гринголар маҳаллий аҳоли билан фақат танца мобайнидагина мулоқот қилишарди, холос. Бу таклифдан хабар топган Фернанда юракни эзадиган жанжал кўтарди. «Тасаввур қилиб кўр-а,— деди у Мемега,— бу тўғрида гўрда ётган полковник нима деб ўйлайди?» Фернанда ёрдам сўраб Урсулага мурожаат қилди. Аммо кўр кампир ҳеч қутилмаганда, агар Меме ўз эътиқодида маҳкам туриб, протестант динига ўтиб кетмаса, турган гапки, танцага боришию америкалик тенгдошлари билан дўстлашиши андишасизлик бўлмайди, деб айтди. Меме катта бувисининг фикрини тезда ўқиб олди ва танца бўлиб ўтган куннинг эртасигаёқ ибодатга бориб келадиган бўлди. Америкаликлар қизидан, клавиаторд чалиб берсангиз, деб илтимос қилишганини эшитиб, Фернанданинг боши осмонга етди. Клавиаторни жаноб Брауннинг уйига олиб боришди, Меме у ерда қарсак ва олқиш эшитди. Шундан кейин уни на фақат танцага, балки ҳар якшанбада бассейнда чўмилишга ва ҳафтасига бир марта тушлик овқатга ҳам таклиф этишадиган бўлишди. У бинойидай сузишни, теннис ўйнашни, ананас бўлагини Виргиния ветчинасига қўшиб ейишни ўрганди. У рақс тушиб, сузиб, теннис ўйнаб юраркан, аста-секин инглизчани ўрганиб олди. Аурелиано Иккинчи қизининг ютуқларидан шу қадар завқланар эдики, саёқ бир сотувчидан олти жилдли, ранг-баранг расмлар илова қилинган инглизча қомус сотиб олди. Меме бу китобни бўш пайтлари ўқирди. Мутолаа уни дугоналари билан хилват жойларга беркинишдан, севги ҳақида ғийбат қилишдан қутқарди, аммо Меме энди ўқиш мажбуриятини буйнига олгани учун эмас, балки бутун шаҳарга маълум сирли воқеаларни таҳлил этишга қизиқиши йўқолгани учун шундай қиларди. У ўзининг маст бўлгунча ичганини эслади ва бу воқеа шунчалар кулгили ва қизиқарли туюлдики, отасига сўзлаб берди. Аурелиано Иккинчига эса воқеа янада кулгили туюлди. «Агар онанг билганида борми!»— дея хитоб қилди у ҳарсиллаб куларкан. Қизи унга бирон-бир сирини очгани сайин, у ҳамиша шундай дейверди. У қизидан илк севгисини ҳам очик гапириб беришга сўз олди ва сал фурсат ўтмай, Меме отасига, таътилга келган малласоч америкаликни ёқтириб қолдим, деб айтди. «Мана шунақа-да!»— деб қулди Аурелиано Иккинчи.— Агар онанг билиб қолса борми!..» Лекин кейинроқ Меме йигитнинг ўз ватанига жўнаб кетганини ва ундан дом-дарак бўлмаётганини маълум қилди. Меменинг ақли расолиги оила осойишталигини мустаҳкамлашга имкон берди ва Аурелиано Иккинчи Петра Котесниги яна тез-тез қатнайдиган бўлиб қолди. Гарчи энди базм деганлари аввалгидек лаззат бермаса-да, кези келганида ўйин-кулгидан юз ўгирмасди.

Уйда Амаранта тиним билмай кафанига гул тикар, Урсулани эса қариллик Хосе Аркадио Буэндианинг каштан остидаги арвоҳидан бўлак ҳеч нарса кўриб бўлмайдиган қоронғилик тубига тортиб борарди. Фернанда ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаб олди. У ҳар ой сайин ўғлига ёзиб турадиган хатларда энди бирор сатр ҳам ёлғон бўлмасди. Фернанда ундан ўзининг табиби ғайблар билан ёзишиб туришини яширарди, холос. Чунки бу табиблар унинг йўғон ичагидан беэиён шиш топишган ва Фернандани телепатик операция билан тузатишга тайёрлашарди.

Ҳаёт хархашаларидан чарчаган Буэндиалар оиласида энди узоқ йилларгача тинчлик ва осойишталик мўқим туради, деб ўйлашганларида, тўсатдан Амаранта вафот этди. Унинг ўлими ҳамма учун қутилмаган бир ҳодиса эди. Гарчи Амаранта кексайиб, атрофдагилар учун худди бегонадек бўлиб қолган эса-да, қаддини ҳамон тик тутар, қувватли кўринарди. У полковник Херинельдо Маркесга қатъий рад жавоби бергандан сўнг, тўйиб-тўйиб йиғлаб олиш учун эшикни ичидан беркитиб олганида нималарни ўйлаганини ҳеч ким билмасди. Амаранта ўшанда ётоҳонадан чиққанида, кўзёшининг заҳираси тамоман тугаб битганди. На Гўзал



Виктор БУДАЕВ чизган расм.

Ремедиос самога парвоз этганида, на барча Аурелианоларни отиб ўлдиришганларида, на дунёда энг яхши кўрадиган одами полковник Аурелиано Буэндианинг ўлимида йиғлади. Гарчи полковникни қанчалар яхши кўришини фақат унинг жасадини каштан остидан топиб олишган дақиқада пайқаган бўлса-да, ўликни кўтаришда ёрдамлашди. Унга ҳарбий либос кийгизди, соқолини олди, сочини таради, мўйловини чиройли қилиб буради (шухрати гуллаб турган маҳали ҳам полковникнинг ўзи мўйловини бунчалар буролмасди. Лекин ҳеч ким унинг хатти-ҳаракатларидан, у полковникни севади, деган ўйга бормади, чунки ҳаммалари, Амаранта дафн мёросимини яхши билгани учун шундай қиялпти, деб ҳисобларди. У ўзининг барча қайғуларини кўнгилга тукканча, қарилик бўсағасига қадам қўйганди. Пьетро Креспининг вальсларини эшитганида, гўё вақт ва аччиқ тажрибалар ҳеч қандай сабоқ бермагандай, худди ўша ёшлик пайтидагидай йиғлагиси келарди. У, картон қоғозлари намиқиб қолди, деган баҳонада музикали цилиндрларни ўз қўли билан ахлатга ташлаган бўлса-да, улар хотирасида ҳануз чарх урар, пианола болғачалари гўё юрагига урилиб мусиқа чалаётгандай эди... Полковник Аурелиано Буэндиа уруш ҳақида ўйламасдан туролмагандек, Амаранта ҳам Ребека ҳақида ўйламасдан туролмасди. Агар полковник ўз хатоларини ўткир қирралардан халос этиб, сал-пал тўмтоқ қилса, Амаранта эса аксинча, уларни тобора қиздириб тобларди. У худодан кўп йиллар мобайнида ёлғиз бир нарсани — Ребекадан олдин ўлмаслиқни илтижо қилди. Ҳар сафар сабоқ рақибасининг уйи ёнидан ўтаркан, у ердаги янгидан-янги паторатни кўриб, худо илтижоларимни эшитаёпти, дея қувонар эди. Бир куни галереяда чеварлик қилиб ўтираркан, дафъатан худди шу жойда ва худди шу алпозда ўтирганида Ребеканинг ўлимини

эштажагини қатъий ҳис қилди. Энди Амаранта ўша жойда ўтириб ўша машъум хабарни кута бошлади. У кутиб зерикмаслик учун қадалган тугмаларни узиб олиб, яна қайтадан қадаб чиқарди. Амаранта ўзи тўқийган зийнатли кафанни Ребекага атаганига ҳеч ким шубҳаланмасди. Ғамгин Аурелиано ўшанда, Ребека бош чаноғидан бир нечта сарғиш ўт ўсиб чиққан серажин арвоҳга айланибди, дея ҳикоя қилганида, Амаранта заррача ажабланмади, чунки жияни таърифлаган арвоҳ у ўзи анчадан буён тасаввур қилиб юрган арвоҳга ўхшарди. У қачонлардир Ребеканинг жасадини ўзим ювман, бошига авлиёларнинг соҳидан парик ўсайман, деб аҳд қилди. Уликни чиройли қилиб безайди, уни сурп кафанга ўраб, ичи тўқ қизил, устига бахмал қопланган тобутга жойлайди ва ажойиб дафн маросимини ўтказиб, жасадини қурт-қумурсқаларнинг ихтиёрига жўнатади. Нафрати тўлиб-тошиб режа тузаётган Амарантанинг миясига, агар Ребекани севганим тақдирин ҳам шундай қилардим-ку, деган фикр келди. Бу фикрдан сесканиб кетди, лекин руҳи чўкмади ва режасини такомиллаштира борди. Узининг даҳшатли режасини пишитаркан, фақат бир нарсани — худога илтижоларига қарамай, Ребекадан олдин ўзи ўлиши мумкинлигини ҳисобга олмади. Худди шундай бўлиб чиқди ҳам: Лекин ҳаётининг сўнги дақиқаларида ҳам Амаранта умиди пучга чиққанидан афсусланмади, аксинча, ўзининг барча ғаму ситамларидан озод бўлаётганини сезди. Улим унга илтифот кўрсатган, кунни битганидан бир неча йил илгарироқ огоҳлантирган эди. Амаранта ўз ўлимини кўриб қўшқанда, Мемени монастырь қошидаги мактабга юборишгани заҳотиёқ кўрган; ўлими галереяда Амаранта билан ёнма-ён ўтириб тикиш тикарди. Уни дарҳол таниди: ўлим кўк кўйлакли узун ёчли, бир оз эски пўримда кийинган оддий аёл бўлиб, Урсулага ёрдамлашиб юрадиган Пилар Тернеранинг ёшлик пайтидаги нусхасига ўхшаб кетарди. Галереяда Фернанда ҳам бир неча бор ёнма-ён ўтирди, лекин у ўлимни кўрмади. Улими ҳатто бир марта Амарантадан илтифот кўрсатишни — игнага ип ўтказиб беришни сўрагани. Улим Амаранта қайси йил, қайси ой ва қайси кунда ўлишини, Ребекадан олдинми ёки кейинми жон беришини аниқ айтмади. Фақат унга апрель ойининг олтинчи кунидан бошлаб ўзига кафан тўқишни буюрди. У кафан Амаранта хоҳлаганидай сернақш ва чиройли бўлишига ижозат берди, сўнг, кафан тайёр бўлган кунни кечаси, қийналмасдан, қайғурмасдан кўрқмасдан жон берасан, деди. Амаранта ўлим соатини ортга суриш учун асл зиғир толасидан эшилган калава буюриб, кафанни ўзи тўқий бошлади. Кафан тўқишнинг ўзига тўрт йил кетди. Кейин у кашта чекишга тушди. Уша мудҳиш кун тобора яқинлашаркан, Амаранта кафан таёрлашни Ребеканинг ўлимига қадар фақатгина тасодифий мўъжиза чўза олишини фаҳмлади. Аммо ишга бўлган меҳри кўнглига осойишталик бахш этарди.

У тақдирга шунчалар тан бергандики, заррача изтироб чекмасди. Бирдан-бир ташвиши — кафан тўқишни тугаллаш эди. Аввалбошда вақтни чўзиш учун турли беҳуда баҳоналар ўйлаб топган бўлса, эндиликда эса у атай шошила бошлади. Иш якунига бир ҳафта қолганида, Амаранта охириги қавиқ тўртинчи февраль кечқурунга тўғри келишини аниқлади ва, сабабини тушунтирмасдан, Мемега, бешинчи февральга тайинланган концертингни кечиктирсанг, деди. Аммо Меменинг илтимосига эътибор бермади. Шунда Амаранта ишини яна қирқ саккиз соатга кечиктириш чорасини излай бошлади ва, ҳатто ўлим ҳам мени қўллаб-қувватлапти, деб ўйлади, чунки тўртинчи февраль кунни кечаси бўрон электр-станциясини сафдан чиқаргани. Аммо эртасига эрталаб соат саккизда кафаннинг охириги қавиғини ўтказди ва уйдагиларга хотиржамлик билан, кечқурун ўлмоқчиман, деб эълон қилди. У фақат оиласини эмас, балки бутун шаҳарни ҳам огоҳлантириб чиқди, чунки зиқна ҳаётининг сўнги кунда гуноҳларини ювиш учун одамларга сал бўлса-да, яхшилик қилиб қолишни истарди. Унингча, бунинг энг яхши йўли — марҳумларга асталган хатларни нариги дунёга олиб бериш эди.

Амаранта Буэндиа кечқурун лангар кўтармоқчи, марҳумларга ёзилган хатлар қўлига тегиши билан нариги дунёга сузиб кетмоқчи, деган хабар пешингача бутун Макондога тарқалди ва кундузи соат учларга яқин меҳмонхонада хатлар билан лиқ тўла қути пайдо бўлди. Хат ёзишни истамаганлар Амарантага ўз гапларини оғзаки айтишарди. У эса, мурданинг исм-фамилиясини, ўлган вақтини ва гап тайинлаган қариндошини дафтарчасига ёзиб қўярди. «Ташвишланманглар, — дея таскин берарди у мактуб ёзганларга. — Нариги дунёга борганимдан сўнг дарҳол хатингизни топшираман». Бунинг бари қўпол ҳазилга ўхшаб кетарди. Амарантанинг юзида на ташвиш ва на ғам-ғусса аяоматлари бор эди. У ҳатто аини шарафли бурч гидрокидан яшариб кетганга ўхшарди. У хатларни қатрон суртилган қутига солишни буюрди ва қути намдан яхши сақланиши учун уни гўрга қай тарзда жойлашни тушунтирди. Амаранта эрталаб дурадгор чакиртирди. Дурадгор тобут учун бўйини ўлчаётганда, Амаранта гўё бичиқчи кўйлакка андаза олаётгандек хотиржам эди. Сўнги соатларда унинг ғайрати шунчалар ошдики, Фернанда, Амаранта ўламан деб бизни калака қилмаяптими, деб гумонсирай бошлади. Барча Буэндиалар касал-пасалга учрамай ўлишини билган Урсула эса, Амарантанинг

ўлимидан хабардор эканига ишонарди. Аммо у хатлар машмашасини билиб, марҳумларнинг қариндош-уруғлари гапимиз нариги дунёга тезроқ етсин, деган ниятда бечора Амарантани тириклайин кўмиб юборишларидан хавотирланарди. Шу сабаб, Урсула бақириб-чақириб, талашиб-тортишиб, уйни бегоналардан бўшата бошлади ва соат тўртга бориб ҳеч ким қолмади. Бу пайтда Амаранта нарсаларини камбағалларга улашиб чиққан эди. У текис рандаланган тахтадан ясалган оддий тобутга ўзининг ич кийимини ва бахмал туфлисини солиб кўйди — буларни унга ўлимидан сўнг кийдиришлари лозим эди. Полковник Аурелиано Буэндиа ўлганда устaxonда кийиб юрадиган шиппагидан бўлак пойабзали бўлмагани учун янги ботинка сотиб олишганини эслатиб, туфлимни унутманлар, дея яна бир бор тайинлади. Соат бешга яқинлашаётганида Мемени концертга олиб кетгани борган Аурелиано Иккинчи уйлари худди ўлик чиққандек санаржом эканига ажабланди. Агар ўша соатда тирик кўринадиган ягона одам бўлса, бу — Амаранта эди. У ўзини ниҳоятда совуққон тутар, ҳатто қўлларидаги қадоқларни кесиб ташлашга ҳам вақт топганди. Аурелиано Иккинчи ва Меме у билан ҳазил-ҳузул қилиб хайрлашишди ва бир ҳафтадан сўнг марҳумнинг қайта тирилиши муносабати билан базм уюштиришга ваъда беришди. Амаранта Буэндиа ўлганларга мактуб элтишга шайланаётгани ҳақидаги миш-мишни эшитган падре Антонио Исабель дуою фотиҳалар учун соат бешда етиб келди ва то Амаранта мўрчадан ювиниб чиққунича кутишга мажбур бўлди. Ниҳоят, қаршисида оқ сурп кўйлак кийган, сочлари орқасига ёйилган Амаранта пайдо бўлганида, кекса руҳоний, мени масхара қилишяпти, деб ўйлади ва муқаддас сув кўтариб олган болани жунатиб юборди. Амаранта ҳеч қандай диний ёрдам керак эмас, мен гудакдай покман, деб айтди. Бу гап Фернанданинг жаҳлини чиқарди. У баланд овозда ўзига-ўзи савол берган бўлди: «Амаранта қанақанги катта гуноҳ қилган эди-я! Энди айбини тан олиб тавба қилиш ўрнига ўзига шунчалар таҳқирли ўлимни раво кўряптими?» Шунда Амаранта ўрнига ётди ва бечора Урсулани ўзининг ҳали бокира қиз эканини текшириб беришга мажбуран кўндирди.

— Ҳеч ким хомхаёлга бормасин! — кичқирди у, Фернандага эшиттириб. — Амаранта Буэндиа бу дунёга қандай келган бўлса, ўшандай кетмоқда.

Амаранта бошқа қайтиб турмади. Бошини ёстиққа қўйганича, узун сочларини ўриб, энсасига турмаклади; ўлим у тобутда айна тарзда ётажagini уқтирган эди. Сўнг Урсуладан кўзгу келтиришни сўради ва деярли қирқ йиллик танаффусдан сўнг ўзининг йиллару азоб-уқубатлар хароб қилган юзини кўрди ва юзи ўзи қандай тасаввур қилган бўлса, ўшандай эканлигидан ҳайрон қолди. Урсула ётоқхонага чўккан осойишталикдан қоронғи тушаётганини англади.

— Фернанда билан розилашгин, — деб ўтинди у. — Ярашиш дами бир умрлик дўстликдан ҳам афзалдир.

— Энди дўстликка ҳожат қолмади, — дея жавоб қайтарди Амаранта.

Саҳнада чироклар ёниб, концертнинг иккинчи бўлими бошланганида ҳам Меме Амаранта ҳақидаги ўйлардан қутулолмади. Концертнинг ўртасида кимдир унинг қулоғига шивирлаб, содир бўлган ҳодисани айтди ва томоша бўлиниб қолди. Уйга кирган Аурелиано Иккинчи хунук, оқариб кетган, қора биллакбандли нафис кафанга ўралган қариқизнинг жасадини кўриш учун оломонни туртиб-суриб ўтишга мажбур бўлди. Тобут меҳмонхонада, хат солинган қутининг ёнида турарди.

Амарантанинг ўлимидан сўнг тўққиз кун ўтгач, Урсула ётиб қолди. Санта София де ла Пьедад унга қараб туришни ўз зиммасига олди. Аёл кампирга овқат, ювингани сув келтирар ва Макондода бўлиб ўтаётган воқеаларни гапириб берарди. Аурелиано Иккинчи ҳам Урсулани дам-бадам йўқлаб келар ва унга турли кийим-кечаклар совға қиларди. Урсула уларни каравоти ёнига тахлаб кўярди. Энди қўли етадиган масофада бутун бир олам бунёд этганди. Кампир қичкина Амаранта Урсуланинг муҳаббатини қозонди ва қизчага ўқишни ўргатди. Урсуланинг кўзи ожизлигини билишса-да, ҳеч ким у батамом кўр бўлиб қолганига ишонмасди. Бўш вақтнинг кўплиги ва ички бир осойишталик Урсулага хонадон ҳаётини кузатиш имконини берарди. У энг аввало Меменинг сассиз дардларини сезиб қолди.

— Бу ёққа кел, — деди у қизга. — Иккимиз ҳоли эканмиз, мен бечора кампирга дардингни бемалол айтавер.

Меме уялинқираб жилмайганча, суҳбатдан қочмоқчи бўлди. Урсула кўп қистаб ўтирмади, аммо Меме олдига бошқа келмай қўйганидан сўнг шубҳаси кучайди. Урсула Меменинг одатдагидек эрта туришини ва то уйдан чиқиб кетадиган вақтгача бир дақиқа ҳам тинч туролмаслигини, кечалари ухлолмай, у ёндан-бу ёнга ағдарилиб чиқишини ва қўшни хонадаги капалак унинг уйқусига халақит беришини биларди. Бир куни Урсула Меменинг, отамнинг олдига бораяпман, деганини эшитди. Аммо орадан сал фурсат ўтмай, Аурелиано Иккинчи келиб, қизининг қаердалигини сўраганида ҳеч нарсадан шубҳаланмаган Фернанданинг фаҳмсизлигидан ҳайратга тушди. Меменинг махфий юмушлари, кечиктириб бўлмайдиган ваъдалари, сирли ташвишлари шу қадар кўпайиб кетгандики, бу

нарса Урсулага то Фернанда қизининг кинода бир эркак билан ўпишаётганини кўриб, бутун уйни оёққа турғизганида анча илгариеёқ ойдаи равшан эди.

Изтиробга кўмилган Меме, сиримни Урсула очиб қўйган, деб ўйларди. Аслида эса у ўзини-ўзи фош қилган эди. У кўпдан буён кетидан ҳатто кўрларда ҳам шубҳа уйғотувчи из қолдириб келар, Фернанда уларни табиби ғайблар билан махфий суҳбатларга берилиб, алаҳсиб қолгани боис сал кечроқ пайқаган эди. Аммо шундай бўлса-да, у ахийри қизининг гоҳо узоқ вақт индамаслигини, гоҳо тўсатдан сесканиб тушишини, кайфияти кескин ўзгаришини ва ўзбилармон бўлиб қолганини пайқади. Фернанда Мемени яширинча кузата бошлади. Дугоналари билан сайрга чиқишга рухсат берар, шанба байрамларида кийинишига ёрдамлашар, ҳушёр тортирадиган ўринсиз саволлар бермасди. Фернанда, Меме унга бир нарсани айтиб, аслида эса бошқа нарса қилишини исботловчи анчагина далиллар тўплаган бўлса-да, асосий далилни кутиб, ўз гумонини билдирмасди. Бир куни кечқурун Меме отаси билан кинога боришини айтди. Орадан бир оз вақт ўтгач, Фернанда Петра Котеснинг ўйидан учирилаётган байрам мушакларининг қарсиллашию Аурелиано Иккинчи чалаётган аккордеон садоларини эшитди. Шунда у атай кинога борди ва нимқоронғиликда биринчи қаторда ўтирган қизини кўрди. Шубҳаси тўғри чиққанидан ҳаяжонга тушган Фернанда Мемени ўпган эркакни яхшилаб кўриб олишга улгурмади, лекин қийқирув, ҳуштак ва қулоқни батанг қиладиган қаҳқаҳа орасида унинг ҳаяжонли товушини, «Кечир мени, севгилим», деганини эшитди ва шу заҳотиёқ, ҳеч нарса демасдан, қизини залдан тортиб чиқди ва гавжум Турклар кўчаси бўйлаб шармандаларча судраб, уйга олиб келди-да, ётоқхонасига қамаб қўйди.

Эртасига эрталаб соат олтида Фернанда уйларига атайин йўқлаб келган одамни товушидан таниди. У ёш бўлиб, қайғули кўринарди. Меҳмон тўзиган сурп костюмда эди, сал пўримроқ кўриниш учун тиришқоқлик билан бўялган эски туфли кийиб олган, қўлида эса ўтган шанбада сотиб олган арзон шляпаси бор эди. У чўчиди, лекин обрў сақлади, эсанкирамади, ўзини шундай тутгани Фернанданинг таҳқирларидан асраб қолди. Оғир меҳнатдан қадоқ бўлиб кетган кир-чир қўлларини ҳисобга олмаганда, йигитда қандайдир туғма олижаноблик сезилиб турарди. Лекин Фернандага бу одамнинг оддий ишчи эканини билиш учун бир марта боқиши кифоя эди. Фернанда йигитнинг биттагина кўчалик костюми борлигини ва баданига банан компаниясининг марази сингиб кетганини пайқади. Уни оғиз очиргани қўймади. Ҳатто эшикдан ичкари киришга рухсат бермади. Зум ўтмай эшикни ёпди, чунки уй сариқ қапалакларга тўлиб кетди.

— Йўқолинг! — деди Фернанда. — Номусли одамлар орасидан сиздақаларга ҳеч вақт ўрин бўлмайди.

Йигитнинг исми Маурисио Бабилонья эди. У Макондода туғилиб ўсган бўлиб, банан компаниясининг устахонасида механик ёрдамчиси эди. Меме у билан тасодифан, Патриция Браун билан автомобилда плантацияга бораётганида танишиб қолганди. Ҳайдовчи бетоб бўлганлиги учун машина ҳайдашни Маурисио Бабилоньяга топширишган эди. Меме шофёр билан ёнма-ён ўтириб, бутун бошқариш системасини кузатиб борганди. Маурисио Бабилонья унга худди штатдаги шофёр сингари, ҳаммасини аниқ қилиб тушунтирди. У пайтлар Меме жаноб Брауннинг уйига эндигина қатнай бошлаган эди ва автомобилъ ҳайдаш аёлларнинг иши эмас, деб ҳисобларди. Шу сабабли ҳам, Маурисио Бабилоньянинг назарий маълумотлари билан чекланиб, уни бир неча ой давомида қайта кўрмаган эди. Сайр мобайнида Меме йигитнинг мардонавор жозибаси диққатини тортганини, аммо фақат кўпол қўллари ёқмаганини ва уни ўзини такаббурона тутаркан, дея Патриция Браун билан муҳокама қилишганини эслади. Шанба кунларининг бирида Меме отаси билан кинога борди ва яна Маурисио Бабилоньяни учратди. У ўзининг ўша сурп костюмида бўлиб, сал нарида ўтирарди. Қиз фильм уни унчалик қизиқтирмаётганини сизди. Фильм тугагач, Маурисио Бабилонья Аурелиано Иккинчи билан сўрашгани келди ва шунда Меме уларнинг танишлигини билди. Йигит қизнинг отасига иззат-икром билан муомала қилди. Маурисио Бабилонья илгари Ғамгин Аурелианога қарашли кичкинагина электростанцияда ишларди. Улар салом-алиқдан нари ўтишмаган, хилватда учрашишмаган эса-да, бир куни кечаси ногаҳон Меменинг тушига Маурисио уни кема ҳалокатидан қутқариб қолгани, у эса ташаккур билдириш ўрнига қаҳр-ғазабдан тўлиб-тошгани кирди. Уйғонганида эса Маурисиони ёмон кўриб қолмаганини, аксинча, у билан учрашишга зўр бир хоҳиш сизди. Ҳафта яқунланар экан, унинг истаги янада ортиб, шанба куни чидай олмайдиган даражага етди. Маурисио у билан кинода саломлашганида, қизнинг юраги қинидан чиқай деди. Меме унга илк бор қўл узатди ва Маурисио Бабилонья илк бор унинг қўлини сиқди. Меме ҳаяжонини тута олмагани учун бир сония афсусланди, аммо унинг ҳам қўли терга ботгани ва муздай совуқ эканини сезгач, ўкинчи мамнуниятга айланди. Кечаси Мемега, агар Маурисио Бабилоньяга унинг умидлари беҳуда эканини исботлай олмаса, ҳеч

қачон ором билмаслиги аён бўлди. Қизнинг дугонаси Патриция Браунни автомобиль томоша қилишга кўндириш учун қўллаган найранглари ҳам самара бермади. Ниҳоят, малласоч америкалиқнинг Макондога келганидан фойдаланиб, йигитни гўёки янги автомобилларнинг моделларини томоша қилиш баҳонасида гаражга етаклаб борди. Лекин Меме Маурисио Бабилонья билан яққа қолиш истагида ўртанаётганини тушунди. Шу заҳотиёқ эшик бўсағасида пайдо бўлган Маурисио Бабилонья ҳам истагини пайқагани қизнинг қизини чиқарди.

— Мен янги моделларни кўргани келдим,— деди Меме.

— Нима ҳам дердик, бу — ёмон баҳона эмас,— дея жавоб берди йигит.

Унинг такаббурлиги Мемени нақ кўйдириб ўтгандек бўлди ва қиз Маурисио Бабилоньяни камситиш йўлларини ахтара бошлади. Лекин йигит бунга имкон бермади. «Қўрқманг,— деди у товушини пасайтириб.— Аёллар эркаклар дардида биринчи марта жинни бўлишаётгани йўқ». Меме ўзини шу қадар ожиз ҳис қилдики, ҳатто янги машиналарига ҳам қиё боқмасдан гараждан чиқиб кетди ва туни билан каравотда у ёндан бу ёнга тўхтовсиз ағдарилиб чиқди, ғазабдан ўпкаси тўлиб-тўлиб йиғлади. Очиғини айтганда, унга бир вақтлар ёқа бошлаган малласоч америкалик Маурисионинг олдида гўдакдек туюларди. Худди ўша кезларда у сариқ капалаклар Маурисио Бабилоньянинг келишидан дарак эканини сезди. Қиз капалакларни илгари ҳам гаражда кўрган ва ўзича, уларни бу ерга бўёқ хиди олиб келган бўлса керак, деб ўйларди. Концертдами, кинодами, черковдаги ибодатдами, Меме сариқ капалакларни кўриб, Маурисио Бабилоньянинг қаерда эканини аниқ айта оларди. Бир куни Аурелиано Иккинчи тинимсиз айланавериб жонига теккан бу капалакларга лаънат ўқиганида, Меме отасига сир айтиб қўйишига сал қолди; ахир, у муҳаббати ҳақида унга гапириб беришга сўз берганди-да. Аммо нозик бир туйғу отаси бу гал ҳар сафаргидек: «Агар онанг билганида борми!» дея қулиб юбормаслигини айтиб турарди. Эрталаб, Фернанда билан Меме атиргулларни бутлаётганида, Фернанда кўтилмаганда дод солди ва жон талвасасида қизини турган жойидан четроққа етаклаб чиқди — боғнинг худди ўша еридан Гўзал Ремедиос осмони фалакка парвоз қилганди. Фернанданинг назарида, ўша мўъжиза яна юз бериб, ҳозир қизи учиб кетадигандек туюлди. Аммо Фернандани аслида капалаклар саросимага солган эди. Улар Меменинг кўз олдида шу қадар қутилмаганда пайдо бўлишдики, гўё тўғридан-тўғри қуёш тарафдан ёғду бўлиб учиб келишгандек эди. Қизнинг юраги шув этиб кетди. Ўша заҳотиёқ боққа Маурисио Бабилонья кириб келди ва қўлидаги қоғоз халтани тутиб, Патриция Браун юборибди, деб айтди. Меме уятдан қизаринқиради, лекин ўша заҳотиёқ ўзини тутиб олди, илтифот юзасидан жилмайиб, менинг қўлимга лой юқибди, илтимос, халтани галереяга элтиб қўйсангиз, деди. Фернанда йигитни илгари бир гал боғда кўрганини ҳам остонадан ҳайдаб юборганини ҳам эслай олмади. У меҳмоннинг дардчил заъфарон ранги рўйига эътибор берди, холос.

— Жуда ғалати одам экан,— деди Фернанда.— Куни битгани юзидан билиниб турибди.

Меме, онам капалакларни ханузгача эсдан чиқармаган экан, деб ўйлади. Гулларни буташни тугатгач, қўлини ювди-да, қоғоз халтани ётоқхонасига олиб кириб очди. Халтада худди хитой ўйинчоқларини эслатувчи, бир-бирига кийдирилган бешта қутича бўлиб, охиргисида ёзишни гўёки энди ўрганаётган одамнинг қўли билан «Шанба куни кинода кўришамиз», деган сўзлар битилган қоғоз ётарди. Меме роса кўрқиб кетди, чунки халта анча вақт галереяда турган ва Фернанда уни титиб кўрган бўлиши мумкин эди. Қизга Маурисио Бабилоньянинг ботирлиги ва топқирлиги маъқул тушди. Аммо унинг учрашувга албатта келади деган анойи ишончидан ранжиди. Меме шанба куни кечқурун отаси банд бўлишини биларди. Ўша ҳафта давомида шу қадар азоб чекдики, охири шанба куни отасидан, мени кинога кузатиб боринг, сеансдан сўнг яна олиб келасиз, деб ўтинди. Залдаги чироқлар ўчгунича, унинг боши узра сариқ капалаклар бетиним айланди. Чироқлар ўчди ва Маурисио Бабилонья унинг ёнига келиб ўтирди. Меме гўё даҳшатли гирдоб измига тушгандай эди, гўёки уни ёнида ўтирган, баданидан машина мойи анқиётган йигитгина қутқариши мумкин эди.

— Агар келмаганингизда,— деди у,— сиз мени бошқа ҳеч қачон кўролмасдингиз.

Меме тиззасида йигитнинг оғир қўлларини ҳис қилди ва шу ондан бошлаб иккови ҳам ожиз эмаслигини тушунди.

Қиз уни телбаларча севиб қолди. Уйқусини, иштаҳасини йўқотди ва танҳоликка юз тутдики, ҳатто отаси ҳам энди халал бераётгандек туюларди. Қаерда ва қачон бўлмасин, Маурисио Бабилонья билан учрашиш учун Фернандани чалғитишга ярайдиган ваз-корсонлар рўйхатини тузди, дугоналарини тамом унутди. Олдиниға қизга йигит кўполроқ туюларди. Улар биринчи марта гараж орқасидаги сайҳонликда ҳоли қолишганида, у Мемени шафқатсиз эзғилади ва тинка-мадорни

курутадиган ҳайвоний бир ҳолга келтирди. Кейинчалик Меме бу ҳам бир турфа эркалатиш эканини тушунди; бечора қиз оромини йўқотди, фақат севгилисининг ёди билан яшайдиган бўлди ва машина мойи ҳамда хлор жавҳарининг ақлни оздирадиган ҳидига бот ва бот маст бўлишни истади. Амаранта ўлмасидан сал илгари ногаҳон Меме сал ҳушёр тортди ва у муҳаббатнинг истиқболи йўқлигини англаб, аъзои-бадани титраб кетди. Сўнг у қартада фол кўрадиган аёл борлигини эшитиб, яширинча унинг олдига борди. Фолбин — Пилар Тернера Мемени кўриши биланоқ ҳамма гапни дарҳол тушунди. «Кел,— деди унга.— Буэндиаларга фол очиш учун қарта чийлаб ўтирмасам ҳам бўлади». Меме юз ёшли бу алвастинамо кампир ўзининг катта бувиси эканини билмади ва умрининг охиригача ҳам билолмади. Пилар Тернеранинг, севги азобидан фақатгина тўшак кутқазоди, деб айтган бепарда гапларидан кейин Меме бунга ишонмасди ҳам. Маурисио Бабилонья ҳам Пилар Тернеранинг фикрига мойил эди, аммо Меменинг йигитга ишонгиси келмас, у касби ишчи бўлгани учун ҳам шундай дейпти, деб ўйларди. Қизнинг фикрича, муҳаббатнинг бир тури иккинчи турини албатта нобуд қиларди, чунки оч одам еб тўйганидан кейин овқатга қарагиси келмай қолади-да. Пилар Тернера на фақат қизнинг саводини оширди, балки ўзи олдин Меменинг бобоси Аркадиони, кейин Аурелиано Хосени туққан тўр каравотини Меме билан йигитига бўшатиб беришга тайёрлигини айтди. У Мемега бемаврид ҳомиладорликдан қочиш йўлларини ўргатди, ва, бордику бундай бахтсизлик юз берган ҳолда, ҳомила туғул, ҳатто «Виждон азоби»дан ҳам халос этувчи ичимликлар тайёрлаш учун махсус рецепт берди. Бу суҳбатдан сўнг Меме ўзида худди дугоналари билан вино ичган кунидагидек жасурлик сезди. Лекин Амарантанинг ўлими туфайли ўйлаган режасини ортга сурди. Ун кунлик маърака давомида уйга йиғилган одамлар орасида бемалол кезиб юрган Маурисио Бабилоньядан бир зум ҳам ажралмади. Сўнгра узоқ давом этган аза ва мажбурий маҳсуллик севишганларни вақтинчалик бир-бирдан айриб қўйди. Ниҳоят, азобли тутқундан халос бўлиб, уйдан чиққан куни кечки пайт Пилар Тернераникига йўл олди. Қиз ҳеч бир уялмай, қаршиликсиз, нозу фироқсиз, ғоят катта лаёқат ва доно туйғулар аён этган ҳолда ўзини Маурисио Бабилонья измига топширди. Сергумонроқ эркак бўлса, унинг ҳолатини кўриб, э, бу аввал ҳам анча-мунчасини кўрган экан-да, деб ўйлаши ҳам мумкин эди.

Фернанда кинода Мемени Маурисио Бабилонья билан тутиб олган кечаси Аурелиано Иккинчи виждони қийналиб, агар Меме ўзи ваъда қилганидек дилини ёрса, дарди харна енгиллашади, деган умидда қизи қамаб қўйилган ётоқхонага кирди. Лекин Меме ҳамма гапни рад этарди.

Меме заррача ҳам чекмасди, аксинча, нариги хонада ётадиган Урсула унинг кечалари донг қотиб ухлашини, кундузи ўз ишларини хотиржамлик билан бажаришини, қанда қилмай овқатланишини ва овқатини ҳазм қилишда ҳеч бир қийналмаётганини биларди. Меме назорат остига олинганидан сўнг икки ойча ўтиб Урсулага Меменинг ювинишга ҳамма қатори эрталаб эмас, балки ҳар кечқурун соат еттида бориши эришроқ туюлди. Бир куни Урсула унга, одатда кечқурун мўрчада чаёнлар кўпайиб кетди, сал эҳтиёт бўл, деб айтганида, илгари мени Урсула сотган деб юрган Меме, катта бувисидан ўзини олиб қочди, Урсула эзма панд-насиҳатлари билан қизнинг жонига тегмаслик учун индамай қўяқолди. Қош қорайиши ҳаманоқ уйни сариқ капалаклар босарди. Ҳар кеч мўрчадан қайтаётган Меме, қаҳр-ғазабдан қақшаб, дори пуркаганча капалакларни қираётган Фернандага дуч келарди. «Балои офат бўлар,— деб нола қиларди Фернанда.— Тунги капалаклар бахтсизлик келтиради, деб менга бир умр уқтириб келишган». Бир куни Меме мўрчада ювинаётган пайт онаси унинг хонасига кириб, ҳаммаёқни капалак босиб кетганини кўрди. Уларни ҳайдаб чиқариш учун дуч келган латтани қўлга олди ва ҳар томонга сочилиб кетган, одатда бемаврид ҳомиладан асрайдиган хантал қоғозларини кўриб, даҳшатдан қотиб қолди: улар билан Меменинг кечки таҳоратлари орасида қандайдир боғлиқлик борлигини тушунди. Энди Фернанда аввалгидек қулай фурсатни кутмади. У эртасигаёқ шаҳарнинг янги алькальдини (алькальд ҳам Фернанда каби тоғлиқ эди) тушликка чақириб, ундан ташқари ҳовлига кечқурунлари қоровул қўйдиришни сўради, чунки назарида унинг товуқларини ўғирлашаётгандек туюларди. Орадан бир неча соат ўтгандан сўнг, мўрчага — чаёнлару сариқ капалаклар орасида, яланғоч, ҳаяжондан дир-дир титраб интизорлик билан кутган Меменинг олдига тушиш учун томнинг черепицаларини кўчираётган Маурисио Бабилоньяни қоровул отиб ярадор қилди. Умуртқа поғонасига қадалган ўқ йигитни умрбод тўшакка михлаб ташлади. Товуқ ўғриси деб ном чиқарган Маурисио Бабилонья қариб, батамом танҳоликда, бир марта ҳам нолимай, ҳеч нарсадан нафратланмай, ҳеч кимни сотмай, ширин хотиралар азобиди, уни бир дақиқа бўлса-да, ташлаб кетмаган сариқ капалаклар қуршовида оламдан ўтди.

Меме Буэндианинг ўғлини уйга олиб келишганида Макондони титратган машъум воқеалар булути уфқда рўй кўрсата бошлаган эди. Шаҳар шунчалар саросимада эдики, оилавий жанжал ҳеч кишининг юрагига сиғмасди. Фернанда фурсатдан фойдаланиб, чақалоқни яширмоқчи ва унинг дунёга келганини бутунлай сир сақламоқчи бўлди. У неварасини олиб қолишга мажбур эди. Ғўдакни шундай бир тарзда олиб келишган эдики, Фернанда ундан воз кечолмайдиган ҳолга тушди, шу сабаб, қалбининг тубида тугилган режасини амалга ошириб, уни ҳаммомнинг ҳовузчасига чўктириб юборишга журъат этолмади. У болани полковник Аурелиано Буэндианинг устахонасига яшириб қўйди. Санта София де ла Пьедадни, чақалоқни дарёда оқиб келган саватдан топдим, дея ишонтирди. Урсула эса тугилиш сирини билмай оламдан ўтди. Фернанда болага овқат бераётганида устахонага кириб қолган кичкина Амаранта Урсула ҳам чақалоқ саватда оқиб келганига ишонди. Ўзининг ёвуз хатти-ҳаракатлари билан Меменинг бахтиқаро қилган хотинидан батамом узоқлашган Аурелиано Иккинчи невараси борлигини фақат уч йилдан сўнг — невараси Фернанданинг алланарса билан машғул бўлганидан фойдаланиб (бола яланғоч эди), галереяга бир зумга чиққанида кўриб қолди; сочлари ҳурпайган бола одамга эмас, кўпроқ қомусларда тасвирланмиш одамхўрга ўхшарди.

Фернанда ўзининг шум қисматида бундай бешафқат қилиқни кутмаганди. Бола Фернанда энди умрбод ҳайдаб юбордим, деб ўйлаган шармандаликни яна қайтариб олиб келган эди. Ярадор Маурисио Бабилоньяни олиб кетишга улгурмаслариданоқ, у ҳамма изларини йўқотиш режасини тузиб чиққан эди. Эри билан маслаҳатлашмай, кичик жомадонга қизи учун уч сидра кийим жойлади ва поезд жўнаб кетишига ярим соат қолганида Меменинг ётоқхонасига кириб келди.

— Кетдик, Рената, — деди унга.

Фернанда қизига ҳеч нарсани тушунтирмади, Меме эса буни истамасди ҳам. У қаерга боришларини билмасди, аммо кушхонага ҳам боришга тайёр эди. У ташқи ҳовлида ўқ узилгани ва шу заҳотиёқ Маурисио Бабилонья оғриқдан дод солганини эшитган лаҳзадан бошлаб ҳеч нарса демади. Ва энди умрининг охиригача ҳеч нарса дея олмайди. Онаси ётоқхонадан чиқибни буюрганида на сочини тараган, на ювинган эди. У ҳеч нарсага, ҳатто боши узра айланаётган капалакларга ҳам эътибор бермай, худди ойпарастлардек поездга чиқди. Фернанда қизи атайлаб индамаяптими ёки бошига тушган кулфатдан гунг бўлиб қолдимиз, буни асло билолмади ва билишни истамасди ҳам. Меме ўтмишда сеҳрланган ерлардан ўтишганини сезмай қолди. У темир йўлнинг ҳар иккала тарафидаги поёнсиз ва серсоя банан плантацияларини ҳам кўрмади. У гринголарнинг жазирама ва чангдан қовжираб қолган боғларини, оқ уйларини, айвонда ўтириб қарта ўйнаётган калта шимли эркаклару оқ-кўкиш нимчали аёлларни кўрмади. Меме банан ортилган араваларни чанг-тўзонли йўллардан тортиб кетаётган хўкизларни кўрмади. У шаффоф дарёларда балиқлардай қувнаб ўйнашаётган ва дўнг кўкраклар билан поездлардаги йўловчиларнинг юрагига гўлғула солаётган қизларни, ишчилар истиқомат қиладиган ифлос ва хароб ёғоч уйчаларни кўрмади. Бу уйлар теварагида Маурисио Бабилоньянинг сариқ капалакларни учишар, эшиклар ёнидаги тувакларда сариқ ва заҳил болалар ўтиришар, поезд кетидан адабсиз сўзларни айтишаётган ҳомиладор аёллар туришарди. Илгари, қиз монастырь қошидаги мактабдан уйига қайтаётган пайтлари, бундай бир лаҳзали давҳалар унинг учун нақ байрам эди, энди эса юрагига заррача ҳам таъсир қилмади, уни четлаб ўтди. Меме ҳатто намиққан ҳовур уфуриб турувчи плантациялар тугаб, поезд испан кемасининг кўмирга айланган қолдиқлари ҳали ҳам қаққайиб турган қизғалдоқ даласини кесиб ўтиб, яна мусаффо ҳавога, бундан юз йил илгари қирғоқларида Хосе Аркадио Буэндианинг пуч хаёллари чилпарчин бўлган, суви ифлос ва кўпик босган денгиз ёнидан чиққанда ҳам деразага қарамади.

Кундуз соат бешда водийнинг сўнги станциясига келишди ва Фернанда Мемени вагондан чиқарди. Улар ҳансираб зўрға нафас олаётган от қўшилган, кўршапалакка ўхшовчи экипажга чиқишди ва маъюс шаҳар оралаб юришди; унинг кўз илғамас кўчалари денгиз сувидан шўрлаган замини узра Фернанда ёшлигида ҳар куни тушқи уйқу пайтида тинглаган куйга монанд мусиқа эшитиларди. Улар занг еб битирай деган темир деворларидан худди ўчоқдек иссиқ уфуриб турувчи, ёғоч гилдираги эса сувни човлаётган дарё пароходига кўтарилишди. Меме қаютага беркиниб олди. Фернанда унинг каравоти олдига қунига икки марта овқат солинган ликопча қўяр ва ҳар сафар қизининг қўли тегмаган овқатни қайтариб олиб кетарди. Йўқ, Меме очликдан силласини қуритишга аҳд қилмаган эди, унга ҳозир таом ҳиди ёқмас, ошқозони ҳатто сувни ҳам қайтариб ташларди. Фернанда

бу ҳақда орадан салкам бир йил ўтиб унга неварасини олиб келгунларича ҳеч нарса билмагани каби, Меме ҳам унга хантал қоғозлари ёрдам бера олмаганига шубҳа қилмасди. Темир деворларнинг доимий титраши ва пароход ғилдираги дарё тубидан кўтараётган сув ўтларининг сассиқ ҳидидан нафаси қайтганича тор каютада бораётган Меме, кунлар ҳисобидан адашганди. Энг сўнги сариқ капалак вентиляторнинг паррагига тушиб бобуд бўлгани, Маурисио Бабилонья ўлгани ва энди уни ҳаётга қайтариб бўлмаслигини англаганидан буён анча йил ўтганди. Аммо у севгилисидан воз кечмади. Улар Аурелиано Иккинчи ер юзидаги энг гўзал аёлни қидирган, саробларга тўла саҳролардан хачир миниб ўтишаётганларида ҳам, ҳиндулар солган сўқмоқ орқали тоққа кўтарилиб, сўнг ўттиз икки черков қўнғироқларидан таралаётган мотам куйига тўлган шаҳарнинг тош кўчаларига тушганида ҳам Меме у ҳақида ўйлашни қўймади. Улар ташландиқ бир уйнинг бурган ўсган хонасида тунашди. Фернанда деразалардаги аллақачон увадага айланган дарпардаларни олиб, яланг тахталарнинг устига тўшади. Тана сал кимирлади дегунча дарпардалар кулга айланарди. Меме қаердаликларини билди, чунки уйқуси келмай ётганида узоқ рождества арафасида уйларига руҳ сандиқда юборган қора либосли кавальеро ёнидан ўтганини кўриб, даҳшатдан титраб кетди. Эртаси куни ибодатдан кейин Фернанда мотамсаро бир бинога олиб борди. Меме, онасининг монастырь ҳақидаги ҳикоялари боис, бу бинони таниди. Фернанда идорада ким биландир гаплашаётганида, Меме испан епископларининг мойбўёқда чизилган қадимий портретлари илинган қабулхонада ўтираркан, юпун кийингани учун эгнида қора гулли юпқа матодан тикилган кўйлак, оёғида эса саҳро музидан тоб ташлаган баланд пошнали ботинка бор эди, совуқдан дир-дир титрарди. Витражлардан тушаётган сариқ нурлар билан йўғрилган меҳмонхонанинг ўртасида тураркан, Маурисио Бабилонья ҳақида ўйлади, сўнг эса идорадан қўлида Меменинг уч сидра ич кийими солинган жомадончани кўтариб, роҳибанинг шогирди — ниҳоятда гўзал қиз чиқди. Мемега яқинлашгач, у қўлини чўзиб деди:

— Юр, Рената.

Меме унинг қўлини ушлаб, итоат билан эргашди. Фернанда қизини сўнги марта кўрганида, у монастырь ҳовлисининг нариги тарафида бўлиб, ҳозиргина ёпилган темир дарвоза ортида роҳиба шогирдининг қадамига мослаб қадам ташлаб борарди. Меме Маурисио Бабилонья, ундан анқийдиган машина мойи, йигитнинг сариқ капалаклардан иборат мулозимлари ҳақида ҳар куни, то қариб, Кракок шаҳридаги зимистон бир шифохонада узоқ кузнинг эрта тонгида бир оғиз сўз айтмай, бегона одамнинг исми шарифида оламдан ўтунига қадар ўйлади.

Фернанда Макондога қуролланган жандармачилар қўриқлаб келган поездда қайтди. Йўлда уни йўловчилар юзидаги жиддийлик, шаҳар ва қишлоқ кўчаларидаги ҳарбий қўшинлар, содир бўлиши муқаррар аллақандай воқеаларнинг шарпаси таажублантирди. Аммо Фернанда Макондога етиб, Хосе Аркадио Иккинчи банан компаниясида ишловчиларни иш ташлашга ундаганини эшитмагунча гап нимадәлигини тушунмади. «Энди бизга шу етмай турувди, — деди ичида Фернанда. — Оиламизда анархиячи пайдо бўлибди». Иш ташлаш икки ҳафтадан кейин бошланди ва ҳамма хавфсизрагани каби фожиавий яқунланмади. Ишчилар яқшанба куни банан узмиш ва уни вагонларга юклашдан бош тортишди, уларнинг талаблари тамомила ҳаққоний бўлиб, ҳатто падре Антонио Исабель ҳам, худонинг иродасига мос, дея қўллаб-қувватлади. Айни воқеалар шаҳарни француз фоҳишалари билан тўлдиришдан бошқа ҳеч нарсага ярамайди, деб халқ орасида ном чиқарган Хосе Аркадио Иккинчининг жўн шахсини ғоят машҳур қилиб юборди. У ҳеч қандай маънисиз кemasozлик корхонаси қуриш мақсадида бир вақтлар уришқоқ хўрозларини сотганидек жасорат кўрсатиб, банан компаниясида назоратчи бўлиб ишлашдан воз кечди ва ишчилар томонга ўтиб кетди. Орадан сал фурсат ўтмай, Хосе Аркадио Иккинчини жамоат тартибига қарши уюштирилган халқаро фитнес агентси деб эълон қилишди. Ҳафтанинг даҳшатли миш-мишларидан қайғу босганича қоронғи тунда яширин йиғилишдан қайтаётган Хосе Аркадио Иккинчини йўлда пойлаб туриб отган номаълум одамнинг тўрттала ўқидан ҳам мўъжиза қутқариб қолди. Сўнги ойларда вазият шу қадар кескинлашдики, буни кўр Урсула ҳам сезди. Кампир гўё ўғли Аурелиано кўзғолон дардида оромини йўқотган ўша машъум кунларни яна бошдан кечираётгандек эди. У Хосе Аркадио Иккинчи билан ҳангомалашиб, у билан тажрибасини баҳам кўрмоқчи бўлди, аммо Аурелиано Иккинчи суиқасд уюштирилган ўша кечадан бери Хосе Аркадио Иккинчининг қўшхонасини ҳеч ким билмаслигини хабар қилди.

— Аурелианонинг ўзгинаси, — ҳайратланди Урсула. — Ҳақиқатан ҳам дунё айлана бўйлаб ҳаракатланаркан.

Фернанда бу кунларнинг ҳаяжонидан йироқда турарди. Меменинг тақдирини ундан сўрамай ҳал қилганлари учун дарғазаб бўлган эри билан қаттиқ жанжаллашганидан кейин, у ташқи дунёнинг ишларига аралашмай қўйди. Аурелиано Иккинчи қизини монастырдан албатта қутқаришни, агар лозим бўлса, бу ишда жандарма

ёрдамига таяниши мумкинлигини дағдаға қилганида, Фернанда унга, Меме роҳибаликни ўзи ихтиёр этди, деган ҳужжат кўрсатди. Ҳақиқатан ҳам бу қоғозга Меменинг ўзи имзо чекканди. Аурелиано Иккинчи Маурисио Бабилонья уйларига товуқ ўғирлагани келганига ҳеч қачон ишонмаганидек, хотини кўрсатган ҳужжатга ишонмади, аммо Фернанданинг ҳар иккала изоҳи виждонни тинчлантиришга, ўзини қийнамасдан Петра Котеснинг паноҳига яна қайтишга ва унинг уйида тағин қизғин вақтичоғлик ва тўкин-сочин базм уюштиришга ёрдам берди. Бутун шаҳарни қоплаган ваҳимадан бегона, Урсуланинг даҳшатомуз башоратларига парвойи фалак Фернанда, ўз режаси механизмнинг сўнги мурватларини буради. У клерк¹ унвонини олиш вазифасида турган Хосе Аркадиога узундан-узун мактуб йўллаб, унга синглиси Рената безгак иситмасига мубтало бўлгани ва бу оламни тарк этганини ёзди. Кейин Амаранта Урсулани Санта София де ла Пьедаднинг тарбиясига топшириб, табиби ғайблар билан Меме туфайли узилиб қолган ёзишмасини йўлга қўйди. У аввало телепатик операциянинг аниқ кунини тайинлади. Аммо улар Макондодоғи тўполонлар боқилмағунича операция қилиш эҳтиётсизлик бўлади, деб жавоб қайтаришди. Ниҳоятда сабрсиз, атрофдаги воқеалардан чала хабардор Фернанда, навбатдаги мактубида шаҳарда ҳеч қандай алғов-далғов бўлмаётгани, ҳамма гап илгари хўроз уриштириш ва кемасозлик шайдоси бўлган, эндиликда эса касаба союзда майнавозчилик қилаётган телбанамо қайнисининг аҳмоқона қилиқларида эканлигини ёзиб юборди. Чоршанба куни жазирамада, ҳали бир қарорга келиб улгуришмаганда, уларниқига қўлида сават кўтарган кекса роҳиба келди. Эшикни очган Санта София де ла Пьедад усти нафис тўрли сочиқ билан ёпилган саватни кўргач, кимдир бериб юборган совға деб ўйлади. Роҳибага саватни шахсан ва мутлақо махфий равишда Фернанда дель Карпио де Буэндиага топшириш буюрилган экан. Саватда Меменинг ўғли ётарди. Фернанданинг сочиқ-пири унга йўллаган хатида, бола икки ой илгари туғилди, онаси бир оғиз ҳам гапирмагани учун унинг истагини билолмадик, шу боис чақалоққа бобосининг шарафига Аурелиано деб исм қўйишни ўзимизга эп кўрдик, деб ёзганди. Фернанда тақдирнинг бундай таҳқирига қарши ичида ғалаён кўтарди, лекин буни роҳибага сездирмасликка кучи етди.

— Масалан, уни дарёдан оқиб келган саватдан топиб олдик, десак? — деди у жилмайиб.

— Бунга ҳеч ким ишонмайди.

— Ахир Муқаддас китобда шундай дейилганига ҳамма ишонади-ку, — дея эътироз билдирди Фернанда, — нега энди менга ишонилмас экан?

Орта қайтадиган поездни кутаётган роҳиба уларниқига тушиқ қилишга қолди. Гарчанд у бола ҳақида оғиз очмаган бўлса-да, шармандалиқка беихтиёр гувоҳ бўлиб турган бу кампирнинг суҳбати Фернанданинг юрак-бағрини эзарди. У ичида, ўрта асрдаги удум — ёмон хабар келтирган элчини осий одати қолиб кетганди-да, деб пушаймон ерди. Шунда Фернанда роҳиба жўнаб кетиши биланоқ чақалоқни бассейнга чўктириб юбораман, деб аҳд қилди, аммо бундай қилишга журъати етмади ва бу дардисардан худонинг чексиз марҳамати қутултирмағунича кутишга аҳд қилди.

Макондони қуршаган кескинлик дафъатан портлашга айланганида кенжа Аурелиано бир ёшга кирган эди. Хосе Аркадио Иккинчи ва касаба союзнинг яширин иш олиб боришга ўтган бошқа раҳбарлари ҳафтанинг охирида тўсатдан шаҳарда пайдо бўлишди ва банан зонасида намойишлар уюштиришди. Полиция тартибни сақлаш билан чекланди. Аммо душанбага ўтар кечаси касаба союз бошлиқларини ётган жойидан судраб чиқариб, оёқларига беш килоли кишан уришди ва провинциянинг бош шаҳридаги қамоқхонага олиб кетишди. Бошқалар қатори Хосе Аркадио Иккинчи ва Макондога сургун қилинган Мексика революциясининг курашчиси, таъкидлашларича, кимсан. Артемио Крус²га қариндош ва унинг жасоратларини кўрган полковник Лоренсо Гавиланни ҳам қамоққа олишди. Лекин орадан уч ой ўтар-ўтмас, уларни қўйиб юборишди, чунки ҳукумат ва банан компанияси маҳбуслар овқатига кетадиган харажат хусусида бир битимга келолмаганди. Бу сафар ишчиларнинг норозилигига озиқ-овқат сифатининг пастлиги ва ғоят оғир меҳнат шароити сабаб бўлган эди. Бундан ташқари, ишчилар уларга қоғоз пул эмас, балки бона, яъники, маҳаллий ҳукумат томонидан чиқарилган вақтинчалик пул тўланаётганидан шикоят қилишарди, чунки бонага компания магазиндан чўчка гўштидан бошқа ҳеч нарса харид қилиш мумкин эмасди. Хосе Аркадио Иккинчи бона системасининг моҳирини фош қилгани учун қамашган эди. У ушбу система компаниянинг савдо флотига кетадиган харажатни бир мунча камайтиришини, яъни банан ташийдиган кемалар қайтишда

¹ Клерк — айрим буржуа мамлакатларидаги идора хизматчисига бериладиган унвон.

² Артемио Крус — Мексика ёзувчиси Карлос Фуэнтеснинг «Артемио Круснинг ўлими» романининг бош қаҳрамони.

компания магазинлари учун мол олиб қайтишни, акс ҳолда кемалар Янги орлеандан банан ортилган портларгача бўм-бўш келишини тушунтирди. Ишчиларнинг қолган эътирозлари турмуш шароити ва медицина хизматига тааллуқли эди. Компаниянинг врачлари беморларга мутлақо қарамасди. Беморлар шифохона ёнида навбатга тизилишар, ҳамшира ким қандай дардга чалинганидан (бош оғриқми, ич оғриқми) қатъи назар, ҳар бирининг тилига мис купоросига ўхшовчи думалоқ дори қўйиб чиқарди. Бу шунчалар бемаъни даво эдики, болалар ҳам навбатга қайта-қайта туриб, ўзларига теккан думалоқ дориларни уйларига олиб бориб, лото ўйинида фишкалар ўрнида фойдаланишарди. Ишчилар қулай-қулай деб турган баракларда, ғоят тигиз аҳволда яшар эдилар. Илгари полковник Аурелиано Буэндиано жон-ҳолига қўймаган қора сюртуқли кекса адвокатлар эндиликда банан компаниясининг манфаатини ҳимоя қилишар, ишчилар қўйган барча айбларни миңг хил найранг билан рад этишарди. Ишчилар томонидан тузилиб, бир овоздан маъқулланган петициянинг банан компаниясига расмий равишда бориб етиши учун анча вақт ўтди. Жаноб Браун петициядан хабар топдию, ўзининг ҳашамдор, ойнаванд томли вагонини поездга тиркаб, фирманинг кўзга кўринарли вакиллари билан Макондодан ғойиб бўлди. Келаси шанба куни ишчилар компания бошлиқларидан бирини, уни домига илинтиришга розилик билдирган аёл билан яланғоч ҳолда тутиб олдилар ва петиция нусхасига имзо чекишга мажбур қилишди. Ғаламис қонунпарастлар эса судда бу одамнинг банан компаниясига мутлақо алоқаси йўқлигини таъкидлашди ва ўзини фирманинг одами қилиб кўрсатган ўша кимсани ҳукумат вакилларига айттириб, қаллоблиги учун қамашиб, ўзларининг ҳақ эканлигини исботламоқчи бўлишди. Кейинчалик ишчилар учинчи класс вагониде яшириниб ўтирган жаноб Брауннинг ўзини ҳам қўлга туширишди ва петициянинг қолган нусхасига қўл қўйдиришди. Эртасига у судга қақирилганда, сочлари қорага бўялган бўлиб, соф испан тилида гапирди. Адвокатлар бу одам Алабама штатидаги Пратвилл шаҳрида туғилиб ўсган, банан компаниясининг бош директори жаноб Жек Браун эмас, балки Макондода туғилиб ўсган ва шу ерда Дагоберто Фонсека дея исм олган киши эканини исботлашди. Ишчилар жаноб Браунни яна бир бор қўлга киритишга уринишгандан сўнг, қонунпарастлар жамоат жойларига элчихонанинг консули ҳамда маслаҳатчилари томонидан имзоланган, жаноб Брауннинг ўлимини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаларини илиб қўйишди; унда бош директорни Чикагода ёнғин ўчирувчи машина босиб кетгани айтилган эди. Бу мунофиқ ҳийлалардан толиққан ишчилар маҳаллий ҳукуматдан қўлни ювиб қўлтиққа уришди-да, олий суд органларига шикоят билан муурожаат қилишди. Аммо у ердаги лўттибоз қонуншунослар ҳам, банан кампаниясининг иши мавсумий бўлгани сабабли ишчиларни доимий хизматга тортиши мумкин эмас, демак, ишчиларнинг талаблари мутлақо қонунсиз, деб айтишди. Шундай қилиб, дудланган чўчка гўшти, шифобахш дорилар ва рожество ҳожатхоналари ҳақидаги гўёки уйдирма гапларга чек қўйилди ва суд тантанавор бир тарзда, банан компаниясида умуман ишчилар бўлмаган, деб эълон қилди.

Катта иш ташлашлар бошланди. Плантациялардаги ишлар таққа тўхтади, мевалар чирий бошлади. Бир юзу йигирма вагондан иборат эшелонлар темир йўл шохобчасида ҳаракатсиз ётарди. Шаҳар ва қишлоқлар ишчилар билан тўлиб-тошди: Турклар кўчасидаги «Ёқуб меҳмонхонаси»нинг бильярдхонасини навбат кутаётган ўйинчилар босиб кетганди. Армия жамоат тартибини қайта тиклаш учун буйруқ олган куни Хосе Аркадио Иккинчи бильярдхонада эди. Гарчи у башорат қилиш хусусиятига эга бўлмаса-да, бу хабарни полковник Херинельдо Маркес уни одамларнинг отилишини кўрсатишга олиб борган ўша узоқ тонгдан бери кутилаётган ўлим даракчиси дея қабул қилди. Кўнгилдаги ғашлик Хосе Аркадио Иккинчини доимий сиполик одатидан маҳрум этолмади.

У кўчага чиқди ва уларни кўрди. У ерда учта полк тўпланган бўлиб, барабан садоларию бир маромда ташланаётган қадамлардан ер ларзага келарди. Чарақлаган чошғоҳ бу кўп бошли аждаҳо нафасидан анқиётган қўланса ҳидга кўмилиб кетганди. Солдатлар паст бўйли, йўғон ва дағал эди. Улардан терлаган от ҳамда офтоб қиздирган хом тери ҳиди келарди, бу одамларда тоғлиқларга хос сассиз ва яширин довораклик сезилиб турарди. Гарчанд улар Хосе Аркадио Иккинчининг ёнидан қарийб бир соатдан буён ўтиб боришса-да, солдатларнинг сони оздай эди — улар бир неча бўлимадан иборат бўлиб, айлана бўйлаб бетиним бориб-келишаётгандек туюларди, чунки солдатлар бир онанинг фарзандлари каби бир-бирига ўхшарди. Улар сафар халталари ва флягалари залвори остида, найзали милтиқлар келтирган исноду кўр-кўрона итоатгўйлик ва ор-номус вабосини бир хилдаги бефаҳмлик билан кўтариб боришарди. Урсўла ўзининг кўрлик дунёсида ўтириб, уларнинг қадамларини эшитди ва бармоқларини букканча, қўлини тепага кўтарди. Санта София де ла Пьедад гул тикилган дастурхонни дазмоллай туриб, бир лаҳзага қотиб қолди ва «Ёқуб меҳмонхонаси» эшиги ёнида туриб, саф бўлиб

ўтаётган сўнги солдатларга қараётган ўғли Хосе Аркадио Иккинчи ҳақида ўйлай бошлади.

Ҳарбий ҳолат қонунларига кўра, қўшинлар ушбу можарода ўз зиммасига воситаликни олиши керак эди. Лекин аслида иккала томонни яраштириб қўйиш учун ҳеч нарса қилинмади. Солдатлар Макондонинг у бошидан бу бошига юриб, ўз кучларини кўз-кўз қилишгач, милтиқларини найзалари билан бир-бирига суюб қўйишиб, роса банан узишди, кейин уларни поездларга орта бошлашди. Шу пайтгача хотиржам турган ишчилар, қўлларига мачете кўтариб, штрейкбрехерларга қарши чиқишди. Улар компания кўргони ва мағазинларга ўт қўйишди, телефон ҳамда телеграф симларини узиб ташлашди, эндиликда пулемётдан ўқ узиб ўзига йўл очаётган поездларнинг ҳаракатини тўхтатиш учун темир йўлларни бузишди. Ариқларда сув билан қон қўшилиб оқди. Солдатлар электрлаштирилган паррандахонада ўтирган, бирорта туки тўкилмаган жаноб Брауннинг оиласи ва унинг ватандошларини хавфсиз жойга элтишди. Ҳокимлар ишчиларга, Макондога тўпланинглари, дея мурожаат қилишганда можаро бешафқат ва қирғинбарот граждандар урушига айланиш арафасида турарди. Мурожаатда, келаси жума куни вилоятнинг граждандар ва ҳарбий ҳокими келиб, можарони кўриб чиқади, дейилган эди.

Хосе Аркадио Иккинчи жума куни эрталабдан станцияга борганлар орасида эди. У қасаба союз раҳбарларининг яқинда бўлган йиғилишида қатнашган эди. Йиғилишда унга ва полковник Гавиланга халқ ичига кириш ва шароитга қараб уни бошқариш топширилди. Хосе Аркадио Иккинчи ўзини беҳузур сезарди. Қўшинлар станция ёнидаги майдон теграсига пулемёт ўрнатганини, банан компаниясининг темир панжара билан ўралган кўргончаси тўплар билан ҳимоя қилинаётганини эшитганидан сўнг, оғзида аллақандай шўр ва тахир бир таъм сезди. Соат ўн иккиларда станция ёнидаги майдон ва майдонга туташ кўчаларда кечикаётган поездни кутаётган уч мингдан зиёд одам — ишчилар, аёллар ва болалар тўпланди. Дастлаб, бу йиғин байрам сайлига ўхшаб кетарди. Турклар кўчасидан соябонли столлар ва ичимликлар сотиладиган дўкончалар келтиришгач, халқ интиқлик ва жазирама азобидан сал қутулгандек бўлди. Соат учларга яқин, расмий шахслар тушган поезд узоғи билан эртага кундузи келади, деган гап тарқалди. Кутавериш ҳафсаласи пир бўлган оломон чуқур хўрсинди. Тўртта пулемётнинг оғзи одамларга қаратилган станция павильони томига чиққан қандайдир лейтенант ҳаммани осойишталикка чақирди. Хосе Аркадио Иккинчининг ёнида тахминан тўрт ва етти ёшларда бўлган икки ўғлини эргаштириб олган семиз, ялангоёқ аёл турарди. У кичик ўғлини кўтариб олди ва Хосе Аркадио Иккинчини танимаса-да, катта ўғлимни кўтариб олинг, яхшироқ эшитсин, деб илтимос қилди. Хосе Аркадио Иккинчи болани елкасига ўтқизди. Орадан кўп йиллар ўтгач, бу бола ўшанда лейтенантнинг вилоят ҳукмдори чиқарган тўртинчи номерли декретини оғзига граммофон карнайи тутиб ўқиганини кўрганини айтганида, унга ҳеч ким ишонмайди. Генерал Карлос Кортес ва унинг секретари майор Энрике Гарсиа Исасанинг имзоси билан, саксон сўз ва уч моддадан иборат бу ҳужжатда иш ташлаганлар «жиноятчилар тўдаси» деб эълон қилинган ва солдатларга аямай ўқ узиш учун ваколат берилган эди.

Декрет қаттиқ норозилик уйғотди. Шунда томдаги лейтенантнинг ўрнини капитан эгаллади ва граммофон карнайини силкитиб гапирмоқчи эканини билдирди. Оломон яна жимиб қолди.

— Хонимлар ва жаноблар, — деди капитан паст ва сал толиққан товушда, — тарқалиб кетиш учун ихтиёрингизда беш минут вақт бор.

Муҳлат саноғи бошланишидан дарак берувчи горн садоси хуштак ва қичқириқларга кўмилиб кетди. Ҳеч ким жойидан қимирламади.

— Беш минут ўтди, — деди капитан ўша овозда. — Яна бир минутдан сўнг ўт очилади.

Муздай терга ботган Хосе Аркадио Иккинчи болани елкасидан тушириб, онасига берди. «Бу аблаҳлар отишдан ҳам тоймайди», деб пичирлади аёл. Хосе Аркадио Иккинчи унга жавоб қайтаришга улгурмади, чунки шу минутда аёлнинг гапини худди акс-садо каби баланд товушда такрорлаган полковник Гавиланнинг дўридоқ товушини эшитди. Вазият кескинлиги ва одамни ҳайратга солувчи осойишталикдан маст бўлган, шунингдек, ажалнинг даҳшатли нигоҳидан қотиб қолган оломонни жойидан кўзгатадиган куч йўқлигига ишонч ҳосил қилган Хосе Аркадио Иккинчи, оёғининг учига хиёл кўтарилди-да, олдинги қатордагиларнинг боши узра, умрида биринчи марта овозини баланд кўтариб қичқирди:

— Аблаҳлар! Шу бир минутни кетларингга тикинглари!

Капитан ўт очишни буюрди ва бирдан ўн тўртта пулемёт ўқ уза бошлади.

Штрейкбрехер — забастовка пайтида иш ташламаган ёки яшни давом эттириб, ишчилар синфига хиёнат қилганлар.

Аввалига бари ҳазилга ўхшаб туюлди. Гўё пахтавон ўқ отилаётгандек эди: пулемётлар қулоқни батанг қилиб отилар, ғазаб билан олов пуркар, аммо тифиз турган оломон орасидан на бирорта бақириқ ва на хўрсиниш эшитилар, гўёки бир дақиқада ҳаммалари ўқ ўтмайдиған тошга айланиб қолгандай эди. Ва бирдан кимдир «А-а-а, онажон!» дея ўлим талвасасида додладиги майдондаги қарахтлики тарқатиб юборди. Гўё кучли бир зилзила ёки вулдон, гўё тийиқсиз бир тошқин оломонни ларзага солди. Хосе Аркадио Буэндиа болани қўлига олишга зўрға улгурди. Кичик ўғлини кўтариб олган аёлни эса саросимадан югураётган оломон нарига суриб кетган эди.

Орадан кўп йиллар ўтгач, қўшилари ақлдан озган чол деб таҳқирлайдиған ўша бола Хосе Аркадио Иккинчи уни боши узра қандай кўтаргани ва гўёки ҳавода муаллақ туриб, оломонни қамраган даҳшат ичра сузиб, одамларни майдонга туташ кўчага бошлаганини бетиним гапиреди. Бола тепада туриб, айқаш-уйқаш оломон кўча бурчагига бурилганини ва у ердаги пулемётлардан ўқ узилганини кўрди. Кўпчилик бирваракайига: «Ўтинглар! Ўтинглар!» деб қичқирди.

Биринчи қатордагилар пулемёт ўқларидан қулади. Тирик қолганлар эса ерга ётиш ўрнига яна майдон томон бурилишди. Шунда даҳшату саросима аждаҳоси уларни думи билан уриб, пулемётлар бетиним отилаётган нариги кўчадан чиққан одамлар тўлқинига томон ирғитиб юборди. Одамлар қўрадаги моллар каби қамалиб қолишганди. Улар аста-секин ўз домига торта бошлаган баҳайбат гирдоб ичра айланишарди, чунки гирдоб теграси, худди пиёз арчилгани каби, пулемётлар ўти билан кесиб туриларди. Бола сирли бир сабабга кўра ўқ тегмаётган яланг жойда тиззаларини букиб чўқинаётган аёлни кўриб қолди. Оломон тўлқини ўша бир парча ерни, чўқинаётган аёлни, чарақлаб турган осмону ва Урсула Игуаран ўзининг беҳисоб хўрозқандларини сотиб ўлгурган бу қабиҳ оламни бу-бутунича ютиб юборишига бир лаҳза қолганида, Хосе Аркадио Иккинчи юзлари қонга беланиб қулаб тушаркан, болани бежавотир бир жойга ирғитишга улгурди.

Хосе Аркадио Иккинчи ҳушига келганида чалқанча ётар ва атроф қоронғи эди. У қандайдир узундан-узун ва шовқинсиз поездда кетаётганини тушунди; бошини қотиб қолган қон қахлами сиқиб турар, суяклари сирқираб оғрирди. Қаттиқ уйқуси келарди. Бу ерда — барча даҳшат ва разилликлардан беҳатар жойда, — бир неча соат мизғиш ўйида Хосе Аркадио Иккинчи камроқ оғриётган ёнига ағдарилди ва шундагина мурдалар устида ётганини англади. Бутун вагон ўликларга тўла эди. Фақат ўртада озгина бўш жой қолган эди. Мурдаларнинг совуқлигига қараганда, хунрезлик ниҳозисига етганидан бери уч-тўрт соат ўтгани билинди. Қолаверса, ўликларни поездга ортган одамлар уларни саржин қилиб тахлашга ҳам улгурган эдилар. Хосе Аркадио Иккинчи вагонма-вагон ўтиб, паровоз тарафга қараб эмаклади, поезд уйқуга кетган шаҳарлардан ўтганида, вагон тирқишларидан тушган ёруғда худди чириган бананлар каби денгизга улоқтириб юбориш учун олиб кетилаётган ўлик эркакларни, ўлик аёлларни, ўлик болаларни кўрди. Хосе Аркадио Иккинчи улардан иккитасини — майдонда шарбат сотиб юрувчи аёл билан полковник Гавилани таниди. Полковникнинг қўлида ҳамон тўғаси Мексика кумушидан қилинган камар бор эди. У саросимага тушган оломон орасидан шу камар ёрдамида ёриб ўтишга уринган эди. Биринчи вагонга етган Хосе Аркадио Иккинчи қоронғилик қаърига сакради ва сўнги вагон ўтиб кетгунга, қадар темир йўл бўйидаги ариқчада ётди. Умри бино бўлиб кўрган энг узун поездди шу эди — қарийб икки юзта юк вагонидан иборат составнинг бошига, охирига ва ҳатто ўртасига ҳам паровоз тиркалганди. Поездда на қизил ва на яшил чироқ бор эди, у рельслардан деярли товуш чиқармай, шиддат билан сирғаларди. Вагонларнинг томларига ўрнатилган пулемётлар ёнида солдатлар қорайиб кўринарди.

Ярим кечага яқин жала қўя бошлади. Хосе Аркадио Иккинчи қаерда тушиб қолганини билмасди. Лекин поезд келган тарафга қараб юраверса, бора-бора Макондодан чиқишини англади. Хосе Аркадио Иккинчи кийимлари шалаббо бўлиб, боши тарс ёрилгудек оғриб, ғира-шира тонг пайти шаҳар четидаги уйга етди. У кофе ҳиди анқийётган ошхонага кирди ва ўчоқ олдида бола кўтариб турган аёлни кўрди.

— Салом, — деди у зўрға. — Мен Хосе Аркадио Иккинчи Буэндиа бўламан.

У тирик қолганига батамом ишониш учун исми ва фамилиясини тўлиқ, ҳарфма-ҳарф айтди. Шунда қилгани яхши бўлди, чунки аёл эшикидаги ғамгин, ҳорғин, қонга беланган ва манглайига ажал тамғаси урилган одамни кўриб, уни арвоҳ деб хаёл қилган эди. Аёл Хосе Аркадио Иккинчи кийимлари ўчоқ устида қуригунича ўраниб олиши учун кўрпа олиб келди, ярасини ювгали сув иситди ва бошини танғишга тоза латта берди. Сўнг кичкина чашкада қандсиз кофе келтирди (аёл Буэндиалар кофе ни қандсиз ичишини эшитганди), кийимларини ўчоқ устига илиб қўйди.

Хосе Аркадио Иккинчи кофе ичиб бўлгунича бирор оғиз ҳам гапирмади.

— Улар уч минггача эди, — деб шивирлади у.

— Нима?

— Улганлар, — деб тушунтирди Хосе Аркадио Иккинчи. — Менимча, станцияга тўпланган барча одам.

Аёл унга таассуф билан қаради. «Бирортаям одам ўлгани йўқ, — деди у. — Қариндошининг Аурелиано Буэндиа давридан буён Макондода ҳеч қандай воқеа рўй бергани йўқ». Хосе Аркадио Иккинчи то уйига етгунича учта ошхонага кирди, учаласида ҳам «Бирорта одам ўлгани йўқ» деб айтишди. У вокзал майдонида батартиб тахланган столларни кўрди. Хунрезликдан гуё из ҳам қолмагандай эди. Ёмғир бетиним ёғаётган кўчалар бўм-бўш, маҳкам беркитилган уйларда ҳаётдан нишона йўқ эди. Эрталабки ибодатга чорлаётган кўнғироқларгина бу ерда ҳаёт борлигига яккаю ягона гувоҳ эди. Хосе Аркадио Иккинчи полковник Гавиланнинг эшигини қоқди. У илгари бир неча бор кўрган ҳомиладор аёл эшикни қарс этиб ёпиб қўйди. «У кетди, — деди чўчиб. — Ватанига қайтиб кетди». Электрлаштирилган паррандахонага кираверишда одатдагидек иккита маҳаллий полициячи турарди. Улар эгниларидаги плашч ва катак-катак шимда ёмғир остидаги тош ҳайкалларга ўхшаб кетишарди. Четроқ кўчада Антиль оролларида келиб қолган негрлар диний қўшиқ айтишарди. Хосе Аркадио Иккинчи ҳовли деворидан ошиб ўтиб, ошхонага кирди. Санта София де ла Пьедад ярим шивирлаб: «Эҳтиёт бўл, яна сени Фернанда кўриб қолмасин, у ҳали уйғоқ», деди. Аёл ўғлини «тувакхона»га бошлади, Мелькиадеснинг тўзиган йиғма каравотига жой солиб берди, кейин кундуз соат иккида, Фернанда уйқуга кетганида, яна бир хабар олиб, Хосе Аркадио Иккинчига деразадан овқат узатди.

Аурелиано Иккинчи жала боис ўз уйида тунади ва эртаси соат учгача ҳам ҳаво очилиб кетишини кутди. Санта София де ла Пьедад унинг қулоғига секингина, уканг келди, деб айтди. Аурелиано Иккинчи Мелькиадеснинг хонасига борди. У ҳам на майдондаги хунрезликка, на поездда мурдаларни денгизга олиб кетишганига ишонди. Чунки, кеча кечқурун Макондода ҳукуматнинг фавқулодда расмий ахбороти эълон қилиниб, унда ишчилар буйруққа бўйсуниб, саф-саф бўлиб, уйларига тинчгина тарқалгани айtilган эди. Шунингдек, ахборотда касаба союзнинг юксак ватанпарварлик руҳидаги раҳбарлари ўз талабномаларидаги икки пункт: медицина хизмати ислоҳоти ва бараклар ёнидан ҳожатхоналар қуриш талаби билан чегаралангани ҳам халққа маълум қилинган эди. Сўнг Аурелиано Иккинчи ишчилар ғалаёнини бир ёқли қилишган ҳарбий ҳукмдорлар бу ҳақда жаноб Браунга маълум қилганини ва жаноб Браун, ишчиларнинг янги талабларини қондиришга рози бўлиш билан бир қаторда, тузилган битимни компания ҳисобидан уч кунлик халқ сайли билан нишонлашга ваъда берганини эшитди. Аммо ҳарбийлар жаноб Браундан, битимни қачон имзолаш мумкин бўлади, деб сўрашганида, у чақмоқ тез-тез ёритиб турган деразага қараб, мужмалроқ бир ишора қилгани ҳам маълум бўлди.

— Ҳаво очилиб кетсин, — деди у. — Биз ёғингарчиликда ҳар қандай ишни тўхтатиб тураемиз.

Уч ой давомида ёмғир ёғмай, қурғоқчилик ҳукм сурган эди. Аммо жаноб Браун ўз қарорини эълон қилганидан сўнг бананзорлар узра Хосе Аркадио Иккинчини Макондо йўлда учратган ўша жала куя бошлади.

Кўшинлар энди казармага кўчишган эди. Солдатлар кундузлари шимларини тиззагача қайириб олиб, кўчаларда болаларга қўшилиб қоғоз қайиқ оқишишарди. Кечаси, комендантлик соати бошланганидан кейин эса, улар милтиқларининг кўндоқлари билан эшикларни бузиб, шубҳа остига олинганларни тўшакдан сўғуриб, номаълум жойларга олиб кетишарди. Жиноятчиларни, қотилларни ҳамда тўртинчи номерли декретни бузганларни қидириш ва ўлдириш ҳанузгача давом этар, аммо ҳарбийлар қурбонларнинг тақдирини билиш учун гарнизон бошлиғи идорасини тўлдиришган қавму қариндошлар олдида ҳам буни рад этишарди. «Менинг ишончим комилки, бу сизнинг тушингизга кириб чиққан, холос, — деб таъкидларди бошлиқ. — Макондода ҳеч нарса содир бўлгани йўқ, ҳеч нарса бўлмаётир ва ҳеч қачон ҳеч нарса бўлмайди ҳам. Макондо — толеи кулган шаҳар». Шу тариқа касаба союзнинг барча раҳбарлари нобуд этилди.

Фақат биргина Хосе Аркадио Иккинчи омон эди. Бир куни февраль кечаси уйнинг эшиклари милтиқ кўндоқларининг зарбидан ларзага келди. Уйдан чиқиб кетиш учун ҳанузгача ҳавонинг очилишини кутиб ўтирган Аурелиано Иккинчи эшикни очди ва плашчлари ёмғирда ивиб қолган лейтенант ва олти нафар солдатни кўрди. Улар ҳеч нарса демасдан хоналарни, шкафларни, ҳатто қазноқларни тинтув қилишди. Урсула хонасида чироқ ёқилганда уйғониб кетди. Тинтув давом этаркан, нафасини ичига ютиб ётди, аммо бармоқларини хоч шаклида букиб, солдатлар ўтган жойларни чўқинтириб турди. Санта София де ла Пьедад Мелькиадеснинг хонасида ухлаб ётган Хосе Аркадио Иккинчини уйғотишга улгурди, лекин энди қочиб бўлмаслиги аён эди. Санта София де ла Пьедад эшикни қайта кулфлади. Хосе Аркадио Иккинчи қўйлаги ва ботинкасини кийиб, каравотда ўтирганча,

солдатларни кута бошлади. Бу пайтда солдатлар заргарлик устахонасини тинтув қилишарди. Офицер осма қулфни очишга буйруқ берди ва қўлидаги фонарини чаққон бир силтаб, хонани кўздан кечирди: У иш столи, витраж, кислота солинган шиша идишларни, уй соҳиби қаерда қолдирган бўлса, ўша ерда ётган асбоб-ускуналарни кўрди ва бу хонада ҳеч ким яшамаслигини тушунди. Лекин шундай бўлса-да, Аурелиано Иккинчидан заҳарханда билан, мабодо заргар эмасмисиз, деб сўради. Кейин бу ер полковник Аурелиано Буэндианинг устахонаси эканини тушунди. «Шундай денг!» — деди офицер ва хонадаги чироқни ёқиб, жиддий тинтув ўтказишларини буюрди. Тинтувдан шишалар остидаги тунука банкада ётган ўн саккизта тилла балиқча ҳам омон қолмади. Офицер уларни столга ағдариб, ҳар бирини диққат билан кўриб чиқди ва шундан кейингина бир оз юмшади. «Агар рухсат берсангиз, битта балиқчани ўзимга олсам, — деди у. — Улар бир вақтлар кўзғолончиларга хизмат қиларди; аммо ҳозир эса тарихий ёдгорлик ҳисобланади». У жуда ёш, деярли ўсмир бўлса-да, ўзига бино қўйган эди. Аурелиано Иккинчи тилла балиқчани ҳадя қилганида офицернинг кўзлари қувончдан худди болаларникидай порлаб кетди, балиқчани чўнтагига яширди, қолганларини эса банкага солиб, эски жойига қўйди.

— Бебаҳо совға бу, — дея таъкидлади у. — Полковник Аурелиано Буэндиа бизнинг энг буюк одамларимиздан бири эди.

Аммо кўнглининг бир зум бўшагани унинг профессионал хатти-ҳаракатига заррача таъсир қилмади. Улар Мелькиадес хонасининг эшигига яқинлашганида Санта София де ла Пьедад энг сўнги ҳийласини ишлатди. «Бу ерда қарийб юз йилдан бери ҳеч ким яшамайди», — деди у. Офицер хонани мажбуран очтирди ва чироқ нуруни хона бурчакларига йўналтирди. Нур Хосе Аркадио Иккинчининг юзини ёритиб ўтди. Аурелиано Иккинчи билан Санта София де ла Пьедад унинг доп-қора кўзларини кўришди. Аммо офицер, то шкафга териб қўйилган етмиш иккита тувакка кўзи тушмагунча; ҳеч нарсани сезмай, хонани чироқ нурида текширишни давом эттирди. Тувакларни кўрганидан кейин тепадаги чироқни ёқди. Ҳар қачонгидан ҳам салобатли ва ўйчан, каравотнинг бир чеккасида ўтирган Хосе Аркадио Иккинчи ўрнидан туриб, хонадан чиқиб кетишга тайёрланди. Унинг ортида титилган китоблару қўлёзмалар турган тоқчалар, сиёҳдон қўйилган тоза стол кўринарди. Хонада Аурелиано Иккинчига болалигидан таниш ўша шаффоф ҳаво, чанг ва вайронгарчиликнинг кучи етмайдиган ва полковник Аурелиано Буэндиа сезмай ўтган вазият мавжуд эди. Аммо офицернинг бутун эътибори фақат тувакларга қадалган эди.

— Бу уйда қанча одам яшайди?

— Беш киши.

Афтидан, офицер ҳеч нарсага тушунмади. Унинг нигоҳи Аурелиано Иккинчи билан Санта София де ла Пьедад иккиси Хосе Аркадио Иккинчини кўриб турган жойга қададди. Энди Хосе Аркадионинг ўзи ҳам ҳарбий унга қараётганини, аммо кўролмаётганини тушунди. Офицер чироқни ўчирди ва эшикни секин ёпиб қўйди. У солдатлари билан гаплашганидан сўнг Аурелиано Иккинчи Мелькиадеснинг хонасини полковник Аурелиано Буэндиа қандай кўз билан кўрган бўлса, ёш ҳарбий ҳам ўшундай кўзда кўрганини англади.

— Бу хонага ростдан ҳам юз йилдан буён ҳеч кимнинг назари тушмаган экан, — деди офицер. — У ерда, менимча, илонлар ҳам бўлиши мумкин.

Эшик ёпилганида Хосе Аркадио Иккинчи уруш ниҳоясига етганига ишонди. Бундан бир неча йил илгари полковник Аурелиано Буэндиа унга урушнинг тортиш кучи ҳақида гапириб берган ва фикрларини ўз ҳаёти мисолида исботлаган эди. Хосе Аркадио Иккинчи унга ишонган эди. Аммо ўша кечаси, офицер уни кўролмайд тикилиб турганида, охирги ойларнинг даҳшатини, қамоқдаги маразликларни, станция майдонидаги вазвасани, ўликлар ортилган поездни эслади ва, полковник Аурелиано Буэндиа ё қаллоб, ё жинни экан, деб хулоса чиқарди. Уруш ҳиссини тасвирлаш учун кўп сўз ишлатиш беҳуда, бунинг учун биргина «кўрқув» деган сўз kifоя. Сўнги пайтларда бир сония ҳам хотиржам яшолмаган Хосе Аркадио Иккинчи ўзини ёмғир шовқинидан асраётган ва сеҳрли нурлари кўмагида кўзга кўринмас қилган Мелькиадеснинг хонасида ширин ҳаловат топди. Уни фақат бир нарса, «ишқилиб, тириклайин кўмиб юборишмасин-да», деган хавотир безовта қиларди. У Санта София де ла Пьедадга бу ҳақда гапириб берганида, аёл ўғлига, сени тириклай кўмиб юбормасликлари учун умримни чўзмаган, дея ваъда берди. Ниҳоят, барча қўрқувлардан халос бўлган Хосе Аркадио Иккинчи Мелькиадеснинг қўлёзмаларини ўрганишга киришди. Уларни қанча кам тушунса, шунча кўп иштиёқ билан ўрганарди. Икки ойдан сўнг сукунатнинг янги шаклига айланиб қолган ёмғир шовқинига кўникди.

Унинг танҳолигини фақатгина Санта София де ла Пьедаднинг ташрифи бузарди. Хосе Аркадио Иккинчи онасидан овқатни дераза тоқчасига қўйиб кетишни, эшикни қулфлаб ташлашни сўради.

Хосе Аркадио Иккинчининг тутқунлигига ярим йил тўлиб, ҳарбийлар Макондони тарк этганларидан кейин, ҳамон ёмғир тинишини кутиб ўтирган Хосе Аурелиано Иккинчи озгина валақлашмоқчи бўлиб, хона қулфини очди. Хонага кириши биланоқ, димоғига тувакларнинг ўткир ҳиди урилди. Полга тизилган ўнлаб тувакларнинг ҳаммаси ахлатга тўла эди. Сочлари тўкилиб кетган Хосе Аркадио Иккинчи нафасни қайтарувчи сассиққа эътибор ҳам бермай, қўлзма ўқирди. Унинг бутун борлиғи худди фаришталар каби шуъла сочарди. Очилган эшикнинг товушини эшитиб, столдан кўз узди. Акасига унинг нигоҳида катта боболарнинг тузалмас қисмати яна бир карра такрорланганини пайқашни учун шу бир лаҳза керак бўлди, холос.

— Улар уч мингдан зиёд эди, — деди Хосе Аркадио Иккинчи. — Имомим комилки, станцияга тўпланганларнинг сони шунча эди.

* * *

Ёмғир тўрт йилу ўн бир ой ва яна икки кун ёғди. Баъзан у гўёки тинаётгандек бўлар ва бундай пайтларда Макондо аҳли ҳаво очилиб кетишига умид боғлаб, байрамона кийинишар, юзларида эндигина соғая бошлаган беморларнинг журъатсиз табассумига ўхшаш табассум пайдо бўларди. Аммо тезда айни шундай ҳолдан сўнг ёмғир янада қаттиқроқ қуйиши аён бўлди. Момақалдиروқнинг қаттиқ гулдурлаши осмонни тилка-пора қиларди: шямолдан Макондога кучли бўрон ёпирилди, у тошларни кўчириб кетар, деворларни қулатар, плантациядаги сўнги банан дарахтларини таг-томири билан суғуриб ташларди. Аммо бу офат Урсула-шу кунлари тез-тез эслайдиган уйқусизлик каби ўзига қарши қандай чора кўриш лозимлигини айтиб турарди. Аурелиано Иккинчи бекорчиликка қарши энг фаол курашчи эди. Жаноб Брауннинг совуқ нафаси туфайли қуя бошлаган жала уни кечқурун аллақандай арзимас юмуш билан Фернанданинг уйига кириб қолган маҳали қаршилади. Фернанда эрига қайсидир шкафдан қидириб топган бузук соябонни берди. «Керак эмас, — деди Аурелиано Иккинчи. — То ёмғир тингунича мен шу ерда бўламан». Албатта, бу қасамёд бўлмаса-да, Аурелиано Иккинчи ўз сўзида қатъий туришга аҳд қилди. Унинг кийим-боши Пётра Котесникида қолгани ва энди у ҳар уч кунда уст-бошини ювиш учун ечиб, битта трусиди кийимларининг қуришини кутарди. Зерикмаслик учун унинг рахт-рехтини тузатишга киришди. Эшикларга ошиқ-мошиқ қоқди, қулфларни мойлади, тамбаларни мустаҳкамлади. У сўнги ойларида афтидан Хосе Аркадио Буэндиа давридаги лўлилардан қолиб кетган асбоб-ускуналар солинган қутини қўлтиғига қистирганча кезишни кўриш мумкин эди. Жисмоний меҳнатданми, ўта зерикшданми, ёки базмлардан мажбуран ўзини сақлаётганиданми, ишқилиб, қорни виноси бўшатилаётган меш сингари аста-секин кичраяр, бағбақасидаги қўшқаватлик, улкан тошбақанинг тумшугига ўхшовчи юзидаги тўқ қизил шуъла йўқолиб борарди. Ниҳоят, Аурелиано Иккинчи шу даражада оздики, ботинкаларининг ипини ўзи боғлайдиган бўлди. Унинг тиришқоқлик билан эшик лўкидонини тузатаётганини, осма соатни қисмларга ажратаётганини кўрган Урсула, полковник Аурелиано Буэндиа тилла балиқчалар ясагани, Амаранта кафан тўдиганию тугмаларни қайта қадагани, Хосе Аркадио Иккинчи қўлёмаларни ўқиётгани ва Урсула ўз хотираларини бетиним кавлаётгани каби беҳуда ишлар билан шуғулланипти, деб ўйлади. Лекин аслида бундай эмасди. Ёмғир шунчаки ҳамма нарсани остин-устун қилиб ташлаган, агар уч кун ёғланмаса, ҳатто темир механизмларнинг мурватлари орасидан ҳам гул униб чиқар, газмолларнинг ялтироқ иплари занг билан қопланар, нам тортган кийимлардан эса заъфарон сув кўкатлари ўсиб чиқарди. Ҳаво шу қадар нам эдики, балиқлар очиқ эшиклар орқали уйга кириб, хоналар бўйлаб сузганча, очик деразадан чиқиб кетиши мумкин эди. Бир куни эрталаб Урсула ғоят ҳолсизланиб уйғонди. Умри оз қолганини сезиб ўзини замбилга солиб падре Антонио Исабелнинг олдига олиб боришларини сўрайман деб турганида, Санта София де ла Пьедад кампирнинг орқаси зулуқлар билан тўлиб-тошганини билиб қолди. Қондан шишиб кетган бу ярамас жониворлар Урсуланинг сўнги қонини сўриб битирмаслиги учун, уларни чала куйган палён билан куйдиришди ва битталаб кўчириб олишди. Уйдаги сувларни чиқариш учун ариқ қазишга, хоналарни қурбақаю чиғаноқлардан тозалашга тўғри келди, ана шундан кейин полларни ювиш, каравотларнинг оёқлари остидаги ғишларни олиб ташлаш ва ботинкада юриш мумкин бўлди. Дикқати юзлаб майда юмушларга чалғиётган Аурелиано Иккинчи қариётганини сезмасди. Аммо у бир куни кечқурун тебранма курсида, қоронғиликка тикилиб, Пётра Котес ҳақида ўйларкан, дафъатан қариганини сезиб қолди. Ёши ўтгани сайин янада очилаётган Фернанданинг ширин бағрига яна қайтишига ҳеч нарса халақит бермасди. Аммо ёмғир унинг барча истакларини

ювиб юборди ва қалбини тўйган одамга хос лоқайдликка тўлдирди. Аурелиано агар бир неча йилга чўзилган бундай ёмғир илгари содир бўлганида, нималар қилиши мумкин эканини эслаб, мийиғида жилмайиб қўйди. У Макондога биринчилар қатори, ҳали банан компанияси тунука томларни модага киритмасидан анча илгани, оқ тунука олиб келган эди. У тунукаларни фақат бир мақсадда — уларни Петра Котеснинг томига қоплаш учун харид қилган эди. Ёмғир шовқини уйғотадиган тентакликлару ёшлиқдаги ғалати-ғалати қилиқларини эслаш ҳам Аурелиано Иккинчини ҳаяжонлантирмади, гуёки у охири айш-ишратда ўзининг барча ҳис-туйғуларини сарфлаб бўлгандай эди. Бунинг эвазига ўтмиш қувончлари тўғрисида ғам-ғуссасиз, ўкинмай ўйлашдек ажойиб хислатга эга бўлди. Бир қарашда, ёмғир ниҳоят унга бемалол ўтириб ўй суриш имкониятини яратгандек, ёғдону асбоб-ускуналар солинган қути эса у шуғулланиши мумкин бўлган, аммо шуғулланмаган ишларга нисбатан қалбида соғинч уйғотгандек туюларди. Аслида эса бундай эмасди. Аурелиано Иккинчининг бирданига ўтроқ бўлиб қолгани ва уйда саранжом-саришталик ўрнатишга ружу қўйгани хотирага ёки бирор ачиқ тажрибага боғлиқ эмасди. У ёмғир ваҳждан шундай қиларди, бошқача айтганда, ёмғир уни бир замонлар Мелькиадеснинг хонасига кириб, учаргиламлар, бутун бошли кемаларни экипажи билан қўшиб ютиб юборувчи китлар ҳақидаги сеҳрли эртакларни ўқиган узоқ ёшлигига қайтарди. Фернанданинг қаровисиз қолган кенжаси Аурелиано бир куни галереяга югуриб чиқиб қолди. Аурелиано Иккинчи бир қарашдаёқ бола ўзининг невараси эканини ҳис қилди. Гўдакнинг сочини олди, кийинтирди, одамлардан чўчимасликка ўргатди ва тез орада ҳеч ким боланинг росмана Аурелиано Буэндиа эканига шубҳаланмайдиган бўлди. Унинг ёноқлари туртиб чиққан, қарашлари ҳайратга тўла, кўриниши ёлғизликдан дарак берар ва умуман унда Буэндиа зотига хос барча хислатлар мужассам эди. Фернанда ҳам инсофга келди. У анчадан бери ўз такаббурлигини жиловлашга уринар, айна вазиятдан чиқиш йўлларини излаб боши қотарди. Агар у Аурелиано Иккинчи неварасини шу қадар илиқ ва меҳрибонлик билан қарши олишини билганида, болани унга олдинроқ кўрсатар эди ва, эҳтимолки, жигарбандини ўлдиришни хаёлига ҳам келтирмаган бўларди. Тишлари бир тушиб чиққан жиянча Амаранта Урсулага овунчоқ эди. Иккови зерикарли ёмғир кунлари ўйин ўйнашарди. Бир куни Аурелиано Иккинчи ҳамма эсидан чиқариб юборган инглиз энциклопедияси Меменинг хонасида ётганини эслади. У болаларга китобдаги расмларни, узоқ ўлкалар манзарасию ҳайвонларнинг тасвирини, сўнг география хариталарини, машҳур кишиларнинг портретларини кўрсата бошлади. Аурелиано Иккинчи инглиз тилини билмас ва энг машҳур шаҳарлару тарихий шахсларнигина қийналиб-қийналиб топар, шу боис, расмлардаги бошқа одамларга ўзи исм кўяр, уларга атаб афсонавий номаи аъмол тўқир, ишқилиб, синчков болаларнинг бирорта саволини ҳам жавобсиз қолдирмас эди.

Фернанда, ҳаво очилиб кетса бас, эрим яна жазмани ёнига кетади, деб ишонарди. Ёмғирнинг илк ойларида у эрининг ётоғига киришга ботинолмади, агар кирса, Амаранта Урсула тўққанидан кейин ўзининг хотинликка ярамай қолганини хижолатдан қизариб бўлса-да, эрига айтишга мажбур бўларди. Айна ҳадик ваҳждан бечора аёл табиби ғайблар билан ёзишмасини кучайтирди, лекин ёзишма почтанинг ёмон ишлаши туфайли тез-тез узилиб қоларди. Ёмғирнинг биринчи ойларида қаттиқ довул туриб, бир қатор темир йўл ҳалокатларига сабаб бўлди ва Фернанда табиби ғайблар юборган хатни ўқиб, ўзининг мактублари уларга етиб бормаганини англади. Кейинчалик, ёзишма бутунлай тўхтаб қолгач, у эри ўша қонли маскарадга кийиб борган йўлбарс ниқобини юзига тортиб, банан кампанияси врачларига бегона исм-фамилия остида учрашиш ҳақида жиддий ўйлай бошлади. Аммо тошқин офатларини сўзлаб юрувчи таниш аёлдан компания шифохонаси қурғоқчил ўлкаларга кўчиб кетганини эшитди. Фернанданинг умидлари пучга чиқди, тақдирга тан бериб, ёмғир тинишини ва почта алоқаси қайта тикланишини кутишга аҳд қилди. Энди пинҳоний дардини ўзи даволарди, чунки Макондода қолган ягона доктор — молга бериладиган ўтти ейдиган ғалати француз докторига боришдан ўлим афзал кўринди. Фернанда, бирор ёрдами тегиб қолар, деган умидда Урсула билан иноқлашиб олди. Бахтга қарши, бечора Фернанда нарсаларни ўз номи билан атамасди, шу боис, сабабни оқибат, ички ҳодисаларни эса ташқиси билан алмаштиришга, яъники ичидан қон кетишини шунчаки иситма деб аташга мажбур бўлди. Натижада Урсула, унинг дарди бачадонида эмас, балки ошқозонида, деб хаёл қилди, Фернандага қарамелдан тайёрланган дори ичишга маслаҳат берди. Агар бошқа аёллар каби очиқ-сочиқ бўлганида эди, Фернанда ёмғирга эътибор ҳам бермасди, чунки аввалбошдан худди рутубатли бир муҳитда ҳаёт кечирарди. У овқатланиш вақтини ҳам, оиладаги ўзи жорий қилган бошқа удумларни ҳам ўзгартирмади. Столларнинг оёғига гишт қўйишарди. Овқат пайти хўрандаларнинг оёқлари ҳўл бўлмаслиги учун курсилар қалин тахта устида турарди. Фернанда ҳамон голланд матосидан

тикилган дастурхонга чинни идишларни териб, кечки овқатдан олдин ҳамиша шам ёқарди. Унинг фикрича, табиий офат анъаналарни муқим сақлашга ғов бўл-
лолмасди. Ҳеч ким уйдан кўчага чиқмасди. Фернандага қолса эди, у барча
эшикларни очилмас қилиб миҳлаб ташлаган бўларди. Лекин шунга қарамай,
ўйлари ёнидан полковник Херинельдо Маркеснинг жасади солинган тобутни
кўтариб ўтишаётганларида, Фернанда биринчи бўлиб деразага югурди, аммо ним
очиқ деразадан кўрганлари ҳафсаласини пир қилдики, Фернанда оний ожизлиги
учун ўзини анча вақтгача қойиб юрди.

Бундан ғариброқ дафн маросимини ҳатто тасаввур ҳам қилиб бўлмасди. Тобут
ҳўкизлар қўшилган оддий аравага ортилган бўлиб, арава устида банан барглари-
дан қилинган пешайвон силкиниб турарди. Ёмғир тўхтамай қуяр, ғилдираклар
ярмигача лойга ботиб қоларди. Тобут устига ёпилган жиққа ҳўл-байроққа шаррос
сув қуйиларди. Бу ўша порох ҳиди ва қон сингиб кетган, эндиликда барча
ветеранларнинг ғазабини кўзғатадиган байроқ эди. Тобут устида ўша полковник
Херинельдо Маркес Амаранда чеварлик қиладиган хонага киришдан олдин
даҳлизда қолдирадиган зардўзи попукли қилич қўйилганди. Неерланд сулҳидан
сўнг тирик қолган сўнгги ветеранлар шимларини тиззаларигача кўтариб,
айримлари ялангоёқ ҳолда, бир қўлда ҳасса, иккинчисида ёмғирдан ранги ўчиб
кетган қоғоз гулчамбар ушлаганича, лой кечиб, тобут ортидан боришарди. Улар
ҳалигача полковник Аурелиано Буэндиа номи билан аталиб келадиган кўчадан
худди арвоҳлардек ўтишарди. Ногаҳон улар, худди буйруқ олгандек, пол-
ковник уйи томон юз буришди, сўнг уйдан узоқлашиб, майдонга чиқишди. Бу
ерда улар маросим иштирокчиларидан ёрдам сўрашга мажбур бўлишди, чунки
дафн араваси лойга ботиб қолганди. Урсула Санта София де ла Пьедадага, мени
эшик олдига элтинглар, деб илтимос қилди. У маросим иштирокчиларига шу қадар
диққат билан тикилардики, одамлар, кампир ҳамма нарсани яққол кўряпти, деган
хаёлга боришди.

— Алвидо, Херинельдо ўғлим! — деб қичқирди Урсула. — Жигаримга
дуомни етказ, айтки, биз ҳаво очилган куни албатта учрашамиз.

Аурелиано Иккинчи катта бувисини яна ўрнига элтди. Сўнг одатдагидек
беандишалик билан, бояги гапингиздан муддао не, деб сўради.

— Бор гапни айтдим-да, — дея жавоб қайтарди Урсула. — Ёмғир тўхташи
билан бу оламдан кетаман.

Кўчаларни босган балчиқ Аурелиано Иккинчини безовта қила бошлади ва
елкасига брезент ёпганича, Петра Котесникига йўл олди. Петра Котес ҳовлида
бели баробар сув кечиб, ҳаром қотган отнинг ўлигини жойидан кўзғатишга
уринарди. Аурелиано Иккинчи қўлига ҳода олиб ёрдамлашди. Отнинг шишиб
кетган баҳайбат танаси бир чайқалди-да, лойқа сувда оқиб кетди. Петра Котес
ёмғир бошлангандан буён ҳовлисини мол ўлигидан тозалаш билан банд эди.
Петра Котеснинг куз ўнгида ўйлаб ҳайвонлар ҳалок бўлар, у баъзиларини ҳалоллаб
қоларди, Петра Котес жазманини кўрганида на ҳайратланди, на қувонди ва на
жаҳли чиқди, кинояли жилмайиб қўйди, холос.

— Хуш келибдилар! — деди Петра Котес.

Аёл қариб, эти суягига ёпишиб кетган, бодом кўзларидан бениҳоя маъюслик
ва тақдирга тан бергани кўриниб турарди. Аурелиано Иккинчи тагин елкасига
брезент ёпиниб юришдан эрингани боис, Петра Котесникида уч ой қолиб кетди.
«Қаергаям шошиламан, — деди у, худди Урсулага ўхшаб. — Ҳавонинг очилишига-
ям озгина қолди. Ва бир кечаси қисман истак ва қисман таъмагирлик таъсирида,
Петра Котесни эркалатиброқ туртди. Аммо аёл лоқайд эди. «Тинчгина ухла, — деб
тўнғиллади у, — ҳозир тентаклик қиладиган вақт эмас». Аурелиано Иккинчи
шифтдаги кўзгуларда ўзини ва Петра Котеснинг сўлғин аксини кўрдию аёлнинг
ҳақлигини тушунди. Англадикки, вақт ҳеч ўзгармаган, лекин уларнинг ўзлари энди
ширин тентакликларга ярамай қолишган эди.

Аурелиано Иккинчи Фернанданинг уйига сандиқларини кўтариб келди.
У кўчалардан ўтаркан, кўзлари мурдаларникидек қотиб қолган одамларни кўрди.
Улар қўлларини қовуштирганча деразалари олдида ўтириб, вақтнинг яхлит,
бўйсунмас, тартибсиз оқимини бутун вужудлари билан ҳис қилишарди. Ёмғирга
тикилишдан бошқа ҳеч нарса қилиб бўлмагани учун ҳам, вақтни ой ва йилларга,
куну соатларга бўлиш бефойда эди. Болалар Аурелиано Иккинчини қувона-қувона
кутиб олишди. Энди у болаларни эскириб қолган, овози зўрға чиқадиغان
аккордеони билан овута бошлади. Лекин Буэндиаларнинг кенжа авлодига инглиз
энциклопедиясидаги расмларни кўриш кўпроқ ёқарди. Аурелиано Иккинчининг
тасаввури дирижабль тасвирини булутлар орасидан ўзига бошпана қидираётган
филга айлангирарди. Бошқа варақда чавандознинг расми бор эди. Кийими ғайри
оддий бўлишига қарамай, суворий жуда таниш туюларди; расмни бошидан
охиригача ўрганиб чиққан Аурелиано Иккинчи, бу — полковник Аурелиано
Буэндиа, деган хулосага келди. Расмни хотинига кўрсатди. Фернанда чавандоз на

фақат полковникни, балки барча Буэндиаларга ўхшаб кетаркан, деди. Аслида эса расмда татар жангчиси тасвирланган эди. Хотини уйларида атиги олти кило тузланган гўшту бир қоп гуруч қолганини айтгунича, Аурелиано Иккинчи ўз вақтини Родос алпи ҳайкаллари ва илон ўргатувчилар ўртасида беғалвагина ўтказарди.

— Ҳўш, мenden нима истайсиз? — сўради у.

— Билмайман, — жавоб берди Фернанда. — Бу — эркаларнинг иши.

— Яхши, — деди Аурелиано Иккинчи, — ёмғир тинсин, бирор нарса ўйлаб топарман.

Гарчанд тушликка атиги бир бўлак гўшт билан бир чимдим гуруч тегса-да, у энциклопедияни қўлдан қўймасди. «Ҳозирча бир иш қилиб бўлмайди, — дерди у. — Лекин ёмғир ҳам мангу ёғмайди-ку». Аурелиано Иккинчи рўзгор ғамини емай қўйгани сайин Фернанданинг ғазоби ортарди. Унинг ғалвалари эрталаб гитаранинг йўғон торлари чалган куй каби зерикарли оҳангда бошланар, кечаси ёрқин рангларга чулғаниб, энг юқори пардаларга кўтариларди. Дастлаб Аурелиано Иккинчи хотинига эътибор бермади, аммо эртасига нонуштадан сўнг ёмғир шовқинидан ҳам баттар тўнғиллаши жонига тегди. Фернанда гарчанд қироличалардек тарбия кўрган бўлса-да, бу жинни хонадоннинг чўрисига айланиб қолганидан, пуф деса учиб кетадиган бу уйни деб эртадан-кечгача қора терга ботиб юрган бир пайда нуқул каравотда ағанаб ётадиган дангаса, имонсиз ва бузуқи эрининг устидан нолирди: яъники ҳар сафар ухлашдан олдин кўзлари кум тикилгандай ачишдан, эрталаб ҳеч кимса ундан ҳол-аҳвол сўрамайди, очигини айтганда, уни бу оила аъзолари иссиқ қозонни ушлайдиган кир латтачалик кўрмайди, бу оиладан у ҳеч қачон марҳамат кутмаган, ҳамма уни ғийбат қилади, мунофиқ, риёкор, муғамбир деб атайди, ҳатто бир куни жойи жаннатда бўлгур Амаранта ҳамманинг олдида, Фернанда орқа тешик билан рўзанинг фарқига бормайди, деган эди, майли, бунисиям майли, бечора Фернанда худонинг измига бўйсуниб, барчасига чидади, лекин энди сабр косаси тўлиб-тошди, чунки бир марта аблаҳ Хосе Аркадио Иккинчи, уйимизга юбкали качакони олиб келгани учун ҳам оиламиз нобуд бўляпти, деб айтди, тасаввур қилинглар-а, юбка кийган ҳокимиятпараст качакони, жинси қанжиқ качакони, ҳукумат ишчиларни ўлдиришга юборган качаколлардан бирини айтгандай бўлди, лекин у аблаҳ аслида герцог Альбанинг чўқинтирган қизини, ҳаттоки президентларнинг хотинлари ҳасад қилишадиган, таниқли авлодга мансуб, қони тоза, ўн битта испан фамилияси остида имзо чекиш ҳуқуқи берилган, бу нокас шаҳардаги илк ўн олти одамга мўлжалланган стол тузаган яккаю ягона фуқарони, яъники Фернандани назарда тутди, лекин суюгоёқ эр эса, кулгидан ичкалари узилиб, бунча кўп қошиғу вулканинг, пичоғу чойқошиқларнинг биз христианларга нима кераги бор, улар балки қирқоёқларга яраб қолар, деди, аслида эса, кулгили жойи йўқ эди, негаки бу ерда қачон оқ ва қачон қизил вино тортилишини, қайси қўл билан ва қайси қадаҳга қуйилишини Амаранта, оқ вино кундузи, қизил вино кечаси ичилади, деб юрадиган ўша марҳум Амаранта эмас, балки Фернанда билади, ёлғиз угина тилла тувакка ёзилиши билан фохрланиши мумкин, гўрингда тўнғиз кўпгур полковник Аурелиано Буэндиа эса уни мазаҳ қилди, тузукроқ қаранглар, тагин келинимизнинг нажаси гул эмасмикан, деб айтди, ҳатто ўз қизи Рената бир куни ётоқда уни уялмай-нетмай кузатиб, сўнгра бошқаларга, тувак — тилладан, аммо ичидигиси — оддий нажас, энг оддий нажас, ҳатто оддийдан ҳам оддийроқ, шунчаки качаконинг нажаси, деб айтди, ўзи туққан фарзанди шундай деди, буям майли, у ҳеч кимдан нажот кутмай қўйди, аммо эридан заррача бўлса-да, ҳурмат талаб қилишга ҳаққи бор-ку, ахир Аурелиано Иккинчи унинг маҳрами, ягона ҳомийси эди-ку, лекин бу тўнка эр уни диққинафас дўзахга бошлаб келди, рўза пайтида эри билан ётишдан иймангани баҳона, эр дегани юпқага ўраб ташласа ит ҳам қарамайдиган манжалақи аёлникига жўнади. Уша байталнинг корсонини кўрган заҳотиёқ кимлигини билиб олсан, ўша қанжиқ билан шоҳона саройда ҳам, чўчқахонада ҳам, дастурхон атрофида ҳам, тўшакда ҳам, борингки, ҳамма жойда ҳақиқий аёллигича қоладиган художўй, қонунпараст, итоатгўй ва жабрдийда Фернанда ўртасида осмону ерча фарқ бор, Фернандани, донья Рената Арготе ва нақ авлиё, ҳақиқий христиан, Муқаддас мақбара ордени нишондори дон Фернандо дель Карпионинг яккаю ягона севимли қизлари Фернандани, худонинг қудрати туфайли ҳеч қачон мозорда чирмайдиган, терилари ўлганларида ҳам келинчаларнинг атлас қўйлаги каби силлиқ ва тоза турадиган, кўзлари ҳамиша ёқутдай нур сочаверадиган улўғ зотларнинг тирноғи бўлмиш Фернандани хўрлашга ҳеч кимнинг ҳадди сизмайди.

— Сал ошириб юбординг, — дея унинг гапини бўлди Аурелиано Иккинчи, — отангнинг жасадини олиб келишганда анча хидланиб қолган эди.

У Фернанданинг гапларидан айни шу хотини топгунича, аёл дийдиёсини кун бўйи тишини-тишига қўйиб эшитди. Фернанда саволга жавоб бермади, лекин овозини сал пасайтирди. Кечки овқатдан кейин хотинининг дийдиёси яна кучайиб,

кўчада қуйиб ётган жала шовқинини босиб кетди. Аурелиано Иккинчи кўзини ердан узмади, озгина тамадди қилдию ётоғига жуда эрта кетди. Эртаси куни нонушадан кейин ҳам Фернанданинг таънаю маломатларини тинглади ва охири чидай олмади.

— Худо ҳаққи, овозингни ўчир! — деб бақирди у.

Фернанда овозини баттар баландлатиб:

— Ўчирмайман! — деди. — Гапларим ёқмаган одам бу ердан чиқиб кетсин!

Шундан сўнг Аурелиано Иккинчи ўзини тута олмади. У гўё келишмоқчи бўлгандек аста ўрнидан турди ва совуқ бир ғазаб билан бегония, папоротник ва бошқа гуллар ўсган тувакларни бирин-кетин полга улоқтириб, чил-чил синдирди. Фернанда кўрқиб кетди. У ўзининг асабий жавраши бу қадар кучли таъсир қилишини ўйламаган эди, энди муросою мадора учун фурсат қолмаган эди. Ногаҳоний озодликдан маст бўлган Аурелиано Иккинчи ойнаванд шкафдаги идишларни олди ва шошилмасдан полга ирғита бошлади. У бир вақтлар уйининг деворларига қоғоз пуллар ёпиштиргани каби, хотиржам ва жиддий бир қиёфада қимматбаҳо биллур идишларни, қўлда ишлов берилган вазаларни, атиргуллар тўлдирилган кема тасвирланган картиналарни, тилла суви юритилган кўзгуларни, хуллас, уйдаги синиши мумкин бўлган барча буюмларни деворга ура бошлади. Энг охирида қўлига ошхонада турган каттакон сопол кўза илинди. Кўза синдию худди портлаган бомбадек ҳовлига сочилиб кетди. Ниҳоят, Аурелиано Иккинчи қўлини ювди, елкасига брезентини ташлаб кўчага чиқдию тун яримлай деганда тузланган гўшт, гуруч, макка ва пича банан солинган қопларни олиб келди. Шу-шу, рўзғори озиқ-овқатдан зориқмайдиган бўлди.

Амаранта Урсула билан кичик Аурелиано ёмғирли кун ва йилларни ҳаётларидаги энг бахтли пайтлар деб эслашарди. Фернанданинг тақиқларига қарамай, улар ҳовлидаги кўлмаклар бўйлаб кезишар, калтакесак ушлаб, порпора қилишар, капалакларнинг қанотидан олинган чангни Санта София де ла Пьедаддан яширинча шўрвага солиб, гўё овқатни заҳарлаган бўлишарди. Аммо уларнинг энг ажойиб ўйинчоғи Урсула эди. Болалар у билан худди каттакон тўзиган қўғирчоқдек муомала қилар, бурчакдан-бурчакка етаклаб, рангли латталар билан безашар, юзига қоракуя суртишарди. Бир куни қурбақанинг кўзларини ўйишган каби бечора кампирнинг кўзларини боғбон қайчиси билан ўйиб олишларига сал қолди. Улар айниқса кампир алаҳлаганда хурсанд бўлишарди. Ёғингарчиликнинг учинчи йилида Урсуланинг мияси айний бошлади чоғи, бугунги кунни узоқ ўтмиш билан чалкаштирарди. У юз йилча илгари дафн этилган катта бувиси Петролина Игуараннинг ўлими муносабати билан уч кун тўхтамай йиғлади. Кенжа Аурелиано-ни ўша муз парчасини томоша қилишга борган ўғли Аурелиано билан алмаштириб юборди, кичик Хосе Аркадио эса ўзининг лўлиллар билан қочиб кетган тўнғичи билан алмаштирди. Урсула оила тарихини шу қадар кўп сўрардики, натижада болалар ўйинқароқлик қилиб, бечора кампирнинг алақачон оламдан ўтган қариндош-уруғларини «меҳмонга» олиб келишарди. Сочларига кул сепилганию кўзи қизил латта билан боғланганига қарамай, Урсуланинг қувончи ичига сиғмасди. Назарида, Амаранта Урсула ва Аурелиано батафсил тасвирлаб беришган қариндошлари орасида ўтиргандай бўларди. Урсула бобосининг бобоси ҳам туғилмаган пайтлардан олдинроқ содир бўлган воқеалар ҳақида сўрар, улар келтиришган янгликлар билан жуда-жуда қизиқар, оламдан ўтган қариндошларини эслаб, сўхбатдошларига қўшилиб, йиғи-сиғи қиларди. Урсуланинг тунг пайтида авлиё Юсуфнинг баҳайбат гипс ҳайкалини олиб келиб, то ёмғир ирингунча тура-турсин деган одамнинг кимлигини ўжарлик билан сўраб-суриштиришига дарров эътибор беришди. Шунда Аурелиано Иккинчи ёлғиз Урсулагина биладиган яширин хазина борлигини эслади, аммо унинг ҳийлалари ҳеч қандай самара бермади. Гарчанд Урсула алаҳлаб, одамлару воқеаларни қориштирса-да, бу сирини очмасликка етарли эс-ҳушини сақлаб қолган эди. Кампир ўша олтинларнинг ҳақиқий эгаси эканини исботлаб берадиган одамгагина ишониши мумкин эди. Урсула шу қадар пухта ва саботли эдики, бир куни Аурелиано Иккинчи ўзининг собиқ ҳамтовокларидан бирини хазина эгаси сифатида бошлаб келганида, Урсула бирпасда даъвогарнинг кимлигини фош этиб ташлади.

Урсула ўша сирни ўзи билан нариги дунёга олиб кетишига қаттиқ ишонган. Аурелиано Иккинчи оқава сувга ариқ қаздириш баҳонасида ер қазувчиларни бошлаб келди ва уларга қўшилиб, ҳамма жойни илма-тешиқ қилиб юборди, лекин уч ойлик қидиришлар беҳуда чиқди. Шундан кейин у Пилар Тернерадан фол кўришни илтимос қилди, лекин фолбин, қарталарни Урсула чийлаб берсагина ҳақиқат аён бўлади, деб тушунтирди. Фолбин аёл хазина мавжудлигини тан олди, айтишича, хазина оғзи мис сим билан боғланган учта қопга солинган етти минг икки юзу ўн тўртта олтин тангадан иборат бўлиб, улар Урсуланинг каравотидан бир юзу йигирма икки метр узоқликда кўмиб қўйилган экан. Пилар Тернера то ёмғир тиниб, уч ёз фасли ўтиб, ботқоқликлар қуёшда қуриб битмагунча хазинани қўлга

киритиб бўлмаслигини таъкидлади. Урсула каравотидан ҳовли деворигача бўлган масофанинг роса бир юзу йигирма икки метр чиққани Аурелиано Иккинчини таажжубга солди ва ҳатто ўйга толдирди. Фернанда Аурелиано Иккинчининг хоналарни ўлчаётганини ва ер кавловчиларга ариқни яна бир метр чуқурлаштиришга кўрсатма берганини кўриб, эрим ҳам эгизак укаси каби ақлдан озган бўлса керак, деб ўйлади. Катта бобосидек қидирув безгагига мубтало бўлган Аурелиано Иккинчи озиб-тўзиб, яна укасига ўхшаб қолди; Хосе Аркадио Иккинчи нафақат ориқлиги ва ёноқларининг туртиб чиққанлиги, балки қарашининг паршонлигию аллақандай ғарибнамолиги билан ҳам ўхшаб кетарди. У болаларга ортиқ эътибор бермай қўйди. Бошдан оёғигача лойга ботиб юрар, ошхонанинг бир бурчагига тикилиб олиб апил-тапил овқатланар, онаси Санта София де ла Пьедаднинг саволларига зўрға жавоб қайтарарди. Аурелиано Иккинчи хотини ҳатто тасаввур ҳам қилмаган ғайрат билан ишлардики, буни кўрган Фернанда ундаги қизиқонликни меҳнатсеварликка, бойликка ташналигини фидокорликка, ўжарлигини эса тиришқоқликка йўйди; танбалликдан халос қилмоқчи бўлиб андишасиз заҳар сочганларини эслаб, виждони қийнала бошлади. Аммо Аурелиано Иккинчи Фернанданинг ярашишга шай турганини сезмасди. Шох-шаббалар ва чириган гуллардан иборат, нақ томоғигача келадиган ботқоқда тик турганича боғни кавларди. У энди ички ва ташқи ҳовлиларни кавлаб бўлган, шарқий галереянинг пойдеворини шу қадар чуқур қазиган эдики, бир тун уйдагилар қаердадир ер остида бўлган силкинишу даҳшатли товушдан уйғониб кетишди. Аввалига зилзила деб ўйлашди, аслида эса уйдаги учта хонанинг поли чўкиб кетган, галерея полида ҳосил бўлган катта ёриқ эса то Фернанданинг ётоғигача чўзилганди. Аурелиано Иккинчи ўшанда ҳам қидирувдан воз кечмади. Гарчанд умидлари сўнганига қарамай, бўшаб қолган пойдеворни мустаҳкамлади, ёриқни қоришма билан тўлдирди. Янаги йил июнь ойининг ёмғир сусая бошлаган иккинчи ҳафтада ҳам Аурелиано Иккинчи ҳовлининг кунботар тарафини кавлаб ётарди. Булутлар сийраклашди, бугун-эрта ҳаво очилиб кетади, деган умид уйғонди. Шундай бўлди ҳам. Жума куни кундуз соат иккида қуёш кўриниш берди. У мисоли пишиқ фишт каби қизил ва дағал, мисоли сувдек шаффоф эди. Уша кундан бошлаб, ўн йил давомида бир томчи ёмғир ёлмади.

Макондо харобазорга айланган эди. Кўчалар шилта бўлиб кетган, кўлмакларда қандай тез келган бўлса, шундай тез даф бўлган ажнабийлар қолдириб кетган мебель қолдиқлари моғор босиб ётарди. Банан безгаги пайтида яшин тезлигида қурилган уйлар энди ҳувиллаб қолганди. Банан кампанияси арзигулик мол-мулкни ташиб кетган, унинг темир панжара билан ўралган қўрғони ўрнида тоғ-тоғ ахлатлар ётарди. Салқин айвонида кечалари қарта ўйналадиган ёғоч уйларни гўё бир неча йиллардан сўнг Макондони ер юзидан супуриб ташлайдиган даҳшатли бўронга замин ҳозирлаган шамоллар учуриб кетгандек эди. Бу ерда қачонлардир одамлар яшаганини исботловчи бирдан бир далил — Патриция Браун автомобилда унутиб қолдирган, устига гул тикилган қўлқоп эди, холос. Бир замонлар Хосе Аркадио Буэндиа томонидан ўрганилган ва кейинчалик банан плантациялари пайдо бўлган яйдоқ далалар энди у ер-бу ерида чирик тўнкалар ётган ботқоқликка айланган бўлиб, уларнинг нариги уфқида неча йиллар давомида кулранг бир денгиз сассиз кўпириб ётди. Биринчи якшанба шаҳарда нима гаплигини билиш учун кўчага чиққан Аурелиано Иккинчи довдираб қолди. Ёмғирдан сўнг тирик қолганлар — улар Макондога уни банан безгаги қопламасдан илгари кўчиб келганлар эди, — кўчанинг ўртасида ўтириб олиб, баданларини офтобга тутти-шарди. Уларнинг териси сув ўтига хос яшил тусини, ёғин кезида ўрнашган моғор ҳидини ҳамон сақлаб қолган эди. Лекин она шаҳарлари яна ўзларининг ихтиёрида эканини англаганлари боис, юзларида қувноқ табассум акс ётарди. Турклар кўчаси эски аҳволига қайтган — оёқларига шиппак кийиб, қулоқларига оғир темир сирға тақиб, қўлбола буюмларини тўтиқушларга алмаштирганча жаҳон кезган ва, ниҳоят минг йиллик дарбадарликдан сўнг Макондодан бошпана топган араблар даврига қайтган эди. Дўконларда моллар чириб кетган, пештахталарни ёғочхўр чумолилар илма-тешик қилиб юборган, деворлар нураб тушган эди, аммо арабларнинг учинчи авлоди вакиллари ҳамон ота-боболарининг жойларида ўтиришар, улар камсўз, бепарво, на вақтга, ва на табиий офатларга бўйсунувчи одамлар бўлиб, уйқусизлик касали ёки полковник Аурелиано Буэндианинг ўттиз икки жангидан кейинги пайтлардаги каби тирик ва балки ўлик эдилар. Арабларнинг қимор столлари, соябонли столлари, мерганлик тири қолдиқлари ва тушлар шарҳланиб, келажак фол кўриладиган тор кўчанинг вайронаси орасида мағонат сақлаб қолганлари Аурелиано Иккинчини шу қадар таажжубга туширдики, одатдагидай беандишалик билан, бу тўфонда қандай қилиб чўкмай қолдинлар, ахир, сув ютиб ўлиш ҳеч гап эмасди-ку, деб сўради. У аини саволини эшикма-эшик юриб такрорлар, ҳамма жойда бир хил айёрона табассум, хаёлчан нигоҳга дуч келар ҳамма жойда бир хил:

— Биз сузишни билардик, — деган жавобни эшитарди.

Макондо аҳли ўртасида биргина Петра Котес араблардай юраги тош бўлиб чиқди. Кўз олдида молхонаю отхоналарнинг деворлари кулаб тушса-да, у ўзини хотиржам сақлаб, уйдаги тартибнинг бузилишига йўл қўймасди. Ёмғирнинг сўнгги йили у Аурелиано Иккинчини уйига хат орқали бир неча бор чақиртирди. Жазмани эса, гарчанд аниқ кунини билмаса-да, бари бир қайтиб боражагини, борганда ҳам, нақ бир қоп тилла кўтариб боражагини билдирди. Петра Котес юрагидан бу аччиқ қисматга дош берадиган куч излади. Излади-ю, муттасил қаҳр топди. Ҳаққоний, совуқ бир қаҳр топди; ўйнаши ва ёмғир туфайли йўқотилган оромини қайта тиклашга онт ичди. Унинг қарори шу қадар қатъий эдики, Аурелиано Иккинчи охирги хатни олганидан сўнг саккиз ой ўтказиб уникига келганида, заҳил юз, сочлари тўзғиган, кўзлари ич-ичига ботиб кетган, териси яра-чақага тўлиб-тошган Петра Котес қоғоз парчаларига номер ёзиб, уларни лотерея билетига айлантитарди. Аурелиано Иккинчи аёл қаршисида тонг қотиб турар, шу қадар ориқ, шу қадар сертакаллуф эдики, Петра Котес унга қараб, ахир бу хушторим эмас, балки эгизак укамга ўхшайди-я, деб ўйлади.

— Ақлдан оздингми? — деди Аурелиано Иккинчи. — Лотереяга бало борми? Энди унга ўлган мол-ҳолнинг суягини тикасанми?

Шунда маъшуқаси уни ётоғига олиб кирди ва Аурелиано Иккинчи у ерда турган хачирни кўрди. Хачир бекаси каби ориқ бўлиб, эти устихонига ёпишган, лекин бекаси сингарни дадил ва ҳаракатчан эди. Петра Котес уни ўзининг қаҳри билан боққан эди. Уйда на ўт, на маккажўхори ва на ўт-ўланларнинг томири қолганида хачирни ётоғига олиб кириб, унинг қорнини батист чойшаб, эрон гиламлари, духоба кўрпа, бахмал пардалар, одатда архиепископлар ёпинадиган, зардўзи шокила билан безалган кўрпа ғилофи билан тўйдирган эди.

* * *

Урсула ваъдасига вафо қилиб, ёмғир тингани заҳотиёқ ўлиш учун анча меҳнат қилди. Атиргулларни нобуд қилган, барча ботқоқликларни тошга айлантирган, Макондонинг занг босган тунука томларинию юз йиллик бодом дарахтларини иссиқ тупроққа кўмиб кетган гармсел турган август ойда кампирнинг онги сал-пал равшанлашди. Урсула уч йил давомида болаларга ўйинчоқ бўлганини англаб, роса йиғлади. У юзидаги қоракуя изларини ювиб ташлади, уст-бошига осилган латта-лутталарни, қуритилган калтакесак ва қурбақаларни, турли тақинчоқларни улоқтирди ва Амарантанинг ўлимидан кейин биринчи марта бировнинг ёрдамисиз, оила ҳаётига яна аралишишга тайёр ҳолда тўшакдан ўзи турди. Зулматда йўл топиб юришда унга саркаш юраги кўмаклашарди. Унинг ҳаракатидаги ишончсизликни пайқаган одамлар Урсулага раҳмлари келарди, аммо ҳеч ким унинг чиппа кўр эканини хаёлига келтирмасди. Урсула кўр эди, лекин кўрлиги унга ўзи экиб парвариш қилган гулзор ёмғирдан ювилиб кетганини ва у ерни Аурелиано Иккинчи кавлаб ташлаганини, унинг деворию поллари ёрилганини, мебелининг шалоғи чиқиб ранги ўчганини, эшиклар ошиқ-мошиқлардан суғурилганию оилада янги, нотаниш бир итоатгўйлик ҳамда ғамгинлик руҳи ҳукм сураётганини сезарди. Бўм-бўш ётохоналарга кирган Урсула тахталарни кемираётган чумолиларнинг беором ғўнғиллашини, кийим шкафларидаги куяларнинг питирлашини, унинг пойдеворини илма-тешик қилиб юборган сариқ қумурсқаларнинг шовқинини эшитди. Бир куни у кийим-бош солинган сандиқни очиши биланоқ Санта София де ла Пьедадни ёрдамга чақиршишга мажбур бўлди, чунки сандиқдан сон-саноқсиз сувараклар отилиб чиқди. Барча кийимлар кукунга айланган эди. «Бундай қаровсиз жойда яшаб бўлмайди, — деди у. — Бу ярамаслар бир куни ўзимизни ҳам еб қўйишади». Шу кундан бошлаб, Урсула тинчини йўқотди. Саҳармардонда уйғониб олиб, ҳаммани, ҳатто болаларни ҳам кўмакка чақирарди. Омон қолган ва ҳали яроқли кийимлару кўрпа-тўшакни офтобга ёйди, суваракларни дори сепиб ҳайдади, эшик ва дераза ромига ўтган чумолиларни қириб ташлади, уясига сўндирилмаган оҳак сепиб, устидан сув қўйди. Ҳамма нарсани қайта тиклаш иштиёқида ёнаётган Урсула, уйнинг энг хилват бурчакларигача етиб борди. Хосе Аркадио Буэндиа ҳикмат тошини қидиравериб мияси ачиб кетган хонани ахлату қўланса ҳиддан аритди, солдатлар остин-устин қилиб юборган заргарлик устахонасини тартибга келтирди ва, ниҳоят, Мелькиадеснинг хонасини текшириб кўриш ниятида калит беришларини сўради. Хосе Аркадио Иккинчи ўлмагунча хонага ҳеч кимни қўймасликка онт ичган Санта София де ла Пьедад турли найранглар қўллаб, Урсулани ниятидан қайтаришга уринди. Аммо уйнинг барча хоналаридаги ҳашаротларни ўлдиришга қатъий аҳд қилган кампир ҳеч кўнмади, ахийри, уч кундан сўнг Мелькиадеснинг хонасини очишди. Димоғига урилган бадбўй ҳиддан йиқилиб кетаётган Урсула эшик ёндорини зўрға тутиб қолди, аммо икки сония ўтар-ўтмас хонада Меменинг мактабдош дугоналарига аталган тувак

сақланганию ёмғирли бир тунда солдатлар Хосе Аркадио Иккинчини қидириб, бутун уйни қидириб ташлаган бўлса-да, бари бир тополмагани ёдига тушди.

Хосе Аркадио Иккинчи хонада ўтирганча, кўлёмаларни таҳлил қиларди. Бутун юзини қоплаган узун соч-соқоли орасидан яшил тус олган тишларию гўёки қотиб қолган кўзлари кўринарди, холос.

— Вой худойим-э! — деб қичқирди Урсула, худди кўзлари соғ одамдек. — Сени озодаликка ўргатиш учун озмунча куч сарфладимми, чўққадан баттар ифлос бўлиб кетибсан-ку!

Катта бувисини товушидан таниган Хосе Аркадио Иккинчи бошини эшик томон бурди, жилмайишга ҳаракат қилди ва Урсула қачонлардир айтган гапни ўзи сезмаган ҳолда такрорлади.

— Сен нима деб ўйловдинг? — дея тўнғилади у! — Вақт ўтяпти-ку, ахир. — Рост-а, — деди Урсула, — лекин, бари бир инсоф ҳам керак-да.

Шунда у ўлимга маҳкум этилганлар камерасида ўтирган полковник Аурелиано Буэндиа ҳам ўзига айна жавобни қайтарганини эслаб, вақтнинг ўтмишдан келажакка қараб эмас, балки доира бўйлаб ҳаракат қилиш ҳақидаги фикрдан яна чўчиб кетди. Лекин Урсула бу сафар ҳам бўш келмади. У Хосе Аркадио Иккинчини худди ёш боладек уришди, соқолини олди, ювинтирди ва рўзгорни тиклашга ёрдам беришни талаб қилди. Хосе Аркадио Иккинчи ихтиёрий маҳбусликка кўникиб қолган эди, ўзи тинчлик ва ором топган хонани ташлаб кетишни ўйлаб, даҳшатга тушди. Уни хонадан чиқаришга қодир бирорта куч йўқ эди, чунки у мурдалар ортилган икки юз вагонли поездини ҳар куни кечқурун Макондодан денгизга йўл олишини кўришни истамасди. «У ерда станцияда тўпланган ҳамма одам бор эди! Уч минг тўрт юз саккиз нафар одам!» — деб бақирди у. Шундагина Урсула чевараси кўрлик дунёсидан ҳам баттарроқ бир зулмат ичида, худди катта бобоси каби, бу дунёни тамом унутиб, ҳудудсиз танҳолик оламида бир ўзи, ёлғиздан ҳам ёлғиз бир аҳволда яшаётганини тушунди. У Хосе Аркадио Иккинчини тинч қолдирди, аммо хона эшигидаги осма қулфни олдириб ташлади. Хонани ҳар куни йиғиштиришга, биттагина тувакни қолдириб, қолганларини чиқариб ташлашга ва маҳбуснинг катта бобосини каштан остида қандай озода сақлашган бўлса, уни ҳам шундай озода асрашга кўрсатма берди. Фернанда Урсуланинг ҳатти-ҳаракатларини олдинига галдаги жиннилик хуружи деб ўйлаб, ғазабдан ўзини зўрға тутарди. Аммо бирдан Римдан хат келиб қолди — кенжа Хосе Аркадио муқаддас онт олдидан Макондога бормоқчи эканлигини хабар қилди. Хушхабар Фернанда шунчалар қувонтириб юбордики, авлод-аждодлари маскани ўғлида ёмон таассурот қолдирмаслиги учун уйни йиғиштиришга ва гулларга тўрт мартадан сув кўйишга киришди. У табиби ғайблар билан ёзишмасини қайта тиклади, галереяга папоротник, жамбил, бегония экилган тувакларни қўйиб чиқди, кумуш идиш-товоқларни сотиб, ўрнига сопол ва қалай идишлар харид қилди. Шундан сўнг доимо энг асл ва энг қимматбаҳо чинни ҳамда биллур идишлар тўрадиган и каф ғариб бир тусга кирди. Аммо Урсулага булар камлик қиларди. «Дераза ва эшикларни очишсин! — деб қичқирарди у. — Гўшт ва балиқ қовуришсин, энг катта тошбақаларни сотиб олишсин, яна ажнабийлар келиб, бўйраларини тўшасин, шундоқ атиргулларнинг устига сийсин, истаганча овқатланишсин, майли, қусаверсин, сўкинсин, хуллас, кўнгилга сиққанини қилаверсин, балки ўшанда қашшоқликни чўчитиш мумкин бўлар». Лекин Урсуланинг гаплари хомхаёл эди. У жуда қариб қолган, эндиликда хўрозқанд ясашга қуввати етмас, авлодларига эса унинг матонати насиб этмаган эди.

Сандиқларини яна Петра Котеснинг уйига қайтариб олиб борган Аурелиано Иккинчининг маблағи оилани очдан ўлдирмасликка етарди, холос. К туғига хачир тикилган лотерея билетларидан тушган даромадга Петра Котес иккови бир-иккита мол сотиб олиб, лотерея ишини зўрға тиклашди. Аурелиано Иккинчи уйма-уй юриб билет сотар, лотерея диққатни тортсин дея, шахсан ўзи ҳар парча қоғозни турли рангдаги сиёҳлар билан бўяб чиқарди. Бировлар билетларни миннатдорчилик ҳисси туфайли, бошқалар эса раҳми келганидан харид қилаётганини у ҳатто пайқамасди ҳам. Аммо энг раҳмдил харидорлар ҳам билет билан биргаликда йигирма сентавога чўққа ёки ўттиз икки сентавога бузоқ ютиш умидини ҳам сстиб олишарди. Бу умид шундай ҳаяжонга солардики, ҳар сешанба куни кечқурун Петра Котеснинг ҳовлиси кичкина бир бола қопдан бахтли номерни тортиб чиқарадиган бахтли онлар илинжида келган одамларга тўлиб кетарди. Бу йиғинлар ҳафталик ярмаркага айланар, кеч кира бошлаган, ҳовлига соябонли столлару ичкилик сотадиған дўконча ўрнатиларди. Кўпчилик бахтли билет эгалари ютуққа чиққан чўққа бузоқларни, кимдир музикачиларни таклиф этади, бошқа биров ичкилик сотиб олади, деган шарт билан умум қозонига қурбон қилишарди; Аурелиано Иккинчи беихтиёр яна аккордеонни олар, мечкайлик беллашувида иштирок етарди. Бу ўтмишдаги базмларга ғарибона тақлид эди, холос. Аурелиано Иккинчи мечкай Филни беллашувга қакирганида вазни бир юзу йигирма кило

келарди, ҳозир эса етмиш саккиз кийсга тушиб қолганди. Бир замонлар ичкиликдан шишиб, нақ тошбақанинг тумшугига ўхшаб қолган юзи чўзилиб, игуана тумшугидек ингичка тортган, қиёфасида беҳад маъюслик ва чарчоқ акс этарди. Петра Котес Аурелиано Иккинчини ҳар қачонгидан ҳам қаттиқроқ севарди. Уларнинг кўпқари кўравериб шалоғи чиққан каравотлари эндиликда осойиш сўхбат масканига айланган эди. Ошиқларнинг ҳар бир ҳаракатини акс эттирган кўзгулар сотилиб, ўрнига лотереяга тикиладиган турли уй ҳайвонлари харид қилинган эди. Собиқ хушторларнинг олдин ўпичларга сарф бўладиган кучлари эндиликда кундалик юмушлар якуни ва лотереядан тушган сентаволарни санашга кетарди. Улар баъзан эрталабгача, пулларни уюмларга ажратиб, тангаларни у уюмдан бунисига ўтказишарди. Ҳисоб-китоб аниқ бўлиши шарт эди: бу уюмдаги пуллар — Фернанданинг харажатларига, наригиси — Амаранта Урсулага ботинка олишга, униси — кўп йиллардан бери янги куйлак киймаган Санта София де ла Пьедадга, бошқаси — нархи ҳар уч ойда бир сентавога ошаётган кофе харидига, униси — қандга, анавиниси — ўтинга, наригиси — лотерея билетлари тайёрлашга ишлатиладиган қоғоз ва рангли сиеҳларга аталган эди, қолаверса, бу пуллар апрель ойида сотилган лотерея билетларининг пулларини эгаларига қайтариб беришга ҳам етиши керак эди, негаки, лотереяга тикилган бузоқ кўйдирги касалига чалинган экан. Уларнинг ебичиши ҳам жуда камтарин эди. Аурелиано Иккинчи билан Петра Котес Фернандага кўпроқ пул беришарди. Виждонлари қийналиб ёки раҳмлари келиб эмас, балки Фернанданинг тинч яшашини ўзлариникидан ҳам афзал кўргани учун ҳам шундай қилишарди. Очиғини айтганда, кўнгилларининг туб-тубида улар иккови ҳам Фернандани ўзлари тусаган-у, лекин худо бермаган қизлари деб ҳисоблашарди. Бир гал Фернандага голландча дастурхон олиб беришга етарли пул тўплаш учун у кун давомида фақат жўхори бўтқаси ейишган эди. Аммо улар қанчалик уринмасин, бирлари икки бўлмасди. Аурелиано Иккинчининг ўйлашича, — гарчанд бу ҳақда ҳеч қачон ҳеч кимга ҳеч нарса демаган бўлса-да, — ушбу балою офатлар илдизи Петра Котеснинг сирли юрагида эди. Гўё ёғингарчилик мавсумида унинг юрагида недир ўзгариш бўлган, шу боис, молларнинг урчиши тўхтаган, пуллар эса сувдек оқадиган бўлиб қолган эди. Аурелиано Иккинчи маҳбубасининг қалбига жуда чуқур разм солди, аввалига ёлғиз таъма важҳидан Петра Котеснинг эҳтиросини кўзгашга уринди ва оқибатда ўзи унга ошиқ бўлиб қолди. Аурелиано Иккинчининг меҳри тобора ортаётганини сезган Петра Котес ҳам уни қаттиқроқ севди. У умри ҳазорзе фаслига юз тутган чоғда «қашшоқлик бор жойда муҳаббат ҳам бўлади» деган нақлга болаларча беғуборлик билан ишониб қолди. Аурелиано Иккинчи билан Петра Котес бир-бирларини фақат тўшақда эмас, балки дастурхон атрофида ҳам сева олиш мумкинлигини кашф этишган бўлиб, кашфларидан чексиз лаззат олишарди.

Лотереядан тушадиган пуллар ҳеч кўпаймасди, Аурелиано Иккинчи эрта тонгдан лотерея савдосига киришар, болалардан хабар олишга вақти ҳам қолмасди. Фернанда Амаранта Урсулани одатда йилига олти нафар ўқувчи оладиган хусусий мактабга берди, аммо кичкина Аурелианога шаҳар мактабига қатнаш учун рухсат бермади. Унинг уйда бемалол юришга рухсат олгани ҳам катта гап эди. Устига устак, ўшанда мактабга католик никоҳида бўлган ота-оналардан туғилган қонуний болаларгина қабул қилинарди. Аурелианони саватга солиб келтиришган, саватда унинг ташландиқ бола эканлиги ҳақидаги гувоҳнома ҳам бор эди. Шундай қилиб, Амаранта Урсула мактабда ўқиётган бир пайтда, Аурелиано боғда чувалчанг қидирар, ҳашаротларга азоб берарди. Бир кун Урсуланинг тўшагига қўйиб юбориш учун қутчицага чаён териб юрганида уни Фернанда тутиб олди ва Меменинг собиқ ётоқхонасига қамаб қўйди. Аурелиано у ерда энциклопедиядаги расмларни кўздан кечирав, танҳоликдан қутулиш йўлларини ўйларди. Қўлидаги бир боғ қичитқи ўт билан деворларга шудринг сувини пурқаб юрган Урсула болага ўша ерда дуч келди. Авваллари ҳам неча бор учрашганига қарамай, Аурелианодан кимлигини сўради.

— Мен Аурелиано Буэндиаман, — деди бола.

— Тўғри, — деди Урсула. — Сен энди заргарликни ўрганаверсанг ҳам бўлади.

У яна болани ўғли полковник Аурелиано билан адаштирди, чунки жала тугаб, Урсуланинг зеҳнини сал-пал равшанлаштирган гармсел тинган эди. Кампирнинг ақли яна хира торта бошлади. У ётоқхонага кирганида ҳар сафар қариндошларини: серҳашам, кринолин¹ кийиб, елкасига киборлар базмига мос шол рўмол ташлаб олган Петронила Игуаранни, товус патидан қилинган елпигич тутиб, тебранма курсида ўтирган фалаж бувиси Транкилина Мария Миниата Алакоке Буэндиани,

¹ Кринолин — Урта асрда расм бўлган чамбаракли кенг юбка.

више-қирол гвардиячилар либосини кийган катта буваси Аурелиано Аркадио Буэндиани, дуо зўри билан сўна тухумини қуритиб юборган отаси Аурелиано Игуаранни, отасининг онасини, чўчқа думи билан туғилган жиянини, эри Хосе Аркадио Буэндиа ва унинг марҳум ўғилларини учратарди. Марҳумлар девор ёнидаги стулларда худди мотам тутгандек ғамгин ўтиришарди. Урсула улар билан турфа мавзуларда қизгин суҳбат қўрарди. Мактабидан қайтган Амаранта Урсула билан энциклопедия меъдасига теккан Аурелиано ётоқхонага киришганларида, кўпинча Урсула каравотда ўтирганича, хотирот дунёсида тентираб, ўзи билан ўзи гаплашаётган бўларди. Бир куни у «ёнаяпти!» деган даҳшатли қичқириқ билан бутун уйни оёққа турғазди. Кейин маълум бўлдики, кампир тўрт яшарлигида отхоналари ёниб кетганини эслаган экан. Урсула аста-секин қуриб-қақшаб борарди. У гўёки тириклайин мурдага айланарди. Умрининг охирги ойларида Урсуланинг вужуди бир бурда бўлиб, мудом тепага кўтариб юрадиган қули эса маймуннинг панжасига ўхшаб қолди. Баъзида у суткалаб қимир этмай ётарди. Шундай пайтлари Санта София де ла Пьедад кампирнинг тириклигига ишонч ҳосил қилиш учун уни силкитиб кўрар, сўнг тиззасига олиб, чойқошиқда ширин сув ичирарди. Урсула чақалоқ кампирга ўхшарди. Амаранта Урсула билан Аурелиано уни қўлларида кўтариб юришар ва унинг гўдак Исодан сал вазминроқ эканини исботлаш учун атай меҳробга қўйишарди; бир куни кечқурун қазноқдаги шкафга беркитиб қўйишганларида, Урсулани каламуш еб қўйишига оз қолди. Фернанда пасхадан бир ҳафта олдинги ибодатга кетганида, болалар ётоқхонага кириб, Урсуланинг боши ва тўпиғидан ушлаб кўришди.

— Катта бувимнинг бечора бувиси, — деди Амаранта Урсула, — у қарилликдан ўлибди.

Урсула сесканиб тушди.

— Мен тирикман! — эътироз билдирди у.

— Кўряпсанми, — деди Амаранта Урсула, ўзини кулгидан зўрға тўхтатиб, — ҳатто нафас ҳам олмаяпти.

— Мен гапиряпман-ку! — қичқирди Урсула.

— Ҳатто гапирмаяптиям, — деди Аурелиано. — Қора чигирткадай ўлиб қолибди.

Шунда Урсула ошқора ҳақиқатни тан олди. «Худойим-э! — секин пичирлади у. — Улим деганлари шу экан-да». У икки кун давомида узундан-узоқ дуо ўқиди. Сешанба куни эса дуосига амалий маслаҳатлар омухта бўлиб кетди: сариқ чумолиларни қириб ташланглар, йўқса уй қулаб тушиши мумкин; Ремедиос расми остидаги чироқ ўчмаслиги керак; Буэндиаларнинг бирортаси ҳам қариндошларига уйланмаслиги лозим, акс ҳолда чўчқа думли болалар туғилади. Аурелиано Иккинчи Урсуланинг алаҳлашидан фойдаланиб, хазина яширилган жойни билиб олишга роса уринди, аммо ҳаракатлари зое кетди. «Қачонки худо ёрлақагур эгаси келса топади, — деди Урсула, — фақат угина топади». Санта София де ла Пьедад Урсуланинг яқин орада ўлишига ишонарди. Чунки шу кунларда аллақандай ғаройиб воқеалар содир бўла бошлади: дейлик, атиргуллардан ёвшан ҳиди аңқир, ликопчадан ерга тўкилган ловия доналари ўз-ўзидан денгиз юлдузи шаклида тизиларди. Бир оқшом эса осмондан гала-гала сарғиш ҳалқалар учиб кетди.

Урсула пайшанба куни эрталаб соат тўртда кўз юмди. Марҳум охирги марта қариндош-уруғлари ёрдамида ўз ёшини аниқлашга уринганида ҳали банан компанияси тугатилмаган эди. Ушанда Урсула, бир юзу ўн бешдан ошганим аниқ, аммо ҳали бир юзу йигирма иккига кирганимча йўқ, деб айтган эди. Уни чақалоқ Аурелианони солиб келишган саватдан сал каттароқ тобутда кўмишди: дафн маросимида унча кўп одам бўлмади. Бунинг сабаби, биринчидан, кўпчиликнинг Урсулани унутиб юборганида, иккинчидан, чидаб бўлмас жазирамада эди: ўша куни чошгоҳда ҳаво шу қадар қизиб кетгандики, қушлар ўз йўналишларини йўқотиб, ўзларини деворга ёки деразадаги сим тўрларга уриб нобуд бўлишарди.

Дағлаб, қушлар ўлатга чалинибди, деб ўйлашди. Уй бекалари хоналарни қуш ўлигидан тозалайвериб жони ҳалқумига келарди. Жониворлар айниқса пешинги ҳордиқ пайтида кўплаб ўларди. Эркаклар қуш ўликларини араваларга жойлаб, дарёга элтиб ташлашарди. Зиндаи Масеҳ куни юз ёшли падре Антонио Исабель черков минбаридан туриб, Ўлмас Жўҳуд қушларга ўлат балосини юборди, дажжолни ўтган кеча ўз кўзим билан кўрдим, деб айтди. Падренинг айтишича, Ўлмас Жўҳуд така билан худосиз бир аёлнинг зурёди экан, унинг нафаси ҳавони ўтдек қиздириб юборади, ул дўзахини кўришнинг ўзиёқ аёлларни валади зино туғиш жазосига мустаҳиқ этади. Падренинг маталини деярли ҳеч ким жиддий қабул қилмади, чунки юздан нари ҳатлаган ҳазратнинг аллақачон ақлдан озгани бутун шаҳар аҳлига аён эди. Лекин чоршанба куни эрта тонгда аёл кишининг даҳшатли бақирини шаҳарни оёққа турғизди. Аёл номаълум икки оёқли ҳайвоннинг айри туёғи изларини кўриб қолди. Излар шу қадар аниқ ва равшан эдики, из эгаси ўша руҳоний таърифлаган даҳшатли мавжудотники эканига

заррача шубҳа қилмади. Одамлар ҳовлиларга тузоқлар қўйишди. Орадан сал ўтмай сирли келгинди қўлга тушди. Урсуланинг ўлиmidан сўнг икки ҳафта ўтгач, Петра Котес билан Аурелиано Иккинчи ярим кечаси қўшни ҳовлидан эшитилган новвосча мўнграшга ўхшаш ваҳимали йиғидан уйғонишди. Улар уйдан югуриб чиқишганларида, бир тўда эркаклар маҳлуқни усти қуруқ шох-шабба билан ниқобланган ҳандақ тубидаги ўткир қозиклардан тортиб чиқаришарди. Маҳлуқ бошқа бўқирмади. Гарчанд жуссаси кичик бўлса-да, вазни каттагина ҳўкизникидан қолишмасди. Ярасидан яшил рангли, ёпишқоқ қон оқарди. Танаси канаю эски чандиқларга тўлиб-тошган, дағал жун билан қопланган, аммо у руҳоний айтган дўзах балосига ўхшамас, аксинча, баъзи аъзолари билан одамга ҳам ўхшаб кетарди; аниқроғи, у одамни эмас, касалманд фариштани эслатарди, қўллари оппоқ ва нозик, кўзлари ғамгин ва катта-катта эди, ҳар иккала курак суягида тўмтоқ, чандиқли қолдиқлар кўриниб турар, афтидан, унинг бақувват қанотлари ўтинчининг болтаси билан кесиб ташланган эди. Жасадни ҳамма кўрсин деб, бодом дарахтига тўпиғидан осиб қўйишди, сасий бошлаганидан кейин гулханда ёқиб юборишди, чунки мурда дарёга ташлаб юборилиши керак бўлган ҳайвонга ёки дафнга муносиб христианга тегишлими — буни ҳеч аниқлаб бўлмасди. Шунингдек, қушларнинг қирилишига ростдан ҳам у сабабчи эдими — буни ҳам билишолмади. Аммо бирорта ҳам келинчак руҳоний айтган валади зинони тўғмади, жазирама иссиқ ҳам пасаймади.

Йилнинг охирида Ребека оламдан ўтди. Унинг содиқ хизматкори Архенида ҳукумат вакилларига уч кун илгари бекаси беркиниб олган ётоқхона эшигини бузишларини сўраб мурожаат қилди. Эшикни бузишди. Темираткидан сочлари тўкилиб кетган Ребека катта бармоғини оғзига солиб, ўзининг ғарибона тўшағида чангак бўлиб ётарди. Аурелиано Иккинчи дафн маросимини ўз гарданига олди.

Ёмғир тинган пайтда Макондода ҳаёт ана шу тарзда кечарди. Одамлар ғоят ланж ва танбал бўлиб қолдилар. Уларнинг хотираси жуда сусайиб кетди. Неерланд битимининг навбатдаги юбилеи муносабати билан полковник Аурелиано Буэндиа неча марта рад этган орденни унинг авлодларига топшириш учун республика президенти Макондога ўз вакилларини юборди: Вакиллар полковникнинг зот-зурёдини ахтариб, кечгача овора бўлишди. Аурелиано Иккинчи, орден соф тилладан қилинган, деб ўйлаб, олишга рози бўлди. Президент вакиллари мукофотни тантанали топшириш маросими учун оркестр ёллаб, нутқлар тайёрлаб қўйишган бўлса-да, Петра Котес «Бу қилиғинг номуносиб», деганидан сўнг, Аурелиано Иккинчи аввалги фикридан қайтди. Худди шу аснода тарғиботчилар келишди. Улар ташландиқ шаҳарни, унинг оvsар одамларини авраб, тағин қўлда магнит парчаларини тутганча, уйма-уй юриб, уларни Бобил олимларининг энг сўнгги ихтироси, деб эълон қилишди. Яна каттакон лупани намойиш этишди. Магнит таъсирида идиш-товоқларнинг қимирлашини кўриб, кўпчилик одамларнинг оғизлари очилиб қолди. Лўли қизнинг оғзидаги сунъий жағини олиб, яна жойига қўйишини кўриш учун эллик сентаво тўлаганлар ҳам анчагина эди. Кимсасиз ва юксиз бир неча вагонни зўрға судраб келаётган шалоғи чиққан поезд ҳувиллаб ётган станцияда ора-сира тўхтаб ўтарди. Авваллари жаноб Брауннинг шиша томли, бежирим ўриндиқли вағони тиркалгувчи, доимо пассажирлар билан лиммо-лим тўла бўлган поезддан, то кечгача станцияга галма-гал келиб турадиган бир юзу йигирматача вагон-холодильникдан иборат мева ташувчи составдан шугиға қолган эди, холос. Падре Антонио Исабелнинг қушларга қирон келтирган ўлат ва Мангу Жухуднинг ўлдирилгани ҳақидаги ғалати хабарини текшириб кўриш учун Макондога суд амалдорлари келди. Улар мўътабар падренинг болалар билан бекинмачоқ ўйнаётганини кўришди. Хуллас, падренинг хабари эътиборсиз қолди ва унинг ўзи жиннихонага топширилди. Бир неча кундан сўнг шаҳарга падре Аугусто Анхель келди. У янгиликка интилувчан руҳонийлардан бўлиб, муросасиз, доворак ва ҳатто қўпол эди. Падре диндорлар руҳини кўтарин ва ғофил бандаларни уйғотиб ибодатга чорлаш учун кунига бир неча марта кўнғироқ чалди. Аммо бир йил ўтар-ўтмас падре Аугусто Анхель мағлубиятини тан олди: шаҳар аҳли ибодатга келишдан кўра тузукроқ овқатланишни, сўнг чўзилиб ётишни афзал кўрарди.

Урсуланинг ўлиmidан сўнг уй ташландиқ бўлиб қолди. Орадан кўп йиллар ўтгач, бидъатсиз, хушчақчақ, замонавий аёл бўлиб етишган, оёққа маҳкам туриб, харобалик руҳини чўчитиб юбориш учун эшик ва дарвозаларни ланг очган, боғни қайта тиклаган ҳатто куппа-кундузи йўлакда безбетларча ўрмалайдиган сариқ чумолиларни қириб ташлаган ва Буэндиалар масканидаги сўниб қолган меҳмондорчилик руҳини тикламоқчи бўлган кескин ва шаддоат, иродали Амаранта Урсула ҳам уйни, бу уйни ғарибликдан қутқара олмади. Фернанданинг узлатчилик эҳтироси Урсуланинг жўшқин юз йиллик йўлига ғов бўлиб тушди. Гармсел тинганида Фернанда на фақат эшикларни очтиришдан бош тортиди, балки ота-онасининг маслаҳатига биноан, ўзини тириклай кўмиш учун деразаларга ёғоч

бутлар қоқишни буюрди. Унинг табиби ғайблар билан ёзишмалари ҳеч қандай натижа бермасди. Ахир, уларнинг хатларида белгиланган кун ва соатда ётоғига кириб, эшикни ичидан беркитиб олди, бошини шимолга қаратиб тўшакка ётди ва оппоқ чойшабга ўралди; кечаси соат бирда юзига муздай латта босишганини ҳис қилди. Уйғонганида, деразадан кўёш нурлари ёғиларди. У баданида хотидан бошланиб, то кўкрак суягигача чўзилган ёйсимон чандиқни кўрди.

Нарсаларни ўз номи билан атамаслик Фернандани яна бир қарра доғда қолдирди, чунки жарроҳ-телепатлар унда фақат ягона касаллик — бачадоннинг пастга тушганини аниқлашган бўлиб, бу дардни операция қилмасдан оддий бандаж ёрдамида даволаш мумкин эди. Фернанданинг ҳафсаласи пир бўлиб, табиби ғайблардан аниқроқ изоҳ талаб қилди, аммо табиблар унинг хатларига жавоб бермай қўйишди. Нотаниш «бандаж» сўзининг залвори эзиб ташлаган Фернанда, уятни йиғиштириб, шаҳардаги француз врачдан сўраб билмоқчи бўлди, лекин француз уч ой илгари оғилхонада ўзини ўзи осиб ўлдирган, уруш ветеранларидан бири, полковник Аурелиано Буэндианинг эски қуролдош дўсти, халқнинг истагига қарши бориб, уни қабристонга дафн этган экан. Шунда Фернанда Хосе Аркадиодан кўмак сўради. Уғли Римдан бандаж, ундан қандай фойдаланиш ҳақида қўлланма кўборди. Фернанда ёзувларни ёдлаб, хасталигини ошкор этмаслиги учун қўлланмани ҳожатхонага ташлаб юборди. Бу ўринсиз эҳтиёткорлик эди, чунки хонадон аҳли Фернандага мутлақо эътибор бермай қўйган эди. Санта София де ла Пьедад қариб-чуриган эди. У бутун оила аъзолари учун овқат тайёрлар, қолган вақтини эса Хосе Аркадио Иккинчига бағишларди. Гўзал Ремедиоснинг жозибасини қисман мерос қилиб олган Амаранта Урсула эса, илгарилари Урсулани қийнашга кетадиган вақтини энди дарс тайёрлашга сарфларди. Аурелиано Иккинчининг қизи ўткир ақл аломатларини намоёиш эта бошлади. Қолаверса, у жуда тиришқоқ эди. Айни хислатлари ота қалбиде илгари Меме уйғотган умидни яна жонлантириб юборди. У қизига, банан компанияси даврида расм бўлган одатга мувофиқ, Брюсселга ўқишга юбораман, деб сўз берди. Бу орзу Аурелиано Иккинчини узлуксиз тошқин еб битирган далаларни қайта ўзлаштиришга мажбур қилди. У уйга жуда кам, ўшанда ҳам қизчасини кўргани келар, хотини Фернандага мутлақо бегона бўлиб қолган эди. Кичик Аурелиано эса, вояга етган сайин одамови бўлиб борарди. Чамаси, у ёлғизликни ёқтириб қолган ва остона ҳатлаб, ташқи дунёни ўрганишга заррача қизиқмасди. Урсула Мелькиадеснинг хонасини очтирганида, Аурелиано тириқдан қараганча эшик ёнида айланарди. Унинг Хосе Аркадио Иккинчи билан қандай танишгани ва қай тариқа дўстлашиб қолгани номаълум эди. Аурелиано Иккинчи бу дўстликдан кенжа Аурелиано станциядаги қирғинбарот ҳақида гап очганда воқиф бўлди. Бир куни овқат пайти кимдир, банан компанияси Макондодан бекорга кетди, кетдию шаҳар тушкунликка туша бошлади, деб афсусланди. Бола бу баҳсга кўшилди. Аурелиано станцияга тўпланган уч мингдан зиёд одамни пулемётлардан отганларини, уларнинг жасадини икки юзта вагондан иборат составга қай тарзда ортишгани ва денгизга қандай қилиб ташлаганини аниқ ва ишончли тафсилотлар билан сўзлаб берди. Фернанда ҳам кўпчилик каби, ўша куни гўёки станцияда ҳеч нарса содир бўлмади, деган расмий хабарга ишонарди. У невараси полковник Аурелиано Буэндианинг саркашлигини мерос қилиб олганини ўйлаб даҳшатга тушди, унга: «Овозингни ўчир!» — деб қичқирди. Аурелиано Иккинчи эса, аксинча, эгизак-укасининг ҳикояси рост эканини таъкидлади. Ҳамма жиннига чиқариб қўйган Хосе Аркадио Иккинчи аслида оиладаги энг ақлли одам эди. У кенжа Аурелианога ўқиш ва ёзишни ўргатди, уни қўлёзмаларни ўрганишга жалб этди ва унга Макондога банан компанияси келтирган офатлар ҳақида ўз шахсий фикрларини ўқити олдди: бу фикр тарихчилар таъкидлаган ва дарсликларга битилган уйдирма ривоятлардан тубдан фарқ қилгани учун ҳам, орадан анча йиллар ўтиб, Аурелиано ҳаётга аралашганида, унинг ҳикояларига ҳеч ким ишонмайди. На гармсел, на чанг ва на жазирама кира оладиган хилват хонада иккови ўтириб, соябони қарғанинг қанотига ўршаган шляпа кийиб олган, улар туғилмасдан анча илгари шу ерда, даразага оққасини тутиб ўтирганича коинот ҳақида ҳикоялар сўзлаб берган қариянинг шарпасини эслашди. Улар бу хонада март ойи ва душанба куни мангу туришини баравар англашди ва оила аъзолари Хосе Аркадио Буэндиани жинни атаб янглишганини ҳам фаҳмлашди. Англашдики, вақт ҳам ҳалокатга учраши, шу сабабли, унинг бир парчаси хоналардан бирига тушиб, худди тошқин селнинг бир бўлаги кўлмақда қолиб кетгани каби, тўхтаб қолиши мумкин экан. Бундан ташқари, Хосе Аркадио Иккинчи қўлёзмаларнинг криптографик белгиларини туркумларга ажратиб, шу асосда жадвал тузишга муваффақ бўлди.

Аурелиано Иккинчи илгари, жумбоқли лотерея ташкил этган пайтлари, ҳар куни эрталаб томоғини нимадир қисаётганини сезарди. Гўёки ўша жойда кўёши тикилиб қолгандек эди. Петра Котес буни вақтинчалик бир касаллик деб ўйлади ва ярим ой давомида жазманининг танглайига тиш чўткаси ёрдамида асал ҳамда

шолғом сувини суртди. Томоғидаги шиш йириклашиб, нафас олиши қийинлашиб қолганида, Аурелиано Иккинчи дардга қарши бирор чора бор-йўқлигини билиш учун Пилар Тернеранинг олдига борди. Аммо юз ёшини яширин исловатхона бекаси лавозимида кутиб олган бувиси ҳанузгача медицинани хурофот деб биларди, шу боис ҳам қарта фолига мурожаат қиларди. Фолига томоғига қарға валет қиличи қадалган топпон қирол чиқди. Пилар Тернера, Фернанда Эррини сийқаси чиққан усул, яъни унинг расмига ниналар санчиб, уйига қайтармоқчи бўлаётганини, аммо афсунгарликда етарли малакаси бўлмагани сабабли, Аурелиано Иккинчининг томоғидаги шиш билан чекланганини айтди. Лекин Аурелиано Иккинчи оилавий альбомларида бус-бутун сақланаётган, тўйда туширилган расмидан бошқа бирорта сурати йўқлигини эслади. Хотинидан яширинча бутун уйни тинтиб кўрди ва кийим шкафидан антиқа қилиб ўралган бир неча дона бандаж топиб олди. Бу қизиқ резинкалар жоду бўлса керак, дуб ўйлади-да, бирини чўнтагига тиқиб, Пилар Тернерага олиб борди. Фолбин бандажнинг не мақсадда қўлланилишини аниқлай олмади, лекин бу матоҳ унга шу қадар шубҳали туюлдики, Аурелиано Иккинчига, бирор зарар етказмаслиги учун битта курк товуқ сотиб ол, пешоб сепиб, кейин товуқни каштан остига тириклай кўмиб юбор, деб тайинлади. Аурелиано унинг айтганларини ихлос билан бажарди ва товуқни кўмиб, бир оз енгил тортгандек бўлди. Фернанда бандажларнинг йўқолишини табиби ғайбларнинг интиқомига йўйди, кўйлагининг ичига чўнтак тиқиб, ўғли юборган янги бандажларни ўша ерга солиб қўйди.

Товуқ кўмилганидан олти ой ўтгач, Аурелиано Иккинчи ярим кечаси йўталдан уйғониб кетди. Гўё улкан қисқичбақа темир қисқичлари билан ичини тилка-пора қилаётгандай эди. У шу сонияда англадики, қанча сеҳрли камарларни гулханда ёқмасин, қанча товуққа пешобини сепмасин, бари бир ўлиши аниқ экан, фақат шугина яғона ва қайғули ҳақиқат экан. Бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очмади. Амаранта Урсулани Брюсселга юборишдан олдинроқ ўлиб қолишдан кўрқиб, энди ҳафтада бир марта ўрнига уч мартадан лотерея ўйини ташкил қиларди. Ҳали қуёш чиқмасидан бутун шухарни кезиб чиқар, ҳатто энг узоқ ва қашшоқ кварталларга ҳам етар, ўлимини бўйнига олган бандаларга хос маъюслик билан лотерея билетларини сотишга уринарди. «Илоҳий тақдир деганлари шу! — деб бақирарди у. — Қўлдан чиқарманглар, фақат юз йилда бир марта келади у!» Аурелиано Иккинчи бор иродасини тўплаб, ўзини хушчақчақ, бахтиёр қилиб кўрсатишга уринар, аммо унинг қонсиз, тер босган юзига бир қарашдаёқ, дунёдан насибаси узилганини билиб олиш мумкин эди. Аурелиано Иккинчи баъзан бегона кўзлардан қочиб, яйдоқ далага чиқиб кетар, ичини тилка-пора қилаётган темир қисқичлардан лоқал бир дақиқа тин олгани ўтирар эди. Викторл ёнида харидорсиз мудом зерикиб туришадиган ёлғиз аёлларни лотерея олишга ташвиқот қилиш мақсадида, у ярим кечаси исловотхоналар қасабаси бўйлаб кезарди. «Манави номер тўрт ойдан буён ҳеч кимга тушгани йўқ, — дерди у аёлларга билет кўрсатиб. — Қўлдан чиқарманглар, ҳаёт сиз ўйлагандан ҳам қисқароқ». Охир-оқибатда одамлар ҳурмат қилмай қўйишди ва ҳаётининг охирги кунларида уни, одатдагидек дон Аурелиано эмас, ҳеч бир уяламай-нетмай, «Дон илоҳий Тақдир», деб аташарди. Аурелиано Иккинчининг овози тобора пасайиб, охири итнинг хириллашига ўхшаб қолди, аммо у ўзида халқни Петра Котеснинг уйида ўйналадиган лотереяга жалб этишга етарли куч топарди. Дарди кучайгандан кучайиб, лотерея тикилаётган чўчкаю эчкиларнинг пули қизини Брюсселга ўқишга юборишга етказмаслигини пайқади. Шунда миясига ялт этиб бир фикр келди: энди у лотереяга тошқин ювиб кетган далаларни тикади, пулдор одамлар бу ўлик далаларни бемалол ўзлаштириши мумкин. Аини фикр одамларга шу қадар жозибали туюлдики, янгича лотереяни алькальд, яъни шаҳар ҳокими эълон чиқарди. Энди ҳар юз песо турарди. Одамлар ўзаро пул тўплаб харид қилишарди. Ҳаттоки шу мақсадда мустақил ширкатлар тузилди. Бир ҳафта деганда билетлар сотилиб бўлди. Ютуқ чиққан кеңкурун катта базм уюштирди. Базмда Аурелиано Иккинчи аккордеонда сўнги бор Франциско Одам қўшиқлари куйини чалди, фақат куйини чалди, лекин сўзини айтолмади.

Икки ойдан кейин Амаранта Урсула Брюсселга жўнаб кетди. Аурелиано Иккинчи қизига нафақат бу ғайри-оддий лотереядан тушган барча даромадни, балки сўнги ойлар даромида йиққан бошқа ҳамма маблағини, шунингдек, пианола, клавиборд ва яроқсиз бўлиб қолган турли мебелларни сотиб туширган пулларини ҳам берди. Унинг ҳисобича, бу пуллар то қизи ўқишни тугатишигача етиши керак эди, аммо қайтишига етиш-етмаслиги номаълум эди. Брюссель шаҳрининг гуноҳга ботган Париждан яқинлигидан дарғазаб бўлган Фернанда қизининг сафарига қаттиқ қаршилик кўрсатди. Лекин падре Анхель Амаранта Урсуланинг то ўқиши тугагунича яшаб туришга сўз берган роҳибларни ихтиёридаги католик қизлар пансионига ёзиб берган тавсияномаси уни тинчлантирди. Бундан ташқари, падре Толедога борувчи роҳибларни қидириб топди, улар қизни ўзлари

билан бирга олиб кетишга, Толедода эса, уни нақ Брюсселнинг ўзигача кузатиб қўядиган ишончли йўлдошларга топширишга сўз беришди. Бу масала юзасидан қизгин ёзишма бораркан, Аурелиано Иккинчи Петра Котес ёрдамида Амаранта Урсулани сафарга ҳозирларди. Унинг кийим-боши илгари Фернанданинг сепидан бўшаган сандиққа жойланди. Сафар шу қадар пухта ўйланган эдики, бўлажак толиба ҳатто Атлантика океанини кесиб ўтаётганларида қайси қўйлаги ва қайси туфлисини кийишини ва қирғоққа етганларида қиядиган мис тугмачали кўк пальтосио саҳтиён бошмоқчаси қаерда ётганини ёддан айтиб берарди. У кемадан тушаётганида сувга йиқилиб кетмаслик учун трапда ўзини қандай тутишини, роҳибалардан бир қадам ҳам ортада қолиб кетмаслигини, каютасидан фақатгина овқат ейиш учун чиқишини, очиқ денгизда ҳеч кимнинг — на аёл ва на эркекнинг саволларига жавоб қайтариши кераклигини жуда яхши биларди. У ўзи билан бирга денгиз касалига қарши дори солинган шиша идиш ва падре Анхель ўз қўли билан ёзган бўронга қарши олтита дуо битилган дафтарни олди. Фернанда қизига пул сақлаш учун брезент камар текиб берди ва уни тунда ҳам ечмасликни тайинлади. У Амаранта Урсулага хлор билан яхшилаб ювилган ва спирт шимдирилган пахта билан артилган тунги тилла тувагини ҳадя қилмоқчи бўлди, лекин қизи, бўлажак курсдошларим кулади, деб, тувакни олмади, Орадан бир неча ой ўтгач, ўлим тўшагида ётган Аурелиано Иккинчи қизини энг сўнги бор қай ҳолатда кўрганини эслайди — Амаранта Урсула Фернанданинг сўнги маслаҳатларини эшитиш учун иккинчи класс вагонининг чанг босган ойнасини очишга бефойда уринарди. Қизи ўнг елкасига сунъий капалак қадалган қўйлақда, кенг пошнали саҳтиён туфлида ҳамда эластик боғичли пайпоқда эди. У ўрта бўйли, узун сочлари елкасига ёзилган, қараш Урсуланинг худди шу ёшдаги қарашидек ўткир эди. Унинг кўзёшсиз, жиддий, кулмай хайрлашиш одати, Амаранта Урсула катта бувисининг руҳий қатъиятини ҳам мерос қилиб олганини исботларди. Аста-секин жойидан кўзғолаётган вагон билан ёнма-ён бораётган Аурелиано Иккинчи хотини қоқилиб кетмаслиги учун, унинг қўлидан ушлаб олганди. У қизи қўл учиде ўпич узатганини кўрди ва бунга жавобан зўрға қўл силкишга улгурди. Эру хотин узоқ, то поезд уфқдаги кичик нуқтага айланмагунча, қуёш тифида туришди. Улар тўйларидан сўнг биринчи бор қўл ушлашиб туришарди.

Тўққизинчи август куни, Брюсселдан биринчи хат келмай туриб, Хосе Аркадио Иккинчи Мелькиадеснинг хонасида Аурелиано билан суҳбатлашаркан, худди томдан тараша тушгандек:

— Бир умрга эслаб қол, — деди, — улар уч мингдан кўпроқ эди ва ҳаммасини денгизга улоқтиришди.

Шундай дедию қўлёмаларининг устига юзтубан йиқилиб, кўзлари очиқ ҳолда жон берди. Худди шу дақиқанинг ўзида, Фернанданинг тўшагида, эгизак акасининг томоғидаги темир қисқичлар билан азобли кураши якунланди. Ушбу воқеадан бир ҳафта илгари Аурелиано Иккинчи овозидан айрилиб, нафаси қисилиб, ғоят абгор бир аҳволда уйига қайтиб келган эди. У ўзининг сандиқларию абжағи чиққан аккордеонини ҳам олиб келган, хуллас, хотинининг кўз олдида ўлмоқчи бўлиб берган ваъдасининг устидан чиқмоқчи эди. Петра Котес унга кийимларини жойлашда кўмак берди, маҳбуби билан хайрлаша туриб бир томчи ҳам ёш тўкмади. Аммо у Аурелиано Иккинчи тобутда кийиб ётишни истаган лок ботинкаларни сандиққа солишни эсдан чиқариб қўйди. Шу сабабли ҳам, Петра Котес унинг ўлимини эшитиб, қора либос кийди, ботинкани газетга ўради ва Фернандага, унинг жасадини кўрай, рухсат бер, деб ялинди. Фернанда уни ҳатто остонага ҳам йўлатмади.

— Ўзингизни мени ўрнимга қўйиб кўринг, — дея илтижо қилди Петра Котес. — Уни севмасам, ўзимни шунчалар хўрлармидим?!

— Бировнинг эри билан ўйнашган аёлга неки хўрлик ҳам озлик қилади, — деб жавоб қайтарди Фернанда. — Яхшиси, ўзинг илакишган бошқа эркеклардан бирининг ўлимини кута қол, ботинканиям ўшанга кийгизасан.

Ваъдасига содиқ қолган Санта София де ла Пьедад, Хосе Аркадио Иккинчини тириклай кўмишмаётганларига ишонч ҳосил қилиш учун, ўликнинг бошини ошпичоқ билан кесиб ташлади. Ака-укалар бир хил тобутга жойлаштирилди, шунда одамлар улар ўлганларидан кейин яна бир-бирига ўхшаб қолганини кўришди. Аурелиано Иккинчининг эски ҳамтовоқлари унинг тобути пойига «Туғинглар сигирлар, умр — қисқа!» деб ёзилган лента билан ўралган гулчамбарлар қўйишди. Фернанда бу таҳқирдан ғазабга келди ва гулчамбарни ҳожатхонага улоқтиришни буюрди. Ғуссага чўмган арақхўрлар тобутларни қабристонга элтишди, сўнги онларда сал довдираб қолишди, шу боис, Хосе Аркадио Иккинчига аталган қабрга Аурелиано Иккинчини, Аурелиано Иккинчига аталган қабрга Хосе Аркадио Иккинчини кўмишди.

Аурелиано Мелькиадеснинг хонасида яна анча йиллар банд бўлди. У тўзиган китобдан ақл бовар қилмайдиган афсоналарни, роҳиб Герман Шол таълимотининг қисқача баёнини, деменология¹ фан тавсифланган мақолани, ҳикмат тошини қидириш қўлланмасини, Нострадамуснинг «Аср» асарини, унинг ўлат ҳақидаги тадқиқотларини ёдлаб олди ва шу тариқа, ўзи яшаётган замондан беҳабар қолди. Аммо у ўрта асрларга доир барча муҳим билимларга эга эди. Энди кенжа Аурелиано туппа-тузук ўсмир эди. Санта София де ла Пьедад хонага қай соатда кириб қолмасин, Аурелиано доимо китоб ўқиётган бўларди. Аёл эрталаб бир чашка қандсиз кофе, тушда қовурилган банан билан бир ликопча қайнатилган гуруч, — Аурелиано Иккинчининг ўлимидан сўнг шу таомга кунлари қолган эди, — олиб келарди. Санта София де ла Пьедад ўсмирнинг сочини силар, битларини терар, эски сандиқлардан топилган кийимларни унга мослаб кичрайтирарди. Кенжа Аурелианонинг мўйлаби сабза ура бошлаганида, унга полковник Аурелиано Буэндианинг устараси билан стаканчасини келтириб берди. Меменинг ўгли мархум полковникка унинг ўз пуштидан урчиган ўғилларидан ҳам кўпроқ ўхшаб кетарди. Бир вақтлар Аурелиано Иккинчи Мелькиадеснинг хонасида ўтирганида, Урсулага ўзи билан ўзи гаплашаётгандек бўлиб туюларди. Санта София де ла Пьедад ҳам кенжа Аурелианога нисбатан айни фикрда эди. Очиғи, кенжа Аурелиано Мелькиадес билан суҳбатлашарди. Эгизак ака-укаларнинг ўлимидан кейин сал ўтиб, иссиқ чошгоҳ пайти чароғон дераза ёнида соябони қарға қанотларини эслатувчи шляпа киийиб олган маъюс чол пайдо бўлди. Бу пайтда Аурелиано қўлёзмалар алифбосини туркумларга бўлишни тамомлаган эди. Шу сабабли, Мелькиадеснинг, қоғозлар қайси тилда ёзилганини билиб олдингми, деган саволига ҳеч иккиланмасдан:

— Санскритда ёзилган, — деб жавоб берди.

Мелькиадес, ҳадемай бу хонага келиб-кетишим ҳам тугайди, деб айтди. Қўлёзмаларни ўқиш мумкин бўлган пайтгача, яъни улар битилганига роса юз йил тўлгунича Аурелиано санскрит тилини мукамал билиб олиши тайин, шу боиски, Мелькиадес ажал масканига хотиржам кетади. Аурелиано Мелькиадесдан банан компанияси замонида фолбинлар ўтирадиган жойда — дарёга элтувчи торкўчада яшайдиган каталониялик бир олимнинг китоб дўконига санскрит тили қўлланмаси борлигини, агар тезроқ харид қилинмаса, китобни олти йилдан сўнг куя еб қўйишини билиб олди. Санта София де ла Пьедаддан, ўша олимнинг дўконига бориб, «Озод Қуддуси Шариф» китоби ва Мильтон поэмалари ўртасида, китоб тоқчасининг иккинчи қаторида, ўнг бурчакда турган китобни олиб келинг, деб сўраганида, аёл ҳайратга тушди. Айни ҳайрат — Санта София де ла Пьедаднинг умрида биринчи бор туйғуларини ошкор этиши эди. Аёл саводсиз эди, шу сабабли, Аурелиано айтган гапни қаттиқ ёдда тутди, устахонага яшириб қўйилган тилла балиқчадан бирини сотиб, китобга етарли пул топди; солдатлар уйларини тинтув қилишган ўша оқшомдан сўнг, балиқчалар яшириб қўйилган жойни фақат Аурелиано иккови биларди.

Аурелиано санскрит тилини кунт билан ўрганарди. Мелькиадес энди жуда кам келарди. У гўё чошгоҳнинг кўзни қамаштиргувчи ёруғига қоришиб, борган сари узоқлашар эди. Лўли охириги бор келганида Аурелиано чолни кўролмади, аммо хонада эканини ҳис қилди, «Мен Сингапур ботқоқларида безгақдан ўлдим», деб пичирлаганини зўрға эшитди. Шу кундан бошлаб, хонага чанг, жазирама иссиқ, чумолилар, китоб ҳамда қўлёзмаларни уларга жо этилган ҳикматларига қўшиб еб ташлайдиган куяларнинг киришига монелик қиладиган сеҳрли куч ҳам йўқолди.

Уйда озиқ-овқатдан камчилик йўқ эди. Аурелиано Иккинчи вафотининг эртаси куни, унинг арақхўр дўстларидан бири Фернандага «Мен мархум эрингиздан қарз олувдим», деб анчагина пул берди. Энди ҳар чоршанбада уйларига турли егуликлар солинган тўқима сават олиб келишарди. Саватни таҳқирнинг яхши усули — ғанимга садақа бериш, деб ўйлаган Петра Котес юборишига уан ким шубҳаланмас эди. Петра Котеснинг қалбидаги тўпганиб қолган адоват ўзи ўйлаганидан ҳам тезроқ тарқаб кетди, аммо Аурелиано Иккинчининг собиқ маҳбубаси олдиниға такаббурликдан, сўнгра эса азбаройи ачинганидан мархумнинг бевасига озиқ-овқат юборишини канда қилмади. Кейинчалик, лотерея тарқатишга кучи қолмаган кезлари ҳам, гарчанд ўзи оч қолса-да, Петра Котес кундошиға овқат юбориб турди. Бу ҳол то кундошининг тобутини ерга қўйишганини ўз кўзи билан кўрмагунича давом этди.

Хонадан аҳли камайиб, ярим асрдирки рўзғорни елкасида тутган Санта София де ла Пьедаднинг ишлари камайгандай бўлди. Оилаға фаришталардек олижаноб Гўзал Ремедиосни, мағрур Хосе Аркадио Иккинчини ҳада қилган, ўзини гўдақлар

¹ Деменология — христианлар мифологиясидаги шайтон ва ажиналар табиатини ўрганувчи фан.

тарбиясига (гарчи улар ўзларининг шу аёлга ўғил ёки неварга эканлигини билишмас-са-да) бағишлаган аёл, Аурелианога ҳам меҳр билан қарарди. Бу индамас ва одамови аёлнинг дунёдан нолиганини ҳеч ким эшитмаган эди. У каламушлар шовқин солиб чиқадиган қазноқнинг полида, яйдоқ ерга бўйра тўшаб ухларди. Бечора аёлнинг ташвишини ейдиган ягона киши — Петра Котес эди. Санта София де ла Пьедад уни бирор марта кўрмаган эди. Петра Котес доимо — ҳатто энг оғир кунлари, Аурелиано Иккинчи билан лотереядан тушган тангаларни кечалари тақсимлаб чиқишган пайтлари ҳам, — Санта София де ла Пьедаднинг кўчага чиққанда киядиган бирор кўйлаги ёки туфлиси бўлсин, дея жони ҳалак бўларди. Фернанда бу хонадонда пайдо бўлганида, Санта София де ла Пьедаднинг оқсоч аёл деб ўйлашига барча асослар бор эди. Гарчи унга Санта София де ла Пьедаднинг кимлигини неча марта айтишган бўлишса-да, Фернандага айна изоҳлар ғайритабиий туюлар, оқсоч аёлнинг аслида ўзига қайнона эканини зўрға англари, сўнг тез орада эсидан чиқариб қўярди. Чамаси, Санта София де ла Пьедад ўзининг ўта итлоаткорлигидан мутлақо азият чекмасди. Аксинча, унга хоналар бўйлаб бетиним ва сассиз кезиш, ўзи ёшлигидан бери яшаб келаётган, банан компанияси даврида оилавий маскандан кўра кўпроқ казармага ўхшаб қолган баҳайбат уйни ҳаммиша саранжом-саришта сақлаш ёқарди. Лекин ўзининг серҳаракатлиги ва одамларни лол қолдирувчи ишчанлигига қарамай, Урсуланинг ўлимидан сўнг у ҳам қарилкни тан олди. Уй ҳам у каби мункиллаб қолгандай эди. Деворларни майин пўпанак қоплади, ҳовлини ўт-ўланлар босиб кетди, галереянинг цемент полини ёввойи ўтлар тарс-тарс ёриб юборди. Ёриқлардан юз йилча олдин Урсула кўрган, Мелькиадес сунъий жағини солиб қўйган сувли стаканда қулф урган ўша таниш сариқ гулчалар униб чиқди.

Болаларига хат ёзиш билан банд Фернанда вайронагарчилик даҳшатли тус олганини, уни ортга қайтариш мумкин эмаслигини ҳис қилолмасди. Санта София де ла Пьедад танҳо ўзи курашишга мажбур эди — у ошхонага киришга уринаётган ёввойи ўтларга қарши жанг қилар, деворлардаги бир неча соатдан сўнг яна қайта пайдо бўлувчи ўргимчак уяларини сидириб ташлар, термитларни инларидан қувиб чиқарарди. Аммо у ўзи озода сақлашга уриниб, кунига уч маҳал супуриб-сидираётган Мелькиадеснинг хонасида ҳам чанг ва ўргимчак уяси пайдо бўлаётганини, хона фақат икки киши — полковник Аурелиано Буэндиа билан ўйни тинтув қилган ёш офицергина гувоҳ бўлган ўша ифлос ва ғариб ҳолига тушаётганини кўрганидан сўнг, таслим бўлганини тан олди. Шунда у кўчага чиқиш учун асраб қўйган қўсқи кўйлагини, Урсуланинг эски ботинкасини ҳамда Амаранта Урсула совға қилган оддий пайпоқни кийди ва қолган кийимларини тугиб олди.

— Ортиқ чидолмайман, — деди у Аурелианога. — Бу катта уй ташвиши энди менга оғирлик қилади.

Аурелиано ундан қаёққа боришини сўраганда Санта София де ла Пьедад шунчаки мужмал қўл силтаб қўйди. Аммо сал туриб, ҳаётининг сўнгги йилларини Риочадаги жияни ёнида ўтказмоқчи эканини айтди. Унинг уйдан фақат шахсий жамғармаси — бор-йўғи бир песою йигирма беш сентаво билан чиқиб кетаётганини кўрган Аурелиано, Санта София де ла Пьедадга ўн тўртта тилла балиқчани берди. Аёлнинг йиллар залворидан букчайиб, оёғини зўрға судраганча, қўлидаги ғариб тугун билан секин ҳовлини кесиб ўтганини, лўкидонни тушириб қўйиш учун қўлини дарча тирқишига суққанини кўрди. Шу-шу, Аурелиано Санта София де ла Пьедадни бошқа ҳеч қачон кўрмади ва у тўғрида ҳеч нарса эшитмади ҳам.

Санта София де ла Пьедаднинг ўйни тарк этганини эшитган Фернанда кун бўйи жавради. Сандиқларни, шкафларни титиб, буюмларини бирма-бир текшириб кўриб, қайнонаси ҳеч нарса олиб кетмаганига ишонч ҳосил қилди. Кейин умрида биринчи марта печка ёқишга уриниб, бармоғини куйдириб олди, гарчи ўзини камситиб бўлса-да, Аурелианодан, кофе қандай тайёрланади, деб сўрашга мажбур бўлди. Усмир бора-бора ошхонадаги ҳамма ишларни ўз зиммасига олди. Фернанда уйғонганида столада нонушта тайёр турарди. Овқатлангач, у яна ётоғига қайтиб кирарди. Ҳувиллаган хонадонда Аурелиано билан Фернанда қолишган бўлса-да, уларнинг ҳар бири ўз танҳолиги қобиғига ўралиб, айри-айри яшашни давом эттирарди. Улар фақат ўз ётоқларини йиғиштирар, бошқа хоналарга мутлақо эътибор беришмасди. Худди ўша кунлари Фернандада, уйда ажина пайдо бўлди, деган таассурот туғилди. Буюмлар гўё оёқ чиқаргандай эди. Фернанда қайчини кечқурун каравотига қўйганига ишончи комил бўла туриб, уни бир неча соат излар ва охири, бутун кўрпа-тўшакни ағдар-тўнтар қилиб чиққанидан сўнг, ошхонадаги топчадан топарди. Баъзида қўтидаги вилкалар йўқолиб қолар, эртасига аёл олтига вилка меҳробда ва учтаси ювиниш жойида ётганини кўрарди. Буюмлар гўёки бекинмачоқ ўйнаётгандек эди. Фернанда айниқса хат ёзишга тутинганида хуноб бўларди. Ҳозиргина ўнг ёнига қўйган сиёҳдон чап томонга ўтиб кетарди, пресс-папье столдан умуман ғойиб бўлар, уч кун ўтгандан кейин Фернанда уни ёстиғининг остидан топарди. Хосе Аркадиога ёзилган хат Амаранта-

га Урсуланинг конвертига тушиб қоларди. Бир куни Фернанда ручқасини йўқотди. Ручкани чўнтагидан топиб олган ва эгасини қидириб уйма-уй юрган почтачи, ўн беш кундан сўнг келтириб берди. Фернанда олдинига бу синоатда табиби ғайбларнинг қўли бор, деб ўйлади. Уларга, тинч қўйинглар, дея илтижоли хатлар ёза бошлади, аммо ҳожатга чиққиси келдию хатни чала ташлаб ўрнидан кўзгалди. Қайтиб келганида мактуб ғойиб бўлган эди. Фернанданинг ўзи ҳам уни эсидан чиқарганди. Бир муддат у Аурелианодан шубҳаланиб юрди. Фернанда неварасини тутиш мақсадида, йўлига турли-туман нарсаларни қўйиб, пойлай бошлади, аммо тезда Аурелиано фақат ошхонагаю ҳожатхонага чиқишига, қолаверса, ҳазил-мутуйибага тоби йўқлигига амин бўлди. Шундагина Фернанда, буларнинг бари ажиналарнинг иши, деган фикрга келди ва ҳар бир буюмни у қаерда туриши лозим бўлса, ўша ерга боғлаб қўйишга аҳд қилди.

Аурелиано Санта София де ла Пьедад санскрит тили дарслигини олиб келганидан роса уч йил ўтганда қўлёмаларнинг биринчи варағини таржима қилолди, холос. У жуда катта иш қилди, лекин ҳозирча бу илк қадам — испанча таржимаси ҳеч нарсани аңлатмайдиган жумбоқли шеър эди. Аурелиано бу жумбоқни очадиган калит қаердалигини билмасди, аммо дафъатан у Мелькиадеснинг, каталониялик олимнинг дўконига қўлёмма мазмунига доир китоблар бор, деб айтганини эслади. Фернанда билан гаплашиб, ундан ана шу китобни қидиришга рухсат сўрамоқчи бўлди. У рухсат олишига шу қадар ишонардики, ҳатто бир куни эрталаб узун, елкасига етай деб қолган сочини, соқолини олди, тор шим, кимдандир мерос бўлиб қолган ёқаси тугмали кўйлак кийиб, ошхонага борди. Овқат олгани келадиган Фернандани кута бошлади. Фернанда оқ сувсар терисидан тикилган сарғайиб кетган мантия, бошида тилла суви юритилган картон тож кийган ғоят гўзал кампир қиёфасида кириб келди. Унинг кўзлари шу қадар толиққандики, гўёки тун бўйи боғлаб чиққандай туюларди. Фернанда Аурелиано Иккинчининг жомадонидан маликаларнинг куя еб қўйган либосини топганидан бери, тез-тез кийиб кўрарди. Узининг шоҳона савту сумбатидан завқланиб, кўзгу олдида айланаётганини кўрган одам, Фернанда ақлдан озибди, деб ўйларди, лекин у соппа-соғ эди. Малика либоси шунчаки хотиротни қамчиловчи восита эди, холос. У ўзини шу қадар кекса, шу қадар яроқсиз, ҳаётининг энг яхши онларидан шу қадар йироқ ҳис қилардики, илгари энг қора деб юрган кунларини қўмсарди. Танҳолик аччиғини татиб кўргач, у қайтадан одам бўлди. Аммо ўша куни эрталаб ошхонада бир чашка кофе узатаётган қоқсуяк, рангпар, кўзлари ғалати чақнаётган ўсмирни кўрганида, ўзига ўзи кулгили туюлиб кетди. Фернанда нафақат Аурелианонинг илтимосини рад этди, балки уйнинг калитларини бандаж сақлайдиган яширин чўнтагига солиб қўйди. Бу эҳтиёткорлик ортиқча эди. Аурелиано истаса уйдан билдирмай чиқиб кетиб, яна билдирмай қайтиб келиши мумкин эди. Аммо атрофини қамраган оламга ишончсизлик, неча йилдирки давом этаётган таркид-нечилик ва итаоткорлик одати йигитнинг қалбида исён уруғларини тамом бўғиб ташлаган эди. У ҳужрасига қайтиб, яна қўлёмаларни ўрганишга муккасидан кетди. Бир куни эрталаб одатдагидек печка ёқиш учун ошхонага чиқди ва Фернандага аталган овқат совуб қолганини кўрди, унга ҳеч ким қўлиниям теккизмаган эди. Шунда у ётоқхонага кириб, Фернанданинг каравотда оқ сувсар мантия ёпиниб, ётганини кўрди. Фернанда ўлимидан сўнг яна ҳам чиройлироқ бўлиб кетгандай эди. Орадан тўрт ой ўтгач, Макондога келган Хосе Аркадио ҳам онасини худди ана шу ҳолатда кўрди.

Хосе Аркадио онасига қўйиб қўйгандек ўхшар эди. Қора костюм, қотирма ёқали кўйлак кияр, бўйнига галстук ўрнига ингичка шойи лента боғлаб юрарди. Хосе Аркадионинг нигоҳида ҳайрат ифодаси қотиб қолгандек туюлар, юзи рангпарроқ эди. Уртасидан тўғри ва нозик фарқ очилган қоп-қора, ялтироқ ва силлиқ сочи авлиёларнинг ясама сочига ўхшарди. Унинг дундиқ, сертомир қўллари меҳнат кўрмаган эди. Аурелиано эшик очгани чиқиб, рўпарасидаги одам узоқ йўл босиб келганини пайқади. Хосе Аркадиодан ҳали-ҳунузгача сўкри Урсула осонроқ топиб олиш учун пуркаган гул сувининг ҳиди анқиб турарди. Орадан шунча йиллар ўтса-да, Хосе Аркадио ҳеч ўзгармаган, бевақт қариган ёш болага ўхшарди. У жасад чиримаслиги учун Аурелиано роса тўрт ойдан буён Мелькиадеснинг рецепти бўйича симоб қайнаётган хонага кириб борди. Хосе Аркадио жиянидан ҳеч нарса сўрамади, ўлик Фернанданинг пешонасидан ўпди, юбқасининг чўнтагидан ҳали ишлатилмаган учта бандаж ва кийим шкафининг калитини олди. Унинг қатъий ва кескин ҳаракатлари ғамнок кўринишига ҳеч мос тушмасди. Шкафдан оилавий герб тасвири туширилган қутичани олиб, Фернанданинг хатини чиқарди. Марҳум онаси хатга юрагидаги барча дардларини тўкиб-сочган, тириклигида ўғлидан яшириб келган гапларини ҳам батафсил ёзган эди. Хосе Аркадио мактубни тик турганча, катта қизиқиш билан ўқиди, аммо заррача ҳам ҳаяжонга тушмади, учинчи бетга етганида тўхтади ва худди энди кўраётгандай жиянига диққат билан тикилди.

— Шундай қилиб, — деди у, — сен ўша қариндошваччамисан?

— Мен Аурелиано Буэндиаман.

— Бор, хонанга кир, — деди Хосе Аркадио.

Аурелиано хонасига борди ва у ердан ҳатто Фернанданинг ғарибона дафн маросимини кўришга ҳам чиқмади. У баъзида ошхонанинг ним очиқ эшигидан Хосе Аркадионинг оғир-оғир нафас олиб, уй бўйлаб юришини кўриб қолар, ярим кечалари эса нураб бораётган ётоқхоналардан келаётган қадам товушларини эшитарди. Хосе Аркадио уни суҳбатига муносиб кўрмагани учунгина эмас, балки ўзининг ҳам унга бирор оғиз гапиришга истаги йўқлиги ва қўлғезмадан бош кўтаришга имкони бўлмагани сабабли, Аурелиано унинг товушини бир неча ойдан бери эшитмаган эди. Фернанданинг ўлимидан сўнг, у охириги тилла балиқчани олди-да, ўзига зарур китобни харид қилиш учун каталониялик олимнинг китоб дўконига югурди.

Устидаги китобларнинг оғирлигидан хиёл эгилган стол ёнида ўтирган дўкон эгаси дафтардан юлиб олган варақларга бинафшаранг ажи-бужи ҳарфларда на боши ва на охири бор ёзувларни битарди. Чақноқ ва қисик кўк кўзларида дунёдаги ҳамма китобларни ўқиб чиққан одамнинг беозор меҳри товланиб турарди. Дўкондор жиққа терга ботиб, биттагина иштонда ўтирарди. У Аурелиано кириб келганида, ҳатто қайрилиб ҳам қарамади. Йигит бетартиб қалашиб ётган китоблар орасидан ўзига керакли бештасини осонгина қидириб топди, чунки улар Мелькиадес айтган жойда ётарди. У бир сўз демасдан, танлаган китобларию олтин балиқчани дўкондорга узатди, олим уларни варақлаб чиқди-да, кўзларини юмди. «Ақлдан озибсан», — деб пичирлади ва каталон тилида, сўнг Аурелианога китоблар ва балиқчани қайтариб берди.

— Олавер, — деди у испанчалаб. — Менимча, бу китобларни охириги марта ўқиган одам Исаак Кўр эди. Нима қилаётганингни яхшилаб ўйласанг бўларди.

Хосе Аркадио Меменинг ётоқхонасини ремонт қилдириб, бахмал пардалар ва филофларни ямаб, тозалашни буюрди. Бассейннинг деворлари аллақандай қора ва дағал ғубор билан қопланган ҳаммомни тартибга келтира бошлади. У ўз мулкини ётоқхона ва ҳаммом билан чеклади, уларни турли арзимас буюмлар: яғири чиққан экзотик безаклар, арзон атир ва қалбаки жавоҳирлар билан тўлдирди.

Одатда у кундузи соат ўн иккида уйғонарди. Тургач, эски, аждаҳолар тасвири туширилган зардўзи халат, зардўзи шиппак кийиб, ҳаммомга борарди. Бассейнга тушишдан олдин сувга уч шишадаги хушбўй тузларни сепарди. У Гўзал Ремедиос сингари қовоққа сув солиб ювинмасди. Муаттар сувга тушиб, унинг тиниқлигидан завқланиб, Амарантани эслаб, икки соат чалқанча ётарди. Хосе Аркадио уйга келганидан сўнг бир неча кун ўтгач, яккаю ягона байрам қостюмини ечиб, бир вақтлар Пьетро Креспи киядиган шимга ўхшаган тор шим, кўкрагига исм-фамилиясининг бош ҳарфлари ёзилган шойи кўйлак кийиб олди. У кийимларини бассейнда ҳафтасига икки марта ювар, кир қуригунча халатда юрарди, чунки кийгани бошқа ҳеч нарсаси йўқ эди. Иссиқ сал босилгач, кўчага чиқар, сўнг яна Амаранта тўғрисида ўй сурганча, оғир-оғир нафас олиб, хоналар бўйлаб айлангани ярим кечада қайтиб келарди. У фақат икки нарсани — Амарантани ва авлиёларнинг тунги чироқнинг милтиллашида даҳшатли бўлиб қўринадиган кўзларини хотирасида сақлаб қолганди. Амарантанинг сиймосини урушнинг қонли ботқоғига чўктириб юборишга уринган Аурелиано Хоседан фарқли ўлароқ, онасини ўзининг диний лаёқати ҳақидаги афсоналар билан лақиллатиб юрган Хосе Аркадио Амарантанинг сиймосини қалб тўрида ғоят эъзозлар эди. Римга келганидан сўнг Хосе Аркадио семинарийни ташлаб кетди, аммо Фернанданинг уйдирма хатларида таъкидланган афсонавий меросдан маҳрум бўлмастик учун, ўзининг илоҳият ва черков ақидаларини изчиллик билан ўрганаётгани ҳақида онасига ёлғон ахборот бераверди. Ёлғон уни қашшоқликдан, Трестевердаги уйларнинг бирида икки дўсти билан оч-юпун яшаётган ифлос чордоқдан халос этиши керак эди. Фернанда ўлими яқинлигини ҳис қилиб ёзган охириги хатни олиб, ясама зийнатларини жомадонга жойлади, муҳожирлар кушхонага текилган подадек қалашиб ётган, совуқ макарону қуриган пишлоқни чайнамай ютишадиган кеманинг трюмида океанни кесиб ўтди. Ҳали Фернанданинг мусибатлар рўйхатидангина иборат васиятномасини ўқимай турибоқ, тузоққа тушганини англади.

Хосе Аркадиони йўқотиб қўйишдан қўрққан Урсула болалигида уни ётоқхона бурчагида миқ этмай ўтиришга ўргатган эди. Урсуланинг таъкидлашича, кеч тушиши билан пайдо бўлиб, бутун уй бўйлаб санқийдиган ўликлар фақат ўша бурчакка яқин йўламасди. «Агар сен бирорта бемаъни иш қилсанг, — деб пўписа қиларди унга Урсула, — азиз авлиёлар менга шу заҳотиёқ айтиб беришади». Хосе Аркадио болалигида бурчакдаги курсида қимир этмай, айғоқчи авлиёларнинг совуқ нигоҳидан терга тушиб, уйқу вақтигача кўрқа-писа ўтириб чиқарди. Хосе Аркадио шусиз ҳам атрофини қуршаган ҳамма нарсадан қўрқар, одамлардан, воқеа-ҳодисалардан, қонни бузувчи кўча аёлларидан, чўчка думли бола туғадиган хонаки аёллардан, бировларга ажал, бошқаларга бир умрлик виждон азоби

келтирувчи уришқоқ хўрозлардан, биринчи мулоқотдаёқ кишини йигирма йиллик урушга йўлиқтирадиган қуролдан, охир оқибатда умидларни пучга чиқарувчи ва жиннилик билан якунланувчи енгилтаклик юмушларидан ва, умуман, худо яхшилик учун яратган, аммо шайтон йўлдан оздирган барча нарсалардан қўрқишга шай бўлиб ўсарди. У тунлари муҳдиш тушлар азобида қийналиб чиқар, эрталаб эса деразадан тушаётган қуёш нурлари, уни бассейнда чўмилирадиган Амарантанинг меҳрибон қўллари унга нажоту умр ато этарди. Қуёшда чарақлаб турган боғда Урсула ҳам бошқача бўлиб туюларди; кампир энди даҳшатли ҳикоялари билан чўчитмас, балки табассуми Рим папасиники каби ёқимтой бўлсин дея, майда кўмир билан боланинг тишини ювар, Римга ер юзининг турли бурчакларидан зиёратга келганлар папа ўз қўлини нақадар тоза тутишини кўриб таажжублансин дея, тирноқларини олар, чевараси ҳам пападай хушбўй бўлсин дея, унинг бошига гул сувини пурқарди.

Папанинг Кастельгандольфе қасри ҳовлисига қараган балконда туриб, зиёратга келган оломон ҳузурда етти тилда нутқ сўзланаётганини кўрган Хосе Аркадио, бош руҳоний қўлларининг сугга чайилгандай оқлигини, ёзги кийимининг ғоят орасталанини ва ундан таралаётган муаттар атирнинг ҳидини пайқади, холос.

Хосе Аркадионинг уйга қайтиб, бир йил ичида кумуш шамдонларни ва герблар билан безатилган тилла тувакни (очиғини айтганда тувакнинг фақат гербларигина олтиндан эди) сотиб бўлди. Энди унинг бирдан бир машғулоти — уйга шаҳар болаларини тўплаб, уларга тўла эрк беришдан иборат эди.

Болалар худди Меменинг мактабдош дугоналари сингари, уйни тезда ўзлариники қилиб олишди. Уй интизомсиз мактаб-интернатга ўхшаб қолди: кечаси алламаҳалгача болаларнинг чуғур-чуғур суҳбати, қўшиғи ва ер депсиниб рақсга тушаётгани эшитиларди. Олдинига Аурелиано бунга эътибор бермади; лекин болалар тез орада Мелькиадеснинг хонасини ҳам ишғол этишди. Бир куни эрталаб хона эшигидан мўралаган икки бола стол ёнида қўлэзма ўқиётган ирkit, сочлари тўзиган одамни кўриб чўчиб тушишди. Болалар ичкари киришга журъат қилишолмади, аммо ўша кундан бошлаб хонадаги ғалати кимсага қизиқиб қолишди. Улар хонага форточкадан ифлос нарсаларни отишарди. Бир гал хатто деразаю эшикларни михлаб ташлашди. Аурелиано нақ ярим кун қамалиб қолди. Қилиқлари жазосиз қолавергач, болалар баттар ҳадларидан ошдилар. Аурелиано ошхонага чиққанида тўрт нафар бола, қўлэмаларни йўқотиш учун Мелькиадеснинг хонасига кирди. Аммо сарғайиб кетган қоғозларга қўл текизган заҳоти, аллақандай куч уларни тепага кўтарди ва Аурелиано қайтиб келиб, қўлэмаларга эғалик қилмагунча ҳавода муаллақ ушлаб турди. Шу-шу, болалар қайтиб уни безовта қилишмади.

Гарчанд ўсмирлик ёшига етишса-да, ҳалигача калта иштончаларини ташламаган тўрт нафар бола эрталаб ҳаммадан олдин келишиб, Хосе Аркадионинг соқолини олишар, баданини уқалашар, қўл ва оёқларининг тирноқларини эғовлаб, бошига гул сувини пурқашарди. Улардан бири — сочи малла ва жингалак, қуёнкўз бола одатда тунагани қоларди. Бола устозига шў қадар боғланиб қолган эдики, Хосе Аркадио иситмадан азобланиб, кечалари қоронғи хоналар бўйлаб бедор кезганида ҳам унинг ёнидан жилмасди. Бир куни ярим тунда улар Урсуланинг ётоғидаги цемент полнинг ёригидан таралаётган сарғиш ёғдуни пайқаб қолишди. Гўёки пастдан ерости қуёши нур сочаётгандек туюларди. Улар Урсуланинг каравоти остидаги плиталарни кўтаришди: Аурелиано Иккинчи ўжарлик билан узоқ вақт қидирган хазина пол тагида эди. Бу ерда оғзи мис симлар билан боғланган учта брезент қоп ётар, уларнинг ичида қоронғида чўғдек шуъла сочаётган етти минг икки юз ўн тўрт асл тилла танга бор эди.

Хазина топилиши қоронғилик қаърида ялт этиб чаққан чақмоққа ўхшарди. Аммо Хосе Аркадио оч-юпун пайтларида қалбида олиб юрган орзусини амалга ошириш — оёғи остидан қиқиб қолган хазинани Римга олиб кетиш ўрнига, уйни декадентлик жаннатига айлантирди. Ётоқхонадаги бахмал пардалар ва балдахини янгиланди, ҳаммомдаги полга плита тўшалди, деворларга кошинлар қопланди. Ошхонадаги буфет ширин-шакар мевалар, дудланган колбаса ва маринад билан тўлдирилди, доимо ёпиқ турадиган омборхона эшиги очилиб, у беҳисоб вино ва ликёрларни ўз бағрига олди; ичимликлар устига Хосе Аркадионинг номи ёзилган қутиларда келарди. Бир куни у ўзига яқин тўрт нафар ўсмир билан тонгача базм қилди. Эрталаб соат олтида ётоқхонадан қип-яланғоч ҳолда чиқшди ва бассейн сувини чиқариб юбориб, шампан виноси билан тўлдиришди. Болалар яқдиллик билан сувга сакрашди. Хосе Аркадио улардан сал нарироқда чалқанча тушиб ётарди. У ўз фикрларига ғарқ бўлиб, кўзлари очиқ, Амарантани хотирлар эди. Болалар тезда толиқишди ва тўртовчи ҳам ётоқхонага кириб, бахмал пардаларни юлиб олиб эртанишди, сўнгра роса тўполон қилиб, қимматбаҳо кўзгуларни синдиришди: кейин каравотига чиқиб, балдахинни узиб ерга улоқтиришди. Хосе Аркадио ичкарига кириб, кўз олдидан намоён бўлган бу нохуш манзарани эмас,

балки бемаъни айш-ишрат туфайли шу қадар тубанликка тушгани учун ўзидан нафратланиб кетди, кўзлари ғазабга тўлди, сандиқ тубида хирқа ва темир-терсақлар орасида ётган даррани кўлига олди-да, жинниларча бақриб, болаларни савалай бошлади, Хосе Аркадио собиқ дўстларини шу қадар ғазаб билан урардики, ҳатто ўлаксахўр чиябўрилар тўдасига ҳам ҳеч қачон бунчалар шафқат-сизлик қилмаган бўларди. Ниҳоят, у хонада ёлғиз қолди. Ғоят толиқди, астма тагин хуруж қилиб, уч кун сурункасига азоб берди. Ниҳоят, оғриқ сал пасайғач, Хосе Аркадио худди ўлаётган одамга ўхшаб қолди. Астма касали хуружининг учинчи кечаси, азобга чидаёлмай, Аурелианонинг хонасига кирди ва ундан дорихонага бориб келишни илтимос қилди. Аурелиано умрида иккинчи бор кўчага чиқди. У атиги икки кўча нарига ўтганидан сўнг, чанг босган пештахтасига чинни идишчалар териб қўйилган кичкина дорихонани кўрди. Нил дарёси илони каби силлиқ бир қиз унга Хосе Аркадио номини бир парча қоғозга ёзиб берган дорини узатди. Осма чироқларининг сарғиш нури ғира-шира ёритган кимсасиз кўчалар Аурелиано-нода заррача қизиқиш уйғотмади. У энтикиб-энтикиб, оёқларини зўрға босиб юрарди — туну кун бир жойда босиб ўтираверганидан аъзолари пахтадай бўшаб қолган эди. Қайтиб келганида, Хосе Аркадио уни қочиб кетган, деб гумонсираб ўтирган экан. Лекин Аурелиано ёруғ дунёга шу қадар лоқайд эдики, бир неча кундан сўнг хоҳлаган пайтда кўчага чиқишга ижозат берганида:

— Менинг кўчалик ишим йўқ, — деб жавоб қилди.

Аурелиано хонасидан умуман чиқмас, ҳали ёзувларнинг маъносига тиши ўтмаса-да, қўлёмалар тилсимини очишга уринарди. Хосе Аркадио унга дудланган чўчка гўшти, шакар қиёмига ботирилган, оғизда баҳор таъмини қолдирувчи гуллар келтириб турарди. Ҳатто икки марта бир қадахдан асл вино ҳам олиб келди. Хосе Аркадио қўлёмаларга мутлақо эътибор бермас, уларни шунчаки эрмак деб тушунарди. Аммо энди зоҳид қариндошига жуда қизиқиб қолган эди. Маълум бўлишича, Аурелиано инглизчани ҳам биларкан. У қўлёмалардан бош кўтарган қисқа танаффус пайтларида олти томли инглизча энциклопедияни бошидан адоғигача худди қизиқарли роман сингари ўқиб чиққан эди. У Рим тўғрисида худди Римда анча яшаган одамдек ҳикоя қиларди. Аввалига Аурелианонинг ҳикояларини энциклопедиядан олинган маълумотларга йўйган Хосе Аркадио, бора-бора, Аурелианонинг энциклопедияда йўқ нарсаларни ҳам билишига амин бўлди: Хосе Аркадио ҳам қулишга қодир экан, баъзида хонадоннинг илгариги шукуҳини эслаб қайғураркан, Мелькиадеснинг хонаси хароб бўлганидан дили озор чекаркан. Энди Хосе Аркадио Аурелианога бемалол мурожаат қиладиган, айрим турмуш икки-чикирларини ҳал қилишда унинг ёрдамига суянадиган бўлди. Аурелианога галереяга чиқиб ўқишга, Амаранта Урсуладан келадиган хатларни олишга ва ҳатто ҳаммомдан фойдаланишга рухсат берилди.

Иссиқ тонгларнинг бирида уларни эшикнинг безовта тақиллаши уйғотиб юборди. Остонада қандайдир нотаниш чол турарди. Унинг йирик-йирик яшил кўзлари хушбичим юзини ёритиб тургандай эди. Манглайдаги қулдан чизилган хоч тасвири қорайиб кетган эди. Увадаси чиққан кийими, ямалган ботинкаси, елкасидаги эски қолидан дарбадар гадойга ўхшаса-да, келгинди ўзини ғариб аҳволига зид бир виқор билан тутарди. У полковник Аурелиано Буэндианинг ўн етти ўғлидан яккаю ягона тирик қолгани — Ошиқ Аурелиано эди. У таъқибу қочоқликдан безор бўлиб, озгина бўлса-да, ором ахтариб келган эди. Чол ўзининг исмини айтди, уйқусиз тунларимда энг сўнгги паноҳ бўлиб туюлган шу азиз маскандан паноҳ босинглар, деб илтижо қилди. Аммо Хосе Аркадио билан Аурелиано уни мутлақо танимас эдилар, шу боис, чолни дайди деб ўйлаб, кўчага ҳайдаб чиқаришди. Ва, иккови эшик ёнидан турганча, ҳали Хосе Аркадио туғилмасидан олдин бошланган фожианинг якунини кўришди: кўчанинг нариги юзидаги бодом дарахтлари остида полициянинг икки агенти пайдо бўлди. Улар Ошиқ Аурелианоно искович итлардек неча йиллардан бери пойлаб юришарди. Иккита ўқ узилди ва Ошиқ Аурелиано юзтубан ағдарилди — ўқлар пешонасидаги хочга бехато теккан эди.

Хосе Аркадио болаларни уйдан ҳайдаб юборган кундан бошлаб, ҳар куни трансатлантик кемани кутарди, у ўша кемада рождество байрамигача Неаполга сузиб кетиши керак эди. Ниятини Аурелианога ҳам айтди ва ҳатто, сенга кунинг ўтиб туриши учун яроқли бирор тижорат иши очарман, деб ваъда берди, чунки Фернанданинг ўлиmidан сўнг Петра Котес озиқ-овқат солинган сават юбормай қўйган эди. Лекин Хосе Аркадиога орзулари ижобатини кўрмоқ насиб этмаган экан. Сентябрь тонгларидан бирида у Аурелиано билан ошхонада кофе ичиб бўлди, сўнг бассейнга бориб чўмилаётганида, ўша ўзи дарралаб ҳайдаб юборган тўрт ўсмир томдан пастга сакраб тушди. Улар бассейнга кийим-пийимлари билан тушиб, Хосе Аркадиони сочидан ушлаб, то сув сатҳидаги ҳаво пуфакчалар йўқолиб, папа тахти ворисининг оппоқ танаси хушбўй сув тубига чўкиб кетмагунча бошини сувга тикиб туришди. Сўнг улар марҳум ва ўзларидан бошқа ҳеч кимса

билмайдиган хилватгоҳдан уч қоп тиллани олиб кетишди. Операция ҳарбийларча тезлик, уюшқоқлик ва ёвузлик билан ўтказилди.

Ўз хонасида биқиниб ўтирган Аурелиано ҳеч нарсани сезмади. Кечқурун ошхонага келганида Хосе Аркадиони эслади, уни бутун уй бўйлаб қидирди ва, ниҳоят, ҳаммомдан топди. Тани мешдай шишиб кетган Хосе Аркадио, ҳамон Амаранта ҳақида ўйлаганича, муаттар сув сатҳида қалқирди. Аурелиано шундаги-на уни севиб қолганини тушунди.

* * *

Амаранта Урсула декабрь ойининг бошларида келди. Қўлидаги шойи тизгиннинг бир учи ортидан эргашган эрининг бўйнига боғланган эди. У ҳеч кимни огоҳлантирмай, тўсатдан пайдо бўлди. Аёл оқ кўйлак кийган, бўйнидаги марварид шодаси тиззасига тушар, бармоқларидаги зумрад ва топаз кўзли узуклари кўзни қамаштирарди, калта кесилган силлиқ сочлари қалдирғочнинг қайрилган қаноти каби ёноқларига тушиб турарди.

Ярим йилча илгари никоҳдан ўтган фламандиялик хушқад эри денгизчиларга ўхшаб кетарди. Амаранта Урсула меҳмонхона остонасидан ҳатлаши билан, узоқ ҳаяллаб қолганини, уйлари ўзи ўйлагандан ҳам баттар ғариблаганини англади.

— Худойим-эй! — дея хитоб қилди у, ғамдан кўра шодлик устунроқ бир оҳангда. — Бу уйда аёл йўқлиги шундоқ билиниб турибди!

Унинг юклари галереяга сиғмади. Ўзи Брюсселга олиб кетган Фернанданинг эски сандиғидан ташқари, икки шкаф кийим-кечак, тўртта катта жомадон, бир қоп соябон, шляпа солинадиган саккизта қути, эллик саъва улкан қафас, махсус ғилофга солинган йиғма велосипед олиб келган эди. Оғир йўл босиб келганига қарамай, бир сония ҳам дам олмади. Эрининг дағал коржомасини кийиб, уйни йиғиштира бошлади. Галереяни ишғол этган сариқ чумолиларни ҳайдади, атиргулларни сув қуйиб тирилтирди, бегона ўтларни таг-томири билан юлиб ташлади, гулдонларга папоротник, жамбил ва бегония кўчатларини ўтқазди. Амаранта Урсула пол ёриқларини ямашда, дераза ромларию эшикларини жойига ўрнатишда, мебелни тузатишда, ички ва ташқи деворларни оқлашда бир тўда дурадгорлар, чилангар ва ғишт терувчиларга бошчилик қилди. Уч ой деганда уй яна аввалги ҳолига қайтди. У дафн маросимларига тааллуқли буюмларни, бурчакларда тўпланиб қолган барча кераксиз лаш-лушларни чиқариб ташлади. Урсулага бўлган ҳурмати юзасидан биргина Ремедиоснинг портретини қолдирди, холос. «Қаранглар! — деб қичқирарди Амаранта Урсула ўзини кулгидан тийиб. — Ўн тўрт ёшли катта бувим қанчалар гўзал!»

Амаранта Урсула шу қадар очиқ кўнгил, шу қадар мустақил, шу қадар замонавий аёл эдики, уни кўрган Аурелиано кўлу оёқларини яширгани жой тополмади. «Уҳ, сеними! — деб қичқирди Амаранта Урсула, унга кучоғини очаркан, — Қаранглар-а, менинг одамхўрим йигит бўлиб қолибди-я!» Аурелиано оғиз очишга ҳам улгурмасидан Амаранта Урсула ўзи олиб келган кичкина патефонни қўйди-да, йигитга замонавий рақс ўргата бошлади. Кейин полковник Аурелиано Буэндиадан қолган ёғ босган иштонни алмаштиришни талаб қилди, гулдор кўйлаклари бежирим ботинка совға қилди.

Урсулага ўхшаган жўшқин, тийқиқси Амаранта Урсула гўзаллик ва жозоба бобида Гўзал Ремедиосдан қолишмасди. Шундай доно ва зукко аёлнинг чанг-тўзон босган, жазирама иссиқдан ғиғон чекаётган бу ўлик шаҳарга қайтиб келганига, боз-устига, пули дунёнинг исталган қисмида ўйнаб-кулиб ҳаёт кечир-ишга бемалол етарли, уни ҳатто бўйнига тизгин солдириш даражасида севадиган эри билан бирга келганига ҳеч ақл бовар қилмасди. Онасининг мактубидан Макондода қушларга ўлат текканини билгач, Амаранта Урсула Канар оролларига борадиган теплоходни кутиш учун Европада бир неча ой ушланиб қолди ва ўша оролдан Макондо осмонини қушлар билан тўлдириш мақсадида йигирма беш жуфт саъва сотиб олди. Энди Амаранта Урсула бола очган жуфтларни қафасдан бўшатарди. Аммо озодликка чиққан қушлар шиддат билан осмонга кўтарилиб, фақат бир мақсадда — Канар ороллари жаҳоннинг қайси томонида эканини аниқлаш учун шаҳар узра бир бора айланиб, сўнг кўздан ғойиб бўлишарди.

Амаранта Урсуланинг қайтиб келганига бир йил тўлди. Бир йил ичида у на Макондо аҳли билан дўстлашишга ва на бирор байрам уюштиришга муваффақ бўлди. Лекин у бу ғафлатга чўмган шаҳарни бари бир уйғотишга ишонар эди. Эри Гастон, гарчи у ўша жазирама чошгоҳ маҳали поезддан тушганидаёқ хотинининг бу ерга қайтиб келишига ягона сабаб — ватан соғинчи эканини тушунган бўлса-да, хотинининг майлларига монъелик қилмасди. Амаранта Урсуланинг хаёлпарастлиги адо бўлишига қаттиқ ишонгани боис, Гастон ҳатто велосипедини йиғишни ҳам ўйламасди. У кун бўйи ғишт терувчилар девордан супуриб туширган ўргимчак инларини титиб, энг чиройли ўргимчак тухумларини қидирарди. Сўнг уларни

тирноғи билан ёрар ва лупа тутиб, тухум ичидан чиқаётган ўргимчакларни томоша қиларди. Кейинчалик у велосипедини йиғди, бўш вақтларини ҳашаротларни тутиб қуриштига бағишлади. Ҳашаротларни мураббодан бўшаган банкларга жойлаб, Льеж университетининг кекса табиатшунос профессорларидан бирига жўнатарди. Гарчанд у хотинидан камида ўн беш ёш катта бўлса-да, ёшларга хос одатлари, рафиқасининг кўнглини олишга доимо шайлиги айна фарққа барҳам берарди. Бўйнига тизгин солинган, велосипед миниб юрадиган бу кишини кўрганлар, Гастон ёш хотини билан дуч келган жойда ҳам иш қилаверишини хаёлга ҳам келтиришмасди. Гастон муҳаббат бобида устаси фаранг эди. Узию қайлиғининг ҳаётини хавф остида қолдириб бўлса-да, тарихда самолётни бинафшазорга кўндирган ягона эркак ҳам унинг ўзи эди. Улар бинафшалар қулф уриб очилган дала устида учиб юришаркан айна гулзор бағрида висол лаззатини тотмоқ истаги туғилган эди.

Улар тўйларидан уч йил илгари танишдилар: бир кўни Гастон Амаранта Урсула ўқийдиган колледж устида спортчилар бипланида¹ турли шакллар ясаб учаётганида, томдаги байроқ дастасига урилиб кетмаслик учун кескин бурилди. Парусина ва алюминдан ясалган самолётнинг думи симга илиниб, ҳавода муаллақ осилиб қолди. Уша кундан бошлаб, Гастон тахтакачланган оёғига ҳам эътибор бермай, роҳибалар пансионига ҳар шанба Амаранта Урсулани сўроқлаб кирар ва уни спортчилар клубига олиб кетарди. Қиз унга жаҳондаги энг гўзал ва энг тинч маскан — Макондо ҳақида сўзлар, ўша жойда, жамбил ҳиди уфурган бир уйда яшасам, вафодор эрим бўлса, исмлари Аурелиано ёки Хосе Аркадио эмас, балки Родриго ва Гонсало деган икки ўғлим, исми Ремедиос эмас, Виржиния деган қизим бўлса, деб орзу қиларди. Амаранта Урсула соғинч туфайли янада азиз бўлиб қолган она шаҳри сиймосини ўжар бир ҳаяжон билан чизардики, Гастон, агар у билан Макондога бормасам, менга тегиши қийин, деб ўйлади. У кейинчалик бўйнига тизгин солишларига рози бўлгани каби, Амаранта Урсуланинг навбатдаги талабига ҳам эътироз билдирмади, чунки буларнинг ҳаммасини ўткинчи тантиқлик, деб ҳисоблар эди. Макондога қайтганларига икки йил тўлса-да, Амаранта Урсула ҳеч зерикмас, ўша биринчи кундагидек шод эди. Гастон ташвишлани башлади. У Макондодаги барча ҳашаротларни қуришиб улгурган, испан тилини маҳаллий шевада гапириш даражасида ўрганиб олган, почта келтирган барча журналлардаги кроссвордларни ечиб бўлган эди.

Амаранта Урсула ҳар гал янги пластинкалар келганида эрини меҳмонхонада олиб қолар, биргаликда ярим тунгача янги рақсларни ўрганарди. Рақсларни шарҳловчи изоҳ ва суратларни мактабдош дугоналари юбориб турарди. Рақс сабоқлари одатда висол лаззати билан яқунланар эди — эру хотин тебранма курсида ўтириб ёки яйдоқ полга ётиб ишларини битказиб қўяқолар эдилар. Амаранта Урсуланинг тўла маънода бахтли бўлмоғи учун фарзанд етишмасди, холос. Лекин эру хотин дастлабки беш йилда бола қилмасликка келишиб олишган эди.

Гастон бўш соатларида овуниш мақсадида ҳар куни эрталаб Аурелиано билан суҳбатлашгани Мелькиадеснинг хонасига кирарди. У ўзи туғилиб ўсган юртнинг энг хилват гўшаларини эслашни ёқтирарди, Аурелиано, гарчанд у ерларда бирор марта бўлмаган эса-да, Гастоннинг ватани ҳақида, гўё ўша жойда кўп йиллар яшаган одам каби, батафсил сўзлашарди. Гастон ундан, бу гап энциклопедияда йўқ-ку, қаердан билақолдинг, деб сўрарди. Аурелиано эса, мудом: «Ҳамма нарсани бердиб олиш мумкин», дея жавоб берарди. Аурелиано санскритдан ташқари инглиз ва француз тилларини ҳам ўрганиб олди, ҳатто латин ва юнон тиллари бўйича ҳам анча маълумотга эга бўлди. Аурелиано ҳар кўни кечқурун уйдан чиқарди. Амаранта Урсула унга бир ҳафталик харажат учун пул бериб турарди. Мелькиадеснинг хонаси каталониялик олимнинг китоб дўкони филиалига ўхшаб борарди. Аурелиано ярим тунгача китоб ўқиб ўтирарди. Аммо унинг фикр юритишини тинглаб кўрган Гастон, Аурелиано ўз билимларини бойитиш учун эмас, балки ўзига маълум ҳақиқатларга далиллар ахтариш учун китоб ўқийди, деган хулосага келди. Аурелиано қўлёзмаларни ўрганишга эрталабки энг яхши соатларини бағишлар эди. Гастон ҳам, Амаранта Урсула ҳам жон-жон деб уни ўзларининг оилавий давраларига қўшган бўларди, аммо Аурелиано мудом ўзини олиб қочарди. Гастоннинг у билан дўстлашишга бўлган уринишлари натижа бермади, шундан кейин у бошқа эрмак ахтара бошлади. Худди шунда унинг мясига авиапочта хизматини ташкил қилиш фикри келди.

Аслида бу фикр унчалик янги эмасди. Амаранта Урсулага уйланмасдан олдин ҳам шу гаплар хаёлига келган, ўшанда йигит ўз оиласи пальма ёғи харид қиладиган Бельгия Конгосида авиапочта компанияси ташкил этишни режалаштириб юрарди.

¹ Биплан — устма-уст қанотли самолёт.

Лекин уйланиши ва хотини билан Макондога кетишга мажбур бўлгани учун, режа фурсати анча кейинга сурилди. Аммо Амаранта Урсула шаҳарни ободонлаштириш жамияти тузишга киришганини кўриб, Макондода яна хийла вақт қолажagini тушунди ва Брюсселдаги шерикларига хат ёзиб юборди. Африкада авиапочта ташкил этди нимаю Кариб денгизи ҳавзасида авиапочта ташкил этди нима? Музокара олиб бориларкан, Гастон шағал қопланган далалардан самолёт кўнадиган жой тайёрлади, шамол йўналишини ўрганди, учиш трассаларини аниқлади. У ўзининг жаноб Гербертнинг хатти-ҳаракатиға ўхшаб кетувчи фаолияти макондоликлар кўнглига хатарли бир шубҳа солаётганини сезмасди ҳам. Макондо аҳли, Гастон банан кўчатлари ўтқазилни режалаштирапти, аэроплан ҳақидаги гаплар билан бизни чалғитмоқчи, холос, деб ўйлашарди.

Гастон вилоят пойтахтига бир неча марта борди, пойтахтдаги маъмурлар билан учрашиб, улардан рухсатнома олди, авиапочта хусусида имтиёзли битим тузди. Брюсселдаги олдинги шериклари билан ҳам хат ёзишиб турди. Айни ёзишма Фернанданинг табиби ғайблар билан ёзишмасига ўхшаб кетарди. Ахийри, Гастон уларни денгиз орқали биринчи самолёт юборишга, самолётни Макондога энг яқин портда йғиб, сўнг унда охири манзилга қадар учиб келадиган механикни ҳам йўллашга кўндирди. Дастлабки ҳисоб-китоб ва метеорологик кузатишлар тугаганидан бир йил ўтгач, Брюсселдаги шерикларининг ваъдасидан маъад олаётган Гастон тез-тез осмонга тикилиб, шамол товушига қулоқ осганича, шаҳар кўчалари бўйлаб кезадиган одат чиқарди: у самолёт келишини кутарди.

Гарчанд Амаранта Урсуланинг ўзи буни сезмасе-да, унинг қайтиши Аурелианонинг ҳаётида туб ўзгаришлар ясаган эди. Хосе Аркадионинг ўлиmidан кейин у китоб дўқониға серқатнов бўлиб қолди. У энди буткул озод эди, бўш вақти кўп эди, шу сабаб, Макондони бамайлихотир ўрганабошлади. Аурелиано ҳувиллаган чанг кўчалар бўйлаб кезар, вайронага айланган уйлари, деразаларнинг занглаб кетган сим тўрларини шунчаки қизиқиш билан эмас, балки олимона синчковлик билан ўрганар, хотиралар залворида азоб чекаётган макондоликлар билан танишарди. Унинг тасавури кучли эдики, ўзича шаҳар ва банан компаниясининг олдинги шукуҳини хаёлида тиклашга ҳаракат қиларди. Банан ширкатининг сузиш бассейни эндиликда чириб тамом бўлаётган эркак ва аёл пойабзалларига тўлган эди. Аурелиано деворлари қулаб, ёввойи ўт-ўланлар орасида кўмилиб кетган харобалар орасида темир занжирга боғлаб қўйилган немис овчаркаси скелетини топди. Уша ерда ҳали-ҳанузгача жиринглаб ётган эски телефонни кўрди, трубкани қулоғига тутиб, инглиз хотиннинг ташвишли овозини эшитди, унга: «Ҳа, иш ташлаш тугади, уч мингта ўлик денгизга улоқтирилди, банан ширкати кўчиб кетди ва ниҳоят Макондода осойишталик ҳукм сура бошлади», деб жавоб қайтаргач, телефон бошқа жирингламай қўйди. Сайр қилиб юраркан, илгари ёлғиз бир мақсад — кумбиамба рақси учун бойлам-бойлам пуллар тикилган, ҳозирда эса у ер-бу ерида қизил чироқлар ғира-шира ёниб турган, кўчалари шаҳардаги энг ғамгин, энг аянчли, увада гулчамбарлар билан безатилган рақс саломида ориқ ва семиз бевалар, эр нималигини билмай ўтган француз кампирлар ва бобиллик онабошилар ҳанузгача викрола ёнида ўтирганча кимларнидир кутаётган фоҳишахоналар жойлашган қасабага келиб қолди. Аурелиано Буэндиалар оиласини биладиган, ақалли полковник Аурелиано Буэндиани эслайдиган бирорта одамни учратмади. Фақат биргина чол — уйи ёнидаги боғчада кечқурунлари диний кўшиқ айтиб ўтирадиган кекса негр бундан мустасно эди. Пахтадай оппоқ сочи негрни фотонегативга ўхшатиб қўйган эди. Аурелиано у билан ўзи бир неча ҳафта илгари ўрганиб олган мураккаб шевада гаплашарди. Баъзида чолнинг кечки овқати — хўроз қалласидан пиширилган шўрвага шерик бўларди. Шўрвани чолнинг невараси, йўғон негр жувон пиширарди. Аёлнинг силлиқ биқини бияникига, кўкраги эса қовунга ўхшар, бошидаги қуноқ, симдай қаттиқ соч турмаги гўё ўрта аср жангчисининг дубулғасини эслатарди. Жувоннинг лақаби Жодугар эди. Уша пайтлар Аурелиано идиш-товоқлар, шамдон ва бошқа кераксиз буюмларни сотиб кун кечирарди. Чўнтагида бир мири ҳам қолмаганида эса, бозорга бориб, ахлатхонага ташлаб юбориладиган хўроз қаллаларини сўра олиб, семизўт ва ялпиз қўшиб шўрва пишириш учун Жодугарга элтарди. Чол ўлгач, Аурелиано у ерга бормай қўйди, аммо Жодугар билан кечалари бодом дарахти остида, жувон енгил хўштак чалиб, ўткинчиларни ўзига жалб қилаётган жойда учрашиб турарди. Жувон билан антиқа қаллашўрваю қашшоқликнинг бошқа тансиқ таомлари ҳақида гаплашганча сайр қиларди. Жувон мижозларимни чўчитаяпсан, деб шама қилмаганида, балки Аурелиано у билан яна анчагача қуруқ суҳбат қилган бўларди. Гарчи Аурелиано ўзини шайтон йўлдан оздираётганини сезса-да ва гарчи Жодугар тунги суҳбатлари шундай яқун топишини табиий бир ҳол, деб ҳисобласа-да, улар ҳалигача бирор марта ҳам бирга ётишмаган эди. Хуллас, Брюсселдан келган Амаранта Урсула унга опаларча ўпич ҳадаё қилганида, Аурелиано ҳали бузилмаган эди. Амаранта Урсула билан

учрашганида, айниқса, холаси унга замонавий рақсларни ўргатаётган пайтларида, у ўзини ожиз ҳис қилар, назарида суяклари пахтадай юмшоқ бўлиб қолаётгандек туюларди. Бу — Пилар Тернера қартада фол очиш баҳонаси билан қазноққа олиб кирганида бобосининг бобоси полковник Аурелиано Буэндиа ҳис қилган ўша туйғу эди. Аурелиано яна қўлёмаларга берилди. Холасининг беозор эркалаларидан қочишга ҳаракат қила бошлади, аммо қочишга қанча кўп уринмасин, унинг кулгусини, тунлари эрининг бағрида бахтиёр мушукдай нола чекишини шунча кўп қўмсар эди.

Бир куни кечаси эру хотин қўшни хонада, собиқ заргарлик устахонасида, Аурелианонинг каравотидан ўн метрча наридаги стол устига ўзларини таппа ташлашиб, шиша идишларни синдиришди, аммо хлорат кислотаси қўлмаги ичида ҳам иш қилаверишди. Аурелиано эрталабгача мижжа қоқмади. Аъзои-баданини титроқ қолади, бўғзига дахшатли фарёд қадалди. Уша кун унга чексиз узун туюлди ва, ниҳоят, интизор бўлиб кутилган оқшом тушиб, кўчадаги бодом дарахти тагига борди. Аурелиано Жодугарни кутар, тер қоплаган кафтида бир ярим песо тутиб турар, бу пулни ўзида пул йўқлиги учун эмас, балки ўзи юз тутган тубанликка-Амаранта Урсулани ҳам шерик қилиш ниятида ундан сўраб олган эди. Жодугар уни ўзининг шам ёқилган кулбасига, чойшабларида беҳисоб виолончеллари сақланиб қолган йўзма каравотига бошлаб келди, ўзининг жасур, бағритош, қанжиқникига ўхшаб дағал танини йигит ихтиёрига топширди. У Аурелианони шунчаки мишиқи болақай деб хаёл қилган эди, аммо тез орада ҳақиқий эркакка дуч келганини тушунди: Аурелианонинг кучи аёлнинг ичини зилзила каби титратиб юборди.

Хуллас, улар ошиқ-мошиқ бўлиб қолишди. Аурелиано эрталаб қўлёмалар устида ишлар, пешинги ҳордиқ пайтида эса Жодугарнинг кулбасига борарди. Аурелиано маҳбубасининг белида гўё виолончель ториға ўхшаш, пўлатдай қаттиқ сим чамбарак борлигини пайқагунича, орадан бир неча ҳафта ўтди. Чамбаракнинг чоки кўринмас, чамаси, Жодугар онадан ўша чамбарак билан туғилганди. Улар чавандозликдан қарчаб, одамни қарахт қилувчи жазирама иссиқда яланғоч ўтириб овқатланишарди. Жодугар илк бор, ўзи кула-кула айтганидек, шахсий «этгич»га эга бўлди. Муносабатлар шу даражагача бориб етдики, аёл кўнглида маълум бир умидлар туғилди, аммо Аурелиано ногаҳон ўзининг Амаранта Урсулани севишини тан олди. Бу азобдан ўзга аёл кучоғи ҳам қўтқара олмасди, аксинча, тажриба орттирган сайин, холасига бўлган иштиёқмандлик уфқи тобора кенгайиб борарди. Жодугар бу гаплардан кейин ҳам Аурелианодан совимади, лекин энди хизматлари учун йигитдан ҳақ сўрайдиган бўлди. Агар жазманида пул бўлмаса, насиёга ётар, лекин унинг қарзини албатта деворга бармоғи билан чиғиб кўярди. Жодугар кечки «ов»га чиқиб кетган пайт Аурелиано уйга қайтарди. У галереяда Амаранта Урсула билан Гастонга шунчаки бош ирғаб ўтарди. Эр-хотин аини пайтда дастурхонга ўтиришар, кейин яна хонага беркиниб олишарди. Уларнинг шивир-шивири, кулгиси ва ниҳоят, жазавага тушиб, тўшакда чавандозлик қилишлари Аурелианонинг қонини кўпиртирарди, ҳаяжон азобида на ўқир, на ёзар ва на ўй сура олар эди. Аурелиано бир гал каталониялик олимнинг дўқониға бориб, ўрта асрларда суварак қай усулда йўқ қилингани хусусида мунозара қилаётган тўрт нафар вайсақи йигитни учратмагунича, унинг ҳаёти шу тарзда кечарди. Аурелианонинг биргина Муҳтарам Бэда¹ ўқиган китобларга ихлоси зўрлигини билган дўқондор, уни аини илмий мунозарага ҳакамлик қилишга чорлади ва йигит ўша заҳотиёқ, сувараклар ер юзидаги энг қадимий қанотли ҳашарот, деб айтди, улар ҳатто Тавротда ҳам тилға олинган, одатда бу ҳашаротларни шиппак билан уриб ўлдирадилар, аммо барча кураш турлари — помидор бўлакчаларини дорилаб қўйишдан тортиб, то шакар солинган унғача, ҳамма-ҳаммаси ҳеч бир самара бермайди, суваракларнинг фанга маълум бир минг олти юз тури инсоният тарихидаги энг кўҳна, қатъий ва шафқатсиз таъқиб объекти саналади, ҳали одамзод томонидан бирортаям тирик мавжудот, шу жумладан, одамларнинг ўзлари ҳам бу қадар тақиб қилинмаган, умуман, суваракларни йўқотишга бўлган интилишни инсониятга хос асосий инстинкт — кўпайиш инстинкти қаторига қўшиш мумкин, шу билан бирга, суваракларнинг ҳанузгача батамом қирилиб кетмаганига сабаб шуки, улар қоронғи бурчакларга беркиниб олишади, аини ҳол туғилишдан оқ қоронғиликдан қўрқадиган одамларнинг қўли етмаслигини таъминлайди, аммо чароғон чашшоҳда улар яна одамларга нишон бўлишади, хулоса қилиб айтганда, ўрта асрларда ҳам, ҳозирги вақтда ҳам, келажакда ҳам суваракларни ўлдиришининг энг ишончли усули — уларнинг кўзини қуёш нурлари билан қамаштиришдир, деб нутқини тамомлади.

Унинг нутқи йигитларга ёқди. Энди Аурелиано ҳаётидаги илк ва охириги дўстлари — баҳсга ўч Альваро, Херман, Альфонсо ва Габриэль билан ҳар куни

¹ Муҳтарам Бэда (673—735) — англасак роҳиби, тарихчи олим.

кечкурун учрашиб турарди. Кеч соат олтида китоб дўконида бошланиб, тонг маҳали фоҳишахоналарда тугайдиган шовқин-суронли йиғинлар китобхўр зоҳид учун нақ байрам эди.

Аурелиано сувараклар тўғрисида илмий ахборот берган ўша оқшомдаги баҳс Макондо четида — қизлар очликдан танларини сотиб кун кечираётган ғарибгина фоҳишахонада тугади. Исловотхона бекаси эшикларни очиб-ёпиб туришга ишқибоз эди. Гарчи унинг юзида қотган табассумни кўрган мижозлар айна маконни жиддий тарзда қабул қилса-да, бу уйдаги барча нарсалар, ҳатто буюмлар ҳам рўёга ўхшарди: мебелга ўтиришлари биланоқ синиб кетарди, ичак-чавоғи суғириб олинган викрола ичида товук тухум босиб ётар, боғда қоғоз гуллар «очилган», деворга банан ширкати тузилмасдан илгари чиқарилган календарлар ва ҳеч қачон чоп этилмаган журналлардан қирқиб олинган расмлар қўйилган рамкалар осилган эди. Ҳатто беканинг мижозлар келгани ҳақидаги хабарини эшитиб, чет-четлардан келишадиган тортинчоқ фоҳишалар ҳам рўёвий туюларди. Улар уйга саломсиз кириб келишар ва эгниларидаги ранги ўчиб кетган кўйлақларини илгари қандай соддадиллик билан кийишган бўлса, ўшандай соддадиллик билан ечишар, ҳаяжонга тушган чоғларида: «Войй!.. Зурсиз-ку? Қаранг, шифтнинг сувоғи кўчиб тушяпти-я!..» — дея хитоб қилишарди. Бир песо эллик сентаво олган қизлар, пулларига ўша заҳотиёқ бекаларидан бутерброд сотиб олишарди. Аурелиано учун бу ғариб исловотхона танҳоликдан асрагувчи ягона нажот эди. Дастлаб Аурелиано жуда уяларди, негаки, энди иш бошлади дегунча фоҳишахона бекаси хонага кириб, тўшақда от сураётган чавандозга турли-туман маслаҳат берар эди. Аммо ўспири бора-бора турмушнинг бу майда-чуйда ишқалларига парво қилмасликка ўрганди.

Гарчанд Аурелиано тўрттала дўстига бирдай боғланиб қолган бўлса-да, бари бир кўнгли Габриэль исмли дўстни беҳроқ сезарди. Бир куни кечкурун Аурелиано полковник Аурелиано Буэндиа ҳақида гап очганида, биргина Габриэль унинг гапларига ишонди. Ҳатто, одатда суҳбатларига қўшилмайдиган исловотхона бекаси ҳам ашаддий ғийбатчиларга хос ўжарлик билан, мен полковник Аурелиано Буэндиани эшитганман, лекин у одам шунчаки бир уйдирма, уни ҳукумат либералларни ўлдириш учун баҳона тариқасида ўйлаб чиқарган, деб таъкидлади. Габриэль эса, аксинча, полковник Аурелиано Буэндианинг реал шахс эканлиги ҳеч қандай шубҳасиз, деб айтди, чунки полковник билан унинг катта бобоси полковник Херинельдо Маркес иккови қуролдош ва ажралмас дўст бўлишган экан. Шундай қилиб, Аурелиано билан Габриэль улардан ўзга ҳеч ким тан олмаган реал далилларга ишонч асосида дўстлашган эдилар. Габриэль қаерда уйқу босса, ўша жойда ухлаб қолаварди. Аурелиано уни бир неча бор заргарлик устахонасида тунагани қолдирди. Аммо Габриэль бу ерда кечаси билан мижжа қоқмади — унга то эрталабгача хона бўйлаб кезган ўликлар халал беришди. Кейинчалик Аурелиано дўстини Жодугарга топширди. Аёл ишдан бўш пайтларида Габриэлни ҳам кулбасига киритар, Аурелианонинг қарзлари битилган деворга тирноғи билан чизиклар чизиб, Габриэлнинг ҳам қарзларини ёзиб қўярди.

Дўстлик ҳиссига асир тушган, илгари Фернанданинг тошбағирлиги туфайли маҳрум бўлиб, эндиликда эришган дунё гўзалликларига мафтун бўлиб қолган Аурелиано башоратли шеърларнинг тилсими очилай деган маҳалда, қўлёзмаларни ўрганишни бас қилди. Лекин сал ўтиб, гарчи исловотхонага қатнашни тарк этмаган бўлса-да, яна қайтиб қўлёзмаларни қўлига олди. Бу пайтда Гастон ҳамон аэроплан келишини кутарди. Амаранта Урсула ўзини шу қадар ёлғиз сезардики, охири бир куни эрталаб Аурелианонинг хонасига кирди.

— Ишлар қалай, одамхўр? — деб сўради у. — Яна ғорингга беркиниб олдингми?

Эгнига аломат қўйлак кийган, бўйнига балиқ суяк устихонидан ясалган қўлбола муңчоқ тақиб олган Амаранта Урсула жуда очилиб кетган эди. У энди эрининг содиқлигига тамом ишониб, унинг бўйнидаги тизгинини олган эди. Амаранта Урсула хонага кириб столга тирсакларини қўйганида, Аурелианонинг суяклари сирқираб кетди. У ҳаяжонини босишга уриниб, Амаранта Урсулага санскритнинг келиб чиқиши, Нострадамуснинг «Асрлар» деган асария Кантабриянинг авлиё Мильян башорат қилган ҳалокати ҳақида гапира бошлади. Гапира туриб, ғайри-шуурий тарзда кафтини Амаранта Урсуланинг қўлига қўйди — шу билан ҳаяжоним босилади, деб ўйлади. Тўсатдан Амаранта Урсула манглайига бир уриб: «Чумолилар!» — деб қичқирди-да, ўша заҳотиёқ қўлёзмаларни тамом эсдан чиқариб, эшик томон ошиқди ва у ердан туриб, Брюсселга кетаётганида отаси билан хайрлашгани каби, бармоқларининг учида Аурелианога бўса узатди.

— Кейин тушунтирарсан, — деди Амаранта Урсула. — Чумоли инига оҳакли сув қуйиш эсимдан чиқай дебди.

Жувон уйнинг шу томонида бирор иши чиқиб қолганида ёки эри осмонга узок тикилиб ўтирган чоғларида Аурелианонинг хонасида бир-икки дақиқа ушланиб

қоларди. Аурелиано яна уйда овқатлана бошлади. У Гастонга ёқиб қолди. Овқат пайтда Гастон ўз шерикларидан шикоят қиларди. Афтидан, шериклари уни лақиллатишган эди, негаки, улар аэропланни денгиз орқали юбордик, деб хабар беришса-да, кемачилар, ҳали ҳеч нарса олмадик, деб туриб олишарди. Ростдан ҳам, аэроплан Кариб денгизи портларидаги бирорта дафтарда ҳам қайд этилгани йўқ эди. Лекин Гастоннинг шериклари ҳамон аэропланни юбордик, тагин сен ўзинг бизни алдаётган бўлма, деб шама қилишарди. Узаро ишонсизлик шу қадар кескинлашдики, охири Гастон ёзишмани йиғиштириб, шахсан ўзи Брюсселга боришни ўйлай бошлади. Аммо Амаранта Урсула, ҳеч қачон Макондони тарк этмайман, деб таъкидлагач, Гастоннинг бу режаси ҳам барбод бўлди.

Амаранта Урсула то бир куни консерваланган шафтоли банкасини очаётиб бармоғини кесиб олмагунича, Аурелианонинг меҳри опа-укалик ҳиссидан айрича эканини ўйламасди ҳам. Ушанда Аурелиано унинг бармоғини шунчалар ҳассослик ва садоқат билан сўра бошладики, Амаранта Урсулани титроқ босди.

— Аурелиано!— деб кулди у, айна воқеадан ташвишга тушиб. — Жудаям бешафқатсан, сендан тузукроқ вампир¹ чиқмайди.

Шунда Аурелиано бир зум ихтиёрини йўқотди. У аёлнинг яраланган қўлини ожиз бўсаларга кўмаркан, юрагининг туб-тубига яширган сирларини ошкор этди. Ярим тунда уйғониб, Амаранта Урсуланинг қуритиш учун ваннахонага осиб қўйилган ички кийимларига юзини буркаганча, умидсизлик ва ғазабдан ўкирганича айтди, Жодугарга, мушукдай бақир, қулоқларимга «Гастон, Гастон, Гастон!..» деб шивирла, дея илтижо қилганларини айтди, очликдан ўлмаслик учун танларини сотувчи бечора қизчаларнинг бўйнига сургали Амаранта Урсуланинг атирларини ўғирлаганларини айтди. Унинг эҳтиросли ҳасратидан чўчиб кетган Амаранта Урсула бармоқларини мушт қилиб туга бошлади.

— Хайвон!— деди у.— Биринчи кема биланоқ Бельгияга жўнайман!

Альваро кунларининг брида каталониялик олимнинг дўконига энг сўнгги янгилик — зоологик ишратхона хабарини олиб кириб келди. «Тилла бола» деб аталувчи бу маскан усти очик улкан салон эди. Рақс майдони атрофида, сим тўр билан ўраб олинган қўтонларда, улкан камелиялар орасида турфа рангдаги қарқаралар, ҳирсдай семиз тимсоҳлар, ўн иккита шақилдоғи бор чинқироқ илонлар, тиллардан сув тошбақалари яшарди. У ердаги гўзал мулат қизлари эса қичикнинг қирқ хилдан хабардор эдилар. Дўстлар биринчи кечасиёқ бу ажойиб маконга боришди ва кираверишда, лиана новдаларидан тўқилган курсида ўтирган улғувор ва камсўз кампирни кўришди. Кампир беш йигит ичида ёноқлари татарларникидай туртиб чиққан, ориқ, ғамгин ва абадулабадга танҳолик чечаги билан муҳрланган эркакни кўргач, вақт бир пайтда топталаётганини ҳис қилди.

— Вуй!— деб пичирлади у.— Аурелиано!

Унинг қаршида яна полковник Аурелиано Буэндиа тургандай эди. Кампир Пилар Тернера эди. У бир юз қирқ бешга киргач, ёш санашдек бемаъни одатидан воз кечган эди.

Аурелиано шу пайтгача ўзи билмай юрган бувисининг меҳрига сазовор бўлди. Пилар Тернера тебранма курсида ўтираркан, хотирасида Буэндиалар авлодининг қудрати ва ҳалокатини, Макондонинг ер билан яксон қилинган шуқуҳини тикларди. Бу пайтда Альваро ўз кулгиси билан кайманларни чўчитар, Альфонсо бўлса, қўлбуқалар ўзларини ёмон туртган тўрт мижознинг кўзини ўйиб олгани ҳақида даҳшатли латифа тўқир, Габриэль эса чегарачилар ич сураб дори бериб, тувакка ўтқазиб, кейин тувакка тушган бриллиантларни топиб, Ориоконинг нариги ёғидаги турмага тиқиб қўйган контрабандачининг қайлиғи бўлмиш, хизматлари эвазига пул олмай, маҳбубига мактуб ёздирадиган мулат қизнинг хонасида айш-ишрат суради. Аурелиано бу ерда ўзини шу қадар яхши ҳис этардики, Амаранта Урсула орзуларини чил-парчин қилган кечаси яна шу ерга нажот ахтариб келди. У юрагини дарддан бўшатмоқни, қалбидаги тугунларини кимдир ечиб юборишини истарди. Пилар Тернеранинг этагига юзларини буркаганча, қайноқ кўзёшлари тўкиб, бошига тушган савдони гапириб берди. Пилар Тернера унинг сочларини силаб, сал тинчланишини кутди, сўнг:

— Бас қил, кичкинтой,— деди меҳрибонлик билан.— Энди менга айтчи, ким у?

Аурелиано аёлнинг номини айтган заҳотиёқ, Пилар Тернера худди илгаригидек юрак-юрагидан, тўлиб-тошиб кулди. Энди унинг кулгиси каптарларнинг ғувиллашига ўхшаб қолганди. Буэндиалар авлодининг кўнглидаги сирларни у беш қўлда биларди.

— Ташвишланма,— деб жилмайди Пилар Тернера.— У қаерда бўлишидан қатъий назар, сени кутяпти.

Амаранта Урсула соат тўрт яримда халатига ўралиб, бошига сочиқ боғлаб,

¹ Вампир — қон сўрувчи.

ваннахонадан чиқди. Аурелиано оёқ учида унинг кетидан эргашди. У худди маст одамдай чайқаларди. Амаранта Урсула халатини ёзиб юборган пайтда ётоққа бостириб кирди: кўрқиб кетган Амаранта Урсула этакларини тезда йиғиштириб олди ва индамай, бармоғини бигиз қилиб, эшиги қия очиқ қўшни хонага ишора қилди. Аурелиано Гастон ўша ерда хат ёзиб ўтирганини биларди.

— Кет,— деди Амаранта Урсула пичирлаб, Аурелиано жилмайди, аёлнинг белидан тутганча, худди гулдондек даст кўтарди ва каравотга чалқанча ётқизди. Амаранта Урсула бирор ҳаракат қилишга ҳам улгурмай, қўполлик билан унинг ич кўйлагини йиртиб ташлади. Шунда йигитнинг кўз олдида гўё бошни айлантирувчи жарлик каби, ҳозиргина ювилган тоза ва яланғоч бадан намоён бўлдики, бу баданда Аурелиано оқшомлари хаёлида тасаввур этмаган бирорта ҳам тук, бирорта ҳам хол йўқ эди ҳисоб. Амаранта Урсула худди ёввойи мушукдек ростакамига қаршилиқ кўрсатар; унинг хушбўй, латчаникидек¹ силлиқ ва қайишқоқ бадани тўлганар, тиззалари билан Аурелианонинг буйрагини мўлжаллаб тепар, аини замонда юзига чанг соларди. Аммо иккаласи ҳам овоз чиқармасди. Бу шиддатли олишув, ҳаёт-мамонт жанги эди, аммо бу кураш шу қадар секин, эҳтиёткорона ҳужум ва чекинишлардан иборат эдики, олишув давомида петуньялар² яна бир бор гуллаши, кўшни хонада ўтирган Гастон эса аэронавтика ҳақидаги ўз орзуларини унутиб юбориши ҳам мумкин эди. Қатъий ва намойишкорона қаршилиги авжга чиққан паллада, Амаранта Урсула аини осудалик шубҳа уйғотиши мумкинлигини тушунди. Шунда у лабларини қимтиброқ қулишга тушди, лекин курашдан воз кечмади. Энди у ёлғондакам тишлаш билан ҳимоялар, танини илгаригидек шиддат билан халос қилишга уринмасди. Ниҳоят, улар бир йўла ҳам рақиб, ҳам шерик эканликларини ҳис этишгач, мудофаа жўнгина кичиққа, ҳужум эса эркалатишга айланди. Сўнгра Амаранта Урсула бирорта янги қилиқ ўйлаб топиш мақсадида, гўёки ҳазиллашгандай бўлиб, бир дақиқа мудофаани бўшаштирди, лекин қилган ишидан ўзи ҳам чўчиб, яна қаршилиқ кўрсатишга киришганида ёшт қолипдан кўчган эди. Аёл кўллари билан пайпаслаб, зўрға сочиқ топди, бўғзидан отилай деб турган бақирикни босиш учун, жонҳолатда сочиқни тишлаб олди.

* * *

Пилар Тернера байрам арафасида, лиана новдаларидан тўқилган курсида ўтирган жойида жон берди. Марҳуманинг энг сўнги истагига биноан, уни тобутда эмас, шу курсининг ўзида кўмишди. Унинг жасадини рақс майдонининг марказида қазилган қабрга саккиз нафар эркак арқонлар ёрдамида туширди. Кўзёш қилавериш оқариб кетган, қоп-қора либос кийган мулат қизлар тақинчоғу узукларини ечиб, қабрга ташлашди. Қабр устига ҳеч қандай ёзувсиз тош плита қопланди. Плита устида бир зумда гуллар тепа бўлиб уюлди. Сўнгра мулат қизлар барча ҳайвонлар ва қушларни заҳарлашди, дераза ва эшикларга ёшт териб чиқишди ва турли томонга тарқалиб кетишди.

Ҳаммаси тугади. Фоҳишаларнинг Пилар Тернера қабрига ташланган бир чақага қиммат тақинчоқларига қўшилиб, бутун ўтмиш, юртини кўмсаб, Урта ер денгизидаги қишлоғига қайтиб кетган каталониялик олим китобларини ким ошдига сотиб юборганидан кейин қолган арзирли нарсалар ҳам чириб борарди. Олимнинг кетиб қолишини ҳеч ким кутмаганди. У Макондода банан ширкати аини гуркураб яшнаётган бир пайтда, саноксиз урушларнинг биридан қутулиш мақсадида пайдо бўлган эди. Шу ерда китоб дўкони очиб, турли тилларда чоп этилган биринчи нашрларни тўплаш бошлади. Дўкон қаршисидаги уйда тушларга ром очилар, уёққа навбатда турган кишилар баъзида дўконга ҳам киришар ва, гўёки ахлатхонадан кўтариб олгандек, китобларни сал ҳадиксираб варақлашарди. Каталониялик олим аксарият дўкон ортидаги иссиқ хонада, мактаб дафтарида йиртиб олинган варақларга алланарсаларни ёзиб ўтирарди. У нималарни ёзаётганини ҳеч ким аниқ айтиб беролмасди. Аурелиано у билан танишган пайтда чолнинг қўлёзмалари нақ икки қутига жо бўларди. Чолнинг қўлёзмалари Мелькиадеснинг қўлёзмаларига ўхшаб кетарди. Сафари қариганда учинчи қўтинин ҳам қўлёзмага тўлдирди. Чамаси, каталониялик олим Макондода яшаган пайтида бирор кун ҳам ёзувдан бўшамаган эди. У бизга маълум тўрттала дўстидан бошқа ҳеч ким билан ошночилик қилмади. Олим ҳали мактабда ўқиб юрган пайтларидаёқ варақларини гаровга олиб қолиб, китоб берар ва шу йўсинда уларни Сенека ва Овидийнинг асарларини ўқишга ўргатган эди. Чол классиклар ҳақида бемалол, ҳеч бир ҳайиқмай, гўёки қачонлардир улар билан бир хонада яшагандек гапирар, улар

¹ Латча — йиртқич ҳайвон.

² Петунья — гуллари катта-катта боғ ўсимлиги.

ҳақида биров билмайдиган нарсаларни, масалан, Авлиё Августининг жубба остидан жун нимча кийиб юришини ва уни тўрт йил давомида бирор марта ҳам ечмаганини ёки хурофотчи Арнольдо ва Вилланова чаён чақиб олгани учун болалигидаёқ сабили турмайдиган бўлиб қолганини биларди. Каталониялик олимнинг китобга меҳри чуқур ҳурмат ва дўстона беписандлик қоришмасидан иборатдай туюларди. Бу нарса ҳатто ўз қўлэмаларига бўлган муносабатидан ҳам сезиларди. Чолнинг қўлэмаларини испан тилига таржима қилиш учун каталон тилини махсус ўрганган Альфонсо бир гал анчагина қўлэмани чўнтагига тикди (унинг чўнтаклари ҳамisha газетадан қирқиб олинган мақолалар ҳамда ғайриоддий касблар ҳақидаги қўлланмалар билан тўлдирилган бўларди), сўнг уларни фоҳишахонада, очдан ўлмаслик учун танларини сотиб кун кўрвучи қизлар орасида йўқотиб қўйди. Чол воқеани эшитиб, Альфонсо кутганидек шовқин кўтармади, балки кулгидан ўзини зўрға тўхтатиб, айна ҳол адабиёт учун табиий, деб айтди, лекин шу гапни айтса-да, она қишлоғига уч қути қўлэмасини олиб кетишдан эринмади. У қўлэма тўла қутиларни юкхонага топширишни талаб қилган темир йўл назоратчиларини қачонлардир Карфагенда қўлланган уят сўзлар билан сўқди ва то қутиларни пассажир вагонидан қолдиришга рухсат бермагунларича осойиш топмади. «Одамлар китобларни юк вагонига жойлаб, ўзлари биринчи класс вагонига чиқиб олишган куни қиёмат кўпади», деди у, сўнг то жўнаб кетгунича чурқ этмади. Сафар тайёргарлигига роса бир ҳафта кетди. Жўнаш муҳлати яқинлашган сари чолнинг қовоғи уюларди, қиладиган юмушини унутиб қўяр, бир жойга қўйган буюмлари эса ҳеч қутилмаганда бошқа ерда пайдо бўларди, гўёки уларни бир вақтлар Фернандага азоб берган ажиналар уёқдан буёққа кўчириб қўяётгандай эди.

— Collons,¹ — деб сўкинарди у — Лондон синодининг йигирма еттинчи моддасини ундоқ ва мундоқ қилай.

Херман билан Аурелиано унга васийлик қила бошлашди. Улар чолга ғамхўрлик кўрсатишарди; чўнтақларига поезд билетию йўлга тааллуқли бошқа ҳужжатларни жойлаштириб, инглиз тўғноғичлари билан қадаб қўйишди, унга то Макондодан Барселонага етгунича қилиши керак бўлган юмушлар рўхатини тузиб беришди. Лекин шунга қарамай, каталониялик олим чўнтагига ярим сармоясини солинган чолворини ўзи сезмаган ҳолда ахлатга ташлаб юборди. Жўнаш арафасида, қутиларнинг қопқоғи миҳлангач, кийим-кечаклари у Макондога илк бор кўтариб келган жомадонига жойлангач, чол таҳқирли бир дуони эслатувчи имо-ишора билан ўзининг чиғаноққа ўхшаш қовоғини қисиб қўйди. Қўлларини узоқ ҳижронга чидашга ёрдам берган китоблар уюмига қўйиб:

— Бу ахлатни сизларга қолдираман! — деди.

Орадан уч ой ўтгач, чолдан каттакон пакет келди. Пакетда денгиз сафари давомида тўпланиб қолган йигирма тўққизта хат ва элликта сурат ётарди. Гарчанд каталониялик ой ва кунларни ёзмаган бўлса-да, мактубларида саёҳат саргузаштлари ҳақида ўзига хос юмор билан маълумот бериб: қутиларни каютага қўйишга рўхсат бермаган назоратчини кемадан улоқтириб юборай, дедим, ўн уч рақамидан ирим туфайли эмас, балки бу рақам тугалланмаган бўлиб туюлгани учун ҳам даҳшатга тушадиган қандайдир аҳмоқ сеньоринани учратдим, кемада ғамланган чучук сув Лерида булоғидан олинган дея гаров ўйнадим ва гаровни ютиб чиқдим, деб ёзарди. Аммо кунлар ўтган сари, олимни кема ҳаёти тобора камроқ қизиқтирар, Макондодаги энг сўнгги арзимас воқеаларни ҳам соғинганини ёзар, хуллас, кема узоқлашгани сари, унинг хотиралари ҳам тобора ғамгинлашиб борарди. Соғинчининг кучайиш жараёни фотосуратларда ҳам ўз аксини топган эди. У Кариб денгизи фонидан оқ қўйлак кийиб тушган ва кумушранг сочлари хиёл тўзғиган биринчи суратларда ғоят бахтиёр кўринарди. Сўнггиларида эса, қорамтир пальто кийиб, бўйнига шойи шарф боғлаб, кузги океан сувларида адашиб қолган номсиз кема палубасида турар, қарашларидан маъно ўқиб бўлмасди. Херман билан Аурелиано унинг хатларига жавоб ёзишди. Дастлабки ойларда чол шу қадар кўп мактуб йўллардики, дўстлар унинг Макондодан бутунлай кетганига ишонмай қўйишди. Чол дастлаб, ҳаммаси жойида, уйдаги қизғиш денгиз чиғаноғи ҳанузгача бус-бутун турибди, бир бўлак ноннинг устига қўйилган селёдканинг таъми ўзгармади, қишлоқдаги булоқларнинг суви ҳалиям муаттар, дея хабар берди. Мактаб дафтарида йиртиб олиб, қинғир-қийшиқ ҳарфлар билан тўлдирилган варақлар дўстларнинг олдида тез-тез пайдо бўларди. Одатда уларнинг ҳар бирига биттадан варақ бағишланар эди. Гўёки соғая бошлаган беморнинг қувончи билан йўғрилган мактублардаги умид учқунлари, секин-аста сўна бошлади. Қиш оқшомлари, камин ичига қўйилган қозондаги шўрва қайнаётганида, чол китоб дўкони ортидаги торгина иссиқ бўлмасини, бодом дарахтининг чанг босган

¹ Collons — каталонча сўкиш.

барглари орасидан нур таратувчи чароғон қуёшни, пешинги ҳордиқни бузувчи паровоз сигналини, худди илгари Макондода яшаганида ўз ватанини, уйдаги каминда қайнаётган қозончасини, кўчада бақириб-чақириб юрган қаҳвафурушни, баҳорда юртига қисқа фурсатга учиб келадиган тўрғайларни қўмсагандек соғинарди. Гўёки икки кўзгуда бир хил акс этган бу икки соғинч ҳиссидан азобланган чол оромини йўқотиб қўйди. Унинг азоблари шу даражага бориб етдики, дўстларига Макондодан жўнаб кетиши, олам ҳақида ва инсон қалби хусусида берган барча ўғитларини унутиб юборишни, Горацейга тупуришни маслаҳат берди, улар қелба бўдишмасин, ўтмиш ёлғон эканини, хотирага қайтиш йўли йўқлигини, энг талба ва муқим муҳаббат ҳам аслида бир лаҳзалик ўткинчи ҳодиса эканини ҳеч қачон эсдан чиқармасликни уқтирди.

Чолнинг Макондони ташлаб кетиши ҳақидаги маслаҳатига биринчи бўлиб Альваро амал қилди. У ҳамма нарсани, ҳатто ҳовлисига занжирлаб қўйган кўрқинчли қоплонини ҳам сотди ва сўнги бекати йўқ поездга мангу билет харид қилди. Альваро поезд узук-юлуқ тўхтаб ўтган жойлардан юрган, ундов белгилари қалаштириб ташланган почта откриткаларида вагон-деразасидан кўзга элас-элас кўринган манзараларни Альваронинг айна достонида, қисқа лаҳза ҳақидаги узун достонида, Луизиана плантациясидаги арвоҳсимон негрлар, Кентуккининг яшил ўтлоқларидаги қанотли отлар, Аризона қуёшини эмиб юрган грек ошиқ-маъшуклар, Мичиган кўли ёнида сувбўёқда расм чизаётган қизил свитерли қиз тасвирланар эди. Уша Альварога кўлидаги мўйқаламини силкиди, бу имода виро эмас, балки умид акс этди — бечора қиз унинг ёнидан ўтиб кетаётган поезд ҳеч қачон қайтиб келмаслигидан беҳабар эди. Кейнроқ Альфонсо билан Жерман жўнаб кетиши. Улар душанбада қайтиб келиш ниятида шанба куни хўнашди, лекин ўшандан буён дом-дарақлари чиқмади. Каталониялик олим жўнаб кетгандан сўнг бир йил ўтгач, бу ерда фақат Габриэль қолди, холос. У ёлғиз ўзи каловланиб Жодугарнинг хатарли марҳаматидан фойдаланишни давом эттирарди. Айна замонда француз журналларидан бири ташкил этган, биринчи совринга Париж савёхати тикилган конкурс саволларига жавоб ёзарди. Аурелиано ҳам журналга обуна эди. У анкета саволларига жавоб беришда Габриэлга қўмақлашар, бу юмушни баъзан уйда, кўпинча эса валерианка ҳиди уриб қолган, Габриэлнинг яширин қайлиги Мерседес яшайдиган яккаю ягона дорихонада, чинни идишлар орасида бажарарди. Шаҳар ўтмишидан нишона бўлиб шу дорихона қолганди, холос. Макондо шу даражада хувиллаб ётардики, конкурсда ғолиб чиқиб, икки жуфт ич кийим, ботинка ҳамда Рабленинг тўла асарлар тўпламини олиб Парижга жўнаётган Габриэль, поезд станцияда тўхтамай ўтмасин деб чўчиди ва машинистга кўлини силташга мажбур бўлди. Турклар кўчаси ташландиқ маконга айланиб қолган эди. Улимларини лоқайдлик билан кутаётган энг сўнги араблар, гарчи газмоллар бир неча йил бурун сотилиб кетган ва ғамгин витриналарда фақатгина бошсиз манекенлар қолган бўлса-да, минг йиллик таомилга кўра дўконлари олдида ўтиришарди. Ирқий тенгсизлик ва тузланган бодринглар ватани бўлмиш Алабама штатидаги Пратвилл шаҳрида истиқомат қилувчи Патриция Браун балки ўз невараларига ҳикоя қилиб бериши мумкин бўлган банан ширкати ўрнида эндиликда ўт-ўлан қоплаган яйдоқ дала ястаниб ётарди. Падре Анхелнинг ўрнини эгаллаган руҳоний чол (унинг исмини ҳеч ким суриштирмасди ҳам) ҳаддан ташқари кўп гумонсираши туфайли артрит ва уйқусизликка чалинган, гамакда юзтубан ётар, унинг ёнида калтакесаклар билан каламушлар черковга якка ҳўкмдорлик қилиш учун жанг олиб боришарди. Ҳатто қушлар ҳам тарк этган, доимий жазирама ҳамда чанг-тўзондан бўғилиб ўлаётган Макондода, чумолилар шовқинидан миждоа қоқиб бўлмайдиган уйда, ёлғизлик, севги ва севги танҳолиги домига илинган Аурелиано билан Амаранта Урсула ягона бахтиёр одамлар ва ер юзидаги энг бахтиёр мавжудотлар эди.

Ҳастон Брюсселга қайтди. У имтиёзли лицензияни немис авиаторлари илиб кетмасликлари учун жомадонида энг керакли буюмларини ёзишмаларини жойлаб Макондодан жўнаб кетди. Уша илк оқшомдан сўнг Аурелиано билан Амаранта Урсула ора-сира, Ҳастон уйдан кетган пайтлардагина учрашиб туришар, аммо унинг тўсатдан келиб қолишини ўйлаб, висол дамларида ўзларини тизгинлашга мажбур эдилар. Уйда танҳо ўзлари қолишгач, узок тийилган ҳислар гирдобидо телбаларча айланишарди. Айна бейи, ҳалокатли, танларни мудом шай ушлагувчи ва гўрда ётган Фернанданинг суякларини сирқиратувчи ҳислар боис, Амаранта Урсуланинг бақириқлари, унинг талвасали қўшиқлари кундузи соат иккида ошхонадан, кечаси соат иккида эса қазноқдан эшитиларди. «Алам қиладигани шуки,— дерди Амаранта Урсула кула-кула,— биз шунча вақтимизни беҳуда ўтказибмиз». У чумолилар боғни вайрон қилаётганини, гўё вулқондай оққан лава мисоли галерея бўйлаб олға силжиётганини кўриб турарди, лекин Амаранта Урсула ҳаяжондан гангиб қолган эди. У чумолиларни ётоқларида пайдо бўлганидагина яна қира бошлади. Аурелиано кўлёмаларни ташлаб қўйди. У уйдан деярли

чиқмас ва онда-сонда каталониялик олимнинг хатларига жавоб ёзарди, холос. Ошиқ-маъшуқлар воқелик ҳиссини, вақт ҳақидаги тушунчани йўқотишди, кундалик одатларни тамом унутишди. Эшик ва деразаларни беркитиб, ечиниш учун ортиқча вақт сарфламаслик учун, ўша Гўзал Ремедиос орзу қилган ҳолатда — қип-яланғоч бўлиб ўйни кезишар, дуч келган жойда, ҳатто ҳовли саҳнидаги кўлмақда ҳам бир-бирини таппа босиб қолишарди. Бир куни улар бассейнда илиқишиб, сувга чўкиб кетишларига оз қолди. Қисқа вақт мобайнида улар ўйни чумолилардан ҳам кўпроқ емириб улгуришди. Меҳмонхонадаги мебелларни ҳам синдиришди, полковник Аурелиано Буэндианинг ўзи ва сон-саноксиз маъшуқаларининг залворига дош берган гамакни тилка-пора қилишди, матрацларни ёриб, увадаларни полга ағдаришди. Гарчанд Аурелиано шиддат бобида Макондодан жўнаб кетган рақибдан мутлақо қолишмасе-да, бу вайрона жаннатда серқилиқ ва унча-мунчага тўймайдиган Амаранта Урсула этакчидик қиларди. У гўёки бувисининг бувиси қандолатчиликка сарф қилган барча куч-қувватни ишқу ишратга бахш этгандек эди. Амаранта Урсула олган лаззатидан миёвлаб, янги ўйлаб топган усулларига маҳлиё бўлиб, роса роҳат қилиб кулаётган пайтларда Аурелиано янада ўйчан ва индамас бўлиб қолар, чунки унинг муҳаббати юрак тубида ётар, уни куйдириб кул қиларди.

Амаранта Урсула ўзига келган пайтлари Гастоннинг хатларига жавоб ёзарди. Гастон унга шу қадар ёт ва узоқ бўлиб туюлардики, Амаранта Урсула унинг қайтиб келишини тасаввур ҳам қилолмасди. Гастон илк мактубларида, шерикларим ҳақиқатан ҳам аэроплан юборишибди, аммо Брюсселдаги денгиз агентлиги адашиб, ўни Танганьикага жўнатибди, у ердигилар эса аэропланни макондлар қабиласига топширибди, дея хабар қилган эди. Бу ҳол қўшимча ташвиш туғдирар, аэропланни топиш учун яна икки йил кетиши мумкин экан. Шу боис, Амаранта Урсула, эрим муддатидан илгари қайтиб келади, деган ўйдан кечди. Аурелианони ташқи дунё билан каталониялик олимдан келиб турган хатлару дорихонанинг индамас бекаси Мерседес дўсти Габриэль ҳақида айтадиган гаплар боғлаб турарди, холос. Олдинга бу реал бир алоқа эди. Габриэль Парижда яшаш ниятида, конкурсда ютган билети ўрнига пул олган, эндиликда эски газеталарни ва Дофина кўчасидаги ғариб меҳмонхона хизматкорлари эшикка чиқариб ташлайдиган шишаларни сотиб кун кўрарди; Габриэль баланд ёқали свитерда юрар, уни фақат баҳорда, Монпарнас терассалари севишганлар билан тўчила-тошган пайтдагина ечар, очликни лақиллатиш учун кундузлари ухлар, кечалари эса Рокаматур ўзини ўлдирган, карам-шўрва ҳиди босиб кетган хонага биқиниб олиб китоб ёзарди. Аммо Габриэлдан келаётган хабарлар бора-бора туман каби хиралашар, каталониялик олимнинг хатлари тобора камайар ва тобора ғамгин тус олардики, оқибатда Аурелиано Габриэль ва чол тўғрисида Амаранта Урсула эри ҳақида қандай фикрласа, худди шундай фикрлай бошлади. Энди севишганлар кимсасиз бир дунёга тушиб қолишдики, бу оламнинг яккаю ягона ва мангу ҳақиқати муҳаббат эди, холос.

Онгсиз бахтиёрлик қасрида Гастоннинг қайтиб келиши хабари мисоли ўқдай жаранглади. Аурелиано билан Амаранта Урсула кўзларини очишди; қалбларини тинчитишди, бир-бирининг кўзига тик боқишди ва тушундиларки, аллақачон бир жону бир тан бўлиб қолишган ва айрилиқдан ўлимни беҳроқ кўришар экан. Шунда Амаранта Урсула эрига мазмуни ёлғонга тўла мактуб ёзиб, сендан совиганим йўқ, лекин, э воҳки, пешонамга Аурелиано билан яшаш ёзилган экан, не қилайки, тақдир измини ўзгартишга ҳолим йўқ, деб айтди. Улар, Гастон кескин жавоб ёзади, деб кўрқибди, аммо унинг хати босиқлик ва ғамхўрлик руҳида битилган бўлиб, мактубнинг нақ икки бетида кексалик офатидан сақланиш ҳақида маслаҳат берилган, охириги қисмида эса, Гастон ҳеч бир иккиюзламачилик қилмай, сизларга ўша мен ўзим қисқа муддат тотиб кўргандек оилавий бахт тиламан, деб ёзган эди. Эрининг бу хатти-ҳаракати Амаранта Урсула учун ҳеч кутилмаган бир ҳол эди. У ўзини андак таҳқирлангандек ҳис қилди. Орадан ярим йил ўтиб, Гастон, ниҳоят аэропланни олдим, ҳозир Леопольдвиллда турибман, энди велосипедимни юборсанг, деб илтимос қилганида, Амаранта Урсуланинг фиғони кўкка ўрлади. Аурелиано қайғуга чўмган Амаранта Урсулани зўр сабр-тоқат билан юпатар, нафақат бахтиёр чоғларда, балки кулфат маҳали ҳам яхши эр бўла олишини исботлашга уринарди. Гастон қолдирган пул тугаганидан сўнг бошларига тушган ташвишлар уларни янада яқинлаштирди. Пилар Тернера ўлган вақтда улар фарзанд кутишарди.

Ҳомиладорлик пайтида Амаранта Урсула балиқ суюқларидан мунчоқ ясаб сотмоқчи бўлди. Аммо, Габриэлнинг қайлиғи Мерседес сотиб олган ўн иккита мунчоқдан бошқа молга харидор чиқмади. Лекин Амаранта Урсуланинг на кайфияти бузилди ва на қичиги сусайди. Бироқ у овқатдан сўнг ухламасдан хаёлга

¹ Рокаматур — аргентиналик ёзувчи Хулио Кортасарнинг «Синфлар ўйини» романи қаҳрамони.

чўмган ҳолда галереяда узоқ ўтиришни одат қилди. Аурелиано унинг ёнида бўларди. Баъзан улар лом-мим демасдан, бир-бирининг кўзига термилганча, кечгача ўтириб дам олишарди. Келажакка ишончсизлик уларнинг қалбларини ўтмишга ўгирди. Улар ўзларини чексиз ёмғирлардан иборат бўлган ўша йўқотилган жаннатда юргандек ҳис этишди: ҳовли саҳнида кўлмак кечганларини, калтакесакларни ўлдириб, Урсуланинг кийимларига осганларию ўзларича кампирни тириклай кўмиш ўйинини ўйнаганларини, хуллас, бетиним ёмғир остида ўтган болалик дамларини гўёки жаннатни эслагандай эслашарди. Хотиралар ҳақиқатни ойдинлаштиргандай бўлар, улар ақлларини танигандан бери фақат иккиси бирга бўлган дамлардагина рostaкам бахт туйганларига амин бўлишарди. Амаранта Урсула, бир гал заргарлик устахонасига кирганию онаси унга кичик Аурелиано бегонанинг фарзанди, уни дарёда оқиб келган саватдан топиб олдим, деб айтган оқшомни ёдига келтирди. Айни хотираю изоҳлар унчалик ишонтирмасда, уларнинг қўлида бошқа ҳаққонийроқ маълумот йўқ эди. Ҳамма далилларни текшириб бўлишгач, Фернанда Аурелианонинг онаси бўла олмаслигига ишонч ҳосил қилишди. Амаранта Урсула, Аурелиано Петра Котеснинг ўгли бўлиши мумкин, деган хаёлга борар, аммо у отасининг ўйнаши ҳақида шу қадар ёмон гапларни эшитган эдики, ушбу фараз уларнинг икковида ҳам кучли нафрат уйғотди.

Аурелиано хотинига ука бўлиши эҳтимолидан виждони қийналиб, моғор босган, куя еб ташлаган архив ҳужжатлари орасидан бирор маълумот топиш умидида падренинг уйига борди. У эски ҳужжатларни кўриб, падре Никанор Рейна томонидан ўсмирлик пайтида чўқинтирилган Амаранта Буэндианинг исмини топди. Тўрт жилдлик ёзувларни қараб, турли пайтларда чўқинтирилган ўн етти Аурелианоларга дуч келди. Кўнглида, ўзим ҳам ўшалардан бири бўлсам ажабмас, деган умид ялт этди, аммо адашлари чўқинтирилган йиллар унинг ёшига мутлақо тўғри келмасди. Аурелиано аждодларини ахтараётганини ўз гамагида кузатиб ётган руҳоний ундан исмини сўради.

— Мен Аурелиано Буэндаман, — жавоб берди йигит.

— Ундай бўлса ўзингни беҳудага қийнама, — деди ишонч билан руҳоний. — Анча йиллар илгари бу ерда шунақа бир кўча бўларди, ўшанда кўпчилик ўз фарзандларига кўчанинг номини кўярди.

Аурелиано ғазабдан титраб кетди.

— Нима? — деди у. — Демак, сиз ҳам ишонмас экансиз-да?

— Нимага?

— Полковник Аурелиано Буэндианинг ўттиз икки марта граждан уруши очгани ва ҳаммасини бой берганига, — дея жавоб қайтарди Аурелиано. — Ҳарбийлар уч минг ишчини қуршаб, сўнгра отиб ташлаганига, сўнг денгизга улоқтириб юбориш учун ўликларни икки юзта вагон тиркалган поездда олиб кетишганига.

Руҳоний унга ачиниbroқ қаради.

— Эҳ, ўғлим, — деб хўрсинди у, — менга ҳозир икковимизнинг тирик эканимизга ишонининг ўзи ҳам кифоя.

Шундай қилиб, Аурелиано билан Амаранта Урсула сават ҳақидаги уйдирмани, унинг ростлигига ишонганларидан эмас, балки бу уйдирма уларни виждон азобидан халос этиши мумкинлиги учун қабул қилишди. Амаранта Урсуланинг ойкуни яқинлашгани сайин, улар тобора иноқлашиб боришар, қулаб тушиши учун шамолнинг биргина ҳамласи кифоя бўлган бу уйдаги танҳоликка тобора кўникишарди. Энди улар уйнинг кичик бир бўлагидан — Фернанданинг ётоғидан ва галереянинг Амаранта Урсула бўлажак фарзандига қалпоқча тикиб, Аурелиано эса гоҳида каталониялик олимга хат ёзиб ўтирадиган қисмидан нарига чиқишмасди ҳисоб. Уйнинг қолган қисмларини эса — заргарлик устахонаси, Мелькиадеснинг хонаси, Санта София де ла Пьедаднинг бўлмасини чирмовуқ босиб кетди, энди қалин тўқайзорни эслатувчи хоналарга киришга биров журъат қилолмасди. Очкўз табиат қуршовида қолган Аурелиано билан Амаранта Урсула чумоли ва чирмовуқлар ҳужумини даф этиш учун сўнмаган оҳакдан чегара чизиги тортган эдилар. Амаранта Урсуланинг тароқ кўрмаган сочлари паҳмоқ бўлиб кетган, оёқлари шишиб, юзларига доғ тушиб, қадди-баста хунуқлашиб қолса-да, у ҳамон руҳан тетик эди.

«Жин урсин! — деб куларди у. — Бизнинг бора-бора ростдан ҳам одамхўрлардек ҳаёт кечиришимиз қимнинг хаёлига келибди дейсан!» Уларнинг ташқи дунё билан алоқаси ҳомиладорликнинг олтинчи ойида олинган хатдан сўнг батамом узилди. Хатни каталониялик олим ёзмаган эди. Гарчи у Барселонадан юборилган эса-да, конвертдаги адрес одатда расмий номалар битишга ишлатиладиган кўк сиёҳ ва ҳуснихатда ёзилган эди. Кўринишдан жўн, мазмуни номаълум хат душман томонидан жўнатиладиган совгани эслатарди. Амаранта Урсула конвертни очишга шайланаётганида, Аурелиано мактубни унинг қўлидан тортиб олди.

— Кўй, ўқимайлик,— деди у.— Хатда нима ёзилганини билишни ҳам истамайман.

Хуллас, каталониялик олимдан бошқа хабар келмади. Бегона одамлар ёзган ва ҳеч ким ўқимаган хат эса, Фернанда қачонлардир ўзининг никоҳ узугини эсдан чиқариб қолдирган тоқчада куяларга ем бўлиб ётар ва ўзига жо этилган нохуш хабар алангасидан куйиб кулга айланарди; бу аснода таркидунё этган икки ошиқ ўзларини умидсизлик ва унут дунёсига алдаб киритишга уринаётган машъум вақт оқимига қарши сузишарди. Улар олдинда фалокат борлигини сезишмас, бир-бирининг қўлидан маҳкам тутиб, телба эхтирослар давомида орттирилган пуштарини асраб-авайлаб яшар эдилар. Кечаси каравотда қучишиб ётганларида на ойдинда шовқин-сурон солишаётган чумолилардан, на куяларнинг питирлашидан, на қўшни хонадаги бургаларнинг тобора қучайиб бораётган бетиним хуштакларидан кўрқишарди. Амаранта Урсула билан Аурелиано тез-тез арвоҳлар тўполони уйғотиб юборарди. Улар Урсуланинг ўз авлодини асраш учун яратувчи билан жанг қилаётганини, Хосе Аркадио Буэндиа буюк ихтироларнинг бесамар ҳақиқатини ахтараётганини, Фернанданинг дуо ўқишини, умидсизлик, урушлару тилла балиқчалар полковник Аурелиано Буэндиани ҳайвон ҳолига солаётганини, шўх базмлар айни авжига чиққан пайтда Аурелиано Иккинчининг танҳоликда ўлаётганини кўришарди. Ниҳоят, улар елимдек ёпишқоқ ғояларгина ўлимга бўйин бермаслигини тушунишди. Ҳозир ҳашаротлар одамлардан тортиб олаётган бу кичик ва ғариб жаннатни бошқа бир тур мавжудотлар тортиб олишидан кейин ҳам бир-бирларини сева беришларига амин бўлишди, ва яна кўнгилларида саодат барқ ура бошлаганини туйишди.

Якшанба кунларининг бирида, кеч соат олтида Амаранта Урсулани тўлғоқ тутта бошлади. Очликдан танларини сотиб кун кўрувчи қизларни даволаб юрувчи доя хотин, жилмайиб туриб, уни овқат столига ётқизди, ўзи аёлнинг қорнига ўтириб олиб, то Амаранта Урсуланинг фарёдини чақалоқ йиғиси босиб кетмагунча бечора аёлнинг устида чайқалаверди. Амаранта Урсула кўзёш пардаси орасидан фарзанди ҳақиқий Буэндиа эканини — Хосе Аркадиолар каби йўғон, чайир ва қайсар, Аурелианолар каби кўзлари очиқ ва тийрак эканини кўрди. Ва умид қилдики, фарзанди Буэндиалар уруғини қайта тиклайди, уларни ажалга гирифтор этгучи иллатлару танҳоликка мойилликдан асраб қолади, чунки роса юз йил давомида туғилган Буэндиалар орасида фақат шу чақалоқ ҳақиқий севги меваси бўлиб дунёга келган эди.

— Одамхўрнинг ўзгинаси. Унга Родриго деб исм қўямиз.

— Йўқ,— деб эътироз билдирди эри.— Биз уни Аурелиано деб атаймиз, насиб этса, у ўттиз икки урушда ҳам ғолиб чиқади.

Доя чақалоқнинг киндигини кесиб, баданидаги аллақандай кўкиш доғларни латта билан арта бошлади. Аурелиано чироқ кўтариб турди. Улар болани юзтубан ётқизиб, ҳалигача сезилмаган белгини кўриб қолишди. Боланинг кетида чўчка думчаси бор эди.

Лекин улар саросимага тушмадилар. Чунки Аурелиано билан Амаранта Урсула Буэндиалар авлодида илгари ана шундай воқеа содир бўлганини билишмас, Урсуланинг даҳшатли огоҳларини ёддан чиқаришган, бунинг устига, доя хотин уларга, думни боланинг сўт тишлари тушганда кесиб ташласа ҳам бўлар, дея тасалли берди. Кейин эса бу ҳақда ўйлашларига вақтлари қолмади, чунки Амаранта Урсуланинг ичидан қон кета бошлади. Қонни тўхтатишнинг ҳеч иложи бўлмади. Амаранта Урсула ўзини дадил тутишга уринди. Аурелианонинг қўлидан тутганича, асло кўрқмасликни илтижо қилар, ахир менга ўхшаганлар ўз ихтиёрисиз ўлиш учун туғилмайди, деб айтар, доя аёлнинг саросимасини кўриб, қотиб-қотиб куларди. Аурелианонинг умиди пучга чиққан сари, Амаранта Урсула тобора қорайиб борар, гўёки уни ички нур тарқатарди. Ниҳоят, у оғир уйқуга чўмди.

Душанба кунни сахармардонда уйга Амаранта Урсуланинг тўшаги ёнида дуо ўқиш учун аллақандай аёлни бошлаб келишди. Аёлнинг дуолари қон оқишини шу заҳотиёқ тўхтатарди. Лекин Амаранта Урсуланинг қайноқ қони муҳаббатдан ўзга афсунга бефарқ эди. Кечқурун, роса йигирма тўрт соатлик азоблардан кейин, Амаранта Урсуланинг ўлиб ётганини кўришди; аёлнинг ёноқлари бўртиб чиққан, азоб асорати юзидаги оқиш ёғдудан йўқолиб кетган, лабида яна табассум пайдо бўлган эди.

Аурелиано шундагина дўстларини қанчалар қаттиқ севишини, уларнинг ёрдамига қанчалар муҳтож эканини сезди. У чақалоқни марҳума тайёрлаб қўйган саватга жойлади, мурданнинг устига аёл ёпди ва, ўтмишга элтувчи сўқмоқ топиш ниятида, ҳувиллаб қолган шаҳар бўйлаб тентирай бошлади. У ўзи кўпдан бери қадам босмаган дорихона эшигини қоқди, лекин у ерда дурадгорлик устахонаси борлигини кўрди. Қўлида чироқ тутган нотаниш кампир унга, бу ерда ҳеч қачон дорихона бўлмаган, кўзлари ғамгин, Мерседес исмли аёлни умрим бино бўлиб кўрганим йўқ, деб таъкидлади.

Аурелиано пешонасини каталониялик олимнинг китоб дўкони эшигига урганча, тўйиб-тўйиб йиғлади. Осмонда қизғиш ҳалқалар учиб юришига ҳам эътибор бермасдан, «Олтин бола» деб аталмиш исловотхона деворларини муштлаганча, Пилар Тернерани чорлади. Фоҳишалар кўчасининг омон қолган энг сўнги салониди аккордеончилар ансамбли епископнинг жияни ва Франсиско Одам сирларининг вуриси бўлмиш Рафаэль Эскалона қўшиқларини ижро этарди. Ҳозир орасини ургани учун кўли қуриб қолган салон хўжайини Аурелианога озгина ичишни таклиф қилди. Шишани бўшатгач, Аурелиано ҳам бир шиша ичимлик кўйди. Салон хўжайини унга, онамни урган кўлим қуриб қолди, деб ҳикоя қилди. Аурелиано бўлса, ўз опамни яхши кўрганим боис, юрагим куйиб кул бўлди, деб сўзлади. Икковининг ҳам кўзлари ёшга тўлди. Аурелиано азобли оғриқ бир лаҳзага дилини тарк этганини пайқади. Аммо Макондо тарихидаги энг сўнги тонг шафақи остиди танҳо қолгач, шаҳар майдонининг ўртасига чиқиб, қўлларини ёздида, худди бутун дунёни уйғотиб юборишга шайланаётгандай, юрак-юрагидан чиқариб қичқирди:

— Дўстлар дўст эмас, қанжикнинг болаларидир!

Жодугар уни кўзёшию сафро кўлмагидан тортиб чиқарди. Хонасига бошлаб келди, кийим-бошини тозалади, бир коса бульон ичирди. Унга таскин бериш учун Аурелианонинг деворга ёзилган қарзларини кўмир билан ўчирди ва унинг танҳоликдан йиғламаслиги учун, атай ўзининг энг қайғули кунларини хотирлашга тушди. Эрталаб, қисқа ва оғир уйқудан сўнг, Аурелиано ўзига келди. У дастлаб боши қаттиқ оғриётганини сезди, сўнг кўзини очдию боласини эслади.

Чақалоқ саватда йўқ эди. Бирдан Аурелианонинг юрагини қувонч қоплади, Амаранта Урсула ўғлига қараш учун тирилган бўлса-я, деб ўйлади. Аммо у аёл остиди тошдек қотиб ётарди. Аурелиано уйга кириб келган маҳали ётоқхона эшиги очиқ турганини эслади. У гулларнинг тонги нафасига тўла галереядан ўтди ва ҳанузгача туғруқ аломатлари турган ошхонага кирди: у ерда катта қозон, қонга беланган чойшаб, сўхта солинган сопол идишлар, қайчи ва чақалоқнинг буралиб қолган киндиги ётарди. У, балки доя хотин кечаси келиб болани олиб кетгандир, деб ўйлади. Айни ўй андак таскин берди. Амаранта Урсула чақалоғи учун кийим-бош тикиб ўтирган тебранма курсига чўкди. Қалбини босиб келаётган улкан ўтнинг оғирлигига бардош беролмаслигини англади. Ўзи ва ўзгалар мусибатининг захарли найзаси яралаган Аурелиано, ўлик атиргулларни ўраб олган ўргимчак инларига, ҳар ёндан ўжарлик билан униб чиқаётган бегона ўтларга, февраль ойининг соф ва осуда тонгига ҳайратланиб боқди. Ва у дафътан чақалоқни кўрди — қуриб-қақшаб қолган вужудни гўёки бутун дунёдан тўпланган чумолилар парча-парча қилиб боғнинг тош тўшалган йўлкасидан ўз инларига судраб борарди. Аурелиано қотиб қолди. Таажжуб ёки қўрқувдан эмас, балки айни шу лаҳзада Мелькиадес қўлёзмалари сирига калит топганидан қотиб қолди. Қўлёзмалар эпиграфи яққол кўз олдига келди: «АВЛОДНИНГ БИРИНЧИ ВАКИЛИНИ ДАРАХТГА БОҒЛАБ ҚЎЙИШАДИ, ОХИРГИСИНИ ЧУМОЛИЛАР ЕБ БИТИРАДИ».

Аурелиано ҳаётида ҳеч қачон айни дақиқадаги каби оқилона ҳаракат қилмаган эди: у ўликлар ва азани эсдан чиқарди. Дунё ташвишлари халақит бермаслиги учун, яна барча эшик ва деразаларни миҳлаб қикди. Энди у Мелькиадеснинг қўлёзмаларида ўз тақдири ҳам ёзилганини биларди. Нодир қадимий ўсимликлар, кўлмаклар ҳовури ва хонадаги одамзот изларини йитирган қандайдир нурли ҳашаротлар қуршовида ётган қўлёзмалар бус-бутун эди. Аурелиано бетоқат бўлиб, қўлёзмаларини ёруқча ҳам олиб чиқмай, шу ернинг ўзида, тик турганча, овоз чиқариб ўқий бошлади. Аурелиано, гўёки қоғозлар испан тилида ёзилгандек, ҳеч бир қийналмай ўқирди. Бу — Буэндиалар оиласининг Мелькиадес томонидан битилган тарихи бўлиб, бугунги кун роса юз йил олдин башорат қилинган эди. Лўли уларни ўз она тили — санскритда ёзган бўлиб, ундаги жуфт шеърлар император Августнинг, тоқлари эса лакедемонияликларнинг ҳарбий шифрлари билан тилсимланган эди. Аурелиано Мелькиадес қачонлардир Аркадиога ўқиб беришга уринган «музыкага солинган энциклика»ларни овоз чиқариб ўқий бошлади — аслида бу Аркадионинг отилиши ҳақидаги башорат эди; сўнгра Аурелиано осмони фалакка парвоз этадиган дунёдаги энг гўзал аёл ҳақида, оталари ўлиmidан сўнг эгизак болалар туғилиши ва эгизаклар лаёқатсизлик ёки дангасалик сабабли эмас, балки бемаврид туғилганлари учун ҳам қўлёзмаларни ўқий олмасликлари ҳақида билиб олди. Аурелиано шу ерга етганида, ўзининг қисматини тезроқ билишни истаб, бир неча варақни қолдириб кетди. Шу лаҳзада шамол эса бошлади. Ўтмишга мансуб товушлар — кекса теракларнинг ғижирлаши ва умидсизлик ноласи билан йўғрилган бу шамол ҳали анча суз эди. Аурелиано уни деярли сезмади, чунки ўша минутларда ўзига бахт беролмайдиган гўзал аёлни қидириш мақсадида сароб саҳросида тентираган шаҳватпараст бобосини учратиб қолган эди. Аурелиано уни таниди. У шажараниннг сирли сўқмоқлари бўйлаб юраркан, бунёд бўлган жойга дуч келди: чаёнлар ва капалаклар тўлиб-тошган нимқоронги.

мўрчада қандайдир бир ишчи чиройли аёл билан яқинлик қилган эди. Аурелиано ўқишга шунчалар берилиб кетдики, бўроннинг иккинчи ҳамласини ҳам пайқамади. Қоплондек шиддатли бўрон деразаю эшикларни ошиқ-мошиқларидан кўчирди, галереянинг шарқ томонидаги тошни учириб, пойдеворни бузиб ташлади. Бу вақтда Аурелиано Амаранта Урсула ўзига опа эмас, балки хола эканини, чўчка думли махлуқ туғадиган кишиларнинг бегона қонлари ичра бир-бирини қидириб топиш учун, Риочани Фрэнсис Дрейк ишғол этганини билди. Аурелиано ўзига маълум бўлган воқеаларга вақт сарфлаб ўтирмасдан, яна ўн бир варақни ташлаб, бугунги кунлар битилган байтларнинг тилсимини оча бошлади. Унинг тақдири шу қадар ойдин башорат этилган эдики, Аурелиано гўёки гапирувчи кўзгу олдида тургандай эди. Макондо қиёмат янглиғ даҳшатли бўрон гирдобига тушиб қолди: У қазо муҳлати ва сабабини билиш ниятида яна бир неча варақни ташлаб ўтди. Аммо ҳали сўнгги шеърга етмасдан, ўзига шу хонадан чиқиш nasib этмаслигини тушунди. Қўлёмалар башорат қилардики, Аурелиано Бабильоня уларни ўқиб чиққан заҳотиёк, бўрон бу ғариб шаҳарни ер юзидан супуриб ташлайди, унинг номини одамлар хотирасидан батамом ўчиради, баён этилмиш воқеалар эса бошқа ҳеч қачон такрорланмайди, чунки юз йиллик танҳоликка маҳкум этилган одамлар авлоди ер юзида қайта пайдо бўлмайди.

**Русчадан Нурали ҚОБУЛ,
Анвар ЖУРАБОЕВ таржимаси.**



*Бурок
кишилар ҳаётидан*

* * *

Бальзак бир куни синглисига деди:
«Биласанми, Феликс де Ванденес кимга уйланади? Гранвиль хонимга-да! Узиям жуда сердаромад никоҳ бўлади-да! Гарчи Бельфей хоним Гранвилларни анчага туширган бўлса ҳам, ҳар ҳолда бадавлат хонадонга куёв бўлади Феликс».


Четдан кузатган одам бу гаплар Бальзакнинг ошналари ёхуд кўни-кўшниларига тааллуқли, деб ўйлаши турган гап. Аслида бу одамлар Бальзак ҳаёлида гавдаланиб, «жонланиб» бораётган асар персонажлари эди.

Гончаров ўзи туғилиб ўсган шаҳри — Симбирска ўн тўрт йилдан сўнг биринчи бор келганида, таассуротини шундай баён этган эди:

«Илк ёшликнинг эски хотиралари, янги учрашувлар, Волга қирғоқларининг манзаралари, вилоятга хос ҳаётнинг саҳналари ва одатлар — булар ҳаммаси фантазияни уйғотади — мен ўша вақтдаёқ бутун бир романнинг режасини тузиб олдим».

Адиб яна бундай ёзади:

«Мен кўпроқ фантазия таъсирида яшадим ва ёздим, фантазясиз қаламимнинг кучи қирқилади, бетаъсир бўлиб қолади».



Раъно Узоқова

УЧРАШУВ

Улар кутилмаганда учрашдилар.

Кенг елкали, кўкрагига уч орден таққан, узун бўйли кўркамгина злейтенант йигит ёнидан ўтиб кетаётган ёш жувонга, унинг қўлидаги қувноқ болага синчиклаб тикилди, бир нарса демоқчи бўлгандай лаблари қимирлади. Лекин айта олмади, чунки ёш жувон ерга тикилиб унинг ёнидан тез-тез юриб кетди. Йигит тўхтаганча унинг орқасидан қараб қолди.

Кейин ихтиёрсиз келган йўлига бурилиб, жувоннинг орқасидан кетди ва тез-тез юриб яқинлашди. Ниҳоят, оҳиста сўз бошлади:

— Синглим, мени кечиринг. Сизга айтадиган сўзим бор эди, — деди у.

— Марҳамат, марҳамат, — дея узун киприкларини кўтариб йигитга қаради жувон. Улар яна бир оз сўзсиз ёнма-ён юриб кетдилар. Жувон бир неча бор кўз остидан йигитга назар ташлади, йигит болага дам-бадам тикилиб қарар эди.

— Мен бундай кийимни ўтган йили Москвада, қишлоқ хўжалик виставкасида биринчи марта кўрган эдим. Бу кийим болаларга жуда ярашар экан, — деди у боланинг устидаги беқасам тўн, шойи қийиқча, бошидаги чуст дўппи, оёғидаги чиройли этикчани кўрсатиб. Жувон бу сўзга жилмайиш билан жавоб берди.

— Синглим, ўғлингиз неча ёшда?

— Тўрт яшар.

— Нега бундай катта болани кўтариб олдингиз? Еки ҳали йўлга кирмаганми?

— Мен болани кўтариб юришни яхши кўраман.

— Мен ҳам яхши кўраман. Беринг, бир оз кутарай, қўлингиз салгина дам олсин.

Жувон болани беришни истамаса ҳамки, йигитни хафа қилмаслик учун ўғилчасини узатди. Улар ҳар тўғрида гапиришиб, жувоннинг уйига етиб қолдилар.

— Биз уйимизга етдик, шунча кўтариб келганингиз учун раҳмат, — дея ўғилчасини олишга қўл узатди жувон. Йигит эса норозилик билан жувонга қараб кулимсиради ва:

Агар сизга малол келмаса, мен ҳам уйингизга кирсам? — деди.

Раъно Узоқова ҳаёт бўлганида бу йил 70 ёшга тўлар эди.

Раъно 1916 йилда Жарқўрғон районининг Жарқўрғон қишлоғида туғилган, уч яшарлигида етим қолиб, темир йўл хизматчиси Марям Бадриддинова оиласида тарбия топган. У интернат, сўнг техникумда таълим олгач, ўз қишлоғида ўқитувчи ва қишлоқ советининг секретари, район театрида актриса бўлиб ишлайди. Бир неча йил Ургут районидаги «Рабочий» колхозида секретарь, район кутубхонасида агитатор, кейинчалик Қизилтепа район театрида актриса бўлади. «Бухоро ҳақиқати», «Ленин йўли» газеталарида ходим, Самарқанд область радио эшиттириш давлат комитетида диктор ва редактор вазифасида хизмат қилди. Улуғ Ватан уруши йилларида область партия комитети пропаганда ва агитация бўлимида матбуот секторини бошқаради.

Ажойиб ўзбек адабиси Раъно Узоқованинг қисқача таржимаи ҳоли шулардан иборат. Ҳозиргача адабанинг тўрт китоби нашр этилган. Лекин Раъно Узоқованинг ҳали, бутун ёзган газаллари, достонлари, драматик асарлари, ҳикоялари жамланмаган. Бу келажакнинг вазифасидир.

Самарқанд адабий муҳитини яхши билган, адабани яқиндан таниб, у билан бирга хизмат қилган шоир Мардонқул Муҳаммадқулов бундан бир неча йил бурун қўлида сақланган бир қатор қўлёзмаларни менга тақдим этганди. Раъно Узоқова туғилганига 70 йил тўлиши муносабати билан, шу дастхатлардан олдин босилмаган бир ҳикояни севиқли журналистик ўқувчилари ҳукмига ҳавола этгим келди.

Тоштемир ТУРДИЕВ

Жувон иккиланди, бу йигитни уйга бошлаб кирса, онасидан уялади. «Йўқ, йўқ, уйимизга киришингиз мўмкин эмас», — деса, бу ҳам уят бўлади. Шунинг учун бир оз тараддуланиб, сўнгра бир қарорга келгандай:

— Марҳамат, — деди.

Улар ҳовлига кирдилар. Уларни бир кампир очиқ чехра билан кутиб олди. Кампирнинг «Бу йигит ким бўлади?» деган саволига жувон елкасини қисиб «ўзим ҳам билмайман» ишорасини қилгач, йигитга жой кўрсатди.

Ниҳоят йигит ўзини таништириш мақсадида:

— Синглим, агар мўмкин бўлса ўзингиз ва онангизнинг номларини айтиб, мен билан таништирамангиз, менинг исмим Василий Антонович, Украинаданман, — деди.

— Исмим Зухра, онамнинг исмлари Зеби, ўғлимники эса Жасур...

— Жасур, — дея такрорлади Василий ва Зухрага маъноли тикилиб: — ўғлингизнинг исми Жасур эмас, Володя, эркалатиб айтилганда Вова, — деди.

Зухра ҳайрон қолди. Жасур эса ялт этиб лейтенантга қаради. Зеби опа рус тилини унча-мунча тушунгани учун ҳайрон бўлиб, стол четида қотиб қолди.

— Зухраҳон, ўғлингиз мени таниса, нима дейсиз? — деди яна жилмайиб Василий.

— Ажаб эмас, — деди-да, болани бағрига босди Зухра.

— Мана, ҳозир у мени танийди, — дея бошидаги фуражкасини олди йигит. Унинг сарғимтил жингалак сочлари тўзиб, пешонасига тушди. Сўнгра у қулочини кенг ёзиб, Зухраҳон ўтирган стул ёнига тиз чўқди-да, «Вова, Вова!» деб чақирди. Бола кўзларини катта очиб, бир Василийга, бир Зухрага тикилди-да, бирдан: «Папа, папочка» деб қичқирди ва ўзини унинг кўксига отди.

Лейтенант уни кенг кўкрагига босиб, оталик меҳри билан иссиқ-иссиқ ўпди. Шу вақт Зухранинг қўллари қалтираб, лаблари титради. Кўзларига жиққа ёш тўлиб кетди, уни ҳаяжон босди. Зеби опа ҳам кўзига ёш олди. Уйда бир оз жимлик ҳукм сурди. Ҳеч ким сўзламасди. Ниҳоят, бу тинчликни Василий бузди:

— Бу менинг ўғлим бўлади. Шаҳримизга немислар бостириб кирганда, мен Қизил Армия сафида эдим. Уруш бошлангандан бери у мени кўрмаган бўлса ҳам ҳозир таниди.

— Унинг онаси қаерда? — деди Зеби опа. Василий оғир нафас олди ва бўйнига маҳкам ёпишган ўғилчасининг бошини силаб:

— Онаси мана! — дея Зухрани кўрсатди. Ҳамма жим қолди.

Фақат Жасур қувонч сўзлари билан қиқирлайди, дам Зухрага, дам Василийга талпинади...

Улар чой ичишга ўтирдилар. Василий сўз бошлади:

— Зухраҳон, сиз ҳали «Нега Ўзбекистонга келиб қолдингиз?» дедингиз-а? Мени жанговар хизматим учун бир оз дам олишга юбордилар. Вованинг қаерда эканлигини суриштириб, унинг Тошкентда эканлигини билгандим. Шундай кейин отпускани Тошкентда ўтказмоқчи бўлиб келган эдим. Балки сизнинг эрингиз ҳам ҳарбий хизматдадир?

Зухра қизариб ерга тикилди. Қизи учун Зеби опа жавоб қайтарди:

— Йўқ, ўргилай, у ҳали турмушга чиққан эмас, ўқийди. Институтни эндигина тамомлайди.

Василий Зухрага яна маъноли тикилди ва:


— Кичкина она, — деб қўйди.

Василий Зухралар уйда бир неча кун меҳмон бўлиб, ниҳоят, унинг кетиш вақти бўлди. Зухра Жасур-Вовани кўтариб, бекатга чиқди.


— Мен Ўзбекистонга тез қайтиб келаман, — деди Василий.

— Албатта, келинг! — деди Зухра.

Василий ўғлининг пешонасидан, Зухранинг қўлидан ўпиб хайрлашди.



Самад Вурғун



ЮЛДУЗЛИ БИР ДУНЁ

Сўзнинг шухрати

Қанотлан жаҳду шавқ бирлан, поёнсиз кўк сенга тордир,
Гул юзли бир саҳардирсан, кучоғингда баҳор бордир.
Сенинг ҳуснинг ҳам, ишқинг ҳам яралғандир ҳақиқатдан,
Юрак тўймас, хаёл тонмас муқаддас бир тариқатдан.
Рубобинг кўп эрур нозик... минг олам бор таронангда,
Отинг «сўздир», ўзинг инсон, минг маънолар кошонангда.
Шуурлар дарс олар ҳар он сенинг ўткир камолингдан,
Шафақлар, шуълалар сочдинг ҳаётга кун — жамолингдан.
Не маъно инкишоф этма, кўнгил яйрар бу маънодан,
Жаҳонга шухратинг кетган... дегил, сен қайси маъводан?!
Сенинг фаҳринг, камолингни замон-у қўллар чеклолмас,
Ширин ҳис, хушхабар — сенсиз: кўнгилга ҳеч қувонч солмас,
Ўзинг тўй-маърака фаҳри, тирик ҳар қалбга зийнатсан,
Амаллар, орзулар ўғли, жаҳон кез, сен фазилатсан.
Кўнгиллар мулки юртингдир... минг ошно, ҳамдаминг бордир,
Учиб толмас қанотингда учар бир оламинг бордир.
Ажаб маъноки ҳад билмас, қанотинг қоқ шу кудратда,
Камолинг инжулар сочсин, гапир ҳар ерда ҳикматдан.
Сенинг куч-қудратинг бирлан яралгай ўтли дostonлар,
Сенинг сайёр хаёлингда кезар дунёни инсонлар.
Сенинг бағрингда топмиш аҳли донишлар чироқ ишқи,
Сенинг бағрингда тин олгай сафо ишқи, фироқ ишқи.
Сенга шухрат эрур йўлдош, бу маъно ҳеч бекор бўлмас,
Ахир, гулсиз ҳаёт йўқдир саодатсиз баҳор бўлмас.
Шеър у санъат азал бошдан сенинг ҳуснингга йўғрилган,
Замоннинг сири, ғавғоси азал бағрингга муҳр урган.
Сен эй «Сўз» номли шоҳ неъмат, туганмас бир хазинанг бор,
Бошингдан минг бўрон ўтди, ўтиб давронки юз такрор.
Фақат сенсиз на гулшан, на бир япроқ кўкармишдир,

На ишқнинг лолазбидан бирор ким лола термишдир.
 Гўзаллар, турфа жонлар дудоғида гул очдинг сан,
 Кўнгиллар маст бўлиб қолди сенинг мафтункор аtringдан.
 Кишилар соз-у суҳбатга, қувонч, улфатга ҳамдамлар,
 Ёқимли, яхши бир гапдан кетар дардлар, қочар ғамлар.
 Бўёқсиз, танти, «аммосиз», тирик сўз доимо ҳақдир.
 Сўзинг ўтмасми бир ерда, буюклик шу — гапирмай тур.
 Оқиллар мажлисидан қолма ҳеч, файз ол сўз-у суҳбатдан,
 Жаҳолат даврасига кирмагил, кечгил бу улфатдан.
 Ноҳақ сўз ёндирар қалбни, фақат ҳақ сўз тешар тошни,
 Ёмон сўз қайнатар қонни, йўқотгай дўст-у сирдошни.
 Фалокатга олиб боргай риёлар ҳамда бўҳтонлар,
 Риё сўздан ҳаёт қургай ҳаёсиз, бебурд инсонлар.
 Яхши сўз, қаҳрамонлардек сенинг ўз шуҳратинг бордир,
 Отинг доҳийлар оғзида ҳужумсиз марралар олди.
 Сенинг поёни йўқ бағрингда шунча лашкаринг мўлки,
 Бутун олам кўшин тортса ололмайдир сенинг мулкинг.
 Қиличдан, найзадан кескир, замондан, ўқдан ўткирсан,
 Бугун ҳар наъшага ҳамдам, эрта дардлига етурсан.
 Ҳама қонун раъйи ҳукми ёзилган сўзда, бир хатда:
 «Адолат — хоҳишинг, жонни олсанг, ол ҳаққа ҳурматда.
 Ҳақиқат — гулдек нозиксан, фақат синмас ироданг бор.
 Камолот — бир қуёшсанки, жамолингда шафақ такрор.
 Муҳаббат — сен умр кўрки, тониш сендан жинойтдир.
 Гўзаллик — жонли бир санъат, азалдан кунга зийнатдир.
 Саодат — жилвагарсан кўп, муқаддас бир пари-пайкар.
 Ватан — номус-у виждондир, камолингдан олур сайқал.
 Ватан бағрида ўсгандир амаллар, орзулар шаксиз,
 Ватансиз, юртсиз инсонлар яшар оламда маслаксиз!»
 Бу сўзлардир менинг онтим, бу маънолар баҳоримдир,
 Бу эҳтирос, бу шеърият менинг бир лолазоримдир.

● Таржимондан ●

Кўп миллатли совет адабиётига тамал тоши қўйган ижодкорлардан бири, машҳур озарбайжон шоири Самад Вурғун ҳаёт бўлганида, саксон ёшга тўларди. Шонига бундай узоқ умр nasib этмади, у бор-йўғи элли йилга яқин яшади, холос. Аммо нисбатан шу қисқа умрда ҳам Вурғун катта ишлар қилишга улгурди: йигирматача шеърий китоби босилди, «Муғон», «Занжининг орзулари», «Лениннинг китоби», «Боқунинг достони», «Йигирма олтилар», «Комсомолнома» сингари ўнлаб дostonлар, «Воқиф», «Хонлар», «Фарҳод ва Ширин», «Инсон» каби ажойиб драматик асарлар яратди, ижоддан ташқари, ижтимоий ҳаётга фаол аралашиб, давлат арбоби даражасига кўтарилди.

Мана, қарийб ўттиз йилдирки, Самад Вурғун орамизда йўқ. Бироқ унинг асарлари ҳамон ўз маърифий хизматини ўтамоқда. Фасллар, йиллар ўтгани сари, улар янада жозибалироқ, янада замонавийроқ туюлиб, кишини ҳаяжонга солмоқда, мафтун этмоқда.

Бунинг сабаби нима?

Аввало, Самад Вурғун Октябрь инқилоби туфайли ўз эркини топган, бахтли келажакка умидланган йўқсил халқ билан бирга ўсди, вояга етди. У азамат халқнинг ҳар бир аъзи бунёдкор меҳнатидан ҳайратга тушди ва ҳайрати буюк ифтихорга айланди.

Вурғун асарларининг боқийлигига иккинчи сабаб, улар ўта халқчил, уларни озар халқи анъаналари, классик адабиётидан, халқ оғзаки ижоди ва миллий мусикадан айри ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди.

Адиб асарларига барҳаётлик берган учинчи омил эса эътиқод бутунлиги ва шу эътиқод йўлида валломатларга хос фидойилиқдир. Самад Вурғун ижодини бошдан-охир, сафарбарлик қўшиғи, десак хато бўлмайди. Улмас ижодкор ўзи яратган асарларининг деярли барчасида инсонни фаол яшашга чақиради.

Бир сўз билан айтганда, Вурғун бугунги кунда ҳам ўз асарлари билан курашларининг олдинги сафида. У, ўзи башорат қилиб айтганидек, ёруғ келажакни яратиш ишига ҳамон ҳисса қўшмоқда...

Бутун олам чечак терсин, фараҳ топсин бу гулшандан,
Замон-у коинот ҳусни, таронаси яшар манда!
Ёз, эй Вурғунки, ҳар шеърингу сатринг ёдгор бўлсин,
Мен ўлсам менинг ишқим Ватанда барқарор бўлсин.

Жайрон

Ердан оёқларинг куш каби узиб,
Эй каби солланиб, ўқ каби сузиб,
Яна ўз сурувин қаторга тизиб,
Бош олиб кетурсан қаёнга, жайрон?

Азалдан дил боғлаб сўнгсиз чўлларга,
Измингни топширдинг бизнинг қўлларга,
Бу қора кўзларинг тушди тилларга,
Тишларинг ўхшайдир маржонга, жайрон.

Бир матал меросдир ота-бободан:
«Учишда тuroж бор қочишда жайрон».
Ёлғиз мен демагил, ҳуснингга ҳайрон,
Шухратинг ёйилмиш жаҳонга, жайрон.

Сукутга фарқ бўлган юрагим билан,
Оҳ, яна ўтаман Муғон чўлидан.
Ёнида боласи, кўлмак кўлидан
Эгилиб сув ичар бир она жайрон.

Қараки, гул-баҳор минг ҳунар қурар,
Ўту ўланларни юлқиб, учирар.
Бир ерга тўпланиб, ҳамжиҳат турар —
Учраса қуюнга, бўронга жайрон.

Ўн қадам нарига кетмайди тақа —
Юради, кўзлари кўп тақа-пука.
Кўринган шарпами ёки таҳлика?
Тинчини олдирмиш гумонга, жайрон.

Овчи, инсофга кел, тушмагил издан,
Бу чўллар эркасин айирма биздан!
Бир парча юлмагил юрагимиздан —
Яна бўялмасин, қўй, қонга жайрон,
Жуда ярашибди Муғонга жайрон.

* * *

Май нашъаси йўқ жон ила жонон бўла билмас,
Севги деганинг ҳар кима майдон бўла билмас.

Дунёга тушунтир на ўзи шеър ила санъат?
Шоир эса ким, бунда пушаймон бўла билмас.

Кўнглим уйи бир гулшанга ўхшарки, азизим,
Минг боди-хазон эсса-да, вайрон бўла билмас.

Қалбинг — юрагинг оташида ёнмаса бир сўз,
Тилларда, оғизларда у дoston бўла билмас.

Кирдим қуёшим қўйнига, минг бир саҳарим бор,
Борки саҳарим, асти зимистон бўла билмас!

Юксал! Фақат инсон шарафин ерга урар ким,
Дунёда нишон қолдириб, инсон бўла билмас.

Хушбахт Ватаним, бахтли элим Вурғуниман мен,
Бундан-да гўзал, толеи даврон бўла билмас.

* * *

Ҳар чаман, ҳар боғчанинг бир булбули — шайдоси бор,
Ҳар тирик қалбнинг, азизим, сирли бир савдоси бор.


Рухи ойдин, қалби покдир, инжа бир жонон саси,
Гоҳ кулар, гоҳ йиғлатар, ҳар дамда бир маъноси бор.

Жон сўрар ҳар нағманинг маъноси ёлғиз ишқ эрур,
Кўз кўриб, қўл етмаган юлдузли бир дунёси бор.

Дарди ҳижрон кунларида умри оташда кечар,
Ҳар кўнгил карвон эрурким, суви йўқ саҳроси бор.

Шундайин овоза бор: Вурғун ўзи Мажнун эмиш,
Шеърү санъат деб аталган нозанин Лайлоси бор...

Озар тилидан **Раззоқ АБДУРАШИД** таржималари.





Шароф Жамолов

ДАЛАЛАРГА ТАЛПИНАР ҚАЛБИ

Қиличини яланғочлаб сарсари эсаётган қиш изғирини юзни ёргудек. Бир неча кундан бери чилла захмига зарба бериш ва оламга кулиб боқиш ниятида бош кўтарган қуёш атрофда нортау бўлиб чўкиб олган оппоқ қор, томларнинг бўғотига найза янглиғ осилиб турган сумалакларни эритишга қурби етмай, юзига яна парда тортиб, ёстиғига бош қўяди.

Замира ҳам Полвонтошга бориш, қадрдон далаларини айланиб келиш илинжи билан ҳар тонг уйдан чиқади. Лекин ҳавонинг тундлиги, яхлаган ердан адир томон ўрлаб юриш нечоғли қийинлигини ўйлаб, ноилож умр йўлдоши Ражабали Маматалиев ва унинг дўстлари техникани баҳорга шайлаётган колхоз марказий таъмиронасига қараб юрди. Мана бир неча кундирки, шу ҳол такрорланади. Замира ўзига, дугоналарига шуҳрат келтирган, пешона теридан олтин маконга айланган Полвонтош адирларини соғинганидан уйида ўтиролмади.

У бугун ҳам барвақт туриб уй юмушларини саранжомлаб, ўғилчаси Диёрбекни боғчага топширди-да, кўчага чиқди. Кечагига қараганда ҳаво бир нав илиган, совуқнинг захри бўшашган бўлса-да, қиш чилласи ҳукмини ўтказарди. Кўча бошида бир оз иккиланиб турган Замира олисларда оппоқ ҳарир парда ёпингандай жимирлаб турган Олой тизмаларига тикилганча, қадрдон далаларини кўз олдига келтирди. Уни кимдир чақиргандек бўлди. Орқасига ўгирилиб, Саноатхон Ҳасановага кўзи тушди.

Хаёлида қуёш чарақлаб кетгандек бўлди. Ҳар гал шу аёл билан учрашса, суҳбатини олса баҳри-дили очилади. Биргина у эмас, Қайрма қишлоғининг кексаёши Саноатхонни эъзозлашади, ўғил-қизлари турмуш қийинчиликлари олдида доврирашса, бориға қаноат қилмай, ҳавойи хаёлларга банди бўлишса, уни ибрат қилиб кўрсатишади. Саноатхон бир неча йилдан бери бригадирликни қойил қилаётгани, колхоз хотин-қизлар Совети раиси сифатида ёшларнинг ҳам, катталарнинг ҳам тақдирига аралашидан эмас, ҳаётнинг мураккаб сўқмоқларидан нурли йўлга чиққани, она, рўзғор бекаси сифатида ҳамқишлоқларига ибрат бўлгани учун ҳам ҳурматини қозонди.

Қишлоқда Саноатхоннинг номи билан боғлиқ кўп хайрли ишлар бор: аёл шаънига қора кўланка ташлаб, эрининг топганига қаноат қилиб, уй бекасига айланган келинчакларни маиший хизмат уйи, тикувчилик ва мебель фабрикалари, колхоз даласи ва чорвачилик комплексининг зарбдорларига айлантган, ўрта мактабларни битираётган қизлар қалбида пахтакорлик касбига меҳр уйғотган мана шу Саноатхон бўлади. Шу боис қизлардан бирортаси дилидагини ота-онасига тушунтиролмаса, ёш келин-куёвлар ўртасида келишмовчилик чиқиб қолса, колхоз правлениеси, партия ташкилоти унинг кўмагига таянади. Тўйларни замонавий, кам чиқим қилиб ўтказиш, меҳнат ветеранлари, бетоб бўлиб қолган кишиларни байрамларда йўқлаш, табриклаш, йигитларни ҳарбий хизматга кузатиш ва хизматни тугатиб қайтганларни кутиб олишни уюштириш ва яна қанча яхши урф-одатлар унинг номи билан боғлиқ.

Замира учун у бамисоли андоза. Кураш ва яшашда уни ўзига устоз деб билган. Бригадасида ишламаган, қўлидан етаклаб, йўлга солмаган бўлса-да, бошқа қизлар қатори Замиранинг камолотида ҳам Саноатхоннинг маънавий таъсири бор. Айниқса, Полвонтошга лангар ташлашгач, унга тез-тез маслаҳат соладиган, билмаганларини ўрганишга ҳаракат қиладиган бўлди.

Фақат чўлга янги чиққан, ҳали деҳқончилик илмидан кам хабардор бўлган чоғлари эмас, бугун — номи кўпчиликка танилиб, ўзи ёшларга ўрнак бўлаётган камолот ёшида ҳам ундан ўрганишга, маслаҳатини олишга ҳаракат қилади.

Бутун областга «ташаббускорлар», «Полвонтош маликалари» деб танилган қизлар бригадасида кейинги йилларда ишлар юришмай қолди. Ғўза кечки бўлгани етмагандек, айна ғарқ гулга кирганда ҳароратнинг кўтарилишидан дашт чунонам қизиб бердики, уч кун олдин сув оққан жўяклар қовжираб, ғўза барглари сарғиш тортиб, шона ташлаши қизларни ваҳимага туширди. Ана шунда Замира дугоналарига билдирмай Саноатхоннинг қошига маслаҳат сўраб борди.

Ёз чилласи ҳаммани чиғириқдан ўтказётган ўша кунларда бировга ёрдамлашиш, ҳолидан хабар олиш ҳам малол келади. Лекин Замиранинг ўксик билан айтган сўзларини юрак ютиб эшитган Саноатхон: «Юринг, Хошим тоғанинг ёнига борамиз, бирор иложи топилар», деб унинг руҳини кўтарди.

Хошим Худойбердиев колхознинг энг кекса ва тажрибали деҳқони. Уттиз йилдан бери бригадага бош бўлиб, ўз мактабини яратган Улуғ Ватан уруши ветерани, биргина Саноатхон Ҳасанова эмас, колхоздаги ҳамма бригадирларнинг мураббийси. Замира мактабда ўқиб юрган кезлари, колхозда оддий колхозчи бўлиб ишлаган йили мана шу Хошим тоға бригадасининг аъзоси бўлган. Полвонтошга чайла тикиб, биринчи йил чигит экиладиган ерларнинг тошини теришаётганда, колхоз раиси билан бирга бориб: «Балли қизларим, уруш йиллари ҳам қишлоғимизда фронтчи қизлар бригадаси ташкил этилиб, қирга буғдой экишганди. Сизлар «Оташ қалб қизлар бригадаси» бўлинглар», деганда Замиранинг кўнгли анча кўтарилганди.

Йўл-йўлакай Саноатхон опасига Хошим тоғанин шу гапни айтиб бериб, анча энгил торти. Қизларни далада, сувчилар олдида кутиб олган бригадир гапни чўзиб ўтирмади-да: «Қани, кетдик, қолганини ўша ерда гаплашамиз», деб машинага таклиф қилди.

Фақат Эркинбой Каримов билан Раҳматали, Эргашали Нурматовлар эмас, қизларнинг қўлида ҳам кетмон, тепада қуёш аёвсиз ўт пуркаб туришига қарамай жўякларга сув тарашяпти.

— Қиш ойларида тувакдаги гулга қанақа сув қуясан? — бригада даласини айланиб кўрган Худойбердиев Замирандан сўради.

— Совуқ сув.

— Нега илиқ сув эмас?

— Илиқ сув гулнинг илдизини лоҳас қилади, илдизидан танага ўтиб, баргларини сўлитади.

— Ақлингга балли, — деди кекса деҳқон майин жилмайиб, — ғўза-чи, илиқ сувдан лоҳас бўлмайдимиз? — Хошим тоға қўлини жўякда оқётган сувга ботирди. — Ҳарорат салқин жойда қирқдан баланд. Эрталабдан бери қуёш тиғида чатнаган тошларда-чи, олтмишга етиб қолгандир? Қара, сув қозонда илиганга ўхшайди. Ғўзага фойдасидан зарари кўпроқ.

Саноатхон: «Айта қолинг: нима қилиш керак?» дегандек Хошим тоғанинг ёнига яқинроқ борди:

— Ғўнг борми? — Замирандан сўради.

— Бор, қўйнинг қийи бор.

— Суперфосфатга аралаштириб, пушталарга ташлаб, зудлик билан чопиқ қилинглр, ҳеч гапмас, яхши бўлиб кетади, — деди ва Саноатхонга юзланди. — Эсингдами, сенда ҳам бир йили шунақа бўлганди?!

Хошим тоғани кузатиб қўйган Саноатхон қизлар ёнида қолиб, улар билан дала айланди, нималар қилиш ҳақида билганича маслаҳатлар берди.

Ҳозир, қиш чилласида беихтиёр Замиранинг эсига шу воқеа тушиб, кулиб қўйди.

— Намунча хаёл, нималарни ўйлаяпсиз?! — унга яқинлашаркан, кулиб сўради Саноатхон.

— Ҳавони кўрмайсизми, опа, уйда зерикиб кетдим. Йўллар музламадан тушса, Полвонтошни бир айланиб келиш ниятим бор эди.

— Далаларингизни соғинибсиз-да?

— Соғинмай бўладими, опа, одам туғилган уйи, келин бўлиб тушган хонадонига қанча меҳр қўйса, меҳнатидан иқбол топган далаларига ҳам шундай боғланиб қолар экан. Жуда соғиндим, ўша қор кўрпасига бурканиб ётган адирларни пойи-пиёда айлангум бор. Фақат қиш совуғи, йўл ноқулайлиги...

— Қор ҳам ғанимат, — деди Саноатхон атрофга ишора қилиб, — ер тўядиган бўлди. Совуғини айтмайсизми, зараркунандага қирон келтирадиган бўлди.

— Район кутубхонасига кетаётгандим. Боргингиз бўлса юринг, бир айланиб келасиз. — Саноатхон Замиранинг билагидан тутди.

Дарвоқе, қишки сессия ҳам яқин. Замира Тошкент Қишлоқ хўжалик институти Фарғона филиалининг иқтисод факультетида сиртдан ўқийди. Айна муддао бўлди: бориб зарур адабиётларни олиб келади. У мусобақадоши — колхознинг қирқ центнерчи бригадаси бошлиғи Саноатхон Ҳасанова билан район марказига бораркан, беихтиёр институтга кирган чоғини ўйлаб қолди. Пахтачиликни илмий

асосда ўрганиш, даладаги амалий тажрибаларини назарий билимлар билан бойитиш истаги уни ўқишга даъват этган бўлса-да, кўпроқ ота-онасининг истаги, уларга берган сўзининг устидан чиқиш масъулияти Замирахонни институтга бошлаб борганди.

Ота-она истаги... Балоғат ёшидаги ҳамма ёшларда бўлганидек, рангин орзулар унга ҳам тинчлик бермай, ўз қанотларида сирли оламга олиб чиқарди. Бугун шифокор бўлишни истаса, эртаси агрономлик касбини танлаган Замира, уч-тўрт кун ўтиб, муаллима бўлишга аҳд қиларди. Кунларнинг бирида қалбининг тубидан: «Менга қулоқ сол, сени иқбол манзилларига етказаман. Сен пахтакорлик касбини эгалла, ота-бобоси йўлидан борганлар кам бўлмайди», деган садо эшитгандек бўлди. Ўзи ҳам кўпроқ тоза ҳавода, бепоён далалар бағрида юришни хуш кўрарди. Ажаб эмас, болалик чоғидан онаси, опаларига эргшиб пахта далаларида юргани, ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадасига аъзо бўлиб, пахтакорлик шарафини қалбан ҳис этганидан шу касбга меҳри тоблангандир. Ёдида: ўрта мактабни битириш арафасида колхоз клубида кеча ўтказилди. Кечага Охунбоев номли колхознинг машҳур бригадирлари — Ҳошим ака Худойбердиев, Саноятхон Ҳасанова, Раҳимберди ака Ортиқов, Қува пахта-тозалаш заводи, мебель фабрикаси ҳамда тикувчилик фабрикаси машаллари қатнашди. Шунда дугоналаридан кўпчилиги минбарга кўтарилиб, қадрдон колхозларида қолиш, пахтакорлик касбини эгаллаш ниятлари борлигини айтишди. Замира ҳам бир чеккада қараб турмади... Кўпчилик олдида сўз берди-ю, лекин ота-она ҳурматини ўйлаб бир оз иккиланган қолди.

— Сени институтга ўқитиш, муаллима қилиш ниятимиз бор эди, — деди қизининг аҳдидан хабар топган онаси. — Агар ўзинг шуни истасанг, розимиз.

— Сизлар менга фақат яхшиликни раво кўришларингиз, бахтли бўлишимни исташларингизни биламан, — Замира онасини бағрига босганча ёлворди. — Сизларни хафа қилмоқчи эмасдим.

— Ҳамма ота-она ўғил-қизи шудли-будли, ўзидан тинишини орзу қилади. Биз ҳам...

— Майли, сизлар нима десаларингиз шу.

— Йўқ, қизим, кўпчилик олдида сўз бердингми, энди ваъдангдан қайтма. Отанг иккимиз мактабда яхши ўқишингни назарда тутиб, институтга кирсин, бизнинг оиламиздан ҳам муаллима чиқсин, деб ният қилгандик.

— Муаллима бўлиб ҳам далада ишласа бўлмайдимми?

— Нега бўлмасин, бўлади. Лекин ҳар қалай ҳар ким кўнгли туссаган ошни ичгани яхши. Дала бўлса, далада, ишлайверасан.

Онаси негадир кейинги сўзни бўшашиброқ айтди. Бир ҳафтача иккиланиб, бир тўхтамага келолмай юрган қиз ниҳоят ота-онасини хафа қилгиси келмай, ўқишга боришга қарор қилди. Лекин институтга эмас, ҳужжатларини Асакадаги педагогика билим юртига топширди. Аввалига қизнинг бемаслаҳат иш кўрмаганидан ловуллаб ёнган ота-она ҳовурларидан тушиб: «Ўзига маъқули шудир, майли, ўқийверсин», дейишди. Йўқ, у билим юртининг аудиториялари торлик қилаётганини, қалби кенг далаларга чорлаётганини тушунди.

Уша куни кечагидек эсида: 1977 йилнинг пахта йиғим-терими бошланган палла эди. Андижон-Қува автобусидан тушган Замира уйларига эмас, дугоналари Санобар, Озода, Шаҳзода, Одина ва Қаноат пахта тераётган бригада даласига қараб югурди. Уни биринчи бўлиб кўрган Қаноат бир нафасда қизларга хабар берди. Ҳаммалари Замирани ўртага олишиб, саволга кўмиб ташлашди. Қуёш ботишига ҳали икки қулоч бор эди. Дугоналаридан қайси бири тутган этакни белига боғлаб, пайкалга шўнғиган Замира атрофга тун чойшаби ёйилиб, кўкда илк юлдузлар чарақлаганда терган пахтасини хирмонга кўтариб келди. Қизлар «балоку» дегандек учма-уч тугилган этакка ишора қилишди. Замиранинг пахтаси йигирма бир кило тош босди.

— Қизлар, мен ўқишга бормайман, сизлар билан бирга ишдайман, — деди қишлоққа қайтаётганларида Замира.

— Унақа қилма, ўқишни ташлама.

— Уйдагиларинг хафа бўлиб юришади, бордингми, энди ўқи.

— Озода тўғри айтади, — деди Одина. — Бизга ҳавас қилма, ўртоқжон. Балки бирор йилдан кейин бизлар ҳам шаҳарни кўмсаб қолармиз.

Дил-дилдан айтилган бу гап Замирага киноядек туюлди. «Бу ҳали ҳамирдан патир, юракларингда таъна борлигини биламан. Ташаббусни бошлаб қўйиб, ўзинг жуфтакни ростлаб қолдинг», демоқчисанлар. Йўқ...»

* * *

Ҳар ҳафта шанба келиб, якшанба куни пешиндан кейин кетадиган Замира душанба куни ҳам шошмаётгани онанинг кўнглига ғулғула солди. Лекин сўрашга

иккиланарди. Мадамин ака хотини тортиниб айтган гапининг мағзини чақиб, қизидан сўради:

— Мактабингга нега кетмадинг?

— Дада, сиртдан ўқисам майлими?! — Замиранинг икки юзига қизиллик югурди.

Мадамин ака гапни чўзиб ўтирмади.

— Ёш эмассан, ихтиёр ўзингда. Ўқишга шавқинг бўлмаса, майли, ўқимай кўяқол.

Ана шу гапни кутган Замира эртаси Асакага бориб, ҳужжатларини олиб қайтди-да, индинига далага, дугоналари ёнига чиқиб кетди. Ўша йили пахта ҳам роса бўлган экан. Колхоз ҳам, район ҳам ноябрь ойининг ўрталаридаёқ мажбуриятни бажариб, ҳосил байрами бошланиб кетди. Теримнинг биринчи кунидан қатнашган Одина Мирзаева, Қаноат Тешабоева, Мавлуда Маматалиева, Жамила Ортиқова саккиз-ўн тоннадан, Замира олти тонна пахта терди.

— Бир гап айтсам нима дейсизлар? — деди район марказидан, ҳосил байрамидан қайтаётганларида Замира.

— Қанақа гап экан, қани, эшитайлик-чи.

— Колхозимизга Полвонтош адиридан янги ер бераётганмиш. Майли десанглар, раисга учрашсак, бизни ўша ерга юборишса. — Дугоналарининг жавобини ҳам кутмай давом этди. — Алоҳида бригада бўлиб бир ишларардик.

— Полвонтош адири қаёқда ётибди-ю, қандай ишлаймиз чўлда?

— Рост айтасан, Мавлуда, тап-тақир даштда ғўза унадими? — деди бир четда гапга қўшилмай келаётган Саодат.

— Шуни айт. Сув бўлмаса, яшайдиган жой йўқ, ёзда одам ёниб кетади-ку, у ерларда.

Дугоналарининг бири олиб, бири қўйишига мийиғида кулиб турган Замира нишонни аниқроқ олишга ҳаракат қилди:

— Мактабни битириш чоғимизда... йиғиндаги гаплар бўлакча эди-ку?! Ҳаммаси тил учида экан-да, аттанг!..

Аччиқ таъна қизларнинг ҳамиятига тегди.

— Ўзинг борасанми ё яна ташаббусни бошлаб қўйиб, бирор баҳона топасанми?

Замиранинг қулоқларигача қизариб кетди. Бир нафас гапни нимадан бошлашни билмай, каловланиб турди. Хайрият, Насиба Ҳусанова жонига аро кирди:

— Намунча ҳамманг бунга ёпишмасаларинг. Қани гапирсин, фикрини охиригача эшитайлик. Балки Замира колхоз раҳбарларидан бирортасига маслаҳат солгандир ёки улардан бирортаси бу гапни унга айтгандир.

— Маслаҳатга-ку, борганим йўқ-а, қирқ центнерчи бригадиримиз Саноатхон Ҳасанова бор-ку, ўшандан эшитдим. У колхоз правлениесининг аъзоси. Балки, правление йиғилишида шу ҳақда гап бўлгандир. Кеча колхоз бош агрономи Холиджон Аҳадов ҳам кўчада мени учратиб қолиб: «Полвонтошдан ер очяпмиз, бригада тузмоқчимиз, ўша ёққа бориш ниятинг йўқми?» деб сўраб қолдилар.

Қизлар Замиранинг гапи тагида гап борлигига ишонишиб, уйдагилари билан маслаҳатлашиб кўриш, рози бўлишса, кейин ниятларини аниқроқ айтишга ваъдалашдилар.

Полвонтош адиридан ўзлаштирилаётган ерларда бригада тузиб ишлаш истагини билдирган Замира Нуралиева бошлиқ йигирма оловқалб қиздан колхоз правлениеси, партия комитети, қолаверса, район партия комитети ва район комсомол комитети ўз ёрдамларини аяшмади. Уларнинг тошда гул ундириш ташаббусини маъқуллаб, чўлни ўзлаштириш, ўзлари учун дала шийпони қуришда ҳамма ёрдамни беришди. Тўғри, эллик гектар ернинг тошини териш, йигирма газча пастдаги ариқдан насос билан сув тортиб суғориш, тошлоқни унумдор ерга айлантириш учун гектарига 20 тоннадан маҳаллий ўғит солиб, тобига келтириш осон кўчмади. Қизлар ҳаммасига чидашди. Аввалига қизлар бригадасига биргина Эркабой Каримов сувчи ва табелчи бўлиб келган бўлса, кейинчалик Ражабали Маматалиев, Раҳматали ва Эргашали Нуралиевлар ҳам улар сафига қўшилишди. Шундай қилиб аҳил, бир мақсад йўлида қийинчиликларга матонат билан бардош берган чўлликлар коллективи қарор топди.

Колхоз бухгалтериясида Замиранинг қўлига бригаданинг ҳисоб-китоблари ёзилган қоғозни беришганида «ҳосилдорлик» деган графасидаги йигирма рақамга кўзи тушиб, бўшашиб кетди. Колхоз бўйича 36—38 центнердан, айрим бригадаларда 42—45 центнердан ҳосил олинади. Нега энди уларнинг бригадасига 20 центнерлик марра белгиланган. Ҳар центнер пахтанинг таннари 42 сўм. Бу — камситишга ўхшаб кетмайдими?!

— Янги ернинг ташвиши ҳам, харажати ҳам кўп бўлади, қизим, — деди

Замиранинг нима демоқчи эканини тушунган колхоз раиси. — Бу шунчаки режа. Қолгани ҳимматларингизга боғлиқ. Қаңча кўп ҳосил олсаларинг, биз шунчалик хурсанд бўламиз.

Раис ўшанда билиб айтибди: Бирин-кетин ташвишлар шундай кўпайдики, Замира гоҳо дугоналаридан яшириб, йиғлаб ҳам оларди. Ер нотекис, бунинг устига камқувват бўлганидан кўчатнинг текис ўсиши қийнади. Айрим ерлар қиялик бўлганидан трактор ишломасди. Таралган сув жўякни ювиб, гоҳо каламушнинг уясига тўғри келиб қоларди. Ҳаммасидан ҳам июнь ойининг охирлари, ғўза айна гулга кирганда, насосларнинг тўхтаб қолиши ўн саккиз ёшли бригадир қизни довдиратиб қўйди. Ғўза эмас, ўзи чанқаб, ичи ёнаётгандек нима қиларини билмасди, дугоналаридан кўзини олиб қочарди. Колхоз раҳбарлари бормаган, учрашмаган ташкилот қолмади. Полвонтош адирларига сув берадиган ариққа Қорадарёдан келадиган оқим тўхтаган, қўшни областнинг Ленин райони хўжаликлари бор сувни қайтариб олганидан ариқдаги заҳира сув ярим кунга ҳам етмади. Бу масалага район партия комитетининг биринчи секретари аралашиб, қизларни ташвишдан қутултирди. Уч кун деганда насослар ишга тушди. Баҳор ва ёзги ташвишларга тўлиб келган биринчи йилнинг терим мавсуми ҳам осон кўчмади. Тошлоқ, бунинг устига қиялик ерларда пахта териш машиналарини ишлатиш душвор. Бригаданинг шунча еридаги ҳосилни теришга йигирма қизнинг кучи етмаслиги турган гап эди.

Ташаббускор бригадани ўз оталиғига олган район комсомол комитети Кува шаҳридаги саноат, транспорт, маиший хизмат корхоналари комсомолларидан иборат зарбдор бригада ташкил этди. Охунбобоев номли колхоздаги 32- ва 34-ўрта мактабларнинг юқори синфларининг ўқувчилари ҳам собиқ мактабдошлари га мадаккор бўлишди...

Тоғни кўзлаган чўққига чиқар, дейишади. Замира Нуралиева бошлиқ чўлликлар ўша йили ҳосилдорликни ўттиз беш центнерга етказишди. Янги ерни ўз изнларига солиш, шундай юксак хирмон тиклаш учун кўпроқ меҳнат сарфлашга, сув ва ўғитни аямасликка тўғри келди. Бунинг устига ҳосилнинг ҳаммаси қўлда терилди. Шундай бўлгач, таннарх бирмунча қимматлашиши табиий эди. Кузда ҳисоб-китоб қилинганда, бригадада етиштирилган ҳар центнер пахтанинг таннархи қирқ бир сўмданга тўғри келди.

Биринчи йил ғўрлик ва ишнинг кўзини билмаслик оқибатида бой берилган имкониятлар кейинги йилларда ҳисобга олинди. Ер билан тиллашиш, тошлоқни унумдор, иссиқ, гоҳо сув танқислигига бардошли қилишга интилган ёшлар чигитнинг айна Полвонтош адирига мос «АН-402» навини танлаб экишди. Натижаси ҳам шунга яраша бўлди: ҳосилдорлик қирқ беш центнергача кўтарилиб, ҳар центнер пахта таннархи ўн беш сўмга арзонлашди.

Мана, энди бир пайтлар култиваторнинг тишлари дамба-дам синиб, жўякка таралган сув беш газ оқмай пуштани ювиб, сувчининг юрагини хун қиладиган ўша тошлоқ ерлар кетмон урса бўғзигача ботадиган, қайси томондан сув таралса, равон оқадиган ҳосилдор заминга айланди. Йўқ, тошлоқ адир инсон меҳридан яшариб, бойликларини унга инъом этадиган сахий макон бўлиб қолди. Бундан олти-етти йил муқаддам адирга қадам қўйган, ёз чилласида тандирдек ловуллаб, юзларини кўйдиргудек иссиғи-ю, куздаги ялама изғиринларига бардош берган ёшлар ҳам шу заминда камол топишди. Замира Нуралиева билан кетма-кет Шаҳзода Содиқова, Мавлуда Раҳимова, Санобар Мамажоновна ва Озода Мирзалиева шу ерда ишлаб, КПСС сафига аъзо бўлишди, Қишлоқ хўжалик институтига сиртдан ўқишга киришди.

...Мен Замиранинг бир саҳифа қоғозга жо бўлган таржимаи ҳолини ўқиб, «Меҳнат одамни юксакликка кўтаради» деган ҳикмат қанчалик ҳақ эканига яна бир қарра ишондим. Оддий бир теримчининг қизи Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати, Бутуниттифоқ Ленин комсомоли XIX съездининг делегати, республика комсомол Марказий Комитетининг аъзоси, район комсомол комитети бюросининг аъзоси, «Ҳурмат белгиси» ордени нишондори, КПСС XXVII съезди делегати. Бу обрў-эътиборнинг ҳаммасига Замира мана шу Полвонтош адирдаги меҳнати туфайли эришди. У худди шу ерда бригаданинг ишонган тоғи, техника жиловокори Ражабали Маматалиевдек камсуқум, меҳнаткаш, севғисига содиқ йигитнинг муҳаббатини қозонди. Шу ерда — чўл ўртасида, ўз қўллари билан яратган боғда, бахт тўйлари бўлиб ўтди.

Замиранинг Полвонтош адирларига меҳри беқиёслиги, кўрмаса туролмаслиги, қиш ойларида ҳам унинг бағрига талпинишининг боиси шундан. У ҳаёт тақозоси билан Москва ёки Тошкентга борса, институтга, сессияга чақирилса, иложи борича тезроқ қайтишга, бир-биридан сулув, бир-биридан меҳнаткаш, бир-биридан дилкаш дугоналарининг дийдорини кўришга ошиқади.

Ун биринчи беш йилликнинг яқунловчи йили қишининг бирдан қаҳрга олиши; далаларни босган оппоқ қорнинг бир ойдан бери қилт этмай туриши, Полвонтошга

олиб борадиган йўлнинг ойнадек музлаб қолгани Замиранинг манзилини узоқ қилиб қўйди. Қани энди иложи бўлса-ю, қанот чиқариб ўша томон учса, кузда ағдариб ҳайдалган, бугун қор остида қиш уйқусини олаётган қадрдон далаларини қадам-бақадам айланиб, меҳрига қонса, хумордан чиқса. У Полвонтошни, шоншухрат шохсупаси бўлган далаларини жуда ҳам соғинган. Шу боис ҳар куни тонгни орзиқиб кутади. Қўёш ёстиғидан бош кўтариб, уфқда оловини ёқмоқчи бўлганида Замира қишлоқ кўчасига чиқиб, адирга боришни чамалаб кўради. Бугун ҳам шундай ният билан кўчага отланиб, қорни ғарч-ғурч босиб анча юрди, гузар бошига келганида Саноатхон Ҳасанова билан учрашди. Икки ҳамқишлоқ, икки пахтакор, бир-бирига муносиб мусобақадорлар район марказига кириб боришаркан, Замира Олой чўққилари, қор ярақлаб кўринаётган Полвонтош адирлари томон қараб-қараб кўярди. Қалбида эса: «Қиш тезроқ ўтиб, баҳор кела қолсайди, далаларни жуда ҳам соғиндим», деган туйғу чаппар уради.

Замира кутган кунлар келди — эрувчанлик бошланиб, Полвонтошга йўл очилди. Бригадир билан изма-из адирга етиб борган Мавлуда Маматалиева, Қаноат Тешабоева дала шийпонини жиҳозлашга уннашса, Ражабали билан Эргашали ўтган йили оғзилари мевасига теккан ниҳолларга шакл беришарди. Саноатхон айтганидек, қор кўрпасида уйқуга қонган ерлар бамисоли кўпчиган хамирга ўхшарди. Кузда шудгор олдидан ўғитга тўйгани, ҳар йилгига қараганда беш-саккиз сантиметр чуқур ҳайдалганидан тупроғи майинлашиб, тошлар сийраклашиб қолганди.

— Бошқармадан янги навни тавсия қилишяпти, оқпалакка чидамли, эртапишар эмиш, — деди Полвонтошга келган колхоз бош агрономи Холиджон Аҳадов. Замиранинг қошлари чимирилди. Агроном билдики, таклиф бригадирга маъқул тушмади.

— Эсингиздами, «АН-402» тавсия қилинганида ҳам одамлар орқага тисланишганди. Балки «оқ олтин» нави бунисидан ҳам яхшидир?

— Бўлса бордир, — Замира кафтидаги тупроқни сочиб, агрономга юзланди. — Сизга ўргатиш — ўзингиз билган кўшиқни чала-чулпа такрорлашдек гап. Лекин бошқармадагилар нимани айтишса қутаверасизми? Балки уларга ҳам юқориорқадан тавсия қилишгандир. Мен олимларимизни камситмоқчи, меҳнатларини ерга урмоқчи эмасман. Лекин «мен сендан камми?» дегандек навнинг турини кўпайтириб, деҳқоннинг бошини гангитиб қўйишяпти. Колхоздагина эмас, ҳатто битта бригаданинг ўзида икки-уч хил нав чигити экилган жойлар бор. Агротехникасидаги қийинчиликлар, толасининг узун-қисқалигидаги фарқ бир сари, терим чоғидаги азоби эса бир сари. Бунақада навлар аралашиб кетиб, бошимиз гангиб қолади. Шунча меҳнат қилиб, пахтакорнинг таъна-дашномига қолишаётгани етар.

Бригадирнинг гапини бошқалар ҳам маъқуллашди.

— Майли, олимларимиз изланишаверсин, — деди Замира. — Лекин деҳқонни ҳам ўйлашсин. Нега энди шунча йиллар оқпалакка чидаган «Ф-108» ва «Тошкент» навларини такомиллаштириш ўрнига бирининг толаси калта, бирининг чигити пуч, яна бирининг ғози тарози босмайдиган навларни дурустроқ ўзлаштирмай районлаштиришга шошишади.

— Бу йил пахта йили бўладиган кўринади, — деди атай агроном билан бригадир ўртасидаги гапни юмшатиш ниятида Ражабали Маматалиев. — Келинг, янги нав деб бошимизни оғритманг. Ўша, ўзимизнинг синовдан ўтган «АН-402» дан экаверайлик.

Раҳматулла айтганидек, беш йилликнинг сўнги йили биргина Қува районидаги Охунбобоев номли колхоз ёки Нуралиева бошлиқ бригада эмас, балки Фарғона водийси учун ҳам пахта йили бўлди. Қиш чўзилиб, баҳор кечиккан бўлсада, ёзи билан кузи ҳаммасининг ҳиссасини чиқарди. Лекин бу — ҳамма ҳам ҳордиқдан чиқди, ишлаган-ишламаган чамадаги ҳосилни йиғиштириб олди, дегани эмас. Деҳқонларда «Сендан ҳаракат, мендан баракат» деган гап бор. Хуллас, пешонани терлатиб меҳнат қилган, ғўза кун санашини унутмаган деҳқоннинг юзи ёруғ бўлди.

Халқда «оз-оз ўрганиб доно бўлур», деган ҳикмат бор. Замира бошлиқ чўлликлар кўзлари пишиб, деҳқончилик ҳадисини олишгани сайин қадамни дадил ташлашиб, забт этилмаган чўққиларни кўзламоқдалар.

— Агар шу ғайратлари бўлса, улар билан беллашишни ўйлаб кўришга тўғри келади, — деди Замира ва Саноатхоннинг устози Ҳошим Худойбердиев. — Бу ёшлар деҳқончиликда тажриба билан илмни уйғунлаштириб, биз, кекса авлодни лол қолдиришди. Уларнинг биз, тажрибакорлардан донолиги ҳам, ишнинг кўзини билишлари ҳам ана шу илм туфайли.

Ўттиз йил бригадирлик қилиб, Республикада хизмат кўрсатган пахтакор унвонига сазовор бўлган деҳқоннинг ўз шогирдига оққунгиллик ва тантилик билан ана шундай тан бериши Замиранинг камолоти, адирдаги қутлуғ қадамига берилган муносиб баҳо эмасми?!



Исикава Такубоку

* * *
Шарқий уммон сувлари ювган
Оролнинг оқ қумли
Қирғоғи аро
Митти қисқичбақа билан ўйнайман,
Сидирмасдан кўзёшларимни.

* * *
Аскарлар саф тортиб ўтишди.
Мен узоқ термилдим.
Улар ортидан.
Наҳот!
Қайғу кўринмасди улар юзида.

* * *
Улкан денгиз қаршисида
Турибман ёлғиз.—
Неча кунки,
Мен уйимдан чиқиб кетаман
Томоғимга тиқилса йиғи.

* * *
Бир гўша топсам,
Тонгларни қувониб
Кутиш мумкин бўлган бир гўша.
Уйимни ўйласам,
Юрагим титрар.

* * *
Улкан дарахт танасига
Қулоғим босиб,
Жуда узоқ
Сидирдим
Тошдек пўстлоғини.

* * *
Мен ҳуштак чалардим,
Тушларимда ҳам.
Ҳуштак
Менинг қўшиғим эди,
Ўн беш ёшимда.

* * *
«Шуни деб,
Жон бермоқ?»
«Шуни деб,
Яшаш?»
Етар, тугат, тугат бу баҳсни.

* * *
Улкан тоғдан
Узилган тошдек,
Қулаб
Тушдим
Бугунги кунга.

* * *
Бўм-бўш уйга кирдим
Чека бошладим —
Ёлғиз
Қолмоқликни
Истардим жуда.

* * *
Синфимизда дангаса деб
Ном чиқарганди —
Бугун ҳаммамиздан
Кўпроқ
Тер тўкади у.

* * *
Қотиб қолди қўлимда қошиқ.
Мен ногоҳ ўйлардим:
«Ниҳоят,
Ўрганиб қолдим-ку мен ҳам
Оламга ҳукмрон қоидаларга».

* * *
Бу кунлар
Қари онам
Қишлоқни кўп эслайди.
Яқинлашди
Ёмғирли, зах куз.

* * *
Қадрдон қишлоғим
Болаларини
Кўриб қолсам мусофирликда,
Қувончимни енгадиган ғам
Топилмайди дунёда.

* * *
У билан дўст бўлмаганман,
У золим миршаб ўғли билан
Уйнамаганман.
Бугун эса
Уни қўмсаб эслайман.

* * *
Қайғу,
Олтин каби,
Юрагимда ёниб туради.
У эскирмас
Ва кетмас ташлаб.

* * *
«Уни ким ўқиса
Қайғуни англар?» —

У шундай деб,
Қитобни оловга ташлади.
Доно одам, яхши иш қилдинг!

* * *
Секин-секин
Сочилар ёмғир.
Тиқиламан
Тош йўлакларга.
Қуриб қолар кўзимдаги ёш.

* * *
Гўё қачонлардир
Бешикда ётиб
Тушларимда
Кўрганман уни.
У менга шундай азиз.

* * *
Куз осмони
Шишадай тиник.
Бирор шарпа кўрмайсан унда.
Нақадар сен ёлғизсан, осмон,
Ҳеч бўлмаса қарға учиб ўтсайди.

Япон шеърляти жаҳон адабиёти хазинасининг дурдоналаридан биридир. Бу шеърят ёғиб турган ёмғирга, тиниқ осмон сокинлигига, сунбула нафасига, баҳорнинг илк майсасига, япроқдаги шабнамга, ибтидоий одам қояга чизган расмларга оҳангдош. Япон шеъри (хайку, танка) шоир кайфияти замирида қурилади. Уқувчи мана шу кайфиятга чулганмай туриб, шеърнинг қудратини, сеҳрини сезиши қийин. Бу шеърларни мутолаа қилиш учун тасавурни ишга солиш лозим. Бор-йўғи уч ёки беш сатрга қурилган шеър замирига жуда кўп воқеалар, таассуротлар яширинади. Масалан, Токараи Кикакунинг қуйидаги хайку-сига назар ташлайлик:

**Ухлаб ётар хизматкор тонгда
Кўмилиб гул япроқларига —
Мен уни кечирдим.**

Шоир хизматкор ухлаб қолганидан хурсанд. Ахир, у ҳали тўкилган гул япроқлари супуриб олишга улгурилмаган боғни тўйиб томоша қилиш бахтига эга. Шарҳчилардан бири бу шеърдаги ҳолатга бўлган олти муносабатни белгилашга уринади: «1. Хизматкор ухлаб қолибди. Нима деган гап бу?! 2. Қара, сакура гуллари тўкилмоқда. 3. Наҳотки, бу гўзалликдан лаззат олмай ухлаш мумкин бўлса. Уни тезроқ уйғотиш керак. 4. Яхшиси уйғотмайман, уйғотсам ухлаб қолгани учун кечирим сураб, тура солиб боғни супура бошлайди. 5. Қўйинг, ухлайверсин. 6. Балки у менинг бу ўйларимни олдиндан билга-

ни учун ҳам бемалол ухлаб ётгандир? Мен унинг уддабуронлигини билмаган эканман!» Ахир, бу учлик ҳикоя эмасми?

Туғилганига 100 йил тўлиши муносабати билан журналхонларга тақдим этилаётган Исикава Такубокунинг шеърларини ўқиш учун юқоридаги мисолни келтирдим. Шеърят сирини англаш, уни англашга уриниш дунёдаги энг ёқимли лаззатлардандир.

Японияда Такубокуни жуда севишади. Мамлакатда шоир шеърларига қўйилган юзлаб ёдгорликлар мавжуд.

Шоирнинг «Интилиш» деб аталган илк китоби япон шеърлятига янги овоз, кучли шахс кириб келганидан дарак берди. Иккинчи тўплами — «Бир кафт кум» эса япон шеърлятининг гултожи бўлди. Анъанавий танканинг мавзу доирасини кенгайтирган Такубоку ўз шеърлий битикларида инсон ҳаётининг буюк манзараларини яратди. Бу манзаралар баъзан оний кайфият билан чегараланса-да, уларнинг замирида бутун бир инсон умрининг ҳасратлари, ҳайратлари ётади.

Оғир касаллик шоир умрини эрта хазон қилди. У йигирма етти ёшида вафот этди. Унинг қабртошига дўстлари томонидан ушбу сатрлар битилган:

**Ҳар дақиқа тайёрман
Ўз ўрнимдан туришга
Ва ёв билан курашга.**

Таржимон

* * *
Чирилдоқлар чириллайди ўтлар ичида.
Йўл четида, тошнинг устида
Ёлғиз, ўтирганимча,
Гоҳ кулиб, гоҳ йиғлаб
Ўз-ўзимга сўз уқтираман.

* * *
Титраб ухлар,
Енгил
Баҳор уйқуси билан,
Қорачигим эркалаган
Биринчи майса.

* * *
Отамнинг феъли
Тез эди жуда.
Неча йилки, жаҳли чиқмайди.
«Ҳеч бўлмаса жаҳли чиқса»,
Дея ўйлайман.

* * *
Ярим тунда
Бекатга бир одам келди,
Ўриндиққа ўтирди
Кейин бирдан сакраб туриб, чопиб кетди...
Бошланг эди у.

* * *
Ухлаётиб
Юрагимни қийнадим роса.

У ҳамон ишонар:
«Эртага албатта яхши кунлар келар»
Эртага, албатта...»

* * *
Қизчам ишонади,
Мен нима ёзсам,
Барчаси
Албатта,
Босилиб чиқар.

* * *
«Энди мен
Қалбингни англадим, болам!»
Деди менга онам.
У тушимга кириб келди-ю
Йиғлаб-йиғлаб кейин тарк этди.

* * *
Нималар келди ўйига?!
Қўғирчоғин
Бир четга қўйиб,
Қизчам ўтириб
Олди ёнимга.

* * *
Қизчамни уришдим.
Ухлаб қолди
Кўзёшлари қуримасдан
Оғзини ярим очиб.
Унинг ёноқларин секин силадим.
Хуршид ДАВРОН таржималари.

QWERTY TYUIOP

1. Биринги асарингизнинг эвлон қилиниши тарихини гапириб берсангиз.
2. Ёбвосита ёзиш жараёни Сизда қай тарихқа кезади? Ўжодда „туртки“ деган тушунга бор. Масалай, Лев Толстой синиб ётган бутакўзни кўриши билан қалбда, шуқрида тўсатдан „чакмоқ чаккану“ сизу биз яқши билдиган „Хожимурод“ деган аждойиб асарини ёзган экан. Сизнинг тажрибангизда ҳам шундай ҳолатлар бўлганми? Қайси асарингизда?
3. Қайси асарингиз ўзингиз узун айниқса қадрли? Қайси биридан кўнглингиз тўлмаган?
4. Ўжодда кимни устоз деб биласиз?
5. Ёзувчининг актив фразедалик позицияси деганда нималарни тушунасиз?
6. Ҳаётингиздаги энг бахтли дамлар қайсию энг бахтсиз кун қайси?
7. Ўқяётган асарларингизнинг қайси камчилиги Сизни айниқса таъибшига солади? Ўз ўжодингизда ҳам камчилик сезасизми?
8. Инсондаги қайси фазилатларни қадрлайсиз? Қандай қусурларни ёмон кўрасиз?
9. Ёзавзи жасурналхонлар „Фалон китобнинг фалон қажрамони ҳаётда борми ёки уни ёзувчи узидан тўқиб чиқарганми?“ деб сўрашади. Ҳаёт ҳақиқатининг вадий ҳақиқатга айланганини ўз ўжодингиздаги айрим мисаллар билан айтиб берсангиз.
10. Танқидга муносабатингиз? Ўзингиз танқидга бўлсангиз нима қилардингиз?
11. Ҳозир қандай асар устида ишляпсиз?

Ушбу сонда анкета саволларига Пиримқул ҚОДИРОВ, Яйра САЪДУЛЛАЕВА, Саъдулла СИЕЕВ, Эркин АЪЗАМОВ жавоб беради.

Пиримқул Қодиров

Қўйилган саволларга битта ялли жавоб бермоқчиман. «Студентлар» деган биринчи китобим чиққанда ўзим ҳам студент эдим. Унинг юпқа ҳаворанг муқоваси ёшлик осмонининг мусоффо рамзидек ҳамон кўз олдимда туради. Бу китобча ўзи ўртачароқ бир ҳикоядан иборат эди. Лекин шу ҳикоя ҳақида «Шарқ юлдузи» журналида алоҳида бир тақриз чиққани, ижобий баҳолар билан бирга анчагина танқидий мулоҳазалар айтилгани ёдимда бор.

Биз энди тетапоя бўлиб адабиёт даргоҳига қадам қўйган пайтлар урушдан кейинги йилларга тўғри келган, ҳамма соҳалар, шу жумладан, ижод жабҳалари ҳам ёш кадрларга ниҳоятда чанқоқ эди. Бир чеккаси шунинг учун «Йилт» этган нарса дарров эл оғзига тушган катта-катта ёзувчиларнинг эътиборини тортар эди. Мен ўн беш ёшимдан шеър машқ қилиб юрар эдим. 1948 йилда бўлса керак, «Ёш ленинчи» газетасида Асқад Мухтор тавсияси билан иккита шеърининг қайси бир сатрлари Шайхзода домлага маъқул бўлган экан. Домла ёзувчилар союзида ёшлар ижоди ҳақида доклад қилганларида бизни ҳам умидли ёш ижодкорлар қаторида тилга олиб ўтибдилар. Мен буни газета ахборотида ўқиб билдим.

1949 йилда «Овозимиз» деган тўпламда «Тўқувчилар номзоди» деган илк очерким босилди. Шу оддий очеркка катта шоира Зулфия опанинг назарлари тушибди. Студент ўртоқларимдан бири «Сизни нашриётга қақришяпти, Зулфия опанинг ҳузурига борар экансиз» деб қолишди. У пайтда университет билан нашриётнинг ораси яқин эди. Катта танаффус пайтида нашриётга бордим. Зулфия опа муҳаррирлар хонасида ишлаб ўтирган эканлар. Ҳалиги очерк ҳақида илқ гаплар айтиб, мени ижод билан жиддий шугулланишга ундадилар. Ундан олдинроқ Абдулла Қаҳҳор домла билан ҳам учрашиб, ижодий ишга рағбатни оширадиган ажойиб гаплар эшитган эдим.

Адабий муҳитнинг ёш ижодкорга гамхўрона муносабатини кўрсатадиган яна бир воқеани айтиб ўтмоқчиман, чунки биз устоз ёзувчилардан қандай яхшилик кўрганимизни ёдда тутишимиз керак.

Бешинчи курсда ўқиб юрган йилим «Студентлар» номли китобчам ва илк ҳикояларим университет комсомол ташкилоти ва ёзувчилар союзининг ёшлар билан ишлаш комиссияси ҳамкорлигида муҳокама қилинди. Уша муҳокамага 1951 йилда Ўзбекистон ёзувчилар союзининг раиси бўлган Уйғун ака ҳам қатнашиб, кўнгилни кўтарадиган гаплар айтган, яхши тилаклар билдирган эди. Уша йили ёзда республика ёш ёзувчиларининг кенгаши мени яна бир неча ёш ижодкорлар қаторида ёзувчилар сафига киришга тавсия этди.

Мутахасссслигим тарихчи-шарқшунос эди. Махсус адабий билим олиш учун Москвага аспирантурага ўқишга кетдим. Москвада яшаган йилларим катта маънавий бурилишлар даврига тўғри келди. Уша давр руҳини баҳоли қудрат ифода этишга интилиб, 1955 йилдан «Уч илдиэ»ни ёзишга киришдим.

Унгача «Ҳикоялар» деган тўпламим, «Бешйилликлар фарзанди» деган китобчам босилиб чиққан эди.

Москвада юрган йилларимда илк китобчаларимдаги камчиликлар кўзимга яққолроқ кўринди. Мендаги ёшлик тажрибасизлиги устига эллигинчи йилларнинг бошларидаги «конфликтсизлик назария»си ва бошқа салбий ҳодисаларнинг таъсири кўшилиб, илк ҳикоя ва очеркларим саёз ёзилган эди. Шунинг учун уларнинг ҳеч бирини кейин чиққан тўпламларимга киритганим йўқ. Шеърый машқлар қилиб юргандаги юзаки тушунчаларимни «Уч илдиэ»даги Очил Самадовнинг образида умумлаштириб беришга интилганман.

1951 йилда ёзувчилар сафига кириш учун берилган тавсиядан ҳам тўрт-беш йил фойдаланолмай юрдим. Фақат 1956 йилда адабий билимим бир қадар ошиб, оқ-қорани дурустроқ танийдиган бўлганимда ёзувчилар союзи аъзолигига кириш учун ариза беришга журъат этдим.

Ҳаётда одам ўз ҳаққи учун курашиб яшайди. Ҳаққини танимайдиган одам — нодон, бўшбаёв бўлади. Бундайларни «Э, сен қачон ўз ҳаққингни айириб оладиган одам бўласан!» деб койишади.

Айниқса, ижодда мен учун энг муҳим туйғу — ҳақлик туйғусидир. Ҳақиқат, адолат ҳиссининг ўзагида ҳам ҳақлик туйғуси туриши керак. Катта асар ёзганда, муҳим ҳаётий муаммолар кўтарилганда ёзувчи ўз имони ва эътиқоди олдидан ўзининг ҳақлигига астойдил ишонсагина унда ижодий журъат пайдо бўлади. Бу ишонч қанчалик кучли бўлса, ижод жараёнидаги журъат ва ғайрат шунчалик ортади.

Албатта, ёзувчидаги ҳақлик туйғуси у яшаётган жамиятдаги энг илғор инсонпарварлик ва адолатпарварлик ҳисларига қўшилиб бориши керак ва халқдаги ҳақлик туйғусига зарбланиб кўпайиши керак. Ушандагина бу туйғу туганмас бир қудратга айланади.

«Бўйинида айби бор одамнинг тиззаси қалтирайди» деган гап бежиз эмас. Ёзувчида маънавий поклик ва виждоний ҳақлик етарли бўлмаса катта ижодий юк кўтарганда тиззаси қалтираб қолади. Бу юкни кўзлаган юксаклигига етказиб боролмайди. Ёзувчининг актив граждандлик позицияси ҳам унинг маънавий ҳақлигига боғлиқ. Шахсан мен ҳақлик туйғуси

етишмаган пайтда ёзолмай қоламан, ишим юришмай безрайиб тураверади. Шунинг учун ёзиш жараёнидаги бутун ҳаракатим — халқимиздан ҳам, жамиятимиздан ҳам, замонадан ҳам, тарихдан ҳам ҳақиқат зарраларини излаб топишга ва шуларни дилга йиғиб, ҳақлик туйғусини кучайтиришга қаратилади.

Шу сабабдан бўлса керак, атрофимдаги одамлардан ҳам доим некбинлик излайман, инсондаги фазилатларнинг ҳаммаси менга қадрли туюлади. Чунки чин фазилатлар худди табиат гўзалликлари каби тансиқ бўлади. Айниқса, ҳалоллик, мардлик, тантлики, беғараз яхшилик, сўзга содқлиқ... Қайси бирини айтасиз!.. Менинг болагим тоғлиқ қишлоқда, арчазорлар орасида ўтган. Ҳозир шаҳарда юксак инсоний фазилатларни худди тоғ ҳавосини соғингандай соғиниб, кўмсаб яшайман.

Қусурлар орасида жуда жонга теккани — сўз бошқа-ю, иш бошқа бўлиши, манфаатпарастлик ва бахиллик. Бу қусурларга қарши нафрат билдирмаган одам йўқ. Лекин улар яна қаёқдандир пайдо бўлади. Хусусан, ҳасад — бор бўлса кўролмайдди, йўқ бўлса беролмайди, яхши нарсаларни ёмонга чиқариш йўли билан ўзидаги нурсизликка, исқиртликка таскин излайди, лекин охир оқибатда бахилнинг боғи кўкармайди. Бунӣ тарих ҳам, ҳаёт ҳам минг марта исбот қилган.

Ундан кўра яхши нарсага ҳавас қилиш осонроқ эмасми! Ҳавас — жуда серҳосил туйғу. Орзулар ҳам ҳавас боғида етиладиган мевалардир. Ҳавас одамни яхши нарсадан ибрат олишга ундайди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, китобхонларнинг яхши адабий қаҳрамонларига ҳавас билан қараши кишини жуда қувонтиради. Тўғри, қаҳрамонни ҳаётдаги одамлардан айнан кўчириб ёзилган фотографияга тенглаштириш хато. Бу борада жўнроқ фикр юритувчи китобхонларнинг савиясини кўтаришга биз ҳам ҳисса қўшишимиз керак.

Лекин адабий асарни қайта-қайта синчиклаб ўқийдиган, ундан астойдил завқ оладиган ва фикрини холисанилло айтадиган билими теран, савияси баланд китобхонлар ҳам оз эмас. Биз ўз навбатиимизда уларга ҳавас қилишимиз ва улардан ибрат олишимиз керак. Ахир китоблар, аввало, китобхонлар учун ёзилади!

Агар мен адабий танқидчи бўлсам, савияси баланд китобхонларнинг фикр-мулоҳазаларини, таассуротлари ва талабларини доим диққат марказида тутган бўлардим. Чунки кўпчилик китобхонлар ёзувчиларни шахсан билмайди, фақат уларнинг меҳнатига, асарига қараб баҳо беради. Адабий муҳитда эса, асарга эмас, авторга қараб баҳо бериш ҳоллари учраб туради. Бир чеккаси шунинг учун адабий асарларнинг нуқсонлари ҳам, фазилатлари ҳам китобхонларга четдан аниқроқ кўринади. Мен аминманки, адабиёт тўғрисидаги ҳақиқат зарралари китобхонлар орасида кўпроқ учрайди. Биз ўша зарраларни йиғиб ололсак муродга тезроқ етган бўлардик.

Энди ижодий режаларга келсак, беш-олти йилдан бери тарихий материаллар ичида юриб, замонавий мавзуда асар ёзишни соғиниб қолдим. «Авлодлар довони» поёнига етгач, аввалги замонавий нарсаларимни мантиқан давом эттирадиган янги бир асарга киришмоқчиман.

Яйра Саъдуллаева

1. Бувижонимизни севиб «ойи» дердик. Ўзлари ҳам шунақанги юмшоқ, шунақанги содда эдиларки, эсласам, юрагим ёришиб кетади... Тор кўчамиздан катта кўча бемалол кўринарди. Бурунгидан қолган икки табақали темир ҳалқали дарвозамиз кундуз кунлари очик турар, ундан йўлакка, сўнг кичик эшик орқали ҳовлига кириларди. Совет ҳукумати эндигина оёққа туриб, қаддини ростлаб олаётган пайтлар экан. Ойим нима бўлибди-ю, дарвозадан катта кўчага мўралаб қолибдилар. Қарасалар, устига лиқ тўла қоп ортилган юк машинаси ўтиб кетаётганимиш. Ойим кўларига ишонмабдилар. Шошганларидан қоқиласуқила ичкарига кириб, амакимларга:

— Ҳабиб, Ҳабиб (Ҳабибулла — Ёдгор ва Ҳайрулла Саъдиевларнинг отаси), ҳукумат ўлмас экан, унинг бир машина қопи бор экан, — дебдилар суюниб.

Шу гап ҳали-ҳали енгил бир қулғу ва ҳузур билан эсланади. Шу содда ва беғубор ойижоним бўлганларида-ю, мабодо балетни кўрганларида нима бўларди, деб хаёлимга келди-ю... Балетга борган кампирни — «Қалайсиз, кампир»ни битдим. Узимча. Чиқшига ишониб-ишонмай. Ийманибгина «Муштум»га олиб келдим. Устоз Мирмуҳсин

ака «Чиқсин» деб қўл қўйиб юборган эканлар, чиқди. Шу-шу онда-сонда бўлса-да, «Муштум» бобомга учрашиб тураман. «Кампирлардан бўлса, олиб келавер» деб ўзлари ҳам йўқлаб қўядилар.

2. Мана бундай жараёнда ёздим, дейиш менга унча ярашмайди. Тажриба алмашув тарзида бу ҳақда катта ижодкорлар айтса, кўпроқ фойдалидир. Лекин... Уқувчи қўлига борган нарсаларимнинг деярли кўпчилиги дилимга таъсир этган, кўнглимни юмшатиб ё қувнатиб, ё дардга солиб ўтган воқеа ёки ҳаётий нуқталарнинг акс-садосидир. Менимча, ижодда туртки — бу бир сабаб. Аслида сенинг одамларга айтмоқчи бўлган дардинг, фикринг етилиб қолган, йиғилиб қолган. Айтишинг шартга ўхшайди.

3. «Инсон қадри»ни қўлимга олсам, одамлар олдидаги бурчимни бир оз ўтагандек бўламан. Кўнгил тўлмаслик... Умуман, ўзим-ўзимдан ризога ўхшамайман. Майда-чуйдалар билан ўтиб кетган кўнларимни эсласам, юрагим ғаш бўлади. «Ҳар мақомга йўргаламай» дурустроқ ёзиш керак эди-да, деб ўзимни-ўзим койиб кетаман баъзан.

4. Устозни сен эмас, ҳаётнинг ўзи танлаб бераркан. Саид Аҳмад ака гарчанд «Мана

буни бундоқ ёзибсиз, мана бунингиз бўлмапти-да» деб бирон марта ҳам айтмаган бўлсалар-да, уларни устозим деб биламан. Уларнинг кулгига бой ҳажвийётлари мени доим йўлга чорлайди. Яна, қолаверса, жуда кўп йиллар талабчан ва нозиктаъб Зулфия опамизнинг муҳаррирлик мактабида сабоқ олдим.

5. Ижодкор давр олдида жавобгар, эл-юрт олдида масъулятли шахс. Унга бефарқлик, лоқайдлик, «бўлса-бўлар»чилик муносиб эмас. Ёзувчининг гражданлик позицияси — унинг ижтимоий масалаларга оқилона ва тиниқ (шундай дея олишим мумкин бўлса) муносабати. Ҳалол сўз ва иш бирлиги-гражданлик позициясининг бош нуқтаси.

Турли жойларга бориб, учрашувларда шеърхонлик ва ваъзхонлик қилиб, зиёфатни еб кетиш — ҳали бу ижодкор бурчини ўташ эмас. Тантаналар яхши, аммо ҳар бир тантана ҳам ҳақиқий аҳволи — «парда ортидаги» ҳаётни тўла акс эттиривермайди. Ижодкор борган жойда ўша ер юрагининг уришини сезса, у ердаги ҳолатни ҳис қила олса... Диллимдагини очсам... Терим даврида яп-янги этакни омонатгина боғлаб беўхшовгина эгилиб, чаноқдаги пахтага ночор қўл узатаётган ижодкор телевизор экранида кўриниб, ғашим келади. Бари бир бир-икки кило теришдан нарига ўтмайсиз-ку, нима қиласиз суратга тушиб, ўзингизни кўз-кўз қилиб, дегим келади уларга.

6. Бахт — нисбий нарса. Ўзимга келсак. Яқинда Индира Гандининг бундан бир неча йил илгари «Индиа трудэй» журналида босилиб чиққан суҳбатини ўқиб қолдим. Билмадим, аёллар қалби бир-бирига ҳамоҳанг бўладими? Унда шундай сатрлар бор: «...Ўғлим туғилганда, дунёда ўзимни энг мамнун одам ҳис этдим. Еруғ дунёга келиб, мен ҳам ўз бурчимни адо этдим-ку, дедим»: Энг бахтсиз кун... Ният қиламан, бундай кун сира-сира бўлмасин.

7. Мени кичкинтойлар адабиёти ташвишга соляпти. Борлиғича. Айниқса, проза оқсаяпти. Одоб, ахлоқ, умуман тарбияга оид кичик ҳикоялар ёзилапти-ю, аммо ижтимоий воқеаларни, катта ҳаётни тушунтириб берадиган асарлар яратилаётгани йўқ. Кичкинтойларга намуна бўла оладиган, уларнинг ҳақиқий дўстига айланган жажжи бола образи керак. Ёшларимизнинг «тиши» ўтмаяптими, устозларимизнинг вақтлари етмаяптими, хуллас, бу аҳволдан ташвишланасан киши.

Тил ҳақида. Тилимиздаги бойликни асраб қолиш керак. Нимасини яшираимиз. Сўзлари-

дан бол томган, тил хазинаси бўлган, «онанг ўргулсин», «отанг айлангур» деб гапирадиган росмана кексаларимиз ҳаётдан кетиб бориш-япти. Ҳозирги олтмиш-етмишга кирган чолкампиралини, бува ё буви десангиз орлари келади. Соқол-мўйловни қиртишлаб ё пошнали туфли кийиб, соини причёска қилгандан кейин муомала ҳам ўшанга яраша бўлади-да. Демокчиманки, «бурунги» чолкампиралининг тилларини, сўзларини гавҳар билиб, асраб қолишимиз керак. Агар улар билан гаплашсанг, манаман деган ёзувчи топа олмайдиган иборалар чиқадики, запасга олиб қўйгину керагида ишлатавер.

Ўзимда... баъзан сентиментал ҳолатларни тасвирлаш.

8. Камсуханликни. Боши осмонда бўлса ҳам ўзини ерда тутган одамларни қадрлайман. Ўзи ҳақ бўлса-ю, мағлуб бўлса, ундайларни аяб-аяб кетаман. Ёмон кўраман ғаламис одамни. Кейин... уйда ўтирволиб, жамиятга сариқ чақалик фойдаси тегмай, фақат эрининг орқасидан гердайиб юрадиган аёлларни.

9. Яхши қайноналар ҳақида битганимда доим онажоним фазилатларидан келиб чиққанман. Болаларга тақдим этганим «Тиркашвой» маҳалламиздаги шўх ва қувноқ болаларнинг йиғма образи. Дарвоқе, баъзи ҳажвияларим чиққанда, балога қолганман. Биттаси йўлда тутволиб, нега хотинимни ёздиган деб, сал қолган урворшига. «Оқшом»да «Қора мушук» чиққанда, келинлар қолиб, эрақлар кўзғолон кўтаришган.

10. Танқидга муносабатимми? Очиғини айтмайми, танқидчиларнинг назарига тушмаганман. Бундан севинайми, хафа бўлайми, ўзим ҳам билмайман. Мабодо танқидчи бўлганимда (мендан сира-сира танқидчи чиқмасди, кўнглим бўшлиғи бор), ёзувчи қалбини ҳис қилишга ҳаракат қилардим. Фақат «ўзимга тегишли» ёки «танлаб олган» авторларимнинг эмас, «оддий» авторларнинг ҳам асарларини холисанилло қўлга олиб, фикримни билдирардим, қорани қора, оқни оқ дердим. Ҳақиқий танқид қозонига тушган ижодкорни негадир фин (сауна) ҳаммомидан чиққан кишига ўхшатгим келади: У ҳам сауна иссигини кўтара олиши керак. Қолаверса, ғуборлари тарқаб, қип-қизил мағиздек бўлиб чиқади ундан.

11. Дўмбиллаволиб, папкасини зўрға кўтариб мактабга кетаётган биринчи синф ўқувчисини кўрсан, гаплашгим келаверади. Бир чопиб, бири йиғлаб, бири «кўтарасиз», деб ойсига хархаша қилиб, боғчага кетаётган болалар ёнидан бефарқ ўта олмайман. Уларни хурсанд қилсам, дейман.

Саъдулла Сиёев

1. Биринчи асарингиз босилган кунни унутиб бўладими? Бу — худди биринчи муҳаббатдай гап. Аниқ эсимда, 1963 йил эди. Республика радио комитетида ишлардим. Бир кун радио орқали иккита ҳикоямни эшиттиришди. Уч-тўрт кундан кейин йўлақда ёзувчи Жонрид Абдуллахоновни учратиб қолдим.

— Сизни Носир Фозилос йўқлаяпти, «Шарқ юдзузи»га бир кириб ўтар экансиз, — деди у киши.

Тиззам қалтираброк журналга бордим.

— Э, келинг, шоир, — деди Носир ака, одатдагидай кўтаринки руҳда. У ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирдик. Радиода берилган ҳикояларим у кишига маъқул тушибди.

— Ёзувчиликдан умидингиз бўлса, ўша ҳикояларнинг ёнига бир-иккитасини қўшиб олиб келинг, шоир, — деди Носир ака, — бир ўқиб кўрайлик-чи.

Олиб бордим. Редакция иккита ҳикоямни танлабди. Бошим осмонга етди. Устоз Саид Аҳмад оқ йўл тилаб, тўрт оғиз сўз ёзиб берди. Уша йили дастлабки асарларим журнал юзини кўрди.

Урни келиб қолди. Йўл бошида менга оғалик қилган бу икки инсонга ҳамisha ташаккур айтгим келади.

2. Маълумки, ёзувчилик хаёлот, тасаввур билан боғлиқ бир ҳунар. Баъзан битта ҳикоя ёзман деб ойнаб уринасизу уддалай олмайсиз. Нимадир тутқич бермайди: мавзуми, шакли, персонажларми? Гоҳо бир ўтиришда ажабтовур ҳикоями ёки қиссадан бир бобми ёзиб туриб кетасиз. Воқеалар, сўзлар ўз-ўзидан қуйилиб келверади. Бу кўнгилдаги «уруғ»нинг, дарднинг, ғоянинг етилганидан бўлса керак. Илҳом деганда ҳам эҳтимол шу ҳолатни назарда тутишар.

Энди туртки ҳақида. Ростдан ҳам адабиёт тарихида бир баҳона, бир деталь, гоҳо бир оғиз сўз туфайли туғилган асарларни кўп учратганмиз. Камина ҳам «туртки»нинг хосиятли таъсиридан бебаҳра қолмаганман. Бир куни Мирзачўлда турадиган дўстим келди. Пахта маҳали эди.

— Қишлоқда нима гап, тинчликми? — дедим гап орасида.

— Йўқ, — деди у, — тўс-тўполон. Ташкентдан студентлар ҳашарга чиқишган эди. Ҳозир бутун колхоз оёққа турган. Йўллarga сув сопирилган, деворлар оқланган, ҳамма ёққа шиорлар осилган. Эринмай далага бордим. Колхоз раиси бир студент қизнинг ортида эргашиб юрибди. Бир қўлида термос, бир қўлида пиёла. Комедия!..

Раисни танирдим. У кўз олдимдан кетмай қолди. Ана шу — олтмишларга борган, ўрдакка ўхшаб лапанглаб юрадиган семиз киши — миллионер колхознинг раиси. Бир қўлида термос тўла ҳинд чойи, бир қўлида пахта гуллик пиёла, пишиллаб, невараси тенги қизнинг орқасида чой тутиб юрибди! Албатта, ҳалиги қизнинг отаси катта раҳбар бўлиши керак. Бечора раис қизалоқ — студентга хушомад қилиб отасининг назарига тушмоқчи... Ҳаёлимда зувиллаб ҳикоя туғила бошлади. Сюжет шаклланди, образлар, деталлар, характерлар ўз-ўзидан қаторлашиб келди. Шу тариқа «Иншо» деган ҳикоя ёздим. Амал деса қадр-қимматини ҳам бир пиёла чойга сотиб юборадиган кимсаларни кўрсатмоқчи бўлдим.

Таксида кетаётгандим. Қарасам, сўчтик тепасида оппоқ бир кучукнинг сурати осифлиқ турибди.

— Кучугингизми? — дедим шофёрга.

Шофер қовоқ солиб бош чайқади:

— Йўқ, хўжайинники.

Маълум бўлдики, таксомотор паркиннинг директори зотдор кучугини йўқотиб қўйибди. Тўрт оёқли арзандасининг суратини кўпайтириб таксичиларга тарқатибди. Кимки кучукни топса, суюнчиси янги «Волга» эмиш.

— Неча кундан бери шаҳарда ит қувлаб юрибмиз, — деди шофёр илжайиб, — янги машина минишини ким ёмон кўради?

Бирдан хаёлим ёришди. Ахир бу ҳажвий ҳикоя учун тайёр сюжет-ку! Бир неча кунда «Қайдасан, Шарик!» деган ҳажвия ёзилди.

«Номард Шо», «Ёзда момақалдироқ», «Оғир вазли жанжалкаш» сингари қисса ва ҳикояларим ҳам бир оний манзара ёки бир оғиз луқма туфайли туғилди.

3. Бу саволга бир нима дейиш қийин. Баъзан ёзувчилар камтарлик юзасиданми, ё бошқа вазданми, «Энг яхши асарларим ҳали олдинда» деб қўйишади. Бу гапда ҳам қисман ҳақиқат бордир балки. Зеро, инсофли ёзувчи ҳар бир асаридан кейин, «Қойил қидиб қўйибманми?» деб ён-верига алангламайди, бурунгисидан яхшироқ ёзишни ўйлайди. Шу билан бирга ҳар бир ижодкор мағрурланмай ёки ёлғондан хоксорлик қилмай ўз асарига ўзи холисона баҳо бериши мумкин, деб ўйлайман. Кенг жамоатчилик, касбдошларим «Мажнун толнинг новдаси», «Даҳрий», «Чол билан кампир», «Ой бориб омон келинг», «Саратонда қор ёғди» каби қисса ва ҳикояларимни маъқулроқ деб топишди. Уларга ёққан бўлса, мен розиман, каминага ҳам шулар ёқади.

Ҳўш, кўнгил тўлмайдиган асарларга келсак, улар анча-мунча. Афсуски, хом сут эмганмиз, ёзаверибмиз, газета-журналлар ҳиммат юзасидан босаверибди. Бу асарлар хаёлимда юганда менинг асирим эди, энди — матбуот юзини кўргач, мен уларнинг асирига айландим. Уларни иложи борича китобга киритмасликка уринаялман.

4. Аввало, ҳар бир ёзувчининг биринчи устози — ҳаёт. Шу билан бирга, шоир айтмоқчи, «Йўлни не билгай киши, то раҳнамо кўрсатмагай». Китоб жавонингизга бир қаранг: Толстой, Шолохов, Гоголь, Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор... Бу зотларнинг қайси бирини устозим эмас дея оласиз?

Бундан ўн йилча бурун Чеховнинг ўн икки томлик асарлар тўпламини биқинимга қўйиб ўқишга тушдим. Роппа-роса бир йил ўқидим. Илгари ёзганларимдан хижолат бўлдим, энди ёзадиган нарсаларимга бошқача кўз билан қарай бошладим. Олтмишинчи йилларнинг бошида, Абдулла Қодирий (Жулқунбой)нинг «Муштум»даги фаолияти ҳақида диплом иши ёзганимда ҳам шундай аҳволга тушган эдим. Икки буюк носирнинг асарлари менга қаттиқ таъсир қилди, бир умрлик сабоқ бўлди.

Ғафур Ғуломнинг фалсафий кенглиги, Абдулла Қаҳҳорнинг заргарлигини, Миртемирнинг халқчилигини ҳавас қиламан. Оҳ, қанийди, ушаларнинг асарлари билан беллашадиган уч-тўртта нарса ёзолсанг...

5. Ёзувчининг актив гражданилик позицияси... Менимча, ҳаётда пассив позицияни эгаллаган ёзувчи халқ орасида обрў тополмаса керак. Аслида ҳар бир ёзувчининг қулоғи халқ кўксига бўлмоғи лозим. Ахир ўз халқининг дарди, қувончлари, ташвишлари, орзу-ўйлари, умиди билан яшамаган, даврининг муаммоларини четлаб ўтадиган ёки уларга бефарқ, юзаки қарайдиган ёзувчи ўзини руҳан соғлом, маънан баркамол деб санаши мумкинми?

Буюк Некрасовнинг башорати бугун ҳам ўз кучини йўқотгани йўқ. Ҳар бир виждонли

ёзувчи ҳамма замонларда актив граждандлик позициясини эгаллаган. Бунга тарихдан мисоллар кўп. Л. Толстой Русиядаги қабоҳатларни кўриб, «Жим туролмайман!» деган катта мақола ёзди. Бу мақола сиёсий жанжалга сабаб бўлди. Ҳамзанинг сафдошларидан бўлмиш Муҳаммад Сўфизода Наманганда янги усулдаги мактаб очиб, камбағалларнинг болаларини ўқитди. Мутаассиблар уни даҳрий деб эълон қилдилар, Ватандан бадарға этдилар. «Қизил профессор», Меҳнат қаҳрамони Абдулла Авлоний инқилобгача ўз маблагига театр тузди, халқини маърифатли қилишни ўйлади. Ҳолбуки, бу иккала шoir «нафис ғазаллар» битиб, фароғатда кун кечирिशлари мумкин эди, бироқ уларнинг кўксиде халқ виждони яшарди. Шунинг учун ҳам улар граждандлик позициясидан чекинмадилар.

Хусусан, бизнинг кунларимизда ёзувчининг ижтимоий фаоллиги сув билан ҳаводек зарур бўлиб қолди. Уруш хатари ҳамон мавжуд. Она сайёрамиз, жумлаи жаҳоннинг келажаги хавф остиде. Мамлакатимиз, республикамиз ҳаётида туб социал ўзгаришлар рўй берапти. Мана шундай долзарб пайтда қайноқ ва доно сўзнинг қудрати ўзгача аҳамият касб этади.

Яна бир гап. Мен «соф бадиа» ёзиш билан шуғулланадиган ёзувчиларни тушуна олмайман. Уларнинг фикрича, ижтимоий-сиёсий масалаларни ҳал этиш мутасадди ташкилотларнинг, нари борса, вақтли матбуот органларининг иши эмиш. Янглиш тушунча. Жамиятда яшаб туриб шу жамиятдан ташқари бўлиш мумкин эмаслигини замондош классикаримиз ҳам ўз фаолиятлари билан тасдиқлашган.

Ҳамиша актив граждандлик позициясида бўлиш — ёзувчининг бурчи. Бу ҳақда партиямиз Программасида ҳам очик-равшан айтилган: «янги, илғор нарсаларни ўққинлик билан ёрқин очиб бериш ва жамиятнинг олға қараб боришига халақит бераётган барча нарсаларни эҳтирос билан фoш қилиш — адабиёт ва санъатни ривожлантиришдаги бош йўналишдир».

6. Кимгадир яхшилик қилган куним мен учун байрам. Бекордан-бекорга бировни ранжитиб қўйган куним — бадбахт куним.

7. Жўнлиги. Ижтимоий салмоқли гапнинг йўқлиги. Шаклан сийқалиги. Тилнинг ғариблиги. Баъзан юзлаб саҳифа китоб ўқийсизу ярқ этган бир ташбех, деталь, образли ибора тополмайсиз. Ёзувчиларимиз тил устида ишламай қўйишди. Кўпгина роман, қисса, ҳикоялардаги персонажларнинг тилига қараб эркакни аёлдан, қарияни ўсмирдан, деҳқонни муҳбирдан ажратолмайсиз. Дialeктдан фойдаланишда ҳам ҳақиқатга хилоф иш тутаяпмиз. Асарларимизда тошкентлик ҳам, сурхондарелик ҳам, бухоролиғу фарғоналик ҳам «оии, ада» деб гапираверади. Ҳолбуки, «оий»ни бир область кишилари ўзича атаиди: она, эна, ая, буви, ача, мома ва ҳоказо. Хоразмда отани баъзан ака ҳам дейдилар. Тилнинг бундай жилolari асарларимизга киролмай ётсираб юрибди.

Айрим асарларимизда йирик-йирик муаммоларни кўтариб чиқамизу шакл топишга келганда ожизлик қилиб қолаяпмиз. Шунинг учун ҳам китобларимиз зерикарли, ўқувчини маҳлиё этиб, домига тортиб кетолмайди. Мен кўпгина китоб дўконларида, кутубхоналарда самовар патнисдай келадиган китобларнинг чала ўқилган бетига юзини қўйиб ухлаб қолган сотувчи қизларни кўрганман. «Утган кунлар», «Анна Каренина», «Синчалак», «Фарғона тонг отгунча», «Уфк», «Улуғбек хазинаси»ни ёстиқ қилиб ётган кимсани тасаввур этасизми?

Юқорида зикр этилган камчиликларни ушбу сатрлар муаллифининг асарларидан ҳам топса бўлади.

8. Қуйидаги тўрт фазилатни инсоннинг зийнати деб биламан: хайрихоҳлик, самимият, тўғрисўзлик, ҳалоллик. Ва аксинча, тўрт нарсa одамни одамгарчиликдан чиқаради. Булар: ичқоралик, такаббурлик, мунофиқлик, лақмалик.

9. Бир хонадонни билардим. Узига тўқ бадастур оила эди. Бу оилада ёлғиз ўғил бўларди. Ота-онаси уни бетига қараб ўстиргани учунми, ниҳоятда тантик, инжиқ, ишёқмас ва лақалов бир бола эди. Ёлчитиб на бир ерда ишларди, на ўқирди. Гоҳо оғзига жиндай тегиб қолса, йиғлаб ота-онасидан ҳасрат қиларди: «Мен хароб бўлдим. Мени майиб қилиб қўйишди. Энди одам бўлишим қийин». Эрактой ўғил охири жиноят қилиб қамалиб кетди.

Ана шу боланинг аччиқ қисмати ҳақида қисса ёзмоқчи бўлдим. Ёлғиз ўғилни ялаб-юлқаб, еру кўкка ишонмай, охири унга беихтиёр ёмонлик қилган ота-онанинг надоматларини қилмишига яраша жазосини олган безори боланинг ўкинчлари менга унча эйтиборли кўринмади. Мен мавзуга бошқа томондан ёндашдим. Хўш, «Энди одам бўлишим қийин» деб ожизлигини бўйнига олган ўғил одам бўлиш учун уриниб кўрса-чи? Йиллаб баданига, рўҳига сингиб қолган мешчанлик, иродасизлик, текинхўрлик, мутелик, ҳавойиликни енгиб ўтса-чи? Қилар ишни қилиб қўйиб қамалиб кетган қаҳрамонлардан кўра маънавий ҳаётини поклаш, ўзлигини топиш, ҳалол нон топаётган инсонлар қаторига қайтиш учун курашган, кураша билган кимсанинг образи мўътабарлироқ эмасми? «Яхшиларга ёндашдим» қиссаси ана шу планда ёзилди.

Мен воқеаларни драматиклаштириш учун Шавкатнинг отасига «каттароқ вазифа» бердим, Шавкатнинг «қайта туғилиши»да бевосита ё билвосита хизмат қиладиган кишилар керак эди. Бу миссия Малоҳат, Кўрёз оға, Темур, Оллаберганга юкланди. Йигит кўнглидаги нозик туйғуларни кўрсатиш учун Гавҳар ўйлаб топилди.

Бизнинг болалигимиз уруш йилларига тўғри келди. Уша оғир йилларни бир эсламоқчи бўлдим. «Саратонда қор ёғди» деган қисса ёздим. Ҳамқишлоқларим уни ўқиб, одатдагидай сўроққа тутиб кетишди: «Қолхоз раиси фалончи эмасми? Қмборчи Темир оқсоқ ким? Ситора хола — ўзимизнинг бахши опаи? Алимқул қочоқни ўзинг тўқидингми? «Ҳа, ўзини-ўзи чўлоққа чиқариб урушдан қочиб юрган Алимқулни тўқидим. Аслида уруш пайтида бундай муттаҳамлар йўқ эмас эди. Алимқул қочоқ менга Абдурахмон билан унинг ўртоғи Солининг образини тўлароқ очиш, бу болаларнинг беғубор кўнгилларини кўрсатиш учун керак эди. Ситора холанинг «адаши» бор, у қишлоғимиздаги табаррук онахонларимиздан эди. Ҳар замонда бурнини тортиб қўядиган қолхоз раиси Шокир ака ҳам ҳаётда бор эди, яхши одам эди.

Ҳажвий ҳикоялар ёзиб юриб, онда-сонда «акс зарба»га ҳам дуч келиб қоламан. «Ҳожи

кашшоф» деган ҳикоя ёзувдим. «Қаҳрамоним» ҳикояни ўқиб газета редакторининг олдига келибди. «Сиев мени уриб чиқибди. Мен фалончи бўлсам, фалондақи хизматларим бўлса. Қандай ҳақи борки...» Редактор кулибди: «Ҳикояда фақат гап сотиб, бир чақалик иш қилмайдиган бахил кимса ҳақида сўз боради. Сиз унақа эмассиз шекилли? Йўқ, мен унақа эмасману... бари бир одамга маломат келди». Яна битта «ҳаёт ҳақиқати» акс этган ҳажвияни ўқиб бир касбдошим ўн кунча саломимга алиқ улмади. Шундан кейин «Ўзим ёмонман» деган ҳажвия ёзиб кутулдим. Унда йўқ гапни тўқиб ўтирмадим, салбий қаҳрамонимга... Саъдулла Саъдуллаевич деб ном берақолдим.

10. Умуман олганда танқидга бардошлиман. Рост, танқид эшитсам, ғашим келади, бир-икки кун ари чақандай бўлиб юраман. Кейин ўзимни овутаман: «Ахир тўри гапни ёзишибди, тан бериш керак». Мабодо бирон асаримдаги бор нарсани йўқ, йўқни бор деб ёзишса — кулгим қистайди: ахир ўртада ўқувчи турибди. Бошқа танқидчилар ҳам бор, қолаверса, ўша китобимган ҳамкасбларим ҳам ўқиган...

Анкетангизга жавоб ёзиб ўтириб, ёзувчилар союзининг справочнигини варақладим. Вожаб! Ҳар бетда бўлмаса-да, ҳар икки-уч бетда бир танқидчи табассум қилиб (ё чимирилиб) турибди. Тўғри, уларнинг ёши, савияси, диди, дунёқарashi, ёзувчига муносабати турлича. Билим доираси кенг, зийрак-зуккоси, диёнатлиси, китобнинг муқовасига эмас, мазмунига қараб фикрлайдиган инсофлиси ҳам талай. Аммо уларнинг ичида шамол эсган томонга қараб буриладиган дирирақлари ҳам йўқ эмас. Энг ачинарли ери шундаки, бундай танқидчилар мақтаган китоблар магазинларда чанг босиб ётибди, «урганлари» — қўлма-қўл. Танқидчилар шу тарзда гоҳо ўзларининг обрўсини ўзлари тўкапти.

Танқидчига тақалмаган сифат қолмади. Гоҳо уни тренер дейишди, гоҳо дегустатор, кўзгу, тарози... Нима бўлганда ҳам, ҳар қалай танқидчи ёзувчининг устози эмас, билъакс, унинг дўсти, ҳамдарди, маслаҳатгўйи, илҳомчиси бўлиши керак. Дўст ачитиб гапирарди, аммо у дўстининг ютуғига қувонади ҳам. Мен айрим танқидчи дўстларимнинг позициясига тушунолмайман. Улар бировнинг китобига дурбинни тескари ушлаб боқади (ютуғини кўришни истамаса). Ва аксинча бошқа бировнинг асарига микроскоп орқали қарайди (мақтагиси келиб қолса).

Мен танқидчи бўлсам, аввало ёзувчининг дардини англашга уринардим. «Ёш» ёзувчига ҳам, «Бош» ёзувчига ҳам бир хил талаб ва ўлчов билан ёндашардим. Ҳаётга активроқ аралашиб керак, деб насиҳат қилмай, ўзим ҳам фаол аралашардим. Арзон шов-шув кетидан қувмасдим ва илгариги хатоларимни ошқора тан олардим.

11. Машҳур ўзбек шоири Аваз Утар ўғли ҳақида роман бошлаган эдим. Ҳозир ана шу асар устидаги ишмини давом эттираяпман.

Эркин Аъзамов

1. Одатда, аксарият ёзувчининг илк асарини ёзиши, эълон қилиши билан боғлиқ бирон бир антиқароқ кечмиши бўлади. Ёки уни кейинчалик, мана шунақа саволларга жавоб тариқасида ўзлари атай тўқиб олишармикан — билмадим. Ҳар қалай, менда бундай айтиб беришга арзигулик қизикроқ эсдалик йўққа ўхшайди.

Гап шундаки, менинг дастлабки машқим (асар демоққа тил бормади) ҳеч қаерда босилмаган. Иккинчи, учинчи... ўнинчиси ҳам. Бошида бирон жойга юбормаганман, бирон кишига кўрсатмаганман. Тўққизинчи синфдаги ўқиётганимда район газетасида кичик бир нарсам босилиб чиқди. Уқиганларнинг гапи шу бўлдики: «Кимни ёзиб эдинг? Фалончи эмасми?»

«Ёзувчилик тўнини кийдим» у иккинчи уйимдек бўлиб қолган кутубхонага қадам босмай қўйдим. Уялганимдан. «Ҳикоя» кутубхоначи қиз ҳақида эди. Китоблардагига ўхшатмоқчи бўлиб, унга озгина ўзимдан қўшиб юборган эдим-да. «Минг бир кеча» ни сўраб келган кўрс, беҳаё кимса, кутубхоначи қизнинг ранжиб кўзёши қилгани, уни пинҳона яхши кўрган китобхон бола (ўзим), кўзёшининг дераза ойнасидаги ёмғир томчиларига ўхшашлиги ва ҳоказо.

Кейин, университетда ўқиган йилларим ҳам кўп «ҳикоя»лар, «қисса»лар ёзилди. Аммо редакцияга кўтариб боргани узоқ вақт шошилмадим: матбуотда тузукроқ бирон нарсга билан кўрингим келарди (бу ҳамшаҳар акам, ёзувчи Шукур Холмирзаевнинг маслаҳати: «Чиксангиз — серёзнийроқ нарсга билан чикинг!») Ушанда шеър ёзиб юрадиган бир курсдошим прозага қўл уриб, ёзган илк ҳикоясини менга кўрсатди. Ҳикоя, назаримда, бўшгина эди. Журналда чиқаётганини эшитиб ажабландим. Қарасам... мен истаган «тузукроқ нарсга» ҳали-вери ёзиладиган эмас, бунақада баъзиларга ўхшаб, «тан олинмаган даҳо» бўлиб юрaverаман. Ҳаракатга тушдим. Хайрихоҳлар топилди. Ҳали бирорта нарсам бирор жойда чиқмаган-у, улар мени «яхши ҳикоялари бор» деб таърифлашарди. Ишонччи оқлаш керак. Бир даста машқимни «Гулистон» у «Шарқ юлдузи» журналларига олиб бордим. Қарангки, бирин-кетин ҳаммаси босилиб чиқди. Бу йўлда мени қўллаб-қувватлаган устозлар — Асқад Мухтор билан Ваҳоб Рўзиматовнинг меҳрибонликлари эсимдан чикмайди.

Энди баъзан илк машқларини бостирилмай редакцияма-редакция нолиб юрган айрим қаламқаш укаларимни кўрсам ажабланаман. Ёки мен омадли эканманми?..

Ушанда, район газетасида илк бор ҳикоямни, исм-фамилиямни кўриб севинганим табиий. Мактабда бир-икки кун керилиб ҳам юрган бўлсам керак. Ажабки, у кезлар келажақда ёзувчи бўламан, деб қаттиқ ишонар, бунга негадир сира шубҳа қилмас эдим. Бу ҳис энди қийнайди: хўш, мақсадингга етдингми, адашмадингми мабодо?..

Ёзган, ёзилаётган машқларимни шу бешафқат саволга бақадри имкон бир жавоб ўрнида деб биламан.

2. Баъзилар: «Асар ёзув столида туғилади», дейишади. Бундайларда сабр-тоқат зўр бўлса керак. Мен эсам, муайян бир фикр хаёлимда пишиб етилмагунча иш столига яқинлашолмайман. Гоҳо, ёзишга ўтиришдан олдин дастлабки бир-икки саҳифага оид гаплар, ҳатто асарнинг сўнгги жумласигага каллада тайёр бўлади. Албатта, ёзиш жараёнида булар ўзгариб ҳам кетади-ю, лекин шуларсиз иш бошламоққа ишонч, журъат етишмайди. Бир бошлаб олингач — кифоя, қолгани меҳнати иштиёққа боғлиқ. Вариант ёзмайман — феълим инжиқроқ, маълум тўхтамага келолмай бирваракай баридан кўнглим совуб қолиши мумкин. Кейинги таҳриру қўшимчалар ўз йўлига.

«Туртки» масаласига келсак, шуни айтиш керакки, сув ўз-ўзидан оқмайди, ўт ўз-ўзидан чиқмайди — нимадир сабаб бўлади, албатта. «Туртки» рўй беришидан олдин «туртиладиган» нарсанинг ўзи тайёр бўлиши керак. Бу ҳол гоҳо онгли, гоҳо онгсиз равишда кечади. Ёзувчининг кўнглида бир талай ўй-фикрлар, ҳаётий таассуротлар, мушоҳадалар тўпланиб юради-ю, уларни қай шаклда ифодалаш, қандай ипга тузиш — муаммо. Тасаввур қилинганки, бир қанча жез бўлаклари бетартиб сочилиб ётганда ўртага бир дуоа оҳанрабо ташланди... жез бўлаклари дафъатан ҳаракатга келиб, шунинг теварагига ғуж бўладими? «Туртки» деганимиз ҳам бамисоли шундай.

Масалан, кейинги «Жавоб» қиссасининг ёзилишига нима туртки бўлди?

Бир эрта тиқилинч автобусда ишга кетаётган эдим. Навбатдаги бекатда автобус ўрнидан кўзгалдию қандайдир йўловчи унга осила-осила анча жойгача келди, ахир, чиқолмаслигига кўзи етдики, ярим йўлда қолиб кетди. Эллик ёшлардаги зиёлинамо киши. Бечораҳолроқ, қарашларида алланечук жиддийтми, ҳасратми бордек эди. Беихтиёр унинг туфлисига кўзим тушди: товони қарийб тагчарм баробар ейилиб кетган... Мен бу одамни сиртдан танирдим, буй етган хушрўй-хушрўй икки қизи билан маҳалламиздаги китоб дўконига айланиб юрганини кўп марта кўрган эдим. Бирдан юрагим қандайдир ачишиб кетди. Эши бир жойга етай деб қолган одам, автобуснинг кетидан югургани, товони ейилган туфли, узатилишга шай қизлар ташвиши, ҳаётдаги мавқею оиладаги бурч... Хаёлимда айланиб юрган кўп фикрлар дафъатан жунбушга келди. Қачон автобусдан тушдим, қачон метрога ўтирдим — билмайман. Ишхонага етиб келганимда хомаки бир режа калламда тайёр эди. Бунга қисмати чигалроқ бир қўшни хонадонда кузатиб юрган гапларим боғланиб кетди. Шу хонадондаги пиёниста ота кейинчалик, ўғли билан орасида қандайдир гап ўтибми, ўзини деразадан ташлади... Қизиғи шундаки, бунга ўхшаш ҳол қаламга олинган қиссанинг дастлабки зуваласи аини ҳодисадан икки йилча олдин — 1981 йилда туғилган, асарнинг талай қисми ёзиб ҳам қўйилган эди.

3. Ҳаммаси ҳам ўзимники, ҳаммасида ҳам унча-мунча — ҳатто бир жумла, ярим жумла бўлсин — қадри ўринлар бор.

Қайси асарингиздан кўнглингиз тўлган, деб сўралганда ажаб бўларди — миқ эта олмай қолардим...

4. Менимча, ёзувчининг бош устози аввало — ўзининг ҳаёти, ўқиб-ўрганган китоблари. Ўзим устоз деб билганларимни санасам, каттагина бир рўйхат бўлади. Классикларимиз, бугунги оқсоқол ёзувчилару биздан олдинги авлодга мансуб акаларимиз. Мен уларнинг ҳар бириндан нимадир ўрганганман десам бўлади.

Узи, адабиёт ишида устоз-шоғирдликнинг йўриғи бошқачароқ. Дурадгор устанинг шоғирдига ҳунар ўргатишидан фарқ қилади бу. Гоҳо устоз-шоғирд ҳаётда учрашмаган, бир-бирини кўрмаган ҳам бўлиши мумкин бунда. Лекин, думбулроқ бирон ёш қаламкашни «бизнинг шоғирд» дея редакцияма-редакция эргаштириб юрадиган, унинг машқларини тузук ўқиб-ўқимаёй ҳар жойда «оқ йўлу» сўзбоши ёзиб, дуч келган рўйхатга номини тиркаб, китоб чиқаришу квартира олиш ташвишларига ҳам балоғардон бўлиб юрадиган айрим «меҳрибон» устозларни билам. «Буларнинг адабиёт ишидан бошқа ҳам қандайдир муносабатлари бўлса керак...» деган хаёлга борасиз шунда беихтиёр. Бунақа шоғирд кўпинча мўртроқ келади; эртага бир кун адабиёт майдонидаги бўронларда тирговичсиз қолиб, ҳоли хароб бўлиши муқаррар. Шундай устоз-шоғирдларни кўрганимда «Крокодил» журналида чиққан бир қарикатура ёдимга тушади. Ота-она, амма-холоа амаки-тоғалар чувиллашганча ношуд бир арзандани бутидан кўтариб, пештоқига «институт» деб ёзилган, каттакон қулф осиглиқ заранг эшикка калласи билан уришяпти; мақсадлари — «Бари бир киргизамиз!» Хайриятки, шунақа ҳомийларим йўқ. Бош ўзимга керак.

Лекин, рости айтсам, ичимда бир одамни устоз деб биламан. У кишидан ҳаётда ҳам, адабиётда ҳам кўп нарса ўрганганман. Аммо у бирор марта «шоғирдимсан» деб елкамга қоқмаган, «устозимсиз» дейишга эса менинг ҳаддим сифмайди. Шунга қарамай, камтарин адабий тақдиримда ҳамиша шу кишининг сахий бир меҳрини, хайрихоҳлик назарини ҳис қилиб тураман; устознинг ишончини оқлаб, маъқул бўладиган бирор нарса ёзиш — орзум. Келинг, у кишининг номини айтмай. Биринчидан — бунга журъат этолмасам, иккинчидан — оқорида ўзим эслаган «шоғирд»ларга ўхшаб қолмаслик андишаси бор кўнгилда.

5. Ёзувчининг актив гражданлик позицияси дегани, менимча, инсонда инсонийлик учун, адолат йўлидаги муросилис кураш демакдир. Инжиқ, бетайин, предметсиз (абстракт) гуманизм маъносидан эмас, йўқ, юксак анланган инсоний муҳаббат ва нафратнинг кураши маъносидан.

6. Бахтли кун, бахтсиз кун... Назаримда, кишининг ўзигагина боғлиқ бўлган оддий-одатий кунлар эмас бу. Масалан, бахтли кун деганимиз мўъжизавий кун деган билан баробар. Бундай дамлар менинг ҳаётимда ҳам бўлгандек, лекин айтай десам, гапим ёлғон, носамимийроқ чиқадиганга ўхшяпти ўзимга.

Емон кунингизни бўлса эслагингиз ҳам келмайди.

Боя айтганимиз — одам мўъжизага ишонмаса, мўъжизадан бебаҳра яшаса, ҳаётнинг

қизиғи ҳам қолмайди. Менинг ўшандай дамларим олдиндамикин, деб ўйлайман. Неча йилдирки, бир дардга йўлиққанман — қулоғим муттасил шанғиллайди. Ана шу лаънати шовқин тинган кун энг бахтли куним бўлса керак. «Шовқин»ни ҳам ўша кунни ёза бошлайман...

7. Фикрий саёзлик, жўн воқеанавислик, ҳажмпарастлиғу кимошар пойгага деб ёзилган нарсалар... Гоҳо, асарнинг умумий ташқи шаклини янгича қилмоқ бўламиз-у, мазмунга нечоғли мос келиш-келмаслигини ўйламаймиз, моҳият теранлиғи шарти назардан четда қолади. Ички шакл — бевосита асарнинг ёзилиши, тасвир ёки баён тарзи, жумлаларнинг «сурати» масаласида ҳам шундай дейиш мумкин.

Мен бу ерда бадий маҳоратга оид камчиликларимиз ҳақидагина сўзламоқчи эдим. Йўқ, бўлмади... Адабиёт ишига мавқе ва у туфайли келган қаллобликнинг аралашувига тоқат қилиб бўлмайди. Қобилияти ҳаминқадар, лекин ўзи амалдор ёзувчининг бўш, пала — партиш ёзилган (баъзан «мардикор»лар ёрдамида!) асари қайта-қайта китоб шаклида чиқаверса, рус тилига, бошқа тилларга таржима этилаверса, «Бас энди!» дейдиган шеримарднинг ҳатто танқидчилар орасидан ҳам топилмаслиғи ачинарли ҳолдир. Ўзимизнинг обрўйимизни ўйлаб, халқимизнинг обрўйини, халқимизнинг дидини ўйлайлик!..

Таскин шуки, бу ҳол барҳам топиб бораётир. Тағин, ким билади дейсиз...

Ўзимдаги камчиликларга келсак... қай бирини айтай?

8. Меҳрибонлик ва олижаноблики инсонийликнинг бош мезонлари деб биламан. Қусур — майда нуқсон деганимиз бўлса, унга бемалол чидаш мумкин: кимдан йўқ у? Ёлғондан (майда алдамчиликини айтмаяпман, уни кечирса бўлар) асрасин денг. Ўйлаб қаралса, дунёдаги кўп қабоҳатнинг отаси ҳам, онаси ҳам шу-ку!

9. Бу иккала тушунчанинг ҳам негизида «ҳақиқат» сўзи бўлса-да, ҳаёт ҳақиқати асарда ҳар доим ҳам бадий ҳақиқатга айланавермайди; чинакам бадий ҳақиқат эса ҳамisha ҳаёт ҳақиқатига мос келади.

Бадий ҳақиқат — ёзувчининг ижодий нияти асосида қайта ишланган, сараланган, сайқалланган ҳаёт материалидир.

«Кимни ёздингиз? Фалончи эмасми?» Юқорида эслаганим — газетада босилган илк машқимни ўқигач туғилган бундай саволларни мен ҳамон эшитиб тураман. Ушанда худди бир айб иш қилгандек уялиб юрганим эсимда. Шу туйғу ҳозир ҳам бор. Бирор нарсам эълон қилингандан кейин «кимни ёзганим»ни сўрашларидан ҳамон безилламан. Таниш-билишларим асарда ўзларини таниб қолишса, гўё: «Ҳа, келиб-келиб бизни ёзбсан-да! Ёзувчилик дегани ҳам жўн бир иш экан!..» дея таъна қилишаётганга ўхшаб туюлади. «Фақат кўрган-билганини ёзади...» деган «айб»ларимга ҳам кўникканман. Начора, қўлдан келадигани шу. Бировлар ўйлаганидек, яъни ичдан тўқиб ёзишга менда на ихлос бор, на имкон. Ахир, тўқиб ёзилган нарса ҳам нимадандир тўқилади-да.

Қолаверса, ҳаёт шу қадар ранг-баранг, шу қадар бетакрор бўёқларга бойки, ундан-да қудратли, ундан-да теран мазмунни ўйлаб топиш оламда ҳеч бир зотга насиб этмаган. Адабий монтаж, яъни ҳаёт воқелигини бадиият қонуниятлари асосида қайта уйғунлаштириш — бошқа масала, санъатда бусиз иложи йўқ.

Ана шу маънода, мен ҳеч қачон ичимдан тўқиб ёзмаганман, десам бўлади. Кўпчилик ҳикояларимга ўзим бошдан кечирган, кўрган-билган, хуллас, кўнглимга яқин гаплар асос бўлган. Менимча, шундай — деярли айнан ҳаётдагидек қилиб ёзиш мумкин; «воқеликнинг хашаки сураткаши» (А. Қаҳҳор таъбири) сифатида эмас, албатта, санъаткор сифатида. Бунда материалга қай нуқтадан ёндашиш — муносабат муҳим, шакл танлаш муҳим. Дейлик, мен ҳикоянинг одатдаги «қолип»ларига лоқайдроқман, кўнглимдаги гапни «ҳикояга айлантириш»га кўпам тиришмайман. Борига барака. Шунданми, бир танқидчи ёзган нарсаларимни «саргузашт ҳикоялар» деб таъбирлаган эди. Бўлса бордир. Мен учун асарда энг муҳими — иложи борича, табиийликка эришиш.

10. Танқидга муносабатим эл қатори: топиб мақтаса — қувонаман, топиб танқид қилса — ҳалоли бўлсин; ичимда зил кетсам кетарман-у, тан оламан. Лекин кўпинча, ёзган нарсангиз тўғрисида асоссиз мақтов ёки танқидни ўқиганингизда ажабланасиз: «Мен не дейман-у, кўбизим не дейди? Бу одамга нима керак ўзи?...» Афанди бировнинг боғига ўғирликка тушганида боғ эгаси тутиб олиб: «Нега ўғирлик қиялсан?» деса, «Сен нега хотинингга кавуш олиб бермадинг?» дея «тоғдан келган» экан. Шунга ўхшаган гап. Асоссиз мақтов ёки танқид ўқувчини ҳам чалғитади, ёзувчини ҳам; адабиётга зарар.

«Танқидчи бўлсам, яхшини яхши дер эдим, ёмонни — ёмон». Шубҳа йўқ, ҳар бир бўлажак танқидчи адабиётга шундай деган ниятда қадам қўйса керак. Аммо кейин... Адабиётнинг даргоҳи кенг-да. Бундайларга, иложи бўлсаки, Абдулла Қаҳҳор бир танқидчига айтган гапларни такрорласангиз: «Илтимос, биродар, энди мен ҳақимда ёзман!»

Устоз яна бундай деган эди: «Танқидчи ёзувчи билан китобхон ўртасида ширинкомага виждонни сотадиган даллол бўлмаслиғи керак».

Бу гапга қўшилмай илож йўқ.



Саодат Пўлканова
Тинчликни истаб

Сен дунёда тинчлик истаб,
Чақиргандинг кўпларни:
Йўқолсин деб совуқ уруш,
Гумбурлаган тўпларни.

Осойишта яшамоққа,
Сен юракдан йўл тутдинг.
Ишонч билан миллатларга,
Дўстлик учун қўл тутдинг.

Ҳийлаларга қарши чиқдинг,
Уйнашманг деб оловда.

Америкалик тенгдошим Саманта
Смит хотирасига бағишлайман.

Сени мақтаб тил учида,
Жонингмиди синовда.

Мен билмайман қай йўсинда,
Тугаганди парвозинг.
Дунё узра тўлқин урар,
Тинчлик деган овозинг.

Халқлар аро тинчлик марши,
Биз тинчликнинг байроғи.
Наҳот, ўн уч ёшингдаёқ
Тегди ажал қайроғи...

Қиш

Куз кетди-ю қиш келди,
Болаларга иш келди.
Ҳовлида қор ўйнашиб,
Завқли бир юриш келди.

Ҳамма қувноқ боқади,
Қор борлиққа ёқади.
Дарахтларнинг шоҳига,
Олтин сирға тақади.

Қор ёғади буралиб,
Ер оқлиққа ўралиб,
Деҳқон-бобо суюнар,
Қувончлари уланиб.

Қир-адирга зеб бериб,
Совға-салом кўп бериб,
Қорбобога кампирлар,
Утиришар гап бериб.

Куз кетди-ю қиш келди,
Элимизга хуш келди...



Ўсарали Нишонов

ШЕЪРГА КЎЧГАН ТҲЙЃУЛАР

Кейинги ўн йил мобайнидаги ўзбек шеърятига назар ташлагудек бўлсак, Маъруф Жалил ўзига хос овоз билан ижод қилаётган шоирлардан бири сифатида танилганининг гувоҳи бўламиз. У бугунги кунгача лирик шоир сифатида «Мен сизни севардим», «Раҳмат, одамлар!», «Сени ўйлаб», «Нотаниш йўллар», «Қўшиқ иштиёқи», «Мен сув ичган дарёлар», «Паризодим» каби тўпламларини китобхонларга тақдим қилди. Бугунги ўзбек шеърятининг энг муҳим хусусиятларидан бири — шоир шахси ва унинг руҳий ҳиссиётлари шеърларда замон руҳи билан уйғунликда ифодаланаётгани, граждонлик туйғулари теранлашиб, ижтимоий-фалсафий фикр салмоғи ортиб бораётганидир. Маъруф Жалил лирикасида шоир шахси ва унинг руҳий олами — замондошимизнинг қалб манзаралари, ҳиссиёти ва кечинмалари, қувонч ва аламлари, хуллас, инсон руҳининг ранг-баранг товланишлари билан кўринади. Унинг лирик қаҳрамони характеридаги халққа садоқат, гуманизм, Ватанга фидойилик, граждонлик руҳининг кучлилиги; ёхуд разиллик, пасткашлик, ғийбат ва туҳматлардан нафратланиш каби хусусиятларни шоир гоҳ босиқ ва майин, гоҳ жиддий ва шижоатли оҳангларда тараннум этади. Шоир лирикасида поэзиямизнинг мавжуд шакллари-дан моҳирона фойдаланиш, инсоний туйғуларни китобхон қалбида теран фикрлар кўзгайдиган тарзда ифодалаш кўзга ташланади. Шеърлардаги тилнинг бадий соддалиги, оригинал ифодалар, сержило мисралар ҳамда муҳим ғоялар шоирнинг Ҳамид Олимжон, Усмон Носир, Ойбек каби устозлар, аруз вазида битган шеърларида эса Навоий, Муқимий, Фурқат каби классикларимиз ижодини қунт билан ўрганиб, уларнинг бу борадаги ижодий анъаналарига ўзига хос ёндашаётганлигидан далолат беради.

Шоир лирикасининг тематикаси ранг-баранг, унда она-Ватан, садоқатли дўстлик, севги-муҳаббат, тинчлик, меҳнат каби мотивлар етакчи ўрин тутуди. «Умр» шеърда шоир умр кўчасидан «ҳиммати дарёдан устунроқ, ғазаби вулқондан жўшқинроқ, юраги осмондай кенг, мардликда Рустамга тенг» кишилар ҳам, «омоч етаклаб чиниққан, меҳрибон, заҳматкаш деҳқон» ҳам, «босқинчи, бешафқат ҳоқон» ҳам ўтганлиги ҳақида фикр юритар экан, «замонлар ортидан чанг бўлиб умидлар қолганмиш тўкилиб», дейди ҳамда бу эзгу умидларни авайлаб халққа беражагини, бунинг учун «меҳнат ва ишқ» унинг матлаби эканлигини самимий ифодалайди. Шоир умр гўзаллигини «Меҳнат ва ишқ» деб билади. Зеро, мунаққид Маҳкам Маҳмудов ёзганидай, шоир ижодининг асосий манбаи — бу ҳаётнинг ўзи, инсон қалби ва онгида «ҳар сафар янгидан» барча гўзаллиги-ю кескинлиги билан идрок этиладиған — борлиқдир. Маъруф Жалил лирик қаҳрамони гоҳ аскарлар ётоғида меҳмон бўлади, гоҳ яйловда чўпонлар билан кўй боқади, гоҳ пайкалда деҳқонлар билан кузни ўйлайди, гоҳ тилларга тушсин дея ғазал тўқийди, гоҳ меъмор каби дилларга сайқал беради, хуллас ҳаётда фаол қатнашади. Бу эса лирик қаҳрамоннинг халқчиллиги, ҳаётийлигини, шоир лирикасининг реалистик услубини таъминлайди.

Маъруф Жалил лирикасидаги инсон образи — меҳнаткаш замондошимиз, ҳаётимизнинг ҳамма жабҳасидаги фаол шахс. Бироқ биз билан ёнма-ён яшаб, ҳаётга томошабин тарзида қарайдиган, лоқайд ва худбин, разил кимсалар борки, улардан шоир нафратланади, «сен мард бўлсанг, сув лойқатиб қилма томоша; йўл кўрсатгин адашганларга; кўшиқ айтгин тўйларда, аммо кўшиқ айтиб келма жанозаларга...» («Сен мард бўлсанг...») дея уни эзгуликка, чин инсон бўлиб яшашга даъват этади. Яхши инсонларнинг олижаноб фазилатларини куйлаганда эса шоир улардаги бу инсонийликни чуқур лиризм тўла овозларда ифодалаб, китобхонда инсонга, унинг эзгу ишларига нисбатан ҳурмат ва эътиқод туйғуларини уйғотади, ибратли фикрлар билан унинг руҳий оламини жунбушга келтиради, теран мулоҳазаларга қўмдиради. Шоир «Раҳмат, одамлар!» шеърда ўзи таниб-танимаган, аммо меҳнат қилиб кунни-кунга улайдиган, шу билан ҳаммага бахт тилайдиган оқ кўнгилли инсонларга қарата:

**Чунки койгансиз ким ноҳақ бўлса,
Турғизиб кўйгансиз кимдир йиқилса,**

**Шундай қўлламас одамни одам,
Фақат зўр ғамхона бўларди олам.
Раҳмат, одамлар!**

дея миннатдорлик изҳор этади. Ва аксинча, «Йўлтўсар ва ғийбатчиларга» шеърда эса маънавий қашшоқ, шон-шухратни тилаб оладиган, ўзгалар омадини кўролмайдиган, пасткаш ва разил кимсаларга қарата аччиқ, заҳарханда мисралар битади ва улардан ўқувчини нафратланишга даъват қилади.

**Ҳар бир сўзингизда яширин илмоқ,
Бошингизда эса мужмал режалар.
Кўзингизга кучукдек хунук,
Алвастидан баттар кўринсам керак,
Есумандай кўринасиз
Сиз ҳам кўзимга,—**

дейди шоир. Бу шеърда шоир турли қинғир-қийшиқ, ҳаром-хариш йўллар билан енгил-елпи ҳаёт кечиршни бахт деб билган, нопок ва лаганбардор кимсаларга қарши ўзининг бахт ҳақидаги фалсафасини қарши қўйиб, ёзади:

**Мен бахтсиз эмасман аслида
Сизни бахтли ҳисобласалар,
Менинг бу бахтсизлигим
Сизнинг бахтингиздан кўра ҳалолроқ!
Олтин ваъда қилинг,
Амал ваъда қилинг,
Ваъда қилинг ҳузур-ҳаловат,
Ваъда қилинг меҳру садоқат.
Мен муте бўлмаган бахтсизлигимни
Ҳаром бахтингизга бермасман асло!**

Келтирилган бу мисралар қофиясиз бўлганлигидан юзаки қараганда номукамалдай кўринса-да, аммо унда ифодаланаётган ижтимоий фикрнинг муҳимлиги, инсон руҳий ҳолатининг реалистик тасвири шууримизга сайқал беради, ҳаётга теранроқ қарашга ундайди.

Маъруф Жалил лирик қаҳрамони — бизнинг замондошимиз. У биз билан бугунги ҳаётда — коммунистик қурилишимизда фаол иштирок этади, турмушнинг ютуқ ва камчиликларини, барча пасту баланди, аччиқ-чучукларини яхши англайди. У жамиятимиздаги барча иллатларга қарши фаол курашувчи шахс. Мана унинг ҳаётга, инсонга, муносабати:

**Яхши бўлмоқ қийин ҳаммага,
Ёмон бўлмоқ ундан ҳам оғир.
Лекин яшаб бўлмас дунёда,
Яхши ҳам, ёмон ҳам бўлмасдан ахир.**

«Гоҳ бир дўстим»

Бугунги ўзбек шеърлятида интернационаллик ҳамда ватанпарварлик ҳар қачонгидан ҳам юксакроқ ва чуқурроқ ифодаланмоқдаки, бу фазилатлар Маъруф Жалил лирикасига ҳам хосдир. У Ватан мавзуйдаги шеърларида бу туйғуни юксақ пафос билан, оригинал поэтик сўз — образларда завқли куйлашга интилади. Шоир хоҳ гўзал Тошкенту Фарғона ҳақида, хоҳ республикамиз ёки ўзи туғилиб ўсган қишлоғи ҳақида шеър битмасин, улар гўзаллигидан бир фидойи фарзанд сифатида қалби қувончга тўлади. Кишиларимизнинг ажойиб меҳнатсеварлигию дилкашлиги, мардлигию меҳмондўстлигини оламга кўз-кўз қилгиси келади. Ватанпарварлик ва интернационализм туйғуларини реалистик — конкрет ва дилкаш мисраларда ифодалашга муяссар бўлади.

Шоирнинг ватанпарварлик ғоялари билан йўғрилган шеърлари замондошларимизда гўзал ва бепоён мамлакатимизга меҳр-муҳаббат уйғотади, уни кўз қорачиғидай асраб, янада обод ва қудратли қилишга илҳом беради. Бинобарин, Маъруф Жалил ўзи туғилиб ўсган қишлоғидан тортиб улкан шаҳарларимиз, республикамиз ва бир бутун Советлар мамлакатини чин қалбдан севиб, уларни васф этиб шеър битганида устозлар изидан боради ва ўзига хос поэтик образлар яратиб қалбларга ҳаяжон солади. Ёки шоир «Қишлоғим» шеърда ўзи туғилиб ўсган қишлоғини ифтихор билан самимий куйлар экан, мамлакатимизнинг кўп жойларида бўлганлиги, ҳамма юртлар гўзаллигини меҳр билан тасвирлайди, аммо ўз қишлоғининг қиёфасини топмайди:

**Ҳаммаси-ҳаммаси қалбимга яқин,
Ҳаммаси-ҳаммаси ўз ерим, бироқ...
Нимангдир ҳеч ерга ўхшамас тагин,
Сени соғинаман, қадрдон қишлоқ.**

Ана шу ўринда шоир М. Миршакарнинг: «Ростини айтсам, мен учун буюқ Ватаним кичик қишлоғимдан бошланади. Чунки у ерда мен биринчи бор кўз очиб оламга боққанман, тилга кириб, йўл юриб, кўчага чиқиб тенгдошларим билан уйнаганман, яхшини ёмондан фарқлаганман, дўстларимнинг қувонч ва ғамларига шерик бўлганман, севиш ва нафратланишни ўрганганман» деган фикрлари беихтиёр эсга тушади. Ҳа, чиндан ҳам Ватан — бу даставвал

инсон туғилган, биринчи бор она алласини тинглаган, йўлга кириб оламни таниган жой. Бу ҳар қандай шахнинг ҳам кейинчалик улғайиб катта олам — кенг маънодаги Ватан ҳақидаги тушунчасининг шаклланишига замин бўлади. Маъруф Жалил «Ватан», «Тоғлар ва денгизлар», «Фарғона», «Мавзу ва ифода», «Самарқанд», «Тарих билан мулоқот», «Армиядаги юртдошларимга» каби шеърларида ҳам она-Ватаннинг ўтмиши ва бугунини реалистик мисраларда тараннум этадики, уларда ижодкор услубининг мавзунини тарихий аниқ шахслар, содда ва тиниқ ифодалар, савол-жавоб, мурожаат, қиёс, инкор каби воситалар орқали ёритишдек ўзига хос қирралари намоён бўлади.

Шоир тарихни қаламга олганда унинг қоронғу гўшаларини ҳам, нурли манзараларини ҳам реалистик ифодалайди.

Маъруф Жалил лирикасида абадий мавзу — инсон ишқ-муҳаббати эътирос билан куйланади, чин инсоний туйғулар: севишганлар қалбининг хилма-хил ҳолатлари: лаззатли висол онлари-ю, ҳижрон лаҳзалари, ишқдаги омаду омадсизлик, маҳбубанинг ошиққа меҳр-садоқатию ўтказадиган жабр-жафолари реалистик тараннум этилади. Шоир лирикасидаги ошиқ гоҳ маъшуқа висолидан маст, гоҳ ҳижрон азобидан изтиробга тушади. Инсон қалбидаги бундай руҳий ҳолатлар баъзан ҳаёл, баъзан туш воситасида ифодаланади. Шоирнинг бу мавзудаги ғазаллари, мухаммаслари анча пухта ва мусиқийдир. Бироқ, бу асарлар («Нетай сен эл аро», «Ноз этарсан менга», «Сен бўлмасанг ёнимда», «Қайдадир маъсума гул» ва бошқа) негадир композиторларимиз ва қўшиқ ижрочиларининг эътиборидан четда қолмоқда.

Аммо шоирнинг ишқ ва муҳаббатни куйловчи шеърларининг ҳаммасини ҳам бадиий юксак даражада деб бўлмайди. Баъзан жунгина, бир-бирига мантиқан боғланмайдиган мисралардан иборат шеърлар ҳам учрайдики, уларни китобхоннинг юксак эстетик диди, талабларини қондиради, деб айтиш қийин. Масалан:

**Сен шунчаки қилма табассум,
Сен шунчаки сўрама кўнгил.
Менинг гулга келар ҳавасим,
Ешлик, софлик таровати ул.**

**Сокин кўлга тош отма ўйнаб,
Нозли-нозли ташлама назар.
Қўй бошимни қотирма куйлаб,
Ростдан булбул бўлмасанг агар.**

Бу тўртликлардаги фикрлар мантиқан бир-бирини тўлдирмайди, ҳар бир мисра ўз ҳолича тушунилади, фикрлар эса жуда оддий, ўқувчига бадиий завқ беролмайди. Ёки шоир айрим шеърларида баъзи кишилардаги тубан хусусиятларни танқид қилганда лирик қаҳрамон — «мен» баъзан пассив, журъатсиз ифодаланади. Масалан, «Мен қалбимга» деб бошланувчи шеърда лирик қаҳрамон ўз қалбига тасалли бериш мақсадида, ғйбатчи кимсалардан узоқроқ юришни мақсад қилади. У шеърда рамзий образга айланиб, дарёдек тошиб, денгизлардан паноҳ топади... Лекин, бари бир, унда ҳам қарор тополмайди, ёмғир бўлиб ерга тушади, ерда ҳам кўнгли таскин топмай, ниҳоят шундай дейди:

**Шарт мингашиб умрим отига,
Ҳайда, дейди тақдирим, ҳайда!
Мен ундан ҳам қочарман, аммо,
Қайга қочай ўзимдан, қайга!!**


Бу шеърни ўқиган китобхон унда инсон руҳининг хилма-хил товланишлари оригинал йўсинда образли қилиб очилганлигига эътироз билдирмаслиги ҳам мумкин. Аммо лирикада қаҳрамон руҳий ҳолатларини қайд этишининг ўзи етарли бўлмайди, шеърда ижодкорнинг гоъвий ва эстетик мақсади, хулосаси шеър таъсирчанлигини оширишда муҳим мезон ҳисобланади. Мазкур шеърдаги лирик қаҳрамон ғйбатлардан безиб қолган, уни эшитишга тоқати йўқ. Бинобарин, «ёмондан қоч» деган ақидага амал қилиб яшайди. Аммо бундай журъатсизлик бугунги китобхонга ибрат бўла олмайди. Уни курашчан инсонгина ўзига эргаштириши мумкин. Шундай экан, бу шеърдаги лирик қаҳрамоннинг ҳаёт зиддиятлари олдида йўл тополмай қолишини шоирнинг муваффақияти дейиш қийин.

Маъруф Жалил лирик қаҳрамонининг руҳий олами бой, аммо гоҳ меҳрли, гоҳ қаҳрли, баъзан шод, баъзан ғамли, у эзгуликка дил-дилидан хайрихоҳ, қабиҳликка ғазабнокдир, сабр ва эътиқодли, хуллас, ҳар қандай оловда ёнавермайди, ҳар қандай ғамдан йиғлайвермайди. Шоир ана шундай психологияга эга бўлган лирик қаҳрамон кайфиятларини бадиий тадқиқ этганда бадиий ижод маъсулиятини чуқур ҳис қилади ҳамда шууримизни бойитиш, руҳимизни завқлантириш учун ўз овози, ўз сози, яъни оригинал услуб билан шеърлар битади. Бинобарин,

**Сўз билан ўликка бағишлар нафас,
Қасби Адолатнинг ёнин олмоқлик.
Шеър ёзмоқ-ку унча шарафли эмас,
Аммо шараф эрур шоир бўлмоқлик.**

{«Шоирлар»}

Хуллас, Маъруф Жалил бадиий ижодда анча тажрибали, камолот йўлида тинмай изланаётган шоир. Ижодий тажриба эса шоирда поэзиянинг йирик жанри — поэмалар яратишга қўл уриш журъатини яратади. Маъруф Жалилнинг янги-янги шеърлар, поэмалар яратиб, китобхонларимизни хушнуд этишига шубҳа йўқ.



Собир Мирвалиев

ДАВР ВА АДАБИЙ ТАНҚИД

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVI съезидан навбатдаги XXVII съезидигача бўлган давр мамлакатимиз ҳаётида зарбдор йиллар бўлганлиги билан ажралиб туради. Совет халқи аввалги съезд қарорларини муваффақиятли ҳал этиб, навбатдаги анжуманни муносиб кутиб олди. Утган беш йилликда мамлакатимиз ва республикаимиз ҳаётида жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Ҳаётимизнинг барча соҳаларида ленинча демократик нормалар камол топаётганлиги, Ўзкомпартиянинг тарихий XVI пленуми қарорларининг ҳаётбахш руҳи қалбларга тобора чуқурроқ сингиб бораётганлиги айниқса қувонарлидир. Маданий-адабий ҳаётимизда ҳам сезиларли силжишлар давом этмоқда. Хусусан, КПСС Марказий Комитетининг «Адабий-бадий танқид ҳақида»ги қарорининг ўн йиллиги, «Адабий-бадий ташкилотларни қайта қуриш ҳақида»ги (1932) қарорининг 50 йиллиги, «Партиянинг бадий адабиёт соҳасидаги сиёсати ҳақида»ги қарорининг (1925) 60 йиллиги, доҳиймиз В. И. Лениннинг «Партия ташкилоти ва партия адабиёти» номи машҳур мақоласининг 80 йиллиги ҳамда КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси лойиҳаси муносабати билан адабий жамоатчилигимиз жиддий ишларни амалга оширдилар.

Адабиётимиз, адабий-танқидимиз равнақиға таъсир кўрсатаётган сиёсий-ижтимоий ва ҳаётий омиллар тобора сермазмун, серқирра ва самарали бўлиб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистон Компартиясининг машҳур XVI пленуми қарорлари адабий-танқидда ҳам ошқора, очиқ танқидни кучайтириш, ошна-оғайнигарчилик, мадҳиябозлик ва ҳақиқатдан чекиниш ҳолларига кескин зарба беришга чорлади. Социалистик идеологиямизнинг соф ва фаоллигини таъминлашга даъват этди. Бинобарин, адабиётимизга, адабий-танқид йўналишига партия ҳамиша раҳнамолик қилиб келди. Буни бутун ижодий фаолиятимизда чуқур ҳис этмоқдамиз. Шундай шароитда биз ижодкорлар, ғоявий фронт кишилари зиммамизга юклатилган бурч, масъулият ва вазифалар салмоғи ортиб бораётганлигини ҳам заррача бўлса-да унутмаслигимиз лозим. КПССнинг тарихий ҳужжатларида таъкидланганидек, халқро воқеалар кескинлашган ва чигаллашган, ғоявий душманларимиз найранг ва бўҳватимизни ниҳоятда кучайтирган бир даврда сиёсий сезгирликни таъминлашимиз, куч-қувватимизни партия ва халқ мақсадлари сари янада самарали сафарбар этмоғимиз лозим.

Хуллас, адабиётимиз ва адабий-танқидчилик ўз олдидаги ана шу масъулиятни ҳар қачонгидан кўра ҳам чуқурроқ англаган ҳолда янги кўтарилиш сари бормоқда. Атоқли ёзувчи Георгий Марков айтганидек: «Танқидчилигимиз — адабиётда эмас, жамият маънавий ҳаётининг бошқа соҳаларида ҳам фаоллашди, обрўси ошди. Адабиётнинг таркибий қисми сифатида ўрни кенгайиб, бадий ижодда ўйнайдиган роли кўтарилди».

Чиндан ҳам адабий танқидчилик КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми қарорлари ва ўртоқ М. С. Горбачевнинг нутқ ва мақолаларида баён этилган кўрсатмалари заминиде ҳозирги кунда сезиларли мавқега кўтарилди. Энг муҳими, у партиямизнинг ўтқир ғоявий қуроли сифатида идеология ишининг барқарор ва самарадорлиги учун астойдил хизмат этмоқда. Республикаимиз адабий-бадий танқидчилиги эса, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг доимий ғамхўрлигини чуқур ҳис этган ҳолда маҳорат сари интилмақда. Хусусан, ўтган йили Ўзкомпартия Марказий Комитети Бюроси Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми қарорлари асосида республикаимизда адабий-бадий танқидчиликнинг аҳволи ва уни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисидаги масалани кўриб чиқиб, махсус қарор қабул қилиши ҳам ана шу партиявий ғамхўрликнинг ёрқин намунаси деса бўлади.

Бюро мажлиси қарорида қайд этилишича, кейинги йилларда бу соҳада чиндан ҳам жиддий ижобий силжишлар бўлди. Хусусан, адабий-бадий танқидчиликка бир қатор талантли ва малакали кадрлар келиб қўшилди. Энг муҳими, ўзбек совет танқидчилиги ва адабиётшунослиги заҳматнаш ва иқтидорли, тажрибали ва ҳалол танқидчилар меҳнати тўғрисида жиддий муваффақиятларни қўлга киритди. Аввало улар адабиётимизнинг жуда

муҳим ва актуал проблемаларини мустақкам партиявий позицияда туриб ҳал этиб бермоқдалар. Айниқса, ғоявийлик ва бадий маҳорат масалалари, ҳалқчиллик ва партиявийлик, анъана ва новаторлик, контрпропаганда масалаларига жиддий эътибор бераётирлар. Адабиетимизнинг сиёсий-тарбиявий ва эстетик роли, граждандлик пафоси, миллийлик ва интернационализм масалалари ҳам таҳлил марказига кўчмоқда.

Гап адабий танқид ва адабиётшунослигимизнинг кейинги йиллардаги аҳволи ҳақида борганда, энг муҳими, анчагина ижобий фактларга дуч келамиз. Хусусан, академик ёзувчи Ойбек асарларининг 20 томлик мукамал нашрининг босилиб чиқиши республикамиз адабий-маданий ҳаётида катта воқеа бўлди. Бундай нашр Урта Осиё ва Қозоғистон республикаларида биринчи бор амалга оширилиши билан ҳам эътиборлидир. Ҳамза, Абдулла Қодирий, Ҳамид Олимжон, Ғафур Фулом каби устоз адилларнинг ҳам худди шундай нашрлари яратила бошланди. Тўғри, кейинги айрим ёзувчилар асарлари нашрларида жиддий хато ва нуқсонлар ҳам мавжуд, бироқ уларни тузатиш эса қийин эмас. Муҳими, уларнинг маънавий ҳаётимиздаги ўрни бекиёсигидадир. Бунда адабиётшунослик-танқидчилигимизнинг заҳматкаш устози Ҳомил Ёқубов бошлқ бўлган совет адабиёти секторининг хизмати чексиз. Бу сектор кейинги йилларда ўнга яқин тўплам ва монографиялар ҳам эълон қилди. Улар орасида «Ойбекнинг ижодий методи ва бадий маҳорати», «Ҳозирги ўзбек адабиётининг миллий ўзига хослиги», «Ўзбек адабиётида жанрлар типологияси ва услублар ранг-баранглиги» каби тўпламлар ҳамда «Улуғ Ватан урушинда сўнги давр ўзбек совет адабиёти» каби монографик тадқиқотлар алоҳида ажралиб туради. Бироқ ушбу тўпламлардаги тарихий, автобиографик жанрлар ҳамда сатира ва юмор масалаларига оид мақолалар ўша тўпламлар савиясида эмаслигини яшириб бўлмайди. Худди шундай ҳол Фанлар Академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти илмий совети томонидан нашрга тавсия этилган «Пути развития узбекской реалистической прозы» (И. Мирзаев, 1984) ҳамда «Улуғ Ватан уруши даври ўзбек адабиётининг жанр хусусиятлари» (Б. Сайимов, 1984), «Тарихий ҳақиқат ва бадий ҳақиқат» (А. Каттабеков, 1982) каби монографик асарларга ҳам хосдек кўринади. Ҳатто сўнги асарда тарихий жанр билан тарихий-инқилобий адабиётга оид хусусиятлар фарқига етарлича эътибор берилмайди. Нашрга тайёрланаётган рус тилидаги «Ўзбек совет адабиёти тарихи» кўп томлигида ҳам шунга ўхшаш нуқсонлар кўзга ташланади. Шу тўғрисида ҳам Республика партия Марказий Комитетида бўлган муҳокама «тарих»га жиддий таҳрир киритди. Кўпгина мақолалар қайта ёзилиб, айримлари бутунлай чиқариб ташланди. «Тарих» янги материаллар, оригинал илмий хулосалар билан бойтилганлигини ҳам эътироф этиш керак. Бундай ижобий фазилатлар М. Иброҳимовнинг «Ўзбек совет поэзиясида жанрларнинг таркиб топиши» асарида ҳам йўқ эмас. У масалани анча изчил ҳал этишга интилган, қиёсий-тарихий, қиёсий-назарий планда фикр юритган ўринларда кўпроқ самарага эришади. У. Тўйчиевнинг «Ўзбек поэзиясида аруз системаси» номли монографик тадқиқоти авторнинг кўп йиллик меҳнат самарасидир. У кўп ўринларда бахсли бўлса ҳам ўзбек поэзиясида аруз системасининг пайдо бўлиши, ривож ва келажакини тўғри баён этиб беради. Айниқса, ўзбек шеърятини жаҳон ва қардош халқлар адабиёти билан қиёслаган ўринларда фикр ва хулосалари анча чуқурлашади. Бироқ, шубҳасиз ижобий фазилатлари мавжуд бўлган бу ишда жиддий нуқсонлар ҳам кўзга ташланади. Шеърят гўё шунчаки текшириляётгандек, унинг ғоявий-тарбиявий жиҳатлари, аниқроғи, ижтимоий омиллари бирдек эътибор марказида турмагандек сезилади. Яна ҳам аниқроғи, шакл билан мазмун бирлигига риоя этилмайди. Таҳлилда шаклий белгиларга майл қўчайиб боради. Баъзан эса тадқиқотчи масалаларини ичига чуқурроқ кираман деб, системалар моҳиятини жуда майдалаштириб юборади.

80-йилларда чоп этилган турли тўпламлар орасида марҳум Воҳид Зоҳидовнинг «Нафосат минтақалари буйлаб», Лазиз Қажумовнинг «Замондошлар», марҳум Маҳмудали Юнусовнинг «Ҳаёт нафаси», Бердиали Имомовнинг «Йиллар нафаси», Озод Шарафидиновнинг «Гўзаллик излаб», Салоҳиддин Мамажоновнинг «Давр шамолларига пешвоз», Очил Тоғаевнинг «Идрок ва ижод», Нуриддин Шукуровнинг «Бу олам саҳнида», Саъдулла Мирзаевнинг «Ғоявийлик байроғимиз», Иброҳим Ғафуровнинг «Шеърят — изланиш демак», Ортиқбой Абдуллаевнинг «Қалбга очилган йўл» каби ўнлаб асарларни ҳурмат билан тилга олса арзийди. Мазкур муаллифлар асарларида адабиётшунослик ва танқидчиликнинг муҳим масалаларини чуқур партиявий позицияда туриб таҳлил этиш етакчи ўринда туради. Улар баъзан бахсли бўлса ҳам адабий ҳодисаларга, ижтимоий-эстетик тараққиётга тўсқинлик қилаётган салбий ҳолатларни кескин танқид этадилар. Шунинг учун ҳам бу танқидчиларнинг ҳар бир китоби, ҳар бир тўпламида адабий танқид муаммолари, унинг ечими ва нуқсонлари, адабий танқид этикаси ва савияси ҳақида жонқуярлик сезилиб туради. Шундай хусусият Ҳафиз Абдусаматов, Умарали Норматов, Абдуғафур Расулов, Норбой Худойберганов, Бахтиёр Назаров кибиларнинг мақола ва китобларига ҳам хос. Энг муҳими, уларнинг асарларида ижтимоий таҳлил билан бадий-эстетик таҳлил синтез ҳолда намоён бўлади. Бу ҳол танқидчиларимизнинг маҳорати, тажрибаси ортиб бораётганлигидан дарак беради.

Ғафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти томонидан чоп этиляётган «Адабиёт ва замон» туркумидаги асарларнинг савияси юксалиб, кўпроқ назарий-типологик масалаларга эътибор берилляётганлиги ҳам мақтовга сазовор. Аммо ўрни келганда айтиш керакки, мазкур тўпламларни тайёрлаш босқичларида қандайдир нохуш ҳолатлар ҳам содир бўлди. Хусусан, тўпламга қандай мақолаларни киритиш борасида қатъий объектив принциплар ўрнига аксари ҳолларда ошна-оғайнигарчилик ҳукм суриши ҳолатлари ҳам кўзга ташланган эди. Уйлаймики, энди бундай камчиликларга нуқта қўйилади. Кейинги бир неча йилда чоп этилган китоблар орасида баъзи чалқаш фикрлар мавжуд бўлган тўпламларга ҳам дуч келамиз. Жумладан, Анқабой Қўлжоновнинг «Реализм ва романтизм», Норбой Худойбергановнинг «Сени ўйлайман, замондош» каби тадқиқотлари, айрим ёшларнинг тўпламларида шу ҳол кўзга ташланади. А. Қўлжонов Октябр инқилобигача бўлган ўзбек адабиётдаги ижодий методлар ҳақида гап борганда шундай ёзади: «Қисқаси буюк инқилобга қадар ўзбек

адабиётда реализм, танқидий реализм ҳам, натурализм ҳам, романтизм ҳам мавжуд эди» (32-бет). Тўғри, ўзбек адабиёти тарихида бундай ижодий методларнинг маълум белгилари, хусусиятлари мавжуд бўлган. Лекин улар ҳаммаси бир вақтда метод сифатида шаклланиб улгурмаган эди. Ҳатто биргина танқидий реализм билан романтизм методи ҳақидаги қарашлар ниҳоясига етгани йўқ, бу борадаги баҳслар давом этиб келмоқда. Қисқаси, ҳамма даврда бундай ижодий методларнинг айрим белги ва сифатлари сақланиб қолиши мумкин. Бироқ уларнинг ҳар бири мустақил метод сифатида параллел яшайолмайди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам қайси биридир бош ва етакчи ўринга кўтарилади. Чамаси, олим бу ҳақда пухта ўйлаб кўрса зарар қилмас эди. Ушбу китобдаги Ҳамид Олимжон ижодий услубига бағишланган «Сеҳрли туйғу сирлари» бобида ҳам шундай чалкашлик учрайди.

Н. Худойберганов тўпламида эса, мавжуд адабий ҳодисаларга, бадиий асарларга объектив баҳо берабилмаслик каби нуқсонлар кўринади. Айниқса, Худойберди Тўхтабоевнинг «Қасоскорнинг олтин боши» асари ҳақида фикр юритилган ўринда шундай чалкашлик кўзга ташланади.

Маълумки, бу роман адабий жамоатчилик томонидан объектив баҳоланган эди. Шунга қарамай, мунаққид аввалига романдан яхши сифатлар топади, бир оздан сўнг нуқсонлар излаб қолади. Ва пироварди ўзига-ўзи қарши фикрларни баён этади. Н. Худойберганов адабий танқидчиликда юқори баҳоланган «Дунёнинг ишлари» қиссасини ҳам асоссиз камситишга уринади.

Бундай нуқсон, фақат Н. Худойбергановга хос эмас, албатта. Танқидий мақолаларда кўп асарларни гоҳ авторининг мавқеига, гоҳ ўзининг шахсий симпатия ёки антипатиясига қараб баҳолаш иллати анчагина кучли эди. Узкомпартия Марказий Комитети Бюро мажлиси қарориди ҳам адабий танқидчиликда субъективизмга, ҳушомадгўйликка, баъзан эса тарихийлик принциpidан чекинмиш ҳолларига йўл қўйилаётганлиги жиддий кўрсатиб ўтилиши бежиз эмас.

Мана шундай иллатлар оқибатида катта кучга эга бўлган адабий танқидчилигимиз майда мавзулар, майда масалалар атрофида ўралашиб, бир-бирини ва баъзан ўзини-ўзи такрорлаш каби нуқсонларга йўл қўйиб келди. Энг хавфлиси, бу давр адабий танқидчилигида шамол қаёқдан эсса, шу томонга салом бериш қусури авж олди. Буни кўплаб фактлар билан исботлаб бериш қийин эмас. Оқибатда танқид бир томонга, мақтов иккинчи томонга қараб кетди ва меъёр йўқолиб, илмий-объективликка путур ета бошлади. Танқидчининг ижодкор олдиди, адабиёт олдиди обрўси тўкила борди. Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XVI пленуми бундай нохуш аҳволга чек қўйди.

Беш йиллик адабий танқид ҳосили орасида адабиётшунос ва танқидчиларнинг бир ва кўп томлик сайланмалари ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Бу йилларда, Ҳомил Ёкубов, Матёқуб Қўшжоновларнинг икки томлик, Воҳид Абдуллаев, Ҳафиз Абдусаматов, Озод Шарафиддинов, Салоҳиддин Мамажонов, Умарали Норматов каби танқидчиларнинг бир томлик «Сайланма»лари нашр этилди. Уларнинг кўплари сайланма жанри талаблари даражасида деса бўлади. Бироқ айрим «Сайланма»лардаги мақолалар савиясига кўра эътироз уйғотади. «Сайланма»ларнинг тартиби, автори, нашр принциплари хусусида ҳам ҳали жиддий ишлар қилиш лозим. Азиз Қаюмов, Бердиали Имомов, Абдуқодир Ҳайитметов, Нуриддин Шукуров сингари чинакам заҳматкаш адабиётчи олимларни ва иқтидорли ёшларнинг ҳам «Сайланма»ларига йўл очиб бериш керак. Бундай нашрларни асосан Ўзбекистон Ёзувчилари союзи ва унинг қошидаги адабий-танқид совети тавсияси билан амалга оширмоқ фойдалидир.

Кейинги йилларда яратилган адабий портретларга хос муаммоларга ҳам тўхталиш зарур. Бу даврда ўндан ортиқ адабий портретлар яратилган. Улар орасида Уйғун, Саид Аҳмад, Мирмуҳсин, Пириқул Қодиров, Шукрулло, Озод Шарафиддинов каби ижодкорларнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятини таҳлил этувчи асарлар алоҳида ажралиб туради. Уларда маълум адибнинг ижоди ва шахсиятига хос ибратли қирраларни топиш, умумлаштириш ва ўзига хослигини очишга интилиш сезилади. Бу борада М. Ҳасановнинг «Айний чамани», И. Гафуровнинг «Прозанинг шоири» номли тадқиқотларини юқори баҳолаш лозим. Лаазиз Қаюмовнинг «Замондошлар» тўпламига кирган адабий портретлар ўзига хос ихчамлиги ва сермаънолиги билан ажралиб туради. Унда 43 адиб ижоди ва ҳаёт йўли, адабиётда тутган роли ҳақида мулоҳаза юритилади. Муаллиф бу адиблар билан шахсий учрашувларда олган таассуротлари, характерли деталларни келтириш орқали ижодкор санъаткор оламини мукамал очиб бериш йўлидан боради ва яхши самараларга эришади.

Кейинги йилларда тарихий-назарий ва проблематик мақола ва тўпламлар чиқаришга маҳлиё бўлиб кетиб, адабий-ижодий портретлар яратишда анча оқсаб қолганимиз сезилмоқда. Худойберди Тўхтабоев, Гулчехра Нуруллаева, Гулчехра Жўраева, Ҳалима Худойбердиева, Ойдин Ҳожиева, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Шукур Холмирзаев, Омон Матжон каби ўнлаб ўрта авлодга кўтарилган ижодкорлар ҳаёти, ижодий йўли ҳақида салмоқли тадқиқотлар ҳали яратилгани йўқ. Китобхон эса бундай тадқиқотларга жуда муҳтож. Шунингдек, адабий портретлар ёки «чизги»лар яратганда маълум ижодкорнинг муваффақияти, маҳоратини кўз-кўз этиш билан бирга ижодий эволюциясини ҳам кўрсатиш зарур.

Драматургия жанри муаммолари борасида Ҳафиз Абдусаматов, Бердиали Имомов, Муҳсин Қодиров, Эркин Умаров, Баҳриддин Насриддинов каби бир қатор танқидчилар матбуотда жиддий фикр ва мулоҳазалар билан чиқиб турибдилар. Айниқса, драматургия ва замон, театр ва томошабин мавзусида қизгин баҳслар бўлаётир. Шундай бўлса ҳам бу соҳадаги кузатишлар очигини айтганда айрим тақриз ва баҳслардан нарига ўтолмаётир. Тўғри, айрим тўпламлардагина драматургия жанрининг муаммо ва вазифалари тилга олинади. Ҳ. Абдусаматовнинг «Ҳаёт қўшиғи» монографиясида Уйғун драматургияси — замонавий асарлари таҳлил этилади. Шунга қарамай, бу соҳани умумлаштириб берадиган, назарий-амалий проблемаларини ўртага қўйган монографик ишлар йўқ ҳисоб. Шу фактнинг

ўзйёқ ҳозирги драматургия муаммолари ҳақида жиддий ва катта кўламдаги илмий-танқидий ишларни яратишга чорлайди деб ўйлаймиз. Баъзи пайтларда етук драматургий асарлар кам деб баҳона қилинади. Аслида эса, ҳар томонлама таҳлил учун материал берадиган жуда кўп ва яхши асарлар мавжуд. Фақат уларга ҳалол ва объектив ёндашиш орқали йирик кузатишлар ва умумлашмалардан иборат салмоқли адабий-танқидий мақолалар яратса бўлади.

Болалар адабиётшунослиги ва танқидчилигидаги аҳвол ҳам анча жиддий ва ташвишли дейиш мумкин. Тўри, С. Мамажонов, П. Шермухамедов, Б. Имомов, М. Юнусов каби йирик олимларнинг бу соҳага доир турли-туман тўпламлари нашр этилди. «Болалар адабиёти ва замонавийлик» типидagi тўпламлар ҳам чиқиб турибди. Бироқ болаларнинг катта адабиёти ҳали тўла баҳосини олганича йўқ. Тил ва адабиёт институтидаги болалар адабиёти сектори бундай катта ишларни яратиш учун тўла имкониятга эга эмас. Ҳатто атоқли болалар шоири Қуддус Муҳаммадий ижодида бағишланган ўнлаб рисоалар чиққан бўлса ҳам, ҳали уларнинг бирортаси бу санъаткор ижодини монографик аспектда тўла таҳлил қилиб беролмади. Ҳ. Тўхтабоев, Анвар Обиджон ижоди ҳақида етарли тадқиқотлар юзга келганича йўқ. Болалар адабиётининг ҳозирги босқичидаги тараққиёт қонуниятлари, тенденция ва хусусиятларини умумлаштириб бериш, унинг олдида турган кўпгина муаммоларни ҳал этиш шу куннинг жуда муҳим вазифаси бўлиб қолмоқда. Бу соҳага мутасадди бўлган ва илмий даражалар олган танқидчи ва адабиётшунослар, фан докторлари ишим битди зайлида, иш тугиб, болалар адабиётшунослигидан четга чиқиб қолаётирлар.

Адабий алоқалар, адабий таъсир масалалари бўйича ҳам жуда кўп олимлар шу-ғулланмоқда. Бу борада яратилган айрим тўпламларни ҳисобга олмаганда жиддий ва катта асарлар йўқ деса бўлади. Мавжуд ишлар кўпроқ фактик материалларни изоҳлаб, умумий хулосалар беришдан нарига ўтмаяпти. Айниқса, ҳозирги ривожланган социализм шароитида адабий алоқалар ва ўзаро таъсир масалаларини кенг умумлаштирувчи, унинг типологик хусусиятлари ва қонуниятларини кўрсатувчи йирик ишлар ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ниҳоятда зарур. Тўри, Ш. Шомуҳамедовнинг ўзбек ва форс, тожик ҳамда Яқин ва Ўрта шарқ адабиётлари билан алоқасини очувчи «Ҳазиналар жилоси», «Одамийлик иншоси» каби тўпламлари яратилди. А. Рашидовнинг «Сўнмас юлдузлар», Р. Иноғомовнинг «Адабиёт — дўстлик элчиси», Ш. Турдиевнинг «Адабий ҳамкорлик самаралари» номли ва яна бир қанча китобчалар нашр этилди. Лекин бу соҳани яхлит умумлаштирувчи, адабиётимиз равнақиға хизмат этаётган томонларини пухта очиб берувчи назарий-проблематик ишлар яратиш ҳамон давр талабларидан орқада қолмоқда.

Мафкуравий кураш масалаларига боғлиқ ишларимиз ҳақида ҳам қисқача тўхталиш лозим. Бу борада Л. Қаюмов, М. Нурмухамедов, С. Мамажонов каби йирик олимлар жиддий мақолалар ёзиб, адабиётимизнинг ғоявийлик байроғини янада баланд кўтардилар. Бироқ съезддан-съездгача ўтган даврда бу соҳани барча қирралари билан кенг ёритиб берувчи назарий-амалий типдаги тўплам ёки яхлит ҳолдаги монографик асар яратилмади. Ваҳоланки, ғоявий душманларимизнинг ҳужуки кучайган, кураш усуллари ортиб бораётган шу кунларда уларнинг ғоясини фош этувчи, кенг китобхон оммасига мўлжалланган ҳам илмий-назарий, ҳам оммабоп асарлар яратиш зарурлигини даврнинг ўзи талаб этмоқда.

Адабиётшунослик ва адабий танқид ҳақида гап борганда адабий меросга муносабат масаласини ҳам четлаб ўтиб бўлмайди. Минг йиллар давомида халқимиз яратган ниҳоятда бой адабий меросни ўрганиш, тадқиқ этиш ҳамиша замонавий адабиёт равнақиға йўл очиб беради. Албатта, у марксча-ленинча илмий методологик нигоҳ билан амалга оширилгандагина бадииятга, жамият ва илмга кўпроқ самара келтиради. Шу маънода сўнги давр адабиётшунослиги ва танқидчилигида адабиёт тарихини тадқиқ этувчи жиддий ва салмоқли ишлар яратилганлигини мамнуният билан қайд этиш лозим. Хусусан, марҳум академикларимиз В. Зоҳидов, В. Абдуллаев ҳамда адабиётшунос А. Қаюмов, А. Ҳайитметов, Б. Валихўжаев, Б. Қосимов, Е. Исҳоқов, А. Валихонов, М. Ҳакимов каби ўнлаб авторларнинг адабиёт тарихи тадқиқиға оид ишлари эътиборга лойиқдир. Лекин бу борада қанчалик муваффақиятларга эришмайлик, ҳали олдимизда маданий меросимизни янада чуқурроқ ўрганиш ва жиддий, катта фундаментал асарлар, илмий-оммабоп китоблар яратиш вазифаси турганлигини даврнинг ўзи кўрсатмоқда. Бу борадаги баъзи муаммоларга диққатни жалб этайлик.

1. Навоийнинг илмий биографияси масаласини олиб кўринг. Устоз Е. Э. Бертельс яратган «Навоий» номли машҳур монографиядан кейин ўтган 40 йил вақт орасида улғу шоирнинг адабий мероси ва ҳаётини ўрганиш борасида қанчадан-қанча янги материаллар топилди, янги тадқиқотлар вужудга келди. Ўз-ўзидан аёнки, ҳозирги китобхон учун Навоийнинг ҳаёти ва ижодини тўла ёритувчи ҳам илмий, ҳам оммабоп шаклдаги монографик асар керак. Бу масалани ҳал этиш навоийшунослар олдидаги энг биринчи вазифа ҳисобланади.

2. Навоийнинг ҳаёти ва ижодий мероси кенг планда ва самарали ўрганилаётганлиги яхши. Аммо навоийшуносликка оид кейинги илмий ишларнинг деярли кўпчилиги билан танишганда улардаги бадиий-илмий талқин, назарий-амалий хулосалар бевосита ғоявий талқин ва хулосалар билан олмухта бўлиб кетаётганлиги сезилади. Шакли мазмундан, мазмунни шаклдан ажратиб, алоҳида тасаввур этиб бўлмаганидек, Навоий ижодий меросини ҳам унинг ғояларидан, ғоявий қарашларидан ташқарида тушуниш қийин, албатта. Бунда Навоий меросига хос замонавийлик чуқур очилмай қолади. Ҳаммамизга аёнки, ҳозирги кунда партия ва ҳукуматимиз бутун идеологик фаолиятимизни, адабиёт ва санъат асарларини тинчлик, яратиш ва бунёдкорлик ишига сафарбар этмоқда. Шу нуқтаи назардан Навоий меросини кўздан кечирарак, унинг қанчадан-қанча асарларида ёвуз урушлар ва қирғинларни қоралаш, диний ақидаларни фош этиш, майхўрлик — ақлдан озмиш белгиси деб лаънатланган ғоялар етакчилик қилишини кўраимиз. Энг муҳими, унинг гуманизми давримиздаги эзгу идеалларга ҳамоҳанглигини пайқаш қийин эмас. Навоий поэтикаси ҳақида гап борганда ёки ғазаллари, рубоийлари, дostonлари таҳлил этилганда, ўрни билан Навоий ижодиға хос курашчанлик, фош этувчилик ва ҳаётбахш гуманизм ғояларини тарғиб этиш илмдаги самарали йўл бўлиб қолаверади.

Энг муҳими, тадқиқотчи фақат бадиийликни, маҳоратнигина баҳолаб қолмай, балки ғоявийликни белгилайдиган омилларни ҳам яхлит умумлаштириши зарур. Яъни адабиётимиз тарихидаги феодализм билан гуманизм ўртасидаги, феодализм-клерикализм оқими билан демократик оқим ўртасидаги синфий-ижтимоий моҳиятга эга бўлган ғоявий йўналишни баҳолаш ва умумлаштириш адабиётшунослиқ ва танқидчилик олдидаги энг муҳим вазифа бўлиб қолаверади.

3. Навоий ижодини қиёсий пиланда жаҳон адабиёти тарихи аспектида ўрганиш ва баҳолаш вақти келганлигини ҳам айтиб ўтиш керак. Бугунги кунда Пушкин, Лермонтов шеърятисиз ўзбек шеърятини тасаввур этиб бўлмаганидек, Навоий ижодисиз на Бедил ва Фўзулий, Маҳтумқули ва Бердах, Абай ёки Тўхтағул мансуб адабиётлар ривожини ҳам тасаввур этиб бўлмайди. Ёки Фурқат, Ҳамза каби сиймолар ижодини Чўқон Валихонов, Мирза Фатали Охундов, Сакен Сайфуллин, Абдулла Тўқай ижоди билан қиёслаб ўрганиш ҳақида ўйлаб кўриш керак. Айниқса, улар ижодидаги эскилик, хурофот ва динга қарши мотивларни умумлаштириш ва тарғиб қилиш орқали атеистик тарбия ишига муносиб ҳисса қўшган бўламиз.

Адабий меросни ўрганиш ҳақида гап борганда Беғали Қосимовнинг «Излай-излай топганим» асари ҳамда Аҳмад Алиевнинг «Адабий мерос ва замонавийлик» асарларига ҳам тўхталиб ўтиш зарур. Биринчи асар фактларга бойлиги, фикр ва хулосаларнинг аниқлиги, масалага илмий ва сиёсий жиҳатдан тўғри ёндашганлиги ва уни муваффақиятли ҳал этиб берганлиги билан ажралаб туради. «Адабий мерос ва замонавийлик» китоби эса ўз олдида яхши мақсадни қўйганлига қарамай, қаттиқ танқидга учради. Сабаби, унда автор 20-йиллар ўзбек адабиётини баҳолашда ҳам, айрим сиймолар ижодини ўрганишда ҳам бир ёқламаликка йўл қўйди. Бу жиҳатдан профессор Б. Имомовнинг «Йиллар нафаси» номли тўпламига кирган «20-йиллар драматургиясига доир мулоҳазалар» мақоласининг руҳи, талқин усули маъқул кўринади. Унда адабий меросга ленинча талаблар даражасида ёндашилади. Уша йиллар драматургияси ва санъаткорларининг ижодий эволюцияси босқичма-босқич ўрганилади, энг муҳими, масалага изчил танқидий муносабат мавжуд. Халқ оғзаки ижодини ўрганиш борасида бир қатор фольклоршунос олимлар жиддий ишларни амалга оширмоқдалар. Хусусан, М. Муродовнинг «Сарчашмадан томчилар», Ф. Жалоловнинг «Ўзбек халқ эпоси» (рус тилида), М. Қўшмоқовнинг «Бахшилар хазинаси» ҳамда «Дарёлар уфқи — денгиз» асарлари ва Х. Эгамовнинг «Совет шарқи туркий халқлари эртакчилик анъаналари тарихидан очерклар», шунингдек, коллектив томонидан яратилган «Ўзбек халқ оғзаки ижодидида эпик жанрлар» тўплами эътиборни тортади. М. Муродов, М. Қўшмоқов каби тадқиқотчилар халқ оғзаки ижодини тўплаш ва тарғиб этиш, бахшилар ижодини ўрганиш, нашр этиш масалалари билан боғлиқ ташқилий-амалий муаммоларни ҳам жонкуярлик билан илгари сурадилар. Ёш фольклоршунос М. Қўшмоқовнинг ҳар икки асари фактларга бойлиги, илмий теранлиги, хулосаларининг ўзига хослиги билан мутахассислар ҳурматини қозонди. Бироқ халқ оғзаки ижодига оид ҳамма асарлар бир хил савияда бир хил савияда эмас. Масалан Х. Эгамовнинг юқорида тилга олинган йирик ҳажмли асарида шундай оқсаш сезилади. Тўғри, асар жуда катта меҳнат ва кузатишлар маҳсули сифатида юзага келган. Унда Совет Шарқи туркий халқлари сеҳрли-фантастик эртаклари қиёсий-типологик пиланда ўрганилади. Бироқ автор кўп ҳолларда масаланинг ташқи томонларига маҳлиё бўлиб кетиб, қардош халқлар ўртасидаги қадимий ҳамдўстликни маданий-адабий алоқаларни таъминлаган ғоявий илдизларни таҳлил этишда чекланиб қолади.

Муаммолар фақат шулардангина иборат эмас.

Адабиётшунослиқ ва танқидчиликда эътибордан четда қолаётган ёки етарли ўрганилмаётган жиддий назарий-проблематик, тарихий-амалий масалалар мавжуд. Лоақал социалистик реализмнинг ҳозирги босқичи, ҳаёт билан алоқаси, жанрлар, услублар ранг-баранглиги ва бойлиги борасидаги имкониятлари, қонуниятлари ҳамда уларни ҳам тарихий, ҳам назарий жиҳатдан типологик ўрганиш масалалари етарли даражада тадқиқ этилди деб бўладими? Ёки жанрлар поэтикаси, жанрларнинг бир-бирига таъсири, синтезлашувидаги жараёнларни олиб кўринг. Айрим асарларда шакл билан ғоянинг бирлиги, узвийлиги борасидаги оқсашлар қандай келиб чиқмоқда? Ёки қаҳрамон танлаш ва уни типиклаштиришдаги нуқсонларга сабаб нима? Бадиий-тасвирий воситаларнинг жўн ва сунъийлигини? Айниқса, бадиий тил соҳасида мавжуд иллатларни қандай баҳолаш керак? Бу борада ҳатто айрим тажрибали ёзувчилар ҳам эҳтиётсизлик кўрсатиб, бой тилимиздан масъулиятсизларча фойдаланаётгани ҳеч кимга сир эмас-ку!

Хуллас, адабий танқидчилик олдида ниҳоятда улкан, масъулиятли вазифалар турибди. Танқидчиларимиз замон олдидаги муқаддас бурчларини сидқидилдан бажаришлари, адабий ҳодисаларга бадиий-эстетик ва ижтимоий-сиёсий, маърифий-тарбиявий нуқтаи назардан баҳо беришлари лозим. Бу фаолликни, фидойилик ва ҳалолликни, билим ва иродани, меҳнатни, профессионал маҳоратни талаб этади.

Кўнгил бермиш сўзумга...

«Жаҳон адабиётининг азамат сиймоси» (В. М. Жирмунский) Алишер Навоий ижоди фақат ўзбек шоирларига эмас, балки бутун Шарқ адабиётига самарали таъсир кўрсатган. Таниқли ҳинд адаби Хўжа Аҳмад Аббос бу ҳақда: «Навоийни, унинг яратган ажойиб образларини ҳинд халқи яхши билади ва севади», деб ёзган эди.

Навоий ўз ижодида Ўрта Осиё халқлари адабиётидаги барча илғор ғоя ва анъаналарни умумлаштирган. Шунинг учун ҳам улуг шоирни туркий шеърятнинг оқсоқоли, деб атаганлар. Бу ўринда атоқли рус олими Е. Э. Бертельснинг қуйидаги фикри ёдга келади: «Навоийнинг муборак номи кенг халқ оммаси орасида ҳалигача яшайди. Унинг лирик шеърлари халқ оғзида кўшиқ бўлиб кетган. Ўзбекистондагина эмас, балки Туркменистонда ҳам, Қозоғистон ва Афғонистонда ҳам уни ҳурмат билан эслайдилар».

Шоирнинг ғазаллари, ишқий-лирик дostonлари туркман халқи ўртасида ҳам кенг тарқалган.

Навоий асарлари инқилобдан анча илгариеқ туркман мактаб ва мадрасаларида ўқув китоби сифатида фойдаланилган. Унинг номи туркман зиёлилари орасида ҳам, меҳнаткаш халқ орасида ҳам маълумлар бахти учун қайғуришининг буюк тимсоли сифатида ҳурмат билан тилга олинади. Шоир туркманлар билан бевосита алоқада бўлган.

Навоий давлат ишлари, мамлакатнинг турли ерларида кўтарилиб турадиган исёнларни яхшилик йўли билан ҳал этиш, маданий қурилишларга раҳбарлик қилиш мақсадида кўп марта туркман ерларида бўлган.

Тарихий манбаларда Навоий Мари (Марв), Маҳна, Абивард сингари туркман шаҳарларида бўлгани ҳақида маълумотлар бор. Шоир ижодида туркман халқи, шаҳар ва қишлоқларнинг исми зикр этилган ғазаллар анчагина учрайди. Улуг санъаткор туркман халқи, оғзаки ижодиёти ва музика санъатига юқори баҳо беради, ҳунармандларнинг диди, чавандозларининг маҳоратига қойил қолади, ғўзаллари юрагини ром этганини айтади:

**Чиқиб ишқ ўти кўсим чокидин, бошимдан ошибдур,
Бу эскирган ёғочга ўз ичиндан ўт тутошибдур.**

Навоий Марв (Мари)ни жуда ёқтирган, шунинг учун ҳам бу ерда бўлиш ўзига илҳом бағишлаши, руҳини кўтаришини ёзган эди:

**Масканим ҳижронда бўлса эди Марви изоҳи жон,
Бергай эрди ҳажрдин ўлсам, танимга шоҳ жон.**

Шоир мамлакат осойишталиги ташвишида юрган вақтларида бир неча маротаба Марвда тўхтаган, бу шаҳарни ободонлаштиришга ҳисса қўшган. Қирот ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида 370 га яқин мадраса, кутубхона ва шифохона қурдирган Навоийнинг бевосита кўмаги ва раҳбарлиги остида бу шаҳарда ҳам 1476 йилда «Хисравия» мадрасаси қурилган. Талабалар тўлиқ Навоийнинг шахсий таъминотидан баҳраманд бўлганлар.

Адиб Қирот, Астрообд, Хуросонда яшовчи туркманлар билан яхши муносабатда бўлган. Уларнинг оқкўнгил йўлбошчиси Ёқуб султон билан дўстлашгани ва Жомий қўли билан ёзилган ажойиб бир баёзни унга ҳадя этгани хусусида тарихий манбаларда маълумотлар бор.

«Ўзбек адабиётининг асосчиси Алишер Навоий туркман шоирларининг ҳам маънавий падари, устози ҳисобланади, — деб ёзади Туркменистон Фанлар Академиясининг академиги Б. А. Карриев «Навоий ва туркман адабиёти» мақоласида. — Шуниси характерлики, туркменистонлик баъзи шоирлар Навоийнинг бевосита шоғирдлари бўлганлар. Буюк гуманист шоир уларга шеърят сирларини очган, ижод этишларига кўмаклашган...

Серахслик Мир Саид Қобулий, унинг акаси Муҳаммад Али Ғарибий, унинг кичик ўғли Сабухийни Навоий тарбиялаган... Навоий барҳаёт даврларида ана шундай эди. Бироқ унинг ўлимидан сўнг ҳам 5 аср давомида бу олижаноб вазифани Навоийнинг ўлмас асарлари бажариб келди ва бажармоқда» («Ўзбек тили ва адабиёти», 1968, №3, 41-бет).

Маълумки, Навоий «Мажолисун нафoис» асарида ўз салафлари ва замондошлари бўлган шоир ва олимлар ҳақида маълумот беради. Булар орасида туркменистонлик бир қатор шоирлар ҳам тилга олинади. Алишер Навоийнинг Мавлоно Рухий Ерзий, Хўжа Муайёд Меҳна, Дойи, Мавлоно Юсуфшоҳ, Нурсайдбек, Мирсаид Ҳасан Абивардий, Хўжа Ҳусайн Кирангий, Хўжа Абу Ислоҳ, Хўжа Абу Саид, Хўжа Абу Носирий каби ижодкорлар ҳақидаги фикрлари туркман адабиётининг илк намоёндалари, умуман олганда, туркман ижтимоий фикрини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади. Шоирнинг аруз илми қонун-қоидалари шарҳига бағишланган «Мезонул-авзон» асарида ҳам ўзбек шеър тузилиши ҳақидаги фикрлар билан бирга, туркий тилда ижод этувчи бошқа халқлар, жумладан, туркман поэзияси ҳақида ҳам айрим мулоҳазалар бор.

Навоий ижоди туркман адабиётига шунчалик яқин ва мустаҳкам алоқадорки, машҳур рус олимлари А. Самойлович, Е. Э. Бертельслар туркман адабиёти тарихини чуқур ўрганиш учун улуг ўзбек шоири ижодини синчиклаб текшириш лозимлигини таъкидлаган эдилар. Бу фикр Навоий асарлари туркман адабиёти билан ҳам чамбарчас алоқада бўлганлигини кўрсатади. Бунинг қатор сабаблари бор.

Навоий ғазаллари, дostonларига кирган қўшиқлари жуда узоқ вақтлардан бери туркман

бахшилари репертуаридан мустаҳкам ўрин олган эди. Бу ҳақда туркман совет адабиётининг оқсоқоли Берди Кербобоевнинг қуйидаги фикри диққатга сазовордир; «Миралини — Навоийни туркман халқи ўз классигидай севади. Мактабларда савод чиқариш учун ўқитиладиган асосий китоблардан бири Навоий эди. Саводли, ўқимишли одамлар ўз атрофига тингловчилар тўплаб, унинг «Хамса»сини ҳафталаб ўқирдилар. Навоийнинг ғазаллари куйларда, ашуларда янгради. Бу ашулар ҳалиям бахшиларнинг репертуаридан тушгани йўқ. Одатда бахшилар узоқ кечанинг куй ва кўшиқларини Навоий билан бошлардилар». Шоирнинг «Девон»лари, айниқса, ўлмас «Хамса»си бир неча аср давомида туркман мактаб ва мадрасаларида дарслик сифатида фойдаланиб келинганлиги Навоий асарларининг туркман халқи ўртасида кенг тарқалишига сабаб бўлган. Натижада туркман халқи Навоий ҳаётлигидаёқ, улуғ шоир тўғрисида қатор латиға ва ривоятлар тўқиган. Бу ривоятлар алоҳида бир туркумни ташкил этади.

Мирали ҳақидаги туркман халқ эртаклари оғзаки ижодиётга хос жонли, нозик ва ўткир юморга бой бўлиб, ўша давр зиддиятларини ҳаққонийлик билан кўрсатади. Буларда туркман халқининг адолат ва яхшилик ҳақидаги эзгу орзулари ифодаланган. Улуғ шоир ҳаёти, ижоди ва ижтимоий фаолияти билан боғлиқ ривоятлар тахминан XVI асрларда пайдо бўлган. Шунинг учун ҳам улар халқ донишмандлари томонидан қайта ишланган, таҳрир қилинган. Буни эртакларда синфий қарама-қаршиликларнинг кескинлашуви, муҳим ижтимоий масалаларнинг дадил қўйилиши ҳам кўрсатиб турибди. Маҳтумқули бу эртаклардан ҳам таъсирланганлиги, улуғ шоир сиймосининг баъзи томонларини шулар ёрдамида билганлиги шубҳасиздир. Бу асарлар туркман халқининг буюк Алишер Навоийга муҳаббати рамзи сифатида ҳам қимматлидир.

Хуллас, туркман адабиётининг йирик намояндалари ижодига Алишер Навоийнинг таъсири ғоятда кучли. Бу ҳолат Навоийдан кейин яшаган деярли барча туркман шоирлари ижодида яққол сезилади. Туркман адабиётининг Озодий, Маҳтумқули, Шоҳбанди, Андалиб, Шайдоий, Саидий, Ғойибий, Валеҳий, Залилий, Ошиқий, Муллонафас, Мискинқилич сингари классиклари Навоий ижодидан бевосита баҳраманд бўлганлар, унга эргашганлар.

XVIII аср туркман адабиётининг йирик вакилларида бири Давлатмамад Озодий ҳам ўз ижодида Шарқнинг бошқа классиклари қатори Алишер Навоий асарларида илгари сурилган ғояларни ўз даврига мослаган ҳолда ривожлантиришга интилган. Бунинг самараси шоир ғазалларида, шунингдек, фалсафий-дидактик руҳдаги «Ваъзи Озод» номли машҳур достонида аниқ сезилади. Мазкур асарда илгари сурилган фикрлар, айниқса, шоирнинг жамият, одоб ва тарбия, илм ва маърифатнинг аҳамияти ҳақида юритган мулоҳазалари Алишер Навоийнинг «Ҳайратул-аброр» асарини ёдга туширади. Демак, Озодий шоир ғазаллари, айниқса «Хамса» достонлари, хусусан, ундаги «Ҳайратул-аброр» асарининг зўр таъсирида бўлганлигидан далолат беради.

Масалан, Навоий «Ҳайратул-аброр»да давлат ва унга йўлбошчилик қилган ҳокимлар ҳақида гапириб, подшоларнинг зулмини дадил қоралаган бўлса, Озодий «Ваъзи Озод» асарининг биринчи бобини шу масалага бағишлаб, золим шоҳларни танқид остига олади. Навоийда:

**Деди: Бурун эди яхши ҳолимиз,
Зулм хароб айлади аҳволимиз.
Шоҳ улус ҳолидин огоҳ эмас,
Жуз маю мутриб анга дилхоҳ эмас.**

Озодийда ҳам деярли шунга ҳамоҳанг фикрларни учратамиз: Унинг золим подшолар тўғрисидаги қуйидаги фикрлари ҳам Навоий илгари сурган мулоҳазаларга яқин туради.

**Жабру зулму подшоҳи золиминг,
Уқ бўлиб ўз жонина теккай, билинг.
Барча мазлум оҳидин қилгил ҳазар,
Йўқса бил, умринг танобини узар.**

Навоий таъсири айниқса туркман классик адабиётининг асосчиси Маҳтумқули ижодида яққол сезилади. Бунга бир қатор омиллар сабаб бўлган. Булардан энг муҳимлари сифатида қуйидагиларни алоҳида таъкидлаш лозим. Биринчи омил Алишер Навоийнинг асарлари шарқда машҳурлиги, туркман халқи орасида ҳам кенг тарқалганлигидир. Бинобарин, XV аср ва ундан кейинги даврда ижод этган Шарқ санъаткорлари орасида Навоий асарларидан таъсирланмаган, ижодидан хабардор бўлмаган бирорта шоир бўлмаса керак. Яна бир омил — улуғ туркман шоирининг ўзбек мадрасаларида таҳсил кўргани ва шу туфайли ўзбек адабиёти, жумладан, унинг энг йирик вакили Навоий ижодини чуқур ва ҳар томонлама ўрганганлигидир.

Аввал ўз овулидаги мактабни битирган Маҳтумқули Хивадаги «Шерғозихон» мадрасасида маълумотини оширади. Уша даврнинг энг яхши маърифат даргоҳларидан бирида таҳсилни тамомлаб, шаҳарни тарк этар экан, у ўз туйғуларини «Гўзал Шерғози» шеърда шундай ёзади:

**Макон айлаб уч йил едим тузингни,
Кетар бўлдим, хуш қол, гўзал Шерғози.
Утказдим қишингни, баҳор, ёзингни,
Кетар бўлдим, хуш қол, гўзал Шерғози.**

Шеърнинг кейинги бандларида Маҳтумқули «Шерғози»да ўқиш туфайли оқ-қорани таниганини, дили очилганини, уни умрбод ўз қалбида сақлашини ҳароратли мисраларда тараннум этади. Маҳтумқули Бухородаги «Кўкалдош» мадрасасида ҳам таҳсил кўрган. У бу

ерда ҳам ўзбек классик адабиётини, айниқса, Алишер Навоий ижодини чуқур ўрганган.

Маҳтумқули буюк Навоий ижодида ўз орзуларининг ажойиб ифодасини кўради, шу тўғайли ҳам унга эргашиб оригинал мисралар яратади. Маҳтумқулининг Навоий асарларини чуқур билишига Хива ва Бухоро мадрасаларида ўқишдан ташқари ўзбек диёридаги кўпгина шаҳар ва қишлоқларни айланиб чиққани ва ўзбек халқи ҳаёти билан яқиндан танишгани ҳам сабаб бўлган. У Фаргона водийсининг Андижон, Марғилон сингари шаҳарлари, Тошкент ва Самарқандда бўлган. Бу ҳақда Маҳтумқули шеърларидан бирида аниқ маълумотлар бор.

Маълумки, Навоий ўз асарларида, айниқса, «Хамс»га кирган «Ҳайратул-аброр», «Фарҳод ва Ширин», «Сабаъи сайёр», «Садди Искандарий» дostonларида замонаси учун муҳим бўлган фикрларни илгари суради. Худди шу ҳолат Маҳтумқули асарларининг ҳам етакчи мотивларидан бирини ташкил этади. Маҳтумқули олға сурган дўстлик, инсонпарварлик, давлат ҳақидаги фикрлари Навоий фикрларига анча яқин. Аммо у буюк шоир асарларига кўр-кўрона ёндашмаган, балки ўзбек мутафаккири илгари сурган ғояларни ўз даврининг тарихий, сиёсий шароитига мослаган ҳолда ижодий ривожлантирган. Севгида садоқат, вафодорлик, камтарлик, олижаноблик, хушмуомалалик, мардлик, ватанпарварлик, инсонга муҳаббат ғоялари бу шоирлар ижодининг асосий мағзини ташкил этади.

Шарқ адиблари ижодида хос инсонни улуғлаш, унга муҳаббат кўйиш, мурувват кўрсатиш ҳақидаги фикрлар ҳар икки шоир асарларида ҳам яққол кўзга ташланади. Навоий бундай ғояларни дostonларидаги образлар воситасида акс эттирса, Маҳтумқули кўпроқ насиҳат шаклидаги шеърларида ифодалайди.

Маҳтумқули ўз салафи ғазалларида қўллаган вазн, қофия ва радифлардан фойдаланган ҳолда ҳам бир қанча асарлар яратган. Навоийнинг «Этмасдан бурун» ғазалида шундай мисралар бор:

**Уртама кўнглумни комил ҳосил этмасдан бурун,
Кўшни ким бирён этибдур, бисмил этмасдан бурун.
Жисм аро ишқинг ватан қилмай, ҳануз олди кўнгул,
Ўт ёқар ер топти уйни манзил этмасдан бурун.**

Маҳтумқули бу ғазалдан илҳомланиб, ундаги шаклий воситаларни ижодий ўзлаштириб, энг машҳур шеърларидан бири — «Улмасдан бурун»ни яратди. Навоий шеърдаги ҳаётбахш ғоялар шоирга маълум даражада туртки бўлганлиги кўриниб турибди.

**Соғлигинг қадрини билгил хаста бўлмасдан бурун,
Хасталик шукрини қилгил токи ўлмасдан бурун,
Бўз ерининг қадрини билгил дарёга тўлмасдан бурун,
Кемада ҳушёр ўтиргил гирдобга келмасдан бурун,
Ешлигинг қадрини билгил то улғаймасдан бурун.**

Маълумки, Навоийда «Айлади» радифли бир неча ғазал бор. Маҳтумқули ҳам шу радифдан фойдаланган ҳолда шеър битади.

Навоийда:

**Оҳ ким номехрибоним азми бедод айлади,
Бир йўли меҳру вафо расмини барбод айлади.
Қўрқарам аҳли вафо анга қилғай жафо
Бу жафолар ким, вафо аҳлига бунёд айлади.**

Маҳтумқули ҳам Навоий ғазалига оҳангош, мазмун ва ифода воситаларига кўра бир-бирига яқин мисралар яратади:

**Эй ёронлар, ишққа тушдим, юрагим қон айлади,
Қунда юз вақт жон олиб, ҳар қунда юз жон айлади...**

Навоий ва Маҳтумқулининг «Тут» радифли ғазаллари юқоридаги мулоҳазаларимизни янада равшанроқ тасдиқлайди. Уларда илгари сурилган фикрлар, қўлланган бадий воситалар, Шарқ тарихига оид фактлар, афсонавий қаҳрамонлар номининг келтирилиши жиҳатидан ҳар икки шоирнинг асари бир-бирига яқин. Икки асарда ҳам Жамшид, Искандар Зулқарнайн, Қорун, Сулаймон сингари тарихий шахсларнинг номилари тилга олинади.

Маҳтумқули ҳам Навоий аъналарига замона талаблари асосида ижодий ёндашган. У шеърятнинг оригиналлиги, мазмун бойлиги, фикрий теранлиги учун курашган. Буюк шоир асарларининг мазмуни ва шаклидан фойдаланиб яратган асарларида ҳам янги фикр айтишига, янги-янги поэтик воситалар топшига интилган. Шунинг учун ҳам улуғ ўзбек шоирининг таъсири Маҳтумқули поэтик маҳоратининг камолотга эришуви, Шарқнинг улкан шоирлари қаторидан ўрин олишида муҳим роль ўйнаган.

Адабий таъсирлар ҳақида гап кетганда Шарқ халқлари адабиётида кўп учрайдиган мухаммас, таъмин, назира сингари аънавий шеърый шакллари ҳам эслатиш мумкин. Бундай шеър шакллари маълум шоир ижодидаги тил, ифода воситалари, бадий хусусиятлардан фойдаланган ҳолда, уларни ўзлаштириш ва ривожлантиришни тақозо этади. Туркман классик шоирларининг даярли барчаси, шу жумладан, Андалиб, Саидий, Фолибий, Муллонафас, Залилий, Валеҳийлар ижодида Навоий асарларига боғланган мухаммас, назира, тахмислар учрайди. Бу жиҳатдан Андалиб ижоди алоҳида эътиборга сазовор. Аввало у ўз асарлари билан туркман ва ўзбек адабиётлари раvнақиға ҳисса қўшганини, ҳар иккала тилда ижод этганлигини таъкидлаш керак. Андалиб ўзбек китобхонига ҳам, туркман китобхонига ҳам яқин ва тушунарлидир. Шунинг учун уни туркман-ўзбек шоири дейиш мумкин. Шу тўғайли шоир ижоди туркман ёзувчиларининг асарлари жамланган тўпламларга ҳам, ўзбек адибларининг адабий меросини ўз ичига олган китобларга ҳам киритилган. У Низомий,

Фузулий, Жомий, Убайдий, Машраб ижоди билан ҳам таниш бўлган. Низомий ва Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» асаридан қаттиқ таъсирланган Андалибнинг ўзи ҳам шу номли асарини яратади. У ўз достони сюжетини анча соддалаштиради, кўпгина эпизодларни олиб ташлайди, ҳолбуки, баъзи шоирлар Низомий ва Навоий поэмаси сюжетини деярли сақлаган эдилар. Андалибнинг мазкур достони туркман ва ўзбек фольклорига хос назм ва насрнинг қоришиб келиши услубида ёзилган.

Шоир «Лайли ва Мажнун» достонидан ташқари «Юсуф ва Зулайҳо», «Зайнулараб», «Насимий» каби асарлар ҳам яратган. Буларда ҳам халқ оғзаки ижодиёти қатори Алишер Навоий таъсири яққол сезилади. Бу ҳол айниқса шоир лирикасида аниқ кўзга ташланади. Буни Андалибнинг ўз ғазалларида ҳам, Навоий асарларига боғланган мухаммасларида ҳам кўриш мумкин. У Навоий ғазалларига 15 мухаммас ва бир мусамман боғлаган. Бир шоир ижодида бунчалар кўп мухаммас боғлаш адабиёт тарихида сийрак учрайди. Бу ҳодиса шоирнинг Навоийдан қаттиқ таъсирланганини кўрсатади. Андалибнинг «Ергача», «Ултурғуси», «Эй кўнгул», «Келмади», «Ана», «Хўб», «Чобуккина» радифли ғазаллари ва мухаммасларида буюк шоир илгари сурган фикрларни ривожлантиради. Бу ғазалларнинг деярли ҳаммаси Навоийнинг «Келмади», «Ултурғуси» сингари машҳур шеърларига боғланган мухаммаслардир.

Масалан, Навоийнинг:

**Кеча келгумдур дебон ул сарви гулрў келмади,
Кўзларимга кеча тонг отгунча уйқу келмади —**

матлали ғазалига Андалиб шундай мухаммас боғлайди:

**Ҳам кетурди қоматим пайваста обрў келмади,
Хатти мукафшону холи анбаринрў келмади.
Рўзгорим тийра қилғон жаъди гисў келмади,
Кеча келгумдур дебон ул сарви гулрў келмади.
Кўзларимга кеча тонг отгунча уйқу келмади.**

Андалибнинг «Ултурғуси» ғазалига боғлаган мухаммаси ҳам ўзбек шоири услубига ғоят яқинлиги, ундаги қофия ва радифнигина эмас, балки асарнинг бутун руҳини сақлашга, поэтик тасвирий воситалардан фойдаланишга интилиши равшан сезилиб туради.

Алишер Навоий ижодий аънаналарини XIX аср туркман адабиётининг машҳур намоёндаси, аъжойиб лирик шоир Муллонафас асарларида ҳам учратиш мумкин. Муллонафас ҳаёти ҳам ўзбек эли билан боғлиқ. У Бухоро, Самарқанд, Қўқон, Андижон сингари шаҳарларда бўлган. Буни шоир ўз шеърларида ҳам алоҳида таъкидлаган.

Муллонафас ҳам Маҳтумқули ва Андалиб сингари Хева мадрасасида таҳсил кўрган. У аввал ўз қишлоғи, кейинроқ Мариди таълим олгач, Бухоро мадрасаларидан бирида ўқишни давом эттиради. Бу ерда ўтказилган бир неча йиллик муддат ичида Шарқ классикларининг ижодини, айниқса Фирдавсий, Низомий ва Навоий асарларини ўрганади. У бошқа Шарқ классиклари қатори Навоий асарларидан таъсирланганини бир неча ўринда қайд этади.

Муллонафас лирикаси худди Навоий ғазаллари сингари ўйноқи ва жозибадорлиги билан, майин ва ҳиссиётга бойлиги билан ажралиб туради. Шоирнинг «Бу кун», «Кўрмадим», «Райҳон эрур», «Ёр санга», «Кўнглим», «Кўзларинг», «Топилмас», «Бир гўзал», «Жон ўртанур», «Сенинг», «Вақтидир» шеърлари Навоий лирикасининг бевосита таъсирида юзага келган. Шу билан бирга уларнинг кўпчилиги Навоий ғазаллари услубидан фойдаланган ҳолда яратилган.


Мазкур шоирнинг «Зухра ва Тоҳир» достонида ҳам Навоий асарлари таъсири сезилади.

Бу ҳол улуғ шоир ғазаллари услуби ва бадий воситаларидан кенг фойдаланишда намоён бўлади. Достондаги «Қилди гул» шеъри Навоийнинг «Гул» радифли шеърига ҳамоҳанг. Тоҳир ва Зухра тилидан айтилган қатор қўшиқлар ўзбек шоири асарига боғланган мухаммаслардир.

Туркман классик адабиётининг вақилларидан бири Саидий ҳам Навоий асарларини яхши билган ва улардан таъсирланган. Унинг қатор асарлари, жумладан, «Санга», «Менинг», «Нигорим», «Топилмас», «Гул», «Фурқатинг», «Шамшод» сингари асарларининг мазмуни ва услубий йўналиши Алишер Навоий ғазалларини ёдга туширади.

Саидий Навоий ғазалларига тахмис ҳам қилган. Шоир буларда Навоий майдонга ташлаган фикрларга оҳангдош бўлган ғояларни олға сурган, унинг шеърий услубини, ўзига хос хусусиятларини сақлашга уринган.

Улуғ ўзбек шоири Алишер Навоий ижодидан баҳраманд бўлиш туркман классик адабиётининг кейинги тараққиётида катта роль ўйнади. Шунинг учун ҳам туркман шоирлари бир неча асрдан бери Алишер Навоийни ўзларига устоз билиб, унинг маҳорат мактабидан баҳраманд бўлиб келмоқдалар.



Ҳақгўйлик ва теранлик

Мен кўп йиллар давомида Ўзбекистон радио комитетида, нашриётларда, «Ўзбекистон маданияти» газетаси редакциясида, қолаверса «Ўзбекистон коммунисти» журналида масъул лавозимларда ишлаб, ўзбек маданиятининг намояндалари, шу жумладан, машҳур ёзувчилар ва шоирлар билан учрашган, улар билан яқиндан мулоқотда бўлганман. Ана шу сиймолар ичида ўзим алоҳида ихлос қўйган ва тез-тез суҳбатлашиб турган кишилардан бири Абдулла Қаҳҳор эди. Бу улкан зот билан ҳар бир мулоқот мен учун алоҳида қимматга эга бўлиб, ижтимоий ҳаётимизнинг турли муаммолари, адабий жараён, ўтмиш ва ҳозирги маданиятимиз тўғрисидаги тасаввурларимни бойитар, бу тасаввурларимнинг хира томонларига нур бағишлар, уларни равшанлаштириб юборарди. Афсуски, ана шу учрашувлардан олган таассуротларимни ўз вақтида қоғозга туширмаганман. Бир кун бориб булар тарих мулки бўлиб қолажаги ҳаёлимга келмабди. Ахир Ойбек билан Ғафур Фулом, Шайхзода билан Миртемир ака, қолаверса, Абдулла ака Лутфий ёки Жамбул умрини яшамасликларини ўйламаган эканмиз.

Ижтимоий ҳаёт ҳодисалари, адабий воқелик фактлари ва ёзувчилар союзидаги ишларга доир фикримиздаги муштараклик мени ҳам, Абдулла акани ҳам бир-биримиз билан бот-бот кўришиб туришга ундаб турарди. Мен у кишининг Герман Лопатин кўчасидаги шаҳар уйида, Дўрмондаги боғида (баъзан рафиқам билан бирга) кўп марта бўлиб, Кибриё опанинг меҳмондўстлигини кўрганман. Абдулла ака ҳам Кибриёхоним билан бизнинг хонадонимиздаги каттақичик маросимларда лутфан қатнашар эдилар. Қолаверса, умумий йиғинлардаги учрашувлардан ташқари, устоз ёзувчи мен хизмат қилаётган идораларга (атайдан бўлмаса ҳам, йўллари тушиб) кириб турардилар.

Қўйида Абдулла Қаҳҳорнинг қандай адиб эканлиги, асарлари устида қандай ишлаганлигини таъриф-тавсифлаб ўтирмай, хронологик аниқлик ва тартибга даъво қилмаган ҳолда, Абдулла ака билан мулоқотларимдан айрим лавҳаларнигина қуввайи хотирам етганча баён қилмоқчиман.

1958 йил. «Синчалак» қиссасига эндигина нуқта қўйилган кезлар. Асар 1959 йил бошида Москвада ўтказиладиган ўзбек адабиёти ва санъати декадасига олиб борилиши керак. «Ўзбекистон маданияти» газетасида қиссадан парчалар босмоқчи бўлдик. Бир куни асардан олинган парча газетага саҳифалаштирилганида Абдулла аканинг уйига телефон қилиб, шу гапни маълум қилганимда у киши, ҳозир бориб корректурасини ўзим ўқиб бераман, деб қолдилар. Мен хурсанд бўлдим. Негаки, ишнинг пухта бўлгани яхши. У кишининг ҳар бир сўз устида уста заргардек, моҳир наққошдек эринмай ишлашини, айрим чаламулла муҳаррирларнинг пала-партиш тузатишларига сира тоқат қилмаслигини билардим.

Абдулла ақа узоқ куттирмай, редакцияга кириб келдилар. Шу заҳоти газета корректурасини тутқазиб, ўтиришга жой кўрсатдим. Абдулла ака дам у чўнтақларини, дам бу чўнтақларини кавлаштириб кўзойнақларини тополмадилар.

— Аттанг, кўзойнагим уйда қолипти-ку...

— Йигитларни юборақолай.

— Йўк, овора қилманг. Ўзингиз ўқий қолинг. Мен эшитиб тураман.

Парча асарнинг бошланиш қисмидан олинган эди. Унда райком секретари Носиров Саидага Арслонбек Қаландаров кўча ҳаракати қондасини бузганлигини гапириб беради: «— Кўчадан кетаётган автомобиль бировни босса ёки туртибми, йиқитибми озор берса, нима бўлади?

Саида чўчиб тушди.

— Нима бўлди, машинангиз бировни урдими?

— Йў... йўк, менинг машинам ҳеч кимга озор бергани йўк. Хўш, нима бўлади?

Саида нима дейишини билмай:

— Милиция тўхтатади... — деди.

— Бордию машинани тўхтатадиган, шофёрни жавобгарликка тортадиган милиционернинг ўзини... уриб, йиқитиб кетса-чи(?), унда нима бўлади?»

Мана шу сўнги жумлани ўқиганимда Абдулла ака ҳушёр тортиб, мени тўхтатдилар.

— Қани, шу жумлани бошқатдан ўқинг-чи.

Мен қайта ўқидим.

— ...милиционернинг ўзини... уриб, деганда «қасддан» сўзи тушиб қолибди, шу ерга «қасддан» сўзини қўшиб қўйинг.

Мен у кишининг айтганини қилиб, яна ўқий бошладим.

— Йўк, сабр қилинг. «...йиқитиб кетса-чи» эмас, «йиқитиб ўтса-чи».

Бу тузатишни ҳам қилиб, ўқишда давом этдим.

«...Қаландаров... ҳали ғубор кўнмаган ям-яшил машинани айланиб кўздан кечирди, капотини очиб, моторини кўрди...»

— Йўқ, тўхтаг. Капотни Қаландаровнинг ўзи очмайди, бировга очтиради. Бунинг фарқи бор. Албатта тузатиш керак. Энди шошмасдан ўқинг.

Мен ўқишни давом эттирдим.

«Демак, Қаландаров районнинг баъзи раҳбар ходимларига (?) орқа қилиб...»

— Яна тўхтаг. Бошқатдан ўқинг... «Ходимларига» эмас, «ходимларини орқа қилиб» деб тузатинг.

Хуллас, корректурани ўқиб бўлдик. Юқоридагига ўхшаш тузатишлар яна бўлди.

Бу воқеадан кейин икки масала устида уйлаб кетдим. Биринчидан, бу факт Абдулла аканинг ўз асари устида охириги дамгача, яъни асар босилиб чиққунича ҳам қўлёзма устидаги ишни давом эттирганига, уни қайта-қайта таҳрир қилганига далил бўлса, иккинчидан, унинг ҳар бир жумласи, ҳар бир сўзини эсда олиб қолишини исботлар эди.

Одатда биз баъзи шоирлар саҳнада, ёки микрофон олдида узунми-қисқами шеърини ёддан ўқишини биламиз ва кўрганмиз. Бу табиий ҳол. Лекин носирларнинг ўз асарини ёддан билишини билмас эдик. Абдулла ака асарларини атайлаб ёд олмаган, албатта. Бу адибнинг асарларининг ҳар бир жумласи, ҳар бир калимаси устида қаттиқ заҳмат чекканлигидан далолат беради.

Абдулла ака ўз сафдошлари ва хусусан адабиётимиз ёш авлодининг ижодини доимо кузатиб боргани, уларнинг муваффақиятларидан нақадар қувонгани, қусурларидан ачингани ва уларга бефарқ бўлмаганини яхши биламиз. Абдулла ака ёш Саид Аҳмаднинг илк ҳикоялар тўпламидан тортиб, машҳур «Уфқ» романигача ўқиб чиқиб, қимматли маслаҳатлар бергани ва уларга сўз боши ёзгани, Учқун Назаровнинг дастлабки ҳикоялариданоқ унинг ижодини кузатиб боргани, Матёқуб Қўшжонов, Озод Шарафиддинов қамолотидан нақадар қувонгани, адиб ҳаётлик чоғида ҳали ёш Абдулла Орипов билан Эркин Воҳидовни нақадар қўллаб-қувватлагани, ҳатто уларнинг айрим сатрларини ўз асарларига эпиграф қилиб олгани адабиёт аҳлига маълум.

Абдулла аканинг назари тушган ижодкорлардан яна бири менинг дўстим ва оғам Ҳаким Назир эди. Абдулла Қаҳҳор бу ёзувчи асарлари тўғрисида кўп марта фикрлар айтган. Қисман улар адибнинг ўзи тайёрлаган олти томликнинг сўнгги китобидан ўрин олган.

1965 йилда Ҳаким аканинг эллик йиллиги камтарона нишонланди. Шу муносабат билан Ёзувчилар союзи ўша вақтда жойлашган Тошкент шаҳар Советининг собиқ биноси залида йиғилиш бўлган эди. Абдулла Қаҳҳор бетоблигига ва шифокорларнинг рози эмаслигига қарамай, Кибриёхоним ҳамроҳлигида бир амаллаб йиғилишга келган эдилар. Бу ташриф Ҳаким Назирнинг шунчаки кўнглини кўтариш учун эмас, балки ўзбек болалар адабиётига ҳурматини билдириш, болалар ёзувчиси юбилейининг аҳамияти ва салмоғини ошириш учун ҳам бўлганини тушунган эдик. Абдулла ака ўша йиғилишда сўзга чиқиб, тахминан куйидагиларни айтгани эсимда:

— Болалар ёзувчиси бўлиш учун, аввало, яхши одам бўлиш лозим. Негаки болалар яхши одамдан таълим олиши керак. Ҳакимжон баайни шунақа яхши одам. Мабодо болалар ёзувчилари депутатларимизга ўхшаб овоз бериб сайланганида, мен аминманки, ҳамма ота-оналар Ҳакимжонни бир овоздан болалар ёзувчиси қилиб сайлашган бўлишарди. Ҳакимжон союзимизнинг (Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг — Х. М) ҳавони янгилаб турадиган туйнукчаси. Шунинг учун биз уни, мана бир неча йилдирки, союзимиз партия ташкилотининг котиби қилиб сайлаб келамиз. Мана шу туйнукчадан кирган мусавффо ҳаво союзимизнинг об-ҳавосини янгилаб, тозалаб туради.

Ҳакимжоннинг ижодига келганда, шу гапни айтишим керакки, унинг асарлари тараша ёки пайраҳанинг ўтига ўхшаб ловуллаб ёниб бир зумда ўчмайди, балки саксовулнинг чўғига ўхшаб тутаб, суст ёнади, лекин ҳарорати зўр бўлади, анча фурсат ўчмай туради...

А. Қаҳҳор тахминан шу гапларни айтиб, мажлиснинг охиригача турмай, йиғилганлардан узр сўраб, залдан чиқиб кетди. Негаки, унинг саломатлиги ортиқ ўтиришга имкон бермас эди. Ҳамма, Абдулла аканинг гапларидан нақадар таъсирланган бўлса, унинг ранги синиққанлигини кўриб шу қадар хавотирланган эди.

Абдулла ака адабиёт оламидаги ҳар қандай адолатсизлик, ҳайбарақаллачилик, юзакичилик ва хусусан офаринчиликнинг муросасиз душмани эди. Айниқса адабиётнинг сифати устида гап борганида уни сира «инсоф»га қақариб бўлмасди. Шундай қилишга уриниб кўрган одамнинг дилини беаёв сиёҳ қиларди.

1965 йили бўлса керак, Ўзбекистон ижодий союзларининг қўшма пленуми ўтадиган бўлди. Пленумда республика ижодкор зиёлиларининг Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги ва В. И. Ленин таваллудининг 100 йиллигига тайёргарлиги масаласи муҳокама қилинадиган эди. Шунинг олдида бир куни Абдулла ака Навоий кўчаси 30-уйдаги «Ўзбекистон коммунисти» журнали редакциясига кириб келдилар. Қайфиятлари бошқачароқ, бир нимадан ранжиган кўринардилар.

— Хўш, тинчликми, Абдулла ака? Чарчаганроқ кўринасиз?

— Йўқ, ўзим шундай. Бир маслаҳатли гап бор.

Маълум бўлдики, шу яқин кунларда бир ёзувчининг асари тўғрисида офаринчилардан бирининг нуқул мақтовдан иборат мақоласи матбуотда босилган экан.

— На ёзувчига, на умуман адабиётимизга тариқча наф келтирмайдиган, китобхонни эса йўлдан уриб, чалғитадиган бундай ҳамду саноларга қачон чек қўйилади? Менга сўз беришса, эртанги пленумда шу гапни айтмоқчиман.

— Кечирасиз, Абдулла ака, бу гапни айтиш керак, лекин эртанги пленум бунинг мавриди эмас.

— Хўш, нечук?..

— Шунинг учунки, эртанги пленум фақат адабиёт аҳлига тааллуқли эмас. Қолаверса, бунинг пленум кун тартибига бевосита алоқаси йўқ.

— Ҳай, ундай бўлса, бу гапни яқинда бўладиган йиллик проза муҳокамасида айтар эканмиз-да.

— Бу бошқа гап. Лекин, шунда ҳам бир нарсани эътиборга олиш керак бўлади чоғи. Мен оқсоқол ёзувчига «ақл ўргатаётганимдан» хижолат чекаётганимни сезиб, Абдулла ака:

— Гапираверинг, тортинманг, мен атайдан келдим, ниятимни синаб кўрмоқчи бўлиб, — дедилар.

— Ўзингизга маълум, адабиёт катта даргоҳ — унинг тўри, пойгаги бор. Ҳар қандай ёзувчига ўзига яраша ўрин топилади. Уртамиёна асарнинг ҳам китобхони бўлади. Ҳамма ёзувчи Ойбек ёки Абдулла Қаҳҳор бўлавермайди. Бу шарт ҳам эмас. Сиз айтган асарга келсак, ҳамма бало шундаки, уни ким ёзганига қараб фикр айтиш, авж олапти. Менинг фикримча, ёзувчининг камчилигини унинг юзига солавершдан кўра, буни билатуриб, ундан кўз юмиб, ёзувчига хушомад қилиб, ҳамду сано ўқиётганларнинг кўзини очиш керак...

— Бу гапингизда жон борга ўхшайди. Ҳақиқатан ҳам шундай қилишга тўғри келади. Кейинчалик Кибриё опанинг гапларидан менга маълум бўлдики, Абдулла ака уйларига анча ҳовурдан тушиб кириб борибдилар.

Бир неча кундан кейин саломатлиги, кайфиятини билмоқчи бўлиб уйларига телефон қилдим.

— Яхши телефон қилиб қолдингиз. Уша кунги учрашувимиз чакки бўлмабди. Тутақиб, хуноб бўлиб борган эдим, олдингиздан совиб қайтдим. Дўстингиз Саид Аҳмаднинг романини ўқияпман. Яхши асар ёзибди. Ҳатто ҳавасим келди.

1962 йилнинг августи. Авжи пишиқчилик. Абдулла аканинг боғидаги шафтолилар фарқ пишган. У киши тарих фанлари доктори профессор Мавлон Ғаффорович Ваҳобовни ва мени боғларига шафтоли сайлига таклиф қилдилар. Бунинг сабаби шуки, бир мунча вақт илгари М. Ғ. Ваҳобов «Ўзбекистон Коммунистик партияси тарихи очерклари» қўлёзмасини таҳрир қилгани, мен эса Г. Серебрякованинг «Прометей» трилогияси таржимаси устидаги ишни давом эттиргани ёзувчиларнинг Дўрмондаги ижодхонасида бир неча ҳафта яшаган эдик. Бу вақтлар Абдулла ака боғда бўлмай, Кибриё опа билан Фарғона сафарига эканлар. Сафардан қайтгач, бизни рафиқаларимиз билан боғларига меҳмонга чорладилар. Кайфиятлари жуда яхши. Фарғона сафарида кўрган-кечирганлари, учрашган одамлари, пахтанинг аҳволи устида гаплашдик. Кибриё опа лаганларда хилма-хил шафтоли келтирди. Улар бир-биридан ширин, бир-биридан чиройли, еган сари одамнинг егиси келади. Лекин Абдулла ака ўзлари емай, бизни кистардилар. У кишида қанд касали бўлгани учун ширин мевадан ўзларини тияр эдилар.

Фарғона сафари таассуротларини гапириб бўлгач, Абдулла ака бир нима эсларига тушгандек, М. Ғ. Ваҳобовга юзланиб янги мавзуда гап очдилар:

— Ҳа, айтгандек, Сизнинг «Ўзбек социалистик миллати» китобингиз билан танишиб чиқдим. Жуда жандид, салмоқли китоб. Кўп меҳнат қилгансиз. Лекин унда баҳсли ўринлар бор, мен тарихчи эмасман. Шунинг учун ундаги айрим фикрларингизнинг тўғри-нотўғрилиги устида бир нима дейишга тортинман. Лекин бир масала устидаги фикрингизга асло қўшила олмайман. Гап Боту ҳақида. Боту — истеъдодли шоир. Сиз бўлсангиз, унинг бутун жўшқин ижтимоий фаолияти ва граждонлик руҳидаги шеърятдан кўз юмиб, ижоди учун харақтерли бўлмаган биргина «Сўрма» деган шеърини асос қилиб, уни пессимист шоир деб қораласиз.

Шу ўринда Абдулла ака Ботунинг айрим шеърларини ёд олгани, ёшларнинг йиғилишларида уларни ўқиб берганини эслади.

Жумладан, Ботунинг «Бизнинг товуш», «Менинг кундузим», «Севинч куйлари», «Умид сўзлари» каби шеърларини тилга олди.

— Йигирманчи йилларнинг бошидаёқ шундай шеърларни битган шоирни эъозламай бўладими?!

Биз йигирманчи йилларда яшаб, ижод қилган илғор ўзбек зиёлиларининг фаолиятига, ижодига баҳо беришда хатоларга йўл қўйяпмиз. Мен шулар тўғрисида кўп ўйлайман, диққат бўламан. Биз хатоларни қанча тез тузатсак, ўтмиш маданиятимиз учун ҳам, келгуси тараққиётимиз учун ҳам шунчалик катта иш қилган бўламиз...

Мавлон Ғаффорович учун бу гапларни эшитиш нақадар кўнгилсиз бўлмасин, баҳслашишга ўрин қолмади. У кишининг китоби 50-йилларда ёзилган бўлиб, биз эслаб ўтган воқеа эса 1962 йил ёзида рўй берган, муаллифнинг асаридаги айрим фикрлар кейинчалик бир мунча эскириб қолгани равшан эди.

Мен кейинчалик Абдулла ака тилга олган шеърларга қизиқиб, улар билан танишиб чиқдим. Ҳақиқатан ҳам, адиб куйиб-пишиб гапирганича бор экан. Бу шеърларда давр нафаси уфуриб, янги турмуш куйчисининг оташин қалби тепиб туради.

Мана, «Менинг юлдузим» (1923) шеърдан баъзи бир сатрлар:

**Тонг отди, жаҳон зулмати битди,
Мунгли кеча мунг дард-ла ўтди.
Ҳарён югуриш фурсати битди,
Унг, сўлни ҳаёт тўлқини тутди.**

Ёки «Умид сўзлари» сарлавҳали шеърнинг (1923) куйидаги сатрларини олайлик:

**Кўнглим ёш, руҳим ёш, кучим ёш,
Ёш йўллар, ёш гуллар излайман.**

**Орқага тортганда ҳадям тош,
Ҳар чоқ мен илгари ундайман.**

Абдулла ака табиатан собитқадам, изчил киши эди. Бирон масалада чала-чулпа, юзаки фикр юритганини, далил-исботсиз гапирганини билмаймиз. Унинг Ўзбекистон ёзувчилари съездлари, пленумлари, ижодий муҳокамаларда сўзлаган нутқлари нақадар тeран, марoқли экани, улар қизгин акс садо берганининг кўп марта гувоҳи бўлганмиз. У ёзувчилар пленумлари мажлисларида сўзлайдиган куни залга одам сиғмай кетар, эшикларни очиб қўйиб коридорларда тик туриб гапини эшитишарди. У киши ҳар бир нутқида муҳим бир янги гапни айтар, айтганда ҳам ҳеч ким айта олмайдиган тарзда, қаҳҳорона қилиб айтарди...

Абдулла Қаҳҳор на фақат адабиёт аҳли билан, балки фан, маданиятимизнинг кўп соҳаларига мансуб атоқли арбоблар билан яқиндан алоқа қилиб, тез-тез учрашиб, суҳбатлашиб турарди. Оламга машҳур академиклар Ҳабиб Абдуллаев билан Муҳаммаджон Урозбоев, Мирзаали Муҳаммаджонов билан Жўра Саидов ва тиббиёт илмининг таниқли намояндalари — медицина фанлари докторлари, профессорлар Эргаш Отахонов билан Шабот Хўжаев ва бошқалар унинг дўстлари, суҳбатдошлари эди.

1967 йил бўлса керак, Абдулла аканинг бетоб ётганларини эшитиб, кўргани уйларига бордим. Келган-кетганларни хобгоҳда қабул қилишни ноқулай билиб, залдаги диванда ётган эканлар, ёнларида телефон. Ҳол-аҳвол сўрашиб, уёқдан-буёқдан гаплашиб ўтирдик. Шу орада Абдулла аканинг жонажон дўсти Муҳаммаджон Урозбоев кириб келди. У киши Кремль шифохонасида даволангани, Москвага кетиш олдидан Абдулла акани кўргани ва у киши билан хайрлашгани келган эканлар. Икки оғайни Қўқонда ўтган ёшлик йиллари, ўша вақтдаги босмачиларнинг кирдикорлари, Муҳаммаджон аканинг дадаси машҳур инқилобчи Урозбой отани эслашди. Кибриё опа дамлаган самарқандча палов келди.


Тановул тугаб, чой ичишиб ўтирганимизда Муҳаммаджон ака чўнтагидан конверт олиб, унинг ичидаги узундан-узoқ ёзилган «касаллик тарихи»ни бирма-бир ўқий бошлади. У бир неча йиллик узун «тарих» экан. Муҳаммаджон ака тутилиб-тутилиб, жуда секин ўқирди, айрим сўзларни талаффуз қилгани тили келишмасди (хасталик асорати туфайли). Абдулла ака зеркиб кетиб ҳазиллашдилар:

— Бас, ҳали-вери тугамайдиганга ўхшайди. Сиз бу ёруғ дунёда тирик юрибсиз-ку, марҳум тўғрисида ҳам бунчалик кўп гап ёзишмас эди докторлар.

Шундан кейин Муҳаммаджон ака ўқишни тўхтатиб, буюғини оғзаки айтиб қўяқолдилар. Сўнгра икки дўст бир-бирларига яхши тилаклар тилашиб хайрлашдилар, Кибриё опа билан бирга М. Урозбоевни кузатиб қўйдик.

1968 йилнинг 7 апрели. Эртага Абдулла ака рафиқалари билан Москвага, даволангани жўнайдилар. Мен хайрлашгани кечга томон уйларига бордим. Келди-кетди бўлиб турибди. Келганларнинг бари у кишининг кўнглини кўтариб, яхши тилаклар билдиришади. Афсуски, Абдулла Қаҳҳор билан бу дийдор кўришув охиригиси экан...

Хибзиддин МУҲАММАДХОНОВ



Камолот йўлида

**Иброҳим Ғафуров. Шеър-
ят — изланиш демак. Ғафур
Ғулом номидаги Адабиёт
ва санъат нашриёти.**

Шеър ёзиш тўлғоғи қанча азобли лаззат бўлса, шеърни ўқиш, мутолаа қилиш жараёнидаги завқу шавқ, роҳат ва дард ҳам ундан кам эмас. Бадиий ижод ҳақида, жумладан, шеър хусусида баҳс юритиш қийин ва масъулиятли. Битта шеърни ўқиб лаззатланиш, унинг ғоявий-бадиий хусусиятларини англаш — бу ҳали биринчи босқич. Юзлаб шеърлар мутолаасидан сўнг шоирнинг бутун ижодига хос бўлган хусусиятларни англаб етиш ва уларни умумлаштириш — бу иккинчи босқич.

Лекин шеър ҳақидаги баҳс бу билан тугамайди. Шеършунос олдида энди ўзи ўрганган, тадқиқ қилган шоир ижодини бошқаларнинг шеърлари билан қоғштириш мушкулоти пайдо бўлади. Ҳақиқий адабиётчи шеър ва шоирни баҳолашга ана шу тарзда кўтарилиб боради. Ҳа, адабиётчи ҳар бир шеър ва шоирни Ватан адабиёти ва жаҳон адабиёти кўзгусига солиб кўриш ва кўрсатиш, баҳолаш даражасига эришса, у ҳақиқий нуктадонлик шарафига муяссар бўлади.

Иброҳим Ғафуровнинг «Шеърят — изланиш демак» китоби унинг нуктадонлик йўлидан юксалиб бораётганлигидан далолат беради. Китобда кейинги йиллардаги шеърятимизнинг тараққиёти лирик қаҳрамон характери ва ижтимоий оптимизм проблемаси нуктаи назаридан тадқиқ ва таҳлил қилинади. Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Зулфия, Миртемир, Шукрулло каби шоирлар шеърятдаги лирик қаҳра-

мон шаклланиш ва юксалиш жараёнида ёритилади.

Маълумки, юқоридаги шоирларимиз ижоди ҳақида анчагина салмоқли адабий — танқидий асарлар яратилган. Шунга қарамай, Иброҳим Ғафуров ўз сўзини айта олганлигини қониқиш билан қайд қилиш керак.

Китобдаги «Лириканинг ғоялари ва инсон маънавияти. Фаол инсон ва ижтимоий оптимизм» деб номланган бобда ўзбек совет шеърятининг уч забардаст классиги — Ғафур Ғулом, Ойбек, Зулфия лирик қаҳрамонлари олами-нинг кенглиги ва теранлиги, ранг-баранглиги ва ўзига хослиги нуктадонлик билан тадқиқ қилинади.

«Лирик фикрнинг йўналишлари», «Лирикада янги он-нинг сифати» деб номланган бобларда эса Ҳамид Ғулом, Раъз Бобожон, Шукрулло, Саида Зуннунова, Жуманиёз Жабборов, сўнгра Эркин Воҳидов, Ҳусниддин Шарипов, Абдулла Орипов, Омон Матжон лирик қаҳрамонлари оламини тадқиқ қилиш орқали шеърятимизнинг 60-ва 70-йиллардаги тараққиёт йўллари, борлиқни шоирона идрок этиш манзаралари чизиб берилган.

Иброҳим Ғафуров сўнгги йиллар ўзбек лирикаси ҳақида сўзлар экан, ҳақли равишда шеърятнинг «Инсон характерлари оламига ва демак, унинг ички дунёсига, руҳий-маънавий интилишларига тобора чуқурроқ кириб» бораётганлигини таъкидлайди. Бу ҳақиқатни у Эркин Воҳидовнинг «Бизлар ишлаяпмиз», «Оқсоқол», «Манфаат фалсафаси», «Арслон ўргатувчи», Абдулла Ориповнинг «Бир танишим ҳақида баллада», «Улкан чорраҳа», «Учинчи одам», «Номаълум одам», «Темир одам», «Тарбия», «Тулки фалсафаси» каби асарлари таҳлили орқали кўрсатади. Бу асарларда тадқиқотчи классик поэзиями-даги шеърый ҳикоят, ривоят

анъаналарининг, шунингдек, Ойбекнинг «Раиса», Миртемирнинг «Тошбу», «Патти» шеърларидаги каби кенг манзарали лирик тафсилотлар орқали ёмби характерлар яратиш анъаналарининг давоми ва янгиланишини кўради. Ёки Омон Матжоннинг «Сени яхши кўраман» туркумидаги муҳаббат тараннумини Миртемирнинг «Сурат», Зулфиянинг «Баҳор келди сени сўроқлаб», Усмон Носирнинг «Севги» каби асарларидаги севги, муҳаббат туйғуларини реалистик тасвирлаш анъаналарини ривожлантириш намунаси деб баҳолайди. Ана шу тарзда 60—70-йиллар шеърятининг энг характерли намуналарини ўзбек поэзияси кўзгусига солиб кўриш ва кўрсатиш орқали яхши анъаналарнинг қандай давом этаётганини қайд этади ҳамда янги давр лирикаси новаторлигини ёрқин тасаввур этишга имкон яратади. Ҳозирги етук шоирларимиз ижодига хос муштарак тенденцияларни, хусусиятларни аниқлашга йўл очади.

Тадқиқотчи Эркин Воҳидовнинг дастлабки давр лирикасида «Ҳамма нарса ни гўзал либосда кўриш, ҳаётдан яхшилик, бахт ва шодлик кутиб яшаш, келажакка ишонч билан қараш, оптимистик ҳиссиёт доминантга айланганлигини етакчи хусусият сифатида кўрсатади ва сўнгги давр лирикасидаги ўзгаришларни қуйидагича умумлаштиради: «Тирик сайёралар», «Шарқий қирғоқ» сингари тўпلامларда реалистик жиддий тасвир ҳукмрон мавқега кўтарилди. Фикр йўналишида эса танқидий ва киновий оҳанг кучайганлиги кузатилади... Унинг шеърларида лирик сюжет кенг тус олди, ўткирлик, кескинлик пайдо бўлди».

Олим Абдулла Орипов лирикасига хос хусусиятларнинг бош пафосини ҳам яхши илғаб олади ва тўғри умумлаштиради.

Хуллас, Иброҳим Ғафуров китобида 60—70-йиллар ўзбек шеърятининг тараққиётининг муҳим қирралари лирик характер ва ижтимоий оптимизм проблемаси атрофида чуқур тадқиқ қилинади ва очилади. Шу билан бирга бу шеърятнинг илдизига — анъаналарига ҳам кенг ва батафсил экскурслар қилинади ва яхши хусусиятларнинг авлоддан авлодга эстафета сифатида ўтиб, ривожланиётганлиги асослаб берилади. Китобда муаллифнинг билимдон тадқиқотчи сифатида фикр юритганлиги ҳар қадамда сезилиб туради. Аристотель, Эпикур, Гегель, Маркс, Энгельс, Ленин каби файласуфларнинг фикрларига, Юсуф Хос Ҳожиб, Рудакий, Навоий, Блок, Маяковский, Марцинкявичюс, Евтушенко каби турли даврлар шоирлари ижодий тажрибаларига ёки М. Храпченко, Г. Поспелов, Г. Ломидзе, Г. Гинзбург, В. Орлов каби олимларнинг мулоҳазаларига ўринли мурожаат қила олади.

Шуни айтиш керакки, адабий ҳодисаларга мустақил таъриф-тавсиф бериш теран тафаккур юритиш қобилиятини талаб қилади. Биз Иброҳим Ғафуровнинг мулоҳаза ва мушоҳадаларида ана шундай тафаккур қобилиятини сезамиз.

Хуллас, бу китоб ўзбек шеърятининг тараққиёт йўллари, ўзига хос манзаралари ҳақида яхши тасаввур берувчи янги кузатишлар, хулосалар, фикрларга бой тадқиқотдир. У китобхонни ҳаяжонлантиради, шавқу завққа солади, тасаввур ва билимини бойитади, руҳини юксалтиради.

Шу билан бирга китобни мутолаа қилганда уни янада мукамаллаштириш билан боғлиқ айрим истаклар ҳам туғилади. Китобнинг биринчи боби билан учинчи боби нега бир-бирдан ажратиб қўйилганлиги равшан эмас. Ҳар икки бобда ҳам 60—70-йиллар лирикаси объект қилиб олинган. Шу давр шеърятининг лирик характерлар олами тадқиқ қилинган. Натижада Эркин Воҳидов, Ҳусниддин Шарипов, Абдулла Орипов, Омон Матжон ижоди ҳақидаги мулоҳазалар икки бобга ўринсиз ҳолда бўлиб юборилган. Зулфия шеърятига доир фикрлар ҳам негадир икки бобда давом этади. Ваҳоланки, хронологик жиҳатдан ҳам, қўйилган проблема нуқ-

таи назаридан ҳам бундай бўлиниш асосли кўринмайди.

Китобда 60—70-йиллар шеърятига салмоқли ҳисса қўшган айрим шоирлар ижодига етарли эътибор берилмаган. Бу гап энг аввало Асқад Мухтор шеърятига тегишли. Асқад Мухтор шеърятининг лирик қаҳрамон ва лирик характер эътибори билан 60—70-йиллар поэзиясида алоҳида ўрин тутади. Унинг ижодисиз бу давр поэтик манзараси тўлиқ бўлмайди.

Китобда ўртага қўйилган проблемалар нуқтаи назардан 60—70-йиллар шеърятининг камчиликлар ва нуқсонларини ҳам кенгроқ тадқиқ қилиш ва ёритиш зарур эди. Аммо тадқиқотчи уларни баъзан санаб ўтиш ёки қайд қилиш билан чекланади. Иброҳим Ғафуров китобининг 47-бетига ёзади: «...Ҳали кўпгина шоирларнинг баъзи асарларида лирик қаҳрамон ўта заиф қирралари билан намён бўлади. Бу қаҳрамоннинг қандайлигини умуман илғаб олиш, ҳатто у ҳақида сўз юритиш ҳам амримаҳол». Ана шу жуда тўғри фикрни конкрет асарлар таҳлили асосида исботлаш талаб қилинади. Токи, бир қатор шоирларимиз ижодидаги лирик қаҳрамон поэтик салмоққа эга эмаслигини китобхонаниқ тасаввур қиладиган бўлсин. Ваҳоланки, олим фақат «Олтин водий» номли биргина шеър таҳлили билан чекланади.

Иброҳим Ғафуровнинг фикрлаш доираси кенглигини айтиб ўтган эдик. Ҳа, у Гомер, Сапфо, Саъдий, Навоий, Неруда, Лорка каби шоирлар ижодига тез-тез мурожаат қилади. Аммо ҳозирги давр шеърятини билан турли даврлар ва йўналишдаги шоирлар ижоди киёсланганда уларнинг ижодий методидидаги фарқларга эътибор бермайди. Бундай қиёслар жараёнида романтизм билан реализм принципларидаги умумийлик ва фарқларни эътибордан соқит қилиш мумкин эмас.

Иброҳим Ғафуров адабиётшунос Н. Степанов қарашларига қўшилган ҳолда айрим лирик жанрларда лирик қаҳрамон бўлмайди, деган фикрга мойиллик кўрсатади ва ёзади:

«Рубоийлар, қитъалар, соф фалсафий медитацияларда биз лирик қаҳрамонни кўрмаймиз. «Заболоцкийнинг шеърларида, — деб ёзади

адабиётшунос Н. Степанов, — лирик қаҳрамон йўқ. Уларда автобиография камдан-кам кўринади. Булар кўпроқ ҳаёт кузатувчиси бўлган авторнинг фалсафий ўйларидир» (46-бет). Назаримда шеърнинг ҳар қандай жанрида ҳам лирик қаҳрамон ўзининг бутун борлиги билан кўриниши мумкин.

Масалан, Умар Хайёмнинг:

**Қабаю бутхона —
қуллик хонаси,
Бутхона зангги ҳам
шум таронаси.
Меҳробу Калисо,
тасбеҳу солиб —
Барчаси қулликнинг
бир нишонаси, —**

деган рубоийсида диний ақидаларни назар-писанд қилмай, диндорлар билан баҳслашишга ҳам журъат этган ғоят кучли ринд шахси ўзининг баҳодирона характери билан гавдаланади. Ёки, Алишер Навоий бир қитъасида, «Жаҳон ганжиги шоҳ эрур аждаҳо ки ўтлар соҳар қаҳр ҳангомида» деб ёзган экан, унда ҳам биз жамият ҳодисаларини чуқур таҳлил қилиб баҳоловчи мутафаккирни, илғор ижтимоий фикрларни баралла айтишдан чекинмайдиган кўрқмас, халқпарвар шахс типини кўрамиз. Ахир, «жасорат характерда жамланган кучнинг мезони». Шундай экан, «рубойлар, қитъалар, соф фалсафий медитацияларда биз лирик қаҳрамонни кўрмаймиз» деган назарий фикр менга асосли бўлиб кўрилмади.

Умуман олганда, «Шеърят — изланиш демак» китоб нуктадон танқидчининг изланишлари самарасидир, шеърятимизнинг теран тадқиқот асосида харитага туширилган гўзал манзараларидир.

Нуриддин ШУКУРОВ,
филология фанлари доктори

Бунёдкор кишилар тасвири

Бунёдкор қалб. Очерклар.
Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.

«Бунёдкор қалб» номли очерклар тўпламига Маъруф Жалил, Муҳаммад Али,

Ашурали Аҳмедов, Бекмирза Маҳмудовларнинг ўн етита очерки жамланган бўлиб, улар турли мавзуларга бағишланган.

Китоб Маъруф Жалилнинг «Яшашнинг маъноси» очерки билан бошланади. Унда ёзувчи ўзбек совет хисса қўшган, классик мақом жанрини мисқоллаб йиғиб, унга қайта ҳаёт бағишлаган академик Юнус Ражабийнинг ҳаётини алоҳида бир меҳр билан тасвирлайди.

Очеркнинг ўқимишлилиги шундаки, ёзувчи Юнус Ражабийдек улкан бастакорнинг машаққатли ҳаётини, санъаткор сифатидаги фидокорлигини қуруқ, эҳтиросиз ҳикоя қилиб бермайди. Балки ёш Юнус қассоб отаси билан шаҳар ва қишлоқларни кезиб, кўпни кўриб, халқ орасида егишган талантили музикашунослар билан танишиб, улардан таълим олиб, ўз улушини ана шу санъатга бағишлаган, мақом илмининг камёб билимдони академик Юнус Ражабий сиймосини китобхон кўз ўнгида жонли гавдалантиради.

Халқимизга ризқ-рўз яратиб, турмушимиз фаровонлигини янада ошираётган заҳматкаш деҳқонларимизни ҳар қанча ардоқласа арзийди. Тўпلامдаги Муҳаммад Алининг «Шунқорлардан бири», Бекмирза Маҳмудовнинг «Қуваликлар», Маъруф Жалилнинг «Қайта яратилган қовунлар» каби очерклари шу мавзуга бағишлангандир.

«Шунқорлардан бири» очеркнинг қаҳрамони кенг фикрлайдиган, фақат оёғининг тағини эмас, узоқни кўра оладиган раҳбар эканлигини алоҳида таъкидлаш керак. Чунки ҳозирги раҳбар ўзининг тор қобига ўралиб қолиб, фақат ўз хўжалиги доирасидан нарёғини кўрولмаса, партиямиз қўйган улкан вазифалардан келиб чиқиб иш тутмаса муваффақиятга эришиши қийин. Очерк қаҳрамони мана шунини яхши англаб олган киши сифатида тасвирланади.

Тўпلامдаги барча асарлар халқ хўжалигининг у ёки бу соҳасида меҳнат қилаётган кишиларимиз ҳаётдан ҳикоя қилувчи портрет очерклардир. Лекин бу асарларнинг ҳаммасини бир

хил савияда деб бўлмайди. Масалан, Ашурали Жўраевнинг «Орзу тонги», Бекмирза Маҳмудовнинг «Қуваликлар», «Самарқандлик муаллима» очеркларида ўз касбининг билимдони, ўз бахтини халқ бахти билан чамбарчас боғлаган коммунист Мусожон Шербўтаев, халқнинг эъзозли фарзанди даражасига кўтарилган муаллима Маҳкамой Нарайқуловаларнинг ҳаёти, меҳнат фаолияти тасвирланган. Бу очерклар энгил ўқилади. Аммо уларга бугунги савия, катта талаб нуқтаи назардан ёндашиладиган бўлса, жиддий камчиликлар мавжудлигини сезиш қийин эмас. Бу нуқсонлар нималарда кўринади?

Авалло «Орзу тонги», «Қуваликлар», «Самарқандлик муаллима» очеркларининг темаси, қаҳрамонлар тақдири, уларнинг босиб ўтган ҳаёт йўли турлича. Бироқ улардаги тасвир, ҳикоя услуби бир хил. Очерк қаҳрамонлари тер тўкиб меҳнат қилади, ҳузур ҳаловатидан кечиб елиб-югуради, тўсиқларга учраб қийналади, баъзан голиб чиқиб, катта обрў қозонади. Уйлаймизки, бундай схематик, китобхонни зериктирадиган, ҳаммага маълум тасвирлар аллақачон ўқувчиларни қониқтирмай қўйган. Чунки кўпчилик очеркларимизда бугунги ҳаётимиз бир ёқлама, юзак тасвирланмоқда. Масалан, китобга кирган «Одамдан яхши ном қолсин», «Шаҳар қурган йигит» очерклари қурувчилар ҳаётида ҳикоя қилади.

Тўғри, қурувчилар меҳнати машаққатли. Ҳозирги давримиз талаби, фан ва маданиятимиз юксалиши улар зиммасига катта масъулият юкламоқда. Ҳаётнинг ўзи уларни тер тўкиб меҳнат қилишдан ташқари, партия ва ҳукуматимизнинг ҳозирги талаби, халқимиз эҳтиёжидан келиб чиқиб ўйлашга, ишлашга, долзарб масалаларни дадил туриб, қийинчиликлардан чўчимай ҳал этишга ундамоқда. Бундай фидойи, республикамиз шаҳар ва қишлоқлари қиёфасини ўзгартириб, турли иншоотлар бунёд этиб, ҳаётимизни фаровон этаётган қўли гул қурувчиларимиз ҳар қанча таҳсинга арзийди. Аммо юқоридаги «Одамдан яхши ном қолсин», «Шаҳар қурган йигит» очерклари

ҳозирги даврда ҳаммани ўйлатадиган, катта ижтимоий аҳамиятга молик фикрлар майдони бўлган мавзуга чуқур кириб боролмайди. Унда СССР Давлат мукофотининг лауреати, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Исроил Орипов, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсунали Қаюмовларнинг қурувчилик касбини эгаллаб, жонбозлик билан қилган меҳнати туфайли эришган ютуқлари ҳақида шунчаки ҳикоя қилади. Ахир Исроил Орипов ҳам, Турсунали Қаюмов ҳам бундай шарафга осонликча эришмагандир. Улар қийинчиликларни энгиб, қарама-қаршиликларни ортда қолдириб, ўз ишининг мазмуни билан ҳам новатор қурувчи даражасига кўтарилган. Шунинг учун улар партия ва ҳукуматимизнинг таҳсинига сазовор. Бироқ мазкур очеркларда қурувчиларнинг жонли меҳнати ўзининг ёрқин ифодасини топган, деб бўлмайди.

Албатта, ёзувчи, жумладан, очеркчи ҳам аниқ репетлар билан асар яратмайди. Балки ўзи яхши биладиган, қалбига яқин темаларга муурожаат этиши мумкин. Лекин бу билан ёзувчи масъулияти энгиллашиб ҳам қолмайди. Чунки очеркчи ижтимоий ҳаётнинг жанговар позицияларида туриб, энг илғор, ўз касбининг новатори бўлган фидойи кишилар ҳақида ҳикоя қилибгина қолмай, ижтимоий турмуш тақозо этган ҳаётий муаммоларни ҳам дадил кўтариб чиқиши, уни чуқур таҳлил этиб, бор ҳақиқатни айтиши керак. Токи ундаги кўтарилган масалалар, айтилган фикр ва мулоҳазалар бошқалар учун ҳам маънавий, ҳам амалий аҳамиятга эга бўлсин. Бошқача қилиб айтганда, очеркларимиз ҳозирги даврнинг катта ижтимоий фикрларини айтиш дарди билан ёниши керак. Дадахон Нурийнинг «Ёшлик» журналида эълон қилинган «Шаҳар ўртасидаги бир туп оқ ўрик», «Шарқ юлдузи» журналида ёритилган Шокирали Нуралиевнинг «Бозор» номли социологик очерклари ана шундай долзарб масалаларни кўтаргани учун қизгин мунозараларга сабаб бўлди.

Хуллас, очеркчи қандай мавзунини қаламга олиб, уни қайси шаклда ифодалама-

син, асарда китобхонларга айтса арзийдиган фикри бўлиши керак. Бундан портрет очерклар ҳам мустасно эмас. Чунки очерк қаҳрамонлари ўз соҳасида бурилиш ясайдиган ҳоватар шахс бўлиши билан бирга, ахлокий пок, маънавий етув, руҳан бой бўлиб, ўзига нисбатан ўқувчида эътиқод туйғуларини рўёбга чиқариши, унда катта куч-қудрат, шижоат пайдо этиши, қалбига ўт ёқиши ҳам керак. Лекин афсуски, кўплаб яратилаётган портрет очеркларнинг қаҳрамонлари ўз ҳаётлари, ижтимоий фаолиятлар билан алоҳида ажралиб турмайдилар.

Тўпламдаги «Ирода», «Ҳаёт чорлайди» очерклари бундай талабларга жавоб беролмайди. Масалан, «Ирода» очеркининг қаҳрамони нефть конининг пармаловчиси Абдурахмон ака. Очеркда унинг босиб ўтган ҳаёт йўли қуйидагича берилди:

«Ёшлигида мактабда юз метрни ўн уч секундда босиб ўтган... водий тоғларини ўттиз йил кезган, нефть қудуқларини излаб топишда елиб югурган... у мастерлик қилаётган группа «Полвонтош» пармакашлари ўртасида байроқдор эди». Ёзувчи шундан кейин очерк қаҳрамонининг бахтсиз тасодиф туфайли бир оёғидан ажралиб азоб чекишлари, унга чидаб яна ҳаётга қайтиши, сўнг пенсияга чиқишлари ҳақида маълумот беради. Ҳатто Абдурахмон аканинг уйда ўтиришдан зерикиб, даштда янги очилган анорчилик совхозидан ўзига яраша иш излаб кетиши ҳам қайд этилади.

Абдурахмон ака каби оддий кишилар ҳам очерк қаҳрамони бўлиши, у ҳақда ёзиш мумкин. Лекин ёзувчи «ўттиз йил тоғу даштларда кезган» одамнинг ҳаётини уч жумлада қайд этмасдан,

унинг руҳиятига чуқур кириб бориб, қаҳрамон маънавиятидаги нозик идрокни, фикрий теранлик ва қалб гўзаллигини очиши керак эди.

Агар очеркка оддий хатхабардан фарқ қилувчи, катта ўзгаришлар янгилик ва ихтиролар кашф этиб, Ватанимиз бойлигига бойлик қўшаётган, фан ва маданиятимиз тараққиётига тертўкиб хизмат қилаётган ижодкор замондошларимизнинг жонли образини акс эттирувчи адабий жанр сифатида қаралса, «Ирода» очеркининг юзакилиги, ёзувчи қаламга олган воқеадан китобхон учун ибрат бўларли муҳим фикр чиқара олмаганлиги ўз-ўзидан аниқ бўлиб қолади.

«Ҳаёт чорлайди» очерки эса, ҳам мазмун, ҳам бадиий ифодаси жиҳатидан янада жўн ва нурсиздир. Шунинг учун атиги уч ярим саҳифа очеркни ўқиб тугатгунча ўқувчи зерикиб кетади.


Унинг қаҳрамони Султон исмли ёш йигит. Султоннинг мактабни битиргандан кейинги ҳаёти, касби, иш тажрибасини ёзувчи шундай тасвирлайди:

«У ўрта мактабни тугатгач, Қўқон суперфосфат заводига ишга кирди. Аввал оддий ишчи, кейин насос бўлимийнинг слесари бўлиб ишлади. Ундан кейин олтингугурт кислотаси цехида катта аппаратчи Мадраҳим Мамаражабовга шогирд тушди... У корхона қошидаги химия-технология билим юртини ҳам муваффақиятли тамомлаб олди. Уша йили Султоннинг яна бир орузи куртак очди. У Коммунистик партия аъзолари сафига қабул қилинди. Энди у катта аппаратчи... Она Ватан унинг заводдаги катта хизматларини тақдирлаб, кўксига Меҳнат Қизил Байроқ орденини тақиб қўйди».

Кўринадикки, Султоннинг мана шу «катта хизматлари» бадиий жиҳатдан ишонarli очиб берилмайди. Очеркни ўқиган китобхон завод тўғрисида, Султон ишлайдиган цех, коллективи ҳаёти ҳақида аниқ бир тасаввурга эга бўлолмайди. Энг муҳими, Султоннинг масъулият ҳисси кучли бўлган ёш мутахассис сифатида ҳаёт ҳақидаги қарашлари, инсоний муносабатлари, коммунистик эътиқоди такомиллашиб, характериининг асосий хусусиятларига айланиш жараёни, унинг тахлили йўқ. Ифода усули схематик бўлиб, таъсир кучига эга эмас.

Очеркда таъкидланишича, Султон актив жамоатчи, коллектив учун қайғурувчи одам. Ундаги бу хусусиятини ёзувчи очеркда Султоннинг Исмоил номли ёш йигитни интизомни бузганлиги учун мажлисда танқид қилганлиги ва иккинчи марта Исмоилни хушёрхонага тушишдан олиб қолиб тарбияланганлигини қуруқ ахборот тарзида айтмоқчи бўлади. Лекин бу гаплар жуда умумий, далилланмаган, ёзувчининг хоҳиши билан шунчаки бажарилаётганлиги сезилиб туради. Бир сўз билан айтганда, Султоннинг бундай хатти-ҳаракатлари ҳаётийликдан маҳрум. Борди-ю, ёзувчи бу ҳаётий, бўлган воқеа деб даъво қилган тақдирда ҳам, очерк қаҳрамони майда-чуйда нарсалар билан ўралашиб, юзаки фикрлайдиган, тушунчаси тор йигитга айланиб қолган. Шунинг учун ҳам бундай «қаҳрамонлар» бугунги гўзал ҳаётимиз, унинг яратувчилари бўлган фидойи кишиларимизнинг ёрқин қиёфасини аниқ ифода этолмайди.

Қодир ПИРМАТОВ,
филология фанлари
кандидати.



Ботирга ўлим йўқ

Вали Ғафуров. Ғафур Гулом номи-
даги Адабиёт ва санъат нашриёти.
Тошкент — 1985

Ёзувчи Вали Ғафуровнинг ижоди эл қалбига яқин. Адиб Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига «Ботирга ўлим йўқ» китобини чоп эттириб, хайрли иш қилди. Бу асарда совет кишиларининг мардонавор кураши акс эттирилган. Унда Ватан учун жон фидо этган юрт жангчилари ҳурмат-эҳтиром билан тилга олинади. Асарда ўзбек фарзанди — Совет Иттифоқи Қаҳрамони Абдулла Қурбоновнинг ҳаёти, жасоратлари ҳикоя қилинади.

Ёш бўлишига қарамай Абдулла дўсти Нишонли билан урушга кетади. Чунки унинг виждони душман Ватанини оёқ ости қилишига чидай олмади. У фронтда кўплаб дўстлар орттирди. Жарко Петросьянс, Бояркин, Сайфуллин, Люба, Алиев, Айтметов каби жангчилар унинг яқин қадрдонларига айланди.

Урушда мерганлиги иш берди, бу қобилияти туфайли кўп жангларда дўстларини ўлимдан сақлаб қолди. Абдулла кунларнинг бирида разведкага бориб душманнинг керакли ҳужжатларини қўлга киритди, бир неча бор немис офицерларини тутиб келишга муваффақ бўлди. Днепр дарёсидан кечиб ўтишда неча бор ўлимдан омон қолиб, топшириқни бажарди.

Асарда фронт орқасидаги мардонавор кураш тўла ифодаланган десак хато бўлмайди. Қаҳрамоннинг онаси Нишонбуви, синглиси Қумри, ҳамқишлоғи Ҳамида, механик Юрчен-

ко, Иван Васильевлар образи самимий чизилган.

Жанг қурбонсиз бўлмайди. Абдулла кўп ажойиб дўстларидан айрилди. Виктор Кровец, Квитков, Категин, Саша Сердюк, ва Павел каби сафдошлари қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Абдулла фашизмнинг аянчли ишларини ўз кўзи билан кўрди. Бегуноҳ совет болалари, хотин-қизлари, ҳалок бўлган дўстлари учун ёвдан ўч олди.

Асарда тарихий шахслар образи ҳам жонли тасвирланган. Генерал-лейтенант Ватутин, генерал-майор Ласкин, Бложко образлари ўқувчини ўзига жалб қиладиган образларга айланган. Булар ёзувчининг ютуғидир.

Асар сўнгида қаҳрамонимиз «Олтин юлдуз» билан юртига кириб келади. Ҳамқишлоқлари билан дийдор кўришади. Жангдан омон қайтган қаҳрамон уйланиб, 12 фарзанднинг отаси бўлади.

Лекин асарда камчиликлар ҳам йўқ эмас. Госпиталга тушмасдан олдин танишган ҳамширанинг кейинги ҳаёти нима бўлди? Унинг дўстлари Жарко, Айтметов, Люба тақдири ҳақида ҳам бир оғиз тўхталмаган.

Асар охирида Абдулла Қурбонов бир қанча қуролдош дўстларини учратади. Лекин ўзи жангда қутқариб қолган икки қизнинг ҳаёти билан асло қизиқмайди. Ахир улар Ўзбекистонга эвакуация қилинган эдилар-ку? Нега Абдулла акасининг ҳаёти билан сира қизиқмайди. Тўғри, асар акаси ҳақида эмас, лекин у қаҳрамоннинг жигарбанди-ку. Қайси ука ўз акаси ҳақида билгиси келмайди? Китобхоншулар ҳақида оз бўлса-да, маълумот олишни хоҳлайди.

Мамадиёр ХУДОЕРОВ,
қурувчи инженер.



БУЛИМГА ҒАФУР ҒУЛОМ АСОС СОЛГАН

Турсунбой Адашбоев Сомбреро муборак...

Шоир Қамбар Утаевнинг «Автомас-
лаҳат»ига жавоб.

«Алдагани бола яхши»,
Жуда қизиқ шиоримиз,
Йилда китоб чоп эттириш
Бизнинг аҳду қароримиз.

Бир устознинг беш номдаги
«Асарлари» бижиб ётар,
Ўқувчининг ғаши келиб,
Муқовасин йиртиб отар.

Қопга солиб келаётир,
Ана Комил, Рашид, Парда.
Чикит қоғоз учун керак,
Ўтмай ётгач, дўконларда.

Китобимиз тақдирини,
Сотувчидан сўрамаймиз.
Ўтмаса ҳам садқаисар,
Чўнтақдан пул тўламаймиз.

Нарвон етмай бурнимизга,
Зеб бергаймиз савлатга.
Ўйламаймиз қанча зарар
Етганлигин давлатга.

Чорлаб шоир, адибларни,
«Гулқайчи» бир ёқса машъал.

Болакайлар юракдаги
Гапларини айтса дангал.

Ёмон асар битганларни
Сўриларга ўтказилса:
Гул ўрнига уларга шар
Ва хўрозқанд тутқазилса.

Лойхўштагу кўзmunчоқдан
Ясатилса мўъжаз чамбар,
Холис хизмат қилиб турса
Икки ҳаммол, битта замбар.

Мусобақа «ғолиблари»
Эълон этиб, билдирилса,
Оқ эшакка терс миндириб,
Қоғоз дўппи кийдирилса.

Ушбу таклиф ноширларга,
Дейман, малол келмас асло.
Мунаққидлар қарсак чалиб
Қўллар, хафа бўлмас асло.

Иш вақти ҳам тугаб қопти,
Дўстим Қамбар Утайип.
Сомбреро қуллуқ бўлсин,
Хадра томон ўтайлик...

Абдумурод Раҳмонов

Роз

Тилшунос ошиқнинг севгилисига мактуби

Ассалом, эй жонона, қулоқ сол «бош гапим»га,
«Эргаш»тирма ортингдан жавоб ёзмай хатимга.
Икки кўзим «қўш нуқта» — йўлларингга муштоқдир,
Исканжада — қолди қалб, севги бу — «қўштирноқ»дир.
Ҳар кун қўлда гул тутиб, эгиламан «сўроқ»дай,

Кўрмадим ҳеч оғир дард бу дунёда фироқдай.
«Ундов» каби гердайиб, бир қайрилиб боқмайсан,
Сен — «ҳоким»сан, мен — «тобе», кўнай-кўнмай,

«Боғлайсан».

Ишқ болидан дил жомин «тўлдирувчи» ўзгинанг,
«Хабар» олмай «ҳол»имдан куйдирувчи ўзгинанг.
Севги йўли «содда»мас, экан жуда «мураккаб» —
Десам, дерсан оғриниб: бари ёлғон, «қўшма гап».
«Инкор» қилма севгимни, «тил»чинг розин сен уқ-да,
«Тасдиқ» этиб жавоб ёз, жудоликка куй «нуқта».



Абдуғани Абдувалиев

БИР АСАР ЁЗМОҚЧИМАН...

Мен бу дунёга биттагина асар ёзиш учун келганман. Ҳаваскор шоирлар доим «биргина шеър ёзмоқчиман», дейди-ю, лекин ўз аҳдида турмай, ўша биргина шеърдан кейин юзлаб бемаза шеърларни эълон қилади. Йўқ, мен унақа субутсиз эмасман. Мен битта асар ёзаман. У адабиёт осмонида ёруғ юлдуздек порлаб туради. Қаламга олинган мавзуим сир бўлса ҳам, гарчанд уни, ҳатто сарлавҳасини биров ўғирлаб қўймаса ҳам, тахминан айтишим мумкин: тошбақа ҳақида қалам табратмоқчиман. Албатта, у мажозий маънода бўлади, уни фақат ўзим тушунаман. «Мени асрлардан сўнг тушунади одамлар», деган экан шоир. Асарингизни тушунтириб беринг, дегувчи илтимослар кўпайса, майли. Мен шуни истайман...

Шундай қилиб, менинг асар устидаги биринчи иш куним бошланди. Эшик-деразаларни беркитаман, ёнимга ҳеч кимни йўлатмайман. Илҳом тулпорига миниб олганман. Бу тулпор олдида келганни тишлайди, ортидан келса, тепади... Мен тулпор устида ўтириб, қалам-қилични оқ қоғоз майдони узра энди ўйнатаман деб турсам, ҳозиргина бозордан келган хотиним ўқлогини ўйнатиб ижодхонамга бостириб кирди:

— Бўлди-е, уч ҳафтадан буён бир нарса ёзмоқчиман деб, ўйланг ўтирганингиз-ўтирган! Сиз ҳам эркак кишига ўхшаб бозор-ўчарга чиқсангиз-чи! Мени бўш фаҳмлаб, бир сўмга бир кило сабзи берди: Эҳтимол, сиздан сал ҳайқиб, икки кило берар! Мана, ачиган қулупнайни ҳам беш сўмдан олдим!..

«Да-а», дедим қиққат бўлиб ва қаламни ёнимга қўйдим. Кейин илҳом тулпоридан йиқилиб лат еган одамдек белимни ушлаб хаёл суриб кетдим: «Нега кейинги вақтда сабзавот ва мева маҳсулотлари қиммат бўлиб кетди?.. Нега қулупнайнинг нархи гўшга тенглашиб қолди?.. Баъзи мевалар нега кайиб кетяпти?.. Болалагимизда дўппимизни тўлдириб тут ердик. Шотутни минг дардга даво дейишарди. Тутлар қаёқда қолди?.. Раҳматлик бувимиз оми, гўл, содда кампир эдилар.

Шу содда бувимиз ғалати ривоятларни гапириб берардилар. Эмишки, тут асли пайдо бўлганда мевасиз дарахт экан. Кунлардан бир кун бир донишманд одам кимсасиз ерда, қуруқ дарахт остида бир-бирининг пинжига тикилиб, ўтирган ярим яланғоч етим бола-

ларни кўриб қолибди. «Бу биёбонда не қилиб ўтирибсизлар? — деб сўрабди донишманд. «Ота-онамизни душманлар ўлдириб, бизни шу ерга ташлаб кетишди!» — деб жавоб берибди болалар. Шунда донишманд ҳассасини ерга бир урган экан, сув отилиб чиқиб дарахт кўкариб, шох отибди. Кейин донишманд ёнидан бир ҳовуч марварид олиб ҳалиги дарахтга қараб сочиб юборибди ва «Тут!» дебди. Дарахт шохлари марваридларни тутиб қолибди. Шундан сўнг донишманд дарахтга меҳр билан тикилиб туриб: «Энди буларни боқ, кийинтир», дебди-да, йўлига равона бўлибди. Шундан бери тут одамларни едириб, кийдириб келаркан. Шунинг учун, содда бувимнинг айтишларича, уни марвариддек асраб-авайлаш керак экан... Жийда қаёқда қолдйкин, жийда?..

— Туринг, оқшом бўлди. Болани ўйнатиб келинг, овқатни қовуриб олай!

Келинойингизнинг шу буйруғидан кейин уҳ уриб турдим. Тошбақа ҳақидаги асар келгуси дам олиш кунига қолди. Мен фақат дам олиш кунлари ёзаман, қолган пайтларда ўйлайман...

Келгуси дам олиш куни эрталаб эшик-деразаларни ёпиб, хотинни бола-чақаси билан онасиникига жўнатиб юбордим-да, шифтга қараб анча хаёл сурдим. Ниҳоят, «Тошбақа» асарининг «Т» ҳарфини энди ёзувдим, ичкарига тошбақаникига ўхшаб калла сирпаниб кирди. Қалланинг гавдаси ташқарида турарди.

— Ҳа-а, ҳормасинлар, ижодми дейман! — деди у.

Бу калла қўшнимиз Самсоқвойга тегишли эди.

— Келинг-келинг, — дедим қаламни қулгимга қистириб. У гавдасини ичкарига олди.

— Маҳаллада мастава бор экан, — деб гап бошлади Самсоқвой. — Ҳой, тайёр маставага одам йўғ-а. Илгари мастава деса, бир маҳалладан камида юзта одам келарди, ҳозир етти маҳалладан етмиш киши ҳам келмайди. Одамлар тўйиб қолди.

Маставадан чиққандан кейин «Нега одамлар тўйиб қолди? Нега оқибатсиз бўлиб боряпти? Нега маърақа-маросимларда хизмат қилишдан кўра, қўл қовуштириб туришга мойил «силлиқ гумбазлар кўп?» дедим-у, хаёл суриб кетдим...

Бир маҳал ҳовлини қий-чув тутиб кетди. Югуриб келсам, хотин бошлиқ болалар кириб келяпти!

— Ҳа, нега дарров қайтдинлар? — дедим.
— Кечки овқатга уннаш керак. Ётиб қола-
миз, демагандик-ку? — деди хотин, гапни
сабзи тўғраётгандек ғарт-ғарт кесиб. Унинг
қоши чимирлиб, важоҳати ўзгариб борарди.
Кейин дабдурустан сўраб қолди:

— Неча қоғоз бўлди?

— Нима неча қоғоз бўлди?

— Ахир бугун ўйни сизга бўшатиб кетдик.
Нима ёзмоқчи эдингиз?

— Маҳалла ҳақида, одамларнинг оқибати
ҳақида, қорни тўйиб қолганлар ҳақида, нонни
тепкилаётганлар ҳақида ёзмоқчиман.

— Тутириқ, борми сизда? Қандайдир тошба-
қа ҳақида ёзмоқчи эдингиз шекилли?..

— Э-э, кал-ла! — дедим пешонамга шапати-
лаб. — Дарвоқе, тошбақа ҳақида эди.

— Жа, уйда ўтиравериб рангингиз ҳам
сарғайиб кетибди. Бундай ҳовлига чиқиб сув-
пув сешиб юборинг...

Ўзим ҳам толиқиб чарчаб турувдим, қоғоз-
қаламни йиғиштирдим. Қоғоздаги «Т» ҳарфи
келгуси яқшанбагача қолди. Бироқ яқшанба
келмай туриб мени пайшанба куниеқ икки ой
муддатга малака оширишга юборишди...

Икки ойдан кейин яна эшик-деразаларни
беркитиб, «Т» ҳарфи ёзилган қоғозни кўлимга
олдим. «Т» ҳарфининг ёнига энди «О»
ҳарфини ёзувдим, телевизор кўриб ўтирган
тўққизинчи синфдаги қизим ҳовлиқиб чақириб
қолди:

— Дада-а, бу ёққа чиқинг, пахта очи-
либди-и!

«Пахта нега очилади? Сентябрь бошланма-
ди-ку? Уқувчилар мактабда эмас-ку? Бу йил
терим масаласи қандоқ бўларкин?»

Нариги уйга чиқиб «Зангори экран»га
қарасам, қайсидир бригаданинг пахтаси ча-
мандек очилиб ётибди. «Да-а», деганимча
бирпас анграйиб турдим-да, ижодхонамга
қайтиб кириб кетдим. Кейин ўй суришга
тушдим: «Қайсидир мамлакатда пахта ёппаси-
га очилиб, бир марта териб олинаркан. Бизда

ҳам июль-августда териб олиб, бўшаган
далаларга сабзи-пиёз экса бўлмасмикин?
Яъни, бир майдондан икки ҳосил. Ана ўшанда
сабзавот, полиз экинларининг тоннаси беш
танга бўлиб кетарди...»

Шу хаёл сурганимча хуфтонда кўзим или-
ниб, донг қотибман. Қоғозда тошбақанинг
«То»си қолди... Келгуси яқшанбада — «То»
нинг ёнига энди «Ш»ни кўювдим, хотин шан-
филлади:

— Туринг, йиғма каравот топиб кўйинг, уч-
тўрт кун ичида қизингизни пахтага олиб
кетида!

Қаламни «тарс» этиб столга уриб, кўчага
чиқиб кетдим. Каравот йўқ экан, роса қи-
дирдим. Уч кундан кейин биров дарагини
айтувди, қишлоқ магазиндан топиб келдим.
Уша магазиндан хотиннинг илтимосига биноан
қизимизга этик ҳам олиб келгандим; «Марказ
ишлайдими?» Пахтага алтироқ этик киядими?
Кирза этик дедим-ку? — дея роса таъзимимни
берди маликаи дилором. Уҳ уриб яна кўчага
чиқиб кетдим...

Кейинги вақтда қаламнинг учини тишлага-
нимча нуқул пахтани июль ойида йиғиштириш,
бир майдондан икки марта ҳосил олиш,
ҳашарчиларни тинч қўйиш ҳақида ўйлайдиган
бўлиб қолдим. Шуни хаёл қилиб юрган
кунларимнинг бирида мени пахтага — ҳа-
шарга олиб кетишди...

Тошбақа ҳақидаги асарнинг «Тош» қисми
ёзилганича қолди. Пахта терими тугагач,
байрам бошланди... Кейин Янги йил. «Газнинг
босими пасайиб кетди», «Томнинг шифери
ёрилди» каби ташвишлар билан қиш ўтди.
Баҳорда одам ланж бўлади, ёзда мия қизийди.
Хуллас, ёзилмоқчи бўлган янги асар «Тош»ли-
гича турибди...

Лекин, бари бир, ёзаман. Бу асарнинг
маънисини битта ўзим биламан. У мажозий
маънода бўлади. Шуни ёзиш учун дунёга
келганман. Қалам ҳақи учун эмас. Дунёдан
шуни, кечирасиз, шу асарни ўйлаб ўтаман...

Абдурахмон Жўраев

Тақриз

(Ҳазил)

Кўлимизда Парвознинг
Илк тўплами — «Қуюнлар».
Шеърларида кун-тунлар,
Булут, чақмоқ, сел, ёмғир.
Баҳор, жавзо, тўкин куз
Ва бепоён дала-туз
Тийиқ рангда акс этган.

«Боғларда еллар ғир-ғир

Этиб, ажиб рақс этган».

Қандай жушқин сатрлар!

Маңа, яна бир мисол:

«Гулдан аңқир атрлар,

Шоҳда қушлар потирлар».

(«Сирдарёдан берида».)


«Манзаралар» шеърیدا
Ўркач-ўркач тоғ-қирлар
Ўхшатишган барханга,
Шафақ эса гўлханга.
Образ, ташбёҳлар рангин,
Ўкиб завққа тўлар кўз:

«Қояларда иссиқ муз,

Кўкда жовдирар юлдуз...»

(«Қузатганда баланддан».)

Хуллас, бу ёш таланрдан,
Гўзал шеърлар кутамиз.
Энди-чи, айрим, жузъий
Нуқсонларга ўтамыз...



Эчкининг онаси болаларининг қилмишидан койингандай майда-майда маъраб, уларни тартибга чорларди.

* * *

Оламни яшнатиб Наврӯз келди. Лекин билимдонлар қани? Кўз яшнапти, дил-чи? Шундайми?

* * *

Боласи кўпайгур товуқлар кўп ифлос маҳлуқ. Бир-бирини чўқиб, ўзи сув ичадиган тоғора зеҳига чиқиб олади, ахлатини ҳам сувга ташлайди. Бошини шартта-шартта узиб ташласанг ҳам ҳаққинг кетади бу зормандаларнинг, тухуми бор-да, бўлмаса...

* * *

Кўкрагини ерга бериб, тариллатиб отаётган битасининг устига ўзини бургутдай отди. Икки оёғидан олди-ю ердан шарт узиб, гир-гир айлантириб, дарахтга шунақаям урди! Ҳалигининг каскаси қонга тўлди. Кейин боши шилқ этиб тушганда юзига ағдарилди.

* * *

Раҳим ака ўз ҳовлисига Собит билан кирганида даҳлиз ёнида примус париллаб ёниб турар, унинг устига қўйилган қозонда даканг икки оёғини осмонга кўтариб қайнаб ётарди.

Хонтахтага қўйилган таомлар оддий кунниқидан унчалик фарқ қилмаса ҳам, қандайдир улуғворлик, гавжумлик касб этганди.

* * *

Аммо тонг ҳам узоқ эмас эди, уни кушларнинг овози бошлаб кирди хонага.

* * *

Унинг ўқи юракка тегди шекилли, рақибни бир шўнғиб қорға кириб кетди.

* * *

Ундан кўра ғанимнинг башарасига тик қараб, юрагингдагини рўй-рост айтиб ғурур билан ҳалок бўлқи, унинг қаҳри синсин қарашларингдан.

* * *

Муҳаммад Амин она тупроққа ястаниб, тинч, мангу уйқуда ётар, қор бўрони эса унинг тепасида йиғлаб айланар, юз-кўзларидан силаб ўпар ва ниҳоят душманларни ҳақорат қилаётгандай бақириб-бақириб ғойиб бўларди. Ғойиб бўларди-ю, лаҳза ўтмай, ўша даҳшат билан яна қайтиб келарди. Энди у Муҳаммад Аминдан сал нарида оғзи-бурнидан қон кетиб, ер тишлаб ётган душман лашкарининг башарасини кўргиси келмагандай қор уюмига кўмиб тепкилаб ўтарди уни.

Ҳозирги замон немис ҳажвиётдан

Х. П. Айглер

Шахсий айғоқчи

— Давом эт! — деди жаноб Мазерн буйруқ оҳангида ва қўллари билан столни асабий черта бошлади. У хотини хиёнат қилганига қаттиқ ишонганди.

— Ҳафта охирида маликаи дилоромингиз холаси билан Земмеринг боғида дам олди, — хабар қилди шахсий алоқачи. — Умуман олганда, ёши анчаларга бориб қолган, лекин ўта кетворган ёқимли аёл экан. Биласизми, мен унга сўз қотгандим, у бўлса мени...

— Холасига тил теккизма! Лўнда қилиб гапир! Хотиним қанақа эркаклар билан учрашадми?

— Ҳа, айтгандек, официант бир неча марта келганди. Буюртма олиш учун. У ҳам анча қари. Хотинингиз бифштексни роса хуш кўраркан. Ширинлик масаласига келсак...

— Аммамнинг бузоғи, жуда латтачайнар экансан-ку! — айғоқчининг гапини чўрт кесди жаноб Мазерн. — Мақсадга ўт, муддаодан сўзла!

— Икки марта кинода бўлди. Елғиз. Бир марта тиш доктори ҳузурида. Бу сафар ҳам танҳо ўзи. Ҳар эҳтимолга қарши, мен ҳам эргашиб ичкарига киргандим, «хе» йўқ, «бе» йўқ, ақл тишимни суғуриб ташласа бўладими ярамас. Чамамда, жуфти ҳалолингиз сизга бевафолик қилишни ҳатто қизлик пайтида ҳам хаёлига келтирмаган! Бир кун у дугонаси билан майда-чуйда олгани чиқди. Жума кuni бўлса, ўзингиз билан барда ўтирди. Сиз билан бирга бўлса-да, қадам-бақадам кузатавердим. Тўғри қилибманми?

— Нимаси тўғри, галварс! Сен ношудга неча марталаб тайинлагандим: мен билан юрганда, турганда, ўтирганда, ҳатто ётганда кузатмагин деб! Мен унинг ёнида бўлмаган пайтлардагина уни кузатгин демабмидим? Ушандан буён хотиним бирон эркак билан юрдими? Ким билан? Қачон? Қаерда? Мана шулар ҳақида ахборот бер, каллаварам! Қани, ҳаммасини тўқиб ташла-чи!

— Жаноб Мазерн, сиз учун деярли ҳеч қанақа шубҳали маълумот топмадим. Биласизми, хотинингиз битмас-туганмас хазина. Иффатли, вафодор. Дугонаси, қари холаси ҳамда итидан бўлак ҳеч қанақа эркак билан юрмайди. Кўрганим ҳам, сезганим ҳам шу!

Бир оз ҳовури пасайгач, жаноб Мазерн столни мамнунлик билан силай бошлади:

— Юрмаса, нур устига аъло нур! Жуда яхши, жуда соз! Катта раҳмат! Хизмат ҳақини ол, марҳамат!

— Жаноб Мазерн, ҳақ олсам, одобдан бўлмаса керак деб ўйлайман. Сиздан хизмат ҳақи олмасликка қарор қилганмиз. Ўйлайманки, ҳар иккаламиз ҳали ёшмиз, ўзимиз ишлаб...

Жаноб Мазерн бетоқат бўла бошлади: — Нималар ҳақида гапираяпсан? «Бизлар» деб кимни назарда тутаяпсан яна? Бу билан нима демоқчисан?!

— Биласизми, жаноб Мазерн, мени кечирасиз-у, бир кўришдаёқ хотинингиз нақд жигаримдан уриб қолган. У ўзини шунчалик яхши тутадики, ўз йўлига шунчалик тўғрики, сиздан бўлак, қасам ичиб айтаман, бирон эркак зоти билан ҳамсухбат бўлган эмас. Бир куни кинога шайланаётганда: «Салом, фройлен!» дедим илтифот билан. У ҳам менга кутилмаганда: «Мен сизни кўпдан бери танийман, ҳатто сизни қайси бефаросат ёллаб, изимдан қўйганини ҳам яхши биламан!» деб юборса бўладими! Уртамизда ҳамма нарса ойдинлашгач, ўша кеча иккимиз кинога тушдик, сўнгра биргаликда кечки овқатни баҳам кўрдик. Шахсий айғоқчилигим туфайли топиб олган муҳаббатимни сизнинг собиқ, севимли хотинингиз сўзсиз тан олишга қаттиқ ишонаман. Кеч кузақда, насиб қилса, жаноб Мазерн, тўйимизга марҳамат!

Ф. К. Вейскопф

Ота ўғли

Бу ўйинни мен ўйлаб топганмасман.

Бир куни тўрт ёшли ўғлим ёнимга келди-да: «Дада, сен менинг ўғлим бўлишни хоҳлармидинг?» деб сўраб қолди. Бу саволдан бир оз ҳайратланган бўлсам-да, розилик бердим. «Бўлмаса, мен сенинг отангман?» қўшимча қилди ўғилчам. «Қани, болакай, қўлингни берчи!» дея кескин гап бошлади у, мен эса кулиб юбораёздим. Мен эндигина йўлни кесиб ўтаётганимда, у қўрқиб: «Тўхта! Кўчадан ўтма, машина келяпти!» деб қичқириб юборди. Гарчи машина ҳали юз қадамча узоқда бўлса-да, мен тўхтаб, кутиб турдим. Ўғилчамнинг бу қилиғи берган тарбиянинг меваси эканлигидан кўнглим анча кўтарилди. Қара-я, берган насиҳатларим қанчалик миясига сингиб кетибди, дея ҳаёлимдан ўтказдим. Боғда чўнтагимдан гугурт билан сигарет олиб, энди тутатмоқчи бўлганимда: «Бу болалар учун ўйинчоқ эмас!» деб силтаб ташлади-да, гугуртни қўлимдан олиб қўйди.

Шундан сўнг ерга энкайиб, бир дона ўтти юлиб, сигарет ўрнига ҳали оғзимга элтмасданок: «Қани, тирранча, зудлик билан ташла-чи! Ким билади, бу ерга кимдир...» дея онасининг овозига ўхшатиб бақирди. «Дада, мен жуда чанқадим», дедим суҳбатни бошқа ёққа буришга ҳаракат қилиб. «Сен ҳар доим бирон нарсани топиб турасан!» дея жеркиб жавоб қилди у.

Ўғлимнинг барча қилиқларига норозилик билдирмоқчи эдим, лекин иккаламининг ўртамиздаги ўйин эсимга тушиб: «Дада, юринг, бир стакандан сув ичайлик!» дедим.

«Жим бўл, бу тўғрида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас! Уйга борганингдан сўнг чой ичасан! Йўталаётганинг эсингдан чиқдимми?» деди у бувисига ўхшаб қатъий оҳангда. Мен ҳақиқатан ҳам жуда чанқаган эдим. Чанқоғимни босиш ниятида, эгилиб турган олма шохидан бир дона олмани узиб, оғзимга обормасданок, унинг жаҳл билан: «Касалхонага тушмоқчимисан? Улгинг келдими?» деб қичқирган товуси эшитилди. Суҳбатимизни иккинчи марта бошқа ёққа буришга уриниб: «Дада, менга филдирақчали от олиб беринг», дедим болаларга хос оҳангда.

— Баҳорда!

— Баҳор аллақачон ўтиб кетди-ку!

— Ёзда!

— Ҳозир ёз-ку!

— Қачон ҳаво иссиқ бўлса!

— Қарагин, қуёш қандай қиздирыпти!

— Гапни кўпайтирма!

— Дада! Дада!

— Жигимга тегма! Филдиракли от ўрнига бир жуфт шапалоқ еб қолма тагин!

Унинг важоҳати бузуқ, кўзлари ҳаяжондан ёнар, хўмрайиб қараб турарди...

Шу ерга келганда мен ўйинни тўхтатдим.

Г. Рослер

Тажрибали эр

Хайиц Клуге исмли қўшним яқинда уйланди. У хотини билан жуда тотув яшар, ҳатто бозор-учарга ҳам бирга борар эди. Бир куни уларни бозорда корхона маҳаллий комитети раиси

учратиб қолди. Бу тасодифий учрашувга Хайиц Клуге эътибор бермаганди, лекин бир неча кундан сўнг комитетга чақириб қолишди.

— Жаноб Клуге, бугун клубда «Соғлом

нийкоҳ — соғлом оила» мавзуида маъруза уюштирмоқчимиз. Сиз ҳам бир-икки оғиз гапирсангиз.

— Қўлимдан келмайди-да, — деди Клуге. — Докладни лектор ўқиши, керак. У фан кандидати.

— Зиёни йўқ. Сиз ўз назариянгизни амалиётда исботлайсиз!

— Ахир мен яқинда уйландим-ку, уч ой бўлди, холос. Ҳали сўзга чиқиб гапиришга тажрибам озлик қилади.

— Камтарлик қилманг — бармоғини бигиз қилиб ўдағайлади раис. — Бозорга хотинингиз билан бирга борасизми ахир?

— Ҳа, бораман.

— Уй-рўзгор юмушларини бажаришда хотинингизга қандай ёрдам кўрсатаётганингизни гапириб берасиз. Баъзи эркаклар уйда у ердаги чўпни бу ерга олиб қўймайди.

Хайицнинг нутқи жуда зўр чиқди. Фан кандидатининг икки соатлар чамаси чўзилган зерикарли маърузасидан сўнг Хайиц Клугенинг ҳаётий тажрибадан келиб чиқиб айтган қизиқарли гаплари аллақачон уйкуга кетган тингловчиларни уйғотиб юборди.

Шаҳар радиокomiteти мухбири Хайиц Клуге нутқини «Биз хотинларимизга қандай

кўмаклашамиз?» номли эшиттириш учун магнит лентасига ёзиб олиб кетди.

Эртасига мусобақадош корхонадан Хайиц Клугега «Оилани мустаҳкамлаш» мавзусида маъруза қилиб беринг, деган таклифнома келди. У бу вазифани адо этибоқ мебелсозлик фабрикаси қошидаги клубга маданий ҳаёт мавзусида маъруза ўқишга шошилди. Унинг ҳар бир чиқиши тингловчиларда катта таассурот қолдира бошлади. Шу боисдан номига ўнлаб таклифномалар тинимсиз ёғилиб келарди.

Маърузаларга тайёрланиш учун, табиийки, кўп вақт сарфланарди. Баъзи кечалар у нарис билан уч-тўрт соат ухларди холос.

Утган ҳафта Хайицни бозордан ёлғиз ўзи майда-чуйда олиб келаётганда кўриб қолдим.

— Хотинингиз қани? — сўрадим ҳайрон бўлиб.


— Кетиб қолди, — эснаб жавоб берди у. — Бу аҳволга ортиқча чидай олмасмиш. Кечирасан, шошиб турибман. Кечқурун геологлар ҳузурида «Биз бахтли оила қурамиз» мавзусида маъруза қилишим керак.

Немис тилидан **Бойхўроз МАМАТҚУЛОВ** таржималари.

РАССОМ ХАНДАСИ

Сўзсиз сурат.

Рассом **Рауф АҲМЕДОВ**



мундарижа

Анвар Эшонов. Коммунист	3
КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЕТГА	
Ваҳром Раҳимов. Ер — сийлаганники	6
Ҳамидулла Иброҳимов. Ихтиромиз — деҳқонга мадад	7
ШЕЪРИЯТ	
Ҳалима Худойбердиева. Кўнгил уйингизга кирдим мен	8
Гулчеҳра Жўраева. Шеър уқийман сенинг кўзингда	28
Жонибек Қувноқ. Наврўз таронаси	84
Ғулом Исмоилов. Уфқдан гулоб ичиб	86
НАСР	
Маматқул Ҳазратқулов. Журъат. Қисса	35
ҲИКОЯЛАР	
Фарҳод Мусаџонов. Кўргулик	17
Тоҳир Малик. Курорт	73
МУШОИРА	
Қизлар дафтаридан	61
ҲИКОЯЛАР ХАЗИНАСИ	
Михаил Шолохов. Хол	89
ЖАҲОН АДАБИЕТИ ДУРДОНАЛАРИ	
Габриэль Гарсиа Маркес. Юз йил танҳоликда. Роман. Охири.	95
Исикава Такубоку. Шеърлар	167
ДАФТАРЛАРДА ҚОЛГАН САТРАЛАР	
Раъно Узоқова. Учрашув. Ҳикоя	155
БИЗНИНГ КАЛЕНДАРЬ	
Самад Вурғун. Юлдузли бир дунё	157
ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ	
Шароф Жамолов. Далаларга талпинар қалби	161
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» АНКЕТАСИ	
Дилдаги гаплар. Пиримқул Қодиров, Яйра Саъдуллаева, Саъдулла Сиёев, Эркин Аъзамов	171
БОЛАЛАР ДУНЕСИ	
Саодат Пўлканова. Тинчликни истаб	179
ТЕНГДОШЛАР — ТЕНГДОШЛАР ҲАҚИДА	
Усарали Нишонов. Шеърга кўчган туйғулар	180
АДАБИЙ ТАНҚИД	
Собир Мирвалиев. Давр ва адабий танқид	183
Раҳматилла Иноғомов. Кўнгил бермиш сўзумга	188
МАҲОРАТ МАКТАБИ	
Хибзиддин Муҳаммадхонов. Ҳақгўйлик ва теранлик	192
ТАҚРИЗЛАР	
Нуриддин Шукuroв. Камолот йўлида	196
Қодир Пирматов. Бунёдкор кишилар тасвири	197
АСАРНИ КИТОБХОН БАҲОЛАЙДИ	
Мамадиёр Худойеров. Ботирга ўлим йўқ	200
ГУЛҚАЙЧИ	
Турсунбой Адашбоев. Сомбреро муборак	201
Абдумурод Раҳмонов. Роз	201
Абдуғани Абдувалиев. Бир асар ёзмоқчиман	202
Абдурахмон Жўраев. Тақриз	203
ҲОЗИРГИ ЗАМОН НЕМИС ҲАЖВИЕТИДАН	
Х. П. Айглер, В. К. Вейскопф, Г. Рослер ҳажвиялари	204



Рассом Боён ХАЙБУЛЛИН
Она меҳри.

На узбекском языке
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

[Звезда Востока]

№ 3

Орган Союза писателей Узбекской ССР

Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства ЦК КП Узбекистана Ташкент — 1986

Рассом Х. Лутфуллаев. Техник редактор М. Аҳмедов. Корректор А. Ҳайдаров.

Редакцияга келган бир босма тобоқчада бўлган материаллар авторларига қайтарилмайди. Журналдан олинган материалга «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Теришга берилди 10.01.86 й. Босишга рухсат этилди 13.02.86 й. Қоғоз формати 70×100¹/₁₆. Р-08586. Фотонабор. Офсет босма усули. Физ. листи 13. Шартли босма листи 18,55. Нашриёт ҳисоб листи 20,2. Тиражи 165134. Заказ 2584

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмаҳонаси. Тошкент — П. Ленин проспекти 41.

© «Шарқ юлдузи», 1986.

Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.